

66.3
0-86

Садулла
Отмуратов

Глобаллашув ва
миллий-маънавий

ХАВФСИЗЛИК



66

0-

y g-4.

САДУЛЛА ОТАМУРАТОВ

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИК

(Сиёсий-фалсафий таҳлил)

Иккинчи нашр



N 2336 - 175 .

NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT-RESURS MARKAZI
№ 143231
2014.12 10

ТОШКЕНТ — «O'ZBEKISTON» — 2015

УЎК: 321.(575.1)
КБК 66.3(5Ў)
О 86

Тақризчилар:

Б. Р. Каримов
фалсафа фанлари доктори, профессор

В. А. Алимасов
фалсафа фанлари доктори

Ш. И. Хаитов
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иброҳим Муминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг Илмий кенгашида муҳокама қилинган ва чоп этишга тавсия қилинган (2011 йил, 30 сентябрь — Баённома №8).

ISBN 978-9943-01-909-6

© С. Отамуратов, 2013, 2015

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2013, 2015

МУҚАДДИМА

Инсоният ҳар доим зиддиятлар ва хавотирлар гирдобида яшаб келган. У ўз бошидан жаҳон урушлари, янро қуролилари хавфи, турли табиий ва техноген фожиа­ларни кечирган, улар бугун ҳам давом этиб кел­моқда. Бугун у ўзининг таъсир кучи билан юқорида келтирилган хавфлардан кам бўлмаган глобаллашув­нинг хавф-хатарларига дуч келмоқда. Асосий хавф шундан иборатки, у юксак ривожланган мамлакатларга энди тараққиёт йўлига кириб бораётган мамлакатлар­даги миллатлар ва элатларни қарам қилиш, уларнинг маъ­навий бойликларини қўлга киритишда қиргинбарот қурол кучи билан эмас, балки ўзларида мавжуд бўлган фан ва техника, технология ютуқларини оммалаштириш, инвестициялар киритиш, иқтисодий интеграцияни жа­даллаштириш каби омиллардан фойдаланиш воситасида уларнинг онги, қалби ва руҳиятини эгаллаш, охи­рокда улар устидан ҳукмронликни тўла ўрнатиш им­кониятини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Кўри­нишидан, ҳар икки томон ҳам глобаллашув жараёни­дан манфаат кўраётгандек бўлса-да, амалда асосий манфаатни катта интеллектуал салоҳият, фан-техника, технология ютуқлари ва замонавий оммавий комму­никацияларга эга бўлган мамлакатлар кўрмоқда, бунга эга бўлмаганлар эса ана шу тараққий этган мамлакат­ларга ўзлари охиригача англаб етмаган ҳолатда уларга боғланиб қолаётир. Негаки, глобаллашув замирида ге­ге­монлик гоёси мавжуд бўлиб, турли мазмунда, жумла-

дан, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий каби соҳаларда ўзини намоён этиб келмоқда. Бунинг натижасида тараққиёт йўлидан бораётган ва ривожланаётган мамлакатлар, миллатлар, эллатларнинг миллий маънавияти ва моддий имкониятлари глобаллашувнинг қурбонига айланмоқда.

Глобаллашувнинг тобора авж олиши миллий маънавиятларга қарши таҳдидларнинг кучайишини тезлаштирмоқда, уларнинг ўзига хос хусусиятларининг заифлашувига ва юксак тараққий этган мамлакатлар ҳамжиҳатликда шакллантираётган «оммавий маънавият»га сингиб кетиш хавфини юзага келтирмоқда.

Миллат инсонлар жони ва қони билан яратилган олий қадриятлардан биридир, унинг маънан ўлиши эса муқаррар равишда бутун инсониятнинг жисмонан ўлишига ҳам олиб келади. Шунинг учун ҳам миллатни асраш учун, унинг асосий кучи — «мен»ини таъминлайдиган маънавиятини асраш глобаллашувнинг авж олиши шароитидаги ўта муҳим миллий манфаатларга молик вазифага айланиб бормоқда. Чунки, у жадаллашгани сари миллий маънавиятларга нисбатан хавфхатар ва таҳдидлар ҳам ошиб бормоқда. Бунга бефарқ бўлиш эса, эртага миллий маънавиятни асраш учун кеч бўлиши мумкинлигини бугунги миллий маънавиятимизнинг тобора емирилиш жараёни тасдиқламоқда.

Шу маънода сиёсий-фалсафий тушунчалар тизими-га мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири сифатида «**миллий-маънавий хавфсизлик**» тушунчасини киритиш таклиф қилинмоқда. Чунки уни таъминлаш фақат миллий маънавиятни асраш билан чекланмайди, балки унинг қамрови кенг бўлиб, у яхлит ҳолда **бутун миллий хавфсизликни таъминлашни қамраб олади**. Миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий ҳалқасини, негизини ташкил этади. Чунки миллий маънавий онг, дунёқараш, руҳият, қалб ва ахлоқ кабиларни ўзида мужассамлаштирган. Улардаги ўзгаришлар табиий равишда жамият-

нинг сиёсий, ижтимоий ҳаётида, мамлакатдаги барқарорликда содир бўладиган муносабатларда ҳам ўз инфоасини топади. Шу маънода миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш ҳар бир ватандошимиз онгида ватанпарварлик, она Ватанимизнинг чегара дахлсизлигини асраш, халқпарварлик, ўз халқи, Ватани манфаатлари йўлида фидойилик, унинг барқарорлиги, нуфузини асрашда масъуллиқ, гурур, ифтихор, ёшларимизни ёвуз гунаҳлар тажовузидан ҳимоя қилиш мамлакатимизда маънавий руҳий юксакликни таъминлаш зарурлигини англаб етишдек муҳим вазифаларни ҳал қилиш имконини берди. Маънавияти қашшоқ инсон, миллат ва халқда ана шу туйғулар мавжуд бўлмайди, у руҳан тушкунликка мубтало бўлган, ўзгаларга итоаткор, уларнинг орқасидан боришган бўлиб қолади. Келтирилганлардан кўриниб турибдики, маънавиятнинг емирилиши, унинг барбод бўлиши бошқа барча соҳаларнинг ҳам барбод бўлишига олиб келади. Шу маънода ҳам Президентимиз Ислом Каримов: «Маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажagini таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охири-оқибатида жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин!»¹ — деб, таъкидлайди. Бундан маълум бўладики, бугун миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш, амавий адамиятга молик бўлган масалалардан бирига айланди.

Глобаллашув инсоният тараққиёти бугунги босқичининг маҳсули, унинг ўзи «мавҳум», у фақат инсоннинг ақл-заковати, истеъдоди ва тинмай қилган меҳнати эъзига фан, техника, технология, замонавий коммуникация ютуқлари таъсирида моддий кучга (реал буюмликка) айланди ва жараён сифатида ривожланмоқда. Бугун жамият ҳаётининг турли соҳаларида ҳам глобаллашув жараёни кузатилмоқда. Шунинг учун ҳам

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 12-бет.

уни тўхтатиш, олдига тўсиқ қўйиш ғоясини илгари суриш ғайриилмий қарашнинг ифодаси ва амалиётини таклиф қилиш эса унинг мазмун-моҳияти, куч-қуввати ва имкониятларини англаб етмаганлик белгисидир. Глобаллашув инсоният ақл-заковати, иқтидори ва тинмай амалга оширган меҳнати эвазига фан, техника, технология, замонавий коммуникациялар таъсирида ҳаракатга келаётган жараён бўлиши билан бир вақтда, ана шу омилларнинг неъмати ҳамдир. Шу жиҳатдан қараганда, у инсониятнинг юксак тараққиёти ва янги тамаддуни (цивилизацияси) ҳамдир. Чунки инсоният ҳам ўз тараққиёти тарихида эриша олмаган ютуқларни бугун унинг имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда қўлга киритмоқда. Аммо бу ютуқлар миллатлар тараққиёти, уларни асраш, демак, бутун инсониятнинг умрини узайтиришга яна қанча муҳлатгача ижобий таъсир ўтказиши мумкин, деган саволга бугун аниқ жавоб бериш муаммолигича қолмоқда. Лекин шуниси аниқки, юқорида қайд этилган ютуқлар бугунги тараққиётга қанчалик ижобий таъсир ўтказаетган бўлмасин, унинг «оммавий маънавият»ни шакллантириши ва уни тараққиёт йўлига кириб бораётган миллатлар миллий маънавиятига сингдиришга ўтказаетган таъсири билан солиштирилса, инқирознинг тоши оғирлашиб бораётганлиги кузатилмоқда. Чунки «оммавий маънавият» таъсирида миллий маънавият барбод бўлади, жамиятда беқарорлик келиб чиқади ва қўлга киритилган ютуқлар ўз-ўзидан барҳам топади. Шунинг учун ҳам глобаллашувнинг авж олиши шароитида, миллий маънавиятни салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш фақат унинг ўзи билан чекланмайди, унинг қамрови кенг, уни асраш орқали бутун жамиятнинг барқарор тараққиётига эришиш мумкин бўлади.

Аммо тараққиёт йўлидан бораётган миллатлар, жумладан, миллатимиз вакиллари бугун глобаллашувнинг авж олиш шароитида миллий маънавиятимиз

қандай таҳдидларга дучор бўлаётганлигини оммавий тарзда англаб етмоқдаларми деган саволни қўядиган бўлсак, унга салбий жавоб бераётганлар, ўртача ҳисоблаганда, уларнинг учдан икки қисмига яқинини ташкил этади. Бу кўрсаткичда, айниқса, ёшларнинг ҳиссаси каттароқ эътиборга эришилган бўлмоқда. Глобаллашув жараёни ва оммавий коммуникациялар орқали кириб келган турли соҳалардаги ютуқлар эйфорияси таъсирида «оммавий маънавият» миллий маънавиятимизни ўзига сингдириб бораётганлигини англаб етмаётганлар кўпчилигини ташкил қилаётганлиги туфайли, миллий маънавиятимизнинг истиқболи қандай хавф-хатарда қолиши мумкинлигини тасаввур этиш мураккаб кечмоқда. Бу хавф-хатарлар ҳозир тўғридан-тўғри ўзини моддий ютуқ сифатида намоён этмаётган бўлса-да, тараққий этган мамлакатларнинг фан, техника, технология соҳасида эришган ютуқлари, улар киритаётган капиталлар орқали миллатдошларимиз, айниқса, ёшларимизнинг ва қўлига кириб келмоқда ва уларнинг бу жараёнларни англаб олиши мураккаб кечмоқда. Чунки бозор муносабатларига ўтиш шароитида биз уни хоҳлаймизми йўқми, барибир маънавиятга қараганда моддий манфаатдорлик устувор даражага кўтарилади. Худди шунда шу вақт ютқазиб вазиётини келтириб чиқаради. Бу, ўз навбатида, миллий маънавиятнинг истиқболини хавотир остида қолдиради. Буни миллатлар тўла англаб етиши учун эса моддий фаровонлик даражаси, ҳеч бўлмаганда, юксак тараққий қилган миллатларнинг даражаларига яқин, интеллектуал салоҳиятда тунгашуви, уларнинг фан-техника, технологиялари ютуқларидан фойдаланишлари билан бир вақтда, ўзлари ҳам ана шу соҳада ўз муваффақиятларига эга бўлиб, уларни хорижий мамлакатларга экспорт қилиш даражасига етиб келиши лозим бўлади. Албатта, вақти келиб, бугун тараққиёт йўлидан бораётган миллатимиз ана шундай ютуқларни қўлга киритишга етиб келади. Аммо бу ердаги асосий муаммо — глобаллашув ҳаёт ритмла-

рини шиддат билан тезлаштирмоқда, юксак тараққиётга эришган мамлакатлар содир бўлаётган ўзгаришларнинг олдинги сафларида бормоқда, у юзага келаётган янги имкониятлардан фойдаланишга улгурмоқда, табиий равишда тараққий этиб бораётган мамлакатлар ана шу давлатларнинг ортидан боришга мажбур бўлаётганлигини кўришимиз мумкин. Яъни, миллий маънавият тараққиётига, унинг истиқболига қарши қаратилган таҳдидлар, бир томондан, юксак тараққий этган мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорликда шакллантираётган «оммавий маънавият», уларнинг фан-техника, технология соҳаларидаги ютуқлари киритаётган инвестициялари ва замонавий коммуникациялари билан бирга кириб келаётган бўлса, иккинчи томондан, тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатларнинг фан-техника, технология соҳасида ўзлари замон талаби даражасида янгиликлар яратишдан кўра, тайёридан фойдаланишга бўлган мойиллигининг ошиб бориши натижасида глобаллашув жараёнида тенг қатнаша олмаётганлиги билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Албатта, бу миллатимиз ана шу соҳаларда катта ютуқларга эриша олмайди, дегани эмас, аксинча, унинг интеллектуал заминлари мустаҳкам, аجدодларимиз жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшган, бу заминлар бугунги ўзгаришларнинг шаклланишида ўзига хос ҳисса қўшиб келмоқда. Аммо глобаллашувнинг авж олиши шароитида юксак тараққий этган мамлакатлар даражасида тенг қатнашиш учун маълум вақт керак бўлади. Худди ана шу вақтдан барча соҳаларда ютуқларни қўлга киритишда миллий маънавиятимизнинг ўзига хослигини сақлаган ҳолда самарали фойдаланишимизга зарурият кучаймоқда. Вақт эса кутиб турмайди, у жуда тез кечиб бормоқда, у дунёни шиддат билан ўзгартирмоқда. Миллий маънавиятни унинг салбий таъсиридан ҳимоя қилишда миллат вакилларининг огоҳлиги, сергаклиги ва ўзлигини асрашда ўзида мавжуд бўлган имкониятдан самарали фойдаланиши, ўзгараётган замондан

продан қолмаслик учун вақтдан ютиш зарурлигини англаб етиши талаб этилмоқда. Бу ўринда ижтимоий бефарбарлик масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади, негаки хушёрлик, огоҳлик, сергаклик, кўнражавоблик, ижтимоий фаоллик айнан ижтимоий бефарбарлик намунасида яққол намоён бўлади.

Юқорида келтирилганларни шартли равишда миллий маънавиятимиз хавфсизлигини таъминлашнинг маданий жиҳатлари сифатида қарайдиган бўлсак, унинг беф маънавий омиллари ҳам мавжудлигини назарда тутмоғимиз зарур. Улар миллатдошларимизнинг онги, дунёқараши ва дунё миқёсида шаклланаётган «оммавий маънавият»га бўлган муносабатларида ўз ифодасини топади. Адолат юзасидан шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида улар онги, дунёқарашида катта ўзгаришлар содир бўлди, миллий-маънавий меросимизни ўзлаштиришга бўлган интилишлари кучайди, миллий урф-одат, анъана, ва қадриятларимизнинг қайта тикланишида фаол иштирок этиб келмоқда. Айниқса, ёшларимиз онгида миллий гурур, ифтихор ва ватанпарварлик туйғулари ривожланиб келмоқда. Аммо миллий маънавиятимизда бўлган бундай ижобий муносабатлар билан бирга, айрим миллатдошларимизнинг унинг истиқболига бефарқлик, «оммавий маънавият»ни ўзлаштиришга мойиллик, ҳатто унинг оммавийлашиб боришига ҳисса қўшишда гоҳида пилиб ёки билмасдан иштирок этишдек аянчли ҳолатлар содир бўлмоқда. Бу жараёнда кўпчилик ёшларимиз онгида шаклланаётган мойилликнинг кенгайиб бораётганиги миллий маънавиятимиз истиқболига нисбатан ички хавф ҳам юзага келаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ички хавфлардаги ўзак муаммолардан бири ёшларимизнинг бир қисмининг «оммавий маънавият» таъсирига тушиб қолаётганлигида намоён бўлмоқда. Агар

бугунги ёшларимизнинг эртанги кунда миллий маънавиятимиз истиқболини таъминловчи асосий куч эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, маънавиятимизнинг келажаги катта хавф остонасида эканлигини тасаввур этиш мумкин бўлади. Албатта, гап уларни айблаш ҳақида бораётгани йўқ, балки бугун ёшларимизнинг миллий маънавиятга нисбатан тез ўсиб келаётган эҳтиёжларини қондира олмаётганимиз ҳақида бормоқда. Бу салбий ҳолатларнинг бугун олдини олмас эканмиз, эртага уларнинг миллий заминларимиздан бутунлай узилиб қолиши мумкинлигини назарда тутадиган бўлсак, миллий маънавиятимизни «оммавий маънавият» таъсиридан асраш миллатни асрашдаги стратегик вазифага айланмоқда.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, глобаллашувнинг авж олиши шароитида миллий маънавиятимизга нисбатан ташқаридан ва ичкаридан хавф-хатарлар кучайгандан кучаймоқда. Бугун бизда унинг олдини олишнинг барча имкониятлари мавжуд, фақат улардан самарали фойдаланиб, миллий маънавиятимизнинг хавфсизлигини таъминлаш ва унинг барқарор ривожланишини умуммиллий вазифа даражасига кўтара олишимиз зарурлигини барча миллатдошларимиз англаб етишига боғлиқ бўлади. Китоб худди ана шу жараёнларнинг намоён бўлиш хусусиятлари, юзага келаётган муаммолар, уларни бартараф қилиш омиллари ва улардан самарали фойдаланиш эҳтиёжларининг ошиб бораётганлиги, миллатдошларимизнинг фаоллиги билан боғлиқ гоёлар ва мулоҳазаларни ўз ичига қамраб олган.

Биринчи қисм

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Бугун «глобаллашув» энг оммавийлашган тушунча даражасига кўтарилди. У кириб бормаган ва қўлланилмайди соҳа қолмади. Бировлар унга инсониятнинг тараққиётини ва фаровонлигини таъминловчи омил сифатида қараса, бошқа бировлар бой давлатларнинг анда бойишига, кам тараққий этган мамлакатларнинг уларга тобе бўлиб қолишига олиб келади, деб ҳисоблайдилар. Айни пайтда уни инсоний ва миллий ўзига хослик, турли-туманликни бир қолипга солувчи омил сифатида қарашлар ҳам мавжуд. Яна бировлар, унинг амиради «қаттиқ» ёки «юмшоқ» куч тамойиллари мавжудлигини эътироф этмоқдалар.

Бугун глобаллашув тушунчасига турли таърифлар бериш ва уни янада такомиллаштириш давом этмоқда. Бу табиий ҳол. Чунки унинг жаҳон иқтисодидаги ўрни борасида маълум бир ижобий фикрлар шаклланган бўлса ҳам, инсон, шахс, миллат, халқ ва мавжуд умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ жиҳатларини ўрганиш ҳамон қиёмига етмаган. Бундан ташқари, «Истиқболда глобаллашув ҳаёт ритмини тезлаштириб, инсониятнинг бугун эришган тамаддуни (цивилизацияси)нинг тўрковига айланмайдими? Унинг иқтисодий тараққиётга ижобий таъсиридан қаноатланиб, миллий-маънавий қашшоқлашувга ўтказаетган салбий оқибатлари ҳақида бош қотирмасак, келажакда инсоният ҳаётида қанча фожиалар юзага келмайдими?» деган саволларни қўйиб, уларга жавоб излаш зарурияти кучаймоқда. Шу

билан бирга хоҳлаймизми-йўқми, Бугун глобаллашув амал қилаётган бўлса, унинг охириги манзили ва поёнига етиб боргандан кейин инсониятни яна қандай жараёнлар кутмоқда? Эҳтимол, инсонлар эртага глобаллашувнинг тараққиётга етакловчи омил сифатидаги имкониятларидан воз кечиб, яна тараққиётни бошидан бошлашга мажбур бўлар? У жараёнми ёки қисқа муддатда амал қиладиган ҳодисами? каби бошқа бир қатор саволларни ўртага қўйиб, уларга жавобни бугун изламоқ зарурияти кучаймоқда.

Хуллас, бугун назаримизда глобаллашувнинг инсониятни фаровонликка олиб борувчи омил эканлиги тўғрисидаги қарашларда «бўлиниш» пайдо бўлдики, уни мукамал тарзда ўрганиш зарурияти илмий-амалий жиҳатдан ошиб бормоқда. Китобнинг мазкур қисмида ана шу қўйилган саволларнинг бир қисмига баҳоли қудрат жавоб излашга ҳаракат қиламиз.

ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ИНҚИЛОБИЙ МОҲИЯТИ

Глобаллашув ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий мазмунларга эга бўлиб, унга жараён ёки ҳодиса сифатида қараганда нима ўзгаради, бу тушунчаларнинг мазмуни нималарда ўз ифодасини топади, деган саволга жавоб излашимиз лозим.

Жараён ҳодиса билан узвий боғлиқ. Агар ҳодиса объектив борлиқнинг тез ўзгарувчан ташқи томонини ифода эттирса, жараён ҳодисага нисбатан пассив жиҳатини ўзида ифода этади ва айни пайтда, ҳодиса жараённинг моддий борлиқдаги ифодаси ҳамдир. **Жараён табиат, жамият ва инсоният ҳаётида кечадиган воқеа ва ҳодисаларнинг узлуксизлигини англатувчи тушунчадир.** Унинг ўзак моҳиятини ана шу узлуксизлик ташкил қилади. У табиат, жамият ва инсон ҳаётида кечадиган ҳодиса бўлганлиги учун ҳам улардаги объектив ва субъектив омиллар таъсирида ўзгариб боради. Аммо жараён объектив қонуниятлар асосида юзага келса,

уни субъектив кучлар аралашуви билан ўзгартириб бўлмайди. Агар бундай жараёнлар маълум мақсадни амалга оширишга йўналтириладиган бўлса, уни бошқариш мумкин бўлади. Бундай ҳолда у инсон томонидан амалга оширилади. «Глобаллашув» тушунчасига жараённинг аниқ шу икки қирраси моҳиятини тўғри англаган ҳолда билганиш зарур бўлади.

Бугун глобаллашувнинг авж олиши ва унинг поёни йўқлигидан, охири кўринмаётганлигидан келиб чиқадиган бўлса, унга жараён сифатида қараш тўғри бўлади. Бу масаланинг **бир томони бўлса, иккинчи томондан**, жамият ва инсоният тараққиётининг объектив қонуниятга ҳисобланади. Яъни, уни биз хоҳлаймизми-йўқми, бунга боғлиқ бўлмаган ҳолда кечади. Чунки у биринчидан янаша қонуни ҳисобланади. **Учинчи томондан**, глобаллашув гарчанд жамият ва инсоният тараққиётининг объектив қонуниятга бўлса-да, у инсон омилини, унинг иштирокини абсолют тарзда инкор этмайди. Чунки глобаллашув фан, техника, технология ва ҳозирги замон коммуникацияларисиз ҳеч нарса эмас, у маънум тушунча, фақат уларнинг ютуқлари ҳамда оқимини билан натижасидагина моддий куч сифатида ўз ифодасини топади. Фан, техника, технологиялар ва инсонларнинг ақл-заковати ва интеллектуал қобилияти билан яратилади. Айни пайтда, бу ютуқлар инсоният эҳтиёжининг ошиб бориш объектив зарурияти билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам глобаллашувни жараён сифатида қараганда, у қанчалик объектив қонуниятлар асосида юзага келганидан қатъи назар, унинг инсон омили билан боғлиқлигини назарда тутишимиз лозим. Аммо бу — инсоннинг глобаллашув жараёнини тўхтата олади, дегани эмас. Чунки у эҳтиёжнинг объектив қонуниятга амал қилишининг инъикоси ҳисобланади. Инсониятнинг орқага эмас, балки олдинга томон интилиши, унинг эртага бугундан, истиқболда эса эртадан ҳам яхшироқ ва фаровонроқ ҳаёт яшатишига интилиши объектив қонуниятдир. **Шундай**

қилиб, глобаллашув инсоният тараққиётининг объектив қонунияти бўлиб, унинг узлуксизлигини ифода эттиради. Шу боисдан глобаллашув жараён ҳисобланади ва инсоният уни тўхтатиш ёки унга қарши тўсиқларни қўйишга қодир эмас. Аммо, унинг кечишини прогностлашимиз, йўналишини белгилаб олишимиз мумкин, бунинг учун эса аниқ ўлчовли услублардан фойдаланган ҳолда асосий кўрсаткичларини аниқлаб олиш лозим бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, гарчанд у инсоният интеллектуал салоҳияти ва фидойи меҳнатининг маҳсули бўлса-да, бугун унинг маънан қашшоқлашувига, миллий маънавият емирилишининг олдини олишга ожизлик қиляпти. Инсоният ўзи хоҳламаган ҳолда ана шу салбий оқибатлар юзага келишининг яратувчисига айланмоқда.

Глобаллашув жараёнининг барча соҳалардаги кўлами, салоҳиятини дунё ва халқлар ҳаётини ўзгартиришдаги қудрати, кучини ўтмишда халқлар ва мамлакатлар ҳаётида бўлиб ўтган инқилоблар билан тенглаштириш мумкин. Айни пайтда, у ўзининг ҳали тарихда инсоният эришмаган ютуқлари, даражалари жиҳатдан ҳар қандай инқилоблардан ҳам юксакдир. Ана шу жиҳатларини ҳисобга олиб, глобаллашув жараёнини инсоният ва жамият тараққиётининг янги замон инқилоби дейиш мумкин.

«Инқилоб» турли мазмун ва мақомда қўлланиладиган тушунча ҳисобланади (унинг сиёсий, ҳарбий, ижтимоий ва иқтисодий мазмун-моҳиятлари мавжуд). Хусусан, у жамиятларнинг биридан иккинчисига алмашуви омилларидан бири сифатида фан ва техника соҳасида буюк бурилиш яшашнинг кўриниши ва ижтимоий ҳаётда содир бўладиган улкан ўзгаришларнинг кўрсаткичи сифатида қўлланилиб келинмоқда. Биз бу ерда мазкур тушунчани қўллашда глобаллашувнинг инсон ҳаётидан бошлаб миллат, мамлакатлар, сиёсат, иқтисод, маънавият ва халқлараро муносабатларигача бўлган барча

соҳалардаги кескин ўзгаришларни юзага келтираётганигини назарда тутмоқдамиз. Зеро, бугун унинг таъсиридан четда қоладиган соҳанинг ўзи қолмаганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Глобаллашув жараёнининг инқилобий моҳияти ҳақида фикр юритганда, энг аввало, «инқилоб» тушунчасининг маъно-мазмунини ҳақида тўхталиш лозим бўлади. Чунки унинг маъно-мазмунини, моҳиятини ва нималар таъсирида юзага келишини тушуниб етмасдан туриб, глобаллашув билан унинг қандай алоқаси борлигини ҳам англаш қийин бўлади.

«Инқилоб» XX асрнинг 70-йилларигача бўлган давр ичида жамиятнинг маълум бир кучлар томонидан бутун ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий зўравонлик (куч ишлатиш) йўли билан тубдан ўзгартирилиши деб тушунилиб келинган эди. Жаҳон тарихида жуда кўп мамлакатларда инқилоблар бўлиб ўтган. Жумладан, Россияда 1917 йилнинг октябрида большевикларнинг куч ишлатиш йўли билан амалга оширилган инқилобини олиб кўрайлик. Бу инқилоб натижасида, Россияда кескин ўзгаришлар содир бўлди. Иқтисодий ҳаётда хусусий мулкчилик тугатилиб, давлат ва колхоз кооперативи вужудга келтирилди, жамият сиёсий тузуми ўзгартирилиб, большевикларнинг ягона коммунистик партияси ҳукмронлиги ўрнатилди, маънавий ҳаётида асрлар давомида қарор топиб келган диний ва миллий қадриятлар тугатилиб, унинг ўрнига ягона коммунистик мафкура жорий этилиб, у жамият ва инсонларнинг маънавий ҳаётини тубдан ўзгартиришга қаратилди. Бу инқилоб большевикларнинг зўравонлиги амалга оширилиши натижасида жамиятнинг инқирозга юз тутиши ва охир-оқибатда барбод бўлишига олиб келди. Чунки **зўравонликка таянадиган ҳар қандай ўзгартиришлар охир-оқибатда ҳалокатга маҳкумдир.** Жамиятда амалга ошириладиган ҳар қандай ўзгаришлар жамият ривожланишининг объектив қонуниятлари асосида этилиб келиши билан бирга омма манфаат-

ларига, унинг хоҳиш-иродаси ва фаол иштироки билан ҳамоҳанг кечиши лозим. Хуллас, жамиятда ҳар қандай инқилоб ўз-ўзидан амалга ошмайди, балки қандайдир кучларнинг ўз манфаатлари учун куч ишлатиши оқибатида юз бериб келган.

XX асрнинг 70-йилларида «инқилоб» атамасини жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида фан ва техникада содир бўлган тараққиёт даражаларини кўрсатиш маъносида қўллаш амалиёти вужудга келди. Яъни, бу тушунча нисбатан илк бор фанда юзага келган юксак ютуқларни ифодалаш маъносида қўлланила бошлади. Албатта, бу даврда фан ва техникада содир бўлган инқилоб мамлакатлар ҳамда уларда яшаётган халқлар ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Мамлакатлар иқтисодий ҳаёти тез суръатлар билан ривожланди, уларда яшаётган инсонларнинг моддий фаровонлиги ошди.

80-йиллар охири ва 90-йиллар бошларида собиқ Иттифоқнинг ич-ичидан емирилиб, охир-оқибатда барбод бўлиши ҳам унинг таркибига кирган собиқ иттифоқдош республикалар ва уларда яшаётган халқларнинг ўз ҳудудларида инқилобий ўзгаришларнинг амалга ошувига шароит яратди ва бу катта инқилоб эди. Чунки, гарчанд унинг барбод бўлиши муқаррар бўлса-да, кутилмаган қисқа вақт ичида барбод бўлди. Унинг характерли жиҳати шу бўлдики, бу инқилобда ҳарбий кучлар қатнашмади. Албатта, шўро давлатининг барбод бўлиши уни бошқариб турган раҳбарларнинг хоҳиши эмас, балки собиқ иттифоқдош республикаларнинг ўз мустақиллиги учун олиб борган курашининг қонуний натижаси бўлди. Собиқ иттифоқдош республикалар ўз мустақилликларини эълон қилиб, ўз ҳаётларини тубдан ўзгартириш борасида ҳар бири ўз тараққиёти стратегиясини белгилаб олдилар. Туғри, собиқ иттифоқдош, бугунги мустақил давлатларнинг ҳаммасида ҳам жамият ва инсонлар ҳаётини тубдан ўзгартиришга қаратилган «инқилобий» мақсадлар силлиқ кетаётгани йўқ. Уларнинг айримларида ички ижтимоий-сиёсий зиддият-

лар кечмоқда. Шу билан бирга уларнинг айримларида ишлаб чиқарилган «инқилобий» ўзгаришлар ўзининг дастлабки натижаларини бермоқда. Бу алоҳида ўрганиладиган масала бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда, яна «инқилоб» тушунчасининг маъно-мазмунига қайтиб ва юқорида у ҳақида юритилган фикрларимиздан келиб чиқиб, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «инқилоб» қандайдир кучлар томонидан амалга ошириладиган кескин ўзгартириш экан, унда глобаллашув билан нечоғлиқ алоқаси бор, деган саволга жавоб излашга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, инқилоб турли соҳаларда содир бўладиган катта бурилишларни ўзида ифода этади. Жумладан, бу жараён фанда, техника технологиясида ва жамиятда содир бўлади. Фандаги инқилоб унинг тараққиётидаги улкан бурилиш, юксакликка кўтарилган янги босқич ҳисобланади. У оддий тараққиётнинг давоми эмас, балки унинг ривожланишида маълум босқичда содир бўлиб турадиган, ўз кучи, қудрати билан янги тараққиёт ва даврни бошлашга олиб келадиган катта бурилишни ўз ичига олади. Фан-техника технологияларидаги инқилоблар ижобий аҳамиятга эга бўлиб, бутун инсониятга хизмат қилади. Жамиятда содир бўладиган инқилоблар эса алғов-далғовлар ва катта фожиаларга олиб келади. Жаҳон тараққиётида содир бўлган инқилоблар инсоният бошига катта кулфатлар олиб келган. Айниқса, бугунги кунда баъзи тўдаларнинг «куюшқон»дан чиқиб кетиши натижасида содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай «инқилоб» лар унинг бошига мисли кўрилмаган даражада ҳалокатларни ёғдираётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Жамиятнинг барқарор тараққиётида инсониятнинг хавф-хатарсиз яшашда инқилоблар эмас, балки ривожланишнинг эволюцион йўлигина уларнинг ҳаётига тотувлик, ишонч, кўтаринчлик каби қадриятларнинг шаклланишини таъминлайди.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ИЗВОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ 17
2 - С. Оталмуратов 143231
2012. 12 10

Тарихий тараққиёт тажрибалари шуни кўрсатадики, жамиятларда содир бўлган инқилоблар умумхалқ манфаатларига эмас, балки айрим куч ва гуруҳлар манфаатлари учун хизмат қилиб келган. Инқилоблар замирида зўравонлик, куч ишлатиш, ҳукмронлик қилиш каби хатти-ҳаракатлар ва ғаразли жирканч мақсадлар ётади. Шу маънода ҳам, жамиятда содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай инқилобларнинг олдини олиш ва эволюцион тараққиёт йўлини амалга ошириш инсоният олдида турган ўта муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш ва демократик жамият қуришни амалга оширишнинг эволюцион йўли жаҳонда «Ўзбек модели» номи билан эътироф этилмоқда ва бир қатор мамлакатлар бу тажрибадан фойдаланмоқдалар. Шундай қилиб, жамиятда содир бўладиган инқилоблардан огоҳ бўлиш ва барқарор ривожланиш сари бориш бугун инсоният тараққиётининг бош йўналишини ташкил қилмоқда.

Энди, глобаллашувнинг инқилобий моҳиятига қайтиб, шуни адолат юзасидан таъкидлаш керакки, глобаллашув инсоният тараққиётининг бугунги босқичидаги объектив қонуниятдир. Инсоният ҳар доим тараққиётга интилиб келган ва бундан кейин ҳам бу — инсоният ҳаётининг мазмунини ташкил қилади. Шундай экан, нега инсониятнинг ақл-заковати билан бугун яратилган буюк кашфиётларнинг ер куррасида оммавийлашиб кетаётгани, тараққиётга умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан қараётган мутахассислар ва назарийчиларда ташвиш уйғотмоқда?

Шуни таъкидлаш лозимки, бугун «глобаллашув» жараёнининг қачон бошлангани ва илмий истеъмолга қачон кирганлиги тўғрисида турли-туман фикрлар билдирилмоқда, уларнинг айримларида бири иккинчисига қарама-қарши бўлган ғоялар ҳам илгари сурилмоқда. Лекин, бизнинг фикримизча, гап улар давом этадими ёки йўқми, деган масала устидаги мунозараларда эмас,

балки глобаллашув тараққиётида инқилоб бугун инсониятта нима берди, эртага ва истиқболда нималар бериши мумкин, деган масалага жавоб топишда бўлиши аниқ.

Ҳозирда инсоният ўзининг ақл-заковати билан яратган янги цивилизация шароитида яшамоқда. Унинг ҳаёт ритми мислсиз даражада ривожланмоқда. Бугун радио, телевидение, уяли телефон ва Интернет каби воситалар билан курраи заминнинг энг кичик нуқта-ларида содир бўлган «миттигина» ўзгаришдан дунё халқларининг зудлик билан хабар топиши, ютуқларни қисқа вақтда инсоният ҳаётидан ўрин олаётган ҳолда ҳаёт кечирмоқдамиз.

Айни пайтда ана шу воситалар инсонни ахлоқсизлик ботқоғига етакловчи ҳаёсизлик, шафқатсизлик, бағритошлик ва зўравонликнинг ашаддий кўринишлари билан «ошна» бўлишига хизмат қилаётганини ҳам таъкидлаш лозим. Уларнинг барчаси инсоният тараққиётининг сўнгги 20 йили ичида ниҳоятда тез ривожланди. Ҳозирда дунё миқёсида уяли телефон тармоқларининг кенг ривожланишини олиб кўрадиган бўлсак, бу ҳол инсонларнинг оддий ҳаёт кечириш воситасига айланганини кўришимиз мумкин. У дунё аҳолисининг деярли ярмидан кўпроғида мавжуд. Шу жумладан 30 миллиондан ортиқ Ўзбекистон аҳолисининг 24 миллионга яқини уяли телефондан фойдаланмоқда. Интернет бугун нафақат шаҳарда, шунингдек, узоқ чекка қишлоқларгача кириб борди. Улар ёрдамида ҳар бир инсон ўзига керак бўлган барча маълумотларни дунёнинг қаерида содир бўлишидан кўнгли назар, бир зумда билиб олиши ва фойдаланиши мумкин. Янги технологиялар нафақат инсониятнинг дунёқараши ва унинг кўпгина қадриятларини ҳам ўзгартириб юборди. Бугун жаҳон мамлакатларида фан-техника ва технологиялар соҳасида эришилган ютуқларнинг бутун дунё бўйича тарқалиши имкониятини бундан 20 йил илгариги оммалашув билан солишти-

риладиган бўлса, тезлиги ва самараси жиҳатдан ўша пайтда оммавийлашув «от арава» тезлиги даражасида, бугун эса космик кемалар тезлиги даражасигача етиб келди, деб айтиш мумкин.

Бундай оммавийлашув иқтисодий ҳаётда ҳам инқилобий ўзгаришларни юзага келтирди. Бугун мамлакатлар миллий иқтисодиёти жаҳоннинг ажралмас қисмига айланиб, ягона иқтисодий маконни ташкил қилди. Мамлакатларнинг иқтисодиёти бир-бири билан шу даражада боғланиб кетдики, уларни ягона занжир сифатида тасаввур қилиш мумкин. Агар занжирнинг маълум бир ҳалқаси заифлашиб узилса, у бутун ҳалқани яроқсиз ҳолатга олиб келиши мумкин бўлмоқда. Бу 2008 йили Америка Қўшма Штатларида Ипотека кредитлаш тизимида рўй берган тангликдан бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг юзага келишида ўз ифодасини топди. Унинг таъсирида бугун, ҳатто, энг тараққий қилган мамлакатларда ҳам ишсизлик кескин ошиб кетди, ёқилғи маҳсулотининг нархи тушиб кетди, барқарор ишлаб турган корхоналар касодга учради, натижада аҳолининг моддий шароити оғирлаша бошлади. Хуллас, АҚШда бошланган молиявий инқироз бутун ер юзидаги барча мамлакатларгача етиб келди ва уларнинг иқтисодий ҳаётида ҳам ўз ифодасини топди. Хулоса шуки, бугун жаҳонда ягона иқтисодий макон вужудга келди ва у миллий «белгилар» асосида амал қилишига деярли имкон қолдирмади. Бу жараён ҳам яқин 20 — 25 йил давомида содир бўлди.

Бу соҳадаги «инқилобни» собиқ Иттифоқнинг барбод бўлишида ва унинг натижасида бутун собиқ социалистик тизимнинг тугашида, икки кутбли дунёнинг маҳв бўлишида ва жаҳон сиёсатини ишлаб чиқишга лидерлик эмас, балки ҳамкорлик тамойилининг амалиётга айланганида ва бошқа бир қатор ўзгаришларда кўришимиз мумкин. Айни пайтда бу даврга келиб инсоният бошига катта фожиалар солаётган омилар,

давлатлараро муносабатларда юзага келаётган зиддиклар ва можароларга нисбатан турли сиёсий оқимлар ва кучлар устувор даражага кўтарилгани ҳам сиёсий глобаллашувининг ўзига хос кўриниши деб айтиш мумкин.

Унинг характерли хусусияти шундаки, ўтган жаҳон урушлари давлатларнинг ҳудудлари ва уларнинг ёрри бойликларини эгаллаш учун тўғридан-тўғри даҳшатли қуролларни ишга солиб, бегуноҳ инсонларни қириб ташлаш йўли билан амалга оширилган бўлса, бугунги кунда бу қуроллар ўрнини Интернет, уяли телефон сингари «беозоргина» воситалар эгаллади. Шунда бу янги жараён кичик давлатларнинг моддий ва маънавий бойликларига эгалик қилишда жаҳон сиёсатида ҳамон етакчилик қилаётган мамлакатларининг амалиётига айланди.

Жаҳоннинг юксак даражада ривожланган давлатлари томонидан ер куррасига эгалик қилишга интиш сиёсатидаги бундай кескин ўзгаришни, бемалол, глобаллашув кечаётган даврдаги ўзига хос инқилоб дейиш мумкин. Замонавий ахборот воситаларининг кенг оммалашуви оқибатида барча ҳудуди ва аҳолиси жиҳатидан кичик давлатлар ҳам жаҳон мамлакатлари қандай қуролга эга, улар қаерларда жойлашган ва ҳоказо тегишли маълумотларга эга. Улар бундай сифат қарши ўз имкониятлари доирасида тайёргарлик кўришлари ва халқаро ташкилотлар имкониятларидан фойдаланишга ҳам ҳаракат қилишлари мумкин. Иккунда кўрсатилган «беозоргина» воситалардан фойдаланиш эса даҳшатли қуролларни ишга солишдан кўра яқин тушади ва энг асосийси, ана шундай сиёсатни олиб бораётган давлатлар ўзга давлатларни осонгина ўз қармоғига илинтириши мумкин. Бу жараённи «XX аср охиридан бошланиб, то бугунги кунгача давом этаётган ўзига хос учинчи жаҳон урушининг намоён бўлиши» дейиш мумкин. Жаҳон сиёсатида инқилобий бурилиш ҳам ана шу жараён билан боғлиқликда давом этмоқда.

Глоблалашувнинг инқилобий моҳияти бугун жаҳон халқлари маънавий ва мафқуравий ҳаётида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ҳайратли томони шундаки, собиқ СССР нинг барбод бўлиши оқибатида жаҳонда капитализм, буржуа ва коммунистик ғоялар ҳамда мафқуралар ўртасидаги кураш тугаб, жаҳон кўп қутбли маконга айланиши муносабати билан мафқураларга зарурат қолмади, олий ўқув юртларида ўқитилаётган ижтимоий-гуманитар фанларни талабаларга ўқитиш эҳтиёжи қолмади, деган фикрлар билдирилган эди. Ана шундай фикрлар Россиядан бошланиб, бутун собиқ Иттифоқ таркибида бўлган ҳозирги мустақил давлатлар, жумладан, Ўзбекистонда ҳам айрим ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасининг мутахассислари томонидан илгари сурилган эди. Лекин собиқ СССР ҳудудида вужудга келган мустақил давлатларнинг фаолият бошлашидан кўп вақт ўтмасдан маълум бўлдики, қаерда мафқуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерни ўзгаларнинг ғоя ва мафқуралари эгаллаб олиб, бундай давлат ўзгаларга қарам бўлиб қолиши учун замин юзага келиши мумкин экан. Буни республикамиз Президенти И.А. Каримов 1998 йилдаёқ «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига берган жавобларида қуйидагича таъкидлаган эди: «Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки мафқуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин»¹. Ҳақиқатан ҳам, Президентимизнинг юқорида илгари сурган ғоялари мустақил давлатлар тараққиётининг тажрибаларида ўз ифодасини топди. Бугунги кунга келиб глоблалашувнинг авж олиши ғоя ва мафқураларнинг инсон, миллат, халқ, давлат ва халқаро ҳаётдаги ўрнини инқилобий тарзда ўзгартириб юборди. Улар қуйидагиларда ўз ифодасини топмоқда:

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни — халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. — Т.: «Ўзбекистон», 1998. 4-б.

Биринчидан, улар, энг аввало, тараққий топган мамлакатларнинг кам тараққий қилган мамлакатларни ўзларига қарам қилишда даҳшатли моддий қуроллар ўрнини эгаллаб олди. Гарчанд, ташқаридан қараганда «безоргина», у ёки бу мамлакатнинг ички ишларига эътибор қаратмаган ҳолда гўё улардаги «реал» воқеликни тасвирлагандек бўлиб, унда яшаётган одамларга ахборотлар (информация) бераётгандек бўлиб кўринади, амалда эса уларнинг ишончига кириш ва шу йўл билан осонгина ўз орқасидан эргаштиришдек сиёсий стратегик мақсад қўйилган.

Иккинчидан, тараққий топган мамлакатлар ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ўзларининг гоё ва мафкураларини «оммавий маънавият»ни шакллантириш воситасига айлантириш ҳамда уларни кам тараққий қилган мамлакатлар аҳолиси онгига сингдириш борасида мисли кўрилмаган даражадаги катта маблағларни сарфламоқдалар. БИ-БИ-СИ радиосининг 2010 йил 7 апрелида берган маълумотига биноан, бугунги кунда Англия пойтахти Лондонда давлат мафкураси институти фаолият олиб бораётган экан. Унинг фаолияти учун давлат бюджетидан катта миқдорда маблағ ажратилиб борилар экан.

Бу борада тараққий қилган мамлакатлар амалга ошираётган тадбирлар ва сарфлаётган маблағларнинг эминиди ўз гоё ҳамда мафкураларини мужассамлаштирган «ягона оммавий маънавият»ни шакллантириш турибди, десак хато бўлмайди. Бу фикрни китобимизнинг кейинги бобларидан бирида алоҳида ёритишга ҳаракат қиламиз. Ҳозирча асосий гоё шундаки, бугунги келиб гоё ва мафкуралар майдонидаги глобаллашув жараёнида «оммавий маънавият»ни шакллантириш ва уни дунёни эгаллаш воситасига кўтариш асосий стратегик йўналишга айланганлигини таъкидлашдир.

Мазкур мавзуда «глобаллашувнинг инқилобий моҳияти»ни очиб беришга киришганимизнинг бир қатор сабаблари бор. Чунки у бугун, яъни кейинги 20—25 йил

ичида инсон тараққиётида кескин ўзгаришларни олиб келди. Юқорида бу ҳақида фикрларимизни илгари сурдик. Уларни янада ривожлантириш ва асослаш учун дунёнинг кўзга кўринган назарийчилари, экспертлари ва мутахассисларининг глобаллашув борасидаги фикрларига муурожаат қилишга ҳаракат қиламиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, дунёнинг кўзга кўринган назарийчилари, эксперт ва мутахассислари глобаллашувни иқтисодиётда кечаётган жараён сифатида қараб келмоқдалар. Жумладан, иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотининг совриндори, Колумбия университетининг профессори (АҚШ) Жозеф Стиглиц, АҚШнинг таниқли файласуфи ва социологи Френсис Фукуяма, шу мамлакат президентининг собиқ ёрдамчиси, таниқли социолог Збигнев Бжезинский, иқтисодиётни Бомбей, Кембридж, Оксфорд, Массачусет технология институтларида, Колумбия университетларида ўрганган, глобаллашув бўйича эксперт, дунёнинг етакчи иқтисодчиларидан бири Жагдиш Бхагвати ва бошқа бир қатор иқтисодчилар глобаллашувни жаҳон иқтисодиётида содир бўлаётган жараён сифатида қарайдилар. Шу билан бир қаторда глобаллашувни сиёсат ва давлатчилик билан боғлаб қарайдиганлар ҳам бор. Улар жумласига глобаллашувни ўрганувчи Йель маркази эксперти Марк Сирвэл (АҚШ), Ж.Кеннеди номидаги Гарвард университетининг Сиёсат мактаби институтининг директор ўринбосари Дэвид Кинг, россиялик етакчи аналитик «Сиёсат» жамғармаси президенти Вячеслав Никонов ва бошқаларни киритиш мумкин¹.

Улардан, Жозеф Стиглицнинг фикри қуйидагича: «глобаллашув инсонлар ҳаётини яхшилашнинг энг яхши потенциалидир, шу жумладан ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси ҳаёти яхшиланмоқда. Унинг айрим йўналишлари ҳозирнинг ўзида, масалан, илмнинг глобал-

¹ Uzbekistan and Central Asia. — Центр политических исследований. Информационно-аналитический Бюллетень. IX—2007. — С. 42 — 45.

лашуви соғлиқни сақлаш, инсонларнинг умрини узайтиришга олиб келди»¹.

Жагдиш Бхагвати эса глобаллашувни иқтисодиётдаги кечаётган глобаллашув сифатида тушунади ва унинг фикрича, «бу — ўзига савдо, тўғридан-тўғри инвестициялар, трансмиллий корпорациялар фаолияти, мамлакатлар ўртасидаги молиявий оқим, халқаро миграцияларни ўз ичига олади»².

Вячеслав Никоновнинг фикрича, «глобаллашув давлатнинг ички ва ташқи сиёсати чегараларини барта-раф этишга ёрдам беради ва хавфсизлик сиёсатининг моҳиятини ўзгартиради»³.

Бугунги кунда глобаллашув жараёнининг яққол кўзга ташланаётган жиҳатлари иқтисодиётда содир бўлмоқда. Иқтисодиёт омили воситасида дунё «майдони кичик тармоқлардан» ягона маконга айланмоқда, иқтисодиётда унинг ҳузурини тараққий қилган мамлакатлар кўрмоқда. Аммо унинг жаҳон миқёсида асрлар давомида шаклланиб келган, инсоний, маънавий, миллий ва умуминсоний, ахлоқий қадриятларнинг барбод бўлишига ўтказаяётган таъсири ҳақида бугун бутун қурраи заминда яшаётган инсонларни бохабар қилиш вақти етиб келганлигини англаш орқада қолмоқда.

Зеро, **жамият ва инсонлар тараққиётининг асоси бўлган иқтисодиётнинг глобаллашуви охириги манзилга етиб, ер юзида ягона иқтисодий макон батамом қарор топганидан кейин маънавият, ахлоқ ва миллатлар ҳам иқтисодиётнинг ҳукмига бўйсунмасликнинг имконияти қолмайди ва ягона маънавият, ягона ахлоқ ва ягона миллатнинг шаклланиш жараёнининг олдини олиб бўлмайди.** Ҳозирча, кечаётган бу жараённинг моҳиятини кимлардир тушунаётган бўлса, бошқа бировлар тушунсалар-да, ундан манфаатдор бўлганликлари боис сукут сақламоқдалар, учинчи бировлар эса иқтисодиётнинг

¹ Ўша манба. — 42-б.

² Ўша манба. — 44-б.

³ Ўша манба. — 45-б.

ҳар доим беқарор бўлиши, унинг кундалик ҳаёт учун доим ташвиш келтирганлиги сабабли глоблалашувга таъсир ўтказётган омиллардан манфаат кўриши билан ўзларига далда беришга мажбур бўлмоқдалар.

Глоблалашувнинг инқилобий моҳияти ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг қачондан бери амал қилиб келаётгани ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз бўлади. Улар ҳақида қисман бўлса-да, ушбу сатрлар муаллифининг юқорида номи зикр этилган китобида фикр юритилган бўлса ҳам, гап бу омилнинг инқилобий моҳияти ҳақида кетар экан, ана шу жараён қачон бошланганлиги ҳақида ҳам ўзимизнинг мулоҳазамаизни билдиришимиз лозим бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, глоблалашувнинг бошланиш даври ҳақида ҳам турли фикр билдирилмоқда. Жумладан, Фарб олимларидан Р. Кобден ва Ж. Брайт глоблалашув тўлқинларини мамлакатлар ўртасида эркин савдонинг амалга ошуви ва унинг натижасида иқтисодиётдаги ўсиш билан боғлайдилар ҳамда унинг бошланишини XIX ва XX аср билан чегаралайдилар. Уларнинг фикрича, Британия ўзининг денгиз, индустрия ва молиявий қудрати билан глоблалашув тўлқинининг биринчи босқичи кафолати бўлган. Глоблалашувнинг иккинчи босқичи (ёки тикланиши)нинг 1970 йилларнинг охирларида информатика ва телекоммуникацияда содир бўлган инқилоблар асосида бошланганлиги таъкидланади¹.

Айни пайтда глоблалашувнинг дунё миқёсида қарама-қаршилиқларга таъсири ғоясини Н. Эйндел ўзининг 1909 йилда ёзган «Буюк хомхаёл» (Великая иллюзия) номли асарида асослаб берган эди².

Ўзбек олимларидан бири, филология фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Холбековнинг фикрича, «Инсоният XXI асрга қадам қўйиши билан бу

¹ Глобалистика: международный междисциплинарный энциклопедический словарь. — Москва-Санкт Петербург — Нью-Йорк, 2006. — С. 163.

² Ўша манба.

агамага мойиллик сезилди ва у ҳаётимиздан мустақил ўрин олди... миллоддан олдинги IV асрда юнон саркардаси Македониялик Александр бутун Осиёни қурол кучи билан забт қилиб, аслида ярим дунёни бирлаштирмоқчи, қудратли давлат барпо этмоқчи бўлган ва шу тариқа инсоният тарихида глобаллашув жараёнини бошлаб берган. Ёки миллоддан олдинги I асрда Рим императори Юлий Цезар ҳам худди шундай йўл тутиб, бутун Европани ишғол қилган ва қудратли империя сарҳадларини кенгайтирган. Таъбир жоиз бўлса, инсоният тарихида зўравонлик бўлса-да, иккинчи глобаллашувга асос солган»¹. Олимнинг фикрича, адабиётда глобаллашув жараёни ўрта асрларда (IV — XIV) ҳам содир бўлган ва инсоният глобаллашувнинг ўзгача кўринишини бошдан кечирди... Амир Темури даврида Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ўртасида бевосита алоқалар ва элчилар алмашинуви йўлга қўйилган, инсоният тарихида илк бор ўзаро ҳамжиҳатлик, яъни глобаллашувга интилиш юзага келган эди. XIV — XVII асрларда қадимги юнон-рим ва ислом тамаддунидан баҳра олган илғор фикрли зиёлилар Ғарбий Европада Уйғониш даври маданиятига асос солди. Маданий ҳаётдаги глобаллашув Ғарбий Европада кўчди... 1789 йили Франция Буржуа инқилоби галаба қилди. Шу тариқа XVIII асрда глобаллашув маърифатпарварлик ҳаракатларида кўринди ва улар томонидан амалга оширилди... XIX аср адабиёти... глобаллашув тамойилини сақлаб қола олмади, ... XX асрда Маркс таълимотига асосланган социалистик реализм ва Кьеркэгор ҳамда Ницше назариясини тарғиб қилган модернизм (постмодернизм) ижодий жараёндаги глобаллашувга етакчилик қилди... бугун олимлар адабиёт ва санъат XXI асрда қайси йўлдан боради, иқтисодиёт ва сиёсатда кутилаётган глобаллашув адабий жараёнга қандай таъсир ўтказадими, деган масала устида бош қотирмоқдалар...»².

¹ Холбеков М. Адабиётда глобаллашув. — «Тафаккур», 2006, 4-сон. 20—23-б.

² Холбеков М. Адабиётда глобаллашув. // «Тафаккур», 2006. 4-сон. 20—23-б.

Мазкур мақоладан катта кўчирма келтиришимизнинг боиси, унда жуда қизиқарли ва айти пайтда мунозарабоп фикрлар илгари сурилганки, улардан мавзумизга боғлиқ бўлган ғояларни тўлалигича беришни лозим топдик. Улар ҳақида фикрларимизни билдиришдан олдин, яна глобаллашувнинг бошланғич босқичи ҳақида муаллифлар томонидан илгари сурилаётган ғояларни келтиришда давом этамиз.

Профессор А. Қодиров глобаллашувни XX асрда техника ва автоматик бошқарувда пайдо бўлган янгиликлар билан боғлайди. У шундай таъкидлайди: «ўтган XX аср ижтимоий-тарихий салмоғи, воқеаларининг нуфузи ва инсоният цивилизацияси учун аҳамияти жиҳатидан бир неча минг йилликларга тенг аср бўлди. Инсоният нафақат микрооламни, балки коинотни забт этди, ҳатто инсон ирсияти қонунларини ҳам кашф этди.

XX асрнинг ютуғи ҳам тафаккурда, ҳам техникада афсонавий тезлик ва тезланишларни бошқара олиш, сунъий материалларини ярата олиш имкониятларининг яратилишидир.

Компьютер техникаси, робот техникаси, автоматик бошқариш тизими, глобал информацион тўр — Интернет ва ҳоказо ҳодисалар XX аср мўъжизаларидир. XX асрда нафақат мамлакатлар, ҳатто қитъалар ўртасидаги масофа қисқарди, бир неча дақиқа ичида жаҳоннинг хоҳлаган нуқтасидан маълумот олиш ёки маълумот алмашиш мумкин бўлди.

Жаҳонда иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар ҳам яқинлаша бошлади, умумжаҳон яқинлашуви ва унинг натижасида глобализация, яъни бутун ер шари миқёсида ўзаро ҳамкорлик муносабатлари ривожлана бошлади¹». Келтирилган фикрдан кўриниб турибдики, муаллиф А. Қодиров глобаллашув жараёнини XX асрда кенг маънода техникада пайдо бўлган ютуқларда жаҳон иқтисодиёти, сиёсий ва маданий алоқаларнинг яқинлашуви билан боғлайди.

¹ Қодиров А. Анъанавий жамият ва уни модернизациялаштириш стратегияси. — Т.: ТДЮИ, 2006. 90-б.

Профессор А. Очилдиев глобаллашувнинг илди-зларини XV—XVII асрлар билан, унинг янги ижобий характер касб этишини эса XX аср билан боғлайди ва бу ҳақда шундай ёзади: «бугун ўзини ёрқин намоен қилаётган глобаллашув бир неча асрлик илди-зларга эга. XV—XVII асрлардаги географик кашфиётлар кўплаб мамлакатлар ва минтақаларнинг халқаро савдо доирасига тортилишига, саноат революцияси эса умумий алоқаларнинг янада кучаювчи, кенг қамровли бўлишига иқтисодий замин яратган эди. Кейинги даврларда бундай муносабатлар янада чуқурлашиб борди. XX аср бошларига келиб янги сифатий характер касб этган ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олган мазкур жараён глобаллашув тушунчаси орқали ифодалана бошланди»¹.

Баҳодир Умаровнинг фикрича, «...глобаллашув жараёни бошланадиган аниқ бир тарихий давр ва маконни ажратиб кўрсатиш қийин. Негаки, назарий жиҳатдан қараганда тарихий тараққиёт хусусиятларидан қатъи назар, халқаро меҳнат тақсимооти тизимига уйғунлашиб бораётган, хорижий сармояларни ўз иқтисодиётига изчил жалб этаётган ҳамда замонавий технологиялар сари интилаётган ҳар қандай мамлакат учун глобаллашув жараёни туфайли вужудга келган иқтисодий афзалликлардан фойдаланиш имконияти туғилди...»².

Доцент Улуғбек Саидов глобаллашувни жаҳон миқёсидаги интеграциялашув жараёни ва ҳодисалари билан боғлаган ҳолда қараб шундай ёзади: «бизнингча, глобаллашув жаҳон миқёсидаги интеграциялашув жараёни ва ҳодисалари сифатида талқин этилса, унинг янги ҳодиса эмаслиги ҳақидаги фикр асосли туюлади. Дарҳақиқат, ўрта асрлардаги солиб юришлари оқибатида Шарқ ва Ғарб маданиятларининг муайян даражада уйғунлашуви

¹ Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. — Т.: «Муҳаррир», 2009. 64-б.

² Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. — Т.: «Маънавият», 2006. 7-б.

ёки Англияда тукув дастгоҳларининг пайдо бўлиши Ҳиндистондаги миллионлаб тукувчиларнинг хонавайрон бўлишига олиб келганлиги, Францияда республикачилик ғояларининг пайдо бўлиши Шарқдаги ҳокимиятни заифлаштиргани, масалан, Россияда декабристлар ҳаракатига туртки бўлганлигини тасдиқлайди.

Дунёни манфаат бошқаради, деган гап бор. Шу нуқтаи назардан глобаллашув жараёнларининг асос-моҳиятини фойда ва даромад ташкил этгани капиталистик муносабатларнинг такомиллаштирувисиз тасаввур этиб бўлмайди...¹. Келтирилган фикрдан маълум бўладики, муаллиф глобаллашувни маълум тарихий давр билан боғламай, балки уни барча давр учун узлуксиз жараён сифатида қарайди.

Хуллас, «глобаллашув» тушунчаси, унинг бошланиш даври, қамрови ва йўналишлари ҳақида муаллифларнинг фикрлари турлича. Уларнинг биронтасини инкор қилмаган ҳолда, фақат мунозара шаклида фикрларимизни илгари суришга ҳаракат қиламиз.

Агар мамлакатлар ўртасида эркин савдонинг амалга ошуви ва унинг натижасида иқтисодиётдаги ўсиш ва унинг бошланиш даврини XIX ва XX аср билан чегаралайдиган бўлсак, глобаллашувни милоддан олдинги IV асрда юнон саркардаси Македониялик Александрнинг бутун Осиёни қурол кучи билан бирлаштирамоқчи бўлган давр билан (профессор М. Холбеков), XX асрда компьютер техникаси, робот техникаси, автоматик бошқариш ва бошқа техникавий ҳодисаларнинг пайдо бўлиши билан (профессор А. Қодиров), XIV—XVII асрлардаги географик кашфиётлар, саноат революцияси билан (профессор А. Очилдиев), глобаллашув бошланишининг аниқ даврини айтиш қийин (Б. Умаров) деб ҳисоблаб, уни жаҳон миқёсидаги интеграциялашув жараёни ва ҳодисаси сифатида талқин

¹ Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. — Т.: «Akademiya», 2008. 7—8-б.

этадиган бўлсак (У. Саидов), табиий равишда бир қатор саволлар келиб чиқади. Жумладан, бу атамани 1983 йилда америкалик олим Т. Левиттнинг «Гарвард бизнес ревью» журналида биринчи маротаба тилга олишича бу жараён инсоният тараққиётида қандай ном билан айтилган? Ёки нега бугунги кунга келиб бу тушунча ҳақида ёзиш «модага» айланди, уни инсоният тараққиёти давомида кечиб келган «интеграциялашув», «байналмилаллашув», «тамаддун»ларнинг юзага келиши каби тушунчаларни илмий истеъмолдан чиқариб «ташлашимиз» керакми ёки улар ўртасида қандайдир боғлиқликлар борми? Бундан ташқари, глобаллашувни фақат адабий жараёнларда асрлар давомида кечган ўзаро таъсир ўтказиш, бойиш, инсониятнинг долзарб муаммоларини кўтариб чиқишдаги яқдиллик ва ҳамкорликни ҳам глобаллашув десак, унинг миллий ўзига хосликни сақлаб қолиш борасидаги хизматларига «соя» тушмайдами? Яна бир масала, дунёга эгалик қилишда зўравонлик билан давлатлар ва халқларни ўзига бирлаштириш учун «жонини жабборга бераётган» давлатларни глобаллашувнинг бошида турганлар, деб ҳисоблайдиган бўлсак ёки мамлакатларда кечган инқилоблар натижасида жаҳон миқёсида вужудга келган янги «бирлашувлар»ни ёхуд фан-техникада ва технологияда содир бўлган инқилобларни ҳам глобаллашувга тааллуқлими дейишимиз ва ҳоказо саволларга жавоб излашимиз лозим бўлади. Энг ҳайратли томони шундаки, бугунги кунга келиб «байналмилаллашув», дунё халқлари ўртасидаги кечаётган табиий яқинлашувни ифода эттирувчи «интеграция» (бугун бу тушунча асосан иқтисодиётга нисбатан қўлланилиши анъанага айланган), фан-техника технологияларида инсоният тараққиётини юксалтиришга хизмат қилган «илмий-техник революция» каби тушунчалар илмий истеъмолдан чиқиб кетди ва глобаллашувнинг «қурбони»га айланди. Боз устига, «глобаллашув» ўз мазмун ва моҳиятига кўра юқоридаги тармоқларда кетаётган «байналмилаллашув», «интеграциялашув», «илмий-техник революция» каби

тушунчалардан тубдан фарқ қилиб, тармоқларни эмас, бутун инсоният, жаҳон миқёсида содир бўлган улкан ўзгаришларни ўзида ифода этувчи атама ҳисобланади. Агар бу термин худди ана шу маънода илмий истеъ- молда қўлланилмас экан, унинг инқилобий жиҳати келиб чиқмайди. Бундан ташқари, юқоридаги тушун- чаларнинг инсоният тараққиётининг барча даврлари учун хизмат қилиши, уларнинг ҳаёти, дунёқараши, қадриятларининг ривожланишига, ўзаро яқинлашувига ижобий таъсир кўрсатишдаги ўринлари ҳам саёзлаб қолади. Ана шу фикрлардан келиб чиққан ҳолда, «бай- налмилалчилик» («интернационализм»), «интеграция- лашув», «илмий-техник инқилоб» каби тушунчалар ва уларнинг «глобаллашув» тушунчасига нисбати ҳамда намоён бўлиши хусусиятлари устида тўхташга ҳаракат қиламиз.

«Фалсафа: қомусий луғат»ида «интернационализм, байналмилалчилик (лот. Inter — аро, nation — халқ) — турли миллат, ирқдаги кишиларнинг халқаро бирдам- лигини ифодаловчи тушунча. Бу тушунча К. Маркс то- монидан ўйлаб топилмаган, у томонидан фанга кири- тилмаган, фақат собиқ Иттифоқ даврида мутлоқлаш- тирилган эди. Аслида эса интернационализм тарихий тараққиётнинг маълум босқичида, миллатларнинг ке- либ чиқиши ва миллатлараро муносабатлар натижа- сида муомалага киритилган тушунчадир»¹ — деган маъ- лумот келтирилган. Гап унинг ким томонидан фанга киритилганлиги ҳақида эмас, балки унинг моҳияти ва нимага хизмат қилиши ҳақида кетар экан, унинг зами- нида икки муҳим омил турганлигини назарда тутиши- миз лозим бўлади. Улар: **биринчидан**, миллатлар ва ирқ- ларнинг шаклланиши ҳамда уларнинг ўз манфаатлари- ни англаб етиши жараёнида бу манфаатларни ўзга мил- лат ва ирқлар билан ҳамкорликда амалга ошириш мум- кинлигининг амал қилиши; **иккинчидан**, бу тушунча ким-

¹ Фалсафа: қомусий луғат. — Т.: «Шарқ», 2004. 169-б.

нингдир ёки бирон томоннинг устунлигини таъминлаш эмас, томонларнинг ўзаро тенглиги ва манфаатдорлигини ифода эттириш ҳамда томонларнинг ҳамкорликка кириши ёки кирмасликдаги ихтиёрийлигини ҳамда ҳурмат қилишини ҳам ўзида ифода эттиради. Шунинг учун унинг негизида эзгулик, бағрикенглик ва умуминсонийлик каби қадриятлар мужассамлашган. Унда томонларни зўравонлик билан ҳамкорликка жалб этиш мақсади мавжуд эмас. Айни пайтда «интернационализм» инсониятнинг онгли фаолиятида бошланибдики, табиий жараён сифатида амал қилиб келмоқда. Аммо унинг худди шундай номланиши ҳар доим ҳам бўлган эди, деган фикрга қўшилиб бўлмайди. Аслида унинг илмий истёмолга кириб келиши ишчилар синфининг мустақил сиёсий куч бўлиб кураш майдонига чиқиши ҳамда уларнинг буржуазияга қарши курашдаги яқдилликни вужудга келтириш мафкураси билан боғлиқ. Унинг асосий тамойили манфаатлар тенглиги, эҳтиёткорлик ва табиийликдир.

«Интеграция» тушунчаси эса «Фалсафа» қисқача изоҳли лугатида қуйидагича таърифланади: «Интеграция (лот. Integer — тўла, бутун, бузилмаган, бутунлик) — умумият, бирликка эришишга йўналтирилган жараён ёки фаолият натижаси»дир. «Фалсафа: қомусий лугати»да «интеграция» (лот. Integer — бутун): 1) айрим қисм ва элементларни бир бутунга бирлаштириш; 2) турли мамлакатларнинг бирлашмалари, тор доирадаги иқтисодий-сиёсий гуруҳлар қўшилиши, деган таърифлар учрайди. Интеграциянинг шакллари илмий, сиёсий, маданий, халқаро ва ҳоказо турларга бўлиб ўрганилади¹.

Кўриниб турибдики, бу тушунчаларга таъриф беришда ҳатто лугатларда ҳам фарқлар учрайди.

Юқорида таъкидланганидек, «глобаллашув» атама сифатида XX асрнинг охирида (1983 йил, Т. Левиттнинг «Гарвард бизнес ревью» журналида тилга олинган)

¹ Фалсафа: қисқача изоҳли лугат. — Т.: «Шарқ», 2004. 162-б.

фанга олиб кирилган. Аммо унинг жараён сифатида эса, милoddан аввалги IV асрда, XV — XVII асрларда, XIX аср охири ва XX аср бошларида юзага келганлиги ҳақида (бу ҳақида юқорида батафсил фикр юритилган эди) турли олимлар ўз ғояларини билдирган эдилар. Агар «интернационаллашув» ва «интеграциялашув» тушунчаларининг мазмуни билан «глобаллашув» тушунчасининг мазмунини ўзаро солиштирадиган бўлсак, улар ўртасида (юқорида олимлар томонидан улар ҳақида билдирган фикрларни ўзаро солиштирганда) фарқлар деярли сезилмади. Айниқса, «интеграция» билан «глобаллашув» тушунчалари бир хил мазмунни ифода этганини кўришимиз мумкин. Энди XX асрнинг 60—70-йилларида жаҳоннинг Ғарб мамлакатларида фан, техника ва технология тараққиётининг юксак даражада ривожланишини «илмий-техник инқилоб» тушунчаси сифатида илмий истеъмолга кирганлигини назарда тутадиган бўлсак, «глобаллашув» тушунчасида олимлар томонидан унинг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги билдираётган фикрларидан фарқи қолмаётир.

Хуллас, бу ноаниқликларнинг ечимини топиш учун глобаллашувнинг асосий мезонини белгилаш зарур бўлади. Бунинг учун яна «интеграция» ва илмий-техник инқилобнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида муносабатимизни билдиришга ҳаракат қиламиз.

Юқорида олимларимиз таъкидлаганидек, ҳақиқатан ҳам, XIX аср охири ва XX аср бошларида жаҳон миқёсида фан, техника ва технология тараққиётининг олдинги босқичига нисбатан юксак ривожланиш даражасига кўтарилиши, компьютер, Интернет, уяли телефон ва бошқа техник воситалар хизмат кўрсата бошлади. Натижада бу — дунёдаги барча мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан табиий яқинлашуви ўрнига тараққий топган мамлакатларнинг бутун дунёда устувор даражага кўтарилиши оқибатида ягона иқтисодий макон шаклланиш жараёни тезлашувига олиб келди. «Ягона иқтисодий макон»нинг маъноси шуки:

а) бу даврга келиб асрлар давомида табиий таоминлар, яъни барча мамлакатлар манфаатларига хизмат қилувчи табиий интеграциялашувнинг ўрнини тараққий қилган мамлакатларнинг ўз юксак иқтисодий салоҳиятига асосланиб, турли найранглар ва услубларни қўллаш йўли билан жаҳон иқтисодиёти устидан назорат қилиши даражасига етиб келиши;

б) ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ҳаёти табиий яқинлашувидан фарқли ўлароқ, ўз тараққиёти манфаатларидан келиб чиққан ҳолда жаҳон иқтисодий ҳаётига кириб боришига мажбур бўлиш ҳолати юзага келишини билдиради. Чунки ҳамма мамлакатларда дунёнинг тараққий қилган мамлакатлари даражасида фан, техника ва технологияларни ишлаб чиқиш имконияти ҳам, ўзларини тўла таъминлай оладиган ресурсларнинг старли даражада бўлмаслиги ҳам, борларидан эса самарали фойдаланиш учун зарур бўлган замоннинг ўсиб бораётган эҳтиёжларига жавоб берадиган интеллектуалларнинг етишмаслиги ҳам ривожланаётган давлатларни объектив равишда жаҳонда шаклланаётган ягона иқтисодий маконга киришга мажбур этади;

в) ягона иқтисодий макондан тараққий қилаётган мамлакатлар қанчалик катта манфаат кўрмасин, барибир ундан асосий манфаатдорлар юксак тараққий қилган мамлакатлар ҳисобланади.

Интеграциялашувни табиий жараён дедик. Унинг мазмуни шундаки, у инсониятнинг онгли фаолияти бошланибдики, доимо амал қилиб келган. Чунки инсонлар ҳеч қачон якка тартибда яшай олмаслиги, унинг инсон сифатидаги табиати, онги, дунёқарashi, ахлоқи, барча ҳодиса ва жараёнларга онгли муносабати ўз тараққиётини ўзгалар билан ҳамкорликда кўра билишдаги салоҳияти билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам инсонларнинг бир-бирига талпиниб яшашлари, уларнинг ўз ҳаётий тажрибаларини алмашиши бир-бирларига ёрдам кўрсатишлар ва ўзаро дўстона муносабатлари тараққиётга олиб борувчи омил сифатида, уларнинг ўртасида-

ги интеграциялашув (яқинлашув) жараёнларининг табиий равишда амал қилишини таъминлаган.

Шундай қилиб, интеграциялашув **биринчидан**, табиий чекланган бўлса, **иккинчидан**, ҳар бир субъект учун умумий тараққиётнинг ҳаётий зарурати сифатида намоён бўлиб келган. **Учинчидан** эса, интеграциялашувда айрим олинган бир томоннинг эмас, балки унда қатнашаётган барча мамлакатларнинг манфаатлари ўз ифодасини топган. Кўриниб турибдики, «интеграция» инсониятни тараққиётга олиб борувчи объектив зарурият ва эҳтиёж сифатида намоён бўлган. У ҳар доим илмий истеъмолда мамлакатлар ва халқларнинг иқтисодий жиҳатдан ўзаро яқинлашиши ифодаси маъносида қўлланиб келинган.

Албатта, интеграциялашув билан бир вақтда «байналмилаллашув» тушунчаси ҳам илмий истеъмолда қўлланиб келинган. У турли миллат, элатлар ва халқларнинг маданий-маънавий жиҳатдан бир-бирларига таъсир ўтказиши, ўзаро маънавий бойиш жараёни сифатида кечган. «Интеграциялашув» билан «байналмилаллашув» бир хил маънони англатувчи тушунчалар эмас. Лекин улар ўзининг йўналиши, мақоми ва моҳияти жиҳатдан ижобий тушунчалар бўлиб, ўзаро яқин ҳолатда намоён бўлади. Улар қанчалик яқин бўлмасин, тушунча (категория) сифатида бир хил маънони англатувчи тушунчалар эмас.

Жумладан, интеграциялашув мамлакатлар иқтисодиётининг ўзаро табиий яқинлашувини акс эттирса, байналмилаллашув турли миллат ва элатлар маънавиятининг ўзаро таъсир ўтказиши натижасида содир бўладиган маънавиятнинг бойиши, умумий томонларининг юзага келиш ҳолатини илмий истеъмолда тушунча сифатида қўлланилар эди. Бугунги кунга келиб бу тушунчалар илмий истеъмолдан чиқиб кетаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Тўғри, «интеграция» тушунчаси жаҳон мамлакатлари иқтисодий ҳаётининг ўзаро яқинлашувини ифода этувчи атама сифатида қўлланиб келинмоқда. Аммо бугун у ўзининг аънавий моҳиятини

йўқотиб бўлди. Бугун, юқорида таъкидлаганимиздек, «интеграциялашувдан» бир томон, хусусан, жуда катта моддий имкониятга эга бўлган, катта фан, техника ва технология салоҳиятига эга бўлган мамлакатлар асосий манфаатни кўрмоқдалар. Шу маънода ҳам бугунги «интеграциялашув» моҳияти ва қамрови жиҳатидан инқилобий тус олган кучга асосланиб, юксак тараққий қилган мамлакатларнинг, ривожланаётган ва нисбатан қолақ мамлакатлар ресурсларига эгалик қилишга хизмат қилувчи глобаллашув таъсирида юзага келган ягона иқтисодий маконни ниқобловчи янги «суперинтеграциялашув» дейиш мумкин. Шу ўринда бу фикримизни тасдиқлаш маъносида америкалик машҳур социолог, АҚШ президентининг собиқ ёрдамчиси Збигнев Бжезинскийнинг қуйидаги фикрларини келтиришни лозим топдик. У Америка Қўшма Штатлари глобаллашувининг негатив самарасини юмшатиш учун нима қилиши керак, деган саволга қуйидагича жавоб берган: «Бошида, муҳими, асосланмаган имтиёزلардан воз кечишга тайёрлик, шунингдек, иқтисодий муносабатларда, учинчи дунё ишчиларига ахлоқий муносабатларда инсоний бўлишнинг зарурлиги. Глобаллашувни иқтисодий устунликка эришиш йўлида инсонларни сиқувга олишда суиистеъмол қилиш керак эмас. Аксинча, глобаллашув жаҳон аҳолисининг катта қисми дуч келаётган давр талабларидан ўрин олган дунё ижтимоий сиёсатининг ажралмас қисми бўлмоғи зарур»¹.

Кўриниб турибдики, бугунги кунда глобаллашув омили АҚШ каби юксак тараққий қилган мамлакатга хизмат қилаётганлиги Збигнев Бжезинскийдек машҳур сиёсатчи ва социолог томонидан эътироф қилинмоқда ҳамда унинг барча инсонларга хизмат қилиш зарурлиги таъкидланмоқда. Шундай қилиб, иқтисодиётнинг маърифатлашган интеграциялашуви ўзининг

¹ Қаранг: Uzbekistan and Central Asia. — Центр политических исследований. Информационно-аналитический бюллетень. IX — 2007. — С. 44.

моҳиятини ўзгартириб, глобаллашув таъсирида фақат бир томоннинг, яъни юксак тараққий қилган мамлакатлар манфаатларини ифода этувчи омилга айланди, дейишимиз мумкин бўлади. Унинг шиддат билан ривожланиши, бугун инсоният ва жаҳон тараққиётида амалиёт даражасига кўтарилиши глобаллашувнинг инқилобий моҳиятини ўзида ифода эттиради.

Худди шу маънода америкалик олим Т. Фридманнинг глобаллашувни «совуқ уруш тизимини» алмаштирган янги тизим», деган фикрига қўшилиш мумкин¹. Глобаллашувнинг ҳозирги даврдаги авж олиши, инсоният ва унинг улуг қадриятлардан бири бўлган миллатни, миллий маънавиятни барбод қилиш ҳамда уни «оммавий маънавият» билан алмаштиришдаги таъсири қудратли амалиёт даражасига кўтарилишини ҳисобга олганимизда олимнинг фикрига қўшилмасликнинг иложи йўқ. У фикр юритаётган «совуқ уруш»ни алмаштирган янги тизимнинг моҳияти шундаки, ҳақиқатан ҳам, инсонлар ҳозирги даврга келиб, икки тизим ўртасида кечган совуқ уруш даврига қараганда янги-янги хавотирлар муҳитида, замонида яшашга мажбур бўлмоқдалар. Бу энди икки тизим ўртасида эмас, балки ғоялар ва мафкуралар ўртасида инсон онги, дунёқараши, қалби учун бўладиган курашни ўзида ифода эттирувчи янги тизимдир. Ана шу тизимнинг юзага келиши инсоният тараққиётини янги ўзанга йўналтираётган янги инқилобдир.

Энди, бугун фан, техника ва технологияда фойда бўлган ютуқлар, жумладан, замонавий оммавий ахборот воситалари, телевидение, компьютер, Интернет ва уяли телефон кабиларнинг сифати, оммавийлиги ва бошқа жиҳатлари билан XX аср ўрталарида кечган илмий-техник инқилоб ва фан билан таққосласак, улар ўртасида осмон билан ерча фарқ борлигини кўриб тур-

¹ Глобалистика международный междисциплинарный энциклопедический словарь. Москва — Санкт-Петербург — Нью-Йорк, 2006. 163-б.

ганимизни таъкидлашимиз лозим бўлади. Негадир, илмий адабиётларимизда бугун инсоният тафаккурининг маҳсули бўлган ана шу ютуқларни инқилобий ўзгариш сифатида ифода этиш кузатилмаяпти. Глобаллашув жараёни ҳақида фикр юритганда, асосан, «интеграциялашув» назарда тутилмоқда. Фикримизча, глобаллашув жараёни ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, уни ҳаракатга келтираётган кучлар ҳисобга олиниши лозим. Глобаллашув ўз-ўзидан кечадиган жараён эмас, у энг аввало, инсоният ақл-заковати билан яратилган кашфиётларнинг замонавий телекоммуникация, Интернет, уяли телефон ва бошқа техника ҳамда технологик воситалар ёрдамида курраи заминга етказилиши, оммавийлашуви ва ундан бугун инсониятнинг фойдаланиш имкониятининг юзага келганлигини ҳам назарда тутиш керак бўлади. Уларнинг аралашувисиз глобаллашувнинг моҳияти ва қамровини ҳам тушуниб бўлмайди. Шу маънода бугун фан, техника ва технологияда эришилган ютуқларни ўтган асрда амал қилган илмий-техника инқилоби билан қиёслаганда, унинг глобаллашувининг реал ҳаётда амал қилишида таъминлаётган инсоният тараққиётидаги янги сифат кўрсаткичига эга бўлган тафаккур маҳсули дейиш мумкин. Шундай қилиб, глобаллашувнинг инқилобий моҳияти нафақат дунёнинг ягона сиёсий макон даражасида бирлашуви жараёни, балки уни ҳаракатга келтирувчи воситалар ва омиллар тараққиёти даражаларининг юксаклигида, уларнинг инсоният ҳаёт ритмларини жадаллаштиришдаги қудратида ўз ифодасини топади.

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ЦИВИЛИЗАЦИЯ ДИАЛЕКТИКАСИ

Глобаллашув ўз-ўзидан кечадиган жараён эмас, балки у бир қатор омиллар ва воситаларнинг таъсири натижасидагина моддийликка айланади. Ҳақиқатан ҳам иқтисодиёт, сиёсат, маънавият ва мафқуранинг глобаллашуви деганимизда мамлакатлар, халқлар, мил-

латлар ва минтақаларнинг алоҳидаликдан умумийликка бирлашуви, яъни бир бутунлик ҳолатига келиши замонавий телекоммуникация, кундалик Интернет, уяли телефон ва бошқа информацион воситаларнинг кучи ҳамда уларнинг фаолияти орқали содир бўлаётган жараёни назарда тутамиз.

Айни пайтда, ана шу воситалар инсон ақл-заковатининг маҳсули бўлиб, унинг фаолияти ва ҳаёт кечирishi билан боғлиқ бўлган юксак тараққиётга кўтарилганининг кўрсаткичи ҳамдир. Айтиш мумкинки, бугунги кунда инсониятнинг барча соҳаларда эришган ютуқлари XXI аср мўъжизасидир. Зеро, у ҳали ўз тарихида бундай юксак тараққиётга эришмаган. Шу маънода ҳам бир қатор илмий адабиётларда инсоният эришган бугунги ютуқлар ҳозирги замон цивилизацияси сифатида баҳолаб келинмоқда. Агар глобаллашувни моддий кучга айлантираётган омиллар ва воситаларни инсоният тафаккурининг маҳсули ва унинг юксак тараққиётга эришганлигининг кўрсаткичи сифатида қарайдиган бўлсак, уларнинг бугунги цивилизация билан нечоғлиқ алоқаси бор, халқлар, миллатлар ва этник бирликларни ягона ҳудудий ва маънавий «макон»га олиб келаётган глобаллашувнинг бугунги тамаддун кўриниши дейиш мумкинми? Боз устига, бугун глобаллашув жараёни баъзи мутахассислар инсониятнинг яхши ҳаёт кечирishини таъминлайдиган омил сифатида баҳолашдан қатъи назар, унинг мамлакатлар, уларда яшаётган халқлар, миллатлар ва этник бирликларнинг ўзига хослигини барбод қилишга ўтказаетган таъсирининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Шундай экан, глобаллашув ёки уни моддийликка айлантираётган воситаларни бугуннинг тамаддуни сифатида қарашимиз мумкинми? Агар мумкин бўлса, қандай асосларга таянишимиз лозим; агар мумкин эмас, деб ҳисоблайдиган бўлсак, унинг заминида қандай асослар туради, деган ўта мураккаб ва айни замонда аниқлик киритиш зарур бўлган муҳим масалалардир. Зеро,

нафақат Ўзбекистонда, шунингдек, МДХ мамлакатларида эълон қилинаётган аксарият илмий адабиётларда ҳам бу масала эътибордан четда қолиб келмоқда. Бугун уларда асосан глобаллашувнинг ижобий натижалари эйфорияси етакчи ўринни эгалламоқда. Айниқса, унинг ҳозирча иқтисодий ҳаётга ўтказаетган таъсирига юксак баҳо бериш бугун ҳам давом этаётганлигини таъкидлаш лозим бўлади.

Агар глобаллашувнинг бутун жаҳон халқларининг (шунда ҳам асосан тараққий қилган мамлакатлар халқларининг) моддий фаровонлигининг ошувига ўтказаетган таъсирига маҳлиё бўлиб, эртага миллат, элатлар, этник бирликлар бирлашиб ягона миллат бўлиб, ягона маънавий қиёфага эга бўлиб қолса, инсониятнинг гултожи, унга гўзаллик бағишлаб турган миллат моддий фаровонлик қурбонига айланса, инсоният ютадими ёки ютқазадими? Ёки глобаллашувнинг ижобий томонларидан самарали фойдаланиб, миллатни асраб қолишнинг имкониятлари борми? Глобаллашувнинг ижобий жиҳатларини бугунги тамаддуннинг кўрсаткичи дейдиган бўлсак, улар ўртасида қандай боғлиқлик ва зиддиятлар бор? Бу саволлар ҳозирча очиқ турибди.

Қўйилган саволларга жавоб излашни цивилизация (тамаддун) тушунчаси, унга турли қарашлар, унинг мезонлари ва намоён бўлиш хусусиятлари ҳақида фикр юритишдан бошлашга ҳаракат қиламизки, сиёсий-маданий ёндашув нуқтаи назаридан мантиққа хосдир.

Бугун Ўзбекистонда ва бир қатор хорижий мамлакатларда, шу жумладан Россияда эълон қилинган илмий адабиётларда цивилизация тушунчасига турли қарашлар мавжуд бўлиб, уларнинг бир-бирига яқин жиҳатларга эгаллигини кўриш мумкин. Шу билан бирга, уларнинг баъзи бирларида катта фарқлар ҳам учрайди. Жумладан, «Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп лугат»ида «Цивилизация (лотинча «civilis» — фуқаровий, ижтимоий) жамиятнинг ўз тараққиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларининг, улар-

ни янада кучайтириб ҳамда такомиллаштириб бериш усулларининг мажмуи», деган таъриф берилган¹. Яна бир лугатда келтирилишича, «Цивилизация — (лотинча «civilis» — фуқаро жамияти, ҳарбийларсиз ва черковларсиз ҳаёт) жамият эришган моддий ва маънавий даража, унинг фақат инсонга хос сунъий оламни моддий ва маънавий жиҳатдан такомиллаштиришдаги мувафаққиятлари кўрсаткичи. Инсоният жамиятининг ҳайвонот оламидан асосий фарқи шундан иборатки, инсон ўз меҳнат фаолияти ва ақл-заковати билан яратилган сунъий дунёда яшайди. Табиатда тайёр ҳолда уй, нон, энгил машина, китоб ва шу каби нарсалар учрамайди. Уларни табиат яратмайди. Уларни одам ўз меҳнати ва ақл-заковат кучи билан юзага келтиради. Жамиятнинг тараққиёти даражаси ана шу сунъий нарсаларнинг сони ва сифати билан белгиланади»². «Фалсафа: қомусий лугат»ида эса, бу тушунчага қуйидагича таъриф берилган: «Цивилизация (лотинча «civilis» — фуқаровий, ижтимоий) — серқирра ва мураккаб мазмунга эга бўлган ижтимоий-фалсафий тушунча. Цивилизация тушунчасини шотланд тарихчиси ва файласуфи А. Фергюссон (1773—1816) жаҳон тарихий жараёнининг маълум бир босқичини ифодалаш учун, француз маърифатпарварлари ақл-идрок ва адолатга асосланган жамият, деган маънода ишлатган эдилар.

Ундан кейин ҳам цивилизация тушунчасига турлича мазмун бериш давом этди. Айрим ҳолда уни маданиятнинг, баъзан фақат моддий маданиятнинг синоними сифатида ишлатган бўлсалар, немис файласуфи О. Шпенглер эса, аксинча, уни маданиятнинг антиподи маъносига, яъни маданиятнинг ҳалок бўлиш жараёни босқичини харақтерлаш учун, инглиз социологи ва тарихчиси А. Тойн-

¹ Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп лугат. А. Жалолов ва Қ. Хоназаров умумий таҳрири остида. — Т.: «Шарқ», 1998. 236-б.

² Фалсафа: қисқача изоҳли лугат. — Т.: «Шарқ», 2004. 347-б.

би эса ўзига хос ва нисбатан ёпиқ бўлган жамиятларни ифодалаш учун ишлатган. Цивилизация тушунчасининг ҳажми ва мазмунини белгилашда ҳам турфа хиллик ҳозирги вақтгача сақланиб қолмоқда. Бу тушунча: 1) ижтимоий ривожланишнинг ёввойилик ва варварликдан кейин келадиган босқичини; 2) умуман кишилик жамияти ривожланишининг маълум бир босқичини (масалан, неолит, нокапиталистик ёки ҳозирги замон цивилизацияси); 3) маълум бир ижтимоий-иқтисодий формацияни; 4) географик жиҳатдан фарқланувчи бирликларни (масалан, Европа ва Осиё цивилизацияси); 5) диний мансублигига кўра фарқланувчи маданий бирликларни (масалан, христиан ёки ислом цивилизацияси); 6) келиб чиқиши ва планетар мансублигига кўра фарқланувчи бирликларни (масалан, Ер цивилизацияси, Ердан ташқари цивилизациялар); 7) этник асосга кўра фарқланувчи ижтимоий-маданий бирликларни (масалан, қадимги Миср ёки Бобил цивилизацияси) ва шу каби маъноларни ифодалаш учун қўлланилиб келмоқда»¹.

Ўзбек миллий энциклопедиясида «Цивилизация (лот. *Civilis*) фуқароликка, давлатга тааллуқли» тамаддун; 1) кенг маънода — онгли мавжудотлар мавжудлигининг ҳар қандай шакли; 2) маданият сўзининг синоними. Бу термин кўпинча моддий маданият маъносига ҳам қўлланилади; 3) маданиятнинг замон ва маконда чегараланган тарихий типи (Миср цивилизацияси, Месопотамия цивилизацияси ва бошқ.); 4) ёввойилик ва ваҳшийликдан кейинги ижтимоий тараққиёт босқичи. «Цивилизация» тушунчаси XVIII асрда «маданият» тушунчаси билан узвий боғлиқ равишда пайдо бўлган»².

«Цивилизация» тушунчаси фалсафа ўқув қўлланмалари ва дарсликларида ҳам турлича берилган. Жумладан, Ўзбекистондаги бир қатор олимлар ҳамкорлигида тай-

¹ Фалсафа: қомусий луғат. — Т.: «Шарқ», 2004. 446-б.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. — Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. 548-б.

ёрланиб чоп этилган «Фалсафа» китобининг 9-мавзу-си «Жаҳон цивилизацияси ва мустақил ривожланиш фалсафаси» деб номланиб, унда алоҳида «Жаҳон цивилизацияси» номли кичик мавзу берилган бўлиб, «Жаҳон цивилизацияси» деганда Шарқ ва Ғарб цивилизациялари, минтақавий ва ҳудудий цивилизацияларнинг яхлит, бир бутун ижтимоий тизими бўлган инсоният, сайёрамиздаги жамият тушунилади. Бу тушунча, умумий маънода, заминимизда яшаётган барча одамларнинг умумий макони бўлган Ер юзидаги ҳаёт, тарихнинг ҳамма даврларида мавжуд бўлган давлат, жамият, халқ ва миллатларнинг умргузаронлик қилиши билан боғлиқ жараёнлар мажмуасини ўзида акс эттиради», дея келтирилади¹.

«Ғарб фалсафаси» китобида эса «Ўрта асрлар Европасида христианлик барча халқлар цивилизациясига асос солувчи омил бўлди... миллий давлатлар пайдо бўлди», дейилади². Яъни, бу китобда цивилизацияни христианлик ва у билан бирга миллий давлатларнинг пайдо бўлиши билан боғланган ҳолда тавсифланган.

Марҳум академик устозимиз Э. Юсуповнинг умумий таҳрири остида нашр этилган «Фалсафа» ўқув қўлланмасида «цивилизация» тушунчасига бир мунча кенгроқ тўхталинган. Унда «Фалсафа» қомусий луғатида билдирилган фикрлар умумлаштирилган, улар асосида тегишли хулосалар билдирилган ва мустақил фикрлар ҳам илгари сурилган. Жумладан, «ҳар қандай цивилизация: 1) муайян ижтимоий ишлаб чиқариш технологиясига; 2) такрорланмас маданият қадрияти, фалсафий қарашлари, одоб-ахлоқ нормаларига; 3) ўз ҳаётий тамойилларига эга бўлади. Буларнинг барчаси цивилизациянинг яхлит бирлик сифатида мавжуд бўлиши учун имкон яратади. Бу сифатий хусусиятларнинг йўқолиши цивилизациянинг ҳалок бўлишига олиб келади.

¹ Фалсафа асослари. — Т.: «Ўзбекистон», 2005. 348-б.

² Ғарб фалсафаси (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров). — Т.: «Шарқ», 2004. 225—226-б.

... цивилизация тушунчаси муайян халқ, мамлакат (жамият)га ёки унинг ривожланишининг сифатий жиҳатдан фарқланувчи айрим босқичларига нисбатан ишлатилгандагина, у аниқ илмий мазмунига, бинобарин, методологик аҳамиятга эга бўлади. Айнан этник birlikлар, мамлакатлар цивилизациянинг ўзига хослиги, асосий характеристикаларини ўзида яққол намоён қилади...

Демак, цивилизация маданиятнинг конкрет намоён бўлишини, унинг реал мавжуд ҳаётини акс эттиради. Цивилизациянинг маданиятсиз, маданиятнинг цивилизациясиз, ундан ташқарида мавжуд бўлиши мумкин эмас. Чунки инсон маълум бир цивилизация бағрида ўтмиш авлодлари томонидан яратилган барча моддий ва маънавий бойликларни ўзлаштирган ҳолда шаклланиши, камол топиши мумкин», деган хулосага келинган¹.

Бундан ташқари, шарқшунос олима Ф. Сулаймонова «Шарқ ва Фарб» номли монографиясида цивилизациянинг Шарқ ва Фарбда намоён бўлиши хусусиятлари ҳақида ўз фикрларини илгари сурган, китобда маданий тараққиёт цивилизация кўриниши сифатида берилган².

Марҳум академик Жондор Туланов ўзининг «Қадриятлар фалсафаси» китобида алоҳида бир фаслни «Шарқ цивилизацияси илк маданий-маънавий қадриятлар белгиси» деб номлаб, унда Шарқ халқларининг тарихи ва маданияти, илк сиёсий, ҳуқуқий, диний, бадий, фалсафий қарашлари ва тасаввурлари ҳақида фикрларини билдирган³.

¹ Қаранг: Фалсафа (ўқув қўлланма). Э.Ю. Юсупов умумий таҳрири остида. — Т.: «Шарқ», 1999. 208, 312—313-б.

² Қаранг: Сулаймонова Ф. «Шарқ ва Фарб». — Т.: «Ўзбекистон», 1997.

³ Туланов Ж. Қадриятлар фалсафаси. — Т.: «Ўзбекистон», 1998. 85—108-б.

Рус олимлари томонидан «цивилизация» тушунчаси ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари ҳақида ҳам бир қатор қизиқарли фикрлар билдирилган. Жумладан, В.П. Рожин¹, Б.Г. Кузнецов², Х.Н. Момджян³, В.Е. Давидович⁴, А. Егоров⁵, Н.И. Конрад⁶ ва бошқа бир қатор олимлар «цивилизация»ни маданият ва фан тараққиётида яна бир формациянинг пайдо бўлиши сифатида (В.П. Рожин) ўрганадилар. Уларнинг асарлари ва илмий мақолалари эълон қилинганидан буён 35—40 йил ўтган бўлса ҳам бугунги кунда жаҳон, минтақа ёки инсоният тараққиётида кечаётган жараёнларни солиштириш ва «цивилизация»га нисбатан янги қарашларни шакллантиришда маълум бир даражада аҳамиятга молик ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда «цивилизация» тушунчасига қарашлар, унинг тобора мураккаблашиб бораётган глобаллашув жараёни билан нечоғлиқ боғлиқлиги ёки аксинча, боғлиқ эмаслиги масаласи илмий адабиётларимизда ўз ифодасини топмади. Айрим тадқиқотчилар ҳозирги замон цивилизациясига қарашларида аввалдан анъанага айланиб қолган «қолип»дан тўла чиқиб кета олмаганларини ҳам кўриш мумкин.

Шу билан бирга, кўпгина олимлар маданият, илм, техника ва иқтисодий тараққиётни ишлаб чиқариш ривожини цивилизациялар кўриниши сифатида қараганлар ва улар ўз фикрларини асослаб берганлар.

¹ Вестник Ленинградского университета. 1974, №11. Вып. 2. — С. 59.

² Кузнецов Б.Г. Понятие ценности науки проблема ее воздействия на цивилизацию. — В кн.: Механика и цивилизация XVII—XIX вв. — М.: 1979.

³ Қаранг: Социология и современность. Т.1. — М.: 1977. — С. 375 — 376.

⁴ Давидович В.Е. Культура и общественный прогресс. — Философские науки, 1978. №3. — С. 6.

⁵ Егоров А. Проблемы эстетики. — М.: 1974. — С. 255.

⁶ Конрад Н.И. Запад и Восток. — М.: 1972. — С. 453, 476.

Умуман, «цивилизация» тушунчасига нисбатан турли қарашларни шартли равишда қуйидагиларга ажратиш мумкин.

Биринчидан, унга минтақавий нуқтаи назардан қараш мавжуд бўлиб, улар Шарқ ва Ғарб цивилизацияларига ажратилиб талқин этилган. Бундай ажратишда, қадимги Шарқ мамлакатларида ёзувнинг юзага келиши, халқ оғзаки ижоди, моддий бойликларни (шаҳар қурилиши, меъморчилик) ишлаб чиқариш, курулларининг юзага келиши, фан, фалсафий қарашлар, урф-одат, анъана ва бошқа бир қатор маънавий маданият ривожининг кўрсаткичларини ифодалаш маъносида қўлланилиб келинди ва келинмоқда.

Иккинчидан, Ғарб цивилизацияси деганда эса Ғарбда XVIII асрда техника ва технология соҳасида, энергияни механик двигателлардан фойдаланиб ҳосил қилиш, ер ости ресурсларидан фойдаланишда ва бошқа соҳаларда қўлга киритилган ютуқларни ифодалаш маъносида қўлланилиб келинганлигини кўриш мумкин.

Учинчидан, цивилизацияни динларнинг юзага келиши ва инсоният тараққиётига таъсирини (хусусан, ислом, христиан ва бошқа динлар) ифодалаш маъносида қўлланилиб келинган.

Тўртинчидан, тараққиётини тарихий босқичларга бўлиб, хусусан, қулдорлик, феодализм, капитализм ва коммунизм, унинг қуйи босқичи социализмга бўлиш ва уларга алоҳида формациялар сифатида қараб, уларни тараққиётнинг ҳар бир янги юқори босқичини ифодалаш маъносида қўлланилиб келинганлигини кўриш мумкин.

Бешинчидан, минтақавий қарашлар ҳам мавжуд бўлиб, уларда конкрет алоҳида олинган минтақаларда илм, фалсафа, дин, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда қўлга киритилган ютуқларни ифодалаш маъноси назарда тутиб қўлланилган. Жумладан, қадимги Хитой, Ҳиндистон, Марказий Осиё, Эрон ва бошқа ҳудудларда кечган ўз даврининг юксак тараққиётлари назарда тутилган.

Олтинчидан, ижтимоий тараққиётга формацион ёндашувдан воз кечилган ҳолда унга цивилизацион ёндашувлар ҳам мавжуд. Яъни, жамиятни синфлар, улар ўртасидаги манфаатлар ва ўзаро курашлар моҳиятидан эмас, балки уни бир бугун ҳолатдаги тараққиёт даражаларини ифодалаш маъносидаги қарашлар мавжуд бўлиб, улар айниқса социализмнинг барбод бўлиши муносабати билан устувор даражага кўтарилганини кўриш мумкин. Улар аграр цивилизация, индустриал цивилизация, постиндустриал цивилизация, супериндустриал ва бошқа шакллари назарда тутилмоқда. Бундай қараш негизида техник-технологик тараққиёт таъсирида юзага келган ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт кўрсаткичлари туради.

Хуллас, «цивилизация» тушунчасига нисбатан қарашлар бисёр бўлиб, келтирилганларда умумий томон шундаки, бу тушунча мазмун жиҳатдан ижтимоий-маданий тараққиётнинг даража ва кўрсаткичларини ифодалаш маъносида қўлланилган. Айни пайтда «цивилизация»га маданиятнинг синоними сифатида қарашлар мавжуд бўлиб, улар ҳақида юқорида фикрларни келтирган эдик. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, «цивилизация»ни нафақат тараққиётнинг юқори кўрсаткичи, балки унинг аксини ифодалаш маъносида ҳам қўллашлар бор. Жумладан, немис файласуфи О. Шпенглер уни маданиятнинг ҳалок бўлиш жараёни босқичини характерлаш маъносида қўллаган¹. Бундай қарашлар бошқа олимлар асарларида ҳам учрайди.

Бу тушунчага ана шундай нуқтаи назардан, яъни бир томонлама қарайдиган бўлсак, «цивилизация»нинг мустақил фалсафий категория сифатидаги мазмунига путур етади. Боз устига баъзи тадқиқотларда «цивилизация»ни маданий тараққиётнинг юқори босқичи сифатида қарашлар бугун ҳам устуворлик қилиб келмоқда.

¹ Шпенглер О. Закат Европы. / Пер. с нем. и примеч. И.И. Маханькова. — М.: «Мысль», 1998. — С. 606.

Агар юқорида келтирилганларга чуқурроқ қарайдиган бўлсак, қуйидаги иккита савол келиб чиқади. Улардан **биринчиси**, «цивилизация» билан «маданият» ўртасида фарқ, чегара, мезон нимадан иборат, улар қаерда бошланиб, қаерда тамом бўлади? Ҳақиқатан ҳам «цивилизация»га маданий ва ижтимоий-маданий тараққиёт даражаларининг кўрсаткичи сифатида қараш тўғри бўладими? Унда «цивилизация»ни турли тармоқларга ажратишга эҳтиёж қоладими ёки бу тушунча қандай функционал вазифани бажаради? **Иккинчидан**, бугун инсоният глобаллашув шароитида ер юзи аҳолисининг бир қисми фаровон яшамоқда, улар ўзларининг интеллектуал салоҳияти, иқтидори, моддий имкониятлари билан дунё тараққиётининг янги босқичини бошлаб бердилар. Ана шу жиҳатдан улар тимсолида инсоният тараққиётининг бу босқичида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий тараққиёт даражалари билан ўзидан олдинги ҳар қандай даврдан тубдан фарқ қилувчи янги даврда яшамоқдамиз, дейиш мумкин. Айни пайтда бу фарқ нафақат юксак тараққиёт даражалари, балки унда мавжуд зиддиятларнинг бисёрлигида ҳам ўз ифодасини топади. Жумладан, глобаллашув ҳаммага тенг, бир хил даражада эмас, балки айрим тараққий қилган мамлакатларга кўп фойда келтиради, бунда инсоният асрлар давомида интилиб келаётган тенглик барҳам топмоқда. Айни пайтда глобаллашув мамлакатларнинг иқтисодий, техник ва технологик жиҳатдан тараққий қилишига қанчалик ижобий таъсир ўтказмасин, унинг инсоният маънавий ва ахлоқий қадриятларининг емирилишига ўтказаетган таъсири ниҳоятда кучайиб бормоқда. Ана шундай ҳолатда бугунги глобаллашув босқичига «цивилизация»нинг кўриниши ёки янги босқичи сифатида қараш мумкинми?

Назаримизда, юқорида қўйилаётган саволларга жавоб қайтариш учун «цивилизация» тушунчаси ва унинг маъно-мазмунига бугунги тараққиёт нуқтаи назардан

қараш лозим бўлади. Бунинг учун эса «цивилизация» ва «маданият» тушунчалари ва уларнинг фалсафий «мақомига» аниқлик киритиш зарур бўлади. Чунки агар улар бир хил маънони англатадиган ва бир хил мақомда амал қиладиган бўлса, уларнинг иккаласини мустақил тушунчалар сифатида илмий истеъмолда қўллашга эҳтиёж қолмаган бўлур эди. Тўғри, уларнинг ҳар иккаласида ҳам ижобий маънодаги тараққиёт кўрсаткичларини ифода эттириш нуқтаи назаридан умумийлик мавжуд, улар зид эмас, аксинча ўзаро яқин тушунчалар, улар ўртасида Хитой девори йўқ. Аммо бу улар бир хил маънони англатади дегани эмас. Улар ўртасида маълум фарқлар бор. Фикримизча, улар қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

Биринчидан, маданият қайси даражада бўлишидан қатъи назар, инсониятнинг онгли фаолияти бошланган даврдан бошлаб, ҳар доим шаклланиб, ривожланиб, такомиллашиб келган ва инсоният курраи заминда ҳаёт кечирадиган бўлса, у даврга мос равишда ривожланиб бораверади. Цивилизация эса ҳар доим узлуксиз равишда эмас, балки тарихий тараққиётнинг маълум бир босқичида содир бўлган. У ўзининг нафақат тушунча сифатидаги моҳияти билан, балки салобати, қамрови ва сифат кўрсаткичлари билан «маданият»дан ва унинг тараққиёт даражасидан юксаклиги билан ҳам фарқ қилган.

Иккинчидан, маданиятнинг ривожланиши узлуксиз жараён, у маълум бир объектив ва субъектив омиллар таъсирида юқори даражада ривожланиши ёки орқада қолиши, ёхуд яна ривожланиши мумкин. Аммо цивилизация ўзининг моҳияти, кўрсаткич даражалари, инсоният тараққиётидаги ўрни ва таъсир ўтказиш имкониятлари билан «инқилоб» даражасидаги ўзгаришни ўзида ифода эттиради. У қайси кўринишда бўлмасин, жамиятлар алмашуви, маданият, фан, техника, технология, турли коммуникация ва бошқа соҳаларида содир бўладиган буюк «инқилобий» ютуқларнинг кўрсаткичларини ифода эттириш маъносида қўлланилади.

Учинчидан, цивилизациянинг тараққиётга ўтказадиган таъсир доираси ва қамрови ҳам маданиятга қараганда кенг ва юксакдир. Зеро, минтақа, фан, техника, технология, маданият, дин каби соҳаларда содир бўладиган «цивилизациялар» бутун бир мамлакатни, минтақани ва жаҳоннинг ривожига янги босқични бошлаб беради. Маданият ривожига эса «инқилобий» ўзгаришларга олиб келмайди, балки тараққиёт давомийлигини таъминлашнинг кўриниши сифатида намоён бўлиб бораверади.

Тўртинчидан, «цивилизация» мустақил тушунча экан, унинг заминида нима туради, деган саволга, албатта маданият, деб жавоб бериш мумкин. Лекин, айнан тор ва узлуксиз ривожланадиган жараён сифатидаги маданиятнинг ўзи эмас, балки унда тарихий тараққиётнинг маълум босқичида ва маълум муҳлатни қамраб олган, унда содир бўладиган ютуқдаги «инқилоб», инсониятнинг ақл-заковати тараққиётининг маҳсулидир.

Бешинчидан, «цивилизация»нинг заминида маданият туради, деган фикримизнинг маъноси шуки, фан, гоё, техника, технология ва бошқа соҳалардаги барча ютуқлар инсониятнинг ақл-заковати, қўл меҳнати билан яратилади ва улар амалиёт орқали моддийликка айланади. Моддийликка айланган барча ютуқлар инсониятнинг унга «ишлов» бериши натижасида шаклланади, ривожланади ва ўзида маълум гўзалликни ифода эттиради. Тарихий тараққиётнинг маълум босқичида инсоният интеллектуал салоҳиятининг юксак даражада ривожланиши таъсирида маданий ва маънавий ҳаётда оддий, амал қилаётган тараққиётга нисбатан буюк ўзгаришлар содир бўлади. Бу ўзгаришларнинг характерли жиҳати шундаки, у ўзининг салоҳияти, қамрови ва инсоният тараққиётига ўтказадиган таъсир қуввати билан алоҳида ажралиб туради.

Юқоридаги фикрларга асосланиб айтиш мумкинки, цивилизация (тамаддун) заминида маданият турсада, лекин у айнан оддий кўринишдаги маданиятнинг ўзи

эмас (янги моддий бойликлар эмас), балки инсоният интеллектуал салоҳияти юксак даражага кўтарилиши (тараққиёти) таъсирида тарихнинг маълум бир босқичида содир бўладиган «инқилобий» ўзгаришнинг ифодасидир.

Шу маънода ҳам у маданият тушунчаси каби ўзига хос мақом ва қамровга эга бўлган фалсафий категориядир. Унинг бу мақоми тарихий тараққиётда турли соҳаларда ва ижтимоий ҳаётда инсоният ақл-заковатининг юксакликка кўтарилиш меваси сифатида вақти-вақти билан содир бўладиган «инқилоб»нинг кўрсаткичида ўз ифодасини топади. Цивилизация қайси соҳада содир бўлса, уни вақт ва салоҳият нуқтаи назаридан янги босқич сифатида ўзини намоён этади. Унда маданиятда кечадиган узлуксиз ривожланиш эмас, балки ўз йўналишида маълум тарихий босқичда кескин бурилиш содир бўлади. Ундаги тараққиётни кескин бурилиш даражасига кўтариш салоҳияти унинг мустақил фалсафий тушунча (категория) сифатидаги мақомини ифода эттиради. «Цивилизация» билан «маданият» тушунчаларининг тараққиётдаги ўрнини аниқ тасаввур этиш учун ана шу «кескинлик»ни эътиборга олиш лозим бўлади. «Цивилизация»ни маданият билан узвий равишда қарашнинг асосий сабаби шундаки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам инсониятнинг ўз фаолияти давомида яратиладиган ва прогрессив аҳамиятга эга бўлган меҳнат маҳсулидир. Уларда инсоннинг инсон сифатидаги маънавий «қиёфаси» яхлит тарзда ўз ифодасини топган. Уларни инсонлар шакллантиради, ривожлантиради ва айни пайтда улар инсоннинг ўзини ҳам юксак тараққиётга етаклайди, моддийлик сифатидаги улуғлигини тараннум этади.

Маданият ривожланиши узлуксиз жараён. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш лозимки, маданият ҳар доим ҳам тараққий қилмаслиги, маълум бир объектив ва субъектив омиллар таъсирида инқирозга учраши мумкин. Аммо у маълум бир вақтдан кейин яна ўз ўзанида ривожлани-

ши, давом этиши мумкин. Цивилизациялар қайси соҳада бўлмасин ҳар доим ҳам содир бўлавермайди, балки маълум тарихий босқичда содир бўлиб, **ярқираган юлдуз** каби ўз салоҳияти билан ўзининг «мен» лигини намоён этади. Шу маънода ҳам цивилизацияларнинг юзага келишида маълум бир «пауза» (узилиш)лар мавжуд бўлади.

Албатта, «маданият» ва «цивилизация» тушунчалари, уларнинг маъно-мазмуни, пайдо бўлиши, инсоният тараққиётидаги ўрни, мақоми, кўрсаткич даражалари ҳақидаги тасаввурларимизни юқорида илгари сураётган икки асосий концептуал гоёларимизга таянган ҳолда бойитишимиз мумкин. Уларни янада аниқлаштирадиган бўлсак: биринчидан, «цивилизация»лар қайси соҳада бўлишидан қатъи назар, улар маълум бир босқичда содир бўлиши, унда «пауза»нинг амал қилиши ва «маданият»нинг узлуксиз ривожланиши; иккинчидан, «цивилизация»нинг маданиятнинг узлуксиз ривожланишига нисбатан юксак «инқилобий» кўрсаткич даражасидаги ифодасини ва «ярқираган юлдуз» каби ўз «мен»лигини намоён этишдаги салоҳиятини назарда тутмоғимиз керак бўлади. Шу жиҳатдан «цивилизация» тушунчасини салбий маънода тушунишга ёки бу фикрнинг илгари сурилишига ҳам қўшилиб бўлмайди.

Энди Самюэл Хантингтоннинг «цивилизациялар тўқнашуви» ҳақидаги концепциясига келсак, у «цивилизация»ни салбий омил сифатида илгари сураётгани йўқ, балки улар ўртасидаги тўқнашувнинг содир бўлиши ҳақида жаҳоннинг илғор фикрловчи кишиларини огоҳлантираётир. Ҳақиқатан ҳам, инсоният ўзининг интеллектуал салоҳияти билан яратган «цивилизация»лар ўртасида тўқнашувнинг юзага келишига бефарқ қарайдиган бўлса, бу унинг фожиасидир. Аммо бунда «цивилизациялар» айбдор эмас. Агар инсоният эс-ҳушини йиғиштириб, унга сергаклик ва огоҳлик билан қарайдиган бўлса, унда ўзи яратган турли цивилизациялар

Ўртасида қарама-қаршилиқни эмас, балки монандликни вужудга келтира олиши мумкин ва унинг ютуқларини тараққиётга йўналтира олади, ўзининг курраи заминда узоқ яшашига ва ҳаёт кечиришига эришиши мумкин бўлади. Акс ҳолда, бундан кейин содир бўладиган «цивилизация»лар унинг бошига тузатиб бўлмайдиган фожиаларни олиб келиши мумкин. Бу, илмий ва назарий нуқтаи назар жиҳатидан ўта мураккаб масала бўлиб, қамровлилик ва амалий аҳамияти жиҳатидан сиёсий тусга эга, уни турли мутахассисларнинг ҳамкорлигида фундаментал тарзда мустақил муаммо сифатида ўрганилишини талаб қилади. Афсуски, у бугун бир томондан, тарқоқ ҳолда ўрганилмоқда ва уларни ўзаро уйғунлаштирган ҳолда цивилизацияни асрашга қаратилган ягона фундаментал концепция ишлаб чиқилмаган, иккинчи томондан, цивилизациянинг ҳалокати бутун инсониятни ҳалокатга гирифтор қилиши гоёсини жаҳон халқлари онги ва қалбига етказиш ҳам орқада қолмоқда. Мазкур муаммонинг кенг қамровли эканлиги ва уни ҳал этишда турли соҳа мутахассисларининг ҳамкорлиги зарурлигини ҳисобга олиб, цивилизациялар туқнашувида содир бўлиши мумкин бўлган фожиалар ҳақидаги фикримизни чуқурлаштирмасдан, олдимизга қўйилган асосий масалани таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Юқорида цивилизацияларнинг турли шакллари ва кўринишлари ҳақида фикр юритиб, улардан келиб чиққан ҳолда, жаҳон миқёсида бугунги кечаётган глобаллашувни ҳозирги замон цивилизациясининг кўриниши сифатида қарашимиз мумкинми, деган саволни қўйиб, унга жавоб излашга ҳаракат қиламиз.

Глобаллашувнинг ўзи эмас, уни ҳаракатга келтириб турган фан, техника, технология каби омиллар инсоният интеллектуал салоҳиятининг «меvasи» ҳисобланади ва улар ўзларининг ҳали шу бугунги кунгача инсоният эриша олмаган имкониятлари, тараққиётга ҳамда маънавий ҳаётга ўтказадиган таъсирлари би-

лап «цивилизация» моҳиятини тўла ўзида ифода эттиради.

Лекин, унинг турли соҳаларга ўтказадиган салбий жиҳатлари, хусусан, миллий маънавиятларнинг емирилиш, уларни бир қолинга солишдаги «хизматлари» билан шу кунгача жаҳонда яшаётган миллатлар, халқлар ва мамлакатлар ҳаётида содир бўлган «цивилизация» ларни тенглаштиришимиз мумкинми, деган саволни қўйишимиз лозим бўлади. Бу масалага жиддий эътибор беришга эҳтиёж эса бугун кўпчиликнинг глобаллашув жараёнида иқтисодиётда, фан, техника ва технология соҳасидаги ютуқларнинг оммавийлашувига маҳлиё бўлишининг ортиб бораётгани ва унинг миллатлар ва халқлар маънавияти, ахлоқи ва менталитетида юз бераётган салбий оқибатларига нисбатан бепарволик, керак бўлса, масъулиятсизликнинг кучаяётганлиги билан боғлиқдир. Бу ерда «глобаллашув» жараёнида бугун содир бўлаётган ижобий ютуқларни эътироф этмаслик ҳақида гап бораётгани йўқ. Уларни эътироф этмаслик мумкин эмас. Бу ерда гап бугунги авлод, эртанги кунда эстафетани ўз қўлига оладиган авлод — ўз миллатдошлари ҳақида ўйламайдиган бўлса, кун келиб ўз «чироғи»нинг бутунлай «ўчиб» қолиши мумкинлигини англаб етаётирми ёки йўқми, деган масалага имконият даражасида фикр билдириш ҳақида бормоқда.

Тўғри, юқорида биз бир томондан глобаллашувни ҳаракатга келтирувчи омилларни инсониятнинг бугун эришган цивилизацияси, дедик. Уларни бутун инсоният ҳаёт ритмларини жадаллаштиришдаги «инқилоб» тарзида ифодаладик. Шу билан бирга унинг бугун, эртага ва истиқболда миллатлар ҳаётига ўтказиши мумкин бўлаётган салбий таъсирлари ҳақида ҳам қисман бўлса-да, фикрлар билдирдик ва уни кейин батафсилроқ давом эттиришга ҳаракат қиламиз. Энг асосийси, **бир томондан**, глобаллашувни ҳаракатга келтираётган омиллар бугунги цивилизациянинг кўриниши (фан-техника, технология, коммуникация ва бошқа ютуқлари), деб эътироф этаётирмиз, **иккинчи томондан** эса,

уларнинг миллатлар ва халқлар маданияти, ахлоқи, турмуш тарзи, менталитетларига ўтказадиган салбий таъсири ҳақидаги фикрларни илгари сурмоқдамиз. Унда бугунги цивилизация ютуқларидан фойдаланиш керакми ёки ундан воз кечиш керакми?

Аслида ундан воз кечишнинг ҳеч қандай имконияти йўқ. Чунки бугунги цивилизация **тараққиёт юксаклигининг охириги кўрсаткичи эмас**, балки глобаллашувни жараён даражасига кўтараётган ва ҳаракатга келтираётган омиллар ва воситаларнинг юксак даражада ривожланиб, бутун инсоният ҳаётини тубдан ўзгартиришга сабаб бўлаётган тарихий даврнинг янги босқичидир. Шундай экан, ундан фойдаланмасликнинг ҳам имкони йўқ. Агар ундан самарали фойдаланиш йўлини танламасак, жаҳон тараққиётидан узилиб, орқада қолиб кетамиз. Демак, уларнинг ҳар иккаласини ҳисобга оладиган йўлни танлашимиз керак бўлади. Бунинг учун эса бугунги цивилизациянинг ўтмишда содир бўлганларидан фарқли жиҳатларини, имкониятларини, миллатлар ва халқлар ҳаётига ўтказадиган бугунги, эртанги ва истиқболдаги таъсирлари, оқибатлари ҳақида фикр юритишимиз лозим бўлади.

Маълумки, инсоният тарихида турли соҳаларда цивилизациялар бўлиб ўтган. Лекин уларнинг биронтаси ҳам бугунги кунда кечаётган глобаллашув жараёни билан боғлиқ бўлмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги цивилизациянинг ўзига хос жиҳатларини назарий жиҳатдан аниқлаш мақсадга мувофиқ. Улар фикримизча, қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, ўтмишда содир бўлган цивилизациялар локал ҳолатда турли соҳа ва тармоқларда кечган. Масалан, минтақавий цивилизациялар, динларнинг пайдо бўлиши, фанда, техникада содир бўлган (қўлга киритилган ютуқлар) цивилизациялар шулар жумласига киради. Тўғри, улар қайси маконда юзага келган бўлса, ўша жойда тўхтаб қолгани йўқ. Ёки фан тармоқларида содир бўлган катта ютуқлар ана шу фанлар доираси билан чекланиб ҳам қолмади. Улар маълум

вақтлар ўтиши билан бошқа минтақаларга ёйилди. У ёки бу фан соҳасида содир бўлган улкан инқилобий ютуқлар вақт ўтиши билан бошқа фанлар ривожланишига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бунинг натижасида фанда интеграциялашув жараёни ҳам юзага келиб, фан-техника тараққиёти инсон камоли, жамият ривожланиши учун хизмат қилиши лозимлиги амалиётда ўз аксини топди. Лекин бунинг учун маълум вақт зарур бўлган эди. Бугунги цивилизация глобал характерга эга бўлиб, у қайси минтақада ёинки фан-техника технологияси соҳаларида бўлмоқда. Улар чегарасиз ҳамда барча соҳаларни ўзига қамраб олган. Жумладан, АҚШ, Европа ёки Африкада содир бўлаётган фан-техника ва технологиядаги ютуқлар тезлик билан жаҳоннинг бошқа ҳудудларига ҳам оммавий тарзда тарқалиб кетмоқда. Айни пайтда физика, кимё, биология, тиббиётда содир бўлаётган барча ютуқлар ўзаро боғлиқ ҳолда, уйғун ҳолатда ривожланмоқда. Улардаги дифференциялашувдан кўра интеграциялашув устувор даражада ривожланаётгани бугунги цивилизацияга хос бўлган хусусият ҳисобланади.

Иккинчидан, ўтмишда содир бўлган цивилизациялар ўзининг ҳажми ва миқдори жиҳатдан бир қадар чекланган эди. Жумладан, у ёки бу фан, маданият ва бошқа соҳаларда содир бўлган буюк ютуқлар, уларнинг барча тармоқларининг комплекс ривожини тўлиқ қамраб олмасдан, маълум тармоқ доирасида ривожлантирган. Масалан, кимё, физика, математика ёки қурилиш соҳаларидаги ютуқлар барча йўналишларда бир вақтнинг ўзида ривожланиб кетишини таъминламасдан, аввал маълум тармоқлар доирасида ривожланган. Шу маънода ҳам уларнинг ҳажми «тор», «миқдори» ҳам ҳажми доирасида намоён бўлган. Бугун фан-техника, технология, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги цивилизация даражасидаги ютуқлар нафақат у ёки бу соҳалардаги тармоқлар, балки барча соҳаларда катта ўзгаришлар содир бўлишига олиб келмоқда.

Учинчидан, ўтмишда содир бўлган цивилизацияларнинг амалиётга татбиқ қилиниши узоқ вақтни талаб қилган, ҳатто улар давр тараққиётидан илгарилаб кетган бўлса, ўз вақтида англаб етилмаган, боз устига улардан реал ҳаётда фойдаланиш имконияти ҳам етарли даражада бўлмаган. Улар фақат маълум вақт ўтиши билан тарихий тараққиётнинг маълум босқичида англаб етилган ва катта ютуқ сифатида ҳаётга татбиқ қилина бошланган. Масалан, IX—XII асрларда Ўрта Осиёда фаннинг турли соҳаларида эришилган ютуқларнинг мазмун-моҳияти, инқилобий аҳамияти ўша даврнинг ўзида англаб етилмаган ва уларни ҳаётда тўлиқ қўллашнинг имконияти бўлмаган. Ҳозирги замонда фан, техника, технология ва турли коммуникация соҳаларида назарий жиҳатдан асосланган барча ютуқлар қисқа вақт ичида реал ҳаётга тўлиқ татбиқ қилинмоқда. Яна ҳам аниқроғи, юқоридаги соҳаларда эришилган барча ютуқлар моддий ва маънавий ишлаб чиқариш кучига айланмоқда. Бу жараён турли даврларда мавжуд бўлган омма интеллектуал салоҳиятининг турли даражада бўлиши ва имкониятларининг етарли даражада бўлганлиги билан боғлиқ бўлган.

Тўртинчидан, ўтмишда содир бўлган барча цивилизациялар инсониятнинг тараққиётига ижобий таъсир ўтказган. Жумладан, Шарқда содир бўлган илк ўрта асрлар цивилизацияси бутун Ғарбга ижобий таъсир ўтказган, кейинчалик Ғарбда содир бўлган цивилизация Шарқ тараққиётига ўз ижобий таъсирини ўтказган ва шу аснода цивилизациялар миллат, халқ ва мамлакатларнинг ўзаро яқинлашувида ҳам ижобий аҳамиятга эга бўлиб келган. Бугунги цивилизациянинг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда салбий жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, у халқлар, мамлакатлар ва минтақалар ўртасида зиддиятларнинг юзага келишига ҳам сабаб бўлмоқда. Жумладан, замонавий коммуникация ва оммавий ахборот воситалари кучли иқтисодий салоҳиятга эга бўлган Ғарб мамлакатларининг дунёга ҳукмдор бўлишга интилишлари қолган бошқа давлат ва

минтақаларнинг халқлари ўртасида катта норозиликка сабаб бўлмоқда. Бугун содир бўлган цивилизациянинг ўтмишда содир бўлганларидан фарқли жиҳати шундаки, у глобаллашув жараёни билан уйғун ҳолда юзага келгани сабабли глобаллашувнинг миллатлар ва инсонлар маънавиятини емиришдаги таъсири бугунги цивилизациянинг обрў ва нуфузига ҳам салбий таъсир утказмоқда.

Бешинчидан, ўтмишда содир бўлган барча цивилизациялар оммавийлашув жиҳатидан узоқ вақтни талаб қилган бўлса ҳам, чекланган мамлакатлар ва халқлар манфаатларини эмас, балки бутун инсоният манфаатларини ифода эттирган. Уларнинг мазмун ва йўналишида бир гуруҳ мамлакатлар ва уларда яшаётган халқларнинг манфаатларига хизмат қилувчи «оммавий маданият»ни шакллантириш мақсади кўзланмаган. Уларда маданиятларнинг ўз заминлари асосида ривожланиши, ўзаро эркин таъсирлашиш ва бойитиш асосида умуминсоний маданият ривожига хизмат қилиш ўтмишда содир бўлган барча ижобий йўналишдаги цивилизациялар ривожига стратегик йўналишни ташкил қилган. Бугунги кунда амал қилаётган цивилизациянинг бош йўналишини эса, барча моддий, маънавий, техник-технологик ютуқларга эга бўлган бир гуруҳ мамлакатлар ҳукмронлигини таъминлашга хизмат қилувчи «оммавий маданият» ташкил қилмоқда.

«Оммавий маданият», тўғрироғи «оммавий маънавият» умуминсоний маънавият эмас, у «авом» ёки «оломон» маънавияти ҳам эмас, балки бир томондан юксак тараққий қилган мамлакатларнинг дунёда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилаётган, ер куррасида мавжуд барча ресурсларга эгалик қилишга интилаётган, моддий фаровонлиги юксак, аммо маънавий қашшоқ корчалонлар маънавиятидир; иккинчи томондан, у нафақат кам тараққий қилган, шунингдек, ана шу юксак тараққий қилган мамлакатлар аҳолисини ҳам маънавий қашшоқликка мубтало қилаётган зўравонлик руҳиятини ва ахлоқий бузуқликни ифода этувчи ғоявий қашшоқ

маънавиятдир. Ўрни келганда, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, «оммавий маданият» юксак тараққий қилган мамлакатлардаги оддий инсонлар эмас, балки уларни ўз изидан юришга жалб қилишни мақсад қилган айрим сиёсий элита томонидан шакллантирилган. Мазкур мамлакатларнинг оддий кишилари моддий фаровонлик илинжида сиёсий элитанинг бу «маънавият»ини шакллантиришдаги иштирокчисига айланган, дейшимиз мумкин. Эндиликда улар юксак даражадаги моддий фаровонликка эришганига қарамасдан, умуминсонийликка хос бўлмаган маънавий қашшоқлик гирдобига етиб келдилар. Меҳр-оқибат, оила, ўзаро ёрдам, қон-қариндошлик каби қадриятларнинг қайта тиклашнинг имкони йўқлигини англаб етмоқдалар. Айтиш мумкинки, бу мамлакатлардаги оддий инсонлар «оммавий маънавият»нинг шакллантирувчилари эмас, балки жараённинг иштирокчилари ва қурбонига айланганлар. Шу сингари глобаллашув жараёнининг жаҳон бўйича ёйилиши тезлашмоқда.

Глобаллашувнинг яна бир хусусияти шундаки, бу жараён инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари ошиб боришини тезлаштириб, уларнинг анъанавий менталитетини ўзгартирмоқда. Аникроги глобаллашувнинг таъсири остида «оммавий инсон» сиймоси вужудга келмоқда. Тўғри, менталитет бошқа руҳият омилларига қараганда қанчалик консерватив бўлмасин, у ҳам давр ўзгариши таъсирида бўлади. Аммо у айнан давр билан бир вақтда эмас, балки ундаги ўзгаришларнинг моддий куч даражасига кўтарилишининг таъсирида ўзгариб боради. Шу жиҳатдан ҳам даврга нисбатан консерватив хусусиятга эгадир.

Ҳозирги замонда глобаллашув жараёнида инсонларнинг анъанавий менталитетида содир бўлаётган ўзгаришлар шаклланиб келаётган «оммавий маданият» нинг таъсирида кечаётганлиги боис, уларда ижобий жиҳатлар эмас, балки индивидуализм, шуҳратпарастлик, қандай йўл билан бўлса ҳам бойлик тўплаб, ўзгаларни назар-писанд қилмаслик, очкўзлик, ёвузлик, ўзаро бе-

гоналашув каби салбий хусусиятлар ривожланиб бормоқда. Ана шу жиҳатдан қараганда «оммавий маданият» ни шакллантираётган глобаллашув жараёнини инсонлардаги салбий хусусиятлар юзага келишининг олдини олишга хизмат қилувчи умуминсоний маънавиятни шакллантиришга йўналтириш бугунги цивилизация олдидаги энг муҳим стратегик вазифага айланиб бормоқда.

Ҳозирги замон цивилизациясининг фарқли жиҳатлари ҳақида фикр юритганда яна қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим бўлади: а) бугун инсоният тараққиётида демократия, тенглик инсон ҳуқуқларининг устуворлигига эришиш тараққиётнинг бош йўналишига айланди; б) дунёни мафкуравий манфаатлар асосида бўлиш барҳам топди, фикрлар турли-туманлигини амалиётга айлантириш жараёнлари кечмоқда; в) синфлар манфаатлари эмас, балки инсон манфаатларининг устуворлигига эришишга интилиш ривожланмоқда; г) тараққиётга жамиятнинг синфларга ажралишини ўзида ифода этувчи формацион ёндашув барҳам топиб, унга цивилизацион ёндашув, яъни ишлаб чиқариш кучларининг тараққиёти нуқтаи назаридан қараш амал қилмоқда; д) бугун мамлакатлараро глобал қарама-қаршилик келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган қарашлар устуворлиги юқори даражада ривожланмоқда. Бу, ўз навбатида, жаҳон миқёсида урушларнинг келиб чиқмаслиги, уларнинг олдини олиш зарурлигини инсоният тобора англаб боришига ўз таъсирини ўтказётгани билан бугунги цивилизацияга сиёсий ва маънавий «қиёфа» бағишламоқда.

Келтирилганларга асосланиб таъкидлаш лозимки, бугунги цивилизацияни фақат «тор» маънодаги маданият билан чеклаб бўлмайди. Бу маданият қамрови кенг бўлиб, инсоният эришган барча юксак ютуқларни ўз ичига олади. Мазкур муваффақиятларнинг цивилизацион маъноси шундаки, улар чин маънода дунёни инқилобий тарзда ўзгартириб, тизимлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ўрнига ҳар бир миллатнинг ўзли-

гини асраш учун курашнинг янги босқичини бошлаб бермоқда.

Шундай қилиб, ҳозирги замонда инсоният эришган «цивилизация» ўзининг юқорида келтирилган бир қатор жиҳатлари билан ўтмишдаги цивилизациялардан фарқ қилади. Лекин бугун глобаллашувни жараён сифатида ҳаракатга келтираётган фан, техника, технология, замонавий коммуникация ва бошқа воситалар инсоният ақл-заковатининг маҳсули, ўзининг салоҳияти, қамрови, моддий куч сифатида амал қилаётганлиги билан тараққиётнинг янги даврини бошлаб берди. Унинг таъсирида бугун инсоният ўтмишдаги барча ютуқларга нисбатан мисли кўрилмаган даражада тараққиётга эришди. Хусусан, инсониятнинг интеллектуал салоҳияти шу даражада ривожландики, у бугунга келиб фақат ўликни тирилтиришдан ташқари барча соҳаларда юксак муваффақиятларни қўлга киритди. У бугун коинотни эгаллашдан тортиб сунъий инсонларни дунёга келтириш (улар ҳозир 4 млн. кишини ташкил қилади) нанотехнологияларни яратиб, ишлаб чиқаришдан тортиб соғлиқни сақлаш, турли касалликларни даволаш каби ҳали инсоният ўз тараққиёти тарихида эришмаган ҳал қилиниши бўйича энг мураккаб муаммоларнинг ечимини топиш даражасига етиб келди. Эришилган ютуқларни сифат, миқдор, даража ва қамров жиҳатдан оддий маданият ривожланиши, дейиш уларнинг моҳиятини тўла очиб беролмайди. Чунки улар оддий маданият ривожланиши эмас, балки инсониятни янги тараққиёт босқичига олиб кирган XXI аср цивилизациясидир. Зеро, юқорида таъкидланганидек, «цивилизация» айнан маданият эмас, балки унинг маълум тарихий тараққиёт босқичида инсоният ақл-заковатининг маҳсули сифатида вақт-вақти билан содир бўладиган моддийликни ифода этувчи инқилобий ўзгаришдир.

Ҳозирги замон цивилизацияси ҳақида гапираётганда, унинг борлиқ сифатидаги имкониятлари ва намоён бўлаётган жиҳатларини назарда тутамиз. Ҳозирги

замон цивилизациясининг энг асосий натижалари бугун жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнида тобора оммалашиб бормоқда.

Глобаллашув жараёнида намоён бўлаётган цивилизациянинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикр юритганда, инсонлар унинг пассив ижрочиси эмас, балки фаол иштирокчиси, яратувчисига айланаётгани, бунга ўтказётган ижобий таъсирини ҳам назарда тутмоғимиз лозим бўлади. Яъни, инсонлар глобаллашув жараёнида фаол иштирок қилиб, унинг ижобий ва салбий жиҳатлари намоён бўлишида қатнашмоқда. Уларнинг кўпчилик қисми кимнингдир кўрсатмаларини бажарётгани йўқ, балки ўз манфаати ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бу жараёнда иштирок қилмоқда. Бу ижобий ҳолат, албатта. Чунки улар бу жараёнда қатнашиш билан унинг ижобий имкониятларидан фойдаланиш, салбий жиҳатларидан ҳимояланиш зарурлигини англаб етмоқдалар.

Бугун инсоният эришган цивилизация глобаллашув таъсирида нафақат оммавийлашмоқда, шу билан бирга маълум маънода инқирозга ҳам учрамоқда. Бу турли манфаатлар ўртасидаги кураш ва уларнинг таъсирида юзага келаётган ёвузлик, зўравонлик, ахлоқсизлик ва бошқа бир қатор салбий хатти-ҳаракатларда цивилизациянинг ютуқларидан фойдаланиш кучаяётганлиги унинг нуфузини туширмоқда. У ўз имкониятларини юзага чиқариб, инсониятга хизмат қилишдан кўра глобаллашувнинг салбий жиҳатлари босимида дучор бўлмоқда. Цивилизациянинг муҳим кўрсаткичлари бу — инсонларнинг бугунги ютуқлардан фойдаланиб фаровонликка эришиш ҳамда онги ва дунёқараши, ўзаро муносабатларида ижобий ўзгаришларнинг шаклланиши ҳисобланади. Афсуски, худди ана шу жиҳатдан қараганда, юқорида келтирилган салбий хатти-ҳаракатлар оқибатида инсонлар ўзлигидан маҳрум бўлиш ва ўзаро бегоналашуви кучаяётганлиги цивилизация инқироzi сифатида намоён бўлмоқда. Глобаллашувнинг унга ўтказаетган салбий таъсири кучайгандан кучаймоқда.

Унга фикримизча: а) инсонларнинг ўз ички имкониятларини юзага чиқаришга қаратилган интилиш даражаларининг глобаллашув жараёнининг тезлик даражасидан орқада қолаётгани; б) уларнинг моддий эҳтиёжларининг ошувига онг, дунёқараш ва руҳиятда цивилизация талаблари даражасидаги ўзгаришлар эмас, балки «ташқари»да глобаллашув жараёнида кечаётган салбий ўзгаришларнинг ўтказаетган таъсири сабаб бўлмоқда.

Бугун баъзи инсонларнинг ўзи билмаган ҳолда, умумий оқимга қўшилиб, ўз руҳиятидан «ташқари»га боғлиқ ва боқиманда бўлиб қолиши ривожланмоқда. Яъни, улар руҳиятида мен нима билан «ташқари»да иштирок қилаётирман, деб эмас, балки «ташқари»да нима бўлаётир, деган қарашларнинг кучайиши ва уларни қандай бўлса, шундайлигича ўзлаштиришга мойилликнинг ошиб бориши кузатилмоқда. Бу бевосита «оммавий инсон»лар сонини кўпайтириш учун тайёрланган бир нечта хулқ моделларининг яратилганлиги, тақлид асосида ҳаётгузаронлик қилиш ҳолатларини тарғиб этиш кабилар билан боғлиқдир.

Бугунги глобаллашув жараёни цивилизацияни оммавийлаштириш оқибатида инсонлар турмуш тарзида мавжуд қадриятларнинг ўзгаришига ҳам таъсир ўтказмоқда. Жумладан, улар менталитетида бир қатор ўзгаришлар (бу ҳақида юқорида фикр билдирган эдик) содир бўлди. Ҳозирда уларнинг турмуш тарзида содир бўлган ўзгаришларни чинакам цивилизация дейиш мумкин. Жумладан, бундан 21 йил олдин қишлоқ жойларида тўй-маърака ва бошқа тадбирлар ерга кигиз, бўйралар тўшалиб, одамларнинг уларда ўтириши билан ўтказилган бўлса, эндиликда бу тадбирлар қишлоқларда қурилган ресторанларда ва тўйхоналарда ўтказилмоқда. Ҳайратланарли жиҳати шундаки, ана шу ресторану тўйхоналарнинг бирон кун бўш қолиб кетиш ҳолати бўлмайди. Бу — одамларимиз ҳаётининг фаровонлиги ва маънавий-маърифий даражаларида содир

бўлган ўзгаришларни кўрсатади. Ёки бундан 30 йил олдин қишлоқларимизда эшак араваси бор хонадон ўзига тўқ оила сифатида қаралган бўлса, кейинчалик мотоцикли, 80-йилларга келиб эса «Жигули»си бўлган оила ўзига тўқ хонадон ҳисобланган бўлса, 90-йилларнинг бошига келиб «Нексия» сотиб олган одам «бойвачча» деб қаралган. Бугун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган машиналар қанчалик чиройли бўлишига қарамасдан, кимнинг хорижда ишлаб чиқарилган машиналаридан биттаси эмас икки, учтасига эга бўлганларнигина «бойвачча» сифатида қараш «анъанага» айланиб бормоқда. Ёки бугунги уйларнинг қурилиши, уларнинг архитектураси ва дизайни дам олишга мўлжалланган шарт-шароитларни бундан 21 йил олдингилари билан ўзининг юксаклиги жиҳатидан солиштириб бўлмаслиги ҳеч ким учун янгилик эмас. Уларнинг 21 йил ичида содир бўлганлиги тараққиётнинг нақадар жадаллашаётганини тасдиқлайди. Бир қараганда, улар оддий тараққиётимизнинг кўриниши. Аммо уларга инсоният ўз тараққиётининг биронта тарихий босқичларида бугунгидек эриша олмаган, бунга фақат ХХI асрнинг бугунги кунида эриша олди. Бу ҳол ўз кўлами, юқори даражадалиги, оммавийлашиб бораётгани билан бугунги цивилизациянинг кўрсаткичидир.

Цивилизациялар қамрови ва имкониятлари ҳақида фикр юритганда, уларнинг ўзаро боғлиқ жиҳатлари ва ўз-ўзидан пайдо бўлмаслигини ҳам назарда тутишимиз лозим. Улар қамрови жиҳатидан бугунгиси кечагига қараганда кенг оммавий кўринишда намоён бўлиб, бу ўзгариш давр тараққиёти билан боғлиқ ҳолда кечади. Айни пайтда улар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки жамиятнинг илғор интеллектуаллари томонидан яратилади. Ва жамиятда яшовчи инсонлар фаолияти билан моддий кучга айлантиради. Шунинг учун ҳам интеллектуаллар мамлакат бойлиги, халқнинг қай даражада ривожланганининг асосий кўрсаткичи ҳисоб-

ланади. Интеллектуаллар мамлакат ва унда яшовчи аҳолини цивилизация жараёнларига кенг жалб қилувчи куч бўлиб майдонга чиқади.

Цивилизациянинг юқорида келтирилган ютуқларини глобаллашув жараёни оммалаштираётгани масаласига қайтиб, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, унга эҳтиёткорлик билан қараш тақозо этилади. Чунки уларга чуқурроқ қаралса, ўзаро номутаносиблик борлигини кўриш мумкин бўлади. **Цивилизация ижобий маънодаги юксак тараққиётнинг инъикоси, кўриниши, глобаллашув эса жараён, у аслида ижобий маънодаги цивилизацияни оммалаштиришга хизмат қилишга қаратилиши лозим.** Аммо глобаллашув жараён сифатида ижобий маънодаги цивилизациянигина эмас, балки инсоният маънавиятини қашшоқлаштириш, уни инқирозга олиб боровчи омилларни ҳам оммалаштиришга хизмат қилмоқда. Шу жиҳатдан қараганда **ҳозирги замон цивилизацияси билан глобаллашув жараёни ўртасида маълум зиддиятлар мавжудлигини таъкидлаш лозим.** Улар асосан субъектив омилларнинг таъсири оқибатида кечмоқда. Цивилизациялар халқ ичидан етилиб чиққан интеллектуаллар томонидан яратилмоқда, унинг маълум бир ютуқлари халқ манфаатларига ҳам хизмат қилмоқда. Аммо унинг асосий ютуқлари бир гуруҳ юксак тараққий қилган мамлакатларнинг ўз манфаатларини, хусусан, кўпроқ бойлик орттириш, дунёга эгалик қилиш, ўзгалар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатиш каби мақсадларини амалга ошириш йўлида фойдаланишга йўналтирилмоқда. Ана шу жиҳатдан ҳам бу ҳолат ҳозирги замон цивилизациясининг умуминсоний ютуқ сифатидаги моҳияти, мақоми, мақсади ва вазифасига путур етказмоқда.

Агар ҳозирги замон глобаллашув жараёнини ҳаракатга келтираётган омиллар цивилизациянинг кўриниши бўладиган бўлса, уни чеклаган мамлакатлар томонидан ўз жирканч мақсадлари йўлида фойдаланаётгани улар ўртасидаги ўзига хос қарама-қаршилиқнинг амал қилаётганлигини ҳам ифодалайди. Бу масаланинг сиёсий,

ижтимоий, иқтисодий ва ҳарбий жиҳатлари мавжуд бўлиб, мажмуавий ёндашув асосида ўрганишни тақозо этади.

Бу қарама-қаршилик инсоний муносабатлар, миллий-маънавий тараққиёт, миллатлараро, минтақалараро муносабатларнинг ривожига ҳам таъсир ўтказмоқда. Улар ўзаро манфаатлар ва эҳтиёжлар билан боғлиқлиги учун ҳам глобаллашувни жараён сифатида тўхтатиб бўлмаганидек, цивилизациянинг барча ютуқларини умуминсоний манфаатларга йўналтириш ҳам мумкин бўлмаяпти. Масалан, ҳозирги даврда айрим мамлакатларда ер юзи аҳолисини қисқа дақиқаларда ер билан яксон қилишга қодир қурооллар яратилган. Бу хавфли қурооллар, аниқ манзилларга етиб бориши, бутун инсониятни ер куррасидан батамом йўқ қилиб юбориш имконияти билан катта фожиа воситаси ҳисобланади. Айни пайтда, улар ўзининг ана шу кўрсаткичлари билан инсоният интеллектуал салоҳиятининг меъраси, у яратган фан, техника, технологияда намоён бўлган цивилизациянинг кўриниши ҳамдир. Инсоният ақл-заковати бутунги кунга келиб уларни яратишга етган экан, бу унинг интеллектуал салоҳиятининг катта ютуғи ва айни пайтда, ҳозирги замон цивилизациясининг ёрқин ифодасидир. Аммо инсониятни қириш ва уни батамом ер куррасидан йўқ қилишга қаратилган куч цивилизация аломати эмас, балки унинг фожиаси ва инқирозидир. **Тажовузни цивилизация деб бўлмайди.** Боз устига, бир қатор мамлакатлар бунинг барча учун фожиа эканлигини билса-да, ундан воз кечаётгани йўқ, балки ўзини ҳам фалокатга олиб боришга хизмат қилувчи, энг янги қуроолларни ишлаб чиқишга, турли ҳудудларга жойлаштиришдаги фаолиятини кучайтирмоқда. Агар улар ер куррасидан инсонларни батамом йўқ қилишга кучи етишини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай цивилизациянинг кераги борми ўзи? Инсоният ўзи яратган ана шу цивилизациядан фахрланиш, гурурланишга ахлоқий жиҳатдан ҳаққи борми ўзи?

Аслида, юқорида цивилизация инсон тафаккури ва фидойи меҳнати эвазига шаклланади, унинг ривожланишида халқ оммаси асосий куч ва қудрат ҳисобланиши ҳақидаги фикрни илгари сурган эдик. Ҳақиқатан ҳам, унинг вужудга келишида инсон омили асосий куч-қудрат бўладиган бўлса, цивилизациянинг инсонни бугуни, эртаси ва истиқболи учун катта фожиаларга олиб келадиган салбий жиҳатлари ривожига унинг ўзи тўсиқ қўйиши мумкинми, деган саволни қўйиш ҳам мумкин. Бу саволга «ҳа» деган жавобни берса бўлади. Аммо бунинг учун камида ўзини фожиага олиб келиши мумкин бўлган икки омилга эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Энг аввало, бугунги кунга келиб, дунёнинг ягоналиги, унда содир бўладиган барча ижобий, салбий ўзгаришлар ва қўлга киритиладиган ютуқлар, бутун инсониятга тааллуқли бўлиб, уларнинг ер юзида омавий тарзда ёйилиб кетишини тўхтатишга ҳеч қандай имконият қолмаганлигини нафақат англаб етиш, балки тушуниш, сабр-тоқат, мардлик ва юксак ирода билан уларнинг ижобий жиҳатларини тараққиёт йўлида фойдаланишга, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш орқали собитқадамлик билан салбий жиҳатларини йўқ қилишга ҳаракат қилиш лозим бўлади. Аммо бу умуминсоний вазифани амалга ошириш осон эмас. Чунки дунё ранг-баранг, инсонларнинг ижтимоий, моддий ва маънавий даражалари ҳам турлитуман, уларнинг бирида ҳамма нарса бисёр бўлса, иккинчи бири ўртача, учинчи бири эса ўта қашшоқ ҳаёт кечирмоқда. Ижтимоий ва моддий жиҳатдан мавжуд бўлган ана шу тенгсизлик дунё халқларининг қўлни-қўлга бериб, истиқболда уларнинг бошига катта кулфатлар келтирувчи «цивилизация»лар олдига тўсиқ қўйишга имкон бермаётир.

Иккинчидан, ана шу жуда мураккаб ҳолатдан келиб чиқиладиган бўлса, эртанги ва истиқболда «цивилизация»лар инсон бошига фожиалар олиб келмасли-

ги учун, бир томондан, юксак тараққий қилган мамлакатлар камбағал, тараққиётдан орқада қолаётган мамлакатлар ва уларда яшаётган халқларга моддий жиҳатдан ёрдам бериши, уларнинг ҳеч бўлмаганда қолоқликдан қутулишида қўллаб-қувватлаши лозим бўлади. Бу борада юқорида таъкидланганидек, «Глобаллашувни иқтисодий устунликка эришиш йўлида инсонларни сиқувга олишда суиистеъмом қилиш керак эмас»¹ (Збигнев Бжезинский). Албатта, бу вазифани амалга оширишда ғаразғўйлик бўлмаслиги, биринчи ўринга ўз манфаатларини эмас, унинг инсоният тараққиёти учун аҳамиятини қўйиши амалий аҳамиятга эга бўлади. Иккинчи томондан эса, юксак тараққий қилган мамлакатлар ўзларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини жиловлашга ҳам ўрганишлари зарур бўлади. Тўғри, эҳтиёжнинг ортиб бориши тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Шу маънода уни «жиловлаш» дегани тараққиётга тўсиқ қўйишга олиб келмаслиги лозим. Бу ерда гап юксак тараққий қилган мамлакатларнинг ер ости ва устида мавжуд ресурсларга ягона эгалик қилиш йўлидан эмас, балки уларни исраш, барча мамлакатлар ва халқларнинг бойлигини шафқатсизлик билан исроф қилишига йўл қўймаслик ҳамда улардан самарали фойдаланишда етакчилик қилишлари зарурлиги ҳақида бормоқда. Бугун шу нарса аён бўлмоқдаки, агар дунёда мавжуд бўлган ресурслар (хомашёлар) қайси минтақада тугайдиган бўлса, улар иккинчи минтақада мавжуд бўлганларидан оқиб келишининг олдини олиб бўлмайди. Шундай экан, жаҳондаги мавжуд юксак тараққиётга эришган мамлакатларнинг инсониятга хавф солаётган «цивилизация»лари салбий таъсирини четлаб ўтишнинг ҳеч қандай имконияти қолмайди. Бу ҳолат, бугун реалликка айланаётган шароитда,

¹ Қаранг: Uzbekistan and Central Asia. — Центр политических исследований. Информационно-аналитический Бюллетень. IX — 2007. — С. 44.

бугун ер куррасидаги мамлакатлар ва уларда яшаётган халқларнинг ўзаро бирдамлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш маданиятини шакллантиришни талаб қилмоқда. Агар уни шакллантиришга, энг аввало, юксак тараққий қилган мамлакатларнинг етакчилари ва сиёсатчиларининг хоҳиш-иродаси етмас экан, учинчи «жаҳон уруши» кўринишида намоён бўлаётган глобаллашув, инсоният эришган бугунги «цивилизация» бугун инсоният бошига фожиалар олиб келиши мумкин. Бугун ана шу ўта хатарли жараён ҳақида дунё жамоатчилигини огоҳ қилишни, унинг юзага келишини олдини олишда бугун инсониятнинг ҳамкорлигига эришишни умуминсоний тараққиёт давомийлигини таъминловчи стратегик вазифа сифатида англаб етиш муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, «глобаллашув» ва «цивилизация» нинг ўзаро муносабатлари тўғрисида юритган юқоридаги фикрларимиздан қуйидаги хулосалар келиб чиқади.

Биринчидан, «глобаллашув» мавҳум тушунча, аммо уни ҳаракатга келтираётган кучлар, жараён сифатида намоён бўлишига таъсир қилаётган инсон ақл-заковати, фидойи меҳнати билан, бугун фан, техника, технология ва турли коммуникация соҳаларида қўлга киритилган улкан ютуқлар билан моддий борлиққа айланмоқда. У жараён сифатида ана шу ютуқларнинг амалиётга айланиши натижасидагина мавҳумликдан моддийликка айланмоқда. Глобаллашув жараёнини фан-техника, технологиялар ва турли коммуникациялар тараққиётисиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, уларнинг умуминсоний мулкка айланишини ҳам глобаллашув жараёнисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар бири иккинчиси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиб боради.

Иккинчидан, бугун амал қилаётган глобаллашув жараёни инсоният тараққиётидаги янги босқич ҳисобланади. Чунки у тарихда ўтмишда амал қилган «интеграциялашув», «байналмилаллашув» ва «ҳамкорлик» кабилардан тубдан фарқ қилиб, инсоният тафаккури тараққиётнинг маҳсули бўлган фан-техника, техноло-

гиялари ва турли коммуникациялар соҳасида эришилган ютуқларни қисқа дақиқаларда моддий кучга айлантирмоқдаки, ҳали унга тарихий тараққиёт давомида инсоният эриша олмаган. Айни пайтда, глобаллашув жараёни тараққиёт ритмларини тезлаштириш ва инсоният эришган ютуқларни умуминсоний мулкка айлантиришда бугунги цивилизациянинг таркибий қисми сифатида намоён бўлмоқда.

Аммо юқорида таъкидлаганимиздек, бугун фан, техника, технология ва турли коммуникацияларнинг яратилиши инсоният эришган бугунги цивилизация ифодаси бўлмасдан, у инсониятни ер юзидан батамом йўқ қилиши мумкин бўлган энг даҳшатли қуроолларнинг яратилишига хизмат қилар экан, «цивилизация»нинг инқирозга юз тутаётганини ҳам англатади.

Учинчидан, глобаллашув жараёни билан бугун инсоният эришган цивилизация ўртасидаги муносабатлардаги асосий хавф — биринчисининг иккинчисини ҳалоқатта етаклашидан иборат бўлиб қолмоқда. Яъни, инсоният бугун янги технологиялар ва турли коммуникациялар соҳасида эришган улкан ютуқлардан фойдаланишда тенгсизликнинг амал қилиши оқибатида, уларга эга бўлганларнинг янада юксак тараққий қилишига хизмат қилаётган бўлса, эга бўлмаганларни эса уларга қарам бўлишига олиб келмоқда. Худди ана шу омил ҳозир мавжуд бўлган тенгсизликни қарама-қаршиликка олиб келиш хавфини кучайтирмоқда. Агар унинг кульминацион нуқтага кўтарилиши содир бўладиган бўлса, бугун инсоният эришган барча ютуқлар барбод бўлади. Бу ҳолатдан инсоният омон қола олса, қўлдан бой берилган цивилизацияга эришишни яна бошидан бошлашга тўғри келади. Бу фожианинг олдини олишда миллатни ва унинг миллий маънавиятини асраш муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Чунки унда инсоннинг ўзини ўзи англашига ва умуминсонийликка дахлдор туйғулар ва масъуллик мужассамлашган. Уларнинг инсонлар онгида ўз ифодасини топиши ҳар қандай зиддиятларни маърифий йўл билан ҳал этиш имкониятини беради.

Тўртинчидан, илмий адабиётларда «цивилизация» тушунчаси ҳақида фикр юритилганда баъзи олимлар нафақат инсоният ақл-заковати билан қўлга киритилган ва яратилган моддий бойликларни, балки уларнинг батамом йўқ бўлиб кетишини ҳам «цивилизация» деб талқин қилганлар. Бизнинг фикримизча, «цивилизация» инсоният ўз тараққиётининг маълум босқичида эришган ютуқларининг ифодасидир, у ҳалокатнинг эмас, тараққиётнинг кўрсаткичидир. У маданий жараён эмас, балки унинг узлуксиз давомийлигининг маълум босқичида содир бўладиган улкан ютуқлар ифодасидир. Инсоният тараққиётига ва манфаатларига зид бўлган ҳар қандай ютуқ ҳамда инқирозлар цивилизация бўла олмайди, аксинча, улар цивилизациянинг ҳалокатидир.

Бешинчидан, бугунги кунда инсоният интеллектуал салоҳияти билан қўлга киритган «цивилизация» ўз қамрови ва оммавийлашувнинг тезлашуви билан ўтмишдагиларидан тубдан фарқ қилади. Бу цивилизация фан, техника, технология ва турли коммуникацияларнинг ифодаси сифатида айрим олинган тармоқда эмас, балки уларнинг ўзаро уйғунлигидан бошлаб, инсонларнинг менталитети, дунёқараши, турмуш тарзи, ахлоқий қадриятларини ўзгартиришга ҳам таъсир ўтказмоқда. Шу билан бир қаторда, бугун цивилизациянинг «глобал» жараёнга айланишида глобаллашув жараёни асосий восита, омил вазифасини бажармоқда. Бугунги глобаллашувни цивилизациясиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, цивилизацияни глобаллашув жараёни сиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бундай уйғунлик ҳали инсоният тарихида учрамаган. Ана шу уйғунликнинг амал қилиши бугун инсоният тарихида бетакрор янги сифат кўрсаткичининг ифодаси ҳисобланади.

Аммо, агар инсоният ана шу уйғунликни бир гуруҳ тараққий қилган мамлакатлар манфаатларига эмас, балки умуминсоний манфаатларига хизмат қилдиришга эриша олсагина, у Аллоҳ яратган рўйи заминда узоқ вақт давомида барқарор ҳаёт кечириши мумкин бўлади.

ГЛОБАЛЛАШУВ, ЦИВИЛИЗАЦИЯ ВА МИЛЛАТ

Глобаллашув ва цивилизациянинг ўзаро муносабатлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва глобаллашувни ҳаракатга келтираётган фан, техника, технология ҳамда коммуникациялар инсоният тафаккури тараққиётининг маҳсули сифатида ҳозирги замон цивилизациясининг замонавий кўриниши, деган хулосага келиб, айти пайтда улар жаҳонда ягона «оммавий маънавият»ни шакллантиришга ва уни бутун ер куррасида оммалаштиришга ҳамда охир-оқибатда миллий маънавиятларнинг емирилишига ўтказётган салбий таъсирини миллатлар, этник бирликлар ва халқларнинг барбод бўлишига ҳамда ягона миллат, ягона «оммавий маънавият»ни шакллантиришга қаратилганини ҳисобга олиб, цивилизациянинг инқирози намоеън бўлаётгани сифатида қараган эдик.

Ана шу хулосаларимизни ўз имкониятимиз даражасида янада чуқурроқ асослаш, бундай шароитда ва истиқболда «миллат»нинг тақдири нима бўлиши мумкин, деган саволга жавоб излашга ҳаракат қиламиз. Албатта, унга биз бермоқчи бўлган фикрлар охириги ҳақиқат, дейишдан йироқмиз.

Мазкур масаланинг мураккаб томони шундаки, **бир томондан**, унга юзаки қарайдиган бўлсак, тараққий қилган мамлакатларда «миллат» омилига моддий борлиқ сифатида жиддий эътибор берилмагандек кўринади. Жумладан, АҚШда фуқаролик миллатдан юқори туради. «Мен америкаликман» — деган мезон ёки кўрсаткич «мен инглизман» ёки «французман» — деганидан юқори туриши ҳаммага аён. **Иккинчи томондан** эса, кам тараққий қилган ёки тараққиёт йўлига ўтаётган мамлакатларда юқоридаги кўрсаткичнинг тескараси амал қилади, яъни миллат фуқаролик билан уйғун мавқеда турмоқда. Ана шу икки хил муносабат мавжудлигининг сири нимада? Биринчисининг мав-

жудлиги мамлакат юксак тараққиёти, у ерда яшаётган миллат, элат вакилларининг моддий жиҳатдан таъминланганлиги ва миллий-маънавий эҳтиёжларнинг тўла таъминланганлиги билан боғлиқмикан? Миллатнинг фуқаролик мақоми устунлиги амал қилаётгани мазкур мамлакатларда яшаётган миллат ва элатларнинг ўз истиқболи учун хавф-хатарнинг мавжудлигини англамаётганлиги билан боғлиқ бўлиб қолмоқдамикан? Ёки миллатнинг ўзи инсон ва унинг борлиги билан боғлиқмикан, деган ўта мураккаб саволлар келиб чиқаверади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, бугун юксак тараққиётга эришган мамлакатларда ҳам титул миллат вакилларининг табиий ўсиши (туғилиш)нинг кескин камайиши ҳисобига эмас, аҳоли сони асосан мигрантлар ҳисобига тўлдириляётганлиги сабабли уларда истиқболда мамлакат бутунлай мигрантлар кўлига ўтиб кетиши мумкин, деган хавотирларни туғдирмоқда. Шу маънода ҳам бу мамлакат давлат раҳбарлари «миллат» тушунчасини эмас, «биз» тушунчасини қўллаб, уни «мигрантлар»дан фарқлашга ва «биз» ғоясини асрашни кўтариб чиқмоқдалар. Албатта, улар «биз» деганда мамлакат номи билан аталувчи титул миллатни назарда тутаётгани ҳеч кимга сир эмас. Титул миллат қандай ном билан аталишидан қатъи назар, барибир мазмун ўзгармайди. Бу фикрни келтиришимиздан мақсад «миллат» бугунги кунда объектив ва субъектив сабабларга кўра, барча мамлакатларда етакчи омилга айланиб бормоқда. Бу ҳақида кейинроқ батафсил тўхталиб, шу ўринда яна мавзуга қайтамитиз.

Юқорида, қўйилаётган саволларга жавоб беришдан олдин «миллат» тушунчаси, унинг шаклланиш негизида турадиган омиллар ҳақида қисқача фикр юритсак.

«Миллат» тушунчаси, унга бўлган муносабатлар тўғрисида аввал эълон қилган китобларимизда батаф-

сил тўхталиб ўтган эдик¹. Жумладан, «миллат» тушунчасига турли қарашларни келтириб, уларга ўз муносабатларимизни билдиришга ҳаракат қилганмиз. Бу ерда уларни такрорламасдан, фақат тушунчага берган таърифимиз ва унинг заминиди нималар турганлиги ҳақидаги фикрларни келтирмоқчимиз.

«Миллат» тушунчасига қуйидагича таъриф бериб ўтилган: Миллат деганда, кишиларнинг ягона тил, миллий ўзликни англаш руҳияти, маънавият (кенг маънода), урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ягоналиги асосида маълум ҳудудда яшовчи ўз давлатига эга бўлган, иқтисодий алоқалар билан боғланган мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи ҳамда яратувчи кишиларнинг этник бирлиги тушунилади.

Берилаётган мазкур таърифнинг шу пайтгача бир қатор хорижий мамлакатлар олимлари томонидан эълон қилинган адабиётлардаги таърифлардан фарқли жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

а) миллий ўзликни англаш миллатнинг муҳим белгиси эканлиги;

б) «миллат»нинг мустақил субъект сифатида мавжудлигида унинг маълум давлатга эгалиги;

в) инсон (кишилар) «миллат»ни ифодаловчи эканлиги кабилардир. Бу ерда яна бир асосий фарқ — миллатга таъриф беришда моддий асосларга эмас, балки маънавий ўзига хосликка устуворлик беришда ўз ифодасини топган.

Энди уларнинг негизида нималар турганлиги масаласига аниқлик киритишга ҳаракат қиламиз. Миллий ўзликни англаш «миллат» тушунчаси таърифида ўзак ғоя

¹ Садулла Отамуратов, Сарвар Отамуратов. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. — Т.: «Янги аср авлоди», 2003; Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси (сиёсий-фалсафий қирралари). — Т.: «Akademiya», 2005; Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат (сиёсий-фалсафий таҳлил). — Т.: «Янги аср авлоди», 2008.

сифатида берилишининг сабаби шуки, бусиз миллат ўзини бошқа миллатлардан маънан ва руҳан фарқ қилдира олмайди, мустақил субъект сифатида маълум birlikни вужудга келтира олмайди, ор-номуси, гурурини ҳимоя қилиш зарурлигини англаб ета олмайди. У ўз «мен»ини ўзлигини англаши натижасида намоён эта олади;

г) инсон (кишилар) миллатни ифодаловчи сифатида берилганлигининг заминида миллат моддий борлиқ сифатида реал инсонлар уюшмасидан иборат эканлиги билан боғлиқдир. Аслида «миллат» тушунчаси мавҳум тушунча, унинг моддий борлиқ бўлишига тили, урф-одат, анъана, қадриятлари умумий бўлган ва ягона ҳудудда яшовчи кишиларнинг табиий, маънавий-руҳий уюшуви асосий омил бўлган. Инсонсиз миллатни тасаввур этиб бўлмайди, унинг инсон сифатидаги энг характерли жиҳати ҳам маълум миллатга мансублиги билан боғлиқдир (бу ҳақида кейинроқ фикримизни чуқурлаштиришга ҳаракат қиламиз);

д) таърифда давлат миллатнинг муҳим белгиси сифатида берилиши негизида унинг маълум ҳудудда тили, урф-одат, анъана ва қадриятлари умумий бўлган инсонларни бирлаштириши, уюштириши ҳамда уларнинг ўзига хослигини таъминлашдаги ўрни билан боғлиқлиги назарда тутилган.

Бу масалада кўпчилик олимлар томонидан иккиланиш ёки, умуман, «давлат»ни миллатнинг белгиси сифатида қаралишини инкор этиш каби муносабатлар ҳам борлигини таъкидлашимиз лозим. Ана шундай муносабатларнинг мавжудлигига жаҳондаги барча мамлакатларнинг полиэтник ҳолатда эканлиги асос қилиб олинishi ва «титул» бўлмаган миллатлар ҳам ўзларининг давлатини тузишга интилишининг юзага келиши мумкинлигига хавотирлик билан қараш сабаб бўлиб қолмоқда. Фикримизча, бундай қарашларга ҳеч қандай асос йўқ. Чунки у ёки бу давлатни ҳар доим ҳам аҳолининг кўпчилик қисмини ташкил қилувчи ва ўша заминда азал-

дан яшаётган маҳаллий аҳоли шакллантириб келган. Шунинг учун ҳам давлатлар номи ана шу маҳаллий аҳолининг номи билан аталади ва унга «титул» мақоми берилади. «Титул» бўлмаганларининг ҳам ўз давлатлари мавжуд бўлиб, улар бошқа ҳудудларда жойлашган. «Титул» бўлмаган миллат ва элат вакиллари ўзларининг номи билан аталувчи давлатларга бориб яшашларига ҳеч қандай тўсиқ қўйилмаган. Бу — умуминсоний қадрият даражасига кўтарилган. Энг асосийси, қайси давлатда «титул» бўлмаган миллатларнинг тинч, фаровон ва титул миллатлар билан барча соҳаларда ҳуқуқлари тенглиги таъминланган бўлса, барқарор ривожланиши давом этмоқда. Шундай экан, «давлатни миллатнинг муҳим белгиси сифатида кўрсатишга эҳтиёж борми?» деган савол келиб чиқади. Бунга «ҳа» деб жавоб бериш мумкин. Бунинг қуйидаги сабаблари бор.

Биринчидан, юқорида таъкидлаганимиздек, давлат миллатни бирлаштиради, титул миллатнинг абадийлигини таъминлайди, унинг ўзига хос урф-одат, анъана ва қадриятларининг ривожланишига масъул бўлади, аждодлардан қолган меросни асрайди, уни кейинги авлодларга етказди ва миллатнинг ривожланиб боришига ғамхўрлик қилади. Маълум давлатга бирлашмаган миллатлар тарқоқ ҳолатда бундай имкониятларга эга бўла олмайди.

Иккинчидан, бугун глобаллашувнинг авж олиши шароитида миллатни асраш глобал муаммога айланмоқда. Чунки бу жараён «кичик» ва кам тараққий қилган мамлакатлардаги халқ (миллат)ларни йирик ва тараққий қилган мамлакатлар ҳамда уларда яшаётган халқ (миллат)ларга қўшилиб кетиш хавфини кенгайтarmoқда. Бундай шароитда ўз давлатига эга бўлиш мамлакатларнинг ана шу хавфдан ҳимояланишида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Учинчидан, миллатларнинг ўз номи билан аталувчи давлатга эга бўлишлари, уларнинг ўзлари билан ёнма-ён яшаётган миллат ва элат вакилларига нисбатан бе-

писандлик билан қараш, уларнинг манфаат ва эҳтиёжларини ҳисобга олмасликни билдирмайди. Аксинча, ўз номи билан аталувчи давлатлардаги титул миллат ўз атрофидаги миллатларга нисбатан қанчалик бағрикенглик билан қараса, уларнинг ҳеч қандай тўсиқларсиз барқарор ривожланишига ғамхўрлик кўрсатсагина, унинг давлати ҳам шу даражада ривожланиб боради.

Бугун давлатларнинг полиэтник ҳолатда яшаши реалликка айланди ва уларда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўзаро иноқ, бир-бирини қўллаб-қувватлаб умумий тараққиётга эришмоқдалар. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганларидек, «Дунёнинг ҳақиқий бойлиги кадриятларни ўзаро айрибош-лаш, бир-бирини бойитиш имконияти ана шу хилма-хилликдадир»¹.

Шундай қилиб, «миллат» тушунчасига таъриф беришда миллий ўзликни англаш, инсон ва давлат омилларига устуворлик бераётганлигимизга юқоридагилар асос бўлди. Миллат таърифидаги бошқа омиллар мазкур масалага бағишланган кўпчилик илмий тадқиқотларда ўз ифодасини топганлигини ҳисобга олиб, улар ҳақида тўхталишни лозим топмадик.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, глобаллашувнинг бугун шиддат билан ривожланиш жараёни шуни кўрсатмоқдаки, бугун «миллат»нинг мустақил субъект сифатидаги мақомини асраб қолиш, унинг «мен»лигини таъминлаш юқоридаги омилларнинг қай даражада мустаҳкамлигига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Энди мавзуимиздаги асосий масалага қайтиб, глобаллашув, цивилизация ва миллат муносабатлари ҳақидаги фикримизни давом эттираемиз.

Хўш, глобаллашув миллат омили учун цивилизация ҳисобланадими? Агар цивилизация бўлса, бу ҳол

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1997. 69-б.

миллатларни бир қолипга солишга олиб келаётганлигига қандай қарамоқ керак? Агар цивилизация бўлмаса, бугун инсоният ўз тафаккури билан уни вужудга келтириб, ундан баҳраманд бўлаётир ва у туфайли инсоният тараққиётнинг янги босқичига кўтарилган экан, нега энди унинг цивилизация эканлигига шубҳа билан қарашимиз керак?

Бу саволларнинг баъзиларига олдинги бобларда қисман ўз фикрларимизни билдирган эдик. Аммо бу саволларга яна қайтишимизнинг асосий сабаби, глобаллашувнинг авж олиши шароитида «миллат» тушунчаси истиқболда сақланиб қоладими ёки бу жараён уни ўз уммонига тортиб кетадими? Агар у мавжуд бўлса, миллатлараро муносабатларда янги муаммолар юзага келмайдими?

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, глобаллашув инсоният тафаккури тараққиётининг янги босқичи, жаҳон иқтисодий ҳаёти интеграциялашувининг тезлашуви, фан-техника ва бошқа соҳаларни жаҳон халқларининг мулкига айлантиришдаги ўрни ҳамда улар воситасида бугун инсониятнинг янги тараққиёт босқичига кўтарилиши жиҳатидан янги цивилизациянинг кўринишидир. Лекин айнан глобаллашув жараён сифатида цивилизация эмас, балки уни ташкил этган ва ҳаракатга келтираётган инсон тафаккури тараққиётининг маҳсули бўлган фан-техника, технологияларида содир бўлган ютуқларни инсоният тараққиётини янги босқичга олиб чиқаётган кучи ва қудрати билан цивилизация ҳисобланади. Бу ҳар иккала тушунчанинг аниқ мезони бўлишини талаб этади. Бунинг маъноси шуки, **ҳозирги замон фани, техникаси ва технологияси мисли кўрилмаган даражада ривожланмаса, уларни юксак тараққий қилган коммуникациялар оммалаштирмаса, глобаллашув жараён сифатида юзага келмас эди.**

Фан-техника ва технологиялар юксакликка кўтарилди ва уларнинг бир зумда жаҳон халқларининг мулки-

га айланишида ҳозирги замон юксак тараққий қилган коммуникациялари катта кучга айланмоқда. Шу тариқа уларнинг жадал суръатлар билан алмашинуви глобаллашувни жараён сифатида шакллантирди. Уларсиз глобаллашув моддий эмас, мавҳум тушунча сифатида қолиб кетаверар эди. Шу ўринда глобаллашув жараёнида қатнашаётган томонлар манфаатлари масаласига ҳам аниқлик киритиш лозим бўлади.

Аслини олганда, фан-техника ва технологиялар ҳар доим ҳам инсоният мулки бўлиб келган ҳамда унинг манфаатларига хизмат қилган. Бугунги кунда бу жараёнда қуйидаги ўзгаришлар содир бўлди: а) фан-техника, технология ва уларни оммалаштирувчи коммуникациялар юксак тараққиёт даражасига кўтарилди; б) ана шу коммуникацияларнинг юксак даражага кўтарилиши оқибатида қўлга киритилаётган барча ютуқларни оммалаштириш тезлиги ошди; в) инсонларнинг интеллектуал салоҳияти ривожини натижасида қўлга киритилган ютуқлар билан уларни ўзлаштириш ўртасидаги вақт ва масофа кескин қисқарди. Худди ана шу ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда глобаллашувга жараён сифатида қаралса, тўғри бўлади. Шундагина унинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий жиҳатларини аниқ белгилаб, ижобий ёки салбий томонларини ажрата олиш учун имконият вужудга келади. Аммо глобаллашув тараққиётнинг ўзига хос янги босқичи бўлиши билан бирга, ундан қатнашаётган барча томонлар, яъни катта моддий бойлик, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлган томонлар асосий манфаат кўрмоқдалар. Негаки, глобаллашувнинг замирида гегемонистик тамойиллар ўз аксини топган бўлиб, унда тараққий қилган мамлакатларнинг ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш масаласи бирламчи мақсад сифатида ифодалангандир. Уларга эга бўлмаган томонлар эса аста-секинлик билан бўлса-да, катта имкониятлиларга қарам бўлиб бормоқдалар. Худди ана шу жиҳати билан глобаллашув ўзини тенгсизликни юзага келтирувчи жараён сифатида намоён этмоқда. Эҳти-

мол, глобаллашувни тараққиётни тезлаштириш жиҳати билан цивилизация мақомидан «маҳрум» этиб бўлмас. Чунки у кимнинг ёки қайси бир кучларнинг манфаатига кўпроқ хизмат қилиши билан унинг асосий мақомига путур етказмайди. У нима бўлганда ҳам инсоният тафаккури ривожининг янги босқичи, уни янги юксак тараққиёт босқичига олиб борувчи жараён дир. Ана шу жиҳати билан у XXI аср цивилизацияси сифатида тарих саҳифаларидан мустақкам ўрин олиши муқаррар.

Глобаллашув, ўз навбатида, миллатнинг истиқболлини барбод қилишдаги таъсири билан чинакам маънодаги тўлақонли цивилизация мақомига эга бўлолмайди. Чунки тарихий маълумотлардан маълумки, глобаллашув жараён сифатида шакллана бошлаган XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларигача дунёда миллатларнинг шаклланиши, ривожланиши ва такомиллашуви юз берган. Гарчанд бу силлиқ кечмаган, гоҳида ривожланиб, маълум бир босқичда тарқоқ ҳолга тушган бўлса-да, унда куч таъсири билан миллатнинг барбод бўлиб кетмаганлигини кўришимиз мумкин. Агар кичик этник гуруҳларнинг йирик миллатларга табиий сингиб кетганлиги ҳисобга олинмаса, миллат доимо тараққиёт сари борган. Глобаллашув эса юқорида келтирилган ижобий томонларидан қатъи назар, миллатларнинг маънавиятини, истиқболлини барбод қилиш кучи билан хавфлидир.

Глобаллашув реал жараён сифатида бир қатор омиллар билан бугун юксак тараққий қилган мамлакатларнинг устуворлигини таъминлашга, кам тараққий қилган ёки тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар ва уларда яшаётган халқларнинг онги, қалби ва дунёқарашида «боқимандалик» руҳиятини ривожлантирмоқда. Фикримизча, улар қуйидагилар орқали юзага келмоқда: а) иқтисодиёт омили; б) фан-техника ва технология ютуқларини оммалаштириш; в) юксак тараққий қилган мамлакатларнинг қудратли иқтисодий, интел-

лектуал ва уддабурунлик салоҳияти устуворлиги асосида вужудга келган «оммавий маданият»ни жаҳон халқлари ўртасида кенг ёйиш ва улар онгига сингдириш борасида олиб борилаётган фаолиятлар орқали; г) кам тараққий қилган ёки энди тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар ва уларда яшаётган халқларнинг иқтисодий, интеллектуал салоҳиятлари глобаллашув жараёнларининг ривожланиш даражаларидан орқада қолаётганлиги кабиларда ўз ифодасини топмоқда.

Энди келтирилган фикрларимизни аниқ маълумотлар билан асослашга ҳаракат қиламиз. «Халқаро статистика маълумотларига қараганда, умумжаҳон даромади 20% қашшоқ мамлакатларнинг улуши 1960 йилдаги 2,3% дан 1990 йилда 1,4% га, 1994 йилда эса 1,1% гача камайган. Ер шарининг энг бой 20% аҳолиси билан энг қашшоқ 20% аҳолиси ўртасидаги тафовут 1960 йилда 30:1, 1991 йилда 61:1, 1994 йилда эса 78:1 ни ташкил этган. 1969 ва 1989 йиллар оралиғида 20% энг бой мамлакатларнинг жаҳон ялпи миллий маҳсулотига қиссаси 70% дан 83% га ошган бўлса қашшоқ 20% мамлакатларнинг улуши 2,3% дан 1,4% га камайган»¹.

Статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар тобора ривожланиб, қашшоқ давлатлар эса борган сари қашшоқлашиб бормоқда. Яна фактларга мурожаат қиламиз.

«Ғарб аналитиклари ХХI асрни қандай тасаввур этадилар? Ким бу асрда «бал»ни бошқаради? Табиийки, трансмилий корпорациялар кимнинг қўлида кўп бўлса, ўша. Демак — АҚШ. Фактларга мурожаат қиламиз: 1998 йилда 200 та энг катта трансмилий корпорациялардан 74 таси АҚШ байроғи остида бўлган. Шунга ўхшаш корпорациялар барча товар айланмаларининг 36,5 фоизи улар қиссасига тўғри келган. Американи

¹ Худойберганов А. Сиёсий глобаллашув: шаклланиш негизлари ва намоён бўлиш хусусиятлари. // Жамият ва бошқарув. 2009, №4. 37-б.

каликлар барча ТМКларни биргаликда олганда энг кўп «ишлаганлар». Улар 52,7 фоиз фойда кўрганлар. Дунёдаги энг катта 50 та компаниядан 33 тасининг штаб квартираси АҚШда жойлашган. Улар биржада барча катта қийматга эга бўлган акцияларнинг 71,8 фоизига эгалик қиладилар. Яна бир жонли мисол. Дунёдаги мавжуд 201 та катта саноат ва молия компанияларининг 90 фоизи АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Франция каби катта беш мамлакат ҳиссасига тўғри келади¹.

Бу маълумотлар ер куррасидаги миллий статистика хизмати ва шунингдек, БМТнинг махсус ташкилоти томонидан тўпланган ва компьютерларда таҳлил қилинган. Улар келтирилган маълумотларнинг бир қисмигина, холос. Бу рақамлар жаҳоннинг тараққий қилган мамлакатлари нақадар шиддат билан мавжуд моддий бойликларга эгалик қилаётганлигидан далолат бериб турибди.

Шу ўринда қуйидаги саволни қўйиш ўринли бўлади, назаримизда: тараққий қилган мамлакатлар мавжуд моддий бойликлар ёки ишлаб чиқиётган маҳсулотлардан келаётган даромаднинг асосий қисмини эгаллаган бўлса, нима бўлибди? Уларнинг интеллектуал, техник, технологик ва иқтисодий имкониятлари катта, шунинг учун ҳам бу жараённи табиий, деб қараш тўғри эмасми? Боз устига, дунё тараққиётида бозор муносабатлари амал қиладиган шароитда ҳамма ҳам тадбиркор ва удабурон бўлавермайди, уларни тенглаштиришнинг имкони ҳам йўқ. Шу билан бир қаторда, бозор амалиётида ҳамма ҳамма учун эмас, ҳар ким ўзи учун — деган тамойил «ишлайди» ва кимнинг қўлида моддий имконият, интеллектуал салоҳият ва тадбиркорлик қобилияти кучли бўлса, у ривожланиб бораверади, аксинча уларга эга бўлмаганлар эса

¹ *Отамуратов С.* Глобаллашув ва миллат (сиёсий-фалсафий таҳлил). — Т.: «Янги аср авлоди», 2008. 43–6.

эга бўлганларга ҳеч бўлмаганда қарам бўлишга, боғла-
ниб қолишга ва унинг орқасидан эргашиб боришга
мажбур бўлади. Бу глобаллашув вужудга келтирган бу-
гуннинг реал ҳақиқатидир. Яна ҳам аниқроқ айтганда,
**бу глобаллашувнинг тараққий қилган мамлакатларга яра-
тиб бераётган «марҳамати» — қашшоқ мамлакатларни
уларга боғлаб қўйишнинг қарамликка айланишига олиб
борувчи йўли, дейишимиз мумкин.**

Тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, йирик тарақ-
қий қилган, катта имкониятларга эга давлатлар ҳар
доим ўзга давлатларни ўзларига қарам қилиш, улар-
нинг бойликларига эгалик қилиш учун бор кучини
ишга солганлар ва ўзларининг мақсадларига эришганлар.
Буни эрамиздан аввалги Македониялик Александрдан
тортиб иккита жаҳон урушини келтириб чиқарганлар-
нинг ана шу воситалардан фойдаланганида қўриш мумкин.
Бу урушларда бегуноҳ инсонлар қурбон бўлганлар, мам-
лакатлар таланган, уларнинг аждодлари томонидан қол-
дирилган моддий ва маънавий мерослари йўқ қилинган
ёки олиб кетилган. Шу билан бирга зўравон давлатлар
босиб олган мамлакатларида ўзларининг тартибларини,
урф-одат, удум, анъана ва қадриятларини жорий қил-
ганлар. Бундай жирканч урушлар қарам бўлиб қолган
мамлакатлар халқларининг қаддини буккан, миллий
руҳиятининг сусайишига олиб келган. Тўғри, вақт ўтиши
билан улар мустақилликка эришган ва ўзлигига қай-
тишга муваффақ бўлган. Аммо бунинг учун улар ўз бошла-
ридан катта фожиаларни кечирганлар. Шу билан бирга
мустақилликни қўлга киритиш учун маълум вақт талаб
этилган ва бу вақт ичида халқ (миллат)ларнинг бирлиги
ва уларнинг куч бўлиб бирлашиши, умумий душманга
қарши матонат билан кураша билиш салоҳияти шакл-
ланиши зарур бўлган. Албатта, бу воқеалар қарамликка
айлантирилган халқ (миллат)ларнинг мустақиллик учун
олиб борган курашлари ва босқинчи давлатлар томо-
нидан уларга (босиб олган халқларга) нисбатан зўра-
вонлик сиёсати ҳақида жуда кўп ёзилган ва бундан кейин

ҳам ёзилади. Бу ерда биз илгари сураётган асосий ғоя шундаки, агар ўтмишда юксак тараққий қилган мамлакатлар дунёга ҳукмронлик қилишда очикдан-очик қуроллардан фойдаланиб, қирғинбарот урушларни олиб борган бўлса, бугун вазият тубдан ўзгарди.

Бугун ўтмишда бўлгани каби жаҳон урушларини бошламоқчи бўлган давлатларнинг ўзлари омон қолишининг ҳеч қандай имконияти қолмади. Чунки жаҳонда тупланган қурол-яроғларнинг бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга ўтиб кетишининг олдини олиш мумкин бўлмай қолди. Дунёнинг у ёки бу мамлакатларида кечагина ишлаб чиқилган энг янги ва ўз кучи билан аввалгиларидан бир неча баробар устун бўлган қуролни эртага бошқа давлатларда ҳам пайдо бўлаётганлигини кўриб турибмиз. Янги ишлаб чиқарилаётган қурол-аслаҳаларнинг бу даражада тез тарқалиши ундан катта фойда кўрадиган кучларнинг бемалол ҳаракат қилиш имкониятининг мавжудлиги билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу масаланинг **бир томони бўлса, иккинчидан**, бугун дунё икки қутблиликдан кўп қутблилик ҳолатига ўтди. Кучлар нисбатининг ўзгаришига, хусусан, икки қарама-қарши тузилмалар барҳам топиб, дунёда манфаатларнинг турли-туманлиги юзага келган. Энди давлатларнинг ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўзларининг мустақил сиёсат олиб бориш имконияти мавжуд. Улар эндиликда кимнингдир таъсир доираси манфаатларидан эмас, балки ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўз сиёсатларини олиб боришга муваффақ бўлмоқдалар. Бу бугунги кунга келиб йирик давлатларнинг ўзаро бирлашиб, жаҳон урушини бошлаб юбориши имкониятининг чекланганини билдиради. **Учинчидан**, бугунги кунга келиб инсонларнинг интеллектуал салоҳияти юксак даражада ривожланди. У энди дунёда қарама-қаршилик нималарга олиб келишини кўпроқ англаб етмоқда. Унинг бугунги тамаддуннинг умрини узайтириш, уни кейинги авлодларга эсон-омон етказиш қанчалик мураккаб муаммога айланиб бора-

ётганлигини тушуниб етмоқда. Зеро, бугун унинг олдида ўзи эришган тамаддунни асрашга қарши қаратилган глобал муаммолар ортганидан ортиб бормоқдаки, уларнинг олдини олиш, ечимини топишда ўзаро яқдилликни тақозо қилмоқда.

Албатта, юқорида келтирилган фикрларимиз, ҳали дунёда уруш хавфи бутунлай тугади, дегани эмас. Чунки қуролланиш пойгаси ҳали ҳам давом этмоқда. Ҳарбий соҳадаги мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бугун дунёда яшаётган 7 млрд. аҳолининг ҳар бирига бир тонна кучга эга бўлган портловчи модда тўғри келар экан. Бу камлик қилгандек, уларни такомиллаштириш, янги, энг даҳшатли кучга эга бўлган турларини ишлаб чиқиш давом этмоқда. Аммо нима бўлганда ҳам глобал (жаҳон) урушларни бошлаб юбориш ёки уни юзага келтиришга биронта давлат журъат қилишининг хавфи минимал даражада дейишимиз мумкин. Чунки энди содир бўладиган урушларда голиблар бўлмайди, балки уни ким бошлашидан, қандай имкониятга эга бўлишидан қатъи назар, ҳамма мағлубиятга учрайди.

Бундай вазиятнинг юзага келиши шароитида жаҳонда кечаётган глобаллашув урушларнинг кўринишларини ўзгартирди. Бугун урушлар қуролларни ишга тушириш ёки зўравонликнинг бошқа воситалари билан мамлакатларни босиб олиш, улар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатиш ва моддий ресурсларига эгалик қилишдан «тинч», «беозоргина», «ёрдам бериш», инвестициялар кiritиш, гўё ривожланишга «кўмаклашиш» каби кўринишларга ўтиб, энг «умуминсоний», амалда мамлакатларни ўзларига қарам қилишнинг энг моҳирона услубларини ишга солишдек янги амалиёти юзага келди. Бу урушда асосий куч инсонларни қириб юборадиган даҳшатли қуроллар эмас, балки инсоният тафаккурининг маҳсули бўлган фан, техника, технология ютуқлари тараққий қилган мамлакатларнинг кам ривожланган ёки тараққиёт йўлига кириб бораётган мамлакатларни ўзла-

рига қарам қилиб олишда асосий қурол вазифасини бажармоқда. Бу урушларнинг мазмуни шундаки, юксак даражада тараққий қилган мамлакатлар моддий бойлик орттириш йўлида ўзларида мавжуд бўлган барча имкониятларни ишга соладилар, улар юқорида таъкидлаганимиздек, ўзларининг маблағлари (капитали)ни мамлакатларга киритадилар, ўзларидаги мавжуд бўлган фан, техника, технология ютуқларини уларнинг ишлаб чиқариш соҳасига жорий қилишга ёрдам берадилар. Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, худди ана шу соҳада тараққий қилган мамлакатларнинг ичида кўпроқ инвестиция киритиш, фан-техника, технологияни ишлаб чиқаришга жорий қилиш борасида ўзаро рақобат ҳам юзага келади. Лекин бу бир томондан мамлакатларга танлаш имкониятини берса-да, қарамликка мубтало бўлишнинг йўналиши ва моҳиятини ўзгартирмайди. Маълум маънода ана шу рақобатнинг кучайиши кам тараққий қилган ёки энди тараққиёт йўлига кираётган мамлакатларнинг ривожланган мамлакатлар инвестицияларини ўз давлатларига киритишига келсак, улар бундай имкониятлардан фойдаланишга муҳтож. Чунки, бу бугун глобаллашувнинг авж олиши шароитида дунёдаги бир қатор мамлакатлар аҳолисининг турмуш даражалари ўзлариникига қараганда бир неча баробар юқори эканлигини замонавий ОАВ орқали кўриб, билиб турадилар.

Боз устига, бугун жаҳон аҳолисининг мамлакатларга борди-келдиси эркинлашди. Бу мамлакатларда яшаётган аҳолига ўз ҳаётини ўзгалар билан солиштириш имкониятини ҳам бермоқда. Бундай шароитда кам тараққий қилган ёки энди тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар аҳолиси ривожланган давлатлар аҳолисининг турмуш шароитига эришиш йўлини излашга ҳаракат қилади. Бундан ташқари, мазкур мамлакатлар аҳолисининг эҳтиёжлари ошиб бориши ҳам табиий ҳолдир. Чунки улар ҳар доим ҳам бир хил даражада яшашга эмас, балки фаровон ҳаёт кечиришга ҳаракат

қиладилар. Бунга эса ўзларидаги мавжуд техник ва технологик имкониятлар билан эришиб бўлмаслигини яхши биладилар. Бунинг устига, фан-техника ва технологияларнинг жадал ривожланаётганлиги шароитида ишлаб чиқаришда кечаги асбоб-ускуна, техника ва технология билан ўсиб борадиган эҳтиёжларни тўла қондириб бўлмайди. Хуллас, бу мамлакатлар аҳолисининг ҳаёти бир жойда тўхташиб турмайди, балки эҳтиёж ошиб боришига мос равишда ўзгариб боради, улар ҳам тараққиётга эришишнинг йўллари ва имкониятларини излайдилар. Бундай шароитда юксак тараққий қилган мамлакатлар моддий, техник ва технологик салоҳиятларнинг ривожланиш тезлиги кам тараққий қилган ёки тараққиёт йўлига кириб бораётган мамлакатларда улар даражасида ривожлантириш имкониятини қолдирмайди. Бу мамлакатлар объектив равишда тараққий қилган мамлакатлар ортидан боришга мажбур бўладилар. Бунинг маъноси шуки, улар ривожланган мамлакатларнинг инвестицияларини ўз мамлакатларига кириб келиши учун кенг имкониятларни яратадилар.

Бу жараёндаги асосий муаммо шундаки, юксак тараққий қилган мамлакатлар энди тараққиёт йўлига кирган мамлакатларнинг ўз ички имкониятларини юзага чиқаришга, фан-техника ва технологияларини ривожлантиришга имконият қолдирмайдилар. Шу тариқа бу мамлакатлар, **бир томондан**, ишлаб чиқаришга тараққий қилган мамлакатларнинг технологияларини жалб қилиш йўли билан ривожланишга ўтадилар ва уларнинг салбий оқибатларини англаб етмасдан, интеллектуал боқимандаликка кўникиб қоладилар. **Иккинчи томондан** эса, бу мамлакатларнинг юксак тараққий қилган мамлакатлар даражасида фан-техника ва технологияларни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имконияти бўлмаганлиги боисидан ҳам тайёридан фойдаланишга мажбур бўладилар. Бу глобаллашув жараёнининг кучли босими таъсирида кечиши

оқибатида ташқаридан қараганда сезилмайдигандек кўринади, аммо реал амалиётда тараққий қилган мамлакатлар ва уларда яшаётган халқларнинг юксак даражада ривожланишини таъминлашга, кам тараққий қилган ва энди тараққиёт йўлига кираётган мамлакатларда яшаётган халқларнинг уларга қарам бўлишига олиб келади.

Келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, глобаллашув шароитида уни ҳаракатга келтираётган тараққиёт технологиялари давлатлараро ва миллатлараро янги муносабатларнинг шаклланишига олиб келмоқда. Глобаллашув жараёнида етакчилик қилаётган мамлакатлар тараққиёт йўлига кираётган давлатларга ўзларининг киритадиган инвестициялари, фан-техника ва технологиялари билан қанчалик ёрдам беришга ҳаракат қилмасин, барибир унинг замирида фойда олиш мақсади турар экан, тараққий қилган мамлакатлардаги миллатларнинг моддий фаровонлиги мустаҳкамланиб боради. Шу маънода ҳам кам тараққий қилган ва энди тараққиёт йўлига кираётган миллатлар учун бугунги цивилизация тамойили қанчалик улугвор жарангламасин, уларнинг бундан манфаатдорлиги тараққий қилган миллатлар манфаатдорлигига қараганда ниҳоятда кам, ҳатто унинг салбий оқибатларини бугун англаб етишга ҳаракат қилмайдиган миллатлар учун фожиалидир. Чунки глобаллашув босими остида моддий техника ва технология омиллари орқали ўзгаларга боғланиб қоладиган ҳар қандай миллат ўзлигидан маҳрум бўлиб қолади.

Юқорида келтирилган статистик маълумотлар ва назарий фикрлардан кўриниб турибдики, миллатлар ҳаётида глобаллашув ва цивилизация муносабатларида моддий омиллар қанчалик баландпарвоз жарангламасин охир-оқибат унинг натижаларидан огоҳ бўлмаган ҳар қандай миллатлар ўзлигидан маҳрум бўлиши ва тараққий қилган миллатларга қўшилиб кетиши (ассимиляция)га олиб келиши мумкин.

Моддий тараққиёт нуқтаи назаридан қараганда фан-техника ва технологияларнинг юксак даражада ривожланаётганлиги инсоният учун катта ютуқ, унинг тараққий қилишига ижобий таъсир ўтказмоқда ва у XXI аср цивилизациясининг кўриниши ҳисобланади. Чунки бугунги тараққиётнинг тезлашув даражасига инсоният ўзининг ўтмишида эриша олмаган эди. Бу инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Аммо бугунги цивилизация ўтмишда содир бўлган цивилизациялардан тубдан фарқ қилиб, у бугун жаҳонда кечаётган глобаллашув билан бир вақтда содир бўлди ва унинг кучли босими доирасида кечмоқда. Ўтмишда содир бўлган цивилизациялар бутун инсониятга тенг манфаат келтирган, улар табиий ҳолатда бир минтақадан иккинчи минтақага табиий равишда ўтиб борган ва халқларнинг ўзаро бойиб боришига ижобий таъсир ўтказган. Бугунги цивилизация эса глобаллашув жараёнининг таъсирида томонлар тенгсизлиги асосида катта тезликда оммавийлашмоқда ҳамда тараққий қилган мамлакатлар ва уларда яшаётган халқ (миллат)ларнинг манфаатлари устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Глобаллашув, цивилизация ва миллат муносабатлар мавзуси қаламга олинар экан, унинг миллий ва маънавий жиҳатлари ҳақида фикр юритишга тўғри келади.

Маънавият тўғрисида бугун жуда кўп ёзилмоқда ва кўп гапирилмоқда, негаки, бу масала нафақат миллий, балки умуминсоний масалалар сирасига тааллуқлилиги билан ажралиб туради. Муҳими маънавият даражасида ҳаёт-мамот масалалари концептуаллашадди. Бундан ташқари, бугунги кунгача мамлакатларни ривожлантиришни фақат иқтисодийётга боғлаб олиб бораётган айрим давлат раҳбарлари ҳам маънавиятни ривожлантирмасдан туриб кутилган натижаларга эришиб бўлмаслиги ҳақида ўз мамлакатларида ўтказилаётган турли хил тадбирларда расман гапирадиган бўлдилар. Улар маънавияти қашшоқ мамлакатда иқти-

содиёт қанчалик юксак даражада ривожланмасин, у охир-оқибатда таназзулга учраши мумкинлигини эътироф этмоқдалар. Чунки маънавий қашшоқлик заминида мамлакатда беқарорликнинг вужудга келиши ва турли зиддиятларнинг пайдо бўлишига ҳар қандай миллий, умумхалқ, давлат ва жамият манфаатларидан инсонларнинг ўз манфаатларини устун қўйишдек хатарли кайфиятларнинг шаклланиши каби салбий жараён туради. Бунинг оқибатида мамлакатда нафақат беқарорлик, шунингдек, иқтисодий, сиёсий инқирозлар юзага келиши мумкинлиги, бугунги энг тараққий қилган мамлакатлар тажрибаларида ҳам ўз исботини топмоқда. Бугун маънавиятга таянмасдан иқтисод ҳам, сиёсий тузумлар ҳам инқирозга маҳкум эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатга айланди.

Маънавият инсондан тортиб то миллатлар, давлатлар, жамиятлар ва халқаро муносабатларда барқарор яшашни таъминлайдиган муҳим манбалар сирасига киради. Унда адолат, тинчлик, барқарорлик, ҳалоллик, беғаразлик, инсоф, диёнат, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаслик, манфаатларни ҳисобга олиш каби инсониятга даҳлдор барча қадриятлар мужассамлашган. Улар амал қиладиган барча мамлакат ва жамиятларда иқтисодий тараққиёт, халқ фаровонлиги ва сиёсий барқарорлик кабилар таъминланади.

Маънавиятга эътибор берилмаган, унинг тарбиявий имкониятларидан самарали фойдаланишни кўзлаган мамлакатлар ва жамиятларда ичидан емирилиш юзага келади. Бунинг асосий сабаби — юқорида келтирилган маънавиятга мужассамлашган барча умуминсоний қадриятлар барҳам топади. Мамлакатлар маълум тарихий босқичга, юксак иқтисодий тараққиётга эришиши мумкин, аммо мамлакат ички ҳаётида содир бўладиган маънавий емирилиш охир-оқибатда муқаррар равишда иқтисодиётни ҳам ўз домига тортади. Чунки мамлакат ички ҳаётидаги маънавий емирилиш

оқибатида «ўзингни бил, ўзгани қўй» қабилида ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам моддий бойлик тўплаш, мамлакат ҳаёти, унда кечаётган жараёнларга бефарқлик, маънавиятсизлик, ҳатто инсон, оила, миллат, Ватан каби қадриятлар ўрнини моддий бойликка эга бўлишга интилиш эгаллайди. Ўз-ўзидан маълумки, бундай салбий ҳолатлар бир кунда эмас, аста-секинлик билан шаклланади ва шунинг учун ҳам иқтисодий, сиёсий ҳаётнинг ривожланиши, халқ оммасининг фаровонлиги таъминланишининг дастлабки даврларида мамлакат ҳаётида кўзга ташланмайди. Аммо маълум вақт ўтиши билан маънавиятнинг емирилиш жараёнлари иқтисод ва сиёсий ҳаётга ўз таъсирини ўтказди. Худди мана шу жараённи бугун юксак тараққий қилган мамлакатлар бошдан кечирмоқдалар. Улар ўзларини ана шу маънавий емирилишдан ҳимоялаш мақсадида иқтисод омилидан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Яъни, ўз юксак иқтисодий имконияларини ишга солиб, дунё халқларининг онги ва қалбини эгаллаш учун, уларни ўз заминларидан маҳрум этишда катта маблағ сарфламоқдалар. Улар рўйи заминда миллий негизлардан маҳрум «оммавий маънавият»ни шакллантиришни ўзларининг маънавий тикланишининг стратегик йўли сифатида амалга оширмоқдалар. Хўш, нима учун иқтисоди юксак ривожланган мамлакатлар «оммавий маънавият»ни шакллантиришга ҳаракат қилмоқдалар, бунга мисли қўрилмаган даражада маблағ сарф қилишдан қандай манфаат тоиладилар? Фикри-мизча, унинг қуйидаги сабаблари мавжуд.

Биринчидан, дунёда яшаётган барча миллат ва элатларнинг ўзлигини англашга бўлган интилиш ошгандан ошиб бормоқда. Бу истиқболда тараққий қилган мамлакатларнинг ўзлигини англашга интилаётган миллат ва элатларга таъсир ўтказиш имкониятининг сусайиб боришига олиб келади. Бугунги кунда тараққий қилган мамлакатлардаги титул миллатларнинг кама-

йиб бориши улар ўрнини мигрантлар тўлдираётган-лигига боғлиқ бўлиб бормоқда. Бу тараққий қилган мамлакатларда катта муаммога айланмоқда. Истиқболда бу мамлакатларда ана шу жараён давом этадиган бўлса, уларда яшаётган титул миллатларнинг кескин камайиши ва маънавияти ўрнини мигрантлар маънавияти эгаллаши хавфи кучаяётганлиги билан боғлиқ.

Иккинчидан, «оммавий маънавият»ни шакллантиришдан манфаатдор бўлган ва бу йўлда катта маблағ сарфлаётган мамлакатларнинг кўзлаган мақсади шуки, кам тараққий қилган миллатларга турли кўринишлардаги «беғараз» ёрдамлар кўрсатиш воситасида уларни ўз заминларидан маҳрум қилиш, «миллат» омилидан моддий (иқтисод) омилининг устуворлигига уларни «кўндириш» ва шу йўл билан ўзларига қарам қилишга эришишдир. Бу сиёсат заминида ривожланган мамлакатларда салмоғи камайиб бораётган титул миллатлар бу мамлакатларни мигрантлар ҳозиргача тўла эгаллаб олиш имкониятининг бир қадар чекланганлигидан фойдаланган ҳолда ўзларининг маънавий устунлигига эришиш туради. Гарчанд у ўта қашшоқ ҳолатга келган бўлса ҳам, уни мавжуд иқтисодий имкониятлар воситасида сақлаб қолиш ва ҳали ўзининг «мен»ига тўла эришишга улгурмаган ҳамда моддий ёрдамга муҳтож бўлган (яъни инвестициялар, фан, техника, технологик ютуқлардан фойдаланишга) миллатлар онги ва қалбига сингдириш йўли билан аввал маънавиятларини сақлаб қолиш, унинг устуворлигини таъминлаш ва у орқали дунёда ўз ҳукмронлигига эришиш «оммавий маънавият»ни шакллантиришдан кўзланган мақсаддир. «Оммавий маънавият»ни шакллантириш мақсад эмас, балки тараққий қилган мамлакат (миллат)ларнинг ўзларини сақлаб қолиш ва дунёдаги кам тараққий қилган мамлакатлар ҳамда уларда яшаётган миллатлар, элатларнинг ҳали ўзларининг тенглигини тўла таъминлашга улгурмаганлигидан фойдаланган ҳолда улар устидан ўз ҳукмронлигини таъминлаш воситаси бўлиб қолмоқда.

«Оммавий маънавият»нинг маъно-мазмуни ҳақида фикримизни давом эттиришдан олдин унинг «оммавий маданият»дан фарқли жиҳатлари ҳамда ўзаро уйғунлиги ҳақидаги масалани таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Бу масалага эътиборимизни қаратаётганимизнинг сабаби шундаки, хорижий мамлакатларда эълон қилинаётган адабиётларда «маънавият» тушунчаси учрамайди, уларда «маънавият» «маданият»нинг ичига сингдириб юборилган. Шу боис «оммавий маънавият» эмас, балки «оммавий маданият» тарзида қўлланиб келинмоқда. Аммо мустақиллик йилларида Ўзбекистонда эълон қилинаётган илмий адабиётларда «маънавият» алоҳида илмий тушунча сифатида қўлланилиб келинмоқда. Айниқса, у Президентимиз томонидан маънавиятни алоҳида йўналиш сифатида ривожлантиришга бераётган эътибори туфайли ўзбек тадқиқотчилари асарлари ва мақолаларида бу тушунча оммавийлашиб кетди. Лекин «оммавий маънавият» деган тушунча илмий истеъмолда учрамайди, ҳолбуки, хориж адабиётларида қўлланилиб, ўзбек тилига механик таржима қилинган («массовая культура») «оммавий маданият» тушунчаси сифатида амал қилмоқда. Фикримизча, бугун у бир қатор ноаниқликларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, улар қуйидагилардан иборат: а) маънавиятнинг мустақил фалсафий категория сифатидаги мақомига путур етмоқда; б) аввал маънавият шаклланадими ёки маданиятми, деган савол очиқ қолмоқда; в) «оммавий маънавият» ёки «оммавий маданият» тушунчаларининг қайси бирини қўллаш билан бугунги кунда ахлоқ, қадриятлар, миллий ўзига хослик, миллий ўзликни англаш каби инсон, миллат, халқ, давлат ва жамиятга тааллуқли қадриятларнинг саёзлашаётганини ифодалаш мумкин; г) улар ўртасидаги муносабатлар мезонлари нималарда ўз ифодасини топади; д) маънавиятнинг таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро ало-

қадорлик даражаси қай тарзда кечади, деган саволларга аниқ жавоблар олиш муаммолигича қолиб кетмоқда. Бизнингча, бунга масалани ўрганиш давомида умум илмий методология билан хусусий фан методологиясининг даражаларидаги тафовутлар нуқтаси мавжудлигини инобатга олинмаслик сабаб бўлиши мумкин.

Аслида «маънавият» мустақил ижтимоий-фалсафий категория сифатида ўзига хос мақомга эгадир. Унинг мақоми инсоннинг ботиний салоҳияти эканлигида ва унинг инсонни бошқа мавжудотлардан ажратиб турадиган «мен»лигида ҳам ўз ифодасини топади. Инсоннинг ботиний салоҳияти бўлмас экан, ҳайвонот оламидан фарқи ҳам қолмайди. У ўзини онги, дунёни англаши, тушуниши, бу ёруғ оламда инсон сифатида яшашга интилиши билан бошқа мавжудотлардан тубдан фарқ қилади. Ана шу жиҳатлари билан у ўзини маънавиятни яратувчи ва истеъмолчиси сифатида намоён этади. У ўз маънавиятига таянган ҳолда моддий бойликларни яратади, турли муносабатларга киришади ва жамиятда ўзининг тегишли ўрнига эга бўлади.

Агар маънавиятни миллат кесимида талқин этадиган бўлсак, усиз миллатни тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Чунки миллатнинг ўзига хослиги, урф-одат, анъана, қадриятлари маънавиятнинг таркибий қисми сифатида унинг «мен»лигини намоён этади. Шу маънода ҳам инсон, миллат, давлат ва жамият ҳаётида моддий ва сиёсий омиллар қайси даражада мустақил мақомга ҳамда аҳамиятга эга бўлса, маънавият ҳам ана шу даражадаги мақомга эга бўлади. Айни пайтда, ана шу иккала омил инсон маънавиятига таянган ҳолдагина инсон, миллат, давлат ва жамият барқарор ривожланиши мумкин бўлади.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, маънавият маданиятнинг таркибий қисми сифатида эмас, балки ижтимоий-фалсафий тушунча сифатида

мустақил мақомга эгадир. Албатта, маънавият — маданият, иқтисодиёт ва сиёсатдан абсолют мустақил, дегани эмас, улар бир-бири билан ўзаро боғлиқдир. Улар ўртасидаги мустақиллик нисбий ва айни пайтда ўзларининг маълум вазифалари ҳамда функциялари билан ўзаро фарқланадилар.

Энди маънавият ва маданият тушунчалари ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари масаласи устида мулоҳаза юритганда, олдин маънавият шаклланганми ёки маданиятми, деган саволга жавоб излаш лозим бўлади. Юқорида таъкидланганидек, маънавият ва маданият ўзаро боғлиқдир. Улар бири иккинчисисиз амал қилмайди. Лекин амалиётда маънавият етакчи ўринга эга бўлади. **Маънавиятсиз маданиятни шаклантириб бўлмайди. Фақат юксак маънавият заминиди маданият шаклланади. Айни пайтда маданият маънавиятни моддий борлиққа айлантиради.** Бунинг маъноси шуки, мавжуд моддий мерослар, тарихий ёдгорликлар, техник, технологик асбоб-ускуналар, бир томондан, маданиятнинг ифодаси бўлса, иккинчи томондан, уларда маънавият ҳам ўз ифодасини топган. Уларда инсоннинг дунёқараши, руҳияти, ички олами, борлиқни тасаввур этиш салоҳияти, ахлоқи, ақл-заковати, гўзаллик, улугворлик кабилар ўз ифодасини топган. Инсон ана шу имконияларга таянган ҳолда маданиятни яратади.

Энди ана шу концептуал гоёмизга асосланиб, бугун биз глобаллашув шароитида миллатлар маънавиятининг қашшоқлашуви вужудга келаётган «оммавий маданият» ҳақида фикр юритишимиз керакми ёки «оммавий маънавият» ҳақидами, деган саволга жавоб излашга ҳаракат қиламиз.

Бугун хорижда эълон қилинаётган илмий адабиётлардан тортиб Ўзбекистонда чоп этилаётган адабиётларгача «оммавий маънавият» эмас «оммавий маданият»

тушунчаси кенг фойдаланилмоқда¹. Кейинги пайтларда «оломон маданияти»² деган тушунчалар ҳам қўлланилиб келинмоқда. Уларни ўз мақола ва монографияларида қўллаб келаётган муаллифлар бугунги кунда миллий маънавиятимизга хориждан кириб келаётган маънавият таъсирларининг салбий жиҳатлари ҳақида бир қатор янги фикрларни илгари сурганлар. Бу ерда гап уларнинг «оммавий маданият», «оломон маданияти» ҳақидаги фикрлари ҳақида гап кетаётгани йўқ, балки ана шу тушунчалар ўрнига «оммавий маънавият» тушунчасини қўллаш мумкин ёки мумкин эмаслигига аниқлик киритиш ҳақида кетмоқда.

Фикримизча, бугун глобаллашув жараёни таъсирида миллий маънавиятнинг заифлашуви ҳақида фикр юритганимизда, «оммавий маданият» ва «оммавий маънавият» тушунчаларига аниқлик киритиш лозим. Чунки хорижий мамлакатларда, шу жумладан Россияда эълон қилинган ва бугун ҳам чоп этилаётган илмий адабиётларда «массовая культура» тушунчаси қўлланилиб келинмоқда ва унинг ичига «маънавият» сингдирилиб юборилган. «Духовность», яъни «маънавият» мустақил илмий тушунча сифатида юқорида назарда тутилаётган адабиётларда учрамайди. Ҳатто, рус тилида бугунги кунда мавжуд бўлган луғатларга ҳам киритилмаган. Лекин уни ташкил қилган

¹ Қаранг: Тошбоев О. «Оммавий маданият» таҳдиди. // «Тафаккур». 2008, №1. 16—21-б; Эркаев А. Глобаллашув: ахборот хуружи ва оммавий маданият. // «Тафаккур». 2008, №4. 10—17-б; Одилхонова Ш. «Оммавий маданият» нима? // «Тафаккур». 2010, №2. 85—86-б; Шухрат Ризо. Хайрихоҳлик бош мезон бўлса... // «Тафаккур». 2010, №3. 4—15-б; Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. — Т.: [«Akademiya»], 2008. 48—57-б., Самаров Р. Ахборот-психологик хавфсизлик // Муҳофаза + журнали, 2009, №09 (59). 14—15-б.

² Қаранг: Саидов У. Оломон маданияти. // «Тафаккур». 2008, №2. 4—9-б; Нажмиддин Комил. Дунёни меҳру муҳаббат қутқарар. // «Тафаккур». 2008, №3. 10—17-б; Шухрат Ризо. Хайрихоҳлик бош мезон бўлса... // «Тафаккур». 2010, №3. 4—15-б.

элементлари, уларнинг жамият ва инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида жуда кўплаб фикрлар мавжуд. Хуллас, илмий адабиётларда «маънавият»нинг мустақил тушунча сифатида истеъмолда бўлмаганлиги ва унинг «маданият» тушунчасига сингдирилганлиги ҳамда уни тилимизга айнан маданият деб таржима қилинаётганлиги оқибатида «оммавий маънавият» мустақил омил сифатида истеъмолда бўлмай «оммавий маданият» тарзида қўлланилиши одат тусига кириб қолганди. Тушунчаларни қўллашдаги бу чалкашлик «оммавий маънавият»нинг моҳиятини, мақомини тўла тушуниб етишда қийинчиликларни туғдирмоқда. Аслида «оммавий маънавият» мустақил тушунча ва ўзининг мустақил моҳиятига эга. Улар қуйидагилар билан боғлиқ: биринчидан, юқорида таъкидлаганимиздек, маънавият маданиятга нисбатан кенг қамровли тушунча бўлиб, у ўз ичига инсоннинг дунёқараши, ахлоқи, руҳияти, ички олами, борлиқни тасаввур этиш салоҳияти, ақл-заковати, гўзалликни тушуниш ва ифода этиш, турли жараёнларга муносабати, миллат, жамият олдидаги масъулиятини англаш, ўзини ўзи англаш ва ўз «мен»лигига садоқати кабиларни қамраб олади. Келтирилганларнинг барчаси ўзида моддийликни ифода эттирмайди, балки маънавийликнинг кўриниши сифатида намоён бўлади. Иккинчидан, «маданият» деганда инсон фаолияти билан яратиладиган меҳнат қуроллари, турар жой, кундалик турмуш буюмлари, кийим-кечак, транспорт, алоқа воситалари, техника, асбоб-ускуналар ва бошқа моддий борлиқни ифода эттирадиган бойликларни тушунамиз. Тўғри, улар ҳам инсон тафаккури тараққиётининг маҳсулотлари ҳисобланади. Аммо улар маънавият каби «мавхум» эмас, балки моддий борлиқ ҳисобланади. Уларни инсон ўзининг ақл-заковати, қўл меҳнати ва фаолияти билан яратади. Ва улар ўзида реал борлиқни ифода эттиради. Маънавиятдаги реал борлиқ эса хатти-ҳаракатлар ва яратиладиган моддийликнинг мазмуни, даражалари, самараси орқали намоён бўлади. Шу тариқа маданият маънавиятни моддийликка айлантиради. Айни «маънавият» ва «маданият» ўртасидаги диалектик алоқадорлик ҳам худ-

ди ана шу жараёнда амал қилади. Юқоридаги фикрлари-миздан келиб чиқиб, бугун миллий маънавиятнинг емирилиши деганимизда, Фарбда шакллантирилаётган «оммавий маданият»нинг салбий таъсирини, энг аввало, маънавиятда ўз ифодасини топаётганлигини назарда тутамиз. Чунки бугун «моддий маданият» (меҳнат қуруллари, турар жой, кундалик турмуш буюмлари, транспорт, алоқа воситалари, техник асбоб-ускуналар), яъни инсоннинг қўл меҳнати билан яратилаётган моддий бойликлар инқирозга учраётгани йўқ, балки улар такомиллашиб, инсонларга яхшироқ яшаш, унумли ҳаёт кечиришларига ёрдам беришга қаратилган ривожланиш жараёнидан бормоқда. Шу маънода ҳам «оммавий маданият»нинг кириб келиши ва унинг миллий маданиятларга ўтказаетган салбий таъсири деганимизда «оммавий маънавият»нинг кириб келаётганлигини ва унинг миллий маънавиятларнинг емирилишига ўтказаетган таъсирини кўзда тутмоғимиз зарур бўлади. Ҳақиқатан ҳам, бугун миллий маънавият ҳаётимизда содир бўлаётган барча салбий кўринишлар, тараққий қилган мамлакатлар томонидан шакллантирилаётган «оммавий маънавият»нинг таъсири остида содир бўлмоқда.

Энди «оммавий маънавият» нима ўзи, у қандай шаклланмоқда ва миллий маънавиятларга қандай таъсир ўтказмоқда, деган саволларга жавоб излашга ҳаракат қиламиз. Мазкур масала устида тўхталишдан олдин, яна «оммавий маданият» тушунчасининг пайдо бўлиши билан боғлиқ жараёнга аниқлик киритиб кетиш лозим бўлади, деб ҳисоблаймиз. Гап шундаки, «оммавий маданият» тушунчаси собиқ шўро ҳукмронлиги даврида ҳам адабиётларда қўлланилиб келинган¹.

¹ Қаранг: *Кукаркин А.В.* Буржуазное общество и культура. Под общ. ред. А.Н.Яковлева. — М.: «Политиздат», 1970. С. 371—379.; *Массовая литература и кризис буржуазной культуры Запада (Сборник статей)*. — М.: «Наука», 1974; *Пирогов Г.* Культурная агрессия. — М.: 1986; *Смольская Е.П.* «Массовая культура»: развлечение или политика? — М.: «Мысль», 1986. ва бошқалар.

Уларда «оммавий маданият»нинг миллий маданиятни емиришга қаратилган моҳиятига эмас, балки икки тизим — социализм ва капитализм ўртасидаги мафкуравий кураш, коммунистик тузумнинг капитализмдан «устунлигини» ва буржуа жамиятининг «инқирозини» асослаш нуқтаи назаридан ёндашилган. Яъни «оммавий маданият» танқид қилишда тизим ва мафкура манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Мазкур тушунча Ўзбекистонда эълон қилинган адабиётларда ҳам қўлланилган. Аммо уларда «оммавий маданият» деганда омма ҳар доим қатнашадиган ва фойдаланадиган клублар, маданият саройлари, маданият ва истироҳат боғлари, кутубхоналар ва музейлар назарда тутилган.

Хуллас, «маънавият» ва «оммавий маънавият» тушунчалари токи собиқ шўро ҳукмронлиги ва жаҳон социализми барбод бўлгунча ҳозирги тушунганимиздек ифода этилмаган. Бугун биз «оммавий маънавият»ни синф ва тизим нуқтаи назаридан эмас, балки миллий маънавиятларни емиришга қаратилганлигини назарда тутамиз.

Юқоридагилардан ташқари, бугун ўзбек олимлари «оммавий маънавият» эмас, балки юқорида келтирилганидек, «оммавий маданият», «оломон маданияти» тушунчаларини ҳам қўллаб келмоқдалар. Бу тушунчалар қандай қўлланилаётганидан қатъи назар, муаллифлар уларнинг барчаси миллий маънавиятнинг емирилишига ўтказаятган салбий таъсири ҳақидаги фикрларини илгари сурмоқдалар. Аслида, «оммавий маънавият» нима ўзи?

«Оммавий маънавият» ўзида мавжуд бўлган умуминсоний қадриятларни юзага чиқариб, охир-оқибатда моддий юксакликка эришган ва мазмунан қашшоқлашиб қолган «Фарбнинг ҳалокати»нинг (Патрик Бьюкенен¹) ўзини бу ёруғ оламда сақлаб қолишга қаратилган хатти-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ шаклланаётган маъна-

¹ Патрик Дж. Бьюкенен. Смерть Запада. Перевод с английского А.Сергеева. — М.: 2005.

виятдир. Бу маънавият — юксак тараққиётга эришган миллатлар томонидан ҳали юксак тараққиётга эришишга улгурмаган миллатларни ўзлигидан, урф-одат, анъана, қадриятларидан маҳрум қилишга ва уларни ўз хоҳиш-иродасига ҳеч иккиланмасдан итоат қилувчи манқуртга айлантиришга **қаратилган маънавиятдир.** «Оммавий маънавият» умуминсоний маънавиятдан тузилиши, погоналилиги ва мазмундорлик жиҳатларидан тубдан фарқ қилиб, унинг заминиде иқтисодий, сиёсий, ҳарбий қудратга эга бўлган, ўз таъсирини жаҳонга ўтказишга қурби етадиган миллат ва халқларнинг маънавияти туради. Унинг таъсири ҳеч қачон табиий кечмайди, балки ғоявий ва мафкуравий кучга таянади, устуворликка эришиш йўлидаги аниқ мақсад ва манфатларни кўзлаб олиб бориладиган фаолият натижасида юзага келади. У юксак тараққий қилган мамлакатларда яшаётган миллат ва халқларнинг ўзларида мавжуд бўлган имкониятларидан фойдаланган ҳолда ҳали кам тараққий қилган ёки бу йўлга кираётган мамлакатлар ва уларда яшаётган миллатлар ва халқларга нисбатан ўз ҳукмронлигини таъминлашга хизмат қилишга қаратилган таъсири, тазйиқи, агрессиясининг авж олаётганлиги нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, маънавий террорнинг кўринишидир.

Умуминсоний маънавият эса «оммавий маънавият»дан фарқли ўлароқ турли-туман миллатларнинг бошқа миллатлар учун ҳам ўзига хос маънавий озуқа берадиган жиҳатларни мужассамлаштирганлиги боис табиий равишда кенг ёйилиб боради ҳамда жаҳонда яшаётган турли миллатларнинг маънавияти ривожланишига ижобий таъсир ўтказиши. Шу билан бирга умуминсоний маънавиятни шакллантириш жараёнининг ўзи ҳам миллий маънавиятлар ривожланишига ёрдам беради. Чунки бу жараёнда турли миллат ва элатлар тенг ҳуқуқ, эркин хоҳиш-иродаси ва имкониятига эга бўлиб, ўзларига хос бўлган энг прогрессив бойликлари билан иштирок этадилар. Ана шу жараёнда шаклландиган

умуминсоний маънавиятда ҳар бир миллат бошқаларга завқ-шавқ, илҳом ва маънавий бойлик бера оладиган жиҳатларини ривожлантиришга ҳаракат қилади ва уни оммавийлаштиришда фаол иштирок этади. Унинг заминида зўравонлик йўли билан ўзга миллат ва элатлар онги ва қалбини эгаллаш мақсади турмайди, балки маънан тенглик, самимийлик, ўзаро дўстлик, қардошлик, бир-бирларини улуглаш ва ўзаро бойитиш каби умуминсоний қадриятлар туради. Умуминсоний маънавиятни миллати, элати, яшаш ҳудуди, жинси ва диний эътиқодидан қатъи назар, бутун инсоният ўзининг илғор дунёқараши ва амалий фаолияти билан шакллантиради ҳамда унинг инсон бўлиб яшашига хизмат қилади. Шу маънода ҳам у бутун инсониятнинг мулки ҳисобланади. Шундай экан, бутун «оммавий маънавият» шиддат билан шаклланаётган бўлса ва миллий маънавиятларни емириши кучаяётган бўлса, унда умуминсоний маданиятнинг келажаги борми? У нима ҳисобига яшаб қолади ва ривожланади?

Бу саволларга жавоб бериш ниҳоятда мураккаб муаммо ҳисобланади. Чунки бугун умуминсоний маънавият даражаларига нисбатан «оммавий маънавият»нинг ривожланиши ва оммавийлашуви даражаларининг тезлашуви кучлироқ кечмоқда. Бу нафақат кам тараққий қилган ёки бу йўлга энди кираётган мамлакатлар халқларининг истиқболини, балки ўша маънавиятни шакллантираётган ва шу орқали бутун дунёда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилаётган мамлакатлар ва уларда яшаётган халқларнинг истиқболи учун ҳам катта хавф ҳисобланади. Чунки маънавияти қашшоқлашган дунё охир-оқибатда ҳалокатга маҳкумдир. Шундай экан, образли қилиб айтганда, бу оқимда «шоҳ» ҳам, «гадо» ҳам бир хилда фожиага мубтало бўлади. Ана шу ҳақиқатни ҳар иккала томон, яъни «оммавий маънавият»ни шакллантириб, уни оммалаштираётганлар ва унинг таъсирига тушиб қолаётганлар бугун англаб етмас эканлар, эртага кеч бўлиши мумкин. **Инсоният ярат-**

ган бугунги цивилизацияси тақдири, демак, бу — унинг эртанги тақдири — ана шу ҳақиқатни қай даражада англаб етишига боғлиқ бўлиб қолади.

Илгари сураётган фикримиз бугун умуминсоний маънавиятнинг «йўқлиги»ни англатмайди, балки бу ерда гап унинг жуда катта босим остида қолаётганлиги ҳақида бормоқда. Уни дунёдаги илғор фикрли инсонлар бугун ҳам шакллантирмоқдалар. Ана шундай инсонлар эртага ҳам рўйи заминда яшашлари ва инсониятнинг келажаги учун ўзларида мавжуд бўлган имкониятларни ишга солишлари муқаррар. Лекин шу билан бирга ёвуз ниятли, ҳатто бутун инсониятнинг бошига катта кулфатларни солиш ҳисобига бўлсаям, ўз манфаатини амалга оширишдан қайтмайдиган инсонлар яшаётганлигини ҳам назарда тутишимиз лозим. Жаҳон халқлари тараққиётида умуминсоний маънавиятни шакллантириш бош мезон бўладими ёки «оммавий маънавият»ни шакллантиришга бўлаётган хатти-ҳаракатлар устувор йўналиш даражасига кўтариладими? Бу саволга жавоб излаш ва ечимини топиш эндиликда бутун илғор фикрдаги инсонлар олдидаги жумбоқ бўлиб турибди. Бу жараёнга катта эътибор бераётганлигимизнинг сабаби шундаки, америкалик профессор Самуэль Хантингтон¹ огоҳлантирганидек, келажакдаги кураш тизимлар ўртасида эмас, балки цивилизациялар ўртасида кечадиган бўлса, цивилизациянинг бир бўлаги бўлган миллат, унинг маънавияти истиқболи қандай бўлишини тасаввур қилиш ҳам мураккаб муаммо бўлиб қолмоқда. Чунки цивилизациялар инсоният тафаккурининг маҳсули экан, уларни асраш, ёки барбод қилиш ҳам инсониятга боғлиқ бўлиб қолаверади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Фарб олимлари бугунги кунда юзага келаётган зиддиятларнинг кўринишини титул халқлар билан мигрантлар ўртаси-

¹ Хантингтон С. Столкновение цивилизаций? «The Clash Civilizations?». 1993.

да юзага келаётган муносабатлар орқали кўрсатишга ҳаракат қилишаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз (бу ҳақда юқорида Патрик Бьюкененнинг «Ғарбнинг ҳалокати» («Смерть Запада») номли китобидан парча келтирган эдик). Шаклланаётган «оммавий маънавият» ҳақида фикр юритаётганимиз, унга алоҳида эътибор бераётганимиз бежиз эмас. Чунки миллий маънавият барбод бўлса, миллат аввало маънан ва унинг замирида жисмонан ўлади. Бу миллатнинг «қиёфасиз» оломонга айланиши демакдир. Шу маънода ҳам маънавиятни асраш учун миллатни асраш зарурияти келиб чиқади.

Бугунги кунда Ғарб давлат раҳбарлари ўз миллатини асраш учун уни мигрантлар олиб келаётган миллий маънавият таъсирларидан ҳимоя қилиш ҳақидаги ғояларни илгари сураётганлиги ҳам бежиз эмас. Жумладан, 2011 йилнинг 2 февраль куни Россия телевидениесининг «Воскресный время» информатсион дастурида Англия бош вазири Дэвид Кэмерон, Германия канцлери Ангела Меркел, Франция президенти Николя Саркози, Россия Федерацияси президенти Дмитрий Медведевларнинг фикрларини умумлаштирган шарҳловчининг таъкидлашича, мазкур давлат раҳбарлари «ҳар бир мамлакат ўз миллати мавқеини кўтариши, унинг тили, урф-одати, анъана ва қадриятларини шу мамлакатларга кириб келаётган мигрантлар ўрганишлари, уларга амал қилиб яшашлари зарур. Бугун Ғарб мамлакатларига кириб келаётган мигрантлар уларга амал қилмаётирлар, аксинча, улар ўз маънавияти, урф-одат, анъаналарини ривожлантириб, уларни мамлакатимизда оммалаштирмоқдалар», деган фикрларни билдирганлар. Уларга қўшимча яна қуйидагиларни келтириш мумкин. Жумладан, Германия канцлери А. Меркелнинг фикрича, «ўзга давлатлардан келганларга нисбатан бағрикенгликни қўллаб-қувватлаш Европада ўзларининг янги Ватани тилида сўзламайдиган, унинг қонунларини билмайдиган, унга бўйсунмайдиган анклавнинг шакллани-

шига олиб келади. Бу охир-оқибатда қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради»¹.

Россия президенти Д. Медведев 2011 йилнинг январь ойида Давлат Думаси ва Федерация Кенгаши раҳбарлари билан ўтказган йигилишида биринчи марта «руслар масаласи»ни кўндаланг қилиб қўйди. Унинг фикрича, «Россияда рус маданиятига алоҳида эътибор бериш керак. У бизнинг кўпмиллатли маданиятимизнинг негизини (костяк) ташкил қилади», деган фикрни билдирди². Айни пайтда, Россия аҳолиси ўртасида социологлар (ВЦИОМ) томонидан ўтказилган сўровда қатнашганларнинг 47 фоизи 2010 йилда миллатлараро муносабатларнинг аҳволи ёмонлашганлигини билдирганлар³. Бунга айрим сиёсатчилар томонидан ўзга миллатлар ғурурига тегувчи сўзларнинг айтилаётгани ҳам сабаб бўлмоқда. Жумладан, Россия Давлат Думасидаги ЛДПР фракциясининг раиси Игорь Лебедев «Россияда руслар биринчи бўлиши лозим», деган фикрни илгари сурган⁴. Россиянинг Москва шаҳри Манеж майдонида 2010 йил 11 декабрда турли миллат вакиллари ўртасидаги «жанжаллар» мамлакат раҳбарлари ва барча инсонларда катта хавотир уйғотганлиги Россия матбуотида ёзилмоқда.

Аслида, ҳар бир давлат раҳбарининг ўз мамлакатига титул миллатнинг тили, урф-одати, анъанаси ва қадриятларининг устувор бўлиши йўлидаги олиб борадиган сиёсатида ҳеч қандай эътироз бўлмаслиги лозим. Зеро, титул миллат ўз урф-одат, анъана, қадриятларини ўз она заминида ривожлантирмас ва ўз «қиёфаси»ни сақлаб қолмас экан, уни ўзга мамлакатларда сақлаб қолишнинг ҳеч қандай имконияти йўқ. Ҳар бир миллат ўзини мустақил субъект сифатида фақат ўз мамлакатидоғина сақлаб қолиши мумкин. Ўзга

¹ Қаранг: Аргументы и факты. 2011, №6. — С. 2.

² Қаранг: Аргументы и факты. 2011, №4. — С. 2.

³ Қаранг: Аргументы и факты. 2011, №8. — С. 8.

⁴ Қаранг: Ўша манба. 8-б.

миллат вакиллари қайси мамлакатда яшашни хоҳлар экан, уларнинг тилини билиши, урф-одат, анъана ва қадриятларини ҳурмат қилиши лозим. Ана шундагина миллатлараро тотувлик барқарор ривожланиб бораваради. Аммо бугунги салбий муносабатларнинг шаклланишида ким айбдор, деган саволни қўйиш ҳам адолатдан бўлур эди. Фикримизча, бундай муносабатларнинг пайдо бўлишига қуйидаги сабаблар бор: **биринчидан**, қудратли давлатлар ҳар доим ўзидан кучсиз бўлган давлатларни босиб олиш, уларнинг бойлигини талон-торож қилиш, ресурсларни қўлга киритишга ўч бўлиб келганлар. Айти пайтда улар арзон ишчи кучидан фойдаланиш учун турли услублардан ҳам фойдаланганлар. Гарчанд бу фан учун янгилик бўлмасда, унинг амалиёт даражасида глобаллашувнинг бугун авж олиши шароитида шиддат билан ривожланиётганини ҳисобга олиш лозим. Бу ердаги асосий масала, қудратли давлатларнинг ўзлари босиб олган ва қарамликка айлантирган мамлакатлар ҳамда уларда яшаётган миллатларни менсимаслик, уларни иккинчи даражали «кичик», «онгсиз» миллат сифатида қараганликлари охир-оқибатда кейинги авлодларнинг онги ва қалбида ўзларига нисбатан нафрат туйғуларининг шаклланишига замин тайёрлаётгани; **иккинчидан**, бир томонлама иқтисодиётни ривожлантиришга, у билан боғлиқ бўлган барча инфраструктурани тараққий қилдиришга стратегик вазифа сифатида қараб, маънавият ва тарбия каби миллат барҳаётлигини таъминловчи омилларга эътибор бермаганлик; керак бўлса ўз ҳолига ташлаб қўйиш, миллат ва унинг маънавиятини асраш, ривожлантиришга қаратилган тарбия ўрнига, бу оламда яшаш учун фақат бойлик орттириш зарур, деган қарашларнинг амалиёти натижаси ўлароқ тараққий қилган мамлакатларда индивидуализм, «ўзингни бил, ўзгани қўй», ҳар ким ўзи учун яшаши лозим, деган

тамойиллар титул миллат вакилларининг қадриятлари даражасига кўтарилди. Бунинг натижасида, охиروقибатда оила, қариндош-уруғчилик, фарзанд, отаона каби умуминсоний қадриятларнинг барбод бўлиши содир бўлмоқда, титул миллатлар сонининг йилдан-йилга кескин камайиш жараёни кузатилмоқда. Бу, ўз навбатида, меҳнат ресурсларига эҳтиёжнинг ошиб бораётгани шароитида бу эҳтиёжни кам тараққий қилган мамлакатлардан кириб келаётган арзон ишчи кучи бўлган мигрантлар тўлдиришига ва уларнинг бу мамлакатларда мустақкам ўрнашиб қолишига шароит яратмоқда.

Бугун Ғарб мамлакатлари раҳбарлари томонидан титул миллатларнинг мигрантларга нисбатан нафрати ошиб боришида мигрантлар эмас, балки ўша мамлакатларда бир томонлама (иқтисодга) ривожланишга қаратилган сиёсатнинг амалга оширилганлиги, маънавият ривожига ва тарбияни иқтисод ривожига билан уйғун олиб боришнинг эътибордан четда қолиб кетганлиги, охиروقибатда титул миллатларнинг фақат бойликка эгалик қилишга интилиш руҳияти шакллангани ва ҳукмронлик қилишга мойилликнинг кучайиши кабилар сабаб бўлган дейишимиз мумкин. Сиёсатчилар томонидан мигрантларга нисбатан бугун илгари сурилаётган салбий муносабатлар заминини мигрантлардан эмас, балки уларни ўз мамлакатларидан чиқаришга ҳаракат қилаётган юксак ривожланган мамлакатларнинг ўзидан изламоқ керак. Бугун мигрантларга нисбатан юзага келган салбий муносабатларнинг хатарли томони шундаки, агар бу тараққий қилган мамлакатларнинг устувор сиёсати даражасига кўтариладиган бўлса: **биринчидан**, юксак тараққийга эришган миллатлар билан кам ривожланган ёки шу йўлга энди кириб келаётган миллатлар ўртасида ҳозирги англаб етилмаган зиддиятлар юзага чиқиб, ўзаро очиқдан-очиқ курашга айланиб кетиши; **иккинчидан**, бу давлатлараро муносабатларда ҳам ўз инъикосини топиши ва унинг шундай ҳам мураккаб бўлиб турган жаҳондаги беқарорликнинг

янада мураккаблашувига ўз таъсирини ўтказиш хавфини вужудга келтиради, дейишимиз мумкин. Лекин уларга нисбатан бағрикенглик кайфиятининг ривожланиши яна жаҳоннинг ўз манфаатлари бўйича, бир томондан, тараққий қилган мамлакатлар ва уларда яшаётган халқ (миллат)лар, иккинчи томондан, кам тараққий қилган ёки энди тараққиёт йўлига кириб келаётган мамлакатлардан иборат икки лагерга ажралиб кетиш хавфини ҳам кучайтирмоқда. Айни пайтда мигрантларнинг турли мамлакатларда кўчиб юришини ҳам объектив қонуният сифатида қараш лозим. Қаерда меҳнат ресурсларига эҳтиёж юзага келса, уларга дунёнинг бошқа мамлакатларидан меҳнат ресурсларининг оқиб келиши иқтисод тараққиётининг объектив қонунияти ҳисобланади. Бу ҳар доим амал қиладиган қонуниятдир. Шунинг учун ҳам мигрантларни чеклаш унга эҳтиёж бўлган мамлакатлар учун ҳам кони зарардир.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, миллий маънавиятни асрашга бўлган интилиш нафақат глобаллашувни ҳаракатга келтираётган омиллар таъсири остида шаклланган «оммавий маънавият» таъсирига тушиб бораётган миллатларга, шунингдек, ана шу «оммавий маънавият»ни шакллантираётган ва уни дунё ёшлари онги ҳамда қалбига сингдириш йўлида ҳар қандай ёвузликни амалга ошириш йўлида «фидойилик» кўрсатаётган тараққий қилган мамлакатлар ва уларда яшаётган титул миллатларнинг долзарб мақсадларига айланиб бормоқда. Ҳар икки томоннинг ўзаро ҳамкорлигида амалга ошириш имкониятларини излаб топилмас экан, эртага кеч бўлиш хавфи кучайиб бораётганлиги бугуннинг ҳақиқатидир.

Бугун юзага келаётган ана шу вазиятнинг ҳар бир ақли расо инсонни ҳайратга соладиган жиҳати шундаки, **бир томондан**, инсониятнинг интеллектуал салоҳияти мисли кўрилмаган даражада тараққий қилди, у ўз ақли билан бугунги тамаддунни яратишга, ўзининг моддий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ энг мураккаб фан технологияларини яратишга мушар-

раф бўлди. Дунёда бир қатор миллатлар мустақил субъект сифатида шаклланиб, тараққиёт йўлидан бормоқда. Айтиш пайтда бир қатор этник бирликларнинг миллат сифатида шаклланиш жараёнлари ҳам давом этмоқда. Хуллас, инсоният эришган ютуқлар бисёр. **Иккинчи томондан**, инсониятнинг иштаҳаси очилгандан-очишиб, тўймаслик касалига мубтало бўлиши ҳам кучаймоқда. У ҳатто бугун охир-оқибатда ўзини бутунлай ҳалокатга олиб келиши мумкин бўлган глобал муаммолар — экологик, озиқ-овқат, наркомания, ядро қуролларининг тарқалиши, ахлоқсизликнинг кучайиши, ўта хавfli касалликлар оммавийлашуви, ичимлик суви захираларининг камайиб бориши кабиларни ҳал қилиш йўлида ҳамкорликни кучайтириш ўрнига, «ўзингни бил, ўзгани қўй» руҳияти билан яшашга мослашиб бормоқда. Бу салбий ҳолатнинг цивилизация билан нечоғлиқ алоқаси бор? деган савол келиб чиқаради. Агар цивилизацияни инсоният тафаккури, интеллектуал салоҳияти билан яратилган барча моддий ва маънавий бойликларнинг юксак даражада яратилганлик даражаси деб қарайдиган бўлсак, юксак тараққий қилган мамлакатлар ва уларда яшаётган халқ (миллат)лар билан кам тараққий қилган ёки тараққиёт йўлига кириб келаётган мамлакатлар ва уларда яшаётган халқ (миллат)лар ўртасида юзага келаётган зиддиятларнинг кучаяётганлигини ана шу юксак цивилизация натижасида юзага келган глобаллашувнинг маҳсули сифатида қарашимиз мумкин бўлади.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган фикрларимизга асосланиб айтиш мумкинки, цивилизация, глобаллашув ва миллатдан иборат тизим ўртасида боғлиқлик мавжуд бўлиб, улар қанчалик тараққиётнинг юқори кўрсаткичи бўлишига қарамасдан, ўзаро зиддиятли жараён сифатида кечмоқда. Агар бугун цивилизацияни моддий борлиқ сифатида фан-техника, технологияларнинг юксак даражада тараққий қилганлигида кўрсатадиган бўлсак, глобаллашувнинг натижаларини

миллий маънавиятнинг инқирозга юз тутаётганлиги-
да, миллатнинг етакчи омилга айланаётганлигини
жаҳон миқёсида ундан фойдаланишга бўлган янги сиё-
сатнинг шаклланаётганлигида кўришимиз мумкин.
Унинг заминида эса инсоннинг ўзини ўзи англашга
бўлган интилишининг кучайиши ва бунинг муҳим қис-
ми сифатида у ёки бу миллатга мансублигини анг-
лашга интилаётганлиги турибди. Бу инсонга истиқбол
учун интилиб яшаш, ўзига янги куч-қувват бағишлаш
имконияти сифатида намоён бўлмоқда.

Иккинчи қисм

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИ

Глобаллашувнинг ҳозирги замон цивилизацияси билан ўзаро муносабатлари зиддиятли жараёнларни ўз бошидан кечирмоқда. Уларни бир қадар юмшатиш имконини излаб топиш мураккаблигича қолмоқда. Чунки бугунги кунга келиб инсоният ўзининг интеллектуал салоҳияти, иқтидори, фидойи меҳнати билан барча соҳаларда мисли кўрилмаган даражада юксак тараққиётга эришди. Аммо улардан фойдаланишда тенгсизликнинг мавжудлиги унинг барбод бўлиш хавфини ҳам юзага келтирди. Бу, айниқса, «оммавий маънавият»ни шакллантираётган юксак тараққиётга эришган мамлакатлар унинг воситасида тараққиёт йўлидан бораётган ва кам тараққий қилган мамлакатлардаги миллатлар маънавиятларини барбод қилиш, улар онги ва дунёқарашига «оммавий маънавият»ларини сингдиришга интилаётганлигида намоён бўлмоқда. Ўз навбатида, бу жараён миллий-маънавий жиҳатдан бўлинишга олиб келиши ва эришилган цивилизациянинг инқирозга юз тутишини тезлаштириши мумкин. Унинг олдини олиш бугун бутун инсоният олдида турган долзарб вазифага айланди. Уни амалга ошириш эса жуда мураккаб муаммо ҳисобланади. Чунки манфаатларнинг турли-туманлиги уларнинг олдидаги асосий тўсиқлардан бири ҳисобланади. Айниқса, бугунги кундаги цивилизациянинг ажралмас ютуғи сифатида инсонларнинг ўз миллатининг вакили эканлиги туйғулари ва ўзлигини англашга бўлган интилишларининг

ривожланиб бораётганлиги манфаатларни мувозанатга келтира ололмаслиги ва цивилизация ютуқларидан барчанинг тенг фойдаланишини мураккаблаштирмоқда. Чунки инсонсиз миллат ва миллатсиз инсон бўлмаганидек, цивилизация ҳам инсон ва унинг улуг қадрияти ҳисобланадиган миллатсиз бўлиши мумкин эмас. Демак, цивилизацияни асраш учун, энг аввало, инсонни ва миллатни асраш лозим бўлади.

Китобнинг мазкур қисмида масаланинг ана шу жиҳатларига эътибор қаратишга ҳаракат қиламиз. Шу билан бирга глобаллашувнинг авж олиши таъсирида миллий маънавиятга қарши йўналтирилган реал ва потенциал хавф-хатарларнинг кучайиши ва унга таъсир ўтказётган омиллар ҳамда воситаларнинг моҳияти ҳақида мулоҳазалар юритамиз.

ИНСОННИНГ МИЛЛАТИ ВА УНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТИ

Глобаллашув, цивилизация, инсон ва миллат каби омилларнинг ўзаро муносабатлари мураккаб ижтимоий-фалсафий масалалардан ҳисобланади. Хусусан, инсоннинг бугунги глобаллашув шароитидаги аҳволи қандай кечади, ўзида қандай қадриятларни сақлаб қолиши мумкин ёки глобаллашув уммони унинг қадриятлардан маҳрум бўлишига олиб келадими, деган саволларга жавоб излаш бугунги кундаги муҳим масалалардан бирини ташкил қилади. Айниқса, қадриятларни асрашда унинг масъулиятини ошириш бугунги кунда ниҳоятда долзарб бўлиб бормоқда. Хусусан, унинг миллати вакили сифатидаги мақомининг истиқболи қандай кечиши мумкинлиги ҳақида мулоҳаза ва фикрлар юритиш зарурати ривожланиб бормоқда.

Инсоннинг онгли фаолияти бошланибдики, уни чинакам «инсон» даражасига етказиш фалсафанинг асосий муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Аммо бу охири кўринмайдиган муаммолигича қолмоқда. Бу та-

бий ҳолат. Чунки инсон тирик мавжудот бўлиб, унинг ўзини ўзи англаши ҳам мураккаб кечмоқда. Унинг онгли фаолияти бошланибдики, мавжуд неъматларни асраб, кейинги авлодларга етказишга қараганда, бугун ўз нафсини тўйғазишга бўлган интилиши, чинакам «комиллик»дан кўра маънавий заифлиги, ўз-ўзидан, миллатидан, жамиятидан бегоналашуви ортиб бормоқда. Хуллас, ана шу салбий жараёнларнинг ривожланиб бораётганлиги «инсон» муаммосини ўрганишнинг охириги нуқтаси йўқлигини кўрсатмоқда. Уни ўрганишга бўлган қизиқиш ортган сари бу муаммо яна ҳам чуқурлашиши давом этмоқда. Шу маънода ҳам буюк файласуф милетлик Фалес «Энг қийин нарса нима?» деган саволга «ўзини англаш»¹ деб жавоб берган. Ўзини англашнинг поёни йўқлиги боис ҳам инсоннинг маъно-мазмун ва ижтимоий моҳиятига нисбатан турли қарашлар антик давр фалсафасидан бошлаб то ҳозирги замон фалсафасигача давом этиб келмоқда.

Фалсафада инсон муаммосини ўрганишдан кўзланган мақсад унинг ўзлигини англашига, ўз «мен»лигига эришишга «ёрдамлашиш», яна ҳам аниқроғи, унинг шахс даражасига кўтарилиши билан боглиқ имкониятларни излаб топиш ва улардан инсоннинг шахс даражасига етишишда самарали фойдаланишдир. Чунки инсон дунёга келиб, улғайиш жараёнида турли ижтимоий муносабатларга киришади, унда эҳтиёж ва манфаатлари ҳам шаклланади. Ўз навбатида, ижтимоий муносабатлар манфаатлар турли-туманлигини юзага келтиради. Улар мувозанатга келтирилмас экан, ўзаро зиддиятлар шаклланади. Мазкур ҳолат ўз-ўзидан амалга ошавермайди. Бунинг учун кенг қамровли тарбиявий фаолиятни амалга ошириш зарур бўлади. Ҳар доим ўсиб келадиган эҳтиёжларнинг барчасини қондиришнинг эса имконияти йўқ. Бунинг асосий

¹ Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. Тақдирлар, ҳикматлар, афоризмлар. Тупловчи ва таржимон Саида Жўраева. — Т.: «Янги аср авлоди», 2002. 10-б.

сабаби уларнинг чексизлиги ва бепоён эканлиги билан боғлиқдир.

Инсоннинг «чинакам инсон» бўлиб етишиши даражасини диний ва дунёвий илмда «комиллик», «комил инсон», «баркамол инсон», «маънавий баркамол инсон», «етук инсон», «ҳар томонлама шаклланган инсон» ва бошқа номлар билан кўрсатиб келинган. У қандай ном билан аталмасин, унинг заминида инсоннинг ўзини ўзи англаши мезони туради. Баркамолликнинг бошланиши ҳам ана шу жиҳат билан боғлиқ бўлади.

Баркамолликнинг муҳим мезонларидан бири ҳар бир инсон ёхуд миллатнинг нечоғлиқ маънавияти юксаклиги билан боғлиқ. Инсоннинг комиллиги билан маънавият ўртасида диалектик боғлиқлик амал қилади. Маънавий юксакликка эришиш йўли билан инсон, миллат комилликка эришиши мумкин. Уларнинг ҳар иккаласини юксак даражага кўтариш ҳам катта муаммо сифатида давом этаверади. Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: «Халқ, миллат ўз миллий маънавиятини йиллар, асрлар давомида юксалтириб, бойитиб боради. Чунки маънавият қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас, аксинча, доимий ҳаракатдаги узлуксиз жараён бўлиб, тараққиёт давом этар экан, унинг шиддатли юриши туфайли маънавий ҳаёт олдига қўйиладиган талаблар ҳам муттасил пайдо бўлаверади»¹.

Шу маънода ҳам маънавият каби баркамол инсонни шакллантириш вазифаси замон ва макон хусусияти ҳамда талабига мувофиқ ўзгариб, такомиллашиб бораверади. Баркамол инсоннинг мезонлари кенг бўлиб, улар юқорида кўрсатилганидек, ўзини ўзи реал субъект сифатида англашдан бошланиб, ота-она, оила, қариндошлик, миллат, жамият, инсонлараро муносабатларга ва бутун инсоният жаҳон ҳаётига, табиат ва бошқа ҳодиса ҳамда жараёнларга муносабатларида намоён бўлади. Бу муносабатларни ҳар бир даврнинг

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 171-б.

эҳтиёжлари ва талабларидан келиб чиққан ҳолда шакл-лантириш жуда мураккаб ҳисобланади. Чунки бу, бир томондан, эҳтиёжлар ва манфаатларнинг чексизлиги билан, иккинчи томондан, даврнинг ўзи ҳам доимий ривожланиши ва ўзгарувчанлиги билан боғлиқдир. Шуни ҳисобга оладиган бўлсак, эҳтиёж ва манфаатларни мувозанатга келтириш ва инсоннинг ўзини ўзи англашига ёрдамлашиш, барча зиддиятли муаммолар ечимини умуминсоний манфаатларга қаратиш мумкин бўлади.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, баркамол инсоннинг олий кўриниши ўз «мен»ига эриша олган шахсдир. Лекин унинг ана шу мақомга етишининг охириги нуқтаси борми ўзи? Агар инсоннинг ана шу «мен»ликка интилиш жараёнини кузатадиган бўлсак, унинг маънавий қашшоқлашуви авж олаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу жараённи бугун юксак иқтисодий тараққиётга эришган, ўз маънавиятини кўз-кўз қилаётган, уни оммалаштиришга маблағини аямаётган мамлакатларда инсонларнинг ўзаро бегоналашувида, ота-она, оила, фарзанд, миллат қадриятларининг сўниб бораётганлигида, бир жинсли никоҳнинг қонунлаштирилаётганида, жинсни ўзгартириш каби ўта ноинсоний муносабатларда — бир сўз билан айтганда, **инсоният ўз ақл-идрокининг маънавий қурбонига айланаётганида кўриш мумкин.** Уни бу фожиадан ҳимоя қилишнинг имкониятларини излаб топиш ва уни амалиётга татбиқ эта билиш бугун инсоният эришган цивилизациянинг эртанги тақдирини белгилаб беради. Агар юқорида келтирилган барча салбий кўрсаткичлардан келиб чиқадиган бўлса, юксак тараққий қилган мамлакатлар тимсолида инсониятнинг маънавий инқирози, у эришган маънавий тамаддуннинг барбод бўлиши учун керак бўлган даражанинг авж нуқтасига етиб келди, дейиш мумкин. Энди унга ўз маънавий «мен» лигини англантишни бошидан бошлаш эҳтиёжи юзага келмоқда. Бугун демократик қадриятлар байроғи остида

умуминсоний қадриятлардан йироқ бўлган маънавият «эркинлиги» руҳиятини шакллантириш жараёнлари авж олмақда. Юқорида зикр этилган барча салбий ҳолатларнинг амал қилаётганлиги инсоннинг «мен»лиги «демократик қадрият»ларнинг қурбонига айланмаслигининг механизмларини топиш муҳлати етиб келганлигини кўрсатмоқда. Чунки инсониятнинг маънавий қашшоқлашув жараёнида маънавиятни емиришга хизмат қиладиган «демократик қадрият»ларни ривожлантиришга интилган сари инсоннинг маънавий «мен»лиги барбод бўлмоқда. Агар бу жараёнга бугун эътиборсизлик билан қаралса, эртага инсон ўз «мен»лигига эришишни яна бошидан бошлашига тўғри келади.

Савол туғилади. Нега инсоният бугун бу даражада маънавий қашшоқлашув томон кетмоқда? Бу унинг табиатига хосми ёки унинг руҳияти ва онгида содир бўлаётган ўзлигидан бегоналашиш жараёни билан боғлиқми, ёхуд унинг юксак интеллектуал салоҳиятга эришган шароитда маънавият ривожланишининг энг юқори даражага кўтарилишидан кейинги орқага қайтишининг белгисими? Албатта, бу саволларга жавоб топиш анча мураккаб масала. Бунинг учун амалиётдаги мавжуд фанларнинг умумий ҳамкорлиги зарур бўлади. Хуллас, бугун жаҳон миқёсида умуммаънавий емирилиш жараёнлари кетмоқда. Бу, ўз навбатида, бугун инсоният эришган тамаддунга таҳдид солмоқда, уни инсоният ўзи яратиб, ўзи барбод этиш хавфи кучаймоқда.

Назаримизда, бу масалани ҳал қилишда ишни инсоннинг «ўзаро бегоналашув» жараёнининг олдини олишдан бошлаш тўғри бўлади. Агар у ўз «мен»ини ота-она, қариндош-уруғ, оила, миллат, жамият ва бугун инсоният каби қадриятлари орқали англасагина, унинг маънавий қашшоқлашувининг олди олиниши мумкин бўлади. Бугун бу йўналишда бир қатор назариялар мавжуд. Жумладан, бировлар жаҳон миқёсида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш йўли

билан умуминсоний қадриятларни қайта тиклаш мумкинлигини илгари сурса, иккинчи бирлари жаҳон миқёсида кетаётган глобаллашув жараёнларини «чеклаш», яна бирлари эса жаҳон мамлакатларининг ўзаро интеграциялашуви орқали маънавий емирилишнинг олдини олиш мумкин, деган фикрларни илгари сурмоқдалар.

Агар келтирилаётган фикрларга чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, бу жараёнлар озми-кўпми амалга ошмоқда. Лекин, уларни тула амалга оширишнинг имконияти йўқ бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки, бу ҳар бир мамлакат ва унда яшаётган халқнинг ўзига хос менталитети, манфаат ва эҳтиёжлари билан боғлиқ. Уларни ҳеч қачон бир «қолип»га солиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ана шу ўзига хослик, манфаат ва эҳтиёжлар турли-туманлигини ҳисобга олган ҳолда умуммаънавий емирилишнинг олдини олишга ижобий таъсир ўтказувчи омилларни излаб топиш ва улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш лозим бўлади. Ана шундайлардан бири яна «инсон» — бу инсон омили ҳисобланади. Энг аввало, унинг ўз «мен»лигига эришишига «ёрдамлашиш», унга таъсир ўтказиш ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин.

Аммо бу осон иш эмас, унга маъруза ўқиш ёки қуруқ маслаҳат бериш, тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш ёхуд куч ишлатиш йўли билан амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун унинг азалдан руҳияти ва маънавиятида мавжуд бўладиган, уни «уйғотадиган», ҳаракатга келтирадиган занжирдаги асосий «ҳалқа»ни топиш зарур бўлади ва ундан самарали фойдаланган ҳолда инсоннинг ўз-ўзидан бегоналашуви ва ана шу йўналишда содир бўлаётган салбий жараёнларнинг олдини олиш мумкин. Ана шу «ҳалқа» иқтисодиёт, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий омиллар бўлиши мумкинми? Албатта, уларнинг биронтасини инкор қилиб бўлмайди. Уларсиз умуман ҳаётнинг ўзи ҳам бўлмайди. Лекин, ўрни келганда уларга ҳам ўзининг

таъсирини ўтказа оладиган «ҳалқа»ни топиш керак бўлади. Бу «ҳалқа» ўзининг таъсирчанлиги билан иқтисодиёт ижтимоий-сиёсат ва маънавий-маърифий ҳаётда ўзини намоён этсин.

Фикримизча, инсоният тараққиётида умумий занжиридаги ана шу асосий ҳалқа — бу «миллат» омилидир. Хўш, нега миллат омили асосий «ҳалқа» бўла олади? Бунинг қуйидаги асослари мавжуд: **биринчидан**, «миллат» мавҳум тушунча, у фақат маълум инсонлар орқали моддий реаллик сифатидагина намоён бўлади. Реал инсонларсиз миллатни тасаввур этиб ҳам бўлмайди. Инсонга хос бўлган ор-номус, ҳаё, меҳр-муҳаббат, гурур, ифтихор, яратувчанлик, масъуллик, ватанпарварлик, урф-одат, анъана, қадрият каби ўзига хосликлар реал инсонлар уюшмаси воситасида миллатда ўз ифодасини топади; **иккинчидан**, инсон дунёга инсон бўлиб келади. У ўзининг миллат вакили сифатидаги «мақомини» онги шакллана бошлаганидан кейингина англай бошлайди. У буни дастлаб ота-она, оила, жамият ва бошқа ижтимоий институтлар таъсирида ўзлаштира бошлайди. Айни пайтда, инсоннинг миллатга мансублик руҳиятини онг билан «чеклаш»ни охириги нуқта деб бўлмайди. Акс ҳолда, бундай қарашга фалсафанинг воқеа, ҳодиса ва жараёнларга ҳар доим «шубҳа» билан қараш, уларнинг биронтасига охириги ҳақиқат, деб қарамаслик ва **нуқта қўймаслик ҳақидаги олтин қондасига зид** бўлган бўлур эди. Зеро, илмий ва фалсафий тафаккур тараққиёти уларнинг натижасида инсоният бугун юксак даражадаги тамаддунга эриша олди. Демак, айтиш мумкинки, инсоннинг миллат вакили сифатида шаклланишига «шубҳа» билан қараш ва охириги «нуқта»ни қўймасликка асос бор. **Учинчидан**, миллат инсоннинг «маҳсули», инсон уни ўзи дунёга келтирган, унга бу «мақомни» унинг ўзи берган, бошқа турли институтлар томонидан берилган «мақом» эса, ана шу реалликнинг акс эттирилишидир.

Демак, миллатни инсон дунёга келтирар экан, унга хос бўлган барча ижобий ва салбий кўрсаткичлар миллат «уюшмасида» ҳам ўз ифодасини топади. Жумладан, юқорида келтирилган ор-номус, ҳаё, меҳр-муҳаббат, гурур, ифтихор, яратувчанлик, ватанпарварлик, дўстлик, масъуллик, урф-одат, анъана, қадрият ёки бу ижобий кўрсаткичларга зид бўлган салбий кўрсаткичлар миллат ижодкори бўлган инсондан миллатга «кўчиб» ўтади. Инсонга хос бўлган барча ижобий кўрсаткичлар унинг учун ҳар қандай моддий бойликлардан устун туради, бу унинг инсон бўлиб яшаши, «мен»лигини ифода эттириб турувчи «муқаддас» маънавий-руҳий салоҳияти, «тириклик»нинг ижобати ҳисобланади. Ана шу кўрсаткичларнинг амал қилиши натижасида инсон моддий фаровонликка ва сиёсий баркамолликка эришади.

Келтирилганлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, инсоният маънавий емирилишининг олдини олиш, инсоннинг инсон бўлиб яшашига ижобий таъсир ўтказиши мумкин бўлган омиллардан бири унинг миллат вакили эканлигини англатиш ҳисобланади. Аммо бугун «миллат» омилига қарашлар ҳам турли-туман бўлиб, уларда ҳатто бир-бирига қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуд.

Жумладан, улардан айримлари миллатнинг мавжудлигини инкор қилсалар, иккинчи бирлари уни ҳатто илмий тилдан олиб ташлаш зарур, — деб ҳисоблайдилар. Масалан, рус олимларидан бири П.А. Сорокин, «миллат ижтимоий борлиқ сифатида мавжуд эмас»¹ — деган бўлса, иккинчи бири В.А. Тишков эса «миллат — бу сиёсий шиор ва сафарбар қилувчи восита, аммо у илмий тушунча эмас... унинг яшашга ҳуқуқи йўқ ва у илмий тилдан олиб ташланиши керак»², — деб ёзади.

¹ *Сорокин П.А.* Человек, цивилизация, общество. — М.: 1992. — С. 248.

² *Тишков В.А.* Постсоветское пространство. Экономические проблемы (круглый стол). // Социологические исследования. 1992, №1. — С. 52.

Баъзи бир европалик олимларнинг фикрича, «Ғарбда ва бошқа мамлакатларда миллат масаласи сўниб бормоқда»¹. Кембриж университетининг профессори Эрнест Геллнернинг фикрича эса, «амалда миллат бор-йўғи давлат каби тасодиф, улар умумий зарурият эмас»² эмиш. Унинг рус тилига таржима қилинган «Нации и национализм» асарида миллат белгилари сифатида бир гуруҳ одамларнинг ҳуқуқ, бурчларини ўзаро эътироф этишлари сифатида талқин этади³. Унинг фикридан кўриниб турибдики, миллат учун кенг маънодаги маънавий омиллар ёки инсон учун хос бўлган миллий қадриятларнинг ўрни ҳамда аҳамияти йўқ. Карен Момджян ҳам Т.А. Тишковнинг фикрига қўшилади ва келажакда миллатни эсдан чиқаришга тўғри келса керак, деб ҳисоблайди⁴.

Яна бир мисол, бугун Европа мамлакатларининг аксарият кўпчилигида электрон паспорт тизими ташкил этилганлиги муносабати билан ана шу минтақадаги 17 давлатда фуқаролик паспортларидаги «миллат» графаси олиб ташланган. Уларда фуқаролик инсоннинг асосий белгиси сифатида амал қилмоқда. Бундай тартибни қўшни Қозоғистон давлати ҳам жорий қилиш ниятида эканлигини эълон қилди. Аммо бу фикрни қўллаб-қувватламайдиганлар ҳам кўпчиликини ташкил қилганлиги боис ҳозирча амалга ошганича йўқ. Шу сабабли ҳам бу тартибнинг эълон қилинишига турли салбий муносабатлар юзага келмоқда.

Умуман, бу тартибга ўтиш инсонларнинг ўз «миллати»дан воз «кечиши»га олиб келишига олиб келадими? Буни вақт кўрсатади. Лекин ўзлиги учун кура-

¹ Социологические исследования. 1992, №12. — С. 123.

² Геллнер Э. Нации и национализм. // Вопросы философии. 1989, №7. — С. 124.

³ Геллнер Э. Нации и национализм. — М.: 1991. — С. 35.

⁴ Қаранг: Глобализация: Настольная книга антиглобалиста. М.: ООО «Изд-во АСТ: ЗАО НПП «Ермак», 2004. — С. 44.

шаётган миллатлар «миллати»дан воз кечиши керакми? Ёки фуқаролик паспортдан «миллат» графасининг олиб ташланиши ер куррасида инсонларнинг «тенг» бўлиб яшашига ёхуд инсон ҳуқуқларининг тўла таъминланишига олиб келадими, деган саволлар келиб чиқади. Аслида, уларнинг биронтасига ижобий жавоб бериб бўлмайди. Чунки, ҳеч қачон мутлақ тенглик бўлмаганидек, уларнинг ҳам мутлақ тарзда амалга ошиши мумкин эмас.

Фикримизча, бундай гоёлар, хатти-ҳаракатлар заминда қуйидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий манфаатлар турибди.

Биринчидан, маълумки, Европа мамлакатларида титул миллатларнинг табиий ўсиши йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бунга оила, фарзанд, авлод қолдириш қадриятларининг барбод бўлаётганлиги сабаб бўлмоқда. Жаҳоннинг кам ривожланган ёки энди ривожланишга киришаётган (нисбатан «қолоқ») мамлакатларининг аҳолиси эса тез ўсиб бормоқда. Бу мамлакатлар аҳолисининг бир қисми Европа мамлакатларига келиб жойлашмоқда ва камаяётган титул миллатнинг ўрнини тўлғазмоқда ҳамда уларни ўзларига ассимиляция (қўшиб олиш) қилиб юбориш хавфини юзага келтирмоқда. Бу салбий жараённинг олдини олиш учун ҳеч бўлмаганда Европа халқларининг ягона «миллат»ини шакллантириш мақсади кўзланган.

Иккинчидан, фуқаролик паспортдан «миллат» графасини олиб ташлашдан охир-оқибатда ягона «европа» миллатини шакллантириш мақсади кўзланган. Агар ягона европа «миллати» шаклланадиган бўлса; тараққиётининг маълум босқичигача Европа ўзининг ягона миллий «қиёфа»сини сақлаб қолиш, керак бўлса, вақтдан ютишни назарда тутган.

Учинчидан, ишлаб чиқаришдаги интеграциялашиш ва кооперациялашиш асосида жаҳонда тобора сўниб бораётган ишлаб чиқаришни қайта тиклаш ва яна бу соҳада Европа устуворлигини таъминлаш мўлжалланган.

Тўртинчидан, бугун маънавий қашшоқлашиб бораётган минтақа ва ўша ерда яшаётган халқларнинг маънавиятини ўзаро уйғунлаштириш асосида, ягона «оммавий маънавият»ни шакллантириш, уни жаҳон миқёсида оммалаштириш йўли билан ўзларининг, энг аввало, бир-бирига яқин бўлган Европа халқлари маданиятини сақлаб қолиш ва жаҳонда маънавий ҳукмронликка эришиш каби мақсад ва манфаатлар кўзланган.

Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, фуқаролик паспортидан «миллат» графасини олиб ташлашдан кўзланган мақсадда умуминсоний манфаатлардан кўра, унга зид бўлган хусусий манфаатлар устуворлигини таъминлаш назарда тутилган. Агар Европа уни жаҳон миқёсида оммалаштиришга эришса, у яна тобора сусайиб бораётган мавқеини қайта тиклаш имкониятига эга бўлади. Бу борада бугун оз бўлса-да, маълум ютуқларни қўлга киритиб бормоқда. У ўзининг маънавий уммонига жаҳон халқларини тобора кенгроқ жалб қилмоқда. Лекин, бу жараён нафақат ана шу уммонга кириб бораётган турли миллат, халқ ва этнослар учун, шунингдек, Европанинг ўзи ҳамда у ерда яшаётган халқлар учун ҳам хатарли ҳисобланади. Чунки бу уммон охир-оқибатда бугун инсоният эришган тамаддуннинг барбод бўлиш муҳлатини яқинлаштиради ва бугун инсониятнинг моддий ва маънавий жиҳатдан барбод бўлишига олиб келади.

Ана шу жараёнларнинг бугун жадал суръатда кетиши куни келиб Европада ҳам англаниши муқаррардир, у истиқболда янги тамаддунни яратишида умуминсоний қадриятлар, манфаатлар устуворлигини таъминлашда инсон ва миллат омилларининг уйғунлигига эътибор билан қараши мумкин.

Аммо бугун маънавий қашшоқлашаётган Европага тақлид қилиб, «миллат» омилидан **воз кечиш ва унинг жаҳон миқёсида маънавий-руҳий тараққиётнинг умумий тамойилига айланишига бефарқ қарашимиз мумкин эмас.** Зеро, Европа мамлакатларига тақлид, уларнинг «қад-

риятларини» кўр-кўрона қабул қилишга «мойиллик» эртага инсонларнинг бир-бирларини «танаймайдиган» даражага олиб келиш хавфини юзага келтиради. Бу инсонларни фарқ қилдирувчи сифатида фақат моддий омилнинг турли даражалари қолади, холос. Бу бора-бора инсонга хос бўлган ҳис-ҳаяжон, муҳаббат, ғурур, ифтихор «мен»лик каби ботиний бойликнинг барбод бўлишига олиб келиши мумкин.

Аслида, инсон ўзининг «мен»лигини фақат моддий бойликлар орқали англаши уни жарга етаклаётган омил ҳам шу эмасми? Инсонларнинг ўзаро бегоналашувига, инсон учун ўта муҳим бўлаётган миллий-маънавий қадриятларнинг емирилишга худди ана шу моддий бойликка муккасидан берилиш ўз ҳиссасини қўшмаётми? Хуллас, бугун инсониятнинг онгли фаолияти бошлангандан буён қадрият сифатида намоён бўлиб келаётган — инсонларни ўзаро боғлаб келадиган занжирнинг асосий ҳалқаларидан бири бўлган инсоннинг «миллат»ини барбод қилиш эмас, балки унга қайтадан ҳаёт бахш этишнинг илмий-назарий концепциясини ишлаб чиқиш зарурияти юзага келмоқда.

Инсоннинг руҳияти, унинг шахс сифатида шаклланиши, турли жараёнлар ва ҳодисаларга муносабати, унда бўлган севги, муҳаббат, унинг ҳаётида содир бўладиган турли касалликларга дучор бўлиш сабаблари ва уни даволаш билан боғлиқ бўлган жуда кўп масалалар фанда ўрганиб келинмоқда. Аммо бугунгача унинг миллатга мансублиги фақат ижтимоий, иқтисодий омиллар ва жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда қараш орқали чекланиб келинмоқда. Аслида, фалсафий тафаккур нуқтаи назаридан қараганда, нега биз ана шундай қарашларга охириги «нуқта»ни қўйишимиз керак? Миллат ҳам инсон каби табиат ва илоҳий қудратнинг маҳсули эмасмикан? Бу барча фанларнинг фаол иштирокида ўрганилишига арзийдиган муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бунга эҳтиёжнинг иккита сабаби бор. Бу, бир томондан, инсоннинг барка-

моллик даражасига кўтарилиши, унга истиқбол олди-даги масъулиятини англатиш, иккинчи томондан, инсонларнинг ўзаро бегоналашув жараёнининг олдини олиш билан боғлиқдир.

Инсонларнинг ўзаро бегоналашуви деганда, уларни боғлаб турадиган ота-она, қон-қариндошлик, маҳалла, ота Ватан, она замин, миллатга мансублик, давлат фуқаролиги, жамият аъзолиги, манфаатлар каби қадриятларнинг хираллашиб бораётганлиги назарда тутилмоқда. Бугун инсонларда уларни англашда «биз»дан кўра «мен»лик руҳияти кучайиб бормоқда. Бугун бегоналашув жараёни ягона «йўналиш» сифатида шаклланимоқда. Яъни, у инсоннинг ўзидан бошлаб то барча ижтимоий муносабатларгача кенг қамровли жараён сифатида кечаётганлигини кузатиш мумкин. Ана шу бегоналашувнинг олдини олишнинг шундай бир табиий имкониятини топиш лозимки, у юқорида келтирилган барча қадриятларнинг, ҳеч бўлмаса, уларнинг яна ҳам тубанлашиб кетишининг олдини олишга ва ҳозирги ҳолати, мавжуд даражасида амал қилишига ижобий таъсир ўтказа олсин. Фикримизча, ана шундай имкониятлардан бири яна инсоннинг миллатга мансублик омилига бориб тақалади.

Чунки «миллат»га мансублик шундай улуғ туйғуки, уни англаш турли қарашларга эга бўлган инсонларни бир жон, бир тан бўлиб бирлаштиради. Р. Самаров: «Миллий мансублик бир қатор белгилари асосида намоён бўлади, булар:

- ташқи белгилар қиёфасида;
- ижтимоий-маданий белгиларда (тил, урф-одат, анъана ва б.);
- диний эътиқодда;
- ижтимоий-иқтисодий асосда (яшаш тарзи, ишлаб чиқариш хусусиятлари, ўтроқ ёки кўчиб юриш, деҳқончилик ёки чорвадорлик билан шуғулланиш ва ҳоказо);
- сиёсий ҳаёт тузилишида;

— ғоявий, мафкуравий қарашларда», — деб кўрсатиб ўтган¹. Аслида, миллат ана шундай инсонлар орқали реал намоён бўлади. Юқорида таъкидланганидек, инсонга хос бўлган ғурур, ор-номус, ифтихор, «мен»лик, ҳис-ҳаяжон, муҳаббат, газаб кабилар миллатга ана шу инсонлар уюшмасида ўз ифодасини топади. Агар улар ҳар бир инсонга хос индивидуал ҳолатда амал қилса, миллатда улар ўзига хос уюшган ҳолатда намоён бўлади. Шу тариқа улар индивидуалликдан умумийликка айланиб боради. Энг асосийси, бу жараён табиий кечади, унга кимнингдир кўрсатма беришига зарурат ҳам қолмайди. Инсонларни ўзаро боғлаб турадиган куч ҳам миллатнинг ўзидир, у бугунги боғловчи омил сифатида «ишлаб» туради.

Ана шу жараённинг ер кўррасининг бир қисмида юксак тараққиётга ва интеллектуал қудратга эришган минтақасида ёки ҳали энди тараққиётга кириб бораётган ёхуд ҳали бир қадар «қолоқ» халқларнинг биронтасининг ҳам ўз миллатига мансублигидан воз кечмаётганининг сири «миллат»нинг инсонга табиий равишда Аллоҳ томонидан ато этилганлиги билан боғлиқ эмасмикан, деган савол юзага келади. Шу маънода ҳам унинг «йўқлиги»га илм нуқтаи назаридан шубҳа билан қараш зарурияти юзага келади.

Ҳақиқатан ҳам, миллат мавжудми, унинг тақдири истиқболда нима бўлади ва инсон билан нечоғлиқ алоқаси бор? Агар унинг «мавжуд эмаслиги»ни эътироф этадиган бўлсак, қандай омилларга асосланишимиз керак, аксинча, мавжудлигини эътироф этадиган бўлсак, қандай омилларга таянишимиз лозим?

Фикримизча, миллатнинг «мавжуд эмаслиги»га қараганда, унинг мавжудлигини тасдиқлаш учун асослар кўпроқ даражада, дейиш мумкин.

¹ Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари. — Т.: «Akademiya», 2010. 91-б.

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, ер куррасида 7 миллиард аҳоли яшаётган бўлса, уларни маълум бир ташқи қиёфаси, менталитети, ҳаёт кечириши, юриш-туриши, урф-одати, удуми, маросимлари ва бошқа бир қатор жиҳатлари билан ўзаро ҳамжиҳат уюшган инсонлар мавжудлиги ҳеч кимга янгилик эмас. Уларнинг ана шу ўзига хослигини кимнингдир «сиёсати» туфайли шаклланган, деб қарайдиган бўлсак, миллатни сиёсатнинг «қурбони» қилган бўламиз.

Иккинчидан, инсоннинг ижтимоий мақоми, унинг умуминсоний қадрият сифатидаги кўрсаткичларини баҳолашда нималарга устуворлик бериш тўғри бўлади, деган савол қўйиладиган бўлса, албатта, унинг моддий ва маънавий мавжуд эканлигига шубҳа тугилмайди. Чунки инсон ижтимоий муносабатларга киришар экан, нафақат оила аъзоси, давлат фуқароси, жамият аъзоси ёки у бу мулкка, ижтимоий гуруҳга дахлдор, шунингдек, у бир хил кенг маънодаги моддий ва маънавий умумийликдаги аҳолининг «уюшма»сидан ҳам иборатдир. Ана шу «уюшма»да нима етакчилик қилади, деган саволга жавоб излаганимизда, уларни ўзаро боғлаб турадиган ботиний қудрат, кучга кўпроқ устуворлик бериш мумкин бўлади. Хўш, бунга қандай асос бор? Асос шуки, ўзига хослик билан «уюшган» инсонларга агар ташқаридан уларнинг иззат-нафси, ор-номуси, ғурури, «мен»лиги поймол этилса ёки манфаатларига зид бўлган кучлар, хатти-ҳаракатлар юзага келса, улар касб-кори, эгаллаб турган мансаби ёхуд ёши ва яшаш ҳудудидан, жинсидан қатъи назар, ўзаро бирлашиб, уларга қарши турадилар ва ўз миллатининг ор-номуси, ғурури ва ифтихорини ҳимоя қилишда ягона куч бўлиб бирлашадилар. Бу «сиёсат»ми ёки аллақандай одамлар томонидан ўйлаб чиқилган ҳаракатларми? Йўқ, албатта. Бу ана шу «уюшмани» ушлаб, ўзаро боғлаб турган ботиний (ички) **куч-қудратдир**. Энг асосийси — бу жараён табиий кечади, унга кимнингдир кўрсатма беришига зарурат йўқ. Яъни, инсонларни

ўзаро боғлаб турадиган илоҳий куч ўзини кўрсатади. Бундан келиб чиқадиган ғоя шуки, бугун миллатнинг шаклланиш жараёнини тарихий, ижтимоий ва жамият тараққиёти билан боғлашнинг ўзи етарлимикан? Фикримизча, бу жараёнга яна ҳам чуқурроқ қарашга тўғри келади. Яъни, одам боласи инсон бўлиб дунёга келиши билан бирга, ўзида миллатнинг қандайдир ички маънавий «элементлари», руҳиятини, ўзига хослигини она қорнидаёқ озиқланиш ва улғайиш жараёнида шакллантириши мумкин-ку? Яна ҳам аниқроғи, у инсонга қон билан «кириб», руҳиятда амал қилишга айланадиган илоҳий қудратдир, дейишимиз мумкин. Биз ўзимизнинг кўп йиллик илмий қизиқишларимиз ва кузатувимиз натижасида мазкур жараёнга реал ҳаётда кузатилган мисолларни келтиришимиз мумкин. Жумладан, реал ҳаётда рус миллатига мансуб бола ўзбек оиласида тарбияланса, албатта, у ақлини таниганидан кейин, кўпроқ рус болалари билан, ўзбек боласи ҳам худди шундай улғайганида ўз миллатига мансуб болалар билан ўйнашга мойиллиги кучли бўлганлигининг гувоҳи бўлганмиз. Ёки яна бир мисол: ота-онасидан жудо бўлиб, болалар уйида тарбияланган болалар гарчанд ўзларининг она тилларини билмасалар-да, улғайганларидан кейин ўзларининг ота-оналари мансуб бўлган миллатнинг урф-одат, анъана ва қадриятларига нисбатан меҳр-муҳаббатлари кучли бўлишини ҳам реал ҳаётда кўплаб учратиб келамиз. Бунга ўзбекнинг буюк рассоми Рўзи Чориев асарларида, у билан бўлган суҳбатларимизда гувоҳи бўлганмиз. Бу инсон болалар уйида тарбияланиб, таълим олган, ёшлигида ўзбек тилини деярли билмаган, улғайиб балоғат ёшига етганида ҳам уни «чала» гапирса-да, ўзбек бўлганидан фахрланиб, ўзбекона урф-одат, удум ва маросимларга садоқати кучли эди. Ўзбекнинг буюклар ичида буюклигидан фахрланиб мароқ билан сўзлар эди. Бир мисол: XX асрнинг 30-йилларида «қулоқ»лик азобидан қочиб ўзга юртларга кетган ўзбеклар бугун олам-

дан ўтган бўлсалар ҳам, уларнинг фарзандлари Ўзбекистонда яшаётган баъзи миллатдошларига нисбатан ўзбек тилини нафақат яхши биладилар, балки жуда соф гапирадилар, урф-одат, анъаналар ва удумларга амал қилиб яшаб келаётганлигини бугун ҳаммамиз яхши биламиз. Уларнинг айримлари мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейин ўз ота юртига келганларида, она заминининг тупроқларини юзларига суриб, ота юртнинг озод бўлганидан шукроналик билдириб, Аллоҳдан унинг равнақини тилаганларига гувоҳ бўлганмиз. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу ерда яна «қон» ўзига «тортаётган»лигига шубҳа қолмайди.

Улардан келиб чиқадиган концептуал гоя шуки, инсоннинг миллат вакили сифатида шаклланишида ирсият қонунлари амал қилади, қонлардаги миллатга тааллуқли генлар ота-онадан фарзандларга табиий равишда ўтиб боради, деган фикр чиқариш мумкин. Бугунга келиб аجدодлар билан авлодларни ўзаро мерос, ҳаётий тажриба, урф-одат, анъана ва қадриятлар боғлаб туради, шунингдек, улар ўртасида ирсий яқинликнинг амал қилиши фанда исботланган. Жумладан, аجدодлардан буюк алломалар яшаб ўтган бўлса, унинг қайсидир авлодларда такрорланиши ёки аجدодларнинг қайси биридир касалликнинг оғир шакллари билан бирини ўз бошидан кечирган бўлса, кейинги авлодлар ёхуд авлодларнинг қайси биридадир унинг такрорланиши ҳам фанда исботланган. Шундай экан, нега энди биз «миллат» кимнингдир ўйлаб чиқарган тушунчаси, кимдир тўқиб чиқарган ёхуд «тасодиф»; «сиёсий шиор», «бу тушунчанинг яшашга ҳуқуқи йўқ, уни илмий тилдан олиб ташлаш керак» деган шунга ўхшаш фикрларга қўшилишимиз керак?

Агар инсоният, табиат ва ҳайвонот дунёсида ирсият билан боғлиқ қонуниятлар амал қиладиган бўлса, «миллат»нинг дунёга «келиши» нафақат иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, тил, ҳудуд ва бошқа омиллар би-

лан, балки шу билан бир қаторда **ирсият билан боғлиқ эканлиги ҳақидаги концепцияни илгари суришимиз мумкин-ку.** Яъни, инсоннинг «миллат» вакили сифатида шаклланишида ирсият қонунлари амал қилишини инсон томирида оқадиган қонларда, миллатга тааллуқли генлар — ажодлар, ота ва оналардан фарзандга табиий равишда ўтиб боради, деган фикрга келишимиз мумкин. Афсуски, бу ўта мураккаб, ўз навбатида, ўта муҳим масала ҳали фанлар тизимида ўрганилмасдан қолмоқда. Унинг ўта мураккаблиги генлардаги миллатга тааллуқли заррачаларни топиш ва уни исботлаш билан боғлиқ бўлса, муҳимлиги бугун юқорида олимлар томонидан «миллат» омилига билдирилаётган салбий фикрларга жавоб топишдан иборатдир. Айни пайтда айрим мамлакатларда фуқаролик паспортлардан инсонларнинг у ёки бу миллатга мансублигини кўрсатувчи «миллати» деган графани олиб ташлаш билан ўзларининг демографик муаммоларини ҳал қилишга интилиш умумий тенденцияга айланиб бораётганлигини англаб этиш мумкин.

Агар улар «ҳақиқат» сифатида қабул қилинадиган бўлса: **биринчидан**, сиёсий нуқтаи назардан қараганда истиқболда инсонлар қалби ва онгини бир қолипга солиш, уларнинг ўзига хос менталитетини барбод этиш ва охир-оқибатда уларни жаҳондаги қудратли давлатларга «қўшилиб» кетиш жараёнини (гарчанд, бу бугун пинҳоний амалга оширилаётган бўлса ҳам) амалга оширишга очиқ ҳаракатлар авж олдирилиши мумкин. **Иккинчидан**, юқорида таъкидлаганимиздек, бугун Европа мамлакатларида титул миллат салмогининг камайиши кузатилмоқда, уларнинг ўрнини асосан «келгиндилар», «гастрабайтерлар» тўлдириб бормоқда. Шу тариқа истиқболда бу мамлакатларда титул миллат эмас, балки ана шу «келгиндилар» ва «гастрабайтер»ларнинг барча соҳаларда етакчилик қилиш, устувор мавқега эга бўлиш ва титул миллатнинг уларга «ассимиляциялашиш» хавфи ҳам юзага келмоқда. Бу эса бугун тараққий қилган

мамлакатлар сиёсатчилари, давлат арбоблари ва зиё-лиларини хавотирга солмоқда. Бундан келиб чиқади-ган хулоса шуки, «миллат»нинг «мавжуд эмас»лиги ҳақидаги фикрлар замирида илмдан кўра сиёсат усту-ворлик қилмоқда. **Учинчидан**, инсоннинг улғайиш жа-раёни нафақат бўй-басти, огирлиги ёки бошқа жиҳат-лари билангина ўлчанади, балки унинг қайси даража-да ижтимоийлашуви ҳам ана шу мезонлардан бирини ташкил қилади. Инсон дунёга келгач, ўзини англаши-дан то умрининг охиригача ижтимоий муносабатлар-да қатнашади. Энг аввало, у фарзанд, оила аъзоси, у ёки бу ижтимоий гуруҳ ёки синф вакили, у ёки бу давлат фуқароси, у ёки бу динга эътиқод қилувчи ҳамда у ёки бу миллат вакили ҳамдир. Агар юқорида илгари сурган фикримизга асосланадиган бўлсак, инсоннинг ижтимоийлашувидаги барча кўрсаткичларни унинг ул-ғайиш жараёнида содир бўлади, деб ҳисоблаб, у ёки бу миллатнинг вакили сифатидаги кўрсаткичлар замини-ни унинг она қорнидаги ҳаёти ва инсон сифатида ўзини ўзи англай бошлаган даври билан боғлаш мумкин. Унинг ижтимоийлашувида албатта она, ота, оила, қон-қариндошлик каби кўрсаткичлар етакчилик қилади. Унинг миллатга мансублилиги улар заминида шакл-ланиб боради.

Албатта, масалага кичик бир фасл доирасидаги ху-лосаларга асосланган ҳолда охириги «нуқта»ни қўйиб бўлмайди. Лекин, **фикримизча**, инсонда туғилиш, ул-ғайишда ота-она учун фарзанд ва оила аъзоси эканли-гини англаш мавжуд экан, улар орқали унда миллатга мансублик руҳияти юзага чиқади. Ана шу жараёнда инсонда ота-она таъсирида ўзининг маълум миллат вакили эканлиги мақомига онгли муносабати шаклла-нади. Шу маънода ҳам инсоннинг ижтимоийлашувида миллат вакили сифатидаги мақомини англаш бошқа омилларга нисбатан «енгил» ва яққолроқ намоён бўлади. Бу юқорида билдирган инсондаги миллатга тааллуқ-лилиқ туйғулари ирсият ва генлар билан боғлиқ экан-

лиги ҳақидаги фикримизга зид эмас, балки бу ерда ана шу аломатларнинг амалиётда намоён бўлиши, инсоннинг ўзини ўзи англаш жараёни билан боғлиқлиги ҳақида фикр юритилмоқда. Бу жараённинг сиёсат билан боғлиқ жиҳати шундаки, ҳар қандай мустақил давлатларда титул миллат вакилининг ўзлигини англатиш, Ватан ва миллат истиқболи учун масъуллик, миллий гуруҳ ва ифтихор туйғуларини шакллантириш тарбиядаги устувор вазифа сифатида намоён бўлади. Чунки ана шу туйғулар қанчалик мустақкам бўлса, нафақат миллатнинг абадийлиги таъминланади, балки шунинг билан бирга мамлакат ҳам барқарор ривожланиб боради. Ана шу нуқтаи назардан ҳам «миллат»ни шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш давлат сиёсатининг устувор вазифаси ҳисобланади.

Титул миллатнинг тарқоқлиги, унинг ичидаги зиддиятларнинг юзага келиши нафақат унинг ўзгаларга «ем» бўлиб кетишига, балки давлатнинг барбод бўлишига ҳам олиб келади. Давлатнинг бугуни ва истиқболи, энг аввало, титул миллатнинг бирлиги, жипслиги ва фидойилиги, ўзга миллатларни ўз атрофига уюштиришига боғлиқ бўлиб қолаверади. Шундай қилиб, миллатнинг мавжудлиги давлат барқарорлиги, унинг мустақил субъект сифатида фаолият олиб боришида «миллат» муҳим омил сифатида намоён бўлади. «Миллат»нинг сиёсат объекти сифатидаги мақоми истиқболда ҳам давлат институти амал қилган барча даврларда мавжуд бўлади ва у замон талаблари даражасида такомиллашиб боради.

Инсоннинг «миллати» ҳақида фикр юритганда бугун жаҳон миқёсида миллий тараққиётда содир бўлаётган «миллий уйғониш» жараёнларига ҳам эътиборни қаратиш лозим бўлади. Жумладан, миллатни барбод қилиш эвазига ҳокимиятни қўлга киритишга ҳаракат қилаётган ёвуз ғоялар ва кучлар ҳам амал қилмоқдаки, уларга беътибор бўлиш истиқболда «миллат»ни парокандаликка олиб келиши мумкин. Хусусан, хали-

фаликка асосланган ягона давлатни қуриш ғоясини олиб кўрайлик. Аслини олганда бу марксистларнинг «пролетариатнинг Ватани ҳам, миллати ҳам йўқ, унинг ягона душмани бор, у ҳам бўлса буржуазия, дунёда ягона пролетариат диктатураси ўрнатилади», деган ғайриилмий ғояси билан ҳамоҳангдир. Улар қурган давлатларни ҳалокатга олиб келган омил ҳам «миллат»ни пролетариатнинг қурбонига айлантирилганлиги эди. Большевикларнинг рус миллати атрофига собиқ СССРда яшаётган турли бошқа миллат ва элатларни бирлаштириб, ягона миллатни шакллантиришга қаратилган сиёсати ҳам ғайриилмий бўлиб, тузумни ич-ичидан емириб, охир-оқибатда барбод бўлишга олиб келди. Ана шу «бирлаштириш» сиёсатининг амалиётга татбиқ қилиниши нафақат собиқ Иттифоқ таркибига кирган барча миллат, элат вакиллари, шунингдек, рус халқининг ўзига ҳам салбий таъсир ўтказди. Бу сиёсат, унга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган рус миллатининг ўзга миллатлар ва элатлар олдида умумий «душман» сифатида қабул қилиш руҳиятининг юзага келишига сабаб бўлди. Аслида, бу сиёсат марказида рус миллати эмас, балки ҳокимият тепасида турган, уни амалга оширган сиёсатчилар турган эди. **Ҳеч қачон ва умуман миллат зўравон, босқинчи ёки ёвуз бўлмайди, балки сиёсатни амалга оширувчилар «миллат»дек улуғ қадриятга соя тушишига сабабчи бўлиб қоладилар.**

Бугун Европада «миллат»ни барбод қилишга қаратилган ғоялар ва хатти-ҳаракатларнинг бошида ҳам оддий халқ, миллат эмас, балки баъзи назариётчи ва сиёсатчилар турганлигини назарда тутмоғимиз лозим бўлади.

Халифаликка асосланган ягона давлатни қуриш ғояси ҳам бугунги кунда худди марксистларга ўхшаб ҳокимиятни қўлга киритиш мақсадини кўзловчи инсонларнинг ёвуз ғояларидир. Бу ғоянинг хатарли томони шундаки, у бир томондан, ягона диний эътиқодда бўлган инсонлар ўртасида қарама-қаршиликни

вужудга келтираётган бўлса, иккинчи томондан, муқаддас динимизнинг обрў-эътиборига салбий таъсир кўрсатмоқда, учинчидан, эса давлатлар ички ҳаётида миллатлараро зиддиятларни келтириб чиқариш ва беқарорликни келтириш хавфини кучайтирмоқда.

Аслида турли миллат ва элатларнинг ягона динга эътиқод қилишлари ҳали уларнинг миллий ўзлигидан, урф-одат, анъана, қадрият, удум ва маросимларидан воз кечишини билдирмайди. Бунга бир томонлама қарашнинг ўзи ғайриилмийдир. Буни амалиётга татбиқ қилиш эса глобал миллий зиддиятлар асосида бутун ер кўрасидаги инсониятни ҳалокатга олиб келиши мумкин. Шу жиҳатдан ҳам инсоннинг миллати унинг ўзлигини намойиш этишнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Буни англаб етиш дин омили асосида ҳокимиятга эгаллик қилиш учун жонини жабборга беришга гайёр бўлган инсонларнинг ўзлари ва ўз миллатига хиёнат қилмаслиги учун ҳам назарий ва амалий аҳамиятга моликдир. Чунки уларнинг инсон сифатидаги ўзлигини англаш мезонларидан бири ҳам аждоодлар, ота ва онадан ўтиб келаётган ўзини у ёки бу миллат вакили сифатида сезиши, қадр-қимматини улуғлаб, гурур ва ифтихор билан яшаши ҳамда истиқболи йўлида фидойилик кўрсатиши ҳисобланади. Бу керак бўлса, ҳар бир инсон учун муқаддас туйғу ҳисобланади. Чунки унда нима бўлганда ҳам инсонлик мақомига хос бўлган онг мавжуд.

Агар бутун жаҳонда кетаётган интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларига назар соладиган бўлсак, Европадаги мамлакатларни бирлаштирувчи ягона «Европа иттифоқи» вужудга келди, унда бугун ягона валюта амал қилмоқда, ягона конституцияни қабул қилиш борасида ҳаракатлар кетмоқда, бу ҳудудда мамлакатлар аҳолисининг бир-бирига бемалол ўтиб қайтиши учун шарт-шароитлар яратилган. Хуллас, уларнинг «ягона миллат» бўлиб бирлашуви учун барча имкониятлар юзага келди, дейиш мумкин. Аммо бугун немис, француз ёки инглизга ёхуд италянга — истиқболда сен

Ўз тилинг, урф-одат, анъана ва қадриятлардан воз кечиш ҳисобига ягона Европа миллати бўлиб бирлашсан, деган фикр, кўрсатма берилса ёки шундай миллатни ташкил қилиш борасида қонун қабул қилинса, бутун Европада миллатлараро зиддиятлар кучайиб ва бундай иттифоқнинг «тагига сув кетиши» аниқ. Шу маънода ҳам бугун бу ҳудудда ягона конституцияни қабул қилишга бўлган ҳаракатлар муваффақиятсизликка учраётганининг сабабларидан бири ҳам у ерда яшаётган турли миллатларнинг ўз тиллари, урф-одат, анъана ва қадриятларидан маҳрум бўлишдан хавотирлари билан ҳам боғлиқ, деб қараш мумкин. Айти пайтда, бу жараёнга аждодлардан авлодларга табиий равишда ўтиб келаётган инсонийликнинг улуғ мезони бўлган миллат вакили эканлигини ҳис этиб яшаш қадрияти ҳам ўз таъсирини кўрсатаётган бўлиши мумкин. Юқорида илгари сурилган фикрлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, миллатни қандайдир сиёсий кучлар яратган эмас, у инсоннинг гултожи, унинг ўзлигини намоиш этишнинг муҳим мезони, у табиат инъоми, у бор экан, инсонлар унинг гўзаллигидан баҳра олади, унга талпиниб яшайди, унинг руҳияти таъсирида эртанги истиқбол учун ҳаракат қилади. Инсоннинг миллати бор экан, унинг истиқболига интилиши табиий кечади, миллати бўлмаган инсон ўзлигидан маҳрум бўлган манқуртдир. Миллатнинг ўлиши натижасида муқаррар равишда инсоният ҳаёти ҳам барҳам топади. Шу ўринда Л. Иониннинг: «Миллатга мансублик инсонга туғилишдан берилади ва унинг бутун ҳаёти давомида ўзгармай қолади. У жинс каби мустақкамдир...»¹ — деган фикри ҳам юқорида илгари сураётган ғояларга ҳамоҳанг эканлигини ҳам таъкидлаш тўғри бўлади.

Миллатисиз, Ватанисиз инсон бўлиши мумкин бўлмаганидек, унинг онги, ақли, заковати, ўзлигини англаш ва маънавий намоён этишга интилишини ҳам ана

¹ *Ионин Л.* *Философия национальности — перестройка и национальные проблемы.* Приложение к журналу «Новое время». — М.: 1989. — С. 1.

шу омил белгилаб беради. Инсонлар онгсиз уюшган одамлар подаси эмас, балки барча қадриятларнинг энг улуғи, ўзининг ақл-заковати ва салоҳияти билан катта мўъжизаларни яратувчи онгли мавжудот ва миллатнинг вакили сифатида ўзини намоён этишга қодир бўлган улуғ қадриятлардан бири ҳисобланади. Унинг «миллати» эса унга куч бағишлайди, завқ-шавқ, гўзаллик ва истиқболга интилиш руҳиятини мустаҳкамлайди ва унинг беҳавотир яшашга ишончини орттириб боради.

Хуллас, инсоннинг миллати деганда, ҳар бир онгли инсонга хос бўлган ўзининг у ёки бу миллатга мансублиги, унинг вориси эканлигини руҳан ва маънан табиий равишда ҳис этиши, уни ёруғ оламни англаганидек, тасаввур этиши ва англаши, унинг тақдири, истиқболи билан ўзининг бугуни ва истиқболи уйғунлигини тушуниб етиш ҳолатига айтиш мумкин.

Яъни, инсоннинг миллатга мансублиги табиий ва ижтимоий жараёнлар уйғунлигининг ҳосиласидир. У табиий жараён сифатида мавжуд бўлади ва ижтимоий муносабатлар таъсирида такомиллашиб борадиган омиллардан бири ҳисобланади. Унинг инсон сифатида ўзлигини англаши кучли бўлса, миллатга мансублигини табиий ҳолат сифатида англаши ҳам шу даражада мустаҳкам бўлиб бораверади.

Миллатнинг «ўлиши» муқаррар равишда инсониятнинг «ўлиши»га ҳам олиб келади. Чунки инсон жаҳондаги барча мавжудотлар ичида улуғларнинг улуғи бўлса, миллат ана шу улуғлар «гултожи» — ўз-ўзини англашнинг ҳосиласидир. Умуминсоний қадриятлар ҳам миллатнинг энг сара, энг гўзал фазилатлари ҳисобига шаклланиб боради. Ана шу фазилат ва ўзига хосликлар, бир-бирини такрорламайдиган гўзалликлар қанча турли-туман бўлса, инсониятнинг маънавий бойиш имкониятлари кенгайиб боради, унинг ҳаётга, тараққиётга интилиши кучаяди, эртанги кунга ишончи ортади, ҳаёт ва яхшиликка қизиқиши ортиб бораверади.

Шу маънода ҳам инсоннинг ўзини ўзи англаши жараёнида, унинг миллат вакили сифатидаги салоҳиятини мустаҳкамлаш инсониятнинг бежавотир ҳаёт кечириш омилларидан бири бўлиб қолмоқда.

Аммо глобаллашув жараёни инсонга тааллуқли бўлган қадриятларни ўзгартириб юбориши, миллатнинг истиқболига ҳам соя солиши мумкин. Хусусан, юқорида келтирганимиздек, инсон онги, дунёқараши ва хатти-ҳаракатларида ота-она, қариндош-уруғ, ака-укалик, опа-сингиллик каби қадриятларнинг сўниб бориш жараёнлари кузатилмоқда. Агар олдин бундай салбий ҳолатлар онда-сонда учраган бўлса, бугун уларни ҳар куни учратиш мумкин. Бугун жамиятимизда ота ёки онасини кексалар уйига олиб бориб қўяётган, ёки мол, уй ва бойлик учун акаси укани, ука акани, опа сингилни ёки сингил опани судга бериб, охиروқибатда юз кўришмас бўлиб кетаётганликларини баъзан бўлса-да, учратиш турибмиз.

Бу салбий ҳолатлар ҳақида ўйлаганимда ёки уларни ҳаётда учратганимда яқинда бир дўстим билан бўлган суҳбат ёдимга тушади. Унинг айтишича, 103 йил яшаб вафот этган буваси ҳар доим бир гапни такрорлар экан. Улар тўрт ака-ука бўлиб, улардан бири бошқа онадан экан. Бу оила жами 40 кишидан иборат бўлиб, улар битта катта уйда яшар ва бир қозондан овқат ейишар экан. Оилада ҳар қандай кирди-чиқди ёки келишмовчиликлар юзага келса, ака-укаларнинг энг каттасининг раҳбарлигида ҳал қилинар экан. Оилада бундай салбий воқеалар жуда кам бўлар ва улар жуда иноқ ҳаёт кечирган эканлар. Кейинчалик шўролар даврига келиб, ака-укалар ўзаро тарқалишиб, ҳар бири ўзига яраша уйли-жойли бўлиб кетишган. Лекин шунда ҳам катта аканинг маслаҳати ва айтган гаплари ҳамма учун бажарилиши шарт бўлган. Уларнинг оламдан ўтганларига ҳам 22 йилдан ошибди. Ана шу улар яшган даврдаги ака-укалар ва қариндош-уруғлар ўртасидаги меҳр-оқибат, борди-келди ҳамда бошқа бир қатор қадриятларнинг анчагина саёзлашиб бораётганлигининг

гувоҳи бўлиб турибман. Илгари қишлоққа борсам, қариндошларнинг уйида меҳмон бўлмасам хафа бўлиб қолишар эди. Ҳозир қариндошлар у ёқда турсин, ҳатто ака-укаларим ҳам илгаригидек «сертакаллуф» эмаслар, деган фикрни билдирган эди дўстим.

Бу англаб олиниши мураккаб даврнинг парадокси дейиш мумкин. Чунки, бугун инсонларнинг фаровон яшашлари, ўтган барча даврларга қараганда минг чандон юқори бўлишига қарамасдан, миллий қадриятлар тобора барбод бўлиб бормоқда. Бу инсоният, у ечиши керак бўлган муаммо ҳисобланади. Унинг авж олишининг олди олинмас экан, у ўзининг инсонийлик қиёфасидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин.

Энди айрим фарзандларнинг ўз ота-онасини кексалар уйига олиб боришининг оддий воқеликка айлангани ва оммавий тус олаётгани кечириб бўлмайдиган ҳолатдир. Энг ачинарлиси, яқин 30 йилнинг нарисида фарзанднинг ота ёки онасини кексалар уйига олиб бориб қўйиши бугунги авлод учун фожиа ҳисобланар эди. Бундай фарзандлар ўзи тугилган маҳалладан бошқа жойга кўчиб ўтишга мажбур бўлар эди. Чунки жамоатчиликнинг фикри муқаддас бўлиб, унга амал қилмаган ҳар бир инсон ўз-ўзидан маҳалладошларининг юзига қарашга ботина олмас эди. Бугун эса бу оддий воқеага айланиб улгурди. Аммо маҳалла ана шундай ношуд фарзандларнинг ота-оналарига нисбатан қиладиган ғайриинсоний муносабатларига қарши фикр билдирмоқчи ёки маслаҳат бермоқчи бўлса, улар бу бизнинг оилавий ишимиз, сизларнинг аралашшига ҳаққингиз йўқ, деган сўзни бемалол айтиши бугуннинг «ҳақиқати»га айланиб бормоқда.

Бундай салбий ҳодисаларнинг олдини олиш жуда мураккаблашиб бормоқда, ота-она, қариндош-уруғчилик қадриятлари барбод бўлиши охир-оқибатда миллатнинг ҳам барбод бўлишига олиб келиши муқаррардир.

Бу ерда юқоридаги қадриятлар ҳақида фикр юртишимизнинг асосий сабаби шундаки, уларнинг саёзлашиб бораётганлиги ниманинг таъсирида содир бўл-

моқда, бунда глобаллашув жараёнининг «қўли» йўқми-кан ёки бугун асрлар давомида улғайиб, ақли ва интеллектуал салоҳияти ривожланиб бориши оқибатида миллатнинг ўзлигидан маҳрум бўлаётганининг ёхуд аксинча, «ўзлигини англаб етиши»нинг аломатимикин? Улар учаласидан қайси бири бўлишидан қатъи назар, инсониятни ҳалокатга етакловчи омиллардир. Бу жараённинг энг хатарли жиҳати шундаки, глобаллашув жараёни уларни оммалаштиришда етакчилик қилмоқда ва шу тариқа у инсоннинг ўзлигидан бегоналашувига, унинг заминида эса ўзи учун муқаддас бўлган миллат қадриятидан маҳрум қилишга ҳам катта таъсир ўтказмоқда.

Инсоннинг ўзлигидан бегоналашуви муқаррар равишда миллатнинг вакили сифатидаги руҳиятидан, уни англашга бўлган эҳтиёждан маҳрум бўлишга ҳам олиб келади. Бугун инсон бундай салбий жараёнларнинг олдини олишнинг омилларини излаб топиши эришилган барча ютуқларни асраб қолишнинг муҳим шартидир.

МИЛЛАТ МАЪНАВИЯТИ

Олдинги фаслда миллатни инсон шакллантиргани ҳақидаги гоёларни илгари сурган эдик. Энди миллат нималар орқали ўзини намоён этиши мумкинлиги масалалари устида тўхталиб ўтамиз.

Миллат реал субъект сифатида кенг маънодаги маънавияти орқали ўзини намоён этади. Унинг ўзига хос урф-одат, анъана, қадриятлари ва менталитети маънавиятда ўз ифодасини топади. Шунинг ҳисобга олиб, миллат маънавияти ҳақида фикр юритишдан олдин «маънавият»нинг маъноси ва унинг категориялари ҳақида баён қиламиз.

Аввало шунинг таъкидлаш лозимки, миллатларни барбод қилишга қаратилган собиқ шўролар ҳукмронлиги шароитида «маънавият» мустақил мавзу ёки илмий тадқиқот сифатида ўрганилмай келинган эди. У маданиятга қўшиб юборилиб, унинг маъно-мазмунини

ҳақида аниқ бир қарашлар ва концептуал ғоялар ҳам шаклланмаган эди. Бунинг замирида сиёсий мақсадлар кўзланган, чунки маънавиятнинг яратувчиси, истеъмолчиси ҳам инсон ва миллатнинг ўзи бўлганлиги боис у ҳақида гапириш, уларга ўзлигини англаш ҳиссиётига «туртки» бериши, уларни «уйғотиши» ўз заминларига бўлган интилишларининг юзага чиқишига ва бунинг таъсирида ўз мустақиллиги учун миллий озодлик ҳаракатларининг юзага келишига олиб келиши мумкин эди.

Тарихдан маълумки, бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар аввало уни ўзлигидан, тарихидан, маданиятидан жудо қилишга интилади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «...инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий кадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади. Бунинг тасдиғини узоқ ва яқин тарихдаги кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин. Чунки ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келаётган фарзандларининг келажагини белгилашда шак-шубҳасиз ҳал қилувчи аҳамият касб этади»¹.

Босиб олинган мамлакат халқлари маданий-маънавий тараққиётини бўғиб қўйиш, истилочи, босқинчи мамлакатлар томонидан мустамлакачилик тартибларини сақлаб туриш ва мустаҳкамлашнинг азалий, тарих синовидан ўтган анъанавий йўлларида бири бўлиб ҳисобланади. Истилочи мамлакат итоат қилдирилган халқларни бора-бора ўзига сингдириб юборишни, бунинг учун ўз мафкураси ва ғояларини уларга мажбуран жорий этиш, маданиятига шикаст етказиш,

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 11-б.

миллий тили, миллий урф-одатлари ва миллий қадриятлари ривожига йўл бермасликни ўз сиёсатининг асосий мақсади деб билади. Хитой донишманди Конфуций бундан 2700 йил аввал ўз императорига шундай маслаҳат берган экан: «Хоқоним, агар бирор мамлакатни босиб олиб, у ерда узоқ ҳукмронлик қилмоқчи бўлсангиз, даставвал ўша ерда яшаётган халқни ўз тарихий маданиятидан маҳрум этинг, маънавий бўҳронни кучайтиринг. Ўз маданиятидан бебаҳра бўлиб, маънавий қашшоқлик ҳолатига учраган халқ уюшмайди, ички низолар гирдобига ўралади, сизга қаршилик кўрсата олмайди. Бундай ҳолга келган халқни, мамлакатни идора қилиш қийин бўлмайди»¹.

Маданият ва маънавиятни барбод қилиш, миллий тил, урф-одатлар камолотига йўл бермаслик итоат эттирилган халқни жиловда ушлаб туришнинг энг қулай ва нозик йўлларида бири эканлигини истилочи ва босқинчилар доимо жуда яхши билишган. Шунинг учун ҳам мустамлакачи ва босқинчилар Хитой донишманди айтган гапларни олдиндан режалаштириб қўйишади.

Чингизхон ҳам Марказий Осиё заминини истило қилаётганида ўз саркардаларига: «Шаҳарларга нодон, иродасиз, аҳмоқ кишиларни бошлиқ этиб тайинланглар, уларни қўллаб-қувватланглар ва кўкларга кўтариб мақтайверинглар, маҳаллий халқларнинг ақлли, билимли, обрў-эътиборли кишиларини йўқ қилинглар» деб топшириқ берар экан. Бу сиёсатнинг ҳам чуқур ўйланган сабаблари бўлган. Ўз маданиятидан, обрў-эътиборли, доно вакилларида жудо бўлган халқ маънавий раҳнамосиз қолиб уюша олмайди.

Тарих шундай гувоҳлик берадики, ҳамма вақт, ҳамма ерда босқинчи ҳукмдорлар босиб олинган мамлакатлар ҳудудларида Хитой донишманди ва Чингизхон айтган тарзда сиёсат юргиздилар. Бундан Марказий Осиё халқлари ҳам мустасно эмас. Илм-фан ва мада-

¹ Қаранг: Гусейнов А.А. Великие плюралисты. — М.: 1995. — С. 36.

ният, маънавиятнинг юксак ривожланган марказларидан бўлган Туркистонни зўравонлик йўли билан босиб олган чор Россияси ҳукумати ерли аҳолини қарамлик ва қуллик, сиёсий қарахтлик ва руҳий қашшоқлик ҳолатида ушлаб туришни, мустамлакачилик сиёсатининг марказий масалаларидан бири деб ҳисоблади. Ана шу ёвуз ва маккорона сиёсатни амалга оширишнинг асосий йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш учун ишни нимадан бошлаш кераклиги ҳақида таклиф-мулоҳаза ва хулосалар бериш топшириги билан чор ҳукумати кўпчилик олимлар ва бошқа соҳа кишиларини Россиядан Туркистонга юборди.

Босиб олинган мамлакатда илм-фан, маънавият, маданият истилочи мамлакатга нисбатан бир неча бор устун бўлса, ундай жойларда мустамлакачилик тартибини сақлаб туриш осон кечмайди. Бизнинг ўлка эса босқинчи чор Россиясига нисбатан маънавий-маърифий ва маданий тараққиёт жиҳатидан анча устун туради. Чор ҳукумати олимлар маслаҳатига амал қилиб, бизнинг ўлкада қандай қилиб бўлмасин, ўзларини ерли халқдан устунликларини исботлашга ва шу тариқа «узил-кесил» галабага эришишга астойдил киришдилар.

Ўтмишдаги босқинчилар сингари чор босқинчилари ҳам бу соҳадаги амалий ишни Туркистон халқини бир неча минг йиллик тарихи, маданияти, урф-одатларидан маҳрум қилиш, руҳан, маънан майиб-мажруҳ қилишдан бошладилар. Бу чуқур ўйлаб, узоқни кўзлаб ва режалаштириб қўйилган машъум сиёсат эди. Бу сиёсатнинг замирида чор ҳукуматининг манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва Туркистон халқларини, шу жумладан ўзбек халқини миллий ўзлигини англашдан буткул маҳрум қилиб, ўтмишини унутган, ватанпарварлик туйғусидан жудо бўлган, истиқболини кўролмайдиган одамлар гуруҳига айлантириш муддаоси турган.

Президентимиз таъкидлаганидек «Инсон учун тарихидан жудо бўлиш — ҳаётидан жудо бўлиш демакдир»¹; бошқа сўз билан айтганда: «Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилиқ тарихида кўп бора ўз исботини топган»².

Маънавият ва маърифат халқнинг ўз ўтмишини билиши ва истиқболини тушуниб етишига ёрдам беради. Ватанни севиш ва у билан фахрланишга даъват этади, душманларга, босқинчи ва мустамлакачиларга қарши мурасасиз кураш олиб боришга, эрк ва адолат учун жасорат кўрсатишга ундайди.

Маънавият ва маърифатдан маҳрум халқ миллий жиҳатдан ўзини англаб ололмайди, тақдирга тан бериб яшашни ўзига эп кўради. Чор амалдорлари буни яхши англаган ҳолда ўз мустамлака асоратига солган Туркистон халқларини маънавият, маърифат ва маданиятдан бебаҳра қолдириш масаласига алоҳида аҳамият бердилар, бу йўлда ҳеч тап тортмай инсофу диёнатни, раҳм-шафқатни бутунлай унутдилар.

Чор Россиясининг Туркистондаги сиёсати миллий туйғуни поймол этишга, миллий қадриятларни топташга, буткул йўқотиб юборишга қаратилган эди.

Чоризм мустамлакачилик сиёсатини Шарқда қон ва қилич билан жорий қилган генераллардан бири М.Д. Скобелев: «Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, тилини, санъатини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди», деб «башорат» қилган эди³. Унинг ана шу «доно» кўрсатмаси Туркистондаги маънавият, маърифат ва маданиятга нисбатан амалга оширилган жаҳолат ва ёвузликлар

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: «Шарқ», 1998. 10-б.

² Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 4-б.

³ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: «Шарқ», 1998. 24-б.

учун қўлланма бўлиб хизмат қилди. Чоризм Туркистон халқларини саводсизлик, билимсизлик ҳолатида ушлаб туришдан манфаатдор эди. Унинг мақсади гафлат уйқусида ётган, замонавий фан-техника, маърифат ютуқларидан беҳабар, миллий онги тараққий қилмаган, миллий гурури топталган халқни талаш, эзишдан иборат эди. Чор ҳукуматининг мустамлака улкалардаги гумашталари «ярим подшо» Кауфман, генерал-губернатор Куропаткин, жаллод Головановга ўхшаганлар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқондаги буюк осори атиқаларни, масжиду мадрасаларни, арқлару тарихий-маданий ёдгорликларни тўпга тутиб, ер билан яксон қилдилар. Ахир, қандай қилиб қўл остидаги мазлум халқлар маданияти, маънавияти, маърифати, тарихи босқинчи-жаллодларникидан баланд бўлиши керак?! Бунга улар тоқат қила олмас эди, албатта. Уларнинг усули йўқ қилиш, маданиятни, тил ва тарихни, Туркистон халқлари, шу жумладан ўзбек халқи гурурландириган, ифтихор қиладиган нимаики бўлса, ҳамма-ҳаммасини, таг-туғи билан аямай яксон қилиш эди. Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек: «Тарих — халқ маънавиятининг асосидир»¹.

Чор ҳукуматининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатининг туб моҳиятида қандай мақсад ва муддао ётганлигини халқимизнинг билимли, маданиятли, зийрак, оқилу доно фарзандлари аллақачон тушуниб етган эдилар. Чор ҳукумати мустамлакачилик сиёсатини фoш этган, халқни эрк ва озодликка, билим ва маданиятга чорлаган, миллий қадриятларимизни қўллаб-қувватлаган, шу йўлда жафо чекиб ҳалок бўлган буюк қалб эгаси Абдурауф Фитрат ўзининг «Туркистонда руслар» рисоласида: «Кўрдим, кездим, эшитдим, ўқидим. Мамлакатлар орасида Туркистонимиз каби бахтсиз бир мамлакат йўқдир... Рус капиталистлари билан рус попларининг содиқ ишончли қоровуллари

¹ Ўша асар. 21-б.

бўлгон эски Русия ҳукумати эллик йил орасида Туркистондаги турк болаларининг фойдаларига бирор иш кўрдими, кўрмоқчи бўлдими? Мана шу саволга — «Йўқ!»дан бошқа жавобимиз йўқдир. Юртимиз эллик бир йил идораи аскарӣй остида турдиғи учун биз Оврупонинг маданий миллатлари билан кўришолмадик, уларнинг ижтимоӣй ва иқтисодӣй фикрларидан истифода қилолмадик», деб ёзган эди.

Хуллас, собиқ шўро ҳукмронлиғи шароитида маънавийат ҳақида фикр юритиш, уни илмӣй тадқиқот сифатида ўрганиш миллий онгнинг ривожланишига, собиқ Иттифоқ таркибига кирган барча миллатларнинг ўз мустақиллиғи йўлида курашишлари учун маънавий-руҳӣй манбанинг юзага келишидан ваҳимага тушган собиқ марказ халқимизни моддий, ижтимоӣй-сиёсий ва маънавий-маърифӣй қарамликда ушлаб келди. Бу сиёсатни шундай маккорона амалга оширдик, ундан қутулишнинг ҳеч қандай имкониятини қолдирмади. Жумладан, оддий машина ёки қишлоқ хўжалиғи учун зарур бўлган техниканинг бутловчи қисмлари собиқ Иттифоқнинг барча иттифоқчи республикаларида ишлаб чиқаришни йўлга қўйди, уларнинг биронтасининг иштирокисиз ана шу машина ёки тракторни ишлаб чиқариш мумкин бўлмади. Ўзбекистонни пахта етказиб берувчи республикага айлантирди. Унга зарур бўлган қишлоқ хўжалиғи машиналари, озиқ-овқат маҳсулотларини ҳатто Ўзбекистоннинг ўзида ишлаб чиқариш мумкин бўлган шароитда ҳам уларни бошқа республикалар зиммасига юклади ва шу тариқа республикаларни бошқаларига боғлаб қўйди ҳамда бутун иқтисодиётни марказдан бошқариб турди, ички ва ташқи сиёсатни олиб боришда биронта собиқ иттифоқдош республикалар билан ҳисоблашмади, уларнинг хоҳиш, истағи ҳисобга олинмади. Гарчанд собиқ СССР конституцияда ҳар бир республиканинг мустақил бўлиб чиқиб кетиш ҳуқуқи белгиланиб қўйилган

булса ҳам, бу фикрлар ёхуд унинг элементлари пайдо бўладиган республикаларни «миллатчилик» юзага келганлигида айблаб, ундай республикалар «миллатчилар»дан тозаланиб турилди. Яъни, ўз миллатининг озодлиги, мустақиллиги учун курашувчиларни вақти-вақти билан жисмонан йўқ қилиниб турилди. Бундай сиёсат натижасида миллатимизнинг асл фарзандлари собиқ марказ зўравонлари томонидан йўқ қилиб юборилди. Маънавий-маърифий соҳада олиб борилган сиёсати ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. Чунки бу сиёсат оқибатида миллатимиз нафақат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан қарам бўлди, балки ўзлигидан маҳрум бўлишига маҳкум этилди. Миллатимизнинг урф-одат, анъана ва қадриятлари топталди, ўзлигидан ва миллий маънавиятидан маҳрум бўлиш юзага келди. Ўзлигидан айрилган миллатнинг ўзгаларга қўшилиб кетиши муқаррар бўлишини тушуниб етган босқинчилар миллатимизга нисбатан ана шундай хавф-хатарни кучайтириб бордилар. Бунинг оқибатида миллатимиз онгида аста-секинлик билан қарамлик руҳияти юзага кела бошлади.

Хўш, қарамлик нима, у қандай тушунча? Маънавий қарамлик субъектларнинг маънан ва руҳан куч билан бўйсундирилиши оқибатида ўз заминларидан фойдаланишдан ёхуд заминларининг объектив ва субъектив сабаблар натижасида заифлашиб қолиши, мустақил тараққий қилишда имкониятларнинг чекланганлиги ва уларнинг замон шиддати билан ривожланиши даражасида тараққий қилишга эҳтиёжнинг ўсишида, ўзга субъектларга боғланиб қолиши оқибатида содир бўладиган салбий жараёндр.

Маънавий қарамлик субъектларнинг хоҳиши ва интилиши натижасида эмас, балки ўзга субъектларнинг куч-қудрати билан ўзига муте қилишга мажбур этиладиган жараён ҳисобланади. Маънавий қарамлик инсон, шахс, фуқаро, оила, миллат, халқ ва мамлакат субъектларига нисбатан қўлланилади. Ундан кўзлан-

ган асосий мақсад устунликка эришиш, ўзгалардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳисобланади.

Маънавий қарамлик шундай таҳдидли жараёнки, унинг юзага келиши оқибатида шахс ўзлигидан маҳрум бўлиши, фуқаро мустақил фикр юритиши, ўз тақдири, ҳақ-ҳуқуқларини талаб қила олмаслик даражасига тушиб қолиши, оила, миллат, халқ ва мамлакатлар охир-оқибатда мустақил субъект сифатида барбод бўлиши мумкин. Маънавий қарамликнинг энг «нозик» жиҳати шундаки, у онг, дунёқараш ва руҳиятга алоқадор бўлган ботиний салоҳият билан боғлиқдир. Агар бир миллат ўзга бир миллатга маънавий қарам бўлиб қолгудек бўлса, у ўз сиёсий мустақиллигини қўлга киритганидан кейин ҳам узоқ вақт давомида унинг асоратларидан қутулиши мураккаб кечади. Чунки маънавий қарамликдан бир ёки икки йил давомида қутулишнинг имконияти йўқ. Маънавий қарамлик онг, тафаккур ва дунёқарашни тўла эгаллаб оладиган бўлса, ундан озод бўлиш учун, энг аввало, уларни ўз заминларидан фойдаланиш ҳисобига ўзгартириш зарур бўлади. Бу вазифани амалга ошириш эса жуда машаққатли бўлиб, вақт ва катта фидойиликни талаб этади. Зеро, **қарамлик — бу ўзгалар хоҳиш-иродасига бўйсуниб, уларнинг кўрсатмалари билан ҳаёт кечириш демакдир. Маънавий қарамлик ўзгаларга маънан бўйсуниб, итоат қилиш, фикран ва қалбан мутеликка мубтало бўлишдир.**

Шахснинг маънавий қарамлиги ботиний салоҳиятнинг ва имон-эътиқоднинг заифлиги, ироданинг мажруҳлигида намоён бўлади. Миллатнинг маънавий қарамлиги эса унинг ўзлигини намоён этиш туйғусидан маҳрум бўлишига, охир-оқибатда ўзга миллатларга ем бўлиб кетишига олиб келади. Маънавий қарамлик миллатни ҳалокатга маҳкум этадиган даҳшатли омил ҳисобланади. Маънавий қарамликка тушиб қолишдан ўзини ҳимоя қилиш учун халқимиз олиб борган курашлари ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шундай ёзган эди: «Қарийб 150 йил

давом этган, тарихимизнинг том маънода қора кунлари бўлмиш ўша замонда бир пайтлар ўзининг қудратли давлатчилиги, буюк фарзандлари, юксак илму маданияти, обод шаҳар ва қишлоқлари билан дунёни ҳайратда қолдирган эл-юртимиз қандай оғир машаққатларга дучор бўлганлигини яхши биламиз. Лекин ана шундай даҳшатли даврда ҳам ҳар қандай зулм ва истибдодга қарамасдан, халқимиз ўзини, ўзлигини йўқотмади. Тилини ва динини, иймон-эътиқодини сақлаб қолди»¹.

Ҳақиқатан ҳам, халқимиз сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ўзгаларга қарам бўлди, аммо улар қанчалик зўравонлик қилмасин халқимизни маънавий қарам қила олмадилар. Худди мана шу омил миллатимизнинг ўз сиёсий мустақиллигини қўлга киритишида асосий аҳамиятга эга бўлди. Ўзининг чуқур маънавий заминларига эга бўлган миллат руҳан, қалбан сергак бўлиши ва, албатта, маънавий қарамликдан ўзини ҳимоя қилишга қодир эканлиги миллатимиз тараққиёт тажрибасида ўз ифодасини топди.

Аслида шахс ва миллатнинг ички салоҳиятини юзага чиқармасдан, уларнинг ўзлигини англашларига эришмасдан туриб, умуман жамият тараққиётига ҳам эришиб бўлмайди, бу ҳақида юқорида бир қатор фикрлар келтирилган эди. Худди мана шу нуқтаи назардан мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин маънавиятни ўрганиш, миллий салоҳиятимизни юзага чиқариш, миллий ўзлигимизни англашни ривожлантириш, баркамол шахсни камол топтириш давлат сиёсатида устувор мавзу даражасига кўтарилди.

Мустақиллик йилларида республикамызда «маънавият» тушунчаси, унинг жамият, миллат ва шахс тараққиётидаги ўрни масалаларини ўрганишга бағишланган бир қатор қизиқарли мақолалар эълон қилинди, турли даражада илмий анжуманлар ўтказилди ва ўтка-

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 25—26-б.

зилмоқда. Ана шу эълон қилинаётган мақолалар ва ўтказилаётган анжуманларда «маънавият» тушунчасига таъриф бериш, унинг жамият, инсон ва миллат тараққиётида тутган ўрнини очиб беришга ҳаракат қилинмоқда.

Маънавиятнинг фундаментал таърифи Президентимиз Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилди. Унда таъкидлашича: **«Маънавият — инсонни руҳан пок-ланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир»¹**. Бу таърифда маънавиятнинг барча қирралари ўз ифодасини топган.

Маънавиятнинг энг муҳим томони шундаки, у инсоннинг ўзини ўзи англашида, жамиятдаги ўрнини белгилаб беришда, миллатнинг мустақил этник бирлик эканлигини таъминлашда ва тараққий қилдиришда катта омил ҳисобланади. Маънавият инсоннинг ички руҳияти, унга берилган «неъмат» ёхуд мавжуд ижобий кўрсаткичлар бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга уни изчиллик билан ривожлантириш, шакллантириш ҳамда ундан инсон, миллат ва жамиятни тараққий қилдиришда фойдаланиш жараёнлари мавжуд бўлади. У инсон, миллат ва жамиятни тараққий қилдирибгина қолмасдан, ўзи ҳам ривожланиб боради.

Маънавият инсонларнинг ўзаро муносабатларида, унинг ҳаётий тажрибалари давомида шаклланади ва ривожланади. Ҳар бир инсон ўз маънавиятини ўзини шаҳс сифатида англагандан бошлаб, то умрининг охиригача шакллантириб боради. Инсоннинг ўз маънавиятини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжи чексиздир. Шу маънода маънавият фақат мавжуд бўлган омил бўлиб қолмасдан, инсоннинг онгли фаолият кўрсата билиш салоҳияти ва интилишларини ҳам ўз ичига олади.

Маънавият инсоннинг ички дунёсини ўзида ифода эттирувчи тушунча ҳисобланади. Инсон ботинини гав-

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 19-б.

ҳар тўла тубсиз денгизга қиёслаш мумкин. Бу денгиздан қанча олсангиз тугамайди, аксинча, тубсиз, бепоён, ранг-баранг тарзда намоён бўлади. Худди шу маънода ҳам маънавиятга мукамал таъриф бериш мумкин. Боз устига, ана шу ботиний дунёни ҳар бир инсон ўзича тасаввур этади ва тушунади. Шу жиҳатдан қараганимизда Президентимиз томонидан маънавиятга берилган таъриф умумметодологик аҳамиятга эгадир.

Маънавият инсон туғилишида она сути, унинг алласи, меҳри, ота тарбияси ва аждодлар қадриятлари таъсирида вужудга келади. Унинг шаклланишида оиладаги муҳит, жамиятдаги ҳамжиҳатлик, давлат олиб борадиган сиёсат каби омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Маънавиятнинг моддий кучга айланиши ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракатларида, ўзлигини қайси даражада англашида, ўзининг оила, миллат ва жамиятдаги ўрнини тушуниб, унга амал қила билишида, Ватан ва миллатга бўлган муносабатларида намоён бўлади. Инсон дунёга маънавиятли бўлиб келмайди, унга авлод-аждодларининг нималаридир мерос бўлиб ўтади. Аммо у маънавиятни ота-она, оила, миллат ва жамиятдаги муносабатлар орқали ўзлаштиради. Худди шу маънода маънавиятни кўтариш ва ривожлантириш, бу борада оилавий муносабатларни инсонийлик асосида шакллантириш, миллатни севиш, унинг манфаатлари йўлида фидойилик кўрсатиш туйгуларининг мустаҳкамлигига эришиш, жамиятда барқарорлик ва унинг инсон манфаатларига хизмат қилишига эътибор қаратиш, ўз навбатида, инсоннинг ҳам жамият ривожига ҳисса кўшишида муҳим омил ҳисобланади.

Маънавиятни ривожлантиришнинг омили маърифатни кўтариш ҳисобланади. Маърифат маънавиятнинг энг яқин тармоғидир. Маърифат — билим, фан, танишиш, маълумот деган маъноларни англатади. Яъни инсоннинг билими юксаклиги, ўзлигини таниши, маълумотининг юқори бўлиши, албатта унинг маънавият-

ли бўлишига олиб келади. Бинобарин, бу юқори маълумотга (олий маълумотга, фан номзоди ёки доктори, профессор) эга бўлмаганлар маънавиятсиз кишилардир дегани эмас. Инсонлар етарли даражада маълумотга эга бўлмасалар ҳам, улар оиласи, ота-онасига меҳр-муҳаббатли, миллати ва Ватанининг фидойилари, инсонпарвар, меҳнатсевар, шарм-ҳаёли, қалби тоза, ўзаро муносабатларда самимий, разилликка нафрати кучли, эътиқодли, имонли, ҳалол, диёнатли, меҳр-шафқат, адолат, ростгўйлик каби фазилатларни ўзида мужассамлаштиришлари мумкин. Ана шу фазилатларга эга бўлган инсонлар маънавиятли инсонлардир.

Маълумотнинг барча даражаларини эгаллаган бўлса-ю, унинг ўз оиласига, миллатига, Ватанига нафи тегмаса, инсонларга яхшилик қилишга, мурувват кўрсатишга салоҳияти етмаса, унинг хатти-ҳаракатлари ва муносабатларида жоҳиллик, разиллик, нопоклик кабилар мавжуд бўлса, ундай инсонларни маънавияти қашшоқ ва ночорлар қаторига киритиш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам маърифатни тор доирада, яъни фақат фаннинг у ёки бу соҳасини ўзлаштириш, ёхуд олий маълумотни олиш маъносига тушуниш тўғри бўлмайди, балки **инсонийликка хос бўлган барча ижобий кўрсаткичларга** эга бўлиш маъносига устуворлик берилса тўғри бўлади.

Тўғри, илмнинг у ёки бу соҳасини мукамал эгаллаш маънавиятлиликнинг бир томонини ташкил қилади. Аммо маълумотлиликнинг қўш қаноти сифатида инсонийликнинг барча хусусиятларини ҳам ўзида мужассамлаштирсагина маънавиятли инсон даражасига кўтарила олади. Профессор А. Жалолов маънавиятга бўлган эҳтиёжни шундай ифодалайди: «...нафақат инсоннинг ички оламида — бутун жамият миқёсига шундай ... вужудга келмоғи зарур. Бундан ташқари, баркамол шахсни шакллантириш нафақат маънавий эҳтиёж,

балки маънавий жиҳатдан анланган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий зарурият ҳамдир»¹.

Шу билан бирга маърифат шахс, миллат ва жамият тараққиёти учун энг муҳим омил эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Инсон маърифатни (кенг маънодаги билимни) қанчалик чуқур эгалласа, унинг маънавияти ҳам ривожланиб боради. Чинакам билимга эга бўлган (яъни дунёвий, диний билимлар ёхуд касб-хунар кабиларни мукамал эгаллаган бўлса) инсон жоҳиллик, эътиқодсизлик, ёвузлик каби салбий иллатлардан холи бўлади. Шунинг учун ҳам маънавият-ни ривожлантиришда маърифатнинг роли беқиёс ҳисобланади.

Инсониятнинг бир жамиятдан иккинчисига, бир тарихий босқичдан бошқасига ўтиши маърифатпарварликдан бошланади. Миллатнинг ва ўз замонининг энг етук, онгли, оқ-қорани таниган, фидойи, элим, миллатим, юртим деб яшовчи, узоқни кўзловчи маънавиятли инсонлар истиқболни таъминлашнинг асосий омили сифатида маърифатни билганлар ва уни кўтариш йўлида жонбозлик кўрсатганлар. Бу бежиз эмас, албатта, чунки маърифат — маънавий қарамлик, қўрқув ва ҳадиксирашни бартараф этади, инсонга беқиёс илоҳий қудрат, мислсиз салоҳият ва илҳом бахш этади. Инсон, миллат ва мамлакат озодлиги ҳамда эркинлиги маърифат орқали таъминланади. Маърифат маънавиятнинг асосий таянчи, уларнинг бирлиги эса мисоли бир жиловдир. Улар биргаликда инсонларни барча салбий, ярамас ишлардан, яъники, маънавиятсизликдан тийиб туради. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз, аجدодларимиз доимо маърифатга интилиб яшаганлар ҳамда маънавият ва маърифат машъалини ёққанлар. Юксак маърифат ва маънавият туфайли Турон замин ер юзида шухрат қозонган.

¹ Жалолов А.М. Мустақиллик масъулияти. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. 249-б.

Маънавиятнинг моддий кучга айланиши ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракатларида, ўз оиласи, миллати, Ватани ва ўзга инсонларга бўлган муносабатларида намоён бўлади. Бу муносабатлар самимийлик, ўзаро ҳурмат, оила муқаддаслигига амал қилиш, миллат тақдирига ва истиқболига масъуллик, Ватанни жон дилдан севиш, унинг барқарор эҳтиёжи сифатида қарай билиш, ўзи билан ёнма-ён яшаётган миллатлар вакилларига ҳурмат билан қараш ва уларнинг ҳам ўзига хос манфаатлари мавжудлигини эътироф эта билиш кабиларда яққол кўзга ташланади. Аммо бундай муносабатлар ўз-ўзидан пайдо бўлмаслигини ҳам эсдан чиқармаслик зарур. Уларнинг шаклланишида ота-она, таълим-тарбия тизими, миллий қадриятлар, инсонийлик каби фазилатларнинг таъсири ва жамиятдаги муҳит муҳим аҳамиятга эга.

Оиладаги тинчлик, ўзаро муносабатлардаги самимийлик, ҳурмат, эътибор, миллат бирлигининг мустақамлиги каби қадриятларнинг миллат вакиллари тараққиётидаги устуворлиги — давлат ҳаётидаги барқарорлик, муайян оилалар, миллат ва давлатда маънавиятли инсонларнинг кўпчиликини ташкил қилганлигини белгиловчи мезонлардан бири ҳисобланади. Яъни маънавият оилада, миллат қадриятлари ота-она ва давлат фаолияти орқали шаклланади, ривожланади, ўз навбатида, уларнинг мустақамлиги ва баркамоллигига хизмат қилади.

Маънавиятнинг инсон, оила, миллат ва жамият ҳаётидаги ўрни ниҳоятда каттадир. У ўзининг аҳамияти ва салоҳияти жиҳатдан жамиятдаги иқтисодий **ва ижтимоий-сиёсий** омилларнинг асосини ҳам ташкил қилади. Тарихий тараққиётнинг аччиқ тажрибасидан маълумки, очни тўйдириш, яланғочни **кийинтириш мумкин**. Аммо бир авлод умри давомида маънавий қашшоқликдан қутулиши мураккаб муаммо ҳисобланади. Чунки инсоннинг ички ботиний кучи унинг хатти-ҳаракатларини, мақсадларини белгилаб беради ва унга

куч-қудрат бағишлайди. Шу жиҳатдан қараганда, бугунги инсон муаммосини ҳал қилиш, бутун миллатни «инсонийлаштириш»ни қадриятга айлантириш, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда мавжуд бўлган муаммолар маънавиятини кўтаришни унга таяниш орқали ҳал қилиш мумкин.

Келтирилганлардан кўриниб турибдики, маънавият кенг қамровли омил бўлиб, унинг роли ошиб бормоқда. Айни пайтда, бу жараён ривожланган сари ҳали ўрганилмаган қирраларини излаб топиш ва улардан инсоният тараққиётида самарали фойдаланишга эҳтиёж ҳам кучаймоқда. Ана шундай қирралардан бири, унинг категориялари (тушунчалари) ҳисобланади. Бу ерда асосий масала шундаки, маънавиятнинг айрим тушунчалари ахлоқшунослик ва эстетика фанларида ҳам қўлланилади. Шу боис ҳам «маънавият»нинг нисбатан мустақил йўналиш ёхуд фан эканлигига турли қарашлар ҳам мавжуд. Бизнинг фикримизча, бундай «такрорланиш» маънавиятнинг мустақил йўналиш ёки унинг тушунчалари «йўқлигини» билдирмайди, балки унинг қамрови кенг бўлиб, ахлоқ ва эстетиканинг кўп жиҳатларини ўзида уйғунлаштириб, яхлит ҳолатда инсон, миллат ёхуд халқнинг ботиний салоҳиятини ўзида ифода эттиришни англатади. Айни пайтда, «маънавият» ўзининг мустақил тушунчаларига ҳам эга бўлиб, улар бошқа фанларда такрорланмайди. Шундай қилиб, маънавиятнинг тушунчалари (категориялари) ҳақида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Категория — предмет ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим, зарурий, хусусий белгиларини ўзида ифода эттирувчи билим шакли ҳисобланади. Маънавиятнинг категориялари ҳақида гап кетганда унинг энг муҳим, зарурий ва хусусий белгиларини ўзида ифода эттирадиган қирралари назарда тутилади. Юқорида таъкидланганидек, маънавиятнинг айрим категориялари ахлоқшунослик ва нафосатшунослик фанлари билан уйғунлашган ҳолатда намоён бўлади. Аммо унинг

тушунчаларига жамият ва маънавият омилларининг ўзаро таъсирли муносабатлари нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, юқоридаги икки фанда мустақил равишда тушуниш имконини беради. Шунга мувофиқ **Маънавият асосларининг категорияларини (тушунчаларини)** шартли равишда инсон, миллат ва жамият ҳаёти билан боғлиқ бўлган қуйидаги тушунчаларни киритиш мумкин.

Инсоннинг ўз-ўзини англаши, билимдонлик, қалби тозалик, сахийлик, самимийлик, хайрихоҳлик, имонлилик, ҳалоллик, эътиқодлилик, диёнатлилик, поклик, ор-номуслик, шарм-ҳаёлилик, меҳр-шафқатлилик, ростгўйлик, адолатпарварлик, ота-онага ҳурмат, оилага садоқат, вафодорлик каби ва бошқа туйғуларда акс этади. **Шахснинг миллат вакили сифатидаги мақоми:** миллий ўз-ўзини англаш, миллий гурур, миллий ифтихор, миллатпарварлик, ватанпарварлик, миллат тақдирига нисбатан масъулият, миллий манфаат устуворлигини ҳис этиш, миллий тил, миллий тарбия, адабиёт, санъат, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар, давлат тизимига ҳурмат, қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик, вазминлик, тadbиркорлик, ўз касбининг моҳир устаси бўлиш, мамлакат ички ва ташқи фаолиятидан хабардор бўлиш, уни қўллаб-қувватлаш, миллий ва жамиятда мавжуд бўладиган салбий жараёнларга бефарқ бўлмаслик, мамлакат ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида фаоллик ва бошқаларни ташкил қилади.

Шахснинг жамият вакили сифатидаги мақомига: мамлакатнинг жаҳондаги нуфузини оширишда масъуллик, жаҳон тамаддуни ютуқларини эгаллаш, дунё халқлари олдида турган умумбашарий муаммоларга бефарқ бўлмаслик, миллат ва умуминсоний манфаатлар уйғунлигини англаш, инсон табиатининг бир бўлаги эканлигини англашда масъуллик, умумбашарий қадриятларга садоқат ва бошқаларни киритиш мумкин.

Кўриниб турибдики, юқорида келтирилган маънавийнинг барча тушунчалари шахснинг ички руҳияти, уни юксакликка кўтарувчи қалбан улғайишига ва ўзининг «мен»лигини англатиши билан боглиқ бўлиб, улар шахс маънавий даражаси, миллат ва жамият вакили сифатидаги мақомларини қамраб олади.

Улар инсоннинг мустақил субъект сифатидаги мақоми билан боглиқ бўлиб, улар тизимида инсоннинг ўз-ўзини англаши бошқа тушунчаларнинг даражаларини ҳам белгилаб беради. Чунки инсон ўз-ўзини англамас, шахс даражасига кўтарилишга интилмас, маънавий қашшоқ бўлиб қолаверади. Унда билимдонликка интилиш, қалби тозаллик, сахийлик, самимийлик, хайрихоҳлик, имонлилик, ҳалоллик ва маънавийнинг бошқа сифатларини ўзида шакллантира олмайди.

Инсоннинг ўз-ўзини англаши унинг ижтимоий ҳаётда ва турли муносабатларда ўз «мен»лигига эришишидир. Яъни ўз «мен»лиги даражасига кўтарила олса, барча соҳаларда юксала боради ва шахс даражасига етиб боради. Албатта унинг «мен»ликка эришиши димоғдорлик, ўзини ўзгалардан устун қўйиш, ўзгаларни назар-писанд қилмаслик каби салбий фазилатларга эга бўлишини билдирмайди, балки улардан холи бўлган юксак маънавиятга эга бўлишини кўрсатувчи мезон ҳисобланади. Профессор Бегали Қосимов инсоний фазилатлар ҳақида шундай ёзган эди: «Ҳамма нарсанинг маълум бир меъёри бор, албатта. Инсоний виқорни суиистеъмол қилиш кишини такаббурликка олиб келиб қўяди. Ҳаддан ошган юмшоқ кўнгил — ҳалимлик кишини хор қилади. Камтарлик эса хокисорликка элтади. Бу ерда ҳам шакл ва мазмун мутаносиблигининг темир қонуни ўзига хос ҳолда намоён бўлади. Чинакам инсонийлик виқори кишида олимлик, фозиллик ва юксак одоб жамлангандагина намоён бўлади. Иккинчи томондан эса, ҳар бир хулқдаги меъёрни ҳис қилиш, ўз феъл-атвори, хатти-ҳаракатининг инсони-

ят қонунларига монанд бўлишига эришишнинг ўзи юксак ахлоқ ва фозиллик белгисидир»¹.

Бу фикр билан олим инсонда бундай фазилатларнинг уйғун тарзда ривожланишини маънавиятнинг муҳим белгиси эканлигига ишора қилаётганлигини кўришимиз мумкин бўлади.

Яна мавзуга қайтиб шуни таъкидлаш лозимки, маънавиятнинг юқорида келтирилган барча тушунчалари етук инсонга хос бўлган фазилатлар ҳисобланади. Уларни умумлаштириб турадиган жиҳатлардан бири имондир.

Инсоннинг чин маънодаги инсонлиги — унинг имони, диёнати, меҳр-оқибати, поклиги ва ҳалоллиги, камтарлиги ва бошқа ижобий жиҳатлари билан ўлчанади. Буни биз умумий тарзда инсонийлик тушунчаси билан ифодалашимиз мумкин. Инсонийлик фақат имонли инсонлардагина бўлади. Бу ўринда ҳамма кишилар учун умумий тарзда тегишли бўлган масалалар устида баҳоли қудрат фикр юритамиз.

Ҳар биримиз имон тушунчасининг моҳиятини тўғри англаб етсак, унинг изоҳловчиси бўлган, виждонлилик, инсоф ва меҳр-оқибатлилиқ, адолатлилиқ, поклик ва ҳалоллик, камтарлик каби ҳислатларнинг моҳиятини билиб оламиз. Фақат имонли кишиларгина мазкур фазилатлар эгаси бўладилар. Шунинг учун имон тушунчасини, унинг моҳиятини кенг қамровли асосда баён қилишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Имонли кишилар Аллоҳдан кўрқиш, бандадан уялиш нима эканлигини чуқур идрок этганлар. Аллоҳни бир, Пайгамбаримизни унинг элчиси деб билиш — имоннинг бош белгиси ҳисобланади. Имонли киши бутун ҳаёти давомида, иш фаолиятида, кўчада бировга, уйда, ўз оиласига, Ватанига муносабатларида ҳамиша тўғри ва ҳалол йўл тутишга интиладилар, муомала ва муносабатларида ғараз бўлмади, тамадан ва ҳаромдан ҳазар

¹ Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. — Т.: «Маънавият», 2002. 260-б.

қиладилар. Ҳар ишларида фақат бу дунёни эмас, охи-
ратни ҳам ўйлаб иш тутадилар. Барча амаллари ва хат-
ти-ҳаракатларини шунга бўйсундиришга ҳаракат қила-
дилар.

Маънавий-ахлоқий фазилат сифатида эса имон фа-
қат одамзодгагина хос руҳий ҳодиса бўлиб, ундан таш-
қари ҳеч бир махлуқотда бу нарса йўқ. Бинобарин,
одамзод жамики бошқа жонзотлардан бирон-бир нарсага
ишониб, уни муқаддас деб билиши, яъни имон кел-
тириши билан ажралиб туради. Имон киши маънавия-
ти ва ахлоқининг ўқ илдизи, пойдевори, негизидир.
Имондан маҳрум кимсанинг ақли нечоғлиқ ўткир, иро-
даси нақадар чўнг бўлмасин ва шулар туфайли ўзли-
гидан қанчалик мағрурланмасин, у чинакам инсонлар
қаторига ҳеч қачон киритилмаган, киритилмайди ҳам.
Зеро, имонсиз одам на Аллоҳдан қўрқади ва на бан-
даларидан уялади. У ўз нафсининг итоаткор қули
бўлиб, ҳар қандай разолат ва пасткашликлардан қайт-
майди. Аллоҳ ҳаммамизни шундан асрасин. Бунинг учун
имон йўлини тутишимиз лозим.

Азал-азалдан олам ва одамзоднинг келиб чиқиши,
одамнинг оламдаги ўрни қандай, инсон умрининг маъ-
носи нимада ва у нимага даъват этилган, нималарга
қодир сингари муаммолар ташкил этиб келади.

Демак, имон тушунчаси инсонийликнинг муҳим
шартлари — диёнатлилик, меҳр-шафқатлилик, поклик
ва ҳалолликни ўз ичига олади. Чунки фақат имон соҳи-
би бўлган инсондагина диёнат, меҳр-шафқат, поклик
ва ҳалоллик бўлади. Имонсиз кишилардан уни кутиш
мумкин эмас. Ана шу ва бошқа фазилатлар бўлмагани
учун ҳам баъзи одамларга нисбатан имонсиз сўзини
ишлатамиз.

Энди имонлиликнинг баъзи категорияларини қисқа
изоҳлашга ўтамиз. Уларнинг мазмуни, моҳияти ва ама-
лий аҳамиятини чуқур англаб олмоқлик ва ўзимизнинг
кундалик хатти-ҳаракатимизда амал қилмоқлик бизни
ҳар дамда юксак инсонийликка, комиликка томон эл-

тади, демакки, имонимиз мустаҳкамлана боради. Имоннинг боши — тақво. Тақво — нотўғри ишларга қўл уриш, Аллоҳдан кўрқиш — ёмон ишлардан сақланиш. Аллоҳдан кўрқувчи банда оилада, жамиятда ҳалол яшайди, ҳаромга қўл урмайди, охиратда жавоб беришини ўйлаб, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмайди, тўғри бўлади, порахўрлик қилмайди, қасамхўр бўлмайди, бировни алдамайди, ёлгон гапирмайди, кишиларга, ватанга хиёнат қилмайди ва бошқалар. Илоҳи ҳаммамизга ҳам тақводор бўлиш насиб этсин. Бу — ўзимизга боғлиқ.

Шарм-ҳаё ҳам имонлилик белгиси саналади. Шарм — бу сўз ҳар бир одамнинг ноҳўя, ёмон хатти-ҳаракатлардан ўзини тия олиш, уялиш ҳисси. Ҳадиси шарифларда айтилишича, одам, энг аввало, ўзидан уялиши керак. Ноҳўя, ёмон қилмиши, хатти-ҳаракати учун ўзидан уялган одам ўзгага ҳам ноҳўя хатти-ҳаракатни раво кўрмайди. Ўзидан уялмаган одамда шарм бўлмайди. Демак, шарм одам ўз ноҳўя ҳаракати учун ўз виждони, диёнати олдида жавоб бериш ҳисси, десак бўлади.

Ҳаё — бу ўзбекча уят демакдир. Ҳаёсиз, беҳаё дейилганда, уятсиз иш қилганда хижолат чекмайдиган, одоб-ахлоқсиз киши тушунилади. Ҳаё эркак кишига нисбатан аёлларда кўпроқ бўлади. Эркак киши бемалол айтадиган баъзи сўзларни, аёллар турли андиша ва уялиш туфайли айтолмайдилар, ҳаё уларга йўл бермайди. Ҳаёли бўлиш, бу фақат уятли сўзни айтмаслик эмас. У бундан ҳам кўра кенгроқ маъно ва мазмунга эга. Шарм-ҳаёли бўлиш инсонни ҳайвон сингари тубанлашиб кетишдан сақлайди. Ўз ноҳўя хатти-ҳаракатидан уялиш ҳисси фақат одамларгагина хос хусусият. «Ҳаё, ифбат ўйлаб чиқарилган тушунчалар эмас, — деб ёзган эди профессор Б. Қосимов, — у асрлар бўйи инсон тушунчаси билан биргаликда шаклланган. Инсон одобини ҳаё ва ифбатсиз тасаввур қилиш қийин»¹. Фарзандларни шарм-ҳаёли қилиб тарбиялаш оиладан бош-

¹ Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. — Т.: «Маънавият», 2002. 259—260-б.

ланади. У миллий тарбиянинг муҳим жиҳатини ва маънавиятнинг ажралмас қисмини ташкил этади.

Имонли бўлишнинг белгиларидан бири ор-номус ҳисобланади. Ор қилиш одамнинг ўзига номуносиб ёки эп кўрмаган ишдан, нарсдан хижолат тортиш, уялиш, уят ва номус қилиш туйғусидир. Ор яна бирор нарсдан ҳазар қилишни ҳам билдиради.

Орият эса ор-номусдан ташқари, иззат-нафс, қадр туйғусидир. Одатда, ориятли одам ўзи ва оиласининг, туғишганларининг иззат-нафси, қадри, ҳурматини юксак тутиб, бошқалар томонидан топталиши, ҳақорат қилиниши ва ҳурматсизланишига лоқайдларча қараб турмайди, туролмайди.

Номус — бу иффат, бокиралик маъноларидан ташқари кишининг ўз мавқеини сақлаш, улуғлаш ва ардоқлаш, хижолат тортиш туйғусини, оила ва аждодлар шаънига доғ туширмаслик маъносини ифодалайди. Кўпинча, бирор кишини, унинг оила аъзоларини, аждодларини ноҳақ ҳақоратласалар-у, у киши бунга бепарво, лоқайдларча турса, ундайларга қарата сенда ор-номус, орият борми ўзи, деб хитоб қилинади. Бизнинг ота-боболаримиз, халқимиз қадимдан ор-номусли, ориятли бўлиб келган, шунинг учун улар ўз юртини, унинг тупроғини, оналари ва фарзандларини бошқа босқинчилар томонидан топталишини ўзлари учун ор деб билганлар. Кўринадики, ор-номус, орият моҳиятида ватанпарварлик, халқпарварлик туйғулари яшириниб ётади.

Имонли бўлишнинг яна бир белгиси одамнинг диёнатли, виждонли бўлишидир. Диёнат ва виждон бир-бирига яқин тушунча. Диёнат ва виждон одамлардаги инсоф туйғусига ҳамоҳангдир. Диёнат ва виждон кишининг кундалик фаолияти, қилмиши, феъл-атвори учун, аввало, ўзи олдида, қолаверса, оила, жамоат, жамият ва Ватан олдида маънавий масъулият ҳис этишидир. Виждонли, диёнатли киши ноҳақ, адолатсиз ишлардан ғазабга келади, уларга қаршилик билдиради, ўз

фаолиятининг яхши томонларидан қаноатланиб хурсанд бўлса, ёмон томонларидан норози бўлиб, руҳан эзилади, виждон азобига учрайди. Ўзини билган одамга виждон азобидан оғирроқ жазо йўқ. Шунинг учун халқимизда «Виждон азоби гўр азоби» деган мақол бор. Бу мақолнинг тагида чуқур маъно ётади.

Меҳр-шафқатлилик ҳам имоннинг белгиларидан биридир. Юқоридагилар каби меҳр-шафқат ҳам халқимизга хос хусусият саналади. «Инсонлар ўртасидаги ўзаро меҳр-муҳаббат, — деб ёзган эди қадимги Хитой файласуфи Мо-Цзи (тахминан мил. ав. 480—400 йиллар) — ўзгалар мулкига, хонадонига худди ўзиники каби муносабатда бўлиб, ҳар бир кишини ўзини тушунгандек тушунишга ўргатади»¹. Мутафаккирнинг бу фикрлари асрлар давомида ўз тасдиғини топиб келмоқда. Бугун меҳр-шафқат одатда етим-есир, қаровсиз қолган қариялар, гарибларга, ногиронларга нисбатан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш туйғуси, десак бўлади. Бизнинг мустақил республикамиз раҳбарияти ота-боболаримиз удумини давом эттириб, бозор муносабатларига ўтиш шароитида ота-онасиз, қаровсиз қолган болалар ва ҳеч кими йўқ қариялар, шунингдек, ногиронларга нисбатан юксак меҳр-шафқатлилик намунасини кўрсатаётир.

Ўзбекистон мустақилликка эришган шу кунларда одамларда, айниқса, ёш авлодда поклик ва ҳалоллик одобини мустақиллик руҳида шакллантириш вазифаси турибди. Инсоннинг инсонлиги унинг поклиги ва ҳалоллиги билан ўлчанади. Шунинг учун ота-боболаримиз ҳамшиша пок ва ҳалол бўлишга даъват этиб келишган, ҳалол билан ҳаромни фарқлаш тўғрисида насихат қилишган. Бу мусулмон одами, хусусан, ўзбек халқи ахлоқ-одоб қонуниятининг асосини, бошқача айтганда имоннинг негизини ташкил этади. Поклик

¹ Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. Тақдирлар, ҳикматлар, афоризмлар. Тупловчи ва таржимон Саида Жўраева. — Т.: «Янги аср авлоди», 2002. 57-б.

ва ҳалоллик асосий белгилардан биридир. Поклик ва ҳалолликсиз имонли бўлиш мумкин эмас. Имонли бўлишнинг ўзи эса инсоннинг поклиги ва ҳалоллигига йўғрилгандир. Пок ва ҳалол бўлмаган одамдан эзгулик чиқмайди, унда меҳру шафқат, орият, номус, шарм-ҳаё бўлмайди. Қўринадики, имоннинг барча белгилари асосида поклик ва ҳалоллик ётар экан. Мана шунинг учун ҳам бизнинг ота-боболаримиз поклик ва ҳалолликка алоҳида эътибор берганлар.

Ҳалол — бу инсонлар учун рухсат этилган яхши, ижобий ишлар, хатти-ҳаракатлар мажмуасидир, меҳнат эвазига топилган нарсалар, шунингдек, пок ва тоза озиқ-овқатлар сирасидир. Ҳалолликнинг янада кенгроқ маънодаги жиҳатлари бу турмушдаги ҳалоллик, жамоа орасидаги ҳалоллик, савдо-сотикдаги ҳалоллик, дўстлар ўртасидаги ҳалоллик ва шу қабилардир. Юраги, қалби пок ва тоза, ҳалол йўлдан юрган инсонлар ҳамиша хотиржам бўлади, кўнгли равшан, доимо сиҳат-саломат юради. Хоразмлик қомусий олим, буюк аллома Маҳмуд аз-Замахшарий бу ҳақда «Ҳалол ва покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнат ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтормир», деб насиҳат қилади.

Ҳалоллик, асосан, оиладан бошланади. Ўзбек халқида «Қуш уясида кўрганини қилади» деган нақл бор. Демак, ота-она пок ва ҳалол бўлса, фарзанди ҳам шу руҳда камол топади. Фарзанддаги яхши феъл ва амаллар ҳалол луқмадандир.

Хулоса шуки, поклик ва ҳалоллик имонли бўлишнинг асосий шартидир. Инсондаги яхши ёки ёмон иллатлар унинг имонига, яъни поклиги ва ҳалоллигига боғлиқ. Шунинг учун доимо имон, поклик ва ҳалоллик йўлида ҳушёр туриши инсон, миллат ва халқнинг барқарор ҳаёт кечиршининг муҳим омили ҳисобланади. Бу, айниқса, бозор муносабатларига ўтиш даврида ниҳоятда зарур.

Юқорида маънавиятнинг таркибий қисмини ташкил қилувчи тушунчалардан бири бўлган имонли

одамнинг асосий белгилари устида фикр юритдик. Уларнинг ҳар бирини инсон учун бир маънавий безак, деб билмоқ керак. Шу ўринда, инсон учун ниҳоятда зарур бўлган бошқа бир фазилат хусусида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Бусиз инсон баркамол бўла олмайди. У ҳам бўлса камтарлик белгисидир. Камтарлик инсонни безайди, обрўсини оширади, дўстларини кўпайтиради.

Камтарлик — инсон ички маънавий дунёсининг намоён бўлишидир. Агар инсоннинг қонида, қалбида юмшоқлик, саховат, одоб-андиша, шарм-ҳаё, ор-номус, орият бўлмаса, минг ҳаракат қилмасин, барибир, одамлар кўзига камтар бўлиб кўрина олмайди.

Миллий қадриятларимизда такаббурлик қилувчилар, фирибгарлар, мақтанчоқлар, манманлар кескин қораланади. Камтарга камол, манманга завол, деган ўғит беҳикмат эмас.

Маънавиятнинг ана шу тушунчаларидан кўриниб турибдики, уни шакллантириш ҳар доим ҳам мураккаб муаммо бўлиб келган. Маънавият инсон, миллат, халқ, жамият ва давлат субъектларида намоён бўлади. Унинг инсон ва миллат билан боғлиқ салоҳияти алоҳида ажралиб туради. Улар маънавиятнинг дастлабки «ишлаб чиқувчилари» ҳисобланади.

Маънавиятнинг миллатни мустақил субъект сифатида белгилаб беришдаги роли ва аҳамиятини очиб бериш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бирини ташкил қилиб турганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки тарихий тараққиёт тажрибалари кўрсатдики, инсоният қанчалик юксак даражада глобаллашиб бормасин, биргаликда ҳал қилиши зарур бўлган муаммолар сони, хавф-хатар ва таҳдид кучайиб, ўзаро яқинлашиш, ана шу хавф ва таҳдидларни биргаликда тугатиш ўрнига, ўзлигига, ўз миллий заминларига интилиши кучаймоқда. Яъни инсонларнинг умумий хавф-хатарларга қарши биргаликда курашга интилишга қараганда ўз миллий заминлари орқали ўзлигини намоён қилишга интилиши устуворлиги кучаймоқда.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, миллатнинг маънавияти кенг қамровли бўлиб, унга муаллифларнинг қайси томонига асосий эътибор беришига қараб, ўзига хос қирраларининг моҳиятини очиб бериш мумкин. Биз бу ерда асосий эътиборни инсоннинг миллат вакили сифатидаги мақомидан, табиийки, унга хос бўлган барча хусусиятлари миллатга хос, деган фикрдан келиб чиққан ҳолда миллий маънавиятнинг моддий куч даражасида амал қилишини назарда тутдик. Умумий хусусиятлар билан ўзаро уюшган инсонларда мавжуд бўладиган ўзига хослик миллатни бирлаштиради ва ягона мақсадга ундайди. Шунинг учун миллат вакиллари бўлган инсонлардаги барча ижобий ва салбий жиҳатлар миллатда ҳам ўз ифодасини топади. Инсонларга хос бўлган барча жиҳатлар ҳақида фикр юритганимизда, уларнинг миллат вакили сифатидаги мақоми назарда тутилганлиги, миллий маънавиятга қарашлардаги янги йўналиш, дейишимиз мумкин. Чунки шу кунгача эълон қилинган барча илмий адабиётларда миллатнинг ўзига хос жиҳатлари, шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари ҳақида фикр юритиб келинмоқда. Лекин унинг субъекти ким, уни ким моддий борлиққа айлантирган, деган савол эътибордан четда қолиб келмоқда. Шунинг учун ҳам миллий маънавиятни глобаллашув жараёнининг салбий таъсиридан ҳимоя қилишдаги куч ҳақида ҳам мавҳумлик мавжуд эди. Ана шу каби бир қатор масалаларга аниқлик киритишни назарда тутган ҳолда миллат маънавиятини унинг вакиллари инсонлар тимсолидаги ўзига хосликлар, уларнинг ботиний ва зоҳирий салоҳиятларини ўзида мужассамлаштирган маънавият ҳақида фикр юритишга ҳаракат қилдик.

Аслини олганда, бу табиий ҳол ҳисобланади. Чунки миллатига эга бўлмаган **инсон тўлақонли шахс даражасига кўтарила олмайди**, тараққиёт эса миллий заминларга таянмас экан, унинг истиқболи чекланган бўлади. Миллий заминлар ўтмишни истиқбол билан боғлаб турувчи кўприк ҳисобланади. У тараққиётга гўзаллик,

илҳом, куч ва қудрат бағишлаб турувчи манбадир. Шу маънода ҳам ўз заминларига таянган миллий маънавият жамиятда ва миллий тараққиётда мавжуд бўлган жуда кўп муаммоларни ҳал қилиш имконини беришини эсдан чиқармаслик назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Хўш, миллий маънавиятнинг ўзи нима? Унинг миллат ҳаётидаги ўрни нималарда намоён бўлади?

Миллий маънавият — миллатнинг ўзига хос хусусиятлари, анъана, урф-одатлар, қадриятлар ва менталитетини ўзида акс эттирувчи, унинг «мен»лигини кўрсатувчи, ўзлигини белгиловчи интеллектуал-руҳий қудрати ва уни тараққиётга етакловчи ботиний салоҳиятдир. Ўзига хос маънавиятга эга бўлмаган миллат бўлмайди. Шу маънода ҳам маънавият миллатларни бир-бирларидан фарқ қилдирувчи энг ёрқин, кўзга ташланувчи омил ҳисобланади. Бир миллат, қачонки бошқа миллатларда такрорланмайдиган маънавиятга эга бўла олса, шундагина ўзига хос чинакамлик мақомини олади. Масалан, уят, ор-номус, диёнат, эътиқод, виждон, шарм-ҳаё, гурур, имон, адолат, поклик, ҳалоллик, вафодорлик каби фазилатлар қайсидир кўринишларда ҳамма миллатларда бўлиши мумкин, аммо уларнинг амал қилиш даражалари ёхуд барчасининг мукамал шаклда намоён бўлиши барча миллатларда бир хил бўлмайди. Ҳатто, уларнинг айримлари тараққий этмаган бўлиши ёхуд бўлмаслиги, бўлса ҳам бошқа тушунчаларда ўз ифодасини топиши мумкин.

Аммо улар қайси даражада ривожланиши ёхуд қайси кўринишларда намоён бўлишидан қатъи назар, миллатнинг «мен»лигини таъминлайдиган ва ўзлигини англатадиган энг муҳим омиллар ҳисобланади.

Миллий маънавият қуйидагиларда намоён бўлади:

а) миллий онг, гурур, урф-одат, анъаналар, қадриятларнинг миллат ҳаётида реал моддий кучга айланишида;

б) миллатнинг ўзлигини англаши, унинг ўз тарихи, мероси ва ўз истиқболи учун масъуллигининг амал қилишида ва «мен»лигига эришишда;

в) маданият (моддий ва маънавий) кўринишлари ва инсонга таъсир кўрсатиш имкониятларида;

г) миллий ғоя, мафкура ва уларнинг миллатни улуглаш, уни эзгулик ва тараққиётга интилишига таъсир кўрсата билишида;

д) миллатнинг ўз интеллектуал салоҳияти билан жаҳон тамаддунидан муносиб ўрин эгаллашга интилишида;

е) миллатни жаҳон миқёсида тенглар ичида тенг бўлиб, ўз нуфузини мустаҳкамлаш кабиларда. Миллат ўлмаганидек, унинг маънавияти ҳам боқийдир. У авлодларни бир-бирига боглаб турадиган, уларнинг руҳан яқинлигини таъминлайдиган, миллатга завқ-шавқ, илҳом, гўзаллик багишлаб, уни истиқболга етакловчи омилдир.

Миллий маънавият миллатнинг бир бутунлигини ифода этувчи, унинг умрбоқийлигини таъминловчи, барча хусусиятларини сақлаб турувчи, ҳимоя қилувчи «қалқон» ҳисобланади. Шу маънода ҳам Президент Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовор бўлиб, мустақиллик шароитида миллий тикланишимизнинг назарий асосини белгилаб беради. У шундай ёзади: «Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз»¹.

Маънавияти юксак, заминлари мустаҳкам миллат бирлиги ҳам мустаҳкам бўлади. Ундай миллатни зўравонлик ва қурол ишлатиш йўли билан кучли ҳамда замонавий қуролга эга бўлган мамлакатлар вақтинча ўзига қарам қилиши мумкин, аммо уни руҳан енга олмайди. Чунки руҳият миллатнинг ички ботиний қуд-

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: «Шарқ», 1998. 18-б.

рати ва кучидир. Унинг асосий хусусияти ва имконияти шундаки, уни кўз билан кўриб, қулоқ билан эшитиб бўлмайди. Худди ана шу кўринмас ва эшитилмайдиган омиллар миллатни доимо «уйғотиб», сергакликка ундаб туради. Руҳияти бақувват миллат, албатта, ҳар қандай шароитда ҳам ўзлигини йўқотмайди, озодлик ва мустақил тараққиёт учун курашади. Шу маънода ҳам маънавияти бақувват миллатни қурол билан у ёки бу мамлакат ёки миллат вақтинча ўзига қарам қилиб олиши мумкин, аммо унинг устидан батамом ғалаба қозона олмайди.

Фикримизни тасдиқлаш учун рус олими В.В. Бартольд (1869—1930)нинг қуйидаги фикрларини келтирамиз. У Россия томонидан босиб олинган Ўрта Осиёга бир неча марта ўлкани ва унинг халқини ўрганиш учун илмий сафар уюштиради. Бу сафарлар хулосасига кўра Санкт-Петербург фанлар академияси маданий кенгашидаги ҳисоботда қуйидагиларни таъкидлайди: «... биз шу пайтгача маданий савияси ўзимиздан анча паст бўлган халқларнинг ерларини босиб олган эдик. Энди бўлса, Туркистон мисолида тамом тескари аҳволга дуч келиб турибмиз... Туркистонликлар бизнинг ҳарбий устунлиқларимизга тан беришди, аммо маънавий устунлигимизни тан олишгани йўқ. Вазифа ана шуни тан олдиришдан иборатдир... То шуни тан олмас экан, биз узил-кесил ғалаба қозондик, деб айта олмаймиз»¹. Бу фикрдан кўришиб турибдики, маънавияти бақувват, илдизи мустаҳкам бўлган миллатнинг иродаси мустаҳкам бўлади, у вақтинча қарамлик ҳолатига тушиши, турли қийинчиликка дуч келиши мумкин, аммо у ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмайди. Шунинг учун ҳам ўзининг истиқболи билан яшайдиган миллатлар маънавиятни сақлаб қолишни, ривожлантиришни ўзларининг абадийлигини таъминлашнинг бош манбаи

¹ Қаранг: Садулла Отамуратов, Сарвар Отамуратов. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. — Т.: «Янги аср авлоди», 2003. 186—187-б.

сифатида қараб келганлар ва бу тамойилга амал қилганлар.

Маънавиятнинг инсон, миллат ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида фикр юритганда, унинг шаклланиш омиллари ҳақида мулоҳазалар юритиш зарур бўлади. Чунки у шахс камолоти, миллат абадийлигини таъминлайдиган муҳим манба эканлиги ва жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тараққиётида стақчи омил эканлиги ҳақида кўп гапирилади ва ёзилади. Аммо унинг ўзи қайси омиллар ва манбалар асосида шаклланади, деган масала эътибордан четда қолаверади. Аслида ҳам маънавият ўз-ўзидан пайдо бўладиган омил эмас. Унинг замини инсоният пайдо бўлиши ва миллат шаклланиши билан боғлиқ. У асрлар давомида турли миллатлар вакили бўлган инсонларнинг такомиллашуви, яратувчилик фаолияти билан боғлиқ.

Худди ана шу жиҳатдан қарагандагина маънавиятнинг моҳияти ва мазмунини тўлароқ тушунишимиз мумкин бўлади. Бу гоядан келиб чиқадиган хулоса шуки, маълум бир заминда инсонларнинг пайдо бўлиши, яшаши ва яратувчилик билан шуғулланиши уларнинг маънавиятини ҳам вужудга келтирган.

«Авесто»да дунёнинг яратилиши, инсоннинг халқ бўлиб камол топиши, эзгулик учун ёвуз кучлар билан кураши, эркинлик, ижодкорлик ва бунёдкорлик йўлидаги орзулари ўз ифодасини топган.

Унда олга сурилган «эзгу фикр, эзгу калом ва эзгу амал» таълимоти ҳамон инсониятни эзгуликка чорлаб, одамларни руҳан поклаб, маънавият чамани томон етаклаб келмоқда¹.

Маънавият инсон тарихий тараққиётининг маҳсули экан, ўзбек миллати маънавияти ҳам қандайдир «бўш», «яланг» жойда эмас, балки унинг ажодлари яратган бойлик эканлиги яққол намоён бўлади. Унинг

¹ Қаранг: Маҳмудов Т. «Авесто» ҳақида. — Т.: «Шарқ», 2000. 5-б.

заминлари бақувват бўлганлиги учун ҳам, келгинди босқинчилар томонидан йўқ қилишга қанчалик ҳаракат қилинмасин, у яна ўз қаддини тиклаб, миллатимизнинг ўзлигини намоиш этишда манба бўлиб келмоқда.

Ўзбек миллатини жаҳон тан олгани, бутун бир цивилизацияни яратгани, буюк мутафаккирлари ва улар яратган илмий кашфиётлари ўз-ўзидан пайдо бўлмаган, балки шу она заминда яратилган моддий ва маънавий соҳада эришилган ютуқлар билан боғлиқдир. Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Нажмиддин Кубро, аз-Замахшарий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа бир қатор мутафаккирлар, давлат арбоблари шу она заминда яратилган улкан моддий ва маънавий бойликлар булоғидан баҳраманд бўлганлар, улардан руҳий озуқа ва илоҳий куч-қувват олганлар. Улар қолдирган улкан мерос эса ўзбекларнинг кейинги истиқболини таъминлашни кафолатлаган. Ана шу моддий ва маънавий манбалар ўзбекларни озодлик, мустақиллик ва тараққиётга етакловчи манба бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Миллатнинг маънавияти шундай бир гавҳарки, у ҳар қандай шароитда ҳам ўз «мен»лигини намоён этиб туради. Миллат маънавий етуклик даражасига кўтарилган сари ана шу гавҳар нурунинг атрофга гўзаллик бағишлови ҳам кучайиб боради. Бундай гўзаллик айнан бошқа биронта миллатда такрорланмайди. Марҳум ус-тозимиз академик Эркин Юсупов таъкидлаганидек, «маънавий етукликни белгилашнинг ўзига хос миллий мезонлари ҳам мавжуд. Ўзбекларнинг эътиқоди бўйича кўкракка қўл қўйиб меҳмон кутиш, учраганларга салом бериш итоатгўйликнинг намунаси эмас, балки ахлоқий етукликнинг белгисидир. Баъзилар бу анъанани тушунмаслиги мумкин. Буни тушуниш учун қалбан, руҳан ўзбек бўлиш, бу халқ яшаган тарихий

шароитни, миллий ахлоқ ва психологияни билиш керак»¹. Улар асрлар давомида аждодларимиз томонидан шакллантириб келинган ва миллатимиз маънавиятининг ажралмас қисмига айланган. Шу маънода миллий-маънавий тикланишимизда аждодлар қолдирган меросдан самарали фойдаланиш яна миллатимизнинг қаддини кўтаришга ёрдам беради.

Миллий маънавият миллатнинг озодлиги ва мустақиллигини таъминлашнинг муҳим омили экани ҳақида юқорида бир неча марта фикр айтдик. Хўш, у бу вазифани қандай амалга оширади?

Миллий маънавият тушунчасига берган таърифимизда, унинг миллатнинг ўзига хослигини акс эттирувчи «мен»лигини кўрсатувчи, ўзлигини белгиловчи ботиний ақлий-руҳият эканлигига асосий эътиборни қаратдик. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ички ботиний ақлий-руҳият шундай бақувват кучки, у ҳар қандай шароитда ҳам миллатни ўзлигини сақлаб қолишга, ўз ор-номуси, гурури, обрў-эътибори учун курашга ундайди. У миллий туйғулар ва ғояларни бойитиб туради. Бу жараёнлар кўзга кўринмаса ва қулоққа эшитилмаса ҳам, у миллатнинг ўз озодлиги, мустақиллиги учун курашларида ўзга миллатлар билан ўзаро «фарқланишида», ютуқларга, тараққиётга интилишларида намоён бўлиб туради. Бу жараёнларни ҳаракатга келтирувчи асосий куч миллатнинг ўзлигини англаши бўлса, уни узлуксиз равишда энергия билан таъминлаб турадиган асосий манба — миллий маънавиятдир.

Шунинг учун ҳам инсониятнинг ақл-заковати ва қудрати ривожланиб бориши, қадрият тизими ҳақидаги тушунчалар ҳам ўзгариб бориши, уларнинг «эскирган» айримлари ўрнини янгилари эгаллаши, бойиш жараёнлари кечаётган шароитда ҳам миллий маънавиятнинг улкан қадрият сифатидаги мақомига путур ет-

¹ Юсупов Э.Ю. Инсон камолотининг маънавий асослари. — Т.: Университет, 1998. 38-б.

майди, балки у мустаҳкамланиб бораверади. Чунки миллат ўзлигини маънавиятнинг улкан имкониятларида англайди ва миллат сифатидаги мақомини ҳам у орқали мустаҳкамлайди. Миллат эса қадриятлар ичида, бу ёруғ оламга гўзаллик, тароват ва ҳаёт бағишлаб турадиган, ўзини ўзи «қайта ишлаб чиқишга» қодир бўлган ва инсониятни яратувчанликка ундайдиган муҳим омилдир. Унинг ўзига хос қадрият сифатидаги муҳим томони шундаки, бугун ҳам, истиқболда ҳам инсонларнинг чинакам инсонлигини белгилайдиган асосий мезон бу — миллат қиёфасини сақлаш хусусиятларини би-лишидир.

Демак, миллат ўзини ўзи «қайта ишлаб чиқарар» экан, унинг ўзлигини англаши, ўз манфаатлари, мақсадлари ва интилишлари узлуксиз жараён сифатида давом этаверади. Шунинг учун ҳам ўзлигини англашга қодир ҳар қандай миллат кимларгадир қарам ҳолда яшай олмайди. Башарти бировларга қарамлик, мустамлака ҳолатда яшаш унга тўкин-сочинлик, иқтисодий баркамоллик олиб келса ҳам ўз озодлиги, мустақиллигини қўлга киритишни асосий мақсад сифатида қарайди ва унга эришиш учун барча имкониятларини ишга солади.

Миллат учун мустақиллик нима ўзи? У сиёсий ва иқтисодий қарамликдан қутулиш билан чекланмайди. У фақат мустақилликнинг бир томони ва чинакам мустақилликка йўл очадиган қисми ҳисобланади. Миллатнинг маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлиб, ўзини англашга мадори етмайдиган даражага келиб қолиши уни сиёсий ва иқтисодий мустақиллик учун кураша олмайдиган ҳолатга олиб келади. Шунинг учун ҳам миллат учун мустақиллик бу маънавий қарамлик касофатидан қутулиш, эркин нафас олиш, ўзгалар олдида «мен»лигини таъминлашга эришишдир.

У қачонки, ўзлигини англаб «мен»лигини ҳис қила билсагина, сиёсий ва иқтисодий қарамликдан бата-

мом қутула олиши мумкин. Миллат сиёсий мустақилликни қўлга киритса ва ўзининг миллий давлатчилигини шакллантириш имкониятига эга бўлса-ю, ундан ўз вақтида уддабуронлик билан фойдалана олмаса, миллатнинг маънавий қарамлик ва мутелик азобидан озод бўлишига, эркин нафас олишини таъминлашга эриша олмаса, яна кимларгадир қарамлик ҳолатига тушиб қолиши муқаррардир. Профессор Исо Жабборов таъкидлаганидек, «миллий руҳият, ижтимоий онг, оилавий ва маънавий ҳаётнинг ҳозирги давр талабига жавоб бера оладиган даражада ривожланиши, шубҳасиз, халқнинг эркинлиги унинг давлат тузилиши билан бевосита боғлиқ»¹.

Худди мана шунинг учун ҳам мустақиллик учун кураш, тўғридан-тўғри сиёсий жиҳатдан озод бўлиш миллатнинг дастлаб маънавий ва руҳий жиҳатдан тайёрланиши билан ўзаро уйғун тарзда олиб борилади, унинг ўзлигини англаши энг муҳим вазифа ҳисобланади. Ана шу вазифа маълум босқичга кўтарилгандан кейингина миллат ўз мустақиллигини батамом ва узил-кесил қўлга киритиши мумкин.

Шундай қилиб, сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришиш яна маънавий қарамлик, мутеликдан қутулиш ва руҳий жиҳатдан озод бўлишга бориб тақалаверади. Ана шу боисдан ҳам, ўз истиқболини олдиндан кўришга салоҳияти етадиган, прагматик давлат арбоблари олдин иқтисод ва сиёсат эмас, балки уларни маънавиятни тиклаш вазифалари билан уйғун ҳолда ривожлантиришни ўз сиёсатларининг асосий йўналишлари сифатида қарайдилар.

Миллат ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин, иқтисодий ва сиёсий соҳада амалга ошириладиган ислохотлар маънавий янгиланиш билан уйғун ҳолда таъ-

¹ Жабборов И. Ўзбеклар (анъанавий ҳужалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти). Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри. — Т.: «Шарқ», 2008. 8-б.

минлансагина, мустақилликни мустаҳкамлаш ва ўзи танлаган тараққиёт йўлига чиқиб олиш учун кенг имкониятлар юзага келади. Бу масала назарий жиҳатдан жуда содда ва жўн кўринса ҳам амалда ниҳоятда мураккаб муаммо ҳисобланади. Чунки гап миллат вакиллари бўлган аҳолининг аксарият қисмининг онги ва қалбини тубдан ўзгартириш ҳақида бормоқда. Бу мураккаб вазифани амалга ошириш учун эса маълум вақт ва изчиллик билан меҳнат қилиш талаб этилади. Боз устига, фақат тарбиявий ишларни кучайтиришнинг ўзи етарли эмас. У ўта зарур бўлса ҳам уни комплекс тарзда ташкил қилиш ва уларни уйғун ҳолатда олиб бориш керак. Яъни, назария ва амалиёт бирлиги вужудга келгандагина миллий онгни ривожлантириш борасида кўзланган мақсадга эришилади. Маънавиятга шўролар ҳукмронлиги даврида маданиятнинг бир қисми шаклида қараб келинган. Шуни ҳам айтиш лозимки, унинг шахс, миллат ва жамият ҳаётидаги муҳим ўрни ҳақида ҳамма замонларда ҳам таъкидлаб келинган. Унинг имкониятларидан ҳар бир жамиятда ўз мақсадлари ва манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилинган.

Аммо жамиятнинг бир тизимдан иккинчисига ўтишида маънавий соҳаларда амалга ошириладиган вазифалар: шу жумладан инсонларнинг онгини ўзгартириш, уни миллий ғоялар билан бойитиш, шахс ва миллатнинг ўз-ўзини англашини ривожлантириш, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда амалга оширилиши керак бўлган ислоҳотларда маънавий янгилинишга устуворлик билан қараш кабилар ҳар доим ҳам муҳим омил ҳисобланмаган. Агар бундай ёндашувнинг натижаларига қарайдиган бўлсак, қўлга киритилган улкан ютуқлар фақат бир томонлама эканлиги шундоқ кўзга ташланиб туради. Бинобарин, бугунги кунга келиб жaxonнинг кўпгина мамлакатларида иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳаларда катта ютуқлар қўлга киритилди. Бу ҳеч ким учун янгилик эмас. Аммо ана шу ютуқлар маънавий янгилиниш жараёнлари билан уйғун ҳолда

олиб борилмагани оқибатида шахснинг тор доирадаги ўзини англаши (фақат ўз манфаатлари учун яшаш), миллий қадриятлардаги айрим ўта муҳим муносабатларнинг ҳам аҳамияти сусайиб кетди. Жумладан, ривожланган бир қатор Европа мамлакатларида оила муқаддаслиги (оила қуриш, ўзидан авлод қолдириш), ота-она, қариндош-уруғчилик муносабатларидаги масъулиятнинг йўқолиб бораётгани маънавий янги-ланишга етарли даражада эътибор берилмаганлиги оқибати ҳисобланади. Бу соҳадаги камчилик ҳал этилмас экан, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳадаги ютуқлар қанчалик улкан бўлмасин, инсонлар ва миллатнинг маънавий қашшоқлашуви ҳамда жамиятнинг ич-ичидан емирилиши юзага келади.

Чунки инсоният, миллат ва жамият тараққиётининг ҳозиргача ўтган тарихий йўли кўрсатмоқдаки, иқтисодий жиҳатдан тараққий этиш ҳали юксакликнинг охирги мезони эмас. Агар ана шу юксаклик комил инсон шаклланишига, миллий қадриятни улуглашга, ривожлантиришга, замон билан ҳамнафас ҳолатда уни бойитишга, жамиятда барқарорликни таъминлашга, ўзга мамлакатлар ва халқларга очқўзлик билан қарашдан қутулиш кабиларга хизмат қилмас экан, бу ёруғ оламда маънавий қашшоқлик давом этаверади. Бу эса инсонлараро самимийликнинг йўқолиб бориши, ғаразгўйлик, эътиқодсизлик, диёнатсизлик, меҳр-оқибатнинг йўқолиши, миллий, ирқий, диний низолар, мамлакатлар ўртасида ўзаро турли урушлар ва қарама-қаршиликларнинг авж олишига олиб келаверади.

Бугун ана шу салбий ҳолатлар содир бўлаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Энг ачинарлиси шундаки, худди ана шу ҳолатлар инсоният бошига оғир-оғир фожиаларни солмоқда. Шундоқ ҳам бутун инсоният бугунги кунда мураккаб глобал (умуминсоний) муаммолар (турли касалликлар, наркомания, озиқ-овқатнинг етишмаслиги, ядро хавфи ва ҳ.к.)ни ўз бошидан

кечираётган бир шароитда маънавий жиҳатдан қашшоқлашиш жараёнлари ана шу муаммолар қаторига кириб бораётганлиги энг хатарли хавф ҳисобланмоқда. Бу салбий жараёнларнинг юзага келишига умуммаънавий қашшоқлашув ўз таъсирини ўтказмоқда. Уларнинг олдини олишда миллатларнинг ўз заминларига таяниши орқали ривожланишга интилиши амалий аҳамиятга эга бўлади. Афсуски, ана шу жараён сусайгандан сусайиб бормоқда. Миллатларнинг ўз заминларига таянган ҳолда ривожланишига қараганда жаҳонда тараққий қилган мамлакатлар томонидан шакллантирилаётган «оммавий маънавият»ни ўзлаштиришга бўлган мойиллик кучайиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, миллатлар маънавиятларининг ўзига хос хусусияти, гўзаллиги ва салоҳиятлари асосида ривожланишига таҳдид солмоқда.

Миллий маънавиятнинг барбод бўлиши, муқаррар равишда унинг ўзини ҳам тараққий қилган миллатларга ассимиляция бўлиб (қўшилиб) кетишига олиб келади. Бу, ўз навбатида, бутун инсоният маънавиятининг емирилишига таъсир ўтказади. Шуни ҳисобга оладиган бўлсак, инсон, миллат, халқ, жамиятнинг ўзаро уйғун ҳолда ривожланишига эришиш учун инсон ва миллат маънавияти хавфсизлигини таъминлаш омилларини излаб топиш ҳамда улардан самарали фойдаланишимиз зарур бўлади.

Биз юқорида миллат маънавиятини унинг вакиллари бўлган инсон омили билан боғлаган ҳолда кўриб чиқдик. Ана шу фикримизга мувофиқ миллат маънавиятини глобаллашув жараёнининг салбий таъсиридан ҳимоя қилишда ҳам, энг аввало, инсоннинг маънавиятини асраш бош йўналиш бўлиши лозим. Агар ўз миллатининг жонқуяри, фидойиси, унинг манфаатлари йўлида ўз масъулияти мавжудлигини англаб етадиган инсонлар қанчалик кўп бўлса, миллат маънавияти ривожланиб, уни ҳар қандай ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш имкониятлари ҳам кенгайиб боради.

МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИК ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ

Глобаллашув жараёнининг авж олиши миллат маънавиятининг емирилиш жараёнини ҳам тезлаштирмоқда. Унга нисбатан таҳдидлар ортиб бормоқда. Бугунги кунга келиб миллат ва унинг маънавиятини асраш умуминсоний муаммолардан бирига айланди. Чунки миллат маънавиятини асраш деганда, унинг вакиллари бўлган инсонларни, уларнинг маънавиятини асрашни назарда тутмоқ зарур бўлади. Инсонни асрамасдан туриб, миллат маънавиятини асраб бўлмайди. Улар ўзаро уйғунлашган ҳолда қаралиши лозим. Бугун инсонлар кучли гоъвий, мафкуравий ва информацион босим остида яшашга мажбур бўлмоқда. Уларга нисбатан қарши қаратилган таҳдидлар, албатта, маънавиятда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бугун ана шу таҳдидларнинг ошиб бориши миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш вазифасини кун тартибига қўймоқда. Бу жуда мураккаб вазифа бўлиб, унинг амалга ошуви яна миллатнинг вакиллари бўлган инсонларга бориб тақалади.

«Хавфсизлик» тушунчаси гарчанд давлатлар пайдо бўлган даврдан мавжуд бўлса-да, у ижтимоий-гуманитар соҳага XX аср ва XXI аср бошларида шиддат билан кириб келди. Шу даврдан бошлаб инсон ва миллатнинг онги ва қалбини, маънавиятини эгаллаш йўли билан бутун ер юзида ўз ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган хатти-ҳаракатлар бошланган эди. Аммо унинг кенг қамрови бугунги талаблар даражасидан анча орқада қолмоқда.

«Хавфсизлик» тушунчасига турли луғатлар ва илмий асарларда фалсафий категория сифатида таъриф берилмаган. Лекин «Ўзбекистон миллий энциклопедия»сида «хавф остида қолдириш» (ҳуқуқда) — шахсга қарши жиноятлардан бири: ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳ-

рум бўлган шахсга ёрдам кўрсатмаслик», деган таъриф берилган¹. «Фалсафа: қомусий луғат» ва «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли тажрибавий луғат)»²да «мафкуравий хавфсизлик» тушунчасига қуйидаги бир хил таъриф берилган: «мафкуравий хавфсизлик — шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларда намоён бўладиган мафкуравий тажовузлар, турли мафкуравий марказларнинг бузғунчилик таъсиридан ҳимояланганлик даражасини тавсифловчи тушунча»³.

«Хавфсизлик» тушунчасига россиялик ва бошқа бир қатор олимлар томонидан ҳам фикрлар билдирилган. Тадқиқотчиларнинг бир қисми бу сўзга кенг қамровли таъриф беришга ҳаракат қилган бўлса, иккинчи бирларида бу тушунчанинг фақат айрим шаклларига нисбатан қўлланган таҳлилларни кўриш мумкин. Жумладан, россиялик олим В.Н. Кузнецов: «Хавфсизликнинг мазмуни хавф туғилмаган ҳаёт... фақатгина қайсидир объектга нисбатан хавф эҳтимоли туғилгандагина хавфсизлик феномени юзага келади»⁴, деб ҳисобласа, яна бир россиялик олим В.И. Митрохин: «Хавфсизлик тушунчаси остида шахс, ижтимоий гуруҳлар, давлат, жамият ва умуман цивилизация қадриятлари, шаъни, кадр-қимматининг ҳимояланганлик даражасини англаш лозимлиги»⁵ни кўрсатади. Бошқа бир олимлар Н.А. Северев ва В.К. Дедновлар бу тушунчани «шахс,

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. — Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. 355-б.

² Фалсафа: қомусий луғат. — Т.: «Шарқ», 2004. 251-б.

³ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқача изоҳли тажрибавий луғат). — Т.: «Янги аср авлоди», 2002. 87—88-б.

⁴ Кузнецов В.Н. Социология безопасности. — М.: Книга и бизнес, 2003. — С. 82.

⁵ Митрохин В.И. Концептуальные основы стратегии национальной безопасности России. // Социально-политический журнал. — М., 1995. №6. — С. 23.

жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати»¹, деб таърифлаганлар.

Бундан ташқари, «хавфсизлик» тушунчасига нисбатан «тор» доирада таърифлар ҳам берилган. Жумладан, Р. Яновский фикрича, «Иқтисодий хавфсизлик бу — ишлаб чиқаришнинг моддий ва молиявий тавсифи бўлиб, иқтисодиётнинг геосиёсий соҳадаги ўрни ва барқарорлиги ҳолатидир»². А. Кравченко бу мавзуни: «Ижтимоий хавфсизлик бугунги кунда давлат, жамият ва фуқаролар томонидан жамиятнинг ижтимоий соҳасини барбод этиш ёки деградациялашга қодир бўлган хавф ва таҳдидларнинг олдини олиш, қайтариш ва бартараф этиш учун қўллайдиган чора-тадбирлар»³, дея изоҳлайди. Ижтимоий хавфсизликка бевосита ахборот хавфсизлигининг таъсири мавжуд, бунда узатилаётган маълумот, қабул қилинаётган хабар ва унга нисбатан муносабат кабилар алоҳида ўрин тугади. Ахборот хавфсизлиги мамлакатнинг шундай ҳолатики, бунда фуқаролар, жамият ва давлатга мамлакатнинг ахборот соҳасига таъсир кўрсатиш орқали сезиларли зарар етказилиши мумкин бўлмаслиги сифатида белгиланади⁴.

Ҳарбийлар ўз соҳаларидан келиб чиққан ҳолда хавфсизликка таъриф беришга ҳаракат қилганлар. Улардан А.С. Скворцов, Д.А. Круглов шундай таъриф беришган: «...миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, унинг мазмунидан шахс, жамият ва давлатнинг

¹ Системный анализ и моделирование безопасности. Учебное пособие (Н.А.Северев, В.К.Деднов). — М.: Высшая школа, 2006. — С. 27.

² Яновский Р. Социальная динамика глобальных перемен: социология шанса для России на достойную и безопасную жизнь ее народов. — М.: Книга и бизнес, 2001. — С. 63.

³ Кравченко А.И. Социология и политология. — М.: Изд. центр «Академия», 2000. — С. 273.

⁴ Наука и безопасность России: историко-научные, методологические, историко-технические аспекты. — М.: Наука, 2000. — С. 157.

ташқи ва ички ҳарбий таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолатини тушуниш лозим. Ҳарбий хавфсизликнинг бош мақсади эса ҳарбий таҳдидларни баҳолаш, локализациялаш ва бартараф этиш, мамлакатнинг мавжуд бўлиши ва ривожланиши учун қулай шароитни яратишдан иборат»¹. В.С. Волошко эса, «Ҳарбий хавфсизлик — мамлакатнинг муҳофаа қобилятининг ҳолатини ва қуролли куч воситасида миллий манфаатларни ҳимоя қилишни таъминлаш имкониятини белгилаб берувчи миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисми»², деб кўрсатади. У ҳарбий хавфсизликни давлатнинг уруш келиб чиқишини олдини олиш, агар шундай ҳолат юзага келганда унинг талафотли оқибатларини мамлакат миллий хавфсизлиги учун минимумга келтириш қобиляти сифатида тавсифлайди. Муаллиф ҳарбий хавфсизлик сиёсий, иқтисодий, экологик, ахборот ва бошқалар билан бир қаторда давлат миллий хавфсизлигининг муҳим ва бош тузилмавий таркибий қисмларидан бири бўлиб, улар билан узвий диалектик алоқадорликда бўлади, деб ҳисоблайди³.

Ўзбекистонда ҳам «хавфсизлик» тушунчасига таъриф бериш, унинг маъно-моҳиятини ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда. Ўзбек олимларининг бир қисми «хавфсизлик»ка умумий таъриф беришга ҳаракат қил-

¹ Скворцов А.С., Круглов Д.А. Тенденции изменения содержания военных угроз военной безопасности Российской Федерации на среднесрочную перспективу / Военная безопасность Российской Федерации в XXI веке. Сборник научных статей. Под общей редакцией Квашнина А.В. — М.: ГШ ВС РФ, 2004. // http://www.mvlst.ru/geopolitics/russia_war_security.doc.

² Волошко В.С. Военная политика: проблемы обеспечения военной безопасности Российской Федерации / Военная безопасность Российской Федерации в XXI веке. Сборник научных статей. Под общей редакцией Квашнина А.В. — М.: ГШ ВС РФ, 2004. // http://www.mvlst.ru/geopolitics/russia_war_security.doc.

³ Ўша жойда.

ган бўлсалар, иккинчи бир қисми унинг тармоқларига таъриф беришга ҳаракат қилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, фалсафа фанлар доктори, профессор Р.С. Самаров хавфсизликка маълум тизим сифатида қарайди ва хавфсизликнинг бир йўналиши бўлган миллий хавфсизликка қуйидагича таъриф беради: «Миллий хавфсизлик ҳар бир инсонни жинси, миллати, этниқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳаётий муҳим манфаатларининг ҳимояланганлиги, жамиятнинг моддий, маънавий бойликлари, ижтимоий меъёрлари ҳамда давлатнинг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини ташқи ҳамда ички турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш мақсадида институционал тарзда яратиладиган шарт-шароитлар мажмуасидир»¹. Бунда, муаллиф миллий хавфсизликни яхлит тизим сифатида талқин этиб, миллий: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, экологик каби омилларни назарда тутди.

Ўзбекистонлик олимлардан яна бири А.Э. Ишмуҳаммедов «Хавфсизлик тушунчаси жуда кенг бўлиб, жамият ҳаётига алоқадор деярли ҳамма масалаларни — чегара хавфсизлиги, регион ичидаги тинчлик, экстремистик, миллий гуруҳларнинг йўқлиги, порахўрлик, жиноят кўрсаткичларининг камайиши омилларини ўз ичига олади ва ҳоказо»², — деб ҳисобласа, иқтисодчи олим, профессор Ҳ.П. Абулқосимов: «Хавфсизлик тушунчаси кўп қиррали бўлиб, турлича маънода талқин этилади. Шунга қарамасдан, уларда умумий ғоя ҳам мавжуд бўлиб, бунга кўра хавфсизлик инсоният ҳаётининг турли соҳаларида вужудга келадиган хавф-хатардан ҳимояланиш, кафолатланиш маъносини англатади. Хавф-хатар эса давлат ва жамият ривожланишига, нормал амал қилишига таҳдид солувчи потенциал ёки реал куч, омил ҳисобланади. Хавф-хатар намоён бўли-

¹ Самаров Р.С. Хавфсизликнинг методологик асослари. — Т.: «Академиа», 2010. 14-б.

² Ишмуҳаммедов А.Э. Иқтисодий хавфсизлик (ўқув қўлланма). — Т.: ТДИУ, 2004. 18-б.

шининг кескин шаклларига табиий, ижтимоий катаклизм ва ларзалар, инқироз ва тангликлар, инқилоб ва қўзғолон, уруш ва қуроли тўқнашувлар киради»¹, — деган фикрни билдиради.

Келтирилганлардан ташқари, яна бир қатор хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистонлик олимлар томонидан «миллий хавфсизлик», «ҳарбий хавфсизлик», «чегара хавфсизлиги», «шахс хавфсизлиги» каби қатор тушунчаларга илмий таърифлар бериб келинмоқда. Аммо бу тушунчага таъриф беришда ҳали яқдиллик йўқ. Бу ҳам табиий ҳол, чунки у кенг қамровли тушунча бўлиб, инсон, жамият, давлат ҳаётининг барча соҳаларини таъминлаш зарурияти билан боғлиқдир. Шу сабабли ҳам бу тушунчанинг маъно-моҳияти, барча соҳалардаги ўрни ва аҳамиятини аниқлашга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Барча таърифларда кўриниб турибдики, аввало, бу тушунчанинг турли йўналишларини ўзида мужассамлаштирган фалсафий моҳиятни ифода эттирган аниқ таҳлилни ишлаб чиқишга зарурат бор. Албатта, бу тушунчанинг маъно-мазмунини тўғри тушуниш ва таъсир ўтказиш имкониятини аниқлашда уларнинг таърифлари назарий ҳамда амалий аҳамиятга моликдир. Уларнинг биронтасини инкор қилмаган ҳолда, бу тушунчани умумфалсафий жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, воқеа, ҳодиса, жараён ва турли муносабатлар ўз-ўзидан келиб чиқмайди, балки эҳтиёж, зарурат, манфаат, нотекиклик ёхуд томонлар ўртасидаги тенгсизликнинг инъикоси сифатида юзага келади. Бу — инсоният, табиат ва жамиятнинг барча соҳаларида намоён бўладиган жараёнлар. Энг асосийси, улар ҳар доим мавжуд бўлиб, бунинг амал қилиши натижасида тараққиёт давом этади. Лекин бу ерда асосий муаммо шундаки, эҳтиёж, зарурат, манфаат, нотекиклик, тенгсизлик воқеа, ҳодиса, жараён ва турли муносабатларда ҳар доим ҳам мувозанатда эмас, балки маълум бир томоннинг устуворликка интилиши ҳолатида содир бўлиши билан

¹ Абулқосимов Ҳ.П. Иқтисодий хавфсизлик. — Т.: «Akademiyа», 2006. 6-б.

боғлиқ. Бу, ўз навбатида, «заиф» томоннинг батамом кучсизланиб, кучли томонга «итоат» қилишига мажбур этади. Худди мана шу жараённинг давом этиши «кучсизлар»да хавотирланиш, ҳадиксираш ҳолатларини юзага келтиради. Ана шу ҳолатдан холи бўлиш учун мувозанатга эришиш омилларидан фойдаланиш «заиф» томон фаолиятида амал қиладиган жараён ҳисобланади. Яъни, ўзининг «мен»лигини сақлаб қолишга бўлган интилиш барча ҳодиса, воқеа, жараён ва муносабатларга хос бўлган хусусият ҳисобланади, уларда кечадиган «нотекислик» ва «тенгсизлик» натижасида хавф-хатар юзага келади. Шу тариқа ундан ҳимояланиш, қутулиш, мувозанатдаги тараққиётга эришишга интилиш учун заиф томоннинг ўз хавфсизлигини таъминлаш зарурияти юзага келади. Ана шу тариқа «хавфсизлик»ка эришиш боқий муаммо сифатида давом этади.

Ана шу фикрларимизга асосланиб, «хавфсизлик деганда, воқеа, ҳодиса, жараён ва турли муносабатларда кечадиган устуворликка интилиш амалиёти давомида «кучли»нинг «заиф» ёки «кучсиз» томонга ўтказадиган салбий таъсирдан ҳимояланганлик салоҳиятини тушуниш мумкин. Албатта, бу таъриф «хавфсизлик» тушунчасининг маъно-моҳиятини тўла очиб беради, деган фикрдан йироқмиз. Уни ҳали такомиллаштириш, биз англамаган қирраларини тўлароқ очиб беришга эҳтиёж борлигини эътироф этамиз. Айниқса, уни баъзи олимлар, мутахассислар ва тадқиқотчилар «омил» деса, бошқа бировлари «ҳолат», яна бировлари «хавф туғилмаган ҳаёт» ва тўртинчи бировлари «ҳимояланганлик даражаси» деб ҳисоблайдилар. Профессор Р. Самаров эса: «Хавфсизлик — аниқ объектнинг (ички ва ташқи жиҳатдан) ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, бунда барча таҳликалар меъёрий даражалардан ошиб кетмаслиги тушунилиши лозим», деб таъкидлайдилар¹.

Албатта, улар юқорида таъкидлаганимиздек, ўзларининг масалани қайси томонини ўрганишдан келиб

¹ Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари. — Т.: «Akademiya», 2010. 74-б.

чиққан ҳолда ёндашганлар. Шу маънода бу фикрларнинг биронтасига эътироз билдириб бўлмайди.

Биз томонимиздан берилган таъриф, хавфсизликнинг умумфалсафий жиҳатларини ўзида ифода этади. Ундаги асосий ғоялардан бири хавфсизликни ҳимояланганлик салоҳияти сифатида қараганимизда ўз ифодасини топмоқда.

Биз назарда тутаётган «ҳимояланганлик салоҳияти» юқорида муаллифлар томонидан келтирилаётган таърифларга қарши эмас, балки унда «хавфсизлик»нинг таъминланиши нафақат «куч» билан, айти пайтда салоҳиятнинг интеллект билан боғлиқлигини назарда тутилмоқда. Бу ерда салоҳият кенг қамровли тушунча бўлиб, ўзига «куч» билан бирга «интеллектни» ҳам қамраб олади. Айтиқса, бугунги кунда жаҳонда хавфсизликни таъминлашда кучдан кўра интеллектуал имкониятлардан фойдаланишга эътибор кучаяётганлиги назарда тутилса, хавфсизликни «ҳимояланганлик салоҳияти» сифатида қарайдиган бўлсак, унда таърифнинг ҳамоҳанглиги келиб чиқади.

«Хавфсизлик» ўз вақтида миллий, минтақавий ва халқаро тоифага ажратилиб, унинг ўзига хос тизими ҳам мавжуд. Унга ижтимоий хавфсизлик, иқтисодий хавфсизлик, сиёсий хавфсизлик, маънавий хавфсизлик, мафкуравий хавфсизлик, экологик хавфсизлик, шахс хавфсизлиги, ҳарбий хавфсизлик, ресурс хавфсизлиги ва бошқалар киради. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, турли омиллар орқали таъминланади.

Бу тизимда миллий хавфсизлик алоҳида ўринга эга бўлиб, у кенг маънода тизимни ташкил этувчи хавфсизлик шаклларини ўзида қамраб олади. Унинг кенг қамровли эканлиги шундаки, **миллий хавфсизлик деганда, мамлакат ва унинг ҳудудида яшайдиган барча инсонларнинг миллати, ирқи, жинси, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, турли салбий таъсирлардан, ёвуз кучлар ва ғоялар хавф-хатаридан ҳимояланганлигини тушуниш мумкин бўлади.** Айти пайтда «миллий хавфсизлик» деганда давлат чегараларининг

ташқаридан ва ичкаридан юзага келиши мумкин бўлган турли гаразли кучларнинг салбий таъсирларидан ҳимояланганлиги ҳам назарда тутилади. Яъни, «миллий хавфсизлик» айрим олинган бир миллатга тааллуқли тушунча эмас, балки бутун мамлакат, унинг барча моддий ва маънавий бойликлари, унда яшайдиган бутун аҳолининг турли салбий таъсирлардан ҳимояланганлигини ўзида ифода этади.

Шу маънода ҳам бугун «миллий хавфсизлик» илмий-назарий тушунча сифатида қўлланилиб келинмоқда. Айни пайтда, муаммонинг конкрет йўналишда юзага келишига қараб, «чегара хавфсизлиги», «экологик хавфсизлик», «мафкуравий хавфсизлик» ва бошқа бир қатор тушунчалар ҳам мавжуд.

Аммо бугунги кунгача «хавфсизлик» тизимида «миллий-маънавий хавфсизлик» тушунчаси қўлланилмай келинмоқда. У, асосан, «миллий хавфсизлик»нинг «ичида», унинг таркибий қисми сифатида қаралган ва тасаввур этиб келинган эди. Шунинг учун ҳам у илмий истеъмолдан четда қолиб келган. Лекин бугунги кунда уни мустақил тушунча ва муаммо сифатида ўрганиш зарурияти келиб чиқмоқда. Унинг қуйидаги сабаблари бор: **биринчидан**, бугун инсоният ва жаҳон тараққиётида миллий маънавиятнинг роли ҳар қачонгига қараганда ошиб бормоқда, у инсонларнинг онги ва қалбини эгаллашнинг муҳим омилига айланмоқда; **иккинчидан**, инсониятнинг интеллектуал салоҳияти юксак даражага кўтарилишига қарамасдан, унинг маънавияти заифлашиб, қашшоқлашиб бормоқда. Бунинг натижасида ёвузлик, зўравонлик, худбинлик, ахлоқсизлик, қасддан одам ўлдириш, одам савдоси, инсоният ирсиятини бутунлай барбод қилувчи наркомания каби маънавий иллатларнинг энг жирканч кўринишлари ҳар қачонгига қараганда ҳам авж олмоқда; **учинчидан**, шиддат билан шаклланиб келаётган «оммавий маънавият»нинг миллий маънавиятга нисбатан таҳдиди кучайиб бормоқда. Бунга жавоб сифатида ер куррасида яшаётган миллатлар, халқлар, ҳатто кам

сонли этносларнинг ўз заминларига таяниб ўзлигини сақлаб қолиш, меросини ўзлаштиришга бўлган интилиш тўлқинлари юзага келмоқда; **тўртинчидан**, узоқ йиллар давомида ривожланган мамлакатларда аждодлар билан авлодлар ўртасида ўзаро бегоналашув, юксак иқтисодий тараққиёт таъсирида шаклланган янги инсон, оила, ота-она, қариндош-уруғ, ватан, миллат ва бошқа бир қанча қадриятлар ривожланиб, ўзининг «авж» нуқтасига етиб, кейинги истиқбол учун жавоб бера олмасдан қолмоқда. Улар бугун бу салбий ҳолатдан чиқиб кетиш йўлини изламоқдалар ва ана шундай имкониятлардан бири сифатида яна «орқага қайтиб», маънавият омилига мурожаат этиш зарурлигини англаб етмоқдалар.

Бу жараёнда улар ўз маънавиятини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши сифатида «оммавий маънавият»ни миллий маънавиятларга сингдириш, уларни заифлаштириш йўли билан ўзларининг устунлигини исботлашга уринмоқдалар. Ўз заминларига таяниб ривожланаётган миллий маънавиятларнинг заифлашуви эса «оммавий маънавият»нинг бутун ер куррасидаги ҳукмронлигини таъминлайди ва уни шакллантирган ҳамда оммалаштираётган мамлакатларнинг ўзга мамлакатлар ва уларда яшаётган миллатлар ҳамда элатларнинг қарам бўлиб қолишига олиб келади. Яъни, маънавият ана шу тариқа тараққий қилган мамлакатларнинг ер куррасидаги ҳукмронлигини таъминлаш воситасига айланиб бормоқда.

Бугун жаҳон миқёсида инсониятнинг интеллектуал салоҳияти юксак тараққиёт даражасига эришди. Эндиликда инсон ўз манфаатлари ва умумтараққиётга хизмат қиладиган энг мураккаб муаммоларни ҳал қилишга қодир. Бунинг натижаси ўлароқ ер куррасининг бир қисмидаги мамлакатларда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий ҳаёт тараққий этган бўлса, иккинчи бир қисмида ҳали инсонларнинг оғир шароитларда яшаши, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг энг ночор

аҳволда қолиши давом этмоқда. Ана шу муаммоларни ҳал қилиш бугун умуминсоний вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бундай шароитда юксак тараққиётга эришган мамлакатларнинг ер куррасида нафақат иқтисодиёт ва сиёсатда, шунингдек, миллатлар маънавий ҳаётининг барча соҳаларида ҳам ўз гегемонлигини ўрнатишга ҳаракат қилиши авж олмоқда. Агар дунёнинг икки қутблилиги шароитида ер юзини эгаллашга қаратилган кураш улар ўртасида амал қилган бўлса, бугунги кунга келиб дунёнинг сиёсий манзараси тубдан ўзгариб, унинг кўп қутблиликка айланиши шароитида юксак тараққиётга эришган мамлакатларнинг кам тараққий қилган мамлакатлар, уларда яшаётган халқлар ва миллатларни ўзларига қарам қилишга кураш шаклларининг сони маънавият ҳисобига яна биттага ортди. Жумладан, бугунги кунга келиб давлат, миллат, шахс ва жамиятга қаратилган илгари мавжуд таҳдид шакллари қаторига — миллий маънавиятга қарши қаратилган таҳдид ҳам юзага келди. Унинг катта муаммога айланаётганининг асосий сабаби шундаки, унга нисбатан таҳдидлар «беозор», қандайдир «янгилик», бир хилликдан бешиб, тўқликни шўхликка айлантирган инсонларга, айниқса, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ёшларга «завқ», «шавқ», «маънавий озуқа», руҳий «кўтаринкилик» ва «илҳом» бағишлагандай бўлиб кўринади. Шу боисдан ҳам уларнинг миллий маънавиятга бўлган салбий таъсирини аниқлаш мурраккаб кечади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу таҳдидлар, биринчи навбатда, миллий маънавиятга қарши қаратилган. Бунинг иккита сабаби бор: **биринчидан**, бугун дунё мамлакатлари кўп миллатли бўлиб, уларда маънавиятнинг турли-туманлиги амал қилмоқда. Ана шундай шароитда уларнинг ташқаридан бўладиган «янгиликка» мойиллиги ҳам кучли бўлади. Бу эса, турли-туманликни ягона «ўзан»га йўналтириш услубидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради; **иккинчидан**, мамлакатларни эгаллаш учун уларга қарши очикдан-очик қурол билан курашдан кўра, уларнинг

аввал маънавиятини эгаллаш, шу йўл билан «ичидан» емириш услубининг имкониятлари катта эканлиги намоён бўлмоқда.

Миллий маънавиятга таҳдидлар ҳар доим ҳам мавжуд бўлган, аммо тарихий тараққиёт жараёнларидан маълумки, зўравон мамлакатлар бошқа мамлакатлар ва халқларни аввал қурол кучи, қудрати билан ўзларига қарам қилганлар, ундан кейин эса маънавий ҳаётларини эгаллашни амалга оширишга киришганлар. Шунинг учун ҳам улар ўз ҳукмронлигини абадий сақлаб қолишга эриша олмаганлар. Бунга Марказий Осиё, Ҳиндистон ва бошқа ҳудудларнинг босиб олиниши ва кейинчалик уларда яшаётган халқларнинг маънавиятларига нисбатан олиб борилган зўравонлик жараёнларини мисол қилиб келтириш мумкин. Ана шу ҳудудлар халқларининг маънавияти кучли, илдизлари мустақамлиги зўравон босқинчиларнинг ҳукмронлигига барҳам беришда уларга куч-қудрат, илҳом ва яқдиллик руҳиятини бағишлаб турган. Шунинг учун ҳам бу халқлар мустақиллигига эришдилар ва ўзига хос бўлган миллий-маънавий хусусиятларини қайта тиклашга муваффақ бўлдилар.

XX аср охири ва XXI аср бошларига келиб, юксак тараққиётга эришган зўравон мамлакатлар ўзга мамлакатлар ва унда яшаётган халқларни ўзларига қарам қилиб олиш услуби ва йўналишини ўзгартириб, энди қурол кучи билан эмас, балки **маънавий-руҳий таъсир** ўтказиш, уларнинг онги, қалби ва руҳиятини эгаллаш услубидан фойдаланишни амалга оширишга **киришдилар**. Бу услубнинг хатарли жиҳати, **биринчидан**, тараққий қилган мамлакатлар турли йўналишларда кам тараққий қилган халқларга «ёрдам» бериш баҳонасида ўзларининг асосий мақсадларини амалга оширишга имконият яратадилар. Бундай шароитда улар халқларнинг маънавияти, онги, қалби ва руҳиятига кириб бориш ва уларни эгаллаш борасидаги асосий стратегик мақсадларини амалга оширишлари мумкин бўлади; **иккинчидан**, бу услубда харажатлар ҳам қуролга нисбатан арзон тушади; **учинчидан**, жаҳон жамоатчилиги

кўзида бу мамлакатлар ўзларини «босқинчилар» эмас, балки «ёрдам берувчилар», «халоскорлар», «инсонпарварлар», умуминсоний «маънавият ва маърифат»ни «ривожлантирувчилар» қилиб кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

Зўравон мамлакатларнинг бу услуби ўзга мамлакатларда мавжуд барча бойликларни қўлга киритиш ва бутун мустақил давлатлар устидан абадий ҳукмронликка эришишни осонлаштиради.

Шу тариқа жаҳонда ягона ҳукмронлик учун курашнинг янги услуби юзага келмоқда ва бу жараённинг ривожланиши кузатишмоқда.

Албатта, халқларнинг бир қисми бугун ўз миллий маънавиятларига нисбатан ана шундай таҳдидлар хавфининг кучаяётганлигидан хавотирга тушмоқдалар. Бу бугун жаҳон миқёсида миллий жараёнларнинг янги босқичга кўтарилишида намоён бўлмоқда. Жумладан, буни миллатларнинг ўзлигини сақлаб қолиш, миллий-маънавий заминларни тиклаш, уларни ўз тараққиётларининг асосий манбаларига айлантиришга бўлган интилиш ҳар қачонгига қараганда ҳам ривожланиб бораётганлигида кўриш мумкин.

Айни пайтда, юқорида таъкидлаганимиздек, юксак тараққий қилган мамлакатларда инсонларнинг ўзаро бетоналашуви, бир жинсли никоҳнинг қонунлаштирилиши, ота-она, оила, фарзанд, қон-қариндошлик ва бошқа бир қатор умуминсоний қадриятларга қарма-қарши бўлган индивидуализм, «ўзингни бил, ўзганини қўй» тамойилини амалиётга айлантириш ва уларни оммавийлаштиришга бўлган интилиш кучайиб бормоқда. Худди ана шу оммалаштириш, энг аввало, маънавияти қашшоқ якка шахсларга, улар орқали эса бутун миллатга қаратилганлиги билан хатарли тус олмоқда. Шу тариқа бугун мавжуд хавфсизлик шакллари тизимига янги, **миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш** жаҳондаги халқлар ва миллатлар тараққиётидаги глобал муаммо сифатида юзага келди. Зеро, **миллий маънавиятнинг барбод бўлиши бугун инсоният эришган та-**

маддуннинг (цивилизациянинг) барбод бўлишига олиб келиши муқаррардир. Шунинг учун ҳам миллий маънавиятни асраш бутун инсониятни, унинг жозибаси ва салоҳиятини таъминлаш вазифасига айланиб бормоқда.

Миллий маънавият, миллий хавфсизлик тизимида алоҳида ўринга ҳамда ўзининг таркибий қисмларига эгадир. Шу боис, миллий-маънавий хавфсизлик деганда, нимани тушунмоқ керак, деган саволга жавоб беради.

Фикримизча, **миллий-маънавий хавфсизлик** деганда, миллий маънавиятнинг барқарор тараққий қилиши учун шарт-шароит, вазият, имкониятларнинг мавжудлиги, унинг ўзига хослигига зид бўлган турли маънавий, руҳий, ахлоқий ва эстетик таҳдидлардан ҳимояланганлиги ва миллий маънавиятнинг умуммиллий тараққиётнинг табиий эҳтиёжи ва амалиётига айланганлик салоҳиятини тушуниш мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, миллий маънавиятга бўлган эҳтиёжнинг ошиб бориши глобаллашув жараёни таъсирида шаклланаётган «янги кадриятлар»нинг истиқбол учун жавоб бера олмаслиги билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Маънавиятнинг аниқ субъектлар орқали намоён бўлишидан келиб чиқилганда, асосий таҳдидлар инсон ва миллат маънавиятига қаратилганлиги келиб чиқади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсонсиз миллатни, миллатсиз инсонни тасаввур этиб бўлмайди. Шу маънода ҳам миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш деганда, уларни уйғун ҳолатда тушунмоғимиз зарур бўлади.

Миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашнинг мантиқий давоми сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: **биринчидан**, миллий маънавият ўз номига мувофиқ у ёки бу миллатга тааллуқли бўлиб, унинг ўзига хос урф-одат, анъана, кадриятларини ифода этади. Миллатлар маънавияти қанча мустаҳкам бўлса, «оммавий маънавият» шаклланишига имконият қолмайди, унинг ўрнига миллатлар маънавиятларининг энг илгор жиҳатларини ўзида мужассам эттирувчи умуминсоний

маънавият шаклланиб боради. Унинг характерли жиҳати шундаки, у қайсидир юксак тараққий этган мамлакатларнинг тазйиқ ўтказиши эмас, томонлар тенглиги асосида табиий равишда кечади. Бугун миллий маънавиятга қарши қаратилган таҳдидлар ана шу ўтказилаётган тазйиқнинг кучайиши натижасида ўз ифодасини топмоқда; иккинчидан, миллий маънавиятга қарши қаратилган тазйиқлар иқтисодий юксаклик имконияти воситасида ўтказилаётгани боис ҳам юзаки қараганда сезилмаса-да, амалда у миллий маънавиятларни емиришида асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки жаҳонда яшаётган турли миллат ва халқларнинг юксак тараққий қилган мамлакатлар ҳамда уларда яшаётган миллатлар ва халқларга ҳавас қилиши, «махлиё» бўлиши ва уларга интилиши табиий бўлиб, бу жараёнда кам тараққий қилган миллатлар осонгина уларнинг нафақат иқтисодиётига, шунингдек, маънавий таъсирига ҳам тушиб қолмоқдалар. Буларнинг таъсирида миллий маънавиятларда уларнинг табиатига, ўзига хослигига бутунлай зид бўлган янги қадриятлар кириб бормоқда. Хавfli жиҳати шундаки, улар миллатлар онги ва қалбини эгаллаб олмоқда. Бу жараён натижасида аста-секинлик билан миллий маънавиятлар ўзининг ташқи, ички жозибаси ва гўзаллигидан маҳрум бўлиб қолиш хавфини юзага келтирмоқда.

Келтирилганлардан кўриниб турибдики, бугунги кунда миллий маънавиятимизга нисбатан маънавий, руҳий, ахлоқий ва эстетик таҳдидлар турли омиллар, услублар ва хатти-ҳаракатлар мавжуд бўлиб, улар макон ва замон нуқтаи назаридан шиддат билан ривожланиб бормоқда. Уларнинг хатарли жиҳатларидан яна бир томони шундаки, замонавий оммавий ахборот воситаларининг босими миллий маънавиятнинг ўз заминлари асосида ривожланишига имконият қолдирмаётир. Бу реал ҳаётда нафақат ёшлар, шунингдек, маълум ҳаётий тажрибага эга бўлган миллатдошларимизда Интернет ёки телевидение орқали берилаётган кинофильмлар, мусиқа, турмуш тарзларини ўзлашти-

ришга ёки уларга тақлид қилишга бўлган интилиш миллий мерос, халқимизнинг анъанавий санъати, фольклорларига бўлган қизиқишдан устувор даражада ривожланмоқда. Битта мана шу хавф-хатарнинг ўзи бугунги кунда миллий маънавиятимизга шиддат билан кириб келаётганлиги янгилик эмас. Айни пайтда, бу жараённинг айрим миллатдошларимиз томонидан оддий тараққиётнинг белгиси сифатида қаралаётганлиги жиддий таҳдид ҳисобланади. Чунки бу жараёнда миллий маънавият, руҳият, ахлоқ, гўзалликка бўлган муносабатлар ўзгаради, улардаги асосий мезон миллий қадриятлар эмас, балки ўзгаларнинг қадриятлари бўлиб қолади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «... ҳозирги замондаги энг катта хавф — инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади»¹.

Ҳақиқатан ҳам онг, дунёқараш ва қалбга кириб олган, унинг ажралмас қисмига айланган қарашлар, меъёрлар, фикрлар, тафаккур юритиш салоҳияти ниҳоятда хатарли ҳисобланади. Чунки ундан кутулиш, яна маънавий тараққиётни миллий заминлар асосига йўналтириш учун йиллар ва катта маблағлар талаб этилади. Ана шу жиҳатдан ҳам маънавият, руҳият, ахлоқ, гўзалликни ҳис этишда миллий ўзига хосликка қарши юзага келаётган хавф-хатарнинг олдини олиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Миллат ўлмаганидек, маънавият ҳам доимо боқийдир. У авлодларни бир-бирига боғлаб турадиган, уларнинг руҳан ва маънан яқинлигини таъминлайдиган, миллатга завқ-шавқ, илҳом, гўзаллик, ифор багишлаб, уни истиқболга интиштирувчи омилдир.

¹ Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси — халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. — Т.: «Ўзбекистон», 2000. 6—7-б.

Миллий маънавият миллат бир бутунлигини ифода этувчи, унинг умрбоқилигини таъминловчи, барча хусусиятларини намоён этувчи, сақлаб турувчи ва ҳимоя қилувчи қалқон ҳисобланади. Шу маънода ҳам миллий маънавиятни асраш, унинг хавфсизлигини таъминлаш миллатнинг бугуни ва истиқболи учун муҳим вазифа бўлиб қолаверади.

Миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш ҳар бир миллат учун муқаддас вазифа, унинг ўзлигини сақлаб қолиш ва намоён этиш имконияти ҳисобланади. Унинг яна бир жиҳати шундаки, у тор доирадаги тушунча эмас, балки у мамлакат ва унда яшаётган бошқа миллат ва элатларнинг ўзига хослигини, турли таҳдидлардан ҳимояланганлигини ҳам қамраб олади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «... маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охиروқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин»¹.


Ҳақиқатан ҳам, маънавият омилидан фойдаланган ҳолда турли хавф-хатарларни вужудга келтириш мумкин. Чунки унинг қуйидаги жиҳатлари мавжуд: а) у инсон онги, дунёқарashi ва қалби билан боғлиқ бўлиб, улар маънавиятнинг асосий қон томирлари ҳисобланади. Тараққиётга зид бўлган гоё билан онг, дунёқараш ва қалбнинг забт этилиши инсоннинг ўзлигидан маҳрум бўлишига олиб келади, у бундай ҳолатга тушиб қолганда, «юмшоқ» ва «мулойим», итоаткор бўлиб қолади. Чунки онг, дунёқараш ва қалб инсоннинг энг нозик туйғулари ҳисобланади. Улардан маҳрум этилган инсонда ўзгаларга қарам бўлиб қолиш осон кеча-

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 12-б.

ди. Миллат инсонлар уюшмасидан иборатлигидан келиб чиқилганида, инсонларнинг онги, дунёқараши ва қалбидаги ўзгаларга итоаткорлик туйғулари миллий онг, дунёқараш ва қалбда ҳам ўз ифодасини топади; б) миллий онг, дунёқараш ва қалбдаги ўзгаришлар маънавиятда ўз ифодасини топади. Бу миллий маънавиятни ташкил қилувчи миллий ўзликни англаш, урф-одат, анъана ва қадриятларда ҳам ўзини намоён этади, деганидир. Миллий онг, дунёқараш, қалб ва руҳиятнинг ўзгариши ёки уларнинг бутунлай забт этилиши миллий маънавиятни эгаллашнинг асосий омили эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, миллатни қарам ёки уни барбод қилиш учун даҳшатли қуроллардан фойдаланмасдан туриб, ана шу салоҳиятдан маҳрум қилишнинг ўзи кифоя қилади. Булардан келиб чиқадиган хулоса шуки, миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш миллат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омили ҳисобланади.

«Миллий хавфсизлик» миллий-маънавий хавфсизлик, иқтисодий хавфсизлик, сиёсий хавфсизлик, ҳарбий хавфсизлик, экологик хавфсизлик, ресурс хавфсизлиги ва бошқа турларни ўзида мужассамлаштиради. Яъни миллий хавфсизликни таъминлаш миллий тараққиётга бўладиган ҳар қандай таҳдидларнинг бар-тараф этилганлигини ҳам билдиради. Лекин миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий механизми қаерда, деган савол келиб чиқади. Хавфсизликни бир-бири билан узвий боғланган занжирга қиёслайдиган бўлсак, уларнинг асосий ҳалқасини топмасдан туриб, миллий тараққиётга қарши қаратилган таҳдидларни бар-тараф этиб бўлмайди. Ана шу занжирдаги асосий ҳалқа эса миллий-маънавий хавфсизликдир. Хўш, нима учун у асосий ҳалқа ҳисобланади? Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, миллий онг, дунёқараш, руҳият ва қалб миллий маънавиятда ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам уларнинг мустақамлиги, барқарор тараққиёти на-

тижасидагина иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳарбий, чегара, экологик ва бошқа хавфсизликларни таъминлаш мумкин. Агар уларни бир тизимга (занжирга) бирлаштирсак, қуйидагича ифодалаш мумкин.



Бу занжирда асосий ҳалқа миллий хавфсизлик бўлса, уни таъминлашнинг асосий омили миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш ҳисобланади. Хўш, нима учун у асосий омил ҳисобланади? Чунки: а) миллий онг, дунёқараш, руҳият ва қалбда миллий хавфсизликни таъминлаш миллат вакилларида миллатни асраш ва ривожлантиришнинг асосий шарти эканлиги англаб етилмас экан, унга эришиб бўлмайди; б) миллий-маънавий қашшоқлик бўлган жамиятда сиёсий беқарорлик юзага келади; в) **маънавияти қашшоқ** миллатда ўз ватанини ҳимоя қилишга куч-қудрат етмайди. Бундай миллат вакиллари ўз ватанига хоинлик қилишдан ҳам қайтмайди. Унга ҳамма жой ватандай кўринаверади, ўз манфаатини ҳамма қадриятлардан устун қўйиб яшайдиган беватан инсонлардир; г) **Ватанни** ҳар қандай ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш, унинг чегаралари мустаҳкам бўлишига ўз ҳиссасини қўшишга ин-

тилувчи инсонларда миллий маънавият кучли бўлади. Ўз ватанининг чегаралари мустаҳкамлиги, унинг хавфсизлиги таъминлаганлигини худди ўз оиласининг мустаҳкамлиги ва хавфсизлигини таъминлаш сифатида қарайдиган инсонларнинг маънавияти юксак бўлади. Иқтисодий хавфсизликда мамлакатнинг мавжуд ресурсларидан тежаб фойдаланиш, уларнинг талон-торож қилинишига ва чет элларга олиб чиқилишига йўл қўймаслик ҳам инсонлар маънавияти билан боғлиқ. Маънавиятли инсонлар мамлакат бойлигини кўз қорачигидай асраш, уларни ғайриқонуний йўл билан ўзлаштиришга ҳаракат қиладиган кимсаларга нисбатан нафрат туйғуларининг юзага келиши ҳам маънавият билан боғлиқдир; д) жамиятда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, турли ижтимоий табақалар ўртасидаги муносабатлардаги дўстлик, ўзаро ҳамкорлик ва барқарорликнинг амал қилиши ҳам маънавият билан боғлиқдир. Агар маънавият тараққий қилган бўлса, улар ўртасида ўзаро муносабатларда манфаатлар мувозанати амал қилади ва жамият барқарор ривожланиб бораверади; е) атроф-муҳитни тоза, ораста тутиш, мамлакат табиатини, ҳайвонот дунёсини, ўрмон ва сув захираларини асраш, об-ҳавонинг ифлосланишига йўл қўймаслик ҳам маънавият билан боғлиқдир. Маънавиятли инсонлар ана шу бойликлар нафақат бугун, шу билан бирга истиқболда ўз авлодлари учун ҳам зарурлигини яхши билади ва ўз имконияти доирасида уларни асрашга ҳаракат қиладди. Маънавий қашшоқ инсонлар эса бундай туйғуларга эга бўла олмайди; ж) ғоявий-мафкуравий хавфсизлик деганимизда, миллий ғоя ва миллий мафкуранинг миллатни заифлаштиришга қаратилган ташқаридан кириб келувчи ҳар қандай ёвуз ғоялар ва мафкураларга нисбатан кучлилиги, миллий онг, дунёқарашни улар таъсиридан ҳимоя қилиши ва миллий манфаатларни тараннум этишда ҳамда унинг амалиётда намоён бўлишини таъминлай билишдаги катта салоҳияти назарда тутилади. Бунга эришиш ҳам юксак даражада ривожланган маънавиятга боғлиқ ҳолда

кечади; з) бугун инсонлар ва миллатлар кучли ахборот босими остида яшамокда. Тараққий қилган мамлакатлар ўзларида мавжуд бўлган юксак даражадаги ахборот воситалари орқали дунёда ўз ҳукмронлигини ўтказиш мақсадида турли бузгунчи гоёлар, ахлоқий қашшоқлик ва бўҳтонлардан иборат хабарлар, ахборотлар ва маълумотларни жаҳон афкор оммаси ўртасида тарғиб қилмоқдалар. Мана шундай шароитда уларни танлаш, инсон ва миллат манфаатларига зид бўлган жиҳатларидан огоҳ бўлиш маънавият билан боғлиқдир. Маънавияти юксак инсонлар ва миллатларгина огоҳ бўлишга ҳамда улар таъсиридан ўзларини ҳимоя қилишга қодир бўлади; и) бугун дунёдаги тараққий қилган мамлакатларнинг жаҳондаги турли мамлакатлардаги юксак интеллектуал салоҳиятли олимлар ва мутахассисларни «ўғирлаш»и анъанага айланган. Улар бундай олимлар ва мутахассисларга барча моддий имкониятларни вужудга келтириш, техник ва технологик шарт-шароитларни яратишга ваъда бериб, уларни ўз мамлакатларига олиб кетишга муваффақ бўлмоқдалар. Улар бу фаолиятлари билан, бир томондан, ана шундай кадрларни тайёрлашга кетадиган маблағ ва вақтни тежашга эришиб, тайёр олим ва мутахассисларни қўлга киритмоқдалар; иккинчи томондан, мамлакатларни интеллектуал жиҳатдан заифлаштиришга ва охир-оқибатда ўзларига қарам қилишга интилмоқдалар. Бундай шароитда юксак маънавиятга, ўз миллати ва Ватанини севиш руҳиятига эга бўлган инсонлар моддий бойлик эвазига ўзга мамлакатларга кетишдан ўзларини тиядилар. Бунга ҳам юксак маънавиятлиларгина амал қилиши мумкин. Маънавияти қашшоқлашган инсонлар эса ўзгаларнинг таклифларига мойиллик билдирадилар. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, бошқа мамлакатларга кетиб, ўзи ва ўз мамлакатига манфаатлар келтирадиган интеллектуаллар ҳам борки, бу умуммиллий тараққиёт учун аҳамиятлидир. Шу маънода қандай бўлишидан қатъи назар, ўз интеллекту-

аллари маънавий юксаклигини таъминлаш миллий таъриққийнинг зарурий шарти бўлиб қолмоқда.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашдан туриб, миллий хавфсизликка эришиб бўлмайди. Миллий хавфсизлик тизимини ташкил қилишнинг барча турлари миллий-маънавий хавфсизликнинг қандай таъминланганлигига боғлиқ бўлиб қолаверади. Буни биз реал амалиётда содир бўлаётганлигининг ҳам гувоҳи бўлиб турибмиз. Чунончи, бугун дунё миқёсида ер куррасига эгалик қилишга даъвогарлик қилаётганларнинг қиргинбарот моддий қурооллардан фойдаланишдан кўра, инсонлар онги, дунёқараши ва қалбини эгаллашга бўлган интилишлар устувор даражага кўтарилиб бормоқда. Шу боисдан ҳам илмий истеъмолда бундан 20—25 йил илгари бўлмаган «ғоявий тазйиқ», «ахборот хуружлари», «мафкуравий таҳдид», «мафкуравий иммунитет» ва бошқа бир қатор тушунчалар бугун мустақкам ўрин олди. Улар бугунги кунда кучайганидан кучайиб бормоқда. Айни пайтда, уларни бартараф этмасдан туриб, барқарор миллий хавфсизликка эришиб бўлмайди. Бунинг учун эса миллий-маънавий хавфсизликка эришишимиз зарур бўлади. Агар бунга эриша олсак, барча хавфсизликнинг негизи, ядроси бўлган миллий хавфсизликни таъминлашга эриша оламиз.

Бунинг учун эса, энг аввало, миллий маънавиятга қарши бўлган хавф-хатарларнинг юзага келиши нималар билан боғлиқлигини, унинг сабабларини аниқлаш лозим бўлади. Қандай сабаблар, омиллар ва воситалар миллий маънавиятга қарши хавф-хатарларнинг юзага келишига олиб келиши мумкин? Бу саволга жавоб беришдан олдин «хавф-хатар» ва «таҳдид» тушунчалари устида қисқа тўхталиб ўтамиз.

«Таҳдид» турғунлик ҳолатидаги хавф-хатардир. Хавф-хатар эса «таҳдид»нинг амалиётга айланиши, «ишлаши», нимагадир таъсир ўтказишининг бошланишидир. «Таҳдид»нинг хавф-хатарга айланиши миллий маъна-

виятга нисбатан қўлланилганда унда ички ва ташқи емирилиш жараёни кечаётганини тушуниш мумкин. Зеро, «тахдид» хатарли куч бўлишига қарамасдан, агар амалиёт даражасига айланмаса, унинг таъсир ўтказиш мақомини англаб етиш мураккаблигича қолади. Хавф-хатар доим ҳаракатда бўладиган жараён ҳисобланади. У «тахдид»нинг юзага келиши оқибатида содир бўлади. Хавф-хатарнинг бошида «тахдид» туради. «Тахдид»да турғунлик мавжуд бўлса, хавф-хатар ҳар доим ҳаракатдаги жараёндир. Бугун миллий маънавиятга қайси бири кучли таъсир ўтказмоқда, деган саволга жавоб излайдиган бўлсак, айтиш мумкинки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам кучайгандан кучайиб бормоқда. Бунинг маъноси шуки, тахдид кучайиб боргани сари унга мос равишда миллий маънавиятга нисбатан хавф-хатар ортмоқда ҳамда унинг ичкаридан ва ташқаридан емирилиш жараёнлари авж олмоқда. Айни пайтда, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ягона куч сифатида амал қилмоқда.

Миллий маънавиятга нисбатан хавф-хатар куйидаги ҳолатларда юзага келади: а) миллатнинг ўзгаларга қарамлик ҳолатига тушиб қолишида; б) миллий бирликнинг сусайишида; в) миллат вакиллариининг ўз миллий маънавиятидан бегоналашувида; г) таълимнинг тарбиядан узилиб қолишида; д) мамлакатда қонун устуворлигининг етарли даражада амал қилмаслиги ва коррупциянинг кучайишида; е) демократик қадриятлар ривожланишининг миллий тараққиёт эҳтиёжларидан орқада қолиши шароитида кабилар.

Миллатлар тараққиёти тажрибаларидан маълумки, миллатнинг қарамлик ҳолатига тушиб қолиши табиий равишда уни қарамликка айлантирган мамлакатлар томонидан маънавиятидан жудо қилишга, ўз тили, урф-одат, анъана ва қадриятларини сингдиришга ҳаракат қилинади. Мустамлака давлатлар томонидан олиб бориладиган бундай сиёсат натижасида миллат вакиллари ўз миллий заминларидан узоқлашиб, миллий онг, дунёқараш ва ўзликни англаш заифлашиб боради. Бу

жараён бирданига эмас, балки аста-секинлик билан кечади. Унинг характерли жиҳати шундаки, миллат заминлари мустаҳкам бўлса, у ўзлигини асраш ва мустақилликни қўлга киритишга ҳаракат қилади, унинг ўзлигини сақлашга ва ўз мустақиллигини қўлга киритишга бўлган интилиши қанчалик тез бошланадиган бўлса, мустамлакачилар томонидан миллий маънавиятни барбод қилишга бўлган хатти-ҳаракатларнинг таъсири таҳдид даражасигача етиб бормаслиги мумкин. Аммо унинг тобора емирилиш хавф-хатарлари юзага келади. Албатта, бу жараённинг қайси томонга қараб ривожланиши миллатнинг озодликни қўлга киритишга бўлган имконияти, душманга қарши ягона куч бўлиб бирлашуви, ташқаридан ўтказиладиган таъсирларга муносабати ва мустамлакачи мамлакатларнинг ўзи қарамликка айлантирган миллатларни ўз таъсирида сақлаб туришга етадиган имкониятларига боғлиқ бўлади. Лекин, дунёда бундай жараёнлар тажрибаси шуни кўрсатдики, энг аввало, биронта миллат ҳеч қачон ўзга миллатларга осонликча қарам бўлиб қолмайди, у ҳар қандай шароитда ҳам ўз мустақиллигини қўлга киритишни ўзининг олий мақсади сифатида қарайди ва охир-оқибатда бунга эришади. Аммо унинг маънавияти, онги, дунёқараши ва менталитетида қарамликка айлантирган мамлакатларда яшовчи миллатларнинг йиллар давомида ўтказган таъсирлари маълум вақтгача сақланиб қолади. Уни миллат онги, дунёқараши ва маънавиятидан холи қилиш учун йиллар талаб этилади. Бу жараёндаги асосий муаммо шундаки, қарамликка тушиб қолган миллат ўз мустақиллигини қўлга киритгунгача бўлган кураш даражаларига нисбатан уни қўлга киритгандан кейин бир қадар сусайиб қолиш хавфи ҳам мавжуд бўлади. Бунинг оқибатида миллий маънавият ўзининг «соф» қиёфасига қайтишининг имконияти чекланади, унда мустамлакачи мамлакатлардаги халқлар маънавиятининг элементлари сақланиб қолаверади. Бу ўз мустақиллигини қўлга киритиб, миллий-маънавий тикланишни амалга ошираётган миллатлар тараққиёти учун хавф туғдира-

ди. Чунки бундай шароитда унинг онги ва дунёқарашида ташқи таъсирларни қабул қилишга бўлган мойиллиги юзага келиши мумкин. Шунинг учун ҳам қарамликка тушиб қолган миллатларнинг озодликка эришгандан кейин ҳам миллий-маънавий тикланишни тинмай амалга ошириши ва ўз миллий заминлари асосида «соф» миллий маънавиятни янги тартиб ва тараққиёт талабларига мувофиқ шакллантириш зарур бўлади. Акс ҳолда миллий маънавиятга нисбатан хавф-хатар бутунлай тугамасдан, сақланиб қолиши ва янги шаклда давом этиши мумкин бўлади.

Миллий бирликнинг сусайиши ҳам миллий маънавият тараққиёти учун хавф-хатар ҳисобланади. Бу жараён кўйидаги ҳолатларда содир бўлиши мумкин: а) миллатнинг моддий жиҳатдан табақаланиб, унинг бой ва камбағалларга ажралишида; б) маҳаллийчилик, уруғ-аймоғчиликнинг юзага келишида; в) мамлакат ҳаётида назария ва амалиёт ўртасидаги масофанинг кенгайиб бориши кабиларда.

Миллатнинг моддий жиҳатдан табақаланиши мамлакатнинг бозор муносабатларига ўтиши шароитида содир бўладиган объектив ҳолат ҳисобланади. Чунки бозор ҳар бир инсонга ўз имкониятларини юзага чиқариб, фаровонлигини таъминлайди, аммо ҳеч кимга меҳнат қилмасдан, ўзи учун ўзи ҳаракат қилмасдан ҳаёт кечирishга имконият қолдирмайди. Ким уддабурон, тадбиркор бўлса, фаровон ҳаёт кечираверади, бундай хусусиятларга эга бўлмаган инсонлар ўзлари орзу қилган фаровонликка эриша олмайдилар. Юмшоқ қилиб айтганда, уларда маълум норозилик кайфияти юзага келиши мумкин. Бу бозор шароитида юзага келган имкониятлардан самарали фойдаланаётганлар ва улардан фойдаланишга қурби етмаётганлар ўртасида маълум зиддиятларни келтириб чиқаради. Бунинг натижасида миллат ичидаги бирликка путур етиш хавфи юзага келади. Бундай вазиятда давлат аҳолининг ночор ва имконияти чекланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатини амалга оширади. Аммо у ҳамма мамлакатларда ҳам амал-

га оширилавермайди. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатининг амалга оширилиши мамлакатда аҳолининг моддий жиҳатдан кескин табақаланишининг олдини олиш имконини берди. Бу ҳол мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш вазифасининг таркибий қисми сифатида белгилангани ўз самарасини бераётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Аммо давлат томонидан аҳолининг эҳтиёжманд қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш билан бирга, уларни бозор талабларига мослаштириб бориш ҳам талаб этилади. Мазкур жараённинг самара бериши миллат ўртасидаги моддий жиҳатдан табақаланишнинг камайишига, ўз навбатида, миллий бирликнинг сақланиб қолишига олиб келади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, моддий жиҳатдан табақаланиш миллий маънавиятда ҳам ўз ифодасини топади. Яъни, моддий жиҳатдан бақувват, катта имкониятга эга бўлган кишилар маънавияти, турмуш тарзи ҳамда ҳаётга бўлган муносабатлари ва бундай имкониятга эга бўлмаганларнинг икки хил кўринишдаги муносабатлари шаклланади. Шу тариқа миллий маънавият ичида зиддиятлар ҳам юзага келади. Миллатнинг моддий жиҳатдан табақаланишининг миллий маънавиятга нисбатан хавфхатари ана шу жараёнда ўз ифодасини топади. Унинг хавфли жиҳати шундаки, агар табақаланиш миллий маънавиятда мустаҳкам ўрин оладиган бўлса, уни бартараф қилиш узоқ вақтни талаб этади. Худди ана шу даврда миллий маънавиятдаги бўлиниш эҳтиёткорлик ва вазминлик билан ҳал этилмаса, миллат ичида зиддиятлар пайдо бўладики, уни ўз вақтида англаб етилмаса, ундан ташқи ёвуз кучларнинг фойдаланиш хавфи ҳам юзага келади.

Миллий бирликнинг сусайишига маҳаллийчилик, уруғ-аймоғчиликнинг сақланиб қолиши ёки унинг қайтадан бўй чўзиши ҳам таъсир кўрсатади. Аслида маҳаллийчилик, уруғ-аймоғчилик этник бирликнинг миллат даражасида шаклланишигача бўлган даврига хос бўлган ҳолат ҳисобланади. Уларнинг сақланиб қоли-

ши миллатнинг тўлақонли шаклланмаганлигининг белгиларидан биридир. Лекин бугунги кунга келиб тараққий қилган мамлакатлар тажрибалари кўрсатмоқдаки, давлатни бошқаришни самарали олиб боришда ҳар бир раҳбар ишончли инсонларни ўз атрофига жалб қилиш амалиёти ҳам мавжуд. Албатта, бундай ёндашув давлат ва халқнинг умумманфаатларига зид бўлмаслиги асосий шартлардан бири сифатида қабул қилинган. Аммо у қандай шароитга асосланмасин, миллат вакилларидан ишончсизлик руҳининг шаклланишига олиб келиш ва миллий бирликка путур етказиш хавфи мавжуд бўлиб қолмоқда. **Уруғ-аймоғчиликнинг сақланиб қолиши ёки амал қилиши миллий бирликка зарба берадиган энг катта хавф ҳисобланади.** Чунки у миллатнинг ичидан емирилишига ва охир-оқибатда бўлиниб кетишига олиб келади. Бу — амалиётда масъул лавозимларда ишлайдиган инсонларнинг истеъдодли, истиқболли ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган кадрларни чеккада қолдириб, биринчи навбатда, қариндошларини тегишли лавозимга кўтаришида ўз ифодасини топади. Натижада, бир томондан, масъул лавозимларга укувсиз, бошқарувга ноқобил инсонлар келишидан мамлакат тараққиёти зарар кўрса, иккинчи томондан, миллат вакиллари ичида давлатга ишончсизликнинг шаклланишига, миллатнинг бўлинишига олиб келади. Раҳбарлик лавозимига кўтарилганларнинг ўз атрофида ўзаро ишончга эга бўлган, ўзига яқин, тажрибали, энг муҳими ҳалолликка эътиқоди кучли, фидойи ва ўз ишининг профессионали бўлган инсонларни бирлаштириб, иш юритиш услубининг амал қилиши соҳада фаолият олиб бораётган бошқа инсонларда унга нисбатан ишончсизлик руҳиятининг юзага келмаслиги учун энг асосий омиллардан бири бўлган миллий бирликнинг мустаҳкам бўлишидир. Агар раҳбарнинг бундай иш юритиш услуби тараққиётга ва бошқарувнинг самарали амалга ошишига хизмат қилса, бундан барча соҳа вакиллари манфаат кўриши мум-

кин. Аммо бу услубнинг самарали ишлаши учун: а) миллий ўзликни англаш ривожланган бўлиши зарур. Бу миллий бирликни асрашга ёрдам беради. Яъни миллий ўзлиги ривожланган миллат маҳаллийчиликнинг умумманфаатларига хизмат қилишини англаб этади; б) айти пайтда иш юритувчиларда шахсий манфаатларни умумманфаатлар билан уйғун олиб боришга мойиллик бўлиши лозим. **Маҳаллийчилик шахсий ёки гуруҳ, ёхуд айрим инсонлар манфаатига эмас, умумманфаатларни таъминлаш омили даражасига кўтарилсагина, у миллий бирликнинг емирилишининг олдини олиш имконини беради.** Келтирилганлар фаолиятда амал қилмас экан, маҳаллийчиликнинг ривожланиши миллатнинг барбод бўлишига ва давлатнинг парокандаликка учрашига олиб келади. Шунинг учун ҳам бу омилдан фойдаланиш учун ҳар иккала томон, яъни миллат вакиллари ҳам, бошқарув тизимида хизмат қиладиган раҳбарлар ҳам иқтидор, масъулият ва манфаат нуқтаи назаридан тайёр бўлишлари зарур бўлади. Бунга эришиш осон кечмайди, албатта. Бу ҳар иккала томон учун ҳам узоқ вақтни талаб этади ва уларнинг бозор муносабатлари амал қилишининг қонуниятларини тушуниб етишларигача давом этиши мумкин. Бозорнинг кўзлаган мақсади — кимнинг ким билан ишлаши эмас, балки оз куч ва ресурс сарфлаб, кўпроқ самара олиш қонуниятини ҳар иккала томон англаб етиши миллий бирликнинг мустаҳкам бўлишини таъминлайди ва миллий-маънавий емирилишининг олдини олиш имконини беради. Бу жараёндаги асосий шарт миллатнинг юксак даражадаги тараққий топиши, онгида уруғ-аймоғчилик иллатларидан холи бўлиши, миллий манфаатларнинг бошқа ҳар қандай манфаатлардан устувор эканлигини англаб етиши ҳисобланади. Аммо бунга эришиш мураккаб кечадиган жараён эканлиги билан ажралиб туради.

Мамлакат ижтимоий ҳаётида назария билан амалиёт ўртасидаги уйғунликнинг етарли даражада намоён бўлмас-

лиги миллий маънавиятга нисбатан хавф-хатарни юзага келтиради. Тараққиётга эришишга қаратилган концепцияларнинг ишлаб чиқилиши, қонунлар ва турли меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, аммо уларнинг амалиётда татбиқ қилинмаслиги ёки татбиқ этилганда ҳам самара бермаслиги билан ўз ифодасини топади. Агар ишлаб чиқилган концепциялар, қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатлар мамлакат аҳолисининг ҳаётида қайсидир даражада ўз амалий натижасини топмас экан, **бир томондан**, улар қоғозда қолиб кетади ва бу, ўз навбатида, аҳолининг эртанги кунга, давлатга ишончини йўқотишга ва бунинг оқибатида давлатнинг халқдан, халқнинг эса давлатдан узоқлашиб қолишига олиб келади; **иккинчи томондан**, бу жараён миллатнинг бўлиниб кетиши ва жамиятнинг маънавий қашшоқлашувини юзага келтиради. Бунга собиқ шўролар ҳукмронлиги шароитида «буюк» келажакка бағишланиб ишлаб чиқилган турли «назариялар»ни ва уларнинг амалиётга татбиқ этилиши оқибатида халқнинг давлатга ишончи йўқолганлиги ва мамлакатнинг барбод бўлганлигини мисол қилиб келтириш мумкин. Собиқ шўро ҳукмронлиги шароитида ишлаб чиқилган сиёсатда «Ҳар ким қобилиятига ва эҳтиёжига яраша» деган гайриилмий назария мамлакатни иқтисодий инқирозга, миллатлараро муносабатларда зиддиятларнинг ичдан кучайиб боришига ва охир-оқибатда давлатнинг бутунлай барбод бўлишига олиб келган эди. Бу назариянинг гайриилмийлиги шунда эдики, унда инсоннинг эҳтиёжлари чексиз эканлиги ва уни ҳеч қачон таъминлашнинг имконияти йўқлиги, айти пайтда, у тараққиётнинг муҳим омили эканлиги объектив қонуният сифатида инкор қилинган эди. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, **ҳар қандай ишлаб чиқиладиган назариялар мавжуд имкониятлар доирасидан чиқиб кетмаслиги, реал амалиётга татбиқ қилиниши, халқ томонидан қўллаб-қувватланиши ва уларнинг реал ҳаётида ўз ифодасини топиши амалий аҳамиятга эга бўлади.**

Аслида назариялар амалиётдан олдин юзага келади. Аммо бу амалиётга татбиқ қилиниш имкониятларини ҳисобга олмаслик дегани эмас. Аксинча, ҳар қандай назариялар: а) мавжуд ресурслар ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган имкониятларга; б) мамлакат аҳолисининг тараққиёт даражалари, уларнинг турмуш тарзи ва ҳаёт кечириш анъаналарини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши зарур. Ана шундагина, амалиётга татбиқ қилинадиган назариялар ҳаёт билан узвий боғланиб, кутилган самарани бериши мумкин.

Назария ва амалиёт бирлигининг миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашдаги ўрни шундаки, бу бирликнинг амал қилиши мамлакатнинг барқарор ривожланиши, турли ижтимоий гуруҳларнинг ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлигининг мустаҳкамланиши, миллатлар манфаатларининг мувозанатда амал қилиши ва уларнинг ўзаро ишончи мустаҳкам бўлишига ижобий таъсир ўтказади. Назариянинг реал ҳаётдан орқада қолиши эса, ана шу ўта муҳим омилларнинг барбод бўлишига ҳамда жамиятнинг маънавий қашшоқлашувига олиб келади. Чунки назарияларнинг реал ҳаётдан узилиб қолиши охир-оқибатда мамлакат ҳаётида юзага келадиган парокандаликнинг ўта хавfli манбаи ҳисобланади. Жамиятдаги ҳар қандай парокандалик эса уни маънавий қашшоқлашувга етакловчи энг хатарли омилдир. Бу салбий жараёнларнинг олдини олишнинг ягона имконияти эса, энг аввало, назариялар мавҳум «имкониятлар»га эмас, аниқ мавжуд имкониятлар асосида ишлаб чиқилиши, ҳаётга татбиқ этилиши ҳамда уларнинг натижалари инсонлар ҳаётида ўз ифодасини топа боришидадир. Ана шундагина жамият ҳаётида маънавий-руҳий бирлик амал қилиб, хавфсизликни таъминлаш имконияти кенгайиб боради.

Миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашнинг яна бир омили миллий маънавиятни тарғиб қилиш, уни жаҳонда шаклланаётган «оммавий маънавият» тараққиётдан юқори даражада ривожлантиришдир.

Глобаллашув шароитида, миллий маънавиятнинг таркибий қисмлари бўлган урф-одат, анъана ва қадриятлар, моддий ва маънавий меросларни тарғибот ва ташвиқот қилишни фаоллаштириш, уни замон талаби даражасига кўтариш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёндаги асосий муаммо шундаки; **биринчидан**, «оммавий маънавият»ни шакллантираётган Ғарбнинг тараққий қилган мамлакатларида уни тарғибот ва ташвиқот қилишнинг барча воситалари мавжуд бўлиб, улар маънан ва мазмунан қашшоқ маънавиятни жозибадор қилиб кўрсатиш, шу услуб билан ёшларни ўзига жалб этадиган даражада тарғибот ва ташвиқот қилиш малакасига эга. Улар ўзларининг «оммавий маънавият»ларини тарғиб ва ташвиқ қилишда ҳеч қандай маблағни аямаслик имкониятларига ҳам эгадирлар ва бу амалиётда ўз ифодасини топиб келмоқда; **иккинчидан**, «оммавий маънавият» бугун жаҳонда жуда тез оммалаштирилмоқдаки, уни чеклашнинг имконияти ҳам қолмаётир. Тараққиёт йўлидан бораётган миллатлар ҳаётида миллий-маънавий тикланиш кетаётган шароитда маънавий «чириш» ни ўз бошидан кечираётган юксак тараққий қилган мамлакатлар қандай йўл ва восита билан бўлса ҳам, ёшлар онги ва қалбини эгаллашда ташаббусни қўлдан бермасдан келмоқдалар. Миллий-маънавий тикланиш — миллий-маънавий меросни ёшлар онги ва дунёқарашининг ажралмас қисмига айлантириш борасидаги фаоллик, маҳорат ва интеллектуал салоҳият даражалари тараққий қилган мамлакатларнинг «оммавий маънавият»ни жаҳонда мустақил ривожланиш йўлидан бораётган миллатлар ўртасида оммалаштириш жараёнидан орқада қолмоқда; **учинчидан**, ёшлар онги ва руҳиятида ўзиникидан кўра ўзгаларникига бўлган қизиқишнинг мавжудлиги, боз устига ўзиникидан ўзи кутаётган ва ўзи яшаётган замоннинг талаблари даражасидаги «жозоба» ва замонавийликни ола билмагани ҳам уларнинг буни хориждан олишга интилишларига сабаб бўлмоқда. Албатта, «жозоба» ва «замонавийлик» деганда, қашшоқлашган маънавиятни эмас, балки миллий

маънавиятимизда мавжуд бўлган такрорланмас дурдоналарни бугунги тараққиёт талаблари даражасида ташвиқот қилиш назарда тутилмоқда. Муаммо шундаки, ана шу «жозоба» ва «замонавийликнинг» глобаллашуви олдимизга қўяётган талаблар даражасига кўтара олмаётганимиз билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу — ёшларимизнинг миллий маънавиятимиздан бегоналашувига салбий таъсир ўтказмоқда. Бу хавфнинг олдини олиш учун эса: а) миллий маънавиятни «оммавий маънавият»га нисбатан юксак даражада ривожлантириш, у ўзининг мазмуни, моҳияти ва жозибаси билан ёшларнинг «оммавий маънавият»ни ўзлаштиришига бўлган эҳтиёжининг ўрнини боса олиши лозим. Ёшлар солиштириш салоҳиятига эга бўлиши ва ўзларининг миллий маънавияти бой ва гўзал эканлигини англаб етиши даражасида тарғибот фаолияти олиб борилиши лозим; б) миллий маънавиятни тарғиб-ташвиқ қилишда ўзгаларникини чеклаш йўлидан эмас, балки миллий маънавиятнинг устувор жиҳатларини кўрсатишда тарғибот ва ташвиқот фаолияти салоҳиятини ошириб бориш йўлидан бориш кутилган самара бериши мумкин. Чунки у ёки бу маънавиятни чеклашга қаратилган ҳар қандай уриниш унга нисбатан қизиқишнинг ортиб боришига олиб келади. Демак, мазмун, моҳият, жозоба, тарғибот ва ташвиқот борасида «оммавий маънавият» билан миллий маънавият ўртасидаги зиддиятларда, «кимни» «ким» деган тамойиллар амалиёти кетаётган бугунги кун шароитида миллий маънавиятнинг устуворлигига эришиш миллий-маънавий хавфсизликнинг муҳим омили ҳисобланади. Бу борадаги сусткашлик, эътиборсизлик, керак бўлса масъулиятсизлик миллий маънавиятнинг истиқболи учун катта хавф-хатар бўлиб қолаверади.

Миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашнинг яна бир омили таълимнинг тарбия билан узвийликда олиб борилиши ҳисобланади. Бугун жаҳоннинг юксак иқтисодий тараққиётга эришган ва уларда яшаётган халқларнинг фаровон ҳаёт кечириши ҳали чинакам тарақ-

қиётнинг белгиси эмаслигини уларда бугун жаҳоннинг тараққий қилган мамлакатларида кетаётган маънавий қашшоқлашув жараёнларини тасдиқламоқда. Улар бу жараённинг титул миллатни асраб қолишга нисбатан юзага келган хавfli таҳдид эканлигини кейинги ўн, ўн беш йил давомида англаб етдилар. Бундай таҳдидларнинг юзага келишига бошқа бир қатор омиллар билан бир қаторда, таълимнинг тарбиядан узилиб қолганлигини бу мамлакатлардаги кўплаб олимлар, мутахассислар ва, ҳатто, сиёсатчилар ҳам бугун эътироф эта бошладилар. Таълим тизимидаги у ёки бу соҳани тор доирада ўзлаштириш бу мамлакатларнинг тараққиётида ижобий роль ўйнаган бўлса ҳам, унинг тарбиядан узилган ҳолда олиб борилиши, охир-оқибатда, маънавий қашшоқлашувга олиб келди. Энди улар иқтисодий соҳада эришган ютуқлари (моддий имкониятлари)ни мамлакатдаги маънавий, ижтимоий ва ахлоқий емирилиш, титул миллатнинг маънавиятини қайта тиклаш ва мамлакатда унинг устуворлигини таъминлашга, сарфлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Тараққий қилган мамлакатларнинг тажрибалари шуни кўрсатадики, фаровонлик ҳали юксак тараққиёт белгиси эмас экан, у фақат онг, дунёқараш ва қалбда «ўзингни бил, ўзгани қўй», фаровон ҳаёт кечириш қаерда мавжуд бўлса, ўша жой Ватан, мамлакат ва миллатнинг истиқболи учун қайғуришдан кўра, ўзининг ҳузур-ҳаловати учун яшаш каби туйғуларнинг шаклланиб қолишига олиб келар экан. Агар бундай вазиятнинг юзага келишига чуқур назар ташлайдиган бўлсак, бу нафақат миллий маънавият учун ўта хавfli омил, шунингдек, унинг заминида бутун мамлакат истиқболи хавф остида қолиши мумкинлиги тараққий қилган мамлакатларнинг бугунги ҳаётида ўз исботини топмоқда. Шунинг учун ҳам бу тажрибалар миллий маънавиятни, ўзлигини асрашни олий қадрият деб ҳисоблайдиган ҳар қандай мамлакат учун ўзига хос сабоқ бўлади. Бизнинг мамлакатимизда таълимни тарбия

билан қўшиб олиб бориш давлат сиёсатида устувор ўрин эгаллаб келмоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз барқарор тараққий қилмоқда, жамиятимизда ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик амал қилмоқда, миллий-маънавий тикланишимиз жараёнлари самарали кечмоқда. Аммо бу ютуқларимиз таълимни тарбия билан узвий равишда олиб боришда ҳали барча масалалар ҳал этилганлигини билдирмайди ва муаммолар йўқ дегани эмас. Бу соҳада ҳали ечимини кутаётган масалалар мавжуд. **Жумладан**, таълим ва тарбияни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, унинг нуфузини ошириш, глобаллашув жараёнларининг авж олиши шароитида унда тенглар ичида тенг қатнашимизни таъминлашга куч-қудрати етадиган интеллектуал салоҳиятни шакллантириш қабилар амалга оширишимиз зарур бўлган вазифаларни ташкил қилади. Миллатнинг маорифи ва маърифати қанчалик кучли бўлса, унинг маънавий хавфсизлиги ҳам шу даражада мустаҳкам бўлади. Чунки уларнинг ҳар иккаласи миллий маънавиятнинг негизини ташкил қилади. Шунга мувофиқ миллий-маънавий хавфсизлигимизни мустаҳкамлаш учун таълим ва тарбияни уйғун равишда олиб боришни изчиллик билан такомиллаштириш амалий аҳамиятга эга бўлиб қолаверади.

Миллий-маънавий хавфсизликнинг яна бир омили мамлакатда қонун устуворлиги ва демократик қадриятларнинг амал қилишидир. Назарияда улар маънавиятдан «узоқ»дай кўринса-да, амалиётда уларсиз юксак маънавиятни тасаввур этиб бўлмайди. Хусусан, қонунларнинг поймол этилиши маънавий қашшоқлик белгиси бўлса, унинг барча учун бир хил амал қилиши маънавият ривожининг кўринишидир. Қонунларнинг реал амал қилиши барча инсонлар ҳуқуқларининг тенглиги, эркинлиги ва ўз имкониятларини юзага чиқаришларини таъминловчи муҳим кафолат ҳисобланади. Қонунлар амал қилган жамиятда коррупция, бировнинг

ҳаққиға хиёнат қилиш, зўравонлик, ахлоқий бузуқлик, маънавий қашшоқлик каби салбий ҳолатларнинг олди олинади, инсонлараро ва миллатлараро муносабатларда самимийлик мустаҳкамланади. Қонунларнинг амал қилишининг миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашдаги ўрни шундаки: а) ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият маънавиятнинг таркибий қисмини ташкил қилади. Маънавият ривожланиб бориши билан ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ривожланиб боради. Маънавияти қашшоқ жамиятда инсонларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти тараққиётдан орқада қолади. Улар, ўз навбатида, жамиятда одамлар онгида қонунларни четдаб ўтиш ёки менсимаслик орқали ўз мақсадларига эришишда турли гайриқонуний воситалардан фойдаланиш йўлидан боришга олиб келади. Бундай жамиятда инқисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий парокандалик юзага келади. Мазкур салбий жараённинг олдини олиш учун маънавиятни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. **Маънавият юксалиб боргани сарининг таъсирида инсонларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти ҳам ривожланиб боради ҳамда жамиятда юзага келадиган ҳар қандай муаммоларни қонун доирасида ҳал қилиш маданияти шаклланади.** Агар бу жараённи миллий маънавият билан уйғун ҳолатда қараладиган бўлса, миллат маънавиятининг юксак даражада ривожланиши, унинг ҳуқуқий онги ва маданияти тараққиёти учун муҳим омил эканлиги келиб чиқади. Ҳуқуқий онги ва маданияти ривожланиб боргани сари миллий маънавиятнинг муҳим кўрсаткичи бўлган тотувлик, бағрикенглик, ўзаро ҳамкорлик ва манфаатларнинг ўзаро уйғунлиги каби қадриятларнинг амал қилиши ҳам табиий кечади ва улар миллий-маънавий хавфсизликнинг мустаҳкамланиб боришини таъминлайди; б) қонунларнинг амал қилиши барча миллатлар маънавиятларининг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки қонунларда барча миллатларнинг тенглиги ҳуқуқий жиҳатдан таъминланган бўлиб, уларнинг амал қилиши кўп мил-

латли мамлакатларда барча миллат ва элатларнинг миллий маънавиятини асраш ҳамда уларни ривожлантириш учун кенг имкониятларни яратади. Улардан самарали фойдалана олган миллатлар ўз миллий маънавиятларини ривожлантиришга эришадилар ва бу мамлакатдаги барча миллатларнинг миллий-маънавий хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун шарт-шароит яратади. Кўп миллатлар истиқомат қиладиган мамлакатларда миллий-маънавий хавфсизликнинг таъминланиши миллатлараро тотувлик, улар ўртасида ишонч, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва ўзаро самимийлик туйғуларини ҳам мустаҳкамлаб боради. Демак, қонунларнинг амал қилиши, бир томондан, миллатлар маънавияти ривожланишининг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлса, иккинчи томондан, миллий-маънавий тараққиёти учун зарур бўлган имкониятларни таъминлашнинг муҳим шarti ҳам ҳисобланади. Уларнинг ҳар иккаласининг уйғун ҳолатда намоён бўлиши миллий-маънавий хавфсизлик мустаҳкамланиб боришини таъминлайди.

Миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашнинг яна бир омили — қонунларнинг амал қилиши ва демократик қадриятларнинг ривожланишидир. Демократик қадриятлар шаклланиши, ривожланиши ва такомиллашувининг муҳим омили — бу қонун устуворлигининг амал қилишидир. Қонун поймол этилган ҳар қандай жамиятда демократия ҳам барбод бўлади. Демократик қадриятларни қонун устуворлиги таъминланишисиз тасаввур этиб бўлмайди. Демократия сиёсий ҳуқуқ, эркинлик, озодлик, фуқароларнинг ҳокимият фаолиятида бевосита ёки билвосита иштирокида намоён бўлишининг кўрсаткичи, айна пайтда, улар маънавиятининг муҳим элементларидан биридир. Чунки маънавияти қашшоқ ёки тараққиёт эҳтиёжларидан орқада қолган жамиятда уларнинг биронтаси ҳам амал қила олмайди. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, демократик қадриятлар маънавиятнинг муҳим таркибий қисмини ташкил қилади. Мамлакатда демократик қадриятларнинг ривожланиб бориши миллий маъна-

ингларнинг хавфсизлиги, уларнинг ўзаро тенглиги асосида барқарор ривожланишнинг муҳим омили. Гарчанд, қонун устуворлигининг таъминланганлиги ва демократик қадриятларнинг амал қилиши миллий-маънавий хавфсизлик жараёнидан «йироқ»дай кўринса-да, амалда улар ҳар доим уйғун ҳолда кечадиган жараёнлар ҳисобланади. Уларнинг уйғун ривожланиши учун тўсиқлар юзага келган шароитда миллий-маънавий хавфсизликка путур етади ва турли сиёсий ҳамда ижтимоий хавф-хатарлар юзага келади. Айни пайтда демократик қадриятларнинг амал қилиши ҳам жамият маънавиятининг белгиларидан бирини ташкил қилади. Шундай қилиб, миллий-маънавий хавфсизлик кенг қамровли тушунча бўлиб, у миллатга, унинг маънавиятини асрашга тааллуқли жараён ҳисобланади.

Учинчи қисм

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТГА ҚАРШИ ТАҲДИДЛАР

Маълумки, маънавиятга таҳдидлар ҳар доим бўлган. Лекин ҳеч қачон бугунги даражада хатарли тус олмаган.

Аслида инсониятнинг интеллектуал салоҳияти ошиб боришининг ўзи, бир қараганда, маънавий тараққиётнинг муҳим белгиси сифатида ўзининг ижобий натижаларини реал ҳаётда намоён этиши лозим эди. Афсуски, натижа акси бўлиб чиқмоқда. Инсоният маънавий юксалиш ўрнига, аксинча, унинг қашшоқлашуви авж олмоқда, у бугун бундан бир аср, ҳатто икки аср мобайнида инсоният, одамзод қулоғи эшитиб, кўзи кўрмаган разиллик, ёвузлик, хиёнат, ўз манфаати йўлида, ҳатто энг яқин кишиларини ҳам «сотиб юбориш»гача етиб келди. Унинг ахлоқий жиҳатдан қашшоқлашувининг чек-чегараси қолмаётир. Жумладан, фоҳишабозлик, одам савдоси, наркотик моддаларни оммалаштириш, аждодлардан мерос бўлган эътиқодлардан қайтиб, арзимаган чойчақа эвазига миссионерларга эргашиб, онги ва қалбини ўзгартиришгача бориб етмоқдаки, улар XXI асрда маънавий қашшоқлашувнинг энг хатарли кўринишлари сифатида намоён бўлмоқда.

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТГА ҚАРШИ ТАҲДИДЛАРНИНГ НЕГИЗЛАРИ

«Миллий-маънавий хавфсизлик» тушунчаси «миллий хавфсизлик» тизимида умумий тарзда ўрганилган. Чунки, то XX асрнинг охирларигача ҳарбий, сиёсий

ва иқтисодий хавфсизликнинг таъминланганлиги мамлакат умуммиллий хавфсизлигининг таъминланганлик даражасини белгилаб берган. Бугун ҳам улар ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Уларни таъминлаш макон ва замон нуқтаи назаридан ўз долзарблигини йўқотгани йўқ ва бундан кейин ҳам устувор вазифа бўлиб қолаверади. Лекин бугунги кунга келиб миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш ушбу тизимдаги устувор вазифа даражасига кўтарилди.

Биринчидан, умуммиллий хавфсизлик тизимидаги ҳарбий, ҳудудий, сиёсий ва иқтисодий хавфсизликнинг таъминланиши маънавиятга боғлиқ, яъни мамлакат аҳолисининг кўпчилигини маънавиятли кишилар ташкил қилса, миллий хавфсизликни таъминлашнинг имконияти ҳам мустақкам бўлишини ҳаёт тажрибаси тасдиқламоқда. Бундай кишилар Ватан тақдири, унинг истиқболи, иқтисодий юксаклиги ва барқарор тараққиётини ўзининг ва келажак авлодларнинг тақдири билан боғлиқ ҳолда тушунади, унга амал қилиб яшайди ва фаолият олиб боради. Бугунги тараққиёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, онг ва қалбни эгаллаш орқали охир-оқибатда мамлакатларни бутунлай қарам қилиб олиш мумкин.

Иккинчидан, бугунги кунга келиб узоқ йиллар давомида миллатларнинг ўз заминларидан бегоналашуви дунё миқёсида маънавий қашшоқлашувнинг асосий сабабларидан бири эканлиги ҳаммага маълум. Ана шу жараённинг кўпчилик миллат, халқ ва мамлакатлар томонидан тобора англанилаётгани уларнинг ўз заминлари асосида ривожланишга интилишларини ҳам кучайтирмоқда. Умуман, **бугун инсоният яқдил бўлиб яшашнинг** манбаи сунъий бирлашиб кетишда эмас, балки ранг-барангликнинг табиий ривожланиши билан боғлиқ эканлигини тушуниб етишга «**мажбур**» бўлмоқда.

Учинчидан, бугунги кунга келиб дунёнинг маънавий қиёфаси ўзгарди, тизимлар ўртасидаги курашлар барбод бўлиб, унинг ўрнига **бир хиллик** билан **ранг-баранглик** ўртасида кураш юзага келди ва тобора авж

олмоқда. Ҳозирги дунёнинг кўп қутбилилик шароити-даги ўзига хос хусусияти кучайгани сари у ёки бу давлатнинг жаҳон миқёсидаги етакчилигига, шунингдек, бутун инсониятнинг эсон-омон ҳаёт кечиришига таҳдид ҳам кучаймоқда. Бу салбий жараёнларнинг ягона йўли ана шу қарама-қаршилик ўрнига бир хиллик билан ранг-баранглик ўртасида ўзаро монандликни юзага келтириш, уларнинг мувозанатини шакллантириш ҳисобланади. Аммо бу осон иш эмас, бунинг учун аввало ранг-баранглик, яъни миллий маънавиятларни асраш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва объектив қонуниятлари асосида ривожланиши учун шарт-шароитларни юзага келтиришга эришиш лозим. **Ранг-барангликка нисбатан қаратилган ҳар қандай таҳдидлар охир-оқибатда, албатта, яқдилликнинг барбод бўлишига олиб келади. Шундай экан, аввало, «хавфсизликка» эҳтиёж қачон юзага келган, унинг тизимдаги турли шаклларининг намоён бўлиш хусусиятлари нималарда ўз ифодасини топади, нима учун бугунги кунга келиб бошқа соҳаларга қараганда ҳам миллий маънавиятга нисбатан таҳдидлар ошиб бормоқда, уларнинг истиқболи қандай кечиши мумкин, деган бир қатор мураккаб саволларга жавоб излашга ҳаракат қиламиз.**

Шуни таъкидлаш лозимки, хавфсизликни таъминлашга бўлган эҳтиёж ижтимоий табақалар, синфлар, давлатлар, мулкӣ муносабатлар юзага келган давридаёқ туғилган эди. Чунки улардан ҳар бирининг юзага келиши томонларнинг бир-бирига нисбатан устунликка эришишга бўлган интилишини ҳам юзага келтирган. Жумладан, қулдорлик жамиятида қулдан қулдор устун бўлган ва қул мустақил бўлиши, ўз хавфсизлигини таъминлаши учун ҳаракат қилган бўлса, ундан кейинги барча жамиятларда ҳам бундай устуворликка эришиш ёки хавфсиз ҳаёт кечириш учун курашлар давом этиб келган. Фақат замонлар ўтиши билан уларнинг шакллари тараққиётнинг хусусиятларига мос равишда ўзгариб, такомиллашиб борганлигини кўриш мумкин.

Агар тарихга назар соладиган бўлсак, хавфсизлик ва эркин ҳаёт кечириш инсон учун ҳам, унинг таянчларидан бири бўлган давлат учун ҳам асосий муаммолардан бири бўлиб келганлигини кўришимиз мумкин. Шу маънода машҳур юнон мутафаккири Суқрот (эр. авв. 469—399 йй.) шундай таъкидлаган эди: «Эркинлик инсон учун ҳам, давлат учун ҳам ажойиб ва улугвор бойликдир»¹.

Айни пайтда, давлатнинг пайдо бўлиши уни бошқариш заруриятини келтириб чиқаради, унинг ҳудудида адолатни қарор топтириш, халқнинг фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитларни вужудга келтириш кабилар ҳар доим турли таҳдидларга рўбарў бўлган. Зеро, улар ҳеч қачон силлиқ ҳолатда тараққий қилмаган, балки юқорида таъкидлаганимиздек, бир томоннинг устунлик учун кураши билан боғлиқ бўлган. Шунинг учун ҳам давлатлар юзага келганидан то ҳозирги кунгача бўлган давр ичида ҳокимиятнинг халққа «зўрлик» ўтказмаслигини таъминлаш мақсадида халқнинг ҳокимият бошқарувидаги иштирокини таъминлаш назарда тутилиб, «демократия» ўйлаб топилган ва у «идеал» омил сифатида қабул қилинган. Аммо ана шу «идеал» ҳамон шундайлигича қолиб келмоқда. Ҳокимият билан халқ ўртасидаги ўзаро муносабатлар мувоzanатини таъминлашнинг йўллари ҳақида бош қотирган мутафаккирларнинг бирлари қонунлар асосида бошқариш ғоясини илгари сурган бўлса, яна бирлари одил подшо, ҳоким-монарх ҳукмдорлар орқали бошқарувни, учинчи бировлари эса халқни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш орқали улар ўртасидаги ўзаро зиддиятларни бартараф қилиб, барқарор тараққиёт ва тенгликка эришиш мумкинлиги ҳақидаги ғояларни илгари сурганлар. Жумладан, қадимги Хитой мутафаккири Конфуций (Кун-Цзи, эр. авв. 551—479 йй.) жамиятни қонунлар асосида бошқариш ғоясини илгари

¹ Қаранг: История политических и правовых учений. Древний мир. — М.: «Наука», 1985. — С. 237.

сурган. У шундай ёзади: «Агар қонунлар ёрдамида бошқарилса, тартибот жазолашлар воситасида таъминланса, одамлар жазолашлардан ўзларини олиб қочишга интилади. Лекин улар ор-номусни ўзларида ҳис қилмайдилар; агар ДЭ (маънавий-ахлоқий меъёр маъносида, яъни юксак комилликка эришганлик — С.О.) ёрдамида бошқарилса, тартибот қадриятлар ёрдамида таъминланса, одамлар ор-номусни ҳис қиладилар, ҳалол ва софдил бўладилар»¹. Конфуций бу фикри билан одамлар бежавотир бўлишлари учун қонун билан маънавий-ахлоқнинг уйғунлигига амал қилишлари лозимлигини таъкидлаётганлигини кўришимиз мумкин бўлади.

Улуғ файласуфларнинг сардори бўлган Сукротнинг шогирди Платон (эр. авв. 427—347 йй.) жамиятни қонунлар асосида бошқаришнинг афзал томонлари ҳақида фикр юритиб, бундай бошқариладиган давлатни фақат худолар томонидан инъом этилишини таъкидлайди. У бу ҳақида шундай ёзади: «Мен қонун кучига эга бўлмаган, кимнингдир ҳокимияти остида бўлган давлатнинг ҳалокатини кўраман. Қаердаким, қонун ҳукмдорлар устидан ҳукмрон, ҳукмдорлар қонуннинг қуроллари бўлишса, бундай давлатнинг истиқболи порлоқ, халқини фаровон кўраман. Алҳол, бундай давлат фақатгина худолар томонидан инъом этилиши мумкин»².

Платоннинг жамият барқарорлиги ва хавфсизлигининг муҳим имкониятлари сифатида инсон эркинлигини таъминлаш ҳақидаги фикри диққатга сазовордир. У шундай ғояни илгари суради: «Форслар Кир даврида қуллик ва озодлик (эрк) орасидаги ўрта ҳолда турганлар ва аввал ўзлари эркин-озод, сўнгра эса кўпгина бошқалар устидан хожа бўлиб оладилар. Аммо

¹ *Конфуций*. Изречения / Конфуций; [пер. с древнекит.; сост., пер., коммент. И.И.Семененко]. — М.: Эксмо, 2009. — С. 57.

² *Афлотун*. Қонунлар (рус тилидан Урфон Отажон таржимаси). — Т.: «Янги аср авлоди», 2002. 122-б.

хукмрон бўла туриб, улар кўл остидагиларга (тобеларга) эрк улушларини ажратардилар ва уларга ўз тенгларидай муомалада бўлардилар. Шундай жангчилар кўмондонлар билан қалин дўст эдилар ва хавф-хатарга қарши камоли хоҳиш билан борар эдилар. Агар кимдир оқил бўлса ва маслаҳат бера олса, подшоҳ ҳасад қилмасди, фикрини очиқ айтишга имкон берарди ва маслаҳатгўй бўлиши мумкин бўлганларни қадрларди. У уларга ўзларининг оқил (онгли) эканликларини кўпчилик халқ олдида намоён этишга имкон берарди. Шунинг учун ўша пайтларда озодлик (эрк), дўстлик ва фикр алмашишлар орқали»¹ форслар ҳамма нарсага муваффақ бўлганлар.

Келтирилган бу фикрлардан ҳам кўриниб турибдики, Платон инсонларнинг бежавотир яшашлари ва жамиятнинг барқарор тараққиёти томонлар тенглиги асосига қурилиши ғоясини илгари сурган. Озодлик (эрк) фақат томонларнинг манфаатлари мувозанати шароитидагина амалга ошиши мумкин. Лекин у инсониятнинг идеали сифатида давом этган, шунинг учун ҳам бошқа мутафаккирлар томонидан ҳам илгари сурилган ва унга эришиш устида бош қотириб келинган.

Яна бир юнон файласуфи Арасту (эр.авв. 384—322 йй.) ҳақиқатни қуйидагича таъкидлаган: «Ҳақиқатни излаш ҳам осон, ҳам мушкул, чунки ҳеч ким унга тўлиқ эриша олмайди. Шунинг баробарида, ҳеч ким уни умуман пайқамаслиги ҳам мумкин эмас. Аммо ҳар бир одам табиатни англашимиз учун озгина бўлса-да ўз ҳиссасини қўшади, ушбу ҳиссалар йиғиндиси натижасида эса улуғвор манзара пайдо бўлади»². Мутафаккирнинг бу фикрларини хавфсизлик йўналишида қарайдиган бўлсак, уни абсолют тарзда таъминлаб

¹ Ўша манба. 95—96-б.

² Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. Тақдирлар, ҳикматлар, афоризмлар. Тўпловчи ва таржимон Саида Жўраева. — Т.: «Янги аср авлоди», 2002. 98-б.

бўлмаслиги ҳолати келиб чиқади. Чунки инсоннинг био-ижтимоий мавжудот сифатидаги табиатига мувофиқ унинг эҳтиёжлари ва манфаатларининг поёни йўқ, улар инсон орқасидан соя каби эргашиши тўхтамайдиган жараён сифатида давом этади. **Эҳтиёжлар худди сояга ўхшаб, яқинлашган сари узоқлашади, узоқлашган сари яқинлашаверади.** Хавфсизликни таъминлашга бўлган эҳтиёж ҳам шу йўсинда тартиб топган. Чунки ҳар бир тарихий тараққиёт босқичи янги эҳтиёжларни вужудга келтиради, ўз навбатида, бу жараёнда ўзгаришлар таъсирида инсониятнинг янги шароит ва вазиятда яшашига тўғри келади. Шу тариқа эҳтиёжларнинг тўла таъминланишининг имконияти бўлмаганлиги оқибатида турли беқарорликлар ва таҳдидлар вужудга келади.

Миллий-маънавий хавфсизликнинг юзага келиши ҳақида фикр юритганда, унинг заминлари нимадан иборатлиги ва нималар билан боғлиқлигига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бугун Ўзбекистонда мавжуд илмий адабиётларда миллий маънавиятга қарши таҳдидлар аксарият кўпчилик ҳолларда Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олиши ва ундан кейин большевикларнинг бу ўлкани ўзларига қарам қилиш даври билан чекланганлигини кўришимиз мумкин. Фикримизча, миллий маънавиятга қарши таҳдидларнинг юзага келишига кенгроқ қараш зарур. Агар тарихий маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, умуман ҳали инсонларнинг миллат бўлиб шаклланишидан олдин ҳам маънавиятга қарши таҳдидлар доим бўлганлигини кўришимиз мумкин. Миллий-маънавиятимизга қарши қаратилган **таҳдидларнинг юзага келиш тарихини олти даврга бўлиш мумкин.** Улар: 1) ислом динининг Ўрта Осиёга кириб келишигача бўлган давр; 2) арабларнинг Ўрта Осиёни босиб олиши ва ислом динининг Ўрта Осиёда амал қила бошлаган даври; 3) мўғулларнинг (Чингизхон) Ўрта Осиёни босиб олиши билан боғлиқ бўлган давр; 4) хоризмнинг Ўрта

Осиёни босиб олиши билан боғлиқ давр; 5) большевикларнинг Россия давлат тепасига келиши ва шўро ҳукмронлигининг қарор топиши билан боғлиқ бўлган давр; 6) глобаллашув жараёнининг авж олиши билан боғлиқ бўлган ҳозирги давр.

Улардан ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, ҳар бирида ҳудудларни қўлга киритиш, улардаги мавжуд моддий бойликларга эга бўлиш мақсад қилинган бўлса ҳам, уни амалга оширишда аввал қиргинбарот урушлар олиб борилганини ва ғалабани қўлга киритгандан кейин эса ўз ҳукмронлигини «абадийлаштириш» учун халқнинг онги, қалби, дунёқарашини эгаллаш ва шу орқали ўз маънавияти ҳукмронлигини таъминлашга киришилганини кўришимиз мумкин.

Масалан, **биринчи давр** — Македониялик Александр бугун дунё халқларининг маънавий меросларидан бирига айланган «Авесто»ни йўқ қилишга қаратилган хатти-ҳаракатларини олиб кўрайлик. Гарчанд, «Авесто» Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг милоддан аввалги VII — VI асрларда пайдо бўлган энг қадимги ёзма манбаи ҳисобланиб, у пайтда ҳали миллат этник бирлик сифатида шаклланмаган бўлса ҳам, уни бутунлай йўқ қилиб юборишга қаратилган ҳаракатлар бўлганлигини кўраемиз. Бу ҳақда Абу Райҳон Беруний шундай ёзади: «Подшо Доро хазинасида ўн икки минг қорамол терисига тилла билан битилган («Авесто»нинг) бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат қилувчиларни ўлдирган вақтда уни қуйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтлардан бери «Авесто»нинг бешдан уч қисми (яъни ўн саккиз насхи) йўқолиб кетди. «Авесто» ўттиз насх (қисм) эди. Мажусийлар қўлида ўн икки минг чамаси насх қолди»¹. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» Зардушт томонидан битилган бўлиб, унда ўша даврнинг ўзига хос маънавияти, ахлоқи, халқларнинг турмуш тарзи

¹ Бобожонов Х., Сатликов А. «Авесто» — бебаҳо маданий мерос. — Хива, Хоразм Маъмун академияси, 2000. 25-б.

Ўз ифодасини топган. Энг ҳайратланарли жиҳати шундаки, Македониялик Александр (Искандар)га бу китобнинг нима кераги бор эди, нима учун уни ёқиб юборган? Чунки унда дунё, инсон, халқнинг пайдо бўлиши, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги кураш, эзгуликнинг ҳар доим ёвузлик устидан ғалаба қозониши, адолатнинг қарор топиши, она замин, унинг тупроғи, суви ва барча бойликларининг муқаддаслиги, улардан эзгулик йўлида фойдаланиш, ёвузликка қарши кураш ғоялари, ахлоқий поклик, оила, фарзанд каби қадриятлар ўз ифодасини топган. Улардаги ана шу ғоялар халқнинг истиқболда эркин ва озод ҳаёт кечирishi, ўз давлати ва маънавиятига эга бўлиши учун муҳим манбалар эканлигини Александр яхши билган. Улардан маҳрум бўлган халқнинг истиқболда ўз қаддини кўтара олмаслигини ҳам у яхши тушуниб етган. Шунинг учун ҳам уни ёқиб юбориш орқали бутун халқ устидан ўз ҳукмронлигини абадийлаштиришни кўзлаган. «Авесто»нинг халқ руҳияти ва маънавиятининг улкан манбаи эканлиги ҳақида жаҳон олимлари ўзларининг ҳайратомуз фикрларини билдирганлар, бугун ҳам у ҳақида бадиий ва илмий асарлар яратиб келинмоқда. Ана шундай асарларнинг муаллифларидан бири инглиз авестошунос олими Лоуренц Миллз ҳисобланади. У шундай ёзган: «Агар кишилик тафаккури бир дoston бўлса ва унинг кадр-қиммати борасида сўз юритилса, у ҳолда «Авесто»ни бу дostonнинг энг юқори поғонаси деб билмоғимиз лозим. «Авесто» маънавиятининг энг қадимги тарғиботчисидир.

«Авесто»нинг яҳудий ва масиҳий илоҳиётига кўрсатган бениҳоя улкан таъсирини назарга олсак, у ҳолда унинг дин яратишда ва инсонлар тақдирини белгилашда ўткир ва эътиборли нуфузга эга бўлганлигини кўрамиз. Ҳеч кимса, ҳеч бир тилда «Авесто»дан бизгача етиб келган парчалар («Гоҳлар»)нинг ҳайратда қолдирадиган даражада юксак эканлигини ҳаргиз инкор

этмаган. Одамзод тафаккурида бунчалар юксаклик ва шукуҳни ким қаердан топа олади?»¹

«Авесто»нинг худди ана шу жиҳатларидан бохабар бўлган Александр уни ёқиб юбориш билан халқни ўз маънавиятидан маҳрум қилиб, уларни ўз измидан юришга мажбур қилмоқчи бўлган.

Бу жараён «Авесто»да ҳам ўз ифодасини топганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Зардушт ўзининг ҳаётдаги нотинчлик, хавотир ва айни пайтда эзгулик ғалабасига умидини қуйидагича ифодалаган:

«Эй, Мазда! Қайси ерларга, қайси юртларга юз тутайин? Мени қариндош-уруғларимдан, дўстларимдан ажратдилар. Мендан узоқлашган ҳамкорларим (деҳқонлар) ҳам мамлакатнинг аён-ашрофлари ҳам мени ранжитмоқдалар.

Эй, Ахура-Мазда! Мен сени қандай хушнуд этайин?

Эй, Мазда! Нечун нотавон (камбағал) эканлигим ўзимга аён. Бунинг сабаби шуки, мол-мулким ниҳоятда оз ва кишиларим ҳам кам.

Эй, Ахура! Мен толеим пастлиги учун кўнглимдаги хафаликни изҳор этаман. Сен ўзинг ишларимга бир назар сол. Мен сендан мадад беришингни ва қўллаб-қувватлашингни сўрайман, фақат шу кўнглимга далда берур.

Эй, Мазда! Қачон тонг отиб, шундай бир кун бошланадими, унда Ошани (ҳав ва одил низомни) ҳалос этишни истаганлар ҳикмат ва ақл-идрок билан Эзгулик дунёсини яратиш йўлида ўз мақсадларига етадилар? Эй, Мазда! Мен фақат сенинг таълимотингни танладим.

Ёмон ишлар билан бадном бўлиб юрган бузғунчи Другванд (алдоқчи, каззоб) қишлоқ ва ўлка эли ҳаётини яхшилик томонга ўзгартирмоқчи бўлган Оша дастёрларини йўлдан оздирмоқда.

¹ Қаранг: Бобоев Ҳ., Ҳасанов С. «Авесто» — маънавиятими з сарчашмаси. — Т.: «Адолат», 2001. 12-б.

Другвандга қарши бугун дилу жони ва бугун кучи билан олишган кишигина жаҳон аҳлини эзгулик йўлига бошлай олур»¹.

Хавф-хатар, турли таҳдидлар ва қарама-қаршиликлар тўлиб тошган инсоният дунёси бир дақиқа уларсиз ҳаёт кечирмаганлиги сабабидан ҳам «Авесто»да илгари сурилган «эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал» гоёлари жамият ва инсонларнинг барқарор тинчлик ва фаровонлик билан яшашга чақиргани ҳам бежиз эмас. Бу асарнинг ёзилганига 3000 йилга яқин вақт бўлган бўлса ҳам, унда илгари сурилган гоёларнинг аҳамияти ошиб бораётганини кўришимиз мумкин бўлади. Чунки тарихий тараққиётда инсонларнинг бежавонлик яшаш ва ҳаёт кечиришига бўлган таҳдидлар ошганидан ошиб бораётир.

Миллатимиз маънавиятига қарши юзага келган таҳдидларнинг **иккинчи даври** арабларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши билан боғлиқ. Маълумки, ислом дини VII аср охирида Арабистон ярим оролида шаклланди ва у, аввало, арабларни бирлаштиришда асосий ғоявий-сиёсий куч сифатида намоён бўлган бўлса, кейинчалик Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги давлатларнинг халқларини ўзига бўйсундириш вазифасини бажарди ва ўз тараққиётининг кейинги босқичларида жаҳонга тарқалиб, катта нуфузга эга бўлган дин даражасига кўтарилди. Унинг шаклланиш, ривожланиш ва дунёга кенг тарқалиш жараёнлари шиддатли курашлар, беғуноҳ инсонларнинг қурбон бўлиши, талончилик, зўравонлик, хуллас турли барқарорликка нисбатан таҳдидлар кўринишида кечганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Арабларнинг Мовароуннаҳрга илк бор ҳужумлари 654 йилда Маймуриг ва 667 йилда Чағониёндан бошланган. VIII аср бошларига келиб улар Ўрта Осиёни тўла босиб оладилар. «Араблар Мовароуннаҳрда ўрнатилган сиёсий ҳокимиятни мустаҳкам-

¹ Бобоев Ҳ., Ҳасанов С. «Авесто» — маънавиятимиз сарчашмаси. — Т.: «Адолат», 2001. 34-б.

лаш ва унинг барқарорлигини таъминлаш учун ислом дини тарғиботини ерли аҳоли ўртасида бутун чоралар билан кучайтирадилар. Улар ерли аҳолининг маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган оташпарастлик, насроний, моний, буддавий ва қам динларини хурофий сохта динлар деб эълон қиладилар. Айниқса, Мовароуннаҳр аҳолисининг асосий дини ҳисобланган оташпарастликка қарши қаттиқ кураш олиб бордилар. Ибодатхоналар ўрнига жомеъ масжидлари бино қилинди. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётда мусулмон ҳуқуқи жорий этила бошлади»¹.

Араблар саркардаси Қутайба бошчилигида Хоразмнинг забт этилиши билан бу ўлка маданияти, адабиёти ва маънавиятига қарши олиб борилган ҳаракатлар тўғрисида жуда кўп маълумотлар мавжуд. Жумладан, хоразмшунос олим профессор Исо Жабборовнинг ёзишича, «Қутайба ... хоразмликларнинг адабиётини ва маданий меросини яратган ва сақлаб қолган олимларни қириб юборди ва қувғин қилди. У Абу Райҳон Берунийнинг куйидаги фикрларини келтиради: «Қутайба ибн Муслим Бахилий Хоразм хаттотларини ҳалокатга дучор қилганидан, руҳонийларини ўлдириб, уларнинг китобларини ва ёзувларини куйдирганидан сўнг, хоразмликлар саводсиз бўлиб қолдилар ва ўзларига лозим бўлган масалаларда ўз хотираларигагина ишондилар»².

Келтирилганлардан кўриниб турибдики, араблар ўз ҳукмронлигини абадийлаштиришнинг асосий омили босиб олинган ҳудудлар халқларини ўз маънавиятидан жудо қилиш деб ҳисоблаганлар. Агар бугун миллий маънавиятимиз ривожланиш жараёнида араблар босқинининг таъсири қандай бўлди, деган савол қўйиладиган бўлса, албатта, улар ўзларининг таъсирини ўтказга олдилар, деб жавоб беришимиз мумкин. Араб-

¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12-жилд. — Т.: 2006. 114-б.

² Жабборов И. Антик маданият ва маънавият хазинаси. — Т.: «Ўзбекистон», 1999. 115-б.

лар бу ўлкани босиб олганларидан сўнг ўз ёзувларини жорий қилдилар, масжид ва мадрасалар ташкил қилиниб, у жойларда нафақат араб тилини, шунингдек, маданиятини ҳам маҳаллий халқ онгига сингдиришга эришдилар. Мовароуннаҳрда асрлар давомида, хусусан, «Авесто»нинг яратилишигача бўлган ва унинг яратилиш давридан то араблар босқинигача бўлган даврда яшаб, ўзига хос тил, маданият, маърифат ва турмуш тарзини шакллантирган халқ улардан маҳрум бўлди. Бугунги миллий маънавиятимизда ислом дини кириб келгунгача бўлган зардуштийлик динининг айрим элементларигина сақланиб қолган. Ана шу жиҳатдан қараганимизда, миллий маънавиятимизнинг заминлари араб босқинчиларининг маданияти билан боғланиб қолган, ўзининг дастлабки шаклланиши, яъни ажодларимизнинг азалий маданиятидан узилиб қолган, дейишимиз мумкин. Бу ҳақида Абу Райҳон Беруний араблар босқинигача бўлган давр ҳақида ўлкамизда яшаган халқимизнинг ўзига хос маданияти, маънавияти ва маърифати бўлганлигини, уларни араблар поймол этганлигини афсус билан ёзиб қолдирган. Араблар босқини ҳақида марҳум устоз профессор Қ.Б. Бўронов шундай ёзган: «Араблар босқини орасида Қадим Турон заминида муайян сиёсий тарқоқлик ҳукм сурарди, кичик-кичик ҳукмдорлар бир-бири билан қонли урушлар олиб борарди. Қора денгиздан Сарик денгизгача, яъни шимоли-шарқий Хитойгача чўзилган буюк турк Хоқонлиги (империяси) таназулга юз тутиб, тарқоқ яшаган турли қавмларнинг бири арабларга кескин қаршилик кўрсатса, иккинчиси муросасозлик йўлини тутарди. Бу ҳол табиийки, араблар томонидан Мовароуннаҳр ерларини босиб олишни енгиллаштирди. Араблар томонидан ўлканинг забт қилиниши ва янги диннинг — мафкуранинг ерли аҳолига сингдирилиши ўта қийин кечди. Улар рақибларни ўлдирдилар, исломни қабул қилмаганларнинг бошига турлитуман кулфатларни ёғдирдилар, ҳар хил йўллар би-

лан маҳаллий халқларга зулм ва ҳўрликларни ўтказдилар, катта солиқлар солдилар. Айни пайтда, араб ҳукмдорлари исломни қабул қилганлар учун турли имтиёзлар яратдилар, жумладан, уларни жузъядан, яъни жон солиғидан озод қилдилар»¹.

Ҳақиқатан ҳам, ислом динининг кенг тарқалиши шиддатли курашлар тарзида кечган, бу жараёнда барқарорликка нисбатан турли таҳдидларнинг кучайишида ўзига хос янги босқични кўриш мумкин. Умуман, ҳар қандай зўравонлик негизда маънавиятга қарши қаратилган ҳаракатлар туради. Бу юқорида Александрнинг «Авесто»ни ёқиб юборишга қаратилган ҳаракатлари ва унинг ўрнига ўз гоёларини оммалаштириши ёки ислом динини ҳудудларда, жумладан, Ўрта Осиёда кенг ёйиш жараёнларида намоён бўлган.

Маълумки, IX — XI асрларда Марказий Осиёда илм-фан ва маданият ривожланган ва бу, ўз навбатида, жаҳон миқёсида янги тамаддун юзага келишига асос бўлган. Жумладан, Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун вафотидан кейин (1009) унинг укаси Абул Аббос II ибн Маъмун даврида бу минтақада илм-фаннинг ривожланиши учун катта имкониятлар яратилган. Бу даврда Хоразмда Абу Райҳон Беруний раҳбарлигидаги Маъмун академияси ва Бағдодда Яҳъё ибн Абу Мансур, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий раҳбарлигидаги Маъмун академияси («Донишмандлар уйи») фаолият олиб борган. Бу академияларда фаннинг турли йўналишлари бўйича катта тадқиқотлар ўтказилган ва жаҳон аҳамиятига эга бўлган улкан кашфиётлар қилинган. Академия олимлари ўз кашфиётларини чуқур изланишлар, тажрибалар, турли экспедицияларни ўтказиш асосида амалга оширганлар. Жумладан, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий ҳинд рақами ва ҳисоблашнинг ўнлик санок тизими ҳақидаги маълумот билан танишиш учун Ҳин-

¹ Бўронов Қ. Халқимиз маънавияти ва маърифатининг тегран илдилари. — Т.: «Фан», 2003. 28-б.

дистонга сафар қилган ва зарур бўлган маълумотларни тўплаб, уларни ўрганиш асосида математик билимлар ривожланишининг янги йўналишини яратган. Бу академияларда фаолият кўрсатган Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино ва бошқа бир қатор машҳур олимлар амалга оширган кашфиётлар ўзининг чинакам моҳияти ва аҳамияти билан Ўрта Осиёда илк уйғониш даврини ифода эттирган эди.

Аммо бу давр ҳам турли таҳдидлардан холи бўлмади, аксинча, Хоразмнинг илмий ва маданий нуфузининг ошиб бориши кўпчилик сиёсат ва давлат арбобларининг диққатини ўзига тортиб келди ва охир-оқибатда, бу ҳудудни қўлга киритиш ҳаракатлари кучайиб борди. «Бу даврда, — деб ёзади Хоразм тарихи билимдони профессор И. Жабборов, — Хоразм даҳшатли истилочи, феодал, катта империяга асос солган Маҳмуд Ғазнавийга тамоман қарам бўлади. У Хоразм шоҳи саройида яшаб ижод қилаётган барча олимларнинг ўзига берилишини талаб қилади. Оқибатда, Беруний бошқа олимлар билан бирга Ғазнага жўнатилган»¹. Шу билан 1017 йилга келиб Маъмун академияси тугаб кетган. Энг ачинарли томони шундаки, муаллифнинг таъкидлашича, мустабид ҳукмдор Маҳмуд Ғазнавий шараф қозониш мақсадида ўз атрофига ёзувчилар, шоирлар, фан арбобларини тўплаган. Аммо у амалда бу олимлар ижодининг аҳамиятини тушунмас ва уни қадрламас, улардан эса ўзига сўзсиз итоат қилишни талаб этарди. Манбаларнинг хабар беришича, Маҳмуд Ғазнавий Берунийга шундай деган: «Агар сен менинг даргоҳимда бахтли бўлишни истасанг, ўз фанингга мувофиқ эмас, менинг истагимга мос тарзда гапиргин»². Шу тариқа фан жаҳолат, ёвузлик, манманлик қурбони бўлган. Бунинг яна бир салбий натижаси шу бўлдики,

¹ Жабборов И. Антик маданият ва маънавият хазинаси. — Т.: «Ўзбекистон», 1999. 130-б.

² Уша жойда.

Абу Райҳон Берунийнинг 152 та асаридан санокли қисми, Абу Али ибн Синонинг 450 та асаридан фақат 240 таси, Абу Наср Форобийнинг 160 та асаридан атиги 40 тага яқини бизгача етиб келган. Шунингдек, улар билан ижод қилган олимларнинг асарлари тақдири шундай бўлган. Уларнинг бизгача етиб келган асарлари эса бугунги кунда ҳам бутун инсониятга хизмат қилиб келмоқда. Жаҳолат, зўравонлик, маънавиятга қарши қаратилган таҳдидлар оқибатида ўша мутафаккирларнинг бизгача етиб келмаган асарларида бутун инсониятга хизмат қилиши мумкин бўлган яна қанча кашфиётлар бўлганлиги ҳеч кимга маълум эмас.

Жумладан, Форобийни олиб кўрайлик. Маълумки, Форобий Шарқнинг бошқа мутафаккирлари каби кенг қамровли олим бўлиб, у томонидан яратилган, бизгача етиб келган юқорида келтирилган асарларнинг аксарияти ҳалигача ўзбек тилига таржима қилинмаган. Аммо уларнинг кўпчилик қисми жаҳоннинг бир қатор мамлакатлар тилларига ўгирилган ва дунё халқлари ўртасида оммалашиб кетган. Биргина унинг «Фозил одамлар шаҳри» номли асари ўзининг илмий қиймати билан миллий давлатчилигимизнинг шаклланишида методологик аҳамиятга эга.

Форобийнинг илмий тафаккур тараққиётидаги ўрни шунда бўлдики, у Аристотелнинг «Метафизика», «Риторика», «Поэтика», «Категориялар», «Аналитика», «Этика» ва бошқа асарларини мукамал ўрганиб, уларни таржима қилиб Фарб ва Шарқ илмий-фалсафий тафаккурининг ўзаро уйғун ривожланишига катта ҳисса қўшди. Унинг ана шу фаолияти юқори баҳоланиб, ҳали ҳаётлиги чоғидаёқ Аристотелдан кейинги «муаллим ас-соний» — «иккинчи муаллим», «Шарқ Аристотели» номлари билан улуғлана бошланган эди.

Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарида давлат ва жамият ҳақида илгари сурган гоёлари чуқур сиёсий-фалсафий аҳамияти билан ажралиб туради. У

фозил жамоа хусусидаги фикрларида илм ва юксак ахлоққа эга бўлиш лозимлигини таъкидлайди¹. Бундай илмий хулосани фақат юксак билим ва тафаккурга эга, тараққиёт муаммоларини олдиндан кўришга салоҳияти етарли бўлган кишигина бериши мумкин эди. Чунки ҳали у яшаган даврда дунёда мукамал, ўзининг ижобий жиҳатлари барча учун ўрнатилган давлат шаклланмаган эди. Ана шундай шароитда давлат ҳақида бундай мукамал фикрларни илгари суриш Форобийнинг юксак илм соҳиби бўлганлигини кўрсатиб турибди. Унинг жамият ва инсон муносабатлари туғрисидаги қуйидаги фикрлари диққатга сазовордир. «Ҳар бир инсон ўз табиатига кўра шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтожлик сезади, унинг бир ўзи эса бундай нарсаларни қўлга киритолмайди. Шу боис уларга эга бўлишда кишилик жамоасига эҳтиёж туғилади... шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларни бири-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришмоқ учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради»². Форобийнинг бу фикрларидан кўриниб турибдики, у инсон ва жамиятни уйғун ҳолда тасвирлайди ва улар ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари фақат маълум жамоага уюшган ҳолдагина амалга ошуви мумкинлиги гоясини илгари суради.

Хуллас, IX — XII асрларда Ўрта Осиё ҳудудида ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Форобий ва бошқа бир қатор мутафаккирлар тафаккурининг ҳосиласи сифатида инсониятга

¹ Қаранг: *Форобий Абу Наср*. Фозил одамлар шаҳри. — Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. 86-б.

² Ўша жойда. 186-б.

тааллуқли бўлган тамаддун (цивилизация) шаклланди. Уларнинг илм-фан ва маънавият соҳасида қилган кашфиётлари кейинчалик Европада ана шу соҳаларнинг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказди. Лекин инсониятнинг умум мулкига айланган ана шу тамаддунни яратган ҳудудда юзага келган янги хатарли вазият, ўзаро курашлар натижасида илм-фан ва маънавият тараққиётига ўзининг салбий таъсирини ўтказди.

Учинчи давр — Ўзбекларнинг этник бирлик бўлиб шаклланиши ва XIII асрда Чингизхоннинг Мовароуннаҳрни босиб олиши билан боғлиқ. Маълумки, ўзбекларнинг этник бирлик бўлиб бирлашуви VIII асрнинг охири ва IX асрнинг бошларида содир бўла бошлаган. Бу уларнинг миллий ўзига хос маданият, маънавият ва маърифатни шакллантириб олганлигини ҳам билдиради. Аммо бу даврда ҳам уларнинг маданияти ва маънавиятига хавф-хатар тугагани йўқ. Хусусан, XIII аср бошларида Чингизхоннинг бу ўлкани босиб олиши оқибатида ҳудудда шаклланаётган миллий маданият катта талафотга учради. Чунки босқинчилар нафақат тинч аҳолини ўлдирганлар, шу билан бирга бутун шаҳарларни моддий ёдгорликлари билан вайронага айлантирганлар. Жумладан, «Мўғул истилочилари 1220 йилнинг бошларида дастлаб Сирдарё бўйидаги Ўт-рорни, кейин Бухоро ва Самарқандни босиб олганлар. Улар шаҳар ва қишлоқларни талон-торож қилиб, аҳолининг кўпчилигини қириб, бир қисмини куликка маҳкум этганлар. Муқаддас Бухоронинг ҳимоячилари бутунлай қирилган, истеҳкомлар яқсон қилиниб, шаҳарга ўт қўйилган. Самарқанд аҳолиси ҳам қахрамонлик билан ўз шаҳрини ҳимоя қилган, шаҳар аҳолисининг тўртдан бир қисми тирик қолган, холос. Урганч аҳолиси етти ой мардонавор курашгач, Султон Хумар-Тегин бошчилигида таслим бўлишга мажбур этилган. Шунча қаршиликка ҳеч қаерда учрамаган мўғуллар бутун аҳолини (100 минг ҳунармандни Мўғулистонга

жўнатиб), ёшу қарини қирганлар. Тарихчиларнинг ёзишча қамал қилган 50 минг мўғул лашкарининг ҳар биттаси 24 та урганчликни ўлдирган. Пойтахтни бутунлай емириб, ер билан яксон қилиш буюрилган, ваҳший истилочилар аҳолини бутунлай қириб бўлгач, Амударё тўғонини бузиб пойтахтни сувга бостиради. Оқибатда ажойиб тарихий обидалар, минглаб ноёб китоблар сақланган кутубхоналар барбод этилган эди»¹. Табиий равишда истилочиларнинг халқни қирғин қилиши ва унинг маданияти ва маърифатини барбод этишга қаратилган ёвузлиги оқибатида бу даврда шаклланиб келаётган миллий маданиятга катта путур етказилади, ўлка аҳолисининг миллат бўлиб бирлашиш жараёнлари орқага кетади. Албатта, халқ мўғулларга қарши мардона кураш олиб борди, аммо ўлка аҳолиси ўртасидаги тарқоқлик, бирликнинг мустаҳкам бўлмагани оқибатида душман галабага эришган. Чингизхондек босқинчиларга қарши курашда Хоразмдан етишиб чиққан, ўзбек халқининг буюк фарзанди Жалолиддин Мангуберди Ватан ҳимоячиси сифатида катта жасорат кўрсатган. Бу ҳақида кўплаб асарлар яратилган. Улар орасида Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг «Султон Жалолиддин Мангуберди» асари айниқса қимматли ҳисобланади². Чунки у ўз асарида ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни баён қилган. Муаллиф Жалолиддин билан бирга бўлган, унинг котиби сифатида барча бўлиб ўтган воқеаларни ёзиб борган. Асар ана шу аниқ маълумотлар асосида юзага келган.

Жалолиддин Мангуберди ҳақида ёзилган асар ва унинг муаллифи ҳақида фикр юритишимизнинг сабаби шундаки, ҳар бир миллатнинг қаҳрамонлари, уни

¹ Жабборов И. Антик маданият ва маънавият хазинаси. — Т.: «Ўзбекистон», 1999. 150—155-б.

² Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. (К. Матёкубов таржима-си). — Т.: «Ўзбекистон» — «Ёзувчи», 1999. 432-бет.

жаҳонга танитадиган фарзандлари бўлади. Улар ўзларининг Ватанига ва халқига бўлган садоқати, фидойилиги билан ўз миллатини жаҳон саҳнига олиб чиқадилар. Ўзбек миллатининг ана шундай фарзандларидан бири Жалолиддиндир. Биз бугун унинг қаҳрамонлиги ва кўрсатган жасоратидан фахрланамиз, маънан ва руҳан қувват оламиз, Ватанимиз ва миллатимизни ҳар қандай ёвуз кучлар тажовузидан ҳимоя қилишда унинг жасорати ҳамроҳ бўлади. Миллий маънавият эса миллат вакиллари ичидан етишиб чиқадиган ватанпарвар, миллатпарвар ва халқпарвар фарзандларнинг кўрсатган фидойилиги ҳисобига бойиб бораверади. Шу маънода, Жалолиддин Мангуберди Чингизхондек катта қудратга эга бўлган босқинчига қарши кураш олиб борган, миллий маънавиятимизга ўзига хос қиёфа бағишлаган ватанпарвар инсондир.

Мўғулистонда вужудга келган Чингизхон давлатининг Ўрта Осиёни босиб олишга қаратилган хатти-ҳаракатлари бу заминнинг ривожланишига имкон бермади. Аксинча, бу ўлкада асрлар давомида ривожлантирилган фан, маданият марказларига айланган шаҳарлар виёронга айлантилди. Араб тарихчиси Ибн ал-Асир (1160—1233) мўғул босқинчиларининг Ўрта Осиёда олиб борган фаолиятлари тўғрисида шундай ёзади: «Улар ҳеч кимни аямас эдилар, аёлларни, қарияларни, болаларни қатл этдилар... Орқада бирон шаҳарни қолдирмай ер билан текислаб ўтар эдилар»¹.

Тарихий манбалардан маълумки, халқ бу босқинчиларга қарши қаттиқ кураш олиб борди, улар ичида Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Темур Малик каби ватанпарвар ўғлонлар етишиб чиқди ва

¹ Қаранг: *Жабборов И.* Антик маданият ва маънавият ҳазинаси. — Т.: «Ўзбекистон», 1999. 151-б. Араб тарихчиси Ибн ал-Асир ҳақидаги маълумот: Шайхобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилюти. (К. Матёкубов таржимаси). — Т.: «Ўзбекистон» — «Ёзувчи», 1999. 22-б.

ёвуз душманга қарши курашда қаҳрамонлик кўрсатдилар. Аммо босқинларнинг олиб борган ёвузлик ҳаракатлари туфайли тинч аҳоли қирилди, мол-мулк талон-торож этилди, халққа ва ҳудудга нисбатан таҳдидлар кучайди. Мовароуннаҳр бу босқинчилик азобларини то Амир Темур ҳокимият тепасига келгунгача ўз бошидан кечиришга мажбур бўлди. У ҳокимият тепасига келган (1370 й.) дан кейингина мўғулларнинг Ўрта Осиёга нисбатан амалга оширган ёвузлигига, халқ онги ва ҳаётига нисбатан қаратилган таҳдидларга барҳам берилди. У мўғул босқинчиларини батамом тугатиши билан бир вақтда улкан империяни яратди.

Амир Темур ҳокимият тепасига келгандан кейин, энг аввало, парокандаликка учраган мамлакатни тиклашга, тартиб-интизом ўрнатишга, аҳолининг тинчлигини таъминлаш ишларини амалга оширишга киришди. У бу вазифани амалга оширишга ўша даврнинг таниқли олимларини кенг жалб қилди. Бу ҳақида моҳир адиб ва тарихчи Низомиддин Шомий куйидагича тасвирлайди: «...Яна шу мажлисда Амир Соҳибқирон бир гуруҳ таниқли (288.) ва диёнатли олимлардан танлаб, уларнинг ҳар бирини аъло томонидан бир амин билан мамлакат чеккаларидан бирига номзод қилди, токи улар тайин этилган томонга жўнаб, мамлакат ишларининг тагига етсинлар, агар биронта бир мазлумга зулм етган бўлса ёки бирон ожизга зўравонлик раво кўрилган бўлса, зарар тиканини мазлумлар оёғидан чиқариб, улардан зўрлик билан олинган нарса исбот қилинса, ўша томонда бўлган хазина молидан уларга қайтиб берсинлар, бўлган аҳволни ёзиб олиб қайтсинлар ва арз иззатгоҳига етказсинлар, токи бундан кейин у (зулм) қоидаларини улардан йироқлаштирсинлар»¹.

Амир Темурнинг давлат бошқаруви ва аҳолининг хавфсизлигини таъминлашдаги фаолияти ҳақида «Те-

¹ *Низомиддин Шомий*. Зафарнома. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. 370-б.

мур тузуклари»да алоҳида фикрлар юритилади. Шундай катта бир империяга асос солиб, уни моҳирона идора этган Соҳибқирон бобомиз мамлакат ва аҳолига нисбатан ҳар доим таҳдидлар, хавф-хатарлар борлигини эътиборга олган. У шундай таъкидлайди: «Салтанат саройининг ишончли ва эътиборли кишилари бўлмиш вазирлар хусусида шундай буйруқ бердим. Агар булар ўз фаолияти даврида салтанатни йиқитиш қасдида давлатга хиёнат қилган бўлсалар ҳам, уларни ўлдиришда шошилмасинлар, балки аввал хабар берувчиларнинг ўзлари кимлиги, даъватларининг рост-ёлгонлигини маҳак тошига (олтинни суртиб, тоза ёки сохталлигини аниқлаб берадиган қора тусли бир тош. Бу ўринда кўча маънода ишлатилган) уриб текшириб кўрсинлар. Чунки кўп ҳолларда ҳасадчилар ва ғийбатчилар ё кўра олмай, ёки тамагирчилик билан ёлгон тўқиб, чиндай қилиб ясаб чиқарадилар ва (палид) мақсадларига етишадилар. Давлат ичида талай олчоқ, ёмон-ёмон одамлар бордирки, давлат душманларини яхшилаб, унинг жон фидойиларини турли макр-ҳийлалар билан хароб қиладилар. Буларнинг мақсадлари салтанат кўрғонига раҳна солишдир»¹.

Амир Темур нафақат катта империяни вужудга келтирди, шу билан бирга илм-фан, маданият, маънавият, адабиёт, санъатнинг тараққий қилишида шарқ, хусусан, Ўрта Осиёда янги Темурийлар даврини ҳам бошлаб берди. Бу даврда Марказий Осиё ўзининг IX — XII асрлардаги илм-фан соҳасидаги салоҳиятини нафақат тиклади, шунингдек, янги босқичга кўтарди. XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрдаги Ўрта Осиёнинг маданий, маънавий ва маърифий камолоти IX—XII аср маданияти, маънавияти ва маърифатининг давомидир. Ўрта Осиё халқлари орасидан етишиб чиққан буюк тафаккур эгаларининг бутун бир авлоди худди шу даврда шаклланди ва ижод этди. Бутун дунёга номлари

¹ Темур тузуклари. — Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. 37-б.

машхур тарихчилар Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий, буюк олимлар — Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий; файласуф шоирлар — Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Лутфий, Саккокий, Атоий; мусаввирлар — Камолиддин Беҳзод, Қосим Али, Мирак Наққош; хаттотлар — Султон Али Машҳадий, Султон Муҳаммад Хандон Муҳаммад бин Нур ва бошқалар шулар жумласидандир. Академик Иброҳим Мўминовнинг ёзишича, «Темур саройида хизмат қилувчи олимлар орасида Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунши, Мавлоно Абдулла Лисон, Мавлоно Бадриддин Аҳмад, Мавлоно Нуғмониддин Хоразмий, Хўжа Афзал, Мавлоно Олоуддин Коший, Жалол Хожий ва бошқалар бор эди. Темур илм-фаннинг математика — риёзиёт, геометрия — ҳандаса, архитектура — меъморлик, ахтаршунослик, астрономия, адабиёт, тарих, мусиқа каби соҳаларни ривожлантиришга айниқса катта эътибор берарди, у соҳиб ҳунар эгалари — усталар билан зўр қизиқиш билан суҳбатлашар эди»¹. Бизгача етиб келган тарихий, илмий, маънавий ва моддий мерослардан маълумки, уларнинг ҳаммаси ўша давр ва ўзларигача бўлган инсоният маънавияти, маърифати ва маданияти ютуғининг барча соҳаларини мукаммал ўзлаштириб олган, ўзлари танлаган соҳаларнинг ҳали ҳеч ким томонидан забт этилмаган чўққиларини эгаллаган маънавият эгалари бўлганлар.

Шунинг учун ҳам уларнинг бой, серқирра ижодлари, тенги йўқ ва такрорланмас илмий-фалсафий, бадий, тарихий асарлари асрлардан асрларга, даврлардан даврларга эсон-омон ўтиб, барча таҳдиду алғовдалғовларга бардош бериб бизгача етиб келди.

¹ Қаранг: Мўминов И.М. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли (ёзма манбалар маълумоти асосида). Иккинчи нашр. — Т.: «Фан», 1993. 23-б.

Жаҳон халқлари тарихида илм-фан, маданият, маънавият, адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларда юксак кашфиётлар амалга оширилган, уларнинг кўпчилиги бугунги кунгача инсониятга хизмат қилиб келмоқда. Ана шу жиҳатдан масалага қарайдиган бўлсак, Амир Темур бобомиз асос солган Темурийлар даври алоҳида ўз ўрнига эга бўлганлигини кўрамиз. Дунёда давлат, сиёсат арбоблари ва империяларни вужудга келтирган жаҳонгирлар ҳам ўтган, лекин уларнинг кўпчилигидан инсоният аҳлига хизмат қиладиган мерослардан кўра бузғунчилик, талончилик, ёвузлик, моддий ва маънавий бойликларни йўқ қилиш каби ғайриинсоний тарихий маълумотлар қолган. Аммо Амир Темур бобомиздан, энг аввало, Марказий Осиё ва қолаверса, бутун инсониятга мерос бўлиб қолган барча бойликлар ўз салобати ва қиймати билан инсонни ҳайратга солиб, унинг маънавиятини бойитиб келмоқда.

Темурийлар даврининг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, бу даврда ислом дини илм-фан, маданият ва маънавият билан уйғун равишда ривожлантирилган.

Темурийлар даврида шаклланган мусаввирлик санъати маънавият тараққиётининг ўзига хос босқичи сифатида намоён бўлган. Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари ижодида юксак босқичга кўтарилган мусаввирлик санъати Шарқ уйғониш даврининг ютуқлари даражасига кўтарилган. Беҳзод ўзининг такрорланмас ижоди билан нафақат Шарқда, балки бутун дунёда ҳам ўчмас из қолдиргандир. «Иккинчи Моний», «Шарқ Рафаэли» деб юксак даражада эъзозланган Беҳзод машҳур сўз санъаткорлари — Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон ва бошқаларнинг тасвирларини яратган мўйқалам соҳиби эди.

Темурийлар даври илм-фан, маданият, маърифат ривожини Мирзо Улуғбек (1394 — 1449) номи билан чамбарчас боғланиб кетган. У давлат арбоби, фан, маърифат ҳомийси, буюк олим ва мунажжим бўлган. У ўзи

қурдирган расадхона ва илм-маърифат марказига турли соҳаларда иш олиб боровчи 100 дан ортиқ илм аҳлини тўплаб, кенг жабҳада илмий кузатиш ишларини олиб борган. Булар Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид, Али Қушчи, Мавлоно Аҳмад Муҳаммад Ҳавофий, Абул Али Биржондий, Мирим Чалабий, Муиниддин Киший каби замонанинг забардаст олимлари бўлган.

Мирзо Улуғбек шу асосда Самарқандда «Самарқанд академияси» — «Улуғбек академияси»га асос солган эди. «Зижи жадиди Кўрагоний» («Кўрагонийнинг янги астрономик жадвали») ва «Тўрт улус тарихи» номли асарларни яратган буюк олимдир. Улуғбек ўзининг илмий салоҳияти, хусусан, астрономия соҳасида амалга оширган улкан кашфиётлари билан ўз даврининг шуҳратига сазовор бўлган эди. Унинг бу соҳада амалга оширган кашфиётлари бугун ҳам бутун дунё аҳлига хизмат қилиб келмоқда.

Темурийлар даври маънавияти ва маърифатида Мир Алишер Навоий (1441—1501)нинг роли ниҳоятда катта бўлган. У ўзбек халқининг буюк фарзанди, мутафаккир, давлат арбоби, ўзбек адабиёти ва тилининг асосчиси эди. У адабиёт, санъатнинг турли соҳаларига оид қирқдан ортиқ асар яратди. «Чор девон», «Хамса», «Маҳбуб ул-қулуб», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Мажолис ун-нафоис», «Лисон ут-тайр» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Навоий замоннинг қарама-қаршилиги, оддий инсонларнинг доим замонга хос бўлган таҳдидлар остида яшаётганлигини тушунган ва ўз асарларида бу жараённи акс эттирган. У бутун умри давомида инсонпарварликни, одамийликни улуғлаш, кишилар ғамида бўлиш, яхшилик қилиш, мурувват кўрсатиш мазмунида қалам тебратган.

Темурийлар даврида яратилган барча моддий ва маънавий бойликлар, адабиёт ва санъат асарлари ўзбек халқининг дунё миқёсидаги нуфузини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшишида

янги босқич бўлди. Улар бугун ҳам халқимиз маънавиятини бойитишда муҳим манбалардан бири бўлиб келмоқда¹.

Президентимиз Ислом Каримов бобомиз Амир Темурнинг «Тузуқлар»и ҳақида шундай ёзади: «Шахсан мен «Темур тузуқлари»ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман. Масалан, «Тажрибамдан кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир», деган сўзлар бугунги кунда ҳам маънавий жиҳатдан нақадар долзарб аҳамиятга эга экани барчамизга аён»².

Афсуски, Темурийлар даврида яратилган кўпгина моддий ва маънавий бойликлар ҳокимият учун курашлар, зўрлик, ёвузлик ва турли алгов-далғовлар оқибатида бугунги кунгача етиб келмади. Бу курашлар нафақат маънавият ва маърифатни, шунингдек, Темурийлар салтанатининг инқирозга юз тутишига олиб келди. Амир Темур вафотидан кейин мамлакатда ҳокимият учун курашнинг авж олиши, Улугбекнинг фожиаги ўлими, у тузган академиянинг тугаши, Самарқандда фаолият олиб борган дунёга машҳур бўлган олимларнинг турли мамлакатларга тарқалиб кетиши маънавият ва маърифат соҳасида инқирознинг намоён бўлишини кўрсатган эди.

Жалололдин Мангубердидан кейин миллатимиз довуғини оламга танитган, миллий маънавиятимиз

¹ Қаранг: *Отамуратов С., Ҳусанов С., Раматов Ж.* Маънавият асослари (ўқув қўлланма). — Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. 119 — 128-б.

² *Каримов И. А.* Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 45-б.

ривожида катта бурилиш ясаган инсонлардан бири Амир Темурдир. У парокандаликка учраган Мовароуннахрни нафақат қайтадан тиклади, шунингдек, марказлашган давлатни барпо этиб, унда миллий маънавиятимизнинг ажойиб дурдоналарини яратди. Самарқандни дунёнинг энг гўзал, маданияти ва маънавияти юксак шаҳар даражасига кўтарди. Амир Темур бобомизнинг ҳаёт мазмуни, давлатни бошқариш услуби адолат тамойилига асослангани билан ҳам миллий маънавиятимиз тараққиётида алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки у қурдирган бинолар, масжиду мадрасалар, яратган боғларда миллатимизга хос бўлган руҳият ва маънавий қиёфа барқ уриб турибди. Амир Темур бошлаб берган яратувчанлик, илм, маданият ва маърифат XIV — XV асрлар давомида миллатимиз маданияти ва маърифати тараққиётидаги алоҳида босқич сифатида жаҳон тамаддунида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб келмоқда. Афсуски, Амир Темурнинг вафотидан кейин темурийлар сулоласининг инқирози оқибатида у барпо этган марказлашган давлат бўлиниб кетди. Бунинг натижасида маданият ва маърифат темурийлар сулоласи даврига нисбатан орқада қолишига олиб келди.

Темурийлар салтанатининг инқирозига сабаб бўлган доимий мавжуд ички зиддиятлар, мамлакат хавфсизлигига қарши таҳдидлар бир дақиқа ҳам тўхтамаган. Ана шу ички таҳдидлар билан бирга минтақага ташқи таҳдидларнинг ҳам юзага келганлиги маданий ва маънавий тушкунликнинг кучайишига олиб келди.

Айниқса, Ўрта Осиёда Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонлигидан иборат учта мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, бир томондан, ҳали тўла шаклланиб улгурмаган ўзбек миллатининг тарқоқлигини юзага келтирди, иккинчи томондан эса, Англия ва Россия каби давлатларнинг бу ҳудудни қўлга кири-

тишга ҳаракатларини ҳам кучайтириб юборди. Улар турли баҳоналар билан бу заминга ўзларининг ай-гоқчиларини юбориб, ўлкани обдан ўрганиш ва қўлга киритиш режаларини бошлаб юбордилар. Худди ана шундай шароитдан бошлаб миллий маънавиятимизга қарши қаратилган таҳдидларнинг **тургинчи даври бошланди**. Бу даврнинг характерли жиҳати шу бўлдики, ўзбекларнинг миллат бўлиб шаклланиш жараёнлари кучайиб борди ва айна пайтда унга қарши бўлган кучларнинг ёвузлик ҳаракатлари ҳам ортиб борди.

Россия подшоси Пётр I (1672—1725) томонидан 1714 йилда Бекович-Черкасский бошчилигидаги ҳарбий экспедиция Хивага юборилган. Гарчанд, Хива хони Шерғозихон (1715—1727) томонидан экспедиция барбод қилинган бўлса ҳам, бундай экспедициялар тугамади, аксинча Россия қандай йўл билан бўлса ҳам Ўрта Осиёни қўлга киритиш режасидан қайтмади. 1865 йилдан 1873 йилгача бутун воҳадаги учта — Қўқон хонлиги (1865), Бухоро амирлиги (1868) ва Хива хонлигини (1873) ўзига қарам қилиб олди. Бутун ўлкани бошқариш ва назорат қилиш рус императори томонидан тайинланган губернаторлар қўлига ўтди.

Ана шундай шароитда ўлкада аҳоли икки томонлама, маҳаллий бой амалдорлари ва рус босқинчилари томонидан қаттиқ эксплуатация қилина бошланди. Аждодлар томонидан қолдирилган моддий бойликлар, қўлёзмалар, маданият ва маърифатга оид барча бойликлар Россияга ташиб кетилди. Миллий маънавиятимиз рус босқинчилари томонидан қаттиқ назорат қилиниши оқибатида уларнинг таъсирига туша бошлади. Бу жараён миллий маънавиятимизнинг саёзлашувига ўз таъсирини ўтказди. Чоризмнинг Туркистонга юборилган ҳарбийларидан тортиб, бошқа соҳа вакилларигача халқимизнинг дини, урф-одати, анъана ва қадриятларидан жудо қилишда жонбозлик кўрсат-

ганлар. Жумладан, В. Верещагин деган ёвуз, «Бир муллаваччани минорадан улоқтириб юбордим»¹, — деб ёзиб қолдирган. Аслида, муллавачча муқаддас динимизни ва миллий маънавиятимизни асраш тимсоли ҳисобланади. В. Верещагин эса бу қилган ишидан мағрурланиб, мақтаниб юрган. Ўзбекнинг нонини, тузини еб, сувини ичиб, унинг тузлигига тупурган бу кимса миллатимизни ва унинг маънавиятини барбод қилишда иштирок этгани, унга ўтказган зулмларини ўзича фахр деб ҳисоблаган. Яна бир босқинчи Туркистон ҳарбий губернатори генерал А.Н. Куропаткин эса 1916 йилда «Биз 50 йил тубжой аҳолисини тараққиётдан жиловладик, мактаблар ва рус ҳаётидан четда тутдик»², деб мағрурланиб ёзган. Бундай ҳаракатларнинг миллий маънавиятимиз ривожига қандай таъсир ўтказганини изоҳлашга ҳожат ҳам йўқ. Чунки улар қандайдир чеккадаги одамнинг эмас, балки босқинчининг ўз эътирофидир.

Россиянинг Ўрта Осиёни бутунлай ўзига қаратиб олишдан мақсади, бу ўлка халқларининг моддий бойликларига эга бўлиш билан тугагани йўқ, айти пайтда улар ўлкада ўзларининг маънавий ҳукмронлигини ҳам амалга оширишга киришдилар. Бу рус генераллари томонидан билдирилган қуйидаги фикрларда ўз ифодасини топган:

«Ўлкани руслаштириш режасини амалга оширишда мактаб катта аҳамият касб этиши лозим» (Генерал Розенбах).

«Бир минг сарт бир ўрис солдати этигининг пошнасига арзимади» (П.Иванов — Фарғона Генерал-Губернатори).

«Ўрта Осиё — рус тожидаги энг қимматбаҳо дур» (Россия империяси молия нозири).

«Россиянинг келажаги Ўрта Осиёдан» (Россия ички ишлар вазири).

¹ Қаранг: Кўчирмалар: Мажидий Ҳасаний. Туркистон босқини. — Т.: «Нур», 1992. 39-б.

² Қаранг: Ўша манба. 37—46-б.

Юқорида келтирилганлар изоҳ талаб қилмайди. Улардан кўриниб турибдики, Ўрта Осиё халқлари чор Россияси томонидан босиб олингандан кейин доимо таҳдидлар, зўравонликлар, камситиш ва шу каби инсониятга қилинмайдиган хўрликларни ўз бошидан кечирганлар. Бундай ёвузлик, албатта, илғор рус зиёлилари томонидан қораланиб келинган. Жумладан, рус халқининг забардаст адибларидан бири Ф.М. Достоевский шундай ёзган эди: «**Ҳақиқат эса Россиядан улғудир**»¹.

Тарих фанлари доктори, собиқ СССР халқ депутати Рой Медведев «Мен тарихчи сифатида шуни айтишим керакки, биз совет тарихчилари Ўрта Осиёни Россия истило қилганлигини тан олишдан ҳам, ҳатто шимолий Кавказни забт этганини айтишдан ҳам тортинмаймиз»².

Келтирилган фикрнинг юзага келишига сабаб, чоризм Ўрта Осиёни босиб олганидан кейин унинг халқига ўтказган жабр-зулмлар эди. Чоризмнинг Ўрта Осиёни босиб олишдан кўзлаган мақсадларини яширишга ҳаркат қилган турли зиёлилар ҳам бўлган. Аммо: «империя жўғрофия жамиятининг ҳақиқий аъзоси Д. Логофет асримиз бошларида Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб бир неча саёҳатлар уюштиради. Олим ўзининг «Ўрта Осиё чегараларида», «Ҳуқуқсизлик ўлкасида», «Русиё — Афғон чегараси», «Бухоро тоғлари ва текисликларида», «Бухоро — Афғон чегараси» сингари асарларида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мулкларининг босиб олинишидаги қонхўрликлардан кўз юма олмаган... Д. Логофет 1868—1880 йилларда русиё империясининг такаббур генераллари Черняев, Кауфман, Куропаткин, Скобелевлар Ўрта Осиёнинг қишлоқ ва шаҳарларини бузилган ўлкага айлантирилганликлари-ю, беғуноҳ халқнинг қонини тўкканларининг тирик гувоҳидир»³.

¹ Қаранг: Ўша манба. 37-б.

² Қаранг: Ўша манба. 38-б.

³ Қаранг: Ўша манба. 15-б.

Ана шундай жабр-зулмларга қарши ўлка аҳолисининг курашлари бошланиб кетди. Ана шундай курашларнинг энг каттаси 1898 йилда «Дукчи Эшон» номи билан танилган 42 яшар Муҳаммад Али Халифа (Мадали Эшон) бошчилигида бўлиб ўтди, иккинчиси 1916 йилда рус императорининг 19 ёшдан то 43 ёшгача бўлган кишиларни мардикорликка олишга қарши кўзғолон Жиззахда бўлиб ўтган эди. Ҳар иккала кўзғолон қонга ботирилди. Шунга қарамасдан чоризм зўравонлигига қарши кўзғолонлар бир дақиқа ҳам тўхтагани йўқ.

Чоризмнинг ўлкамизда ўтказган миллий сиёсати оқибатида миллий маънавиятимизнинг ўз заминларидан узилиб қолиш хавфи кучайган. Аммо бу даврда ҳам халқимиз ичидан етишиб чиққан миллатпарвар, ватанпарвар инсонлар Ватанимиз мустақиллиги ва унинг миллий ўзлигини англатиш йўлида курашдилар ва бу мақсад йўлида ҳатто ўз жонларини ҳам аямадилар. Улар жадидлар номи билан миллатимиз мустақиллигини қўлга киритиш йўлида курашга отланган инсонлар эдилар. Улар миллатимизнинг зўравонларга қарши курашиши учун маърифатини кўтариш, халқни бирлаштириш борасида самарали фаолият олиб бордилар. Аммо чоризм моддий ва ҳарбий жиҳатдан қудратли бўлгани боис жадидлар ўз мақсадларини тўла амалга ошира олмадилар. Лекин маърифатпарварлар бошлаган мустақиллик учун кураш зое кетмади. Чунки улар, **бир томондан**, халқимизнинг ўзлигини англашига, ўз мустақиллиги учун курашга сафарбар этишга ҳисса қўшган бўлса, **иккинчи томондан**, миллий маънавиятимизнинг босқинчилар маънавиятидан устун эканлигини кўрсатиб бердилар. Улар чоризмнинг ўлкада ўз ҳукмронлигини абадийлаштириш борасида олиб борган зўравонлиги шароитида миллий маънавиятимизнинг софлигини сақлаб қолиш, унга ёт бўлган таъсирлардан ҳимоя қилиш йўлида майдонга чиқдилар. Маърифатпарварларимиз тимсолида босқинчилар ўзбек миллатининг моддий, маънавий ва руҳий салоҳияти мустаҳкам эканлигига

икрор бўлдилар. Шу тариқа чоризмнинг миллий маънавиятимизга қарши қаратилган таҳдидларидан ҳимояланиш имкониятлари мустақамланиб борди.

Миллий маънавиятимизга қарши қаратилган таҳдидларнинг **бешинчи даври** рус чоризмининг (империясининг) барбод бўлиши ва большевикларнинг Россия давлати тепасига келиши билан бошланди. Бу даврда миллий маънавиятимизни барбод қилиш, унинг ўрнига рус маданияти ва маърифатини бутун ўлка халқлари ҳаётига жорий қилиш давлат сиёсатига айланди. Бу сиёсатни амалга ошириш учун большевиклар амалиётни ўзбек миллатининг юзи бўлган, унинг ўзлигини англаши ва мустақиллиги учун кураш йўлида фидойилик кўрсатиб келаётган жадидчиларни жисмонан йўқ қилишдан бошладилар. Агар жадидчилар ҳаракати Туркистонда XIX асрнинг 90-йилларидан бошланган бўлса, уларни жисмонан йўқ қилиш 1920 йиллардан бошланиб то Иккинчи жаҳон уруши бошлангунгача давом этди. Жумладан, жадидчиларнинг сардорларидан бири «Маҳмудхўжа Бехбудий 1919 йилнинг баҳорида 25 мартда Шаҳрисабзда қўлга олиниб, сирли бир тусда Қарши шаҳрида қатл қилинади. Яна бир сардор Мунавварқори эди. 1929 йилда «Мунавварқори тўдаси» деган иш очилди ва 87 киши терговга тортилди. 1931 йилнинг апрелида ОГПУ қарори билан шулардан 15 киши отиб ўлдиришга, 31 киши 10 йил, 19 киши беш йил, 14 киши уч йил қамоққа ҳукм қилинади, 1 киши бир йилга Омскка сургунга юборилади, 3 киши юртидан бадарға қилинди.

Мунавварқори, Салимхон Тиллахонов, Саид Аҳрорий, Тангрикул ҳожи Мақсудов, Нажмиддин Шермухамедовлар бирга 1931 йилнинг 23 майида Москванинг машҳур Бутиркасида отилиб, Ваганково қабристонига пинҳона кўмилди ва бу маълумотлар русия матбуотида 1992 йилнинг 25 майида роса 61 йилдан кейин ошкор қилинди»¹.

¹ Қаранг: Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. — Т.: «Маънавият», 2002. 233—235-б.

1917 йилнинг октябрида Россияда тўнтаришдан кейин ҳам Ўрта Осиё халқлари бир дақиқа ҳам хавфхатарсиз яшамаган, аксинча, большевиклар минтақа халқларининг кўзга кўринган фарзандларини жисмонан йўқ қилиш, ўзларини эса доимо кўрқувда ушлаб туриш, сўзсиз итоат қилишга мажбур этиш, миллий-маънавий заминларни батамом барбод қилиш сиёсатини кучайтириб борганлар.

Профессорлар Д.А. Алимова ва А.А. Головановлар бу ҳақида қуйидагича ёзганлар: «Октябрь тўнтаришидан кейин зўравонлик билан советлаштириш ва ғайримиллий социалистик давлатчиликни қарор топтириш ленинча стратегияси фаоллик билан ҳаётга татбиқ этила бошланди. У Ўзбекистонда ҳам яққол қўлланди. Большевиклар ҳокимияти ўлка халқларининг ўзига хос миллий ривожланиши мумкинлигини огиздагина эълон қилиб, амалда эса барча йўллар билан бу жараёнларга тўсиқ бўлди»¹.

Аслида большевиклар миллий маънавиятга қарши курашни бир неча йўналишда олиб борганлар. Уларнинг биринчиси — миллатнинг кўзга кўринган зиёлиларини «миллатчи»ликда айблаб, жисмонан йўқ қилиб бориш бўлса, иккинчиси — амалдаги анъанавий таълимни диний таълим сифатида баҳолаб, уларни бутунлай йўқ қилиб юбориш, ҳатто дин билан боглиқ бўлмаган тармоқларни ҳам турли баҳоналар билан йўқ қилиш, уларнинг ўрнига рус таълим ва тарбия тизимини жорий қилиш йўли билан амалга оширганлар. Жумладан, «Большевиклар ҳокимиятни эгаллаши биланоқ кўп вариантли таълим тизимини услубий жиҳатдан бузишга ва яқка вариантли совет таълим тизимини қарор топтиришга қаратилган йўл аниқ кўзга ташланди. Янги ҳукмдорлар давлатнинг иқтисодий ва ҳарбий куч-қудратидан фойдаланиб, халқ маорифи

¹ *Алимова Д.А., Голованов А.А. Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафқуравий тазйиқ оқибатлари (1917—1990 йиллар). — Т.: «Ўзбекистон», 2000. 10-б.*

соҳасида қаттиқ назорат ўрнатишга киришдилар. Бир хил типдаги совет мактабларини зўрлик билан кўпайтиришга интилдилар, бу мактаблар ёшларда коммунистик дунёқарашни шакллантирувчи таянч восита бўлиб қолиши лозим эди. 1920 йилдаёқ ТАССРда «Социалистик» типдаги 2080 та мактаб ишлаб турарди. Уларда таълим олаётганлар сони 174820 ўқувчини ташкил этарди»¹.

Бундай мактаблар сони йилдан-йил кўпайтирилиб, охир-оқибатда минтақада ана шу таълим тизими ўрнатилди. Бу, ўз навбатида, нафақат таълимни, шунингдек, анъанавий тарбия тизимини ҳам барбод қилишга хизмат қилди. Айтиш мумкинки, **миллий заминларга** таянувчи қадриятларнинг барбод бўлиш жараёнларининг бошланиши худди ана шу анъанавий тарбия тизимининг йўқ қилиниш даври билан боғлиқдир. Чунки таълим билан бирга тарбияни узвий равишда олиб боришга қаратилган сиёсатдан кўзланган мақсад ҳам ана шу жирканч вазифани амалга оширишга йўналтирилган эди. Маълумотларга мурожаат қилайлик: «...1920 йил охирларига келиб Туркистонда 177 та «Социалистик» кутубхона, 97 та клуб, 76 та қизил чойхона, 172 та қироатхона ва бошқа муассасалар бор эди. Лекин маҳаллий аҳоли уларга деярли қатнамас эди»².

Демак, маҳаллий аҳоли большевикларнинг асл мақсадларини тушуниб етганлар. Аммо зўравонларнинг кучли босими мавжудлиги оқибатида таълим ва тарбия тизимини вазминлик билан ўзгартиришга ҳаракат қилганлар.

Большевиклар томонидан совет тузуми душмани сифатида «...Расмий маълумотларга қараганда, 1937 — 1953 йилларда республикада 100.000 киши қатағон қилинди, улардан 13.000 киши отишга ҳукм этилди»³. Улар орасида оддий инсонлардан тортиб, миллатимиз ичидан етишиб чиққан олимлар, адабиёт ва санъат

¹ Ўша манба. 25-б.

² Ўша манба. 27-б.

³ Ўша манба. 57-б.

арбоблари, миллатпарвар давлат раҳбарларигача барча табақа вакиллари бўлган. Улар Ўзбекистон тараққиёти учун жонларини фидо қилган инсонлар эдилар. Бу қиргинларнинг қурбонига айланганларнинг кўпчилигини миллий зиёлилар ташкил қилган. Уларни қириб юбориш билан **чоризм ва рус большевиклари** миллатни осонгина итоаткор қилмоқчи бўлганлар. Ҳақиқатан ҳам, жаҳонда барча босқинчилик ҳаракатларини содир этган мамлакатлар тажрибаларидан маълумки, улар миллатларнинг кўзга кўринган зиёлилари, миллатпарвар, ватанпарвар давлат ва жамоат арбобларини жисмонан йўқ қилишни ўз мустахлакачилик сиёсатини амалга ошириш, халқини итоатда ушлаб туришнинг энг самарали йўли деб ҳисоблаганлар ва бу сиёсатни бешафқат амалга оширганлар.

Аслида ҳам, худди ана шу миллатимиз зиёлиларининг кўзга кўринган вакиллари миллий онг, миллий ўзликни англаш, миллатнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини англатиш, озод ва эркин тараққий қилиш гояларининг шаклланиши, уларнинг оммавийлашиб боришидаги етакчи куч ҳисобланади. Айниқса, уларнинг миллий маънавиятни асраш, уни ривожлантириш ва омалаштиришдаги роли ниҳоятда каттадир. Уларнинг фаолиги орқалигина миллий маънавият ривожланиб ва такомиллашиб боради. Миллий зиёлиси тараққий қилмаган миллатнинг истиқболи ҳам бўлмайди. Буни биз миллатимизнинг чоризм ва большевиклардан озод бўлиш ва мустақиллигини қўлга киритиш йўлида ўз жонларини фидо қилган жадидчилик гоялари ва ҳаракатларини амалга оширган улуғ фарзандлари фаолиятдан ҳам кўришимиз мумкин бўлади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Муҳаммадшариф Сўфизода ва бошқа бир қатор жадидчилар XIX аср охирларидан фаолият бошлаб, мамлакатни, халқни миллий зулм ва қолоқликдан халос этишнинг ягона йўлини маърифат деб билдилар. Бу

фидойи зотлар мустабид тузум ва жаҳолатга, маънавий қуллик ва зулм-зўравонликка қарши бор кучлари билан кураш олиб бордилар. Бу маърифатпарвар боболаримиз дунё кезиб, дунё халқларининг илму урфони, маданияти билан танишиб, мустамлака ўлкани, унинг кишанларини илм чироғи билангина озодлик сари бошламоқ, парчаламоқ мумкин эканини чуқур ҳис этдилар. Шу сабабли ҳам, энг аввало, юртимизда маънавият ва маданиятнинг негизи бўлган мактаб ва маориф ишларини ривожлантиришда ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан шижоат намунасини кўрсатдилар.

Айнан жадидчилар чоризм ва большевикларнинг миллий маънавият ва маданиятининг истиқболи катта таҳдидда эканлигини англаб етганлар. Улар мактаб ва маорифни ислоҳ қилиш орқали миллий онг ва миллий маънавиятни ривожлантириш мумкинлигини туншунганлар ҳамда бу йўлда фаолият олиб борганлар. Жадидчилик ҳаракатини чуқур ўрганган ва унинг фаолияти ҳамда гоёларини очиб беришга бағишланган фундаментал асарлари билан таниқли олим, марҳум профессор Бегали Қосимов шундай ёзган эди: «Жадидчиликнинг асосида «жадид» сўзи ётади. «Жадид»нинг маъноси «янги» демақдир. У шунчаки «янги» ё бўлмаса, «янгилик тарафдори» дегани эмас, балки «янги тафаккур», «янги инсон», «янги авлод» сингари кенг маъноларни ўзида мужассам этган»¹.

Жадидчилар мактаб ва маърифатни ислоҳ қилишни икки йўналишда амалга оширганлар. Биринчи йўналиш Туркистоннинг ўзида ўқитишнинг эски усулидан воз кечиб, янги «жадиди усулни» жорий қилиш бўлган бўлса, иккинчи йўналишда Туркистоннинг талантили ёшларини Европанинг кўзга кўринган олий ўқув юрталарига таълим олиш учун юборилган. Жумладан, 1922 йилнинг ёзида Туркистон Марказий ижроия Қўмитаси ҳайъати раёсати ва Бухоро ҳукумати қарорига кўра

¹ Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидоийлик. — Т.: «Маънавият», 2002. 5-б.

60 дан ортиқ ўқувчи Германияга ўқишга юборилган. 1923 йилда Германияда туркистонликлардан 11, бухороликлардан 51 талаба ўқир эди¹.

Жадидчилар янги услубдаги мактабларни очганлар, матбуот, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга катта эътибор бериб, уларни тараққий эттириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилганлар. Уларнинг олиб борган фаолиятлари замирида миллий онг, ўзликни англаш ва маънавиятни ривожлантириш турганлигини кўриш мумкин. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки уларни ривожлантириш йўли билангина миллий тараққиётга эришиш, маънавиятни асраш ва баркамол инсонни тарбиялаш мумкинлиги жаҳон халқлари ва миллатимиз тараққиётининг барча босқичларида ўз тасдиғини топиб келмоқда.

Буни қарамлик йилларида ўзбек халқининг миллий-маънавий меросига қарши қаратилган ҳаракатларда кўриш мумкин.

Большевиклар томонидан жадидчилар жисмонан йўқ қилинди. Миллатимиз вакиллариининг янги замон талабларида таълим олиб, саводини чиқариш, уларга ўзлигини англатиш ва миллий мустақилликни қўлга киритишга тайёрлаш борасида олиб борган фаолиятлари бунинг асосий сабаби эди. Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, улар янги замон матбуотини шакллантириш, театрга асос солиш, ўзбек романчилигини ва (А. Қодирий романлари мисолида) драматургиясини шакллантириш, ўзбек зиёлисининг хорижда таълим олишига эришиш каби миллий маънавият ривожини янги замон талаби даражасига кўтаришда янги босқични бошлаб бердилар. Уларга большевиклар томонидан «миллатчилик» тамғасини босилишининг асосий сабаби шу бўлдики, улар миллий маънавиятни ривожлантиришда миллий заминларга таяниш, уни миллатимиз онги ва дунёқарашининг ажралмас қисмига айлантиришни ўз фаолиятининг бош йўналиши

¹ Ўша манба. 30—31-б.

сифатида қараб келганлар ва унга амал қилганлар. Улар яхши билганларки, ўзлигини англаган ҳар бир миллат ҳеч қачон ўзгага қарам бўлиб қолмайди, балки ўз мустақиллиги учун кураша олади. Буни англаб етган большевиклар жадидчиларни бирин-кетин «миллатчилик»да айблаб, жисмонан йўқ қилганлар.

Миллий маънавиятимизга большевиклар томонидан қарши қаратилган зўравонлик жадидчиларни жисмонан йўқ қилиш билан тугамади, балки у то миллий мустақиллигимизни қўлга киритишимизгача давом этиб келди. Бу шўро ҳукмронлиги шароитида улар томонидан ишлаб чиқилган миллий маънавиятларни бир қолипга солишга хизмат қилувчи шаклан «миллий», мазмунан «социалистик» маънавиятни шакллантириш тўғрисидаги ғайриилмий назариясини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий қилишдаги фаолиятда ўз ифодасини топди. Аслида, улар бу назарияни амалиётга айлантириб, миллий маънавиятимизни ўз заминларидан маҳрум қилиш, собиқ СССРда рус тилини давлат тилига айлантириш, аҳоли, айниқса, ёшлар онги, дунёқараши ва қалбини ўз заминларидан бегоналаштириш йўли билан ҳукмронлигини абадийлаштиришга эришишни мақсад қилган эдилар. Бу йўлда улар маълум муваффақиятларни қўлга киритишга эришдилар, дейишимиз мумкин. Бунинг ёрқин мисоли сифатида мустақиллигимизни қўлга киритганимизга 21 йил бўлган бўлса ҳам, айрим миллатдошларимизнинг онги ва дунёқарашларида шўро ҳукмронлиги шароитидаги қарашлар элементларининг ҳамон сақланиб қолаётганини ёки шу ўтган давр ичида миллий заминларимизга таяниб, миллий тарихимиз ва мустақиллигимизни ўзида мукамал ифода эттирадиган халқимизнинг тобора ўсиб келаётган эҳтиёжига жавоб берадиган санъат ва бадиий асарларнинг дунёга келиши бугунги кун талаблари даражасидан орқада қолаётгани кабиларни келтириш мумкин.

Миллатни тараққиётдан ушлаб туриш учун унинг маънавияти, онги ва қалбини эгаллашга қаратилган

хатти-ҳаракатлар ва уларнинг оқибатлари ҳақида жуда кўп маълумотлар сақланиб қолган. Улар ҳақида кўп ёзилмоқда, бу жараённинг такрорланмаслиги учун зарур бўлган чора-тадбирларни кўриш, аҳолимизни ундан огоҳ қилиш бугунги кунда ҳам долзарб вазифалардан бирини ташкил қилмоқда. Зеро, фақат ана шу фаолият ёрдамидагина бугун миллий маънавиятимизга қаратилган таҳдидларнинг олдини олишимиз мумкин бўлади.

Бу масаланинг ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқиб, собиқ шўролар ҳукмронлиги шароитида миллий-маънавий меросимизга бўлган муносабатлар ҳақида фикр юритсак.

Маълумки, халқ оғзаки ижоди ҳар бир халқнинг маънавияти негизини ташкил қилади. Чунки ҳали халқнинг ёзуви бўлмаган замонларда улар ўз орзу-умидлари, турмуши ва келажакларини оғзаки равишда баён қилганлар ҳамда улар аждодларни авлодлар билан боғлаб туришда ҳам катта роль ўйнаган. Улардан халқни узиб қўйиш, меросдан, тарихдан ва ўз илдизларидан маҳрум этиш билан тенг бўлган. Жумладан, тоталитар тузум даврида халқимизнинг қадимий қадриятлари, халқ оғзаки ижодининг юксак намунаси сифатида асрлардан-асрларга маънавий мерос бўлиб ўтиб келаётган афсона, ривоят, эртак, мақолларга, «Алпомиш», «Гўрўғли», «Рустам», «Авазхон», «Ҳасанхон», «Равшанхон» каби дostonларга бир ёқлама баҳо берилди. Ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг ҳар бир асарига коммунистик мафкура нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндашилди. Улардаги миллий ва умуминсоний қадрият ва гоёлар назар-писанд қилинмади. Чунончи, «Алпомиш» дostonида хонлар, беклар мақталади, босқинчилик ва зўравонлик тарғиб қилинади, деган айблар қўйилди. Дostonнинг бош қаҳрамони Алпомиш меҳнаткаш халқнинг олийжаноб фазилатларини ва орзу-умидларини ўзида ифода этмайди, аксинча, у ҳоким, қонхўр бек, типик зўравон ва золим сифатида

ҳаракат қилади, деган иддаолар даъво қилинди. Аслида эса, бундай муносабатлар миллий маънавиятга, унинг заминларига қарши қаратилган таҳдидларнинг амалий кўринишларидан бири эди.

Бундай муносабатлар миллий тилларга ва адабиётга нисбатан ҳам амалга оширилди. Жумладан, турли баҳоналар рўқач қилиниб, миллий ёзувлар вақти-вақти билан оммалаштирилиб турилди, миллий тиллар ўрнига асосий эътибор рус тилини ривожлантиришга қаратилди. Тўғри, ҳар бир инсоннинг ва миллатнинг турли тилларни билиши унинг маънавияти ҳамда тараққиёти учун катта аҳамиятга эга. Қанча кўп тилларни билса, инсоннинг дунёқараши, халқлар билан, унинг қалби ва маънавияти билан яқинлашуви шу даражада кенгайиб, бойиб боради. Аммо бунинг учун, энг аввало, ҳар бир инсон ўз ота-онаси, авлод-аждодлари ва миллатининг тилини билиши лозим. Бу, ўз навбатида, бошқа тилларни мукаммал ўрганиш имконини беради.

Тил миллий онг, тафаккур, руҳият маънавият ривожланишининг асосий омили ҳисобланади. У асрлар давомида миллат билан биргаликда шаклланади, ривожланади ва такомиллашади, шунинг учун ҳам миллий тилда миллатнинг ўзига хос барча хусусиятлари ўз ифодасини топади. Миллий тилнинг барбод бўлиши, охир-оқибатда миллатнинг ҳам бошқа миллатларга қўшилиб кетишига олиб келади. Шу боис ҳар қандай ўзга тилларни эгаллаш ёки уни оммалаштириш миллий қадриятларнинг чекланиши, салбий оқибатларга олиб келишини ҳисобга олиш зарур бўлади.

Хуллас, собиқ шўро ҳукмронлиги шароитида шакланган дунёқарашда сақланиб қолаётган қолдиқлардан батамом қутулиб, миллий маънавиятимизни ўз заминларимиз асосида бойитиб боришга, уларни ёшларимиз онги ва дунёқарашининг ажралмас қисмига айлантиришга эҳтиёж борлиги сезилмоқда.

Миллий маънавиятимизга қарши таҳдидлар юзага келишининг олтинчи даври бугун жаҳонда кечаётган глобаллашув билан боғлиқдир. Бу даврнинг характерли жиҳати шундаки: а) миллий маънавиятимиз ривожланишининг зарурий шарти бўлган миллий мустақилликка эришдик ва барча имкониятларга эга бўлдик; б) бугун миллатимиз ва маънавиятимизни барбод қилишга қаратилган куч ишлатиш имконияти ҳам барҳам топди; в) бугун миллий маънавиятнинг «ичидан» ва «ташқарисидан» емирилиш ҳарбий қуроолларни ишга солиб, миллатимизни қарамликка айлантириш йўлидан эмас, балки глобаллашув жараёнларини ҳаракатга келтираётган омиллар орқали содир бўлмоқда. Бу жараён ўзининг ўта хатарли куч-қудрати билан миллатни куч ишлатиш орқали ўзига қарам қилишга қаратилган ҳаракатлардан хавфлироқ эканлиги маълум бўлмоқда. Чунки ундаги асосий йўналишни аввал онг, дунёқараш ва қалбни забт этиш, у орқали эса миллатни барбод қилишдек ўта хатарли гоё ва амалиёт ташкил этади. Онг, дунёқараш ва қалб миллий заминлардан маҳрум бўлса, миллат ўзлигидан маҳрум бўлиб, ўзгаларга қўшилиб, «сингиб» кетиши осон кечади. Ана шу маънода ҳам бугун миллий маънавиятимиз хавфсизлигини таъминлашда, бир томондан, миллий онг ва дунёқарашни миллий-маънавий мерослар асосида бойитиб бориш ва глобаллашув жараёнларининг авж олиши даражасида оммалаштиришдек қўшалок вазифа кун тартибига чиқмоқда.

Мустақиллик йилларида миллий-маънавий тикланишимиз, миллий меросни ўзлаштириш, миллий ўзликни англашни ривожлантириш, ўзбек тилига давлат мақомини бериш орқали унинг мавқеини тиклаш ва бошқа бир қатор йўналишларда катта ишлар амалга оширилди. Бу жараён давлатимиз сиёсатида устувор вазифага кўтарилган. Аммо бу амалга оширилаётган катта ишлар миллий маънавиятга қарши таҳдидлар батамом тугаганлигини билдирмайди. Бундай таҳдид-

лар бугун фақат шаклини ўзгартирган ҳолатда, яъни тўғридан-тўғри куч ишлатиш ва зўравонлик йўли билан эмас, ўзининг «мафтункорлиги», «замонавийлиги» билан инсонлар, айниқса, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш йўли билан миллий маънавиятни ичидан емиришга қаратилганлигида намоён бўлмоқда.

Яна мавзуга қайтиб шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, миллат мавжуд экан, унинг ўзлигини сақлаб қолишга бўлган интилишлари ҳам давом этади. Аммо юқорида кўриб ўтдикки, миллий маънавиятни асраш, унинг жаҳон тамаддунидан муносиб ўрин эгаллаши, ҳатто миллий тараққиётдаги устуворлигини таъминлаш осон кечадиган жараён эмас, балки у мураккаб муаммо ҳисобланади.

Хуллас, юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, миллий маънавият орқали миллатни ўзига қаратиш, унинг барча бойликларига эгалик қилишга уринишлар ҳар доим мавжуд бўлиб келган. Албатта, келтирилган олтита даврда турли даражаларда кечган. Хусусан, уларнинг бештасида аввал мамлакатларни эгаллаш ва уларнинг халқларини қарам қилиш қуроллар, катта қирғинбарот урушлар олиб бориш билан амалга оширилиб, кейинчалик босқинчилар ўз ҳукмронлигини «абдийлаштириш» учун маънавиятдан маҳрум қилиш услубларидан фойдаланилган. Олтинчи давр, яъни бугунги кунда эса, бу услубдан воз кечилиб, юксак тараққиётга эришган мамлакатлар ўз имкониятларидан фойдаланиб, аввал миллатларнинг онги ва дунёқарашини эгаллаш ва ундан кейин уларни бутунлай ўзларига қарам қилиб олиш ҳамда барча ресурсларига эгалик қилиш йўлидан бормоқдалар. Бу XXI асрда дунёга ҳукмронлик қилиш борасида шаклланаётган янги йўналиш ҳисобланади. Агар унинг маънамазмуни ва келтириши мумкин бўлган фожиаларини миллатлар бугун англаб етмас экан, бу миллий маънавиятларнинг емирилишини тезлаштириши муқаррардир. Бугун миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашда

шунинг ҳисобга олиш керакки, уни фақат қандайдир меъёрий ҳужжат қабул қилиш билан чекланиш ёки четдан келаётган турли таъсирлар олдига тўсиқ қўйишнинг имконияти йўқлигини назарда тутиб, уни таъминлашда миллий маънавиятнинг миллат вакиллари-нинг табиий эҳтиёжи даражасига кўтарилишигача, унинг жозибаси, гўзаллиги, инсон қалбини ўзига ром этишдаги салоҳияти ҳар қандай четдан келадиган хорижий халқларникидан устун бўлишига эришишгина ўзининг самарасини бериши мумкин бўлади.

Миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш фақат концепция бўлиб қолиши керак эмас, балки у амалиётга татбиқ ҳам этилиши лозим. Миллий-маънавий хавфсизлик заминидан кучга таяниш, зўрлик ўтказиш тамойили ўзининг самарасини бермайди, балки онг, руҳият, қалб, тафаккур ва миллий ўзликни асрашнинг маърифий имкониятларидан фойдаланишга устуворлик берилсагина кутилган натижага эришиш мумкин. Унинг ўзига хос жиҳатлари қаторида куч ёки зўрлик ўтказиш услуби шиддат билан акс садо беради ва кутилмаган салбий ҳаракатларни юзага келтириши мумкин. Ҳеч бўлмаганда, бундай хатти-ҳаракатларнинг акс садо сифатида миллий ва оммавий онгда ўзиникига эмас, балки ўзганикига нисбатан қизиқишнинг, тақлидчиликнинг кучайиб кетишига олиб келиши мумкин. Шу маънода ҳам унинг ўта нозик муаммо эканлигини ҳисобга олиш зарур.

Миллий-маънавий хавфсизликнинг хавфсизлик тизимидаги бошқа шакллардан фарқли жиҳати ҳам инсон онги, қалби, тафаккури билан боғлиқлигида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам уни таъминлашда ана шу онг, қалб ва тафаккурнинг ўзгалар таъсирига тушиб қолмаслиги ёки «оммавий маънавият» уммонидан ҳимояланиши уни таъминлашнинг назарий концепциясида ўз ифодасини топиши ва уни амалиётга айлантириш кутилган самарани беради.

Миллий маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдидлар заминида иккинчи томоннинг моддий ва маънавий устуворликка интилиши туради. Улар ҳар доим ҳам кун тартибидан тушмайдиган муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Уларни бартараф қилишнинг ягона йўли эса юзага келадиган бу таҳдидларнинг таъсир кучини аниқлаш, ундан аҳолини огоҳ қилиш, мамлакатда замонавий таълим ва тарбияни амалга ошириш ва миллий маънавиятни, энг аввало, миллат вакиллари, қолаверса, жаҳон миқёсида оммавийлашиб боришига эътиборни қаратишдан иборатдир.

Бу жараёнда Президентимиз таъкидлаганидек: «...бу дунёда табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди. Қаердадир бўшлиқ пайдо бўлдими, ҳеч шубҳасиз, уни албатта кимдир тўлдиришга ҳаракат қилади»¹, — деган концептуал ғоясига амал қилишимиз лозим бўлади.

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТГА ТАЪСИР УТҚАЗАЁТГАН ТАШҚИ ТАҲДИДЛАР

Инсоният ақл-заковатининг маҳсули бўлган глобаллашув жараёнининг кучайиши тинч-осойишта яшашга, хавф-хатарнинг ошишига олиб келмоқда. Хавф-хатарлар турли шакл, мазмун ва кўринишларда намоён бўлмоқда. Уларнинг бутун инсониятни хавотирга соладиган жиҳати шундаки, дастлабки босқичда уларни оммавий тарзда англаб етиш мураккаблашиб, вақт ўтиши билан таъсир кучи кучайиб, оммавий тус олиб, таҳдид даражасига кўтарилмоқда. Бундай ҳолатда уларга қарши тура оладиган «иммунитет»ни шакллантиришга катта куч, маблағ ва вақт талаб этилишини бугунги тараққиёт тасдиқламоқда.

Бугун тараққиётпарвар инсоният турли хавф-хатарларнинг таҳдид даражасига кўтарилган даврида яшамоқда. Юзага келган вазият таҳдидларга қарши ягона куч сифатида курашиш заруриятини кучайтирмоқда.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 12-б.

«Таҳдид» тушунчасининг сиёсий-фалсафий моҳиятининг бир қатор қирралари жаҳон олимлари томонидан таҳлил этиб келинмоқда. Зеро, инсониятнинг онгли фаолияти бошланибдики, «таҳдид» ҳам инсоннинг ўзи билан ёнма-ён яшаб, «улғайиб», қудратли кучга айланиб келяпти. Шунинг учун ҳам бугунги кунда бу тушунчанинг таъсир кучи ва уни жиловлаш билан боғлиқ масалаларни ўрганишга бўлган қизиқиш барча минтақаларда кучайиб борапти. Ўзбекистонда ҳам уни ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Бу борада, энг аввало, Президентимиз Ислом Каримов томонидан эълон қилинган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарининг умумметодологик аҳамиятга эга бўлганини таъкидлаш лозим.

Асарнинг методологик, назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, собиқ иттифоқдош республикалар ўз мустақиллигини қўлга киритганликлари қувончи ва эйфорияси билан яшаётган бир пайтда Президентимиз унга қарши қаратилган таҳдидларнинг юзага келаётганлигидан нафақат Ўзбекистон халқини, шунингдек, МДХ халқларининг ҳам огоҳ бўлиши зарурлигини кўрсатиб берган эди. Асарда илгари сурилган ғоялар, хавф-хатар ва таҳдидлар у эълон қилинган 1997 йилдан кейинги ўтган даврда ўзининг тўғри эканлигини тасдиқлаб келмоқда.

«Энг мураккаб саволлардан бири шуки, — деб огоҳлантирган Президентимиз, — биздаги барқарорлик ва хавфсизлик йўлида таҳдид бўлиб турган муаммоларни англаб етаяпмизми?»¹

Мустақиллигимизни қўлга киритиш қанчалик мураккаб бўлган бўлса, уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ундан-да мураккаб эканлиги тараққиётимиз жараёнида ўз тасдиғини топиб келмоқда.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1997. 4-б.

Президентимиз таҳдидларнинг маъно-мазмуни ва бутун мамлакатни ҳалокатга олиб келувчи катта куч эканлигини кўрсатиб бериш билан бирга, уларнинг шакллари ҳамда намоён бўлиш хусусиятларини ҳам кўрсатган эди.

Хуллас, мазкур фундаментал асар тараққиётимизга қарши қаратилган таҳдидларни ҳар бир тарихий босқичдаги хусусиятлари ва таъсир кучини ўрганишнинг назарий асосини ташкил қилиб келмоқда.

Республикамызда ана шу фундаментал асар асосида «таҳдид» тушунчаси, мазмун-моҳияти ва унинг тараққиётимизга ўтказадиган таъсири масалалари биринчилардан бўлиб сиёсий фанлар доктори, профессор Ш. Пахрутдинов томонидан ўрганила бошланган эди. У «таҳдид» тушунчасига қуйидаги таърифни берган: «Таҳдид — ижтимоий-сиёсий вазият бўлиб, у муайян тарихий даврда аниқ бир мақсадга, яъни ижтимоий тизим сифатида давлатнинг сиёсий асосларини заифлаштиришга, емиришга, шунингдек, инсон ҳаёти фаолиятини издан чиқаришга, умуман, яшашни чигаллаштиришга қаратилган ҳудудий-минтақавий, умумсайёравий омилларнинг кириб келиши туфайли содир бўлади»¹.

Кўриниб турибдики, муаллиф «таҳдидни» ижтимоий-сиёсий вазият деб ҳисоблайди. Муаллиф ўз фикрини яна ҳам бойитган ҳолда китобнинг кейинги қисмида шундай ёзади: «Демак, таҳдид аслида инсон ва жамият ҳаётий фаолияти, умуман, яшашни қийинлаштирувчи, унинг барқарорлиги, тараққиёти ва хавфсизлигини йўққа чиқариш мумкин бўлган, туғрироғи, давлатнинг конституциявий асосларини емириш ва издан чиқаришга қаратилган, макон ва замон нуқтаи назаридан аниқ чегарага эга бўлган ўта салбий функционал характерли ҳодисадир»². Келтирилганлардан кўриниб турибдики, муаллиф «таҳдид»нинг сиёсий

¹ Пахрутдинов Ш. Таҳдид — ҳалокатли куч. — Т.: «Академия», 2001. 11-б.

² Ўша манба. 138-б.

жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилган. Шу билан бирга «таҳдид»нинг қамрови кенг эканлиги ҳақидаги гоялар ҳам муаллиф томонидан илгари сурилганлиги диққатга сазовордир.

2009 йилда ўзбек тилида эълон қилинган «Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғат»ида киритилган мазкур тушунчага қуйидаги таъриф берилган: «Таҳдид — инсон, жамият ва давлат ҳаёти ҳамда фаолиятига нисбатан муайян давр мобайнида аниқ мақсадга йўналтирилган маҳаллий, ҳудудий, минтақавий ва умумсайёравий салбий омилларнинг тажовузи туфайли аниқ макон ва замонда вужудга келадиган хавфхатар шакли, муайян барқарор сиёсий-ижтимоий ва тарихий вазиятни ифодаловчи тушунча»¹.

Бугун «таҳдид» тараққиётга, мамлакатлар ва халқларнинг беҳавотир яшашларига, миллий маънавият ривожига нисбатан кучайиб бораётган хатарли омилга айланиб бормоқда. Шу боис уни юзага келтираётган сабабларни аниқлаш ва уларга нисбатан тегишли чоратадбирларни ишлаб чиқиш энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Биз «таҳдид» тушунчаси, мазмун-моҳияти ва таъсир ўтказиш имкониятларининг барча жиҳатларини эмас, балки миллий маънавиятга нисбатан юзага келган таҳдидлар доирасида фикр юритишга ҳаракат қиламиз. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур масала Президентимиз Ислоом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида ҳар томонлама асослаб берилган. Асарнинг «Маънавиятга таҳдид — ўзлимиз ва келажагимизга таҳдид» номли бобида маънавиятимизга қаратилган таҳдидларнинг олдини олиш кўрсатиб берилган. Уларни чуқур ўрганиш орқали таҳдидларнинг моҳиятини англаб етишимиз ва уларга қарши жамиятимизда кучли маънавий-руҳий иммунитетни шакллантиришимиз мумкин бўлади.

¹ Маънавият: асосий тушунчалар ва изоҳли луғат. — Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 546—547-б.

Таҳдидларнинг хусусияти ва тараққиёт соҳаларига ўтказадиган таъсир даражасига қараб, инсон, шахс, фуқаро, миллат, давлат, жамият, минтақа, глобал ва бошқа шаклларга ажратиш мумкин. Аммо улар қандай шаклда юзага келишидан қатъи назар, тараққиётга қарши куч ҳисобланади. Ўрни келганда «таҳдид» кучми ёки ҳодиса, омил ёхуд жараён; уларнинг негизида нималар гуради; у хавф-хатардан нималари билан фарқ қилади, деган бир қатор саволларга жавоб қайтаришга ҳаракат қиламиз.

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, бу тушунчанинг мақомига аниқ жавоб қайтариш мураккаб масала. Чунки унинг реал ҳолатда фақат қурол воситасидаги кўри-нишини аниқ тасаввур этиш мумкин. Бошқа барча ҳолатларда кўзга кўринмас, мавҳум, зимдан амал қилади. Унинг ана шу таъсири моддий борлиқ сифатида намоён бўлгандагина уни сезиш, англаб етиш ва кўриш мумкин бўлади. Бу узоқ давом этадиган жараёндир. Маънавиятга қарши қаратилган таҳдидларнинг мо-ҳияти ва таъсирини тез англаб етишнинг мураккаб жиҳати, унинг онг ва дунёқараш билан боғлиқлиги-дир. Инсон ботинига жойлашиб олган ҳар қандай сал-бий таъсирлардан озод бўлиш жуда мураккаб масала ҳисобланади.

Ана шу фикримизга асосланиб айтиш мумкинки, таҳдидга моддий куч, омил ва назарий жараён сифа-тида қараш мумкин. Қачонки, у моддийлик асосида (қурол, восита кўринишида) юзага келадиган бўлса, куч даражасида намоён бўлади. Маънавият, гоё ва маф-қуралар кўринишида юзага келган таҳдидларнинг бар-часи онг ва дунёқарашга жойлашадиган бўлса, у аста-секин моддийликка айланади. Бу таҳдиднинг назарий жараён сифатидаги жиҳати ҳисобланади. Уларнинг барча кўриниши тараққиёт учун ниҳоятда хатарлидир.

Хўш, нега таҳдиднинг назарий кўринишига жара-ён сифатида қараш мумкин? Чунки маънавий, гоёвий ва мафқуравий таҳдидларни, энг аввало, юқорида таъ-кидланганидек, кўз билан кўриб, қўл билан ушлаш

жуда мураккаб, фақат онг воситасида уларни тасаввур этиш, маъно-мазмунини, таъсирини тушуниб этиш мумкин. Шу маънода улар кўзга кўринмас куч сифатида юзага келадиган мавҳум, зимдан амал қиладиган узоқ муддатдаги жараёнларда ўз ифодасини топади. «Куч» беқарорликдан иборат бўлган моддий борлиқ бўлиб, у нимагадир ўз таъсирини ўтказиб туради, омил ҳам гарчанд моддийликни ўзида ифода эттирувчи борлиқ бўлса-да, нимагадир таъсир ўтказиши ёхуд ўтказмаслиги мумкин. Бу ерда таҳдид ўлчам нуқтаи назаридан қараганда, **омилнинг таъсир ўтказишга бўлган мойнлиги кучга нисбатан пассив характерга эга бўлади.** Омил ҳодиса ва жараёнларда мавжуд бўлиши мумкин, аммо у ҳар доим ҳам таъсир ўтказувчи куч сифатида қатнашмаслиги ҳам мумкин. У фақат ҳодиса ва жараёнларда мувозанатнинг «бузилиши» оқибатида унинг аралашувига эҳтиёж юзага келган шароитда куч даражасига кўтарилган ҳолатда иштирок қилиши мумкин. Куч эса ўзининг ички қувватига эга бўлган борлиқ бўлганлиги учун ҳар доим ҳодиса ва жараёнларда фаол қатнашади ва ўз таъсирини ўтказиб туради. Куч ўз номи билан ҳам ўзининг таъсир ўтказувчи қудратига эга бўлган борлиқ ҳисобланади. Шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, таҳдидлар омил даражасида намоён бўлган шароитда тараққиёт учун хатарли ҳисобланади. Агар у таҳдид даражасига кўтарилмаса, кучга нисбатан пассив ҳолатда амал қилади. Аммо у кучга нисбатан қанчалик пассив бўлмасин, барибир тараққиётнинг силлиқ боришига ўзининг салбий таъсирини ўтказиши. Лекин омил айнан кучнинг ўзи эмас, балки унинг манбаи ва замини ҳисобланади. Шу маънода ҳам куч омилсиз юзага келмайди. Аввал ҳодиса, жараён, манфаат, мақсад ва воқеалар билан боғлиқ омиллар шаклланади. «Омил»лар ҳодиса, жараён, манфаат, мақсад ва воқеалар йўналишига боғлиқ ҳолда «куч» даражасига кўтарилиб, уларни ҳаракатга келтиради. «Омил» ва «куч»нинг мақсад, манфаат ва жараёнларга ўтказадиган таъсирининг характерига, йўналишига қараб

ижобий ёки салбий ҳолатда намоён бўлиши мумкин. Улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик шундан иборатки, «омил» салбий йўналишни ифода эттирса, куч даражасига кўтарилиб, таҳдидга айланади. Демак, «таҳдид» бирданига юзага келмайди, у «омил»нинг «куч» даражасига кўтарилиши ва унинг ҳаракатга келиши оқиба-ти шаклида кечади.

Агар бу жараёни маънавиятга нисбатан қараганда, унга нисбатан таҳдидлар ҳам ана шу ҳолатда кечилини тасаввур этиш мумкин. Бунинг маъноси шуки, маънавиятга қарши қаратилган таҳдидлар бирданига юзага келмасдан, аввал унга нисбатан омиллар босқичма-босқич зимдан шакллана боради ва уларнинг таъсир ўтказиш имкониятлари кенгайиб бориши натижасида кучга айланиб, маънавиятни ичидан емирилиш жараёнининг бошланишига олиб келади. Унинг кучайиши эса зимдан юзага чиқиб, маънавиятни нафақат «ичидан», шу билан бирга «ташқарисидан» барбод бўлиши аломатларини шакллантиради. Шу маънода ҳам маънавиятга қарши қаратилган таҳдидлар қисқа муҳлатда эмас, балки жараён сифатида узоқ амал қилади, деб қарасак тўғри бўлади. Албатта, улар сиёсий-фалсафий жиҳатдан яна ҳам чуқур таҳлил қилиниши лозим бўлган тушунча ва жараёнлардир. Чунки гап бу ерда нафақат уларнинг мукамал таҳлили ҳақида, балки уларнинг бир жиҳати — «куч» ва «омил»нинг тушунча сифатидаги мақомлари ва таҳдид сифатида намоён бўлиши шароитидаги ўзига хос жиҳатлари ҳақида кетмоқда.

Энди «таҳдид»нинг жараён сифатида намоён бўлиши ва амал қилиши масаласига қайтиб, шуни айтиш лозимки, «жараён» юқорида таъкидлаганимиздек, маънавий, ғоявий ва мафкуравий «кўринишларда» амал қилади. «Жараён» макон ва заминда бўлиб турадиган, узлуксиз характерга эга бўлган воқеа ва ҳодисаларда амал қиладиган ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган тушунча ҳисобланади. Шунга кўра, маънавий, ғоявий ва мафкура-

вий «кўринишдаги» таҳдидлар вақт нуқтаи назардан қисқа муҳлатда эмас, балки узоқ даврни ўз ичига олади ва узлуксиз давом этади. Унинг яна бир хусусияти шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий таҳдидлар юзага келса, уларни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо маънавиятга қарши қаратилган таҳдидларнинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш мурраккаб ҳисобланади. Чунки у тўғридан-тўғри «хужум»га ўтмайди, балки дастлаб онг ва дунёқарашни заифлаштиради, ундан кейин эса асосий мақсадни амалга оширишга киришади. Унинг онг ва дунёқарашга таъсирини тезда илғаб олиб бўлмайди. Чунки бу жараён аста-секинлик билан, сезиб-илғаб олиш мумкин бўлмаган ҳолатда содир бўлади ва охир-оқибатда инсон, миллат ва жамият маънавиятининг емирилишига олиб келади. Ана шу ўта хатарли жиҳати билан маънавий, ғоявий ва мафкуравий таҳдидлар узоқ жараён сифатида амал қилади.

Таҳдидлар қайси кўринишда намоён бўлишидан қатъи назар, уларнинг негизини манфаатлар ташкил қилади ва улар бир томоннинг устуворлигини таъминлашга қаратилади. Шу маънода ҳам таҳдидлар инсоннинг онгли фаолияти бошланган даврдан бошлаб юзага келган. Аммо уларнинг ўзларини намоён этиши макон ва замон нуқтаи назаридан турли кўринишда, ҳажмда, «қувват»да ва таъсир ўтказиш имкониятларида, ўзаро мос равишда амал қилиб келган. Лекин шу нарса аниқки, инсониятнинг ақл-заковати ўсиб, эҳтиёжлари ошиб борган сари уларнинг тажовузкорлиги тобора кучайиб борган. Жумладан, бугунги «таҳдид»лардаги тажовузкорлик қувватини қадимда содир бўлган тарихий тараққиётнинг ўтмишдаги босқичида амал қилган таҳдидлар билан тенглаштириб бўлмайди. Бугун амал қилаётган таҳдидлар ниҳоятда тажовузкор бўлиб, уларнинг инсон, миллат ва жамият тараққиётига таъсири ўта хатарли тус олмоқда. Улар нафақат инсон, миллат ва жамиятга, шунингдек, инсоният яратган бутун та-

маддуннинг барбод бўлиши хавфини ҳам кучайтирмакда. Афсуски, бугун инсониятнинг айрим корчалонлари бу ҳалокатнинг олдини олишда яқдил бўлиш ўрнига, унинг янада авж олишида фаол иштирок этмакдалар. Жумладан, «оммавий маънавият»ни шакллантираётган инсонлар истиқболда унинг қурбонига айланишини «сезмаган» ҳолда ҳаракат қилаётганини таъкидлаш мумкин.

Энди, «таҳдид» ва «хавф-хатар» тушунчалари ўртасидаги фарқлар ҳақида фикр юритиб, шунини таъкидламоқчимизки, хавф-хатар объектив ва субъектив сабабларга кўра таҳдидларнинг авж олиши натижасида юзага келади. Унинг негизида тор доирадаги манфаатлар билан чекланиш, узоқни кўра билмаслик, беэтиборлик каби салбий ҳолатларнинг юзага келиши туради. Уларни «сезмаслик», этиборсизлик ёки бунга салоҳиятнинг етишмаслиги таҳдидларнинг шаклланишига олиб келади, унинг чуқурлашиб бориши тўғридан-тўғри «хавф-хатар»ни юзага келтиради. Фикримизча, «таҳдид»ларнинг юзага келиши, унинг куч даражасида намоён бўлиши мақсад ва манфаатларга нисбатан, яна ҳам аниқроғи уларнинг амалга ошувига нисбатан **хавф-хатарни юзага келтиради**. Яъни **хавф-хатарлар таҳдидларнинг таъсирида содир бўлади**, дейиш мумкин. Омилнинг куч даражасига кўтарилиши таҳдидни юзага келтиради, таҳдидга эса хавф-хатарни юзага келтирувчи куч сифатида қарасак тўғри бўлади. Яъни таҳдиддан олдин хавф-хатар юзага келмайди. У таҳдиднинг авж олиши оқибати ҳисобланади.

Шу маънода ҳам барқарор тараққиёт учун хавф-хатарнинг олдини олиш, энг аввало, амалий фаолиятда таҳдидларнинг юзага келишининг олдини олишга ҳаракат қилиш кутилган самара бериши мумкин. Бунинг учун эса таҳдидга «қалқон» бўладиган мустаҳкам заминга эга бўлиш талаб этилади.

Хўш, нега бугун миллий маънавиятга қарши қаратилган таҳдидлар ҳар қачонгига қараганда авж олмоқда?

Инсон, миллат ва жамиятни маънавиятдан маҳрум этиш, инсон ва миллат онги ҳамда қалбининг эгаллаб олинишига олиб келади. Бундай шароитда улар итоаткор бўлиб қоладилар. XXI аср тарихга миллий маънавиятни эгаллашда онг ва дунёқарашни эгаллашнинг стратегик йўли сифатида кириб бормоқда. Агар жаҳон халқлари ўзаро ҳамкорлик асосида бу жараённинг олдини олишда ҳаракат қилмас экан, у ҳолда бутун инсониятнинг ер кurrasида яшаб қолиши муаммога айланиши мумкин. Чунки маънавиятнинг барбод бўлиши унинг ўзи билан чекланмайди, шу билан бирга унинг таъсирида иқтисодий инқироз содир бўлади, сиёсий ҳаёт издан чиқади.

Шу жиҳатдан ҳам маънавияти барбод бўлган миллатнинг истиқболи ҳам бўлмайди. Маънавияти батамом қашшоқлашиб қолган инсонни томири қуриб қолган дарахтга қиёслаш мумкин. Бундай дарахт қанчалик баланд бўлмасин, албатта, бугун ёки эртага қулайди ва ўтинга айланади.

Бугун маънавиятга қарши қаратилган таҳдидлар шу қадар хатарли тус олаётган экан, улар реал қайси кўринишларда ўзларини намоён этмоқда, деган саволга жавоб қайтаришимизни талаб қилади.

Биз мавзуимиз доирасида миллий маънавиятга қарши қаратилган таҳдидларнинг маъно-мазмунини аниқ тасаввур этишимиз ва унинг таъсир ўтказиш имкониятларига аниқлик киритиш мақсадида уларни икки гуруҳга ажратамиз. Улар **ташқи** ва **ички** таҳдидлар бўлиб, ҳар бири ўзига хос кўриниш ҳамда қамровларда намоён бўлади.

Бугун миллий маънавиятни емиришга қаратилган ташқи таҳдидлар сирасига глобаллашув, мафкуравий хуружлар, наркотик моддаларнинг кенг ёйилиши, одам савдоси ва бошқаларни киритиш мумкин. Бундай таҳдидларни юзага келтираётган кучлар бугунги кунда миллий маънавиятга қарши курашда маккорликнинг турли услуб ва воситаларидан фойдаланишни авж ол-

дирмоқдалар. Улардан фойдаланишда ўзларида мавжуд бўлган моддий, техник ва технологик имкониятларни ишга солмоқдалар. Бу жараённинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларни жиловлашнинг имконияти қолмаётир. Ташқаридан қараганда, улар сезилмаса-да, амалда миллий маънавиятда кечаётган жараёнларда ўз ифодасини топмоқда, уларнинг онги, дунёқараши, қалби, «тани» ва «қонига» кириб, бугун миллатнинг ботиний ва зоҳирий қиёфасини эгалламоқда.

Бугун глобаллашувнинг барча соҳаларга ўтказаетган таъсирини сезиш ва кўриш мумкин. Аслини олганда, глобаллашув объектив жараён, унинг ютуқлари инсоният тафаккурининг маҳсули ҳисобланади. Шу маънода у инсоният манфаатларига, унинг тараққиётига хизмат қилиш лозим. Аммо инсоният тараққиёти тарихидан маълумки, унинг тафаккурининг барча ютуқлари ҳар доим ҳам унга хизмат қилавермаган. Жумладан, атом, термоядро қуролилари ҳам инсон тафаккури тараққиётининг маҳсули ҳисобланади. Аммо унинг бегуноҳ инсонларни қурбон қилиш воситасига айланганлиги ёки бугун унга эга бўлган мамлакатларнинг ўзгаларни назар-писанд қилмаётганлиги, улардаги буюк давлатчилик шовинизми руҳиятининг ҳукмронлиги оддий ҳолат бўлиб қолаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Глобаллашув ҳам бундан мустасно эмас.

Глобаллашувнинг иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий ҳаёт, давлатлараро муносабатларга ва миллатнинг ўзligидан маҳрум бўлишига ўтказаетган таъсири даҳшатли тус олмоқда. Интеллектуал салоҳият ва иқтисодий имкониятлари юксак ривожланган мамлакатлар, ана шу «уммон»нинг яратувчилари ва эгалари ҳисобланади. Улар кам тараққий қилган мамлакатлар халқларини осонгина ана шу «уммон»га тортишга эришмоқдалар. Бу уммонда миллатларнинг ўзига хослиги, уларнинг урф-одат, анъана, қадриятлари «ғарқ» бўлиб кетиш хавфи кучаяётганлиги бугуннинг ўзида сезилмоқда.

Бу «уммон»нинг хусусияти шундаки, уни юксак тараққиётга эришмаган биронта миллат ва халқ четлаб ўтишининг имконияти йўқ. Чунки бу жараён учун умумий бўлган иқтисодий омилни ишга солиш ва уни ким бақувват бўлса, ўша ўз манфаатига йўналтиришининг уддасидан чиқмоқда. Хатарли томони эса, у иқтисод омили, замонавий ОАВ, телевидение, компьютер, Интернет, уяли телефон ва бошқа воситалар, инсонлар, айниқса, ёшларнинг миллийлиги, тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириб юбормоқда. Тараққий қилган мамлакатларнинг мазкур воситалар ёрдамида жаҳон халқлари онги, дунёқараши ва турмуш тарзини бир қолипга солиш ҳамда унга ўзлари шакллантираётган «оммавий маданият»ни сингдириши бош стратегик сиёсатга айлантираётганлигида яққол намоён бўлмоқда.

Айни пайтда, глобаллашувнинг авж олиш жараёни шуни кўрсатмоқдаки, у нафақат миллий, шунингдек, умуминсоний қадриятларга ҳам путур етказа бошламоқда. Жумладан, тинчлик, барқарорлик, инсонпарварлик, инсонни улуғлаш, яхшилик, миллатпарварлик, миллатни асраш, тенглик, адолат, бунёдкорлик, демократия, жаҳон халқлари яратган тамаддунни асраш ва кейинги авлодга етказиш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари, шахс эркинлиги, ҳурфикрлилик, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, миллатлар урф-одати, қадрият, анъана ва удумларини ҳурмат қилиш каби умуминсоний қадриятларнинг сусайиб бораётганлигини кўриш мумкин. Бугун ер куррасидаги беқарорлик, беғуноҳ инсонларнинг ёвуз ниятли кимсалар манфаатлари эвазига қурбон бўлаётганлиги, «йирик» миллатлар томонидан кичик миллатларнинг ассимиляциялашуви, динлар ва миллатлар ўртасида низоларни келтириб чиқариш каби жирканч хатти-ҳаракатлар кучайиб бораётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Уларнинг оммавийлашиб боришига глобаллашув жараёни ўз таъсирини ўтказмоқда, дейишимиз учун барча асослар

бор. Зеро, худди шу глобаллашув жараёнининг бошида турган мамлакатлар ўз моддий ва маънавий манфаатларини амалга ошириш йўлида тилда умуминсоний қадриятларнинг ҳимоячилари сифатида ўзларини кўрсатишга ҳаракат қилсалар-да, амалда уларнинг пой-мол этилишига қаратилган ҳаракатларни кучайтирмоқдалар. Яъни, бу қадриятларни барбод қилиб, бутун рўйи заминда ўзларининг ҳукмронлигини ўрнатиш йўлидан бормоқдалар. Унинг амалга ошиши бутун инсониятни ҳалокатга олиб келиши муқаррар¹.

Хўш, бундай шароитда глобаллашув орқали миллий маънавиятимизга нималар кириб келмоқда? Агар ана шу «нималар» ўз номи билан аталмаса, глобаллашув мавҳум тушунча бўлиб қолиши мумкин.

Маълумки, миллий ва умуминсоний қадриятлар замон ва маконга мос равишда такомиллашиб боради. Улар тарихий, миллий ва умуминсоний тараққиётнинг ўзига хос жиҳатларини ўзига «сингдиради» ва улар ҳисобига қадриятлар бойиб боради. Аммо қадрият даражасига кўтарилган миллий-минтақавий ахлоқ, маънавият, маданият ва турмушнинг барча жиҳатлари умуминсоний қадриятга айланмаслигини ҳам ҳисобга олишимиз лозим бўлади. Тараққиётда илгарилаб кетган мамлакатлар ва уларда яшаётган миллатлар ҳамда халқларнинг менталитети, ўзига хослигига мувофиқ равишда ўзларининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий тараққиётлари таъсирида шаклландиган янги ахлоқий нормалар, маънавий-маданий ютуқларни қадрият даражасида кўтариш ва айни пайтда глобаллашув яратган имкониятдан фойдаланган ҳолда уларни оммалаштириш бугунги кунда миллий маънавиятнинг емирилишига олиб келаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Масалага яна ҳам аниқроқ ёндашидиган бўлсак, юзаки қараганда глобаллашув жараёнидан кимлар кўпроқ манфаат кўраётир, деган савол-

¹ *Отамуратов С.* Глобаллашув ва миллат (сиёсий-фалсафий таҳлил). — Т.: «Янги аср авлоди», 2008. 45-б.

га, албатта барча мамлакатлар ва уларда яшаётган халқлар, дея жавоб бериш мумкин. Агар масалага чуқурроқ қарайдиган бўлсак, ундан энди тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар ва уларда яшаётган халқларга нисбатан тараққий қилган мамлакатлар ва уларда яшаётган халқлар кўпроқ манфаат кўраётганлигини тушуниб етиш мумкин бўлади.

Глобаллашув шароитида ўз мамлакатларига кириб келаётган фан, техника, технология ва коммуникация ютуқларидан фойдаланиб тараққий қилаётганлиги учун унинг кейинги салбий оқибатлари ҳақида мустаҳкам қарашларга эга бўла олмаётирлар. Улар ўзлари хоҳламаган тарзда «тайёрга айёрлик»ни, боқимандаликни шакллантираётганликларини англаб етмаётирлар. Худди ана шундай жараёнларнинг ривожланиб бориши натижасида ўзларининг тараққий қилган мамлакатларга боғланиб бораётганлигини, истиқболда эса миллий мустақиллигидан маҳрум бўлиб қолиши мумкинлигини тушуниб етишлари жуда суст кечмоқда. Айрим ҳолатларда бу ҳақда ўйлаш ҳамда истиқболда юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатлардан кўра унинг вақтинчалик ижобий натижаларини устун қўйиш, эртага нима бўлишини вақт кўрсатади, деган қарашлар устуворлик қилаётганини кўриш мумкин.

Ўз-ўзидан аёнки, «тайёрга айёрлик» ва боқимандалик руҳияти миллий тараққиёт учун асосий йўналишга айланиши, миллий интеллектларнинг тараққий қилишига йўл қўймайди. **Шу тариқа миллатнинг ўзлиги барбод бўлиб, ўз «мен»лигини ўзгалар қадрияти орқали англай бошлайди.** Ана шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, глобаллашув тараққий қилган мамлакатлар учун тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар ва уларда яшаётган халқларни қарам қилиб олишнинг XXI асрдаги янги имконияти сифатида қараш мумкин бўлади.

Глобаллашув жараёнининг миллий маънавиятга ўтказаетган салбий таъсирининг яна бир жиҳати шундаки, бугун тараққий қилган мамлакатларнинг тех-

ника, технология ва фан ютуқлари билан бирга уларнинг турмуши, анъана ҳамда қадриятларининг кириб келиши ва оммавийлашуви ҳам содир бўлмоқда. Юксак техника, технология ва фан ютуқларига «маҳлиё» бўлаётган миллатлар ва халқлар уларни яратаётган мамлакатлар ва уларда яшаётган халқларни «яқинроқ» билишга, қандай ютуқ бўлса, уларни шундайлигича қабул қилишга интилишлари кучайиб бораётганлиги таъсирида кенг маънодаги миллий маънавиятларнинг «лойқаланиши» жараёни юзага келмоқда. Мазкур жараённинг авж олиши натижасида бугун миллий қадриятларнинг энг илғор жиҳатлари ҳисобига шаклланаётган умуминсоний қадриятларнинг сусайиши ҳам юзага келмоқда. Бу жараёнда барча имкониятларга эга бўлган мамлакатлар улардан самарали фойдаланган ҳолда ўзларининг ахлоқи, турмуш тарзи, анъана ва қадриятларини оммалаштирмоқдалар. Уларни ҳамма халқлар ва миллатлар қабул қилмасликлари мумкин, деб айтолмаймиз. Чунки бу жараёндан ҳеч ким чеккада қолиб кетишининг иложи ва имконияти ҳам йўқ.

Бугун глобаллашув омилидан самарали фойдаланаётган мамлакатлар ва халқларнинг ўтказаётган таъсирига энди тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар ва уларда яшаётган халқлар миллий маънавиятига ўзларида амал қилаётган маънавий қашшоқлик, худбинлик, инсонлараро бегоналашув, бир жинсли никоҳнинг қонунлаштирилиши, ота-она, оила, фарзанд, қон-қариндош ва бошқа бир қатор умуминсоний қадриятларга зид бўлган «замонавий» ғарбона «қадриятлар»ни олиб кираётганлиги унда ўз ифодасини топмоқда. Улар глобаллашув омили орқали миллий-маънавиятимизга кириб келаётган ташқи маънавий таҳдидларнинг кўринишлари ҳисобланади. Улар худди ана ўша миллий тараққиёт учун ўта хавфли бўлган омилларни ривожлантириб, истиқболда умуминсоний қадрият даражасига кўтариш йўлидан бормоқдалар.

Маънавий қашшоқлашув шундай салбий ҳолатни, унга мубтало бўлган инсон, миллат ва жамиятда ор-номус, уят, поклик, андиша, гурур, ифтихор, диёнат, имон, виждон, эътиқод, бағрикенглик каби инсоний, миллий-маънавий либослардан маҳрум бўлишни ўзида ифода эттиради. Маънавиятдаги бундай ҳолатларнинг юзага келаётганлигида кимнинг ёки ниманинг, хусусан, инсоният эришган интеллектуал салоҳият таъсирида иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт соҳасида эришаётган ютуқларинингми ёки яна танқид қилиш анъанасига айланиб келаётган Фарбнинг «ҳиссаси» устуворлик қилаётирми, деган саволни қўйиб, унга жавоб излаш вақти етиб келди, дейиш мумкин. Бундай саволга аниқ жавоб бериш бир қадар мураккаб бўлиб қолмоқда. Фикримизча, инсон, миллат ва жамиятнинг ана шундай маънавий либосдан маҳрум бўлишида ҳар иккала омилнинг ҳиссаси мавжуд. Чунки, **бир томондан** қараганда, бугун ер куррасида Фарб мамлакатлари юксак интеллектуал салоҳиятга эришдилар ва тараққиётга эришишнинг модели ҳамда тажрибаларга эга бўлиб, жаҳоннинг бошқа миллатларидан илгарилаб кетдилар ва ўз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий таъсирларини ўтказишга муваффақ бўлмоқдалар. Табиий равишда (бу ҳақда юқорида таъкидлаганимиздек), ана шу таъсирлар билан бирга уларнинг маънавиятида шаклланиб, қадрият даражасига кўтарилган «замонавийлик», ўзига хослик ҳам миллий маънавиятимизга кириб келаётир. Бу реалликни тан олишга мажбурмиз. **Иккинчи жиҳатдан**, миллий маънавиятимиз ана шу Фарбнинг маънавиятидан минг чандон устун бўла туриб, нега уларни қабул қилаётир, деган саволни ҳам қўйиш мумкин-ку.

Назаримизда, бу ердаги асосий муаммо миллий-маънавий либосимизни тиклаш ва уни жамиятимизнинг улкан мулкига айлантириш борасида собиқ шўро даврида шаклланган дунёқарашимиз, миллийлигимизда муҳрланиб қолган итоаткорлик руҳияти, ўтиш даврида иқтисодий соҳада юзага келган қийинчиликлар

туғдираётган муаммоларга рўбару бўлаётган инсонлар билан, мустақиллигимиз туфайли пайдо бўлган шарт-шароитлардан самарали фойдаланиб, катта маблағга эга бўлаётган кишилар ўртасидаги масофанинг тобора узоқлашиб бораётганлигидир. Чунки аҳолининг аксарият қисми миллий маънавиятимизнинг ўзига хошлигини, унинг жозибаси ва гўзаллигини қанчалик сақлаб қолишга ҳаракат қилмасин, катта маблағга бўлган миллатдошларимизнинг босар-тусарини билмасдан, Фарбга хос бўлган урф-одат, анъана ва қадриятларни ўзларича «янгилик», «замонавийлик» сифатида қабул қилишлари ҳамда уларни катта маблағлар сарфлаб оммалаштираётганлиги, албатта, миллий маънавиятда ҳам ўз ифодасини топиши муқаррардир.

Бундай салбий жараённинг олдини олишда жамиятимизда яшаётган барча инсонларнинг яқдиллиги ва ҳамкорлигини кучайтириш аҳамияти ошиб бормоқда. Бугун бу салбий жараённинг таъсири ҳақида ўйлаганимизда, Фарбнинг маънавий зўравонлигидан ўзини эсон-омон сақлаб келаётган японлар, жанубий корейликлар, ҳатто уч юз йил инглизларга қарам бўлиб, ўзлигини сақлаб қолишга муяссар бўлган ҳиндлар каби халқларнинг тажрибалари таҳсинга сазовордир. Бу ердаги асосий ғоя шундаки, миллий маънавиятимизга глобаллашув омили орқали кириб келаётган бегона урф-одат, анъана ва қадриятлар, улар ташвиқот қилаётган, ҳатто, зўрлаб ёшларимиз онгига сингдиришга жон-жаҳди билан ҳаракат қилаётган маънавиятдан, ўзимизнинг уларникига қараганда минг чандон бой ва гўзал миллий маънавиятимизни ёшлар онгига таъсирини кучайтиришимиз эҳтиёжи ошиб бормоқда. Бу борада мустақиллигимиз туфайли яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, катта моддий бойликка эга бўлаётган «янги ўзбеклар»нинг ўзгаларнинг эмас, балки ўзимизнинг миллатимизга хос бўлган урф-одат, анъана ва қадриятларни нафақат ўзимизда, шунингдек, ўзга халқлар ўртасида оммалаштириш зарурлигини англаб етишла-

ри амалий аҳамиятга эга бўлади. Зеро, бугун уларнинг бу йўналишдаги фаолиятида ўзларини ўз миллатдошларидан «фарқ» қилдириш, улардан кўра «маданиятлироқ» қилиб кўрсатиш, «янгилик яратувчилар» сифатида намоён этишга бўлган мойиллик кучайиб бормоқда. Бу нафақат миллий-маънавий емирилишга, балки, ҳатто миллий бирликнинг ҳам ичидан емирилишига олиб келиш хавфини юзага келтирмоқда.

Яна бир гап: глобаллашув ҳақида ўйлаганда, унинг таъсирида инсониятнинг истиқболда узоқ ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган нафақат моддий захиралар, шунингдек, миллий-маънавий ресурсларнинг тугаши ҳам тезлашаётганлиги кўз олдимизга келади. Глобаллашув инсоният тафаккурининг маҳсули ва унга хизмат қиладиган омил бўлаётганлиги бор гап. Лекин айна пайтда инсониятнинг умрига завоЛ бўлиш омилига айланмаслигининг имкониятларини излаб топиш истиқболда яна долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Миллий маънавиятимизга қарши қаратилган ташқи таҳдидлардан яна бири — бу мафкуравий хуруж ҳисобланади. Инсоният ва жамият тараққиёти тажрибаларидан маълумки, уларнинг биронтаси ҳам мафкурасиз яшай олмайди. Аммо муаммо ундан қайси мақсад ва манфаат йўлида фойдаланиш билан боғлиқдир. Ундан тараққиёт йўлида фойдаланишга ҳаракат қилинса, у ижобий омил сифатида намоён бўлади. Агар ундан ёвуз ва жирканч мақсадларни амалга ошириш назарда тутилса, барча соҳаларда инқирозларни юзага келтириш омилига айланади.

Мафкура шундай омилки, ундан фойдаланиб инсонларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, руҳий «итоаткор» қилиш, ғоясизлантириш, қалби ва онгини эгаллаш, жамиятда турли зиддиятларни вужудга келтириш мумкин. Унинг яна бир хатарли жиҳати шундаки, дўстни душманга айлантиришдек энг жирканч ёвузликларни юзага келтиради.

Мафкуравий хуружнинг миллий маънавиятга таъдиди шундаки, ундан фойдаланиб, миллатнинг ўзига хослигига зид бўлган барча салбий хусусиятларни унинг онгига сингдириш, ўз заминларидан маҳрум қилиш ва шу йўл билан уни ўзлигидан жудо қилиш мумкин.

Яна бир жиҳати шундаки, мафкуравий таъсир ўтказиш жараёни узоқ давом этиши сабабли олиб борилган барча хатти-ҳаракатларнинг натижалари ҳам инсон ва миллат онгини мустаҳкам эгаллайди. Шунинг учун ҳам онгни мустаҳкам эгаллаб олган қарашлар, гаразли ғоялар, миллий маънавиятга зид қадриятлардан қутулиш ҳам мураккаб масала. Чунки мафкура турли қарашлар ва ғояларни инсон ва миллат онгида ақидага айлантириш қудратига эга бўлган омил ҳисобланади. Ақидадан қутулишдан кўра, унинг шаклланишининг олдини олиш мафкуравий хуружларга барҳам беришнинг энг мақбул йўли ҳисобланади.

Мафкуравий хуруж замида маълум гаразли мақсад ва манфаатлар туради. У муайян миллат, жамият ва давлатни заифлаштириш, уларни ўзига тобе қилиш, унинг моддий ресурсларини қўлга киритишдек мақсадларни амалга оширишни кўзда тутди. Уларни англаб етиш учун миллий онг, миллий ўзликни англаш ривожланиши, миллий бирликнинг мустаҳкам бўлиши, сиёсий онг ва маданият тараққий қилган жамиятда барқарорлик амал қилиниши лозим. Агар улар етарли даражада ривожланмаган бўлса, унинг таъсиридан ҳимояланиш қийин ва катта муаммога айланади. Чунки мафкуравий хуружлар ҳар доим очиқ ҳолда амалга оширилмайди, балки аксарият ҳолларда асосий мақсад яширилган (манипуляциялашган) тарзда олиб борилади. Бу муаммонинг бир томони бўлса, иккинчи томондан, мафкуравий хуруж онг, дунёқараш ва қалбни эгаллашга қаратилгани билан боғлиқдир. Уларнинг эгалланиши эса миллий тараққиётни издан чиқаради, жамиятда беқарорликнинг вужудга кели-

шига ва уни амалга ошираётганларнинг асосий мақсадларига осонгина эришишга кенг йўл очиб беради.

Бугун мафкуравий хуруж ҳозирги замон ОАВ орқали турли кўринишлар ва йўналишларда олиб борилмоқда. Уларни шартли равишда қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси — глобал маданият, глобал ҳаёт тарзи, глобал санъат ва глобал «қадриятлар» каби ғояларни тарғиб ва ташвиқ қилишда, иккинчиси — демократия тараққиётидаги миллий ўзига хосликнинг намоён бўлишини бузиб кўрсатишда ўз ифодасини топмоқда.

Биринчидан, бу инсонга хос қизиқиш билан боғлиқ. Ҳар қандай инсон учун ўзга халқларнинг турмуш тарзи, унинг ютуқлари ва камчилиги янгилик ҳисобланади. Унга хос бўлган хусусиятлардан бири ўзгалардан ва бутун дунё тараққиёти ва жараёнларидан айри ҳолда яшай олмайди. У янгиликка интилади, ижобий жиҳатлари ва тажрибаларидан ўзига мақбул жиҳатларини олади, салбийларидан огоҳ бўлишга ҳаракат қилади. Шу маънода инсонларнинг хориж фильмларига қизиқишини табиий ҳолат, деб тушуниш мумкин. **Иккинчидан**, бунда Ўзбекистонда ишлаб чиқиладиган аксарият фильмларда реал ҳаётдан йироқ бўлган енгилелпи воқеаларнинг намоён бўлаётганининг ҳам ўрни бор. Яъни, уларда асосан севги-муҳаббатни миллий руҳиятимиз ва қадриятларимиздан йироқ бўлган шаклда кўрсатишга эътибор қаратилмоқда. Аммо бу соҳада мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари билан боғлиқ масалалар эътибордан четда қолиб кетмоқда. Гоҳида уларни кўрсатганда ҳам сийқаси чиқиб, замонавий кинотомошабин эҳтиёжидан паст кадрлар намоиш қилинмоқда. Назаримизда, халқимиз севги-муҳаббат, ота-она, фарзанд ва оилавий муносабатларни буюк ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи руҳидагидек тасвирда кўришга муштоқ, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур боболаримизнинг жасоратини ҳамда бугунги реал ҳаёт муаммоларининг

катта экранларда маҳорат билан ифодаланишини хоҳлайди. Бугун маърифатпарвар аждодларимиз ҳақида талабга жавоб берадиган фильмлар Ўзбекистонда ишлаб чиқилмаётгани боис, чет эл киноларини томоша қилишга эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу — миллий-маънавиятимиз учун унинг инқирозга юз тутишига олиб боровчи ўта катта хавф-хатардир.

Шуниси характерлики, бугун миллатдошларимиз хорижий ОАВда миллий маънавиятимизга зид бўлган материалларнинг берилаётганлигини англаб етмоқдалар. Жумладан, «Хорижий телевидение кўрсатувлари таъсирида миллий маънавиятимизда муаммолар юзга келмоқдами?» деган саволга «Ёшларнинг ахлоқий бузилишига олиб келмоқда» деган жавобни маҳалла аҳлида 44, талабаларда 41, ишчи-хизматчиларда 37 фоиз; «Миллий маънавиятнинг емирилишига олиб келмоқда» деган жавобни маҳалла аҳлида 11, талабаларда 10, ишчи-хизматчилар орасида 6 фоиз; «Ёшларнинг миллий маънавиятдан бегоналашувига олиб келмоқда» деган жавобни маҳалла аҳлида 17, талабаларда 30, ишчи-хизматчиларда 23 фоиз; «Менталитетимизда салбий жараёнларни келтириб чиқармоқда» деган жавобни маҳалла аҳлида 19, талабаларда 13, ишчи-хизматчилар ўртасида 13 фоиз; «Муаммони сезмаяпман» деган жавобни эса маҳалла аҳлида 9, талабаларда 6, ишчи-хизматчиларда 21 фоиз респондентлар билдирган.

Агар сўров натижаларини умумлаштирадиган бўлсак, унда қатнашганларнинг ўртача 88 фоизи хориж телевидениесининг миллий маънавиятимизга салбий таъсир ўтказаетганини кўрсатганлар. Аммо бу аҳолимизнинг улардан бутунлай безиб кетганлигини билдирмайди. Масалан, сўровда қатнашганларнинг 57 фоизи «Россия», ахлоқсизликнинг энг жирканч кўринишларини намойиш этадиган «ДТВ» телеканалини 36 фоиз респондентлар томоша қилишларини билдирганлар. Бу ерда ҳайратланарли жиҳат шундаки, аҳолимиз хорижий фильмлар ва телеканалларда берилаётган кўрсатувлар-

нинг миллий маънавиятимизга салбий таъсирини эътироф этган ҳолда уларни томоша қилишдан воз кечаётганлари йўқ, аксинча уларга қизиқиш ортиб бормоқда. Асосий муаммо яна ўзимизнинг бу борада аҳолимизнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлдирувчи фильмларни ишлаб чиқиш ва кўрсатувларни ташкил қила олмаётганимизга бориб тақалади. Хорижий мамлакатлар эса нафақат катта моддий, илмий-техник ва технологик имкониятлари билан ўзларининг маънавиятларини ўзга халқлар онгига сингдиришга, шунингдек, катта маҳорат ҳамда истеъдодлари билан ҳам «оммавий маънавият»ларини мафкуравий омил орқали миллий маънавиятларни емиришга йўналтиришга эришмоқдалар. Шу тариқа мафкуравий хуружларнинг миллий маънавиятимизга хавф-хатари кучайгандан кучайиб бормоқда.

Мафкуравий хуружнинг биринчисид а илгари сурилаётган гоёга мувофиқ маданият, турмуш тарзи санъат ва қадриятларнинг миллий ўзига хос жиҳатлари ўз аҳамиятини йўқотиб, улар ягоналикни ўзида ифода эттириш томон бормоқда. Аслида, улар ўзларида миллий ўзига хосликни ифода эттиришлари билан бир вақтда, ўзаро муштарак жиҳатлари мавжудлиги бор ҳақиқат. Аммо бу муштараклик миллий ўзига хосликни бутунлай барбод қилишга хизмат қилмайди, балки уларнинг ўзаро бойишига, жаҳон халқларининг турли-туманлик асосида маънан бойишига ўз ижобий таъсирини ўтказиб боради.

Фарб ОАВда тарқатилаётган «маданий» турмуш тарзи, санъат ва қадриятларнинг глобал шакли ҳақидаги гоёлар заминида ер куррасига эгалик қилиш мақсади мавжудлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Бу гоёлар, ҳаракатлар қанчалик даҳшатли тус олмасин, миллий маънавиятнинг инсониятга хизмат қилаётган қирраларини батамом барбод қилиши ҳақидаги масалага охириги нуқта қўйишга ҳозирча эрта. Чунки умуминсоний гоёлар миллий заминларнинг ижобий жиҳатлари асосида шаклланади. Инсон бор экан, бундай гоёларга

қарши кураш ҳам кучайиб бораверади. Бу — инсоннинг ўзини ўзи англашининг, ўзини ғаразли ғоялардан ҳимоя қилишининг асосий мезонларидан бирини ташкил қилади. Бу борада маданият масалалари билан чуқур шуғулланаётган олим У. Саидовнинг фикрлари диққатга сазовордир. У шундай ёзади: «Ягона маданиятни шакллантириш ғояси ҳозирча хомхаёлдан бошқа нарса эмас, чунки турли халқларнинг маданиятлари, қадриятлари ўртасида умумий хусусиятлар мавжуд бўлса-да, уларнинг намоён бўлиш шакллари, энг муҳими, дунёни идрок этиш, дунёқараши, воқеликка бўлган ўзаро муносабатлар каби базавий тушунчаларида жиддий фарқлар мавжудлиги маълум. Хусусан, ҳар бир маданият, кенг талқинда Шарқ ва Ғарб маданиятлари ўзининг алоҳида генотипига эга, шунга мувофиқ уларнинг ички ривожланиш мантиги мавжуд»¹.

Маданият, турмуш тарзи, санъат ва қадриятларнинг ягона бўлиши ҳақидаги ғоялар қанчалик ҳақиқатдан йироқ бўлмасин ёхуд истиқболда уларнинг ягона бўлишига асос йўқлиги қанчалик аниқ бўлмасин, барибир бундай ғоялар миллий маънавиятга қарши қаратилган мафкуравий хуружлар бўлиб, унинг заифлашувиغا, ўз миллий «қиёфасида» ривожланишига катта таҳдид ҳисобланади. Чунки ОАВ ва замонавий электрон носиталари орқали илгари сурилаётган ана шу ғоялар миллат вакиллари ичидаги эътиқоди бўш бўлган инсонларнинг, аввал уларнинг қизиқишини юзага келтиради, кейинчалик эса уларни қабул қилишга мойиллигини шакллантиради ва охир-оқибатда ўз ғояларини оммалаштиришда иштирок қилувчиларга айлантиради. Афсуски, бугун ҳаётда кам бўлса ҳам учраб турганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Буни бугун орамизда даъватчиларнинг алдовларига ишониб, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган диний қадриятлардан воз кечиб, ўзга динларга эътиқод қилаётган,

¹ Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. — Т.: «Akademiya», 2008. 35-б.

уларни ёшлар ўртасида тарғиб-ташвиқ қилаётганлар мисолида кўришимиз мумкин.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, асосан Ғарбдан амалга оширилаётган мафкуравий хуружлар қанчалик кучли моддий ва замонавий техника имкониятларига эга бўлмасин, улар илгари сураётган ана шундай ғоялар бугунми ёки эртагами ўзининг «охирги нуқтаси» етиб, инсоният яна ўзлигини англашга, миллий ва умуминсоний қадриятларни ривожлантиришга, ўз тараққиётининг бош йўналиши сифатида қарашга интилиши кучайиб бориши муқаррардир. Акс ҳолда, инсоният асрлар давомида яратган тамаддунини эртага ўз интеллектуали ва ўз қўли билан барбод қилиб қўйиши мумкин бўлади. Фикримизча, инсоннинг қудрати шундаки, у онгли мавжудот бўлганлиги, нима ижобий, нима салбий эканлигини тушунгани боис ўзи яратган тамаддуннинг барбод бўлишига изн бермайди ва уни эзгулик нурлари билан чароғон этишда давом этаверади. Миллий маънавиятга қаратилган мафкуравий хуружлар турли кўриниш ва даражада тарихий тараққиётнинг барча босқичларида мавжуд бўлган, унинг эртага бўлиши ҳам аниқ. Уларнинг бугунги кундаги даҳшатли кўринишлари авж олаётганига келсак, улар давр ва инсоният тараққиётининг даражалари ҳамда эҳтиёжларининг инъикоси сифатида намоён бўлмоқда. Аммо улар миллий маънавиятнинг бутунлай барбод бўлишига олиб келмайди.

Мафкура воситасида миллий маънавиятга қарши қаратилган таҳдидлар қаторида мамлакатимизда бўлаётган демократик жараёнларни бузиб кўрсатишга бўлган уринишлар ҳам алоҳида ўрин эгаллаб келмоқда.

Юзаки қараганда, демократик жараён билан миллий маънавиятнинг қайси даражада алоқаси бор, деган саволни қўйиш мумкин. Агар масалага чуқурроқ қараладиган бўлса, улар ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлиги келиб чиқади. Хусусан, ундаги боғлиқликлар қуйидагиларда ўз ифодасини топади. **Биринчидан**, де-

мократия қанчалик умуминсоний қадрият бўлмасин, барибир, унинг дунёда яшаётган барча миллатлар учун умумий бўлган андозаси йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки демократия ким томонидандир берилмайди, балки ҳар бир халқ ўзининг меҳнати, интеллектуал салоҳияти ва фаоллиги билан ўзига хос жиҳатларини унда ифода эттирган ҳолда шакллантиради.

Иккинчидан, демократиянинг шаклланиши ҳам бир ёки ўн кунлик жараён эмас, балки узоқ муддатни талаб қилади. Унинг шаклланиши учун, энг аввало, моддий, сиёсий ва маънавий-маърифий шарт-шароит ва замин юзага келиши талаб этилади. Унинг яна бир ўта муҳим жиҳати ҳам борки, у ҳам бўлса, демократия шаклланишида сиёсий ҳокимиятнинг унга мойиллигининг ўзи ҳам етарли эмас, бунинг учун фуқароларнинг уни шакллантиришга мойиллиги, фаоллик кўрсатишга бўлган интилиши ҳам талаб этилади.

Уларнинг барчаси жаҳоннинг юксак тараққий қилган мамлакатлари тажрибаларида ўз исботини топган. Келтирилганлардан кўриниб турибдики, демократия миллатнинг менталитети, турмуш тарзи, дунёқараши, урф-одати, анъана ва қадриятлари билан боғлиқдир.

Ўрни келганда, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, демократиянинг барча мамлакатлар ва миллатлар учун умумий бўлган мезонлари билан унда миллий хусусиятлар ўз ифодасини топадиган қадриятини ўзаро аралаштириб юбормаслик ўта муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Чунки Ўзбекистонда эълон қилинаётган баъзи илмий адабиётларда уни икки кўринишда, хусусан, ғарбона ва шарқона мезонларга бўлиш давом этиб келмоқда.

Аслида бундай ёндашувларга мезонлар билан «миллий хусусиятлар»га аниқлик киритилмаганидан ёки уларни аниқ тушунмасликдан келиб чиқмоқда. Демократиянинг ўлчами дунёда уни шакллантиришга интиляётган барча халқлар учун умумий ҳисобланади, уни Ғарб ёки Шарқ халқларига хос бўлган мезонларга ажратиш гайриилмий қарашдир. Ана шу мезонларни

ҳали дунёдаги бирорта мамлакат охиригача батамом шакллантиришга эришганича йўқ, аммо уларнинг айрим мезонларини бугунги тараққиёт даражасида шакллантирган давлатлар мавжуд. Яна бир фикр, демократиянинг мезонлари ҳам такомиллашиб боради, унинг бутун дунёда эътироф этилаётгани, эртага ёки инсониятнинг истиқболи учун охиригиси бўлиши мумкин эмас. Чунки у бепоён, узлуксиз жараёндир. Шу маънода ҳам «соф», бутун инсоният эҳтиёжларига батамом жавоб бериши мумкин бўлган демократия унинг идеали сифатида ўзи каби такомиллашиб боради.

Энди демократияда миллий хусусиятларнинг ўз ифодасини топиш масаласига қайтиб, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, унда нафақат Фарб ва Шарқ халқларига хослик, шунингдек, миллатлар, минтақа ва бутун инсоният учун хос бўлган жиҳатлар ўз ифодасини топади. Жумладан, унда нафақат миллий менталитет, урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ўзига хослиги, миллатнинг темпераменти (вазминлик, қизиққонлик, безътиборлик, босиқлик), минтақада яшаётган халқларни ўзаро боғлаб турадиган омиллар (моддий, сиёсий ва маънавий, ҳудудий, табиий ва ҳ.к), жаҳон халқларини бирлаштириб турувчи омиллар (глобал муаммолар, эртанги кун учун хавотирлик, келажак учун масъуллик ва ҳ.к) ўз ифодасини топади. Чунки демократия мақсад эмас, балки инсонларнинг эркин, тинч ва фаровон яшашига эришишнинг воситаси ҳисобланади. Шундай экан уни мезон жиҳатдан бўлиб бўлмайди. Бинобарин, миллат, минтақа ва умуминсонийликка хос бўлган хусусиятларини ўзида ифода эттириш ҳақида фикр юритилса ва уларни мукаммал мустақил муаммо сифатида ўрганилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Демократия ҳақида мавзуимиз даражасида батафсил тўхтаб ўтишимизнинг боиси шундаки, турли ОАВ ва замонавий техник воситалар баъзи хорижлик сиёсатчилар ва олимлар ёрдамида Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик жараёнларни бузиб кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг фикрича, Ўзбекистон-

да демократик жараёнлар бошқа мамлакатлардан «орқада» қолмоқда, МДХ мамлакатларида «ривожланаётган демократия» тажрибаларидан ўрнак олиши керак эмиш. Бундай ғоялар заминиди ўзбек халқининг манфаатлари эмас, балки Ўзбекистонда сиёсий беқарорликни юзага келтириб, ундан баъзи сиёсатчиларнинг ғараз ниятларини амалга ошириш мақсадлари турибди.

Улар шу мақсадларни хаспўшлаб, мафкура воситасида нафақат демократик қадриятларни, улар билан уйғун ҳолатда миллат ва халқимизнинг ўзига хос бўлган маънавияти, урф-одат, анъана ва қадриятларига ҳам путур етказмоқдалар. Шу маънода миллий маънавиятимизга бўлаётган ана шу ташқи таҳдиднинг асл моҳияти ва мақсадини очиб бериш ҳамда халқимизнинг ўзига хослигини сақлаган ҳолда демократик жараёнларни ривожлантириш мафкуравий хуружга қарши курашнинг муҳим омили бўлиб қолмоқда.

Миллий маънавиятимизга қарши қаратилган ташқи таҳдидлардан бири бангибозликнинг, наркотик моддаларни кенг тарқатишнинг авж олаётганлиги ҳисобланади. Унинг таҳдиди шундаки, уни истеъмол қилаётганлар:

а) миллий ирсиятимизнинг бузилишига, маънан ва руҳан носоғлом авлоднинг дунёга келишига;

б) оилаларнинг бузилиб кетишига, фарзандларнинг ота ёки онасиз қолиб кетишига,

в) мамлакатимизга турли бедаво, хусусан, ОИТС касалликларининг кириб келишига ва унинг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, наркотик моддаларни истеъмол қилишга одатланиб қолган инсонларни даволаш энг оғир кечадиган жараён экан. Уни даволашга кетадиган маблағдан кўра жамиятга келтирадиган маънавий, руҳий ва ахлоқий оқибатлари минг чандон қимматга тушар экан. Юқорида келтирилган учта йўналиш бўйича ўтказаетган таъсиридан ҳам кўриниб турибдики, уларнинг ҳар бири мамлакатда маънавий ва ахлоқий қашшоқлашувга ўз таъсирини ўтказди. Айниқса, ёшлар ўртасида уларнинг тарқалиши

хатарли ҳисобланади. Чунки уни истеъмол қилган ҳар бир ёш эртанги кунда маънан қашшоқ, эътиқодсиз, руҳан ва жисмонан, нотавон инсон қиёфасига тушиб қолади. Ундай инсон уни истеъмол қилиш учун моли, ор-номуси, керак бўлса, жонини ҳам сотади ва оқибатда бедаво касалликка мубтало бўлади. Шунинг учун бангиликка (наркоманияга) қарши кураш бугун умуминсоний вазифалардан бирига айланди. Лекин шунга қарамасдан, унинг эвазига катта фойда олаётган корчалонларни жиловлашнинг имконияти бўлмаётир.

Хусусан, Ўзбекистон ҳам бу ҳолатдан четда қолмаётир. Бугун мамлакатимизга турли йўллар билан наркотик моддалар кириб келмоқда, шу билан бирга мамлакатимизда унинг тарқалишида ўзимизнинг ичимиздан чиққан инсонлар ҳам қатнашмоқда. Жумладан, 2008 йилнинг 4 июль кuni Тошкент вилоятида Нексия автомашинасини текширишдан ўтказиш пайтида махсус ясалган махфий туйнукдан 3,565 килограмм героин ва 6,160 килограмм опий борлиги аниқланиб, олиб қўйилган. 2011 йилнинг 24 июль кuni Сурхондарё вилоятида ўзбекистонлик фуқаронинг уйи текширилганда Тожикистондан отларда айланма йўллар орқали олиб келинган 133,2 килограмм героин борлиги аниқланди ва мусодара қилинди.

Шу йилнинг 27 июнида эса Бухоро вилояти ҳудудида автомашинанинг баллони ичида яширин ҳолда 14,4 килограмм героин олиб келаётган Ўзбекистон фуқароси қўлга олинди.

Наркотик моддаларнинг юртимизга кириб келишида Афғонистон фуқаролари фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан, 2008 йил афғонистонлик фуқаролардан 470 килограммга яқин наркотик моддалар олиб қўйилган. Наркотик моддаларнинг тарқалиши камайиш ўрнига ошиб бораётганлиги миллий маънавиятимизга таҳдиднинг кучайганидан далолат бермоқда. Маънавий қашшоқлашув эса наркотик моддаларни тарқатаётган ва уни истеъмол қилаётган миллатдошларимизнинг тобора манқуртлашиб бораётганлигидадир. Бу, ўз навба-

тида, мамлакатимиз барқарорлигига ҳам хавф-хатарнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда¹.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, наркотик моддаларнинг мамлакатимизга ташқаридан кириб келиши ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари масъулиятини янада оширган. Аммо юқоридаги маълумотлар кўрсатишича, бу борада нафақат улар, шунингдек, Ўзбекистонни севувчи ҳар бир инсон, унинг маънан ва ахлоқан соғлом авлодини тарбиялашда фаоллик кўрсатишда, бангибозликнинг зарарли оқибатлари ҳақида ёшларга тушунтириш ишларини олиб боришлари лозим. Айниқса, ўз орамиздан чиқаётган наркотик моддаларни тарқатувчи оғуфурушларни аниқлашда, уларнинг кирдикорларини очишда барчамиз фаол иштирок этишимиз зарур. Агар бу борада яқдиллик билан фаол иштирок этсак, ўзимизга хос миллий-маънавий ҳаёти-мизнинг барқарорлигини асраб қолишимиз мумкин бўлади. «Ўзингни ўзагингни юлади» деган халқ мақоли худди наркотик моддаларни тарқатаётган ўзимизнинг орамиздан чиққан кимсалар учун айтилгандай жаранглайди. Агар улар бу қинғир ишларда қатнашмасалар, чет эл фуқароларининг мамлакатимизга бу захри қотилни олиб келишлари кескин камайган бўлур эди. Хуллас, наркотик моддаларнинг фуқароларимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида истеъмол қилинишининг олдини олиш орқали миллий маънавиятимизга қарши қаратилган ташқи таҳдидлардан бирининг пайи қирқилган бўларди.

Миллий маънавиятимизга қарши қаратилган таҳдидлар глобаллашув, мафкуравий хуружлар, демократик қадриятларни бузиб талқин этиш ва гиёҳвандликни ёшлар ўртасида оммавийлаштириш кабилар ташкил этаётганлигини таҳлил этишга ҳаракат қилдик. Айнан миллий маънавиятимизга қарши қаратилган ташқи таҳдидлар барча қолган катта-кичик таҳдидларнинг асосий

¹ Халқ сўзи. 2009 йил 16 апрель.

манбалари ҳисобланади. Гарчанд, улар кўринишидан миллий маънавиятдан «узоқдай» бўлса-да, амалда улар «ичидан» ва «ташқарисидан» маънавиятимизни емиришга қаратилганлиги билан катта хавф-хатар ҳисобланади.

Онги, дунёқараши ва қалби қашшоқлашган инсонлар миллат вакиллари орасида бўлиши унинг истиқболини барбод қилиши муқаррар эканлиги бугун ўз тасдиғини топмоқда. Шу маънода ҳам миллий маънавиятни асрашнинг муҳим омилларидан онг, дунёқараш ва қалбни ҳар қандай ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТГА ҚАРШИ ИЧКИ ТАҲДИДЛАР ВА УЛАРНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ

Аниқ маълумотлар ва тадқиқотлардан маълум бўлдики, ташқи таҳдидларнинг хавф-хатар даражасида кучайиб бориши авж олаётган глобаллашувнинг реал омили сифатида намоён бўлмоқда. Айни пайтда, бу жараёнда аҳолининг бир қадар эътиборсизлиги ҳам салбий роль ўйнамоқда. Социологик суровлар шуни кўрсатдики, ташқи таҳдидларнинг кучайишида ҳали аҳолимизнинг сиёсий онги, маданияти ва маънавий-маърифий тараққиёти глобаллашув даражаларидан орқада қолмоқда. Шу билан бирга миллий маънавиятимизни тарғиб-ташвиқ қилиш мавжуд катта имкониятларимизга қарамасдан, хорижий мамлакатлар даражасида эмас. Бунинг оқибатида ташқи таҳдидлар ортиб, миллий маънавиятимизга ўтказётган салбий таъсирлар кучайиб бормоқда. Ўз навбатида, ташқи таҳдидларнинг ичкаридан юзага келаётган таҳдидлар билан уйғунлашиб кетишига олиб келмоқда. Хусусан, айрим ҳолларда бозор муносабатларига ўтиш даврининг муаммолари таъсирида миллатимизнинг айрим вакилларида четдан ҳаммасини ёппасига қабул қилиш ва уларни халқимиз ўртасида оммалаштиришда қатнашаётганлигини кўриш мумкин. Бунинг натижасида миллий-маънавий хусусиятга зид бўлган янги «қадриятлар» пайдо бўлмоқ-

да. Уларнинг ёшларимиз ҳаётига кириб бораётганлиги айниқса хатарли тус олмақда. Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «Ёш авлодимизни турли маънавий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳақида гапирганда, нафақат халқимизни улуғлайдиган буюк хусусиятлар, айти пайтда унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган, эски замонлардан қолиб келаётган номаъқул одатлар ҳақида очиқ сўз юритишимиз зарур. Биринчи навбатда, худбинлик ва лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаат-парастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос этиш тўғрисида ўйлашимиз лозим»¹.

Ҳақиқатан ҳам, халқимизнинг улкан ва тақрорланмас маънавий бойликларга эга эканлиги билан фахрланишимиз, улар қаддимизни кўтариб тураётганлиги, ўзбек номини улуғлаётгани бор ҳақиқат. Айти пайтда мустақиллигимиз шарофати ила ана шу меросимиз юзага чиқиб, ривожланишимизга асосий манба бўлмақда. Аммо мавжуд ютуқларимиз билан бир қаторда бугун жаҳон тараққиётининг мисли кўрилмаган даражада жадаллашуви, миллий маънавиятимизга нисбатан хавф-хатарнинг ошиб бораётганлиги шароитидан келиб чиққан ҳолда уларни бартараф қилиш зарурлигини ҳам англаб етишимиз лозимлигини талаб этмоқда.

Бунга эҳтиёжнинг ошиб бориши, бир томондан, жаҳонда тобора жадал ривожланаётган турли хавф-хатарлар кўламининг кенгайиб бораётганлиги, айниқса, уларнинг ёшлар онги ва дунёқарашини эгаллашга қаратилгани билан боғлиқ бўлаётган бўлса, иккинчи томондан, ана шу жараёнларни англаб етишга бўлган интилишнинг улар тараққиёти даражаларидан орқада қолаётгани билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бугунги таҳликали давр шароитида ёшлар онги, қалби ва дунёқарашини миллий-маънавий меросимиз дурдоналари

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 120-б.

ҳисобига бойитиб бориш катта муаммога айланиб бораётганлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим бўлади. Чунки улар онги, дунёқараши ва қалбини эгаллаш йўлида ҳаракат қилаётган ташқи кучлар таъсир ўтказишнинг энг жирканч услуб ва воситаларидан фойдаланмоқдаларки, буни ёшларимизнинг ҳаммаси ҳам англаб етиши қийин кечади. Албатта, ёшларимизни бу хавф-хатардан ҳимоя қилиш учун, энг аввало, уларнинг онги ва дунёқарашида танлаш маданияти ва салоҳиятини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу вазифани амалга ошириш миллий-маънавий хавфсизлик учун амалий аҳамиятга эгадир.

Бугун миллий маънавиятнинг емирилишига замин бўлаётган ички таҳдидларнинг хавф-хатарларга айланиб, уларнинг кўлами кенгайиб, жиддий тус олиб бормоқда. Таҳдидларнинг хавф-хатарга айланиши деганимизда, миллий маънавиятнинг емирилиш жараёнининг амал қилишини тушунамиз. Бугун худди ана шу жараён кетмоқда. Аммо уларни ҳар доим ҳам ҳамма етарли даражада англаб етаётир, деб бўлмайди. Лекин жараённинг кўлами кенгайгандан кенгайиб бормоқда. Жумладан, улар мамлакат азалдан ички ҳаётида мавжуд бўлмаган, аммо улар четдан кириб келадиган «замонавий» маънавият, мусиқа ва санъатга мойиллик ҳамда уларга тақлидчилик руҳиятининг кучайиши, наркотик моддаларни аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида оммалаштириш, одам савдоси, ёшларни миллий ва диний эътиқодидан қайтариш, ўзга диний эътиқодларга етаклаш, бозор муносабатлари шароитида юзага келган имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳисобига катта моддий бойликка эга бўлган миллатимизнинг айрим вакиллари манманликка берилиш ҳоллари, жамиятда табақаланишнинг кескин тус олиши, коррупция, уруғ-аймоғчилик ва шу каби бошқа бир қатор салбий омиллар шаклида ички таҳдидлар сифатида намоён бўлмоқда.

Шу ўринда уларнинг айримлари ҳақида матбуотимизда кейинги пайтда кўп ёзилаётганлигини ҳам эъти-

роф этиш лозим бўлади. Аммо бу келтирилган таҳдидлар бир қадар сусайиш ўрнига, аксинча, авж олаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Уларнинг ҳар бири устида алоҳида тўхташга ҳаракат қиламиз.

Энг аввало, инсон онги ва руҳиятига тез таъсир ўтказувчи мусиқа, ашула, театр ва телевидениемизда кўрсатилаётган телесериаллар ҳамда уларнинг миллий маънавиятимиздаги таъсири ҳақида фикр юритамиз.

Бир қатор руҳшунос мутахассисларнинг таъкидлашича, мусиқа инсон руҳиятига кучли таъсир ўтказадиган воситалардан бири ҳисобланади. Чиндан ҳам инсон боласи, хурсанд бўлганда ҳам, руҳий тушкунликка тушганда ҳам мусиқани, ашулани тинглагиси келади, уни қўмсайди.

Мусиқа ва ашуланинг ана шу имкониятларидан тарбиявий ва соғлиқни сақлаш соҳаларида фойдаланиш оммалашиб бораётганлиги бугунги кунда ҳеч ким учун янгилик эмас. Айниқса, тиббиётда айрим касалликларни мусиқа воситасида даволаш амалиётга кириб бораётганлиги ҳақида матбуотда кўп ёзилаётганлиги юқоридаги фикрларимизнинг тасдиғи ҳисобланади.

Мусиқа ва ашула ёшларнинг характерини, атрофмуҳитга, Ватанга, миллатга, халққа бўлган муносабатларни, инсонийлик, бағрикенглик, ҳаётдан баҳра олиб яшаш каби руҳиятни шакллантиради. Шу ўринда, мумтоз куй ва қўшиқларнинг умри боқий бўлиб, инсон қалбига кучли таъсир ўтказди. Чунки уларда миллийлик ва айни пайтда халқчиллик асрлар давомида шаклланиб келади.

Мустақиллигимиз шарофати билан санъатимизнинг бу турларини қайта тиклаш, уларни халқимиз ва ёш авлод онгига етказиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Айниқса, ҳар йили мустақиллигимизни нишонлашга бағишланган байрам тадбирларида уларни оммалаштиришга қаратилган эътибор туфайли ёшлар ўртасида санъатимизнинг мумтоз мусиқа, ашула билан бирга халқимиз ўртасида асрлар давомида оғиздан-оғизга, аждодлардан-авлодларга ўтиб келаётган

лапар, думбра ва бошқа санъатларнинг оммавийлашиб бораётганлиги миллий маънавиятимиз тараққиёти учун амалий аҳамиятга эга бўлмоқда. Уларнинг оммавийлашиб бориши миллий маънавиятимизни мазмунан бойитмоқда, миллатимизнинг маънавий қиёфасини асраб қолишга ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда. Бу ижобий ўзгаришлар, собиқ шўролар ҳукмронлиги даврида миллий маънавиятимизни поймол этишга қаратилган сиёсат оқибатида қўлдан берилган имкониятларимизни қайта тиклашда амалий аҳамиятга эга бўлмоқда. Мазкур йўналишда қўлга киритилган ва киритилаётган ютуқларимиз ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Фикримизча, уларни келтиришга зарурат йўқ. Чунки бугунги кунда барчамиз уларнинг тикланиши ва оммавийлашаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз ҳамда улардан баҳраманд бўлаётимиз. Энг асосийси, мамлакатимизда миллий санъатга эътибор кучайиб бораётганлиги халқимиз табиати, интилиши ва руҳиятидаги кўтаринкилик ифодаси сифатида намойён бўлмоқда.

Агар миллий тараққиётимиз тарихига қарайдиган бўлсак, буюк давлат арбобларидан тортиб оддий ватандошларимизгача санъатни ардоқлаб келганлигининг гувоҳи бўламиз. Улар фақат шўролар ҳукмронлиги даврида саёзлаштирилди, халқимиз онги ва қалбини уларга хос бўлмаган «санъат» билан бойитилди. Мустақиллигимиз бу жараёнга нуқта қўйди ва аждодларимиз қолдирган мумтоз меросни қайтадан тиклаш имкониятига эга бўлдик.

Мумтоз мусиқа, ашула, лапарлар ҳамда санъатимизнинг бошқа турларининг тикланиши ва оммавийлашиб бориши билан бир қаторда, уларнинг миллий маънавиятимизга ташқаридан бўлаётган хавф-хатарлар даражасига нисбатан орқада қолаётганлиги ҳам бугунги реалликдир.

Бу борада бугун жаҳон миқёсида мусиқа соҳасида кетаётган замонавийлик билан мумтозлик ўртасидаги рақобатда биринчисининг устувор мавқени эгаллаёт-

гани миллий муסיқа ва ашуда санъатимизда ҳам ўз ифодасини топаётганлигини таъкидлаш лозим. Аслида бу жараён барча соҳаларда бўлгани каби санъатда ҳам ҳар доим амал қилиб келган. Аммо унинг бугунги кўринишдаги хусусияти шундаки, ўзининг мазмуни ва «жозибаси» билан бугунги ёшлар маънавиятининг саёзлашишига таъсир ўтказмоқда. Айниқса, Фарб мамлакатларида бугунги кунда қадрият даражасигача кўтарилиб келаётган баъзи «эстрада» санъатларининг миллий маънавиятимизга суқилиб кириб келаётганлиги унинг истиқболига хавф-хатарни кучайтирмоқда. Аслида бугун замонавий «эстрада» деб баҳоланаётган кўпгина ана шу жанрдаги кўшиқлар ёшлар онгида энгил ҳаёт ва турмуш тарзининг шаклланишига хизмат қилмоқда. Худди ана шундай замонавий «эстрада» жанридаги кўшиқлар таъсирида ёшлар руҳиятида бангилик, фоҳишабозлик, беандишалик, беўхшов ҳаракатларга «мойиллик» кучайиб бормоқда. Бундай жараёнлар миллий маънавиятимиз тараққиётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки Президентимиз таъкидлаганидек, «...агар инсоннинг қулоғи энгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадий диди, муסיқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий олами ни сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳеч гап эмас. Охиروқибатда бундай одам «Шашмақом» сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини ҳам, Моцарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган буюк композиторларнинг асарларини ҳам қабул қилиши қийин бўлади»¹.

Биз миллий маънавиятимизда эстрада жанри бўлмаслиги керак, деган фикрдан йироқмиз. Бу жанр ҳам бўлиши, ривожланиши лозим. Аммо у қадриятларимизга хос бўлмаган мазмунан саёз, инсон онгини миллий руҳиятдан жудо қилишга, ахлоқсизлик, бачканалик каби хусусиятларни ўзлаштириб олиш ҳисобига эмас, бал-

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — энгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 143-б.

ки миллий заминларимизга таянган ҳолда, керак бўлса, жаҳон миқёсида эътироф этиладиган даражада ривожланиши лозим. Бугун телевидениемизда берилаётган «замонавий эстрада» аталмиш кўшиқлар мазмунининг саёзлиги, ундаги сийқаси чиқиб кетган, инсонни руҳан ва маънан чарчатадиган сўзларнинг таомилга кириб келаётганлигини афсус билан такрорлашга тўғри келмоқда. Таниқли олим Шухрат Ризо таъкидлаганидек, «Агар турли телеканаллардан эфир вақтининг энг қулай палласида кунига бир неча соатлаб (ҳозирда бу яна оммалашиб, метро бекатлари, вокзаллар, аэропорт, шаҳарлараро ва шаҳар ички автобусларига ўрнатилган телевизорларда куну тун давомида) такрор ва такрор қўйилаётган мусиқа клипларини кузатиб, уларнинг умумий жиҳатлари таснифлаб кўрилса, аллақачон анъана тусини олган ўта салбий ҳолатлар яққол кўзга ташланади. Масалан, кўшиқлар мавзуси, матни, мусиқа ва ижрочилик жиҳатлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, мавзунинг ўта саёз ва бачканалигидан, чунончи, «мини юбка», «машина», «чой», «сигарет» ва ҳоказо ашёларнинг кўшиқ объектига айланганидан ёқа ушламай иложимиз йўқ...»¹. Бугунги санъатнинг аҳволи ҳақида муаллиф билдираётган бу фикрларнинг аҳамияти ниҳоятда катта деб ҳисоблаймиз. Зеро, бугунги кунда миллий маънавиятимиз тараққиётига салбий таъсир ўтказаятган ана шундай «замонавийлик» ҳақида кундалик матбуотимизда фикрлар деярли билдирилмаётган эди.

Афсуски, ана шу салбий ҳолатни телевидениемиздаги тегишли мутахассислар ва масъуллар билишади, лекин ўзларини билмаганга олишади, гоҳида телевидение ходимларидан айримлари бозор муносабатлари шароитида ҳамма ўзи учун ҳаракат қилиши керак, маблағ топиш керак, шунинг учун нима ва қайси «санъат» кўпроқ маблағ келтирса, шундан фойдаланиш керак деган фикрларни билдирадилар. Бундай фикрларга

¹ Шухрат Ризо. Қалбга йўл. // Тафаккур. 2009, 2-сон. — 25—26-б.

қўшилиб бўлмайди. Чунки телевидение ва бошқа ОАВ кимнингдир мулки, кимларгадир маблаг ишлаб берадиган восита эмас. Улар, энг аввало, миллатимиз бутун Ўзбекистон халқининг мулки, унинг юзи, унинг ривожланишига хизмат қилиши, қолаверса, у тарбия воситаси ҳисобланади. Агар уларнинг ана шу ўта муҳим вазифасини назарда тутадиган бўлсак, бугун улар бу вазифаларни талаб даражасида бажаролмаётир, деб айтишга тўлиқ асослар борлигини кўрамиз.

Бугун ўз қўшиқларида муҳаббат ва садоқатни тараббунм этадиган баъзи «санъаткорлар»нинг хатти-ҳаракати, ҳатто ана шу муборак туйғуларни айтаётганида ҳам самимият йўқлиги, сохта эканлиги шундоққина кўриниб туради. Шунда биз яна Алишер Навоий, Ҳофиз Хоразмий ва бошқа мумтоз шеърятимиз вакиллари газаллари билан куйланадиган қўшиқлар наққадар вазмин, теран, инсонни тўлқинлантириши кўз олдимизга келади. Пировардида, санъатимиз нега бунчалик ўз заминидан узилиб бораётир, бундай жараён давом этадиган бўлса, истиқболда миллий маънавиятимиз ўзига нисбатан юзага келаётган хавф-хатарга бардош бера оладими, деган саволлар юзага келаверади. Уларга жавобни эса бугун ҳаммамиз излашимиз лозим бўлади. Миллий маънавиятимиз тараққиётига хавф-хатарлар ҳақида фикр юритганда яна телевидение фаолиятига қайтишга тўғри келади.

Маълумки, бугун нафақат шаҳарларимиз, балки марказдан энг узоқ қишлоқларимиз аҳолиси наинки Ўзбекистон телевидениеси, шунингдек, хорижнинг ҳам ўнлаб каналларини махсус антенналар ўрнатиш йўли билан томоша қилиш имкониятига эга бўлганлар. Бу — халқимизга дунё билан, унинг халқи билан танишишга, яқинлашишга имкон бермоқда. Жумладан, дунё халқларининг урф-одат, анъана ва қадриятлари билан танишиш, улардан завқланиш, табиати, турмуш тарзи каби ўзига хос хусусиятлари билан танишишда ана шу каналлар ижобий роль ўйнамоқда. Шу билан бирга, уларнинг айримларида берилаётган беҳаё фильмлар ва

сериаллардаги воқеа, беҳаё хатти-ҳаракатлар, қаҳрамонларнинг ярим яланғоч кийиниши, ҳатто ўзбекларда нотаниш аёл ва эркаклар ўзаро суҳбатларида қўлламайдиган сўзлар (масалан, секс — бу сўз ўзбек тилига ўтирилганида, нақадар уятли)нинг ишлатилиши ҳолатларини бемалол томоша қилиш, алақачон оддий ҳолат сифатида маънавий ҳаётимиздан ўрин олиб бўлди.

Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда Ўзбекистон телевидениесига Корея, Япония, Хитой ва Туркия каби мамлакатларнинг бир қатор сериаллари берилдики, уларда илгари сурилган ғоялар ватанпарварлик, халқнинг ўтмишига меҳр-муҳаббат, севгини ардоқлашга бағишланган. «Жумонг», «Шерюрак», «Баҳор ифори», «Севги тумори» ва бир қатор сериаллар халқимизда катта қизиқиш уйғотди ва улар севиб томоша қилинди. Улар ўзининг жозибаси, воқеаларининг теранлиги, маънан бойлиги ва миллийлиги билан, айна пайтда номланиши билан ҳам ҳар бир кишининг хотирасида жуда узоқ сақланиб қола олади.

Аммо ўзимизнинг киноижодкорлар томонидан ишланган «Паноҳ», «Жазо», «Қасос» ва бошқа сериаллар воқеаларнинг моҳияти, мазмунининг ниҳоятда саёзлиги, ҳатто номланиши хунуклиги билан ҳам бугунги маънавиятимиз ривожини йўлида кутилаётган эҳтиёжларга жавоб бермайди.

Севги-муҳаббат — бу ҳар бир инсоннинг ички руҳий ҳолатини ифодаловчи нозик мавзудир. Уни ҳаммага кўз-кўз қилишга аждодларимиз эҳтиёткорлик билан ёндашганлар. Ҳатто, уни ошкор қилишга журъат қилишдан ўзларини тийганлар. Булар ҳақида кўплаб тарихий ва бадиий асарлар ёзилган. Агар аждодларимиз куйлаган қўшиқлар билан бугунги кунда куйланаётган севги, муҳаббат ва садоқатни ўзаро солиштирадиган бўлсак, бугунгилари саёзлашиб, кундалик ўйин-кулги ва эрмак даражасига етиб келганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Сериаллардаги ҳар иккала ҳолатни ўзаро солиштирадиган бўлсак, бизнинг киноижодкорларимизнинг юқорида номлари келтирилган мамлакатлар киноижодкорлари даражасида сериаллар яратиши бугунги кунда энг катта эҳтиёжга айланиб бораётганлигини таъкидлаш лозим бўлади.

Ана шунда Фарб мамлакатлари томонидан ишлаб чиқилган турли беҳаё фильм ва сериалларни томоша қилиш бироз бўлса-да, камайиши мумкин. Ахир ана шу беҳаё фильм ва сериалларни оилавий томоша қилиш миллий маънавиятимизнинг тенги йўқ гўзал ва бебаҳо либоси бўлган оилавий шарм-ҳаё, уят, ор-номус ўзаро муносабатлардаги чегаранинг барбод бўлишига олиб келишидан ҳар биримиз огоҳ бўлишимиз шарт.

Ўз заминидан узилиб қолган миллат мустақил тараққий қилиш имкониятидан ҳам маҳрум бўлиши муқаррар. Ҳеч қачон ўзгаларнинг маънавий замини мустақил тараққиёт йўлидан бораётган миллатларнинг тараққиёт манбаи бўлолмайди. Ҳатто, у юксак тараққиёт даражасига кўтарилган бўлса ҳам бундай манба бўлиши мумкин эмас. Чунки миллий маънавият миллат онги, руҳий олами, дунёқарашининг маҳсули сифатида вужудга келади ва ривожланади. Шу ҳақида ҳам миллат ҳақида гап кетганда, энг аввало, унинг «мен»лигини таъминлаб турган омиллар кўз олдимизга келади. Миллатни асрашнинг энг муҳим имкониятларидан бири унинг маънавий «мен»лигини таъминлаб турувчи куч-қудрат, керак бўлса, ўзида замонавийликни бахш этувчи меросини асраш ҳисобланади. Бугун маънавиятимизга салбий таъсирларнинг авж олаётганлигининг сабаблари: санъатнинг барча жанрларида миллий маънавий меросимиздан узоқлашиши: Фарбга тақлиднинг ривожланиши ва ҳозирча бозорбоп деб ҳисобланаётган «фильмлар»нинг яратилишидир.

Албатта, бундай фикр билдиришнинг ўзи етарли эмас, балки нима қилиш керак, ким айбдор, қандай қилсак бу салбий таъсирлардан ҳимояланишимиз мумкин, деган саволларга шу соҳанинг мутахассислари,

санъаткорлар ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда жавоб топишимиз зарур. Бу борадаги бепарволик, масъулиятсизлик, муаммони четлаб ўтишга, кўриб туриб кўрмасликка ҳаракат қилиш миллий маънавиятимизнинг емирилишига ҳисса қўшиш демакдир. Зеро, бугун миллий маънавиятимиз хавфсизлигига худди ана шундай муносабатларнинг мавжудлиги хавф солмоқда.

Миллий маънавиятимизга қарши қаратилган хавф-хатарлар ва таҳдидлар қаторида миллатларимиз орасида пайдо бўлган одам савдоси ҳисобланади. Нега унга биз маънавиятимизга қарши қаратилган таҳдид сифатида қараётимиз? Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки бу ҳолат миллий ахлоқнинг емирилиши, миллатнинг бирлиги, фуқаролар ўртасидаги ўзаро ишончнинг барҳам топиши, натижада жамиятимизда беқарорликнинг юзага келишига олиб келади. Одам савдосининг энг фожиали жиҳати шундаки, ундан моддий манфаатни кўзлаётганлар ўз миллатдошларини, қўни-қўшни, таниш-билишлари, шунингдек, ўзининг энг яқин қариндошларини ҳам арзимаган чойчақага сотиб юбораяптилар. Қуйидаги аниқ маълумотлар одам савдосининг нақадар даҳшатли тус олаётганлигини тасдиқлайди. «... Самарқанд шаҳрида яшовчи Гавҳар Обиддинова Таиланд давлатида бўлган опаси Гулноза Обиддинованинг фоҳишаликка ёллаш ҳақидаги таклифига биноан, Э. Ибрагимов ва Ф. Алиев билан жиноий тил бириктирган. Жиноий гуруҳ олдиндан тузилган режага асосан бир неча қизларни Таиланддаги ресторанда ишга жойлаштиришга ишонтириб, уларни фоҳишалик билан шуғуллантириш мақсадида ушбу давлатга юбормоқчи бўлганларида Тошкент шаҳридаги халқаро аэропортда қўлга олинганлар»¹.

«М. Есимбетов, жами 34 кишини «хорижда гишт заводида ойига 25 минг тенгедан ҳақ тўланадиган иш топиб бераман» деб авраб юртдан олиб чиқиб кетган. Оқибат шу бўлдики, 7 ой давомида қовурғалари қайишган бояқишлар бир тийин ҳам пул олишолмади.

¹ Қодиров Р. Одам савдоси — умумжаҳон миқёсидаги муаммо. // «Халқ сўзи». 2008 йил 17 октябрь.

Бунгача ҳам у 20 нафар қишлоқдошини алдаб олиб келиб, шу кўйга солган эди. Ўз юртдошларини сотган бу виждонсиз уларга нақд 31 миллион 322 минг сўмдан зиёд моддий зарар келтирган»¹. Интернетда тарқатилган хабарларга кўра, ҳар йили дунё бўйича тахминан 2 миллион 700 минг нафар инсон одам савдоси каби ўта оғир жиноятнинг қурбонига айланмоқда². Расмий маълумотларга кўра, 2008 йилнинг 9 ойида республикада 1449 нафар шахс одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан жабрланган, уларнинг 1283 нафарини эркаклар, 166 нафарини аёллар, 28 нафарини вояга етмаганлар ташкил этган. Республикада Бош прокуратураси маълумотларига кўра, мамлакатимиз фуқароларининг фоҳишалик билан шуғуллантириш учун асосан Бирлашган Араб Амирликлари, Қозоғистон, Россия, Таиланд, Туркия, Ҳиндистон, Исроил, Малайзия, Жанубий Корея, Япония ва Коста-Рика давлатларига, мажбурий меҳнат ёки хизмат кўрсатиш учун эса, Қозоғистон ва Россияга олиб чиқиб кетилаётган экан. Яна 2008 йилнинг 9 ойида республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан одам савдоси бўйича 436 та жиноий иши қўзғатилиб, 339 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Уларнинг 203 нафари эркаклар, 136 нафари аёлларни ташкил этган. Масалан, Каттақўрғон шаҳрида яшовчи М. Жўраева, З. Саидова жиноий шериклари билан тил бириктириб, бир неча қизларни алдаш йўли билан Қирғизистон Республикаси орқали Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрига юборганлар. Мазкур шаҳарда уларни Шоҳиста исмли шахс қизларнинг фуқаролик паспортларини олиб қўйиб, ўзларини эса бир йил давомида фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур этган³.

¹ Ўша манба.

² *Болиев А.* Нафс қопқони. — «Халқ сўзи». 2009 йил. 18-февраль.

³ *Қодиров Р.* Одам савдоси — умумжаҳон миқёсидаги муаммо. // «Халқ сўзи». 2008 йил 17 октябрь.

Юқоридагидек мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Улар ҳақида ўйлаганда миллий маънавият, инсонга хос бўлган андиша, аёл иффати каби қадриятларимиз нега бу даражада поймол бўлаётир, деган саволни қўйиб, унга жавоб излаш нақадар мушкул эканлигига амин бўламиз.

Одам савдосининг миллий маънавиятимиз хавфсизлигига нечоғлиқ алоқаси бор, деган саволга ҳеч иккиланмасдан, тўғридан-тўғри алоқаси бор, деб жавоб бериш мумкин. Миллат вакиллари ўз миллатдошларини сотиш йўлига ўтибдими — бу миллатга хиёнат, унинг маънавий қадриятларини барбод қилиш ва охиروқибатда ўз миллатининг ўзгаларга қўшилиб йўқ бўлиб кетишига ҳисса қўшиш, демакдир. Унинг ўрнини ҳеч қандай маблағ билан қайта тиклаб бўлмаслиги миллатни фожиага олиб келувчи даҳшатли йўлдир.

Фикримизча, ҳатто бозор муносабатларига ўтиш даврида юзага келадиган энг оғир иқтисодий қийинчилик шароитида ҳам аёл кишининг ор-номуси, иффатини оёқ ости қилиш ҳисобига ўз моддий шароитини яхшилашга ҳаракат қилаётган «инсонлар» ёхуд ўз хоҳиши билан ана шу йўлни танлаган аёллар ўзлигидан маҳрум бўлган, нафақат ўзининг, шунингдек, ўз оиласи, ота-онаси, ўз яқинларини, ўз миллати, халқи ва Ватани шаънини поймол этган, маънавий қашшоқлашган, манқуртлашган кимсалар ҳисобланади. Улар на қонунга итоат қилишни, на одамлардан уялишни хаёлига ҳам келтирмайдилар. Ахир, маънавий тубанликка мубтало бўлган, инсон қалбининг нозик туйғуларини ҳис этишга қурби етмаган миллат сотқинларининг бировнинг иффатини сотиш ҳисобига моддий бойлик орттириши инсонийликдан маҳрум бўлиш билан баробар эмасми?

Ана шу йўлни танлаган инсонларга бошқача баҳо бериб бўлмайди. Энг ачинарлиси шундаки, бу йўлга кираётганлар сони камайиш ўрнига кўпайиб бораётганлигидир. Бу миллатнинг маънавий қолоқлашувига олиб келаётган ички хавф-хатар ҳисобланади.

Миллий маънавиятимиз тараққиётига қарши қаратилган хавф-хатарлардан яна бири кейинги йилларда фаолияти авж олаётган миссионерлик ҳаракатидир. Аввало, бу тушунчанинг маъносига тўхталиш зарур. Чунки, бу тушунча жаҳон илмий адабиётларида мавжуд бўлиб келган бўлса ҳам ўзбек илмий адабиётларига кейинги 10—15 йил ичида кириб келди. Шундай қилиб, «миссионерлик (миссия сўзидан), табшир, мубашширлик — бирор динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш. Миссионерлик, асосан, христианликка хос. IV асрдан пайдо бўлган. XIII—XVI асрларда христиан миссионерлиги Ҳиндистон, Хитой, Японияга кириб борди. Католик черковида миссионерлик Испания ва Португалия империялари ташкил топгач (XV—XVI асрлар), фаолиятини кучайтирди. Миссионерлик Рим империясига янги ерларни ўз таъсири остига олишга ёрдам берди. Католик миссионерлигига раҳбарлик қилиш учун папа Григорий XV 1662 йилда Диний тарғибот конгрегациясини таъсис этди. Миссионерлик XIX асрда фаоллашди, айниқса, христиан миссионерлари Африкада фаолиятларини кучайтирдилар ва ўз мамлакатларининг сиёсатини ўтказишга ёрдам бердилар»¹.

Демак, миссионерлик аслида, ташқаридан у ёки бу давлатга кириб келади, шу маънода уни ташқи хавф-хатар сифатида қараш мумкин. Аммо бугун ҳаракат сифида у ёки бу динга эътиқод қилувчи вакиллари ўз динларидан воз кечиб, ўз динига эътиқод қилаётганларни ўзлари қатнашаётган динлар, диний оқимлар фаолиятига жалб қилиб, миллий маънавиятларининг ичидан емирилишига қаратилган фаолият олиб бормоқдалар.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиб, демократик кадриятларга асосланган жамият қуришга киришиши билан собиқ шўролар ҳукмронлиги шароитидаги барча чекловларга барҳам берди. Жумладан, ҳар бир инсоннинг виждон эркинлигини қонун билан кафолат-

¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд. — Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. 26-б.

лади. Бундан ўзларининг ғаразли мақсадини амалга оширишни ният қилиб олган ташқи кучларнинг қўллаб-қувватлаши оқибатида Ўзбекистонда ҳам миссионерлик ҳаракати пайдо бўлди. Дастлаб, бу ҳаракат етакчилари мамлакатимизда ҳали қонунчиликдаги тажрибасизликдан фойдаланиб, ҳатто Адлия вазирлигининг рўйхатидан ўтишга эришдилар. Улар янги-янги ибодатхоналар қурдилар ва ўз атрофига маҳаллий аҳолининг эътиқоди паст бўлган инсонларини тўплашга ҳам эришдилар.

Ташкил қилинган ибодатхоналар очикча ишлаган бўлса ҳам, миссионерларнинг ўзлари асосан яширинча иш олиб бориб, маккорона услублардан фойдаландилар. Улар юртимизда тил ўргатиш, компьютер ўргатиш, ҳар хил соҳалар бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш ва бошқа ишлар учун турли-туман ўқув марказлари ташкил этиш ёки бўлмаса, ҳар хил йўналишларда хайрия ишлари билан шуғулланадиган ташкилотлар қиёфасида кириб келишди. Масалан, Ўзбекистон ҳудудида «Global involvement through education» («Таълим орқали глобал ҳамкорлик») нодавлат нотижорат ташкилоти (АҚШ) ҳам инглиз тили, корейс тилини ўргатиш билан бирга лицей ва коллежларда миссионерлик фаолияти билан шуғулланиб келиши аниқланган ва шу боис унинг республика ҳудудидаги фаолиятига чек қўйилди¹.

Миссионерларнинг ўз фаолиятидан кўзлаган асосий ғоя сиёсий бўлиб, ҳокимиятни қўлга киритиш ҳисобланади. Улар ўзларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётган кучларга таяниб, халқимиз қалбини эгаллаш, айниқса, ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, эътиқоди мустаҳкам бўлмаган ёшларни ўзларига тобе қилиш, динлараро низоларни келтириб чиқариш йўли билан мамлакатда беқарорлик вазиятини юзага келтириш ва ҳокимиятни эгаллашга ҳаракат қилишди. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, миссионерлик ҳаракатининг миллий маънавиятимиз та-раққиётига хавфи қуйидагилардан иборат.

¹ Виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний кўмита ҳисоботи. 09/09/2008. [htt: // www.](http://www.)

Биринчидан, маълумки, миллий маънавият, миллий ва диний қадриятлар ўзаро уйғунлашиб ривожланади. Миллий маънавиятни диндан ажратиб бўлмайди. Чунки уларнинг ҳар иккаласи инсон (миллат)нинг ботиний бойлигидир. Уларнинг биронтасига нисбатан эътиқодсизлик маънавий қашшоқликни келтириб чиқаради.

Иккинчидан, ота-боболар ва умуман, аجدодлар эътиқод қилиб келган диндан воз кечиш даражасига етиб келган инсонда на ота-онасига, на оиласига, на ўз Ватанига, на миллатига, на ўз халқига эътиқоди бўлмайди. Бундай эътиқодсизларнинг биттасининг ўзиёқ миллий маънавиятга нисбатан хавф-хатарнинг мавжудлигини билдиради.

Учинчидан, юқорида кўрганимиздек, миссионерларнинг асосий мақсади сиёсий ҳокимиятни қўлга кириштириш ҳисобланади. Бунинг учун улар диний конфессиялар ўртасида низоларни вужудга келтириш, турли динларга эътиқод қилувчиларни бир-бирига қарши қўйиш йўли билан мамлакатда сиёсий беқарорликни вужудга келтиришга бор кучи, маблағларини ишга соладилар, бундай шароитда миллий маънавиятнинг ривожланиши имкониятлари чекланиб боради.

Тўртинчидан, улар ягона динга эътиқод қилувчи миллат вакилларида эътиқоди мустақкам бўлмаган ёхуд уни арзимаган чойчақага сотиб юборадиган инсонларнинг ўзга динга эътиқод қилишига эришиб, миллатнинг ичидан емирилишига қаратилган фаолиятларини олиб борадилар. Бу эса, оқибатда миллатнинг яхлит бирлигига салбий таъсир ўтказади, унинг ичида зиддиятлар келиб чиқишига олиб келади. Бундай шароитда миллий маънавиятнинг ривожланиши ҳам мураккаблашиб бораверади.

Яна, миссионерлик ҳаракатининг миллий маънавиятимиз тараққиётига нисбатан ички таҳдид эканлиги ҳақидаги фикримизга қайтиб, шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, бугун бу ҳаракат сафида миллати-

миз ёшлари, ҳатто, катта ёшдаги кишилар борлигининг ўзи таҳдиднинг мавжудлигини билдиради. Бу таҳдид гарчанд бошида мамлакатимизга дастлаб ташқаридан кириб келган бўлса ҳам, бугунги кунда миллатдошларимизнинг айрим вакиллари қатнашаётганлиги, унинг гоёларини миллатимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида оммавийлаштиришда иштирок қилаётганлиги билан бу таҳдидни «ташқи»дан ички даражасига етиб келганлигини англатади. Ички таҳдид эса ҳар доим «ташқи»га нисбатан ҳам хавфлироқ бўлиб келган. Чунки ташқаридан бўладиган ҳар қандай таҳдид миллатнинг ва бутун халқнинг ўзаро бирлашиб, унга қарши курашиш руҳиятини вужудга келтирган. Ички таҳдид эса миллат ва халқнинг бир-биридан узоқлашуви, бирлигининг ичидан емиришига олиб келган. Шу маънода ҳам халқимизнинг қадрият даражасига кўтарилган: «Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога» мақоли оғоҳликка ундовчи чақириқ даражасида ҳаётимизда амал қилиб келмоқда.

Виждон ва диний эътиқод эркинлигининг қонун билан кафолатланиши, бу ҳали инсонларнинг моддий манфаатдорлик эвазига ўз диний эътиқодидан воз кечиши ва ўз миллатдошларини бунга ундаши учун имконият дегани эмас. Виждон ва диний эътиқод ҳар бир инсон учун олий қадрият ҳисобланади. Уларнинг ҳар иккаласи инсонийликнинг муҳим белгиларидан биридир. Чойчақа учун виждонини сотиш ёки ўз аждодлари эътиқод қилган ва улардан мерос бўлиб келган диндан воз кечиб, бошқа динларга ўтиш, энг аввало, маънавий қашшоқликнинг ёрқин кўринишидир. Аслида, чинакам инсон виждонини ва эътиқодини моддий бойликка алмаштирмайди, балки уларни ўзининг энг катта бойлиги, инсон сифатидаги мақомини англатувчи белгилардан бири деб қарайди. Шу маънода ҳам қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда инсон ҳуқуқлари қанчалик даражада кафолатланмасин, барибир, уларда ёзилмаган инсонийлик, виждонлилик, эъти-

қодлилик, руҳий, ахлоқий ва маънавий жавобгарлик ҳар бир инсон учун муқаддас туйғулардир. Уларсиз инсонни англаб, тушуниб бўлмайди. Бугун миллатимиз вакиллари ичида ана шундай кишилар бор экан, демак, миллий маънавиятимизга нисбатан ички таҳдидлар кучайиб бораётир, дейишга тўла асослар бор. Уларни чеклаш учун миллий бирлигимизни мустаҳкамлаш амалий аҳамиятга эга бўлади.

Миллий маънавиятимиз тараққиётига нисбатан юзага келган хавф-хатарлардан яна бири мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтиши шароитида юзага келаётган табақаланиш ҳисобланади. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, табақаланиш — бозор муносабатлари шаклланиши шароитида юзага келадиган объектив ҳолатдир. Чунки бозор муносабатлари ҳар кимнинг ўз кучи, ақл-идроки, имконияти, тадбиркорлигига таяниб ҳаёт кечиришга мажбурловчи омил ҳисобланади. Бундай шароитда кимда улар кучли бўлса, яхши яшайди, ўзларининг тегишли иқтисодий, ижтимоий ва маънавий имиджига эга бўлаверадилар. Ҳеч кимни сунъий равишда тадбиркор қилиб, катта маблағ бериб бўлмайди, бу ҳаммага аён бўлган ҳақиқатдир. Бозор — бу ялқовлар, укувсизлар, дангасалар, ақл билан ҳаёт кечиришга ҳаракат қилмайдиган инсонлар учун бешафқатдир.

Аммо бозор жамиятда кескин табақалашувга, бойлар ва камбағаллар ўртасидаги масофанинг кескин равишда узоқлашувига олиб келмаслиги лозим. Агар ана шу ҳолат юзага келадиган бўлса, жамиятда беқарорлик юзага келади, одамлар ўртасида меҳр-муҳаббат, самимият, ишонч, ўзаро ҳурмат каби инсоният учун энг азиз бўлган қадриятлар барҳам топади. Бу охир-оқибатда жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий инқирозга юз тутишига олиб келади. Бундай салбий ҳолатнинг олдини олиш борасида Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тамойили асосида изчил сиёсат олиб борилмоқда. Бунинг нати-

жасида маълум даражада жамиятдаги кескин табақаланишнинг олди олинмоқда. Аммо бу жараёни тўлалигича бирорта мамлакат амалга оширишга қодир эмас. У фақат мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти бозорнинг шафқатсиз кучини енгишга бўлган фаолиятнинг ошишига боғлиқдир.

Бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда миллатимиз вакиллариининг айримлари ахлоқ-одоби, юриш-туришида пайдо бўлаётган янги «қадриятлар» миллий маънавиятимизнинг замон талаби даражасида ривожланишига тўсқинлик қиляпти. Жумладан, ўзининг ҳалол меҳнати ва қобилияти билан ҳаёт кечираётган инсонларнинг бозор талаби даражаларидан орқада қолаётганлиги, айниқса, аксарият кўп ҳолларда тўйхона тўрига миллатнинг интеллектларини эмас, балки эгри йўллар билан катта маблағ, мол-мулкка эга бўлган «бойваччалар»ни ўтқазиб тамойилининг амалиётга кўчганлиги миллий маънавиятимизнинг камбағаллашиб боришига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Бугун тўйда ҳам, азада ҳам бозор муносабатлари шароитида шаклланган янги ўзбеклар «элитаси»ни оддий инсонлардан ажратиб, уларни алоҳида хонаю алоҳида дастурхон атрофига ўтқазиб, меҳмон қилиш анъанага айланиб бўлди, дейиш мумкин. Бугун қурилаётган кўркам тўйхоналарнинг ҳаммасида меҳмонни оддий ва элитага ажратишга мўлжалланган ана шундай хоналар мавжуд.

Бу жараёни маънавиятимиз тараққиётининг янги босқичи сифатида қараш керакми ёки азалий ва миллий маънавиятимиз ўзагини тапкил қилувчи ахлоқимизнинг атайлаб қашшоқлашувига қаратилган амалиётми, деган саволларнинг қўйилишига сабаб бўлмоқда. Фикримизча, бундай саволларга ижобий жавоб бериш анча мураккаб масала. Тўй, маърака ва бошқа кўпчилик қатнашадиган ҳар қандай тадбирларда жамият аъзоларининг ана шундай табақаларга ажратиш, охиروقибатда миллий тарқоқликнинг юзага келишига,

инсонлар ўртасидаги самимийлик, ўзаро ишонч каби қадриятларнинг барбод бўлишига олиб келаётган ички таҳдидга айланмоқда. Энг ачинарлиси шуки, бундай ўта хунук ҳолатнинг юзага келишида бутун инсонларнинг бошини қовуштириб туришга масъул бўлган маҳалла султ муносабатда бўлмоқда.

Бугун жамиятимизда комил инсонни тарбиялаш бош стратегик вазифа бўлиб турган шароитда юқоридаги янги «анъана»ларни кўраётган ва унда иштирок этаётган ёшларга комиллик гоёсини сингдириш, у ҳақида гапириш ўз ижобий самарасини бериши шубҳа остида қолмоқда.

Миллий маънавиятимизга оз бўлса-да, салбий таъсир ўтказётган яна бир иллат, бу қариндош-уруғчилик ришталарининг бир қадар заифлашиб бораётганлигида намоён бўлмоқда. Бугун ота-она оламдан ўтгандан кейин ака укани, ука сингилни судга бериши, шу йўл билан ўзининг «ҳақини» ундириши, уларнинг бир-бирларини ҳақорат қилиши ҳоллари учраб қолмоқда. Бу манзарани кўраётган ёши улў боболаримиз ва бувилармиз: «Биз 30 — 40 нафар бўлиб, ота-она, ака, ука ва сингиллар бирга яшаб бир қозондан овқат еган эдик, ўртаимизда меҳр-муҳаббат ниҳоятда кучли эди», — деган фикрларни билдирмоқдалар. Бугун имконият бошқа, ака-укаларнинг алоҳида яшашлари учун шароит мавжуд, аммо мерос, мол-мулк талашиб, бир-бирларини судга бериши ёки ҳақоратлаши реал амал қилаётганлиги кекса авлодимизда хавотир уйғотмоқда. Бунга қуйидаги мисолни келтирамиз. Бир йили рўза ойи эди, автобусда кетаётганимда иккита ёш йигитнинг ўзаро суҳбати менинг ва ёнимда ўтирган ёши улў отахоннинг диққатини ўзига тортди. Улардан бири гап бошлади: кеча амакимникида ифторлик бор эди, эртарақ бориб ёрдамлашдим, ифторлик тугагандан кейин эса йиғиштиришга ёрдам бердим, шу сабабли кеча уйга кеч қайтдим, мобил телефоним уйда қолгани сабабли телефон қилганингни билмай қолдим, деса иккинчиси, мен адам-

нинг укалари ва сингилларини аранг биламан, уларнинг фарзандларини эса умуман танимайман, деб жавоб қайтарди. Ҳалиги ўртоғи «Нега бундай бўлиб қолдинглар?» — деб сўраган эди, у яна: «Чунки бизларнинг улардан биронтасига ҳам ишимиз тушмайди, заруриятимиз ҳам йўқ», — деган жавобни берди.

Бу ўзаро суҳбатдан ёнимда ўтирган отахон ҳанг-манг бўлиб, «тавба, тавба» дея ҳайрат билан менга қаради. Нима деб жавоб қайтаришимни билмасдим, «отахон, улар ҳали ёш, аста-секин билиб олишади», деб жавоб беришдан бошқа иложим қолмаган эди.

Аслида бу совуқ суҳбат ҳалиги ўз қариндош-уруғини билмаган йигитнинг ота, ука ва сингиллари ўртасидаги муносабатларнинг яхши ёки ёмонлигида, деб қараш мумкин. Аммо бундай жавоб билан чеклансак, миллий маънавиятимизда юзага келаётган салбий ҳолатга тўлиқ жавоб бермаган бўламиз.

Ҳа, албатта, қариндош-уруғлар ўртасидаги совуқ муносабатлар фарзандлар руҳиятида ҳам шаклланади. Аммо нега бугун ҳамма нарсани заруриятга боғлаш руҳияти шаклланмоқда?

Фикримизча, йигитчанинг: «Бизларнинг уларга заруриятимиз йўқ», — деган жавоби бозор муносабатлари юзага келтираётган маънавий емирилишнинг кўриниши ва айни пайтда ёшлар ўртасида миллий тарбияни олиб боришда давр талаби даражасидан орқада қолаётганлигининг яққол натижасидир.

Миллий маънавиятимизда содир бўлаётган бу аянчли жараён ҳақида ўйлаганимда, Москва шаҳрининг Политехника музейида 1988 йилнинг октябрь ойида «Миллий тараққиёт ва миллатлараро муносабатлар» мавзусида ўтказилган илмий-назарий конференцияда эшитган бир маъруза эсимга келаверади. Унда Арманистоннинг Ереван университетидан келган бир (исм-шарифлари ҳаёлимдан кўтарилиди) профессор: «Биз арманларда миллий тарбия анча бўшашиб бормоқда, қариндош-уруғчилик муносабатларидаги анъанавийлик ҳам сусаймоқда. Бу

жараён ҳақида фикр юритар эканман, ўзбек дўстларим кўплиги ва уларда меҳмон бўлганимда шунга амин бўлганманки, уларда фарзанд бўла туриб, ота-онани кексалар уйига олиб бориб кўйиш катта фожиа ҳисобланади. Агар ана шундай фарзандлар пайдо бўладиган бўлса, улар яшаб турган маҳалласидан бошқа жойга кўчиб кетишга мажбур бўладилар. Чунки уларни ҳеч ким тўй, маърака ва бошқа тадбирларга таклиф қилмайди, маҳалладошларнинг ўзлари ҳам улар билан борди-келди қилмайди. Шунинг учун бўлса керак, бу миллатда қариндош-уруғчилик қадриятлари ниҳоятда мустаҳкам бўлиб қолмоқда», деган фикрни билдирган эди.

Бу билдирилган фикр ўша пайтда менда миллатнинг бир вакили сифатида гурур ва ифтихор уйғотган бўлса, бугунги реал ҳаётимизда содир бўлаётган салбий жараёнлар маънавиятимиз истиқболи ҳақида ташвишга солмоқда. Зеро, ҳозирда қариндош-уруғчилик, ота-онага муносабатлар масаласида кишилар онгида қандайдир лоқайдлик, оқибатсизлик қарор топиб қолмоқда. Бугун «қариялар уйи» ҳар бир вилоятда ташкил қилинган, уларда тўрт мингга яқин ота-оналар яшамоқдалар. Уларнинг кўпчилигининг фарзандлари бор, аксарият кўпчилиги моддий жиҳатдан ҳам бақувват, аммо маънавияти қашшоқлашган нотавон фарзандлар қарамоғида қолганлар. Бу ҳақда фикр юритганимизда, юқорида келтирилган ёшлар ўртасидаги суҳбатнинг негизига сабаб бўлаётган омилларни излаб топиш ва уларни барча миллатпарвар инсонларнинг фаол иштироки билан бартараф этиш умуммиллий вазифага айланиб бораётганлиги аён бўлади. Ота-оналарнинг фарзандлари бўла туриб, кексалар уйида яшаши ҳам, қариндош-уруғлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, ўзаро самимий муносабатларнинг барбод бўлиши ҳам муқаррар равишда, миллий маънавиятнинг бутунлай барбод бўлишига, миллатнинг «ичкаридан» ва «ташқаридан» эмирилиб боришига олиб келади.

Буни назария жиҳатдан қараганда, мустақиллик шароитида катта имкониятлар туфайли маънавий ҳаётда

юзага келаётган парадокс, дейиш мумкин. Амалий жиҳатдан эса, ўзбекларнинг ҳам «оммавий маънавият» ҳисобига бойиб боришининг бир кўриниши сифатида қараш тўғри бўлади. Чунки асрлар давомида аждодларимиз томонидан шакллантирилган миллий қадриятларимиз зўравон босқинчилик ва шўроларнинг халқимизни қарамликка айлантирган шароитида асрашга бўлган миллий бирлик бугун мустақиллик шарофати ила юзага келган катта имкониятлар шароитида сусайиб бораётганини кўриб турибмиз. Бундай салбий жараёнларнинг юзага келаётганлигини яна бозор билан боғлашимиз керакми ва шу йўл билан масалага осонгина жавоб бериб, қутулишимиз керакми ёки унга чуқурроқ қарашимиз лозимми?..

Фикримизча, уларни бозор билан боғлаш, бозор зиммасига юклаш муаммонинг жавоби эмас. Буни бугун жаҳонда иқтисодий жиҳатдан юксак тараққиётга эришган мамлакатлар тажрибалари нуқтаи назаридан қарасак тўғри бўлади. Ҳа, улар иқтисодий жиҳатдан юксак даражага кўтарилди. Аммо бунинг ҳисобига ота-она, фарзанд, қариндош-уруғчилик каби қадриятлар барҳам топди. «Ўзингни бил, ўзгани қўй» тамойили ҳаёт кечириш мазмунига айланиб, жамият маънавий қашшоқлашуви охириги нуқтагача етиб келмоқда. Уларнинг давлат раҳбарлари, етакчи сиёсатчилари бу жараённи бугун эътироф этмоқдалар ва ундан хавотирга тушмоқдалар. Чунки худди ана шу салбий омиллар жамиятни ичдан емирмоқда, беқарорликни юзага келтирмоқда ва миллий бирликка (халқ бирлигига) раҳна солиш ҳолатлари юзага келмоқда. Иқтисодда қўлга киритилган ютуқлар ва мавжуд моддий бойликларни сарф қилиш йўли билан бу салбий ҳолатни бартараф этиш муаммо бўлиб қолмоқда.

Бундан ташқари, келтирилган салбий ҳолатларни давр билан инсонлар онги, дунёқараши ва менталитетида содир бўлаётган катта ўзгаришлар нуқтаи наза-

ридан қараш ҳам мумкин. «Улар даврнинг «неъмат», инсонларнинг ўзи «кашф» қилаётган омилларми?» — деган саволлар ҳам келиб чиқади. Назаримизда, улар моддий фаровонликнинг маънавиятдан узилиб қолиши билан боғланиб қолган. Хуллас, бу аянчли ҳолатдан бугун сабоқ олган ҳолда миллий маънавиятимизни асрашимиз умуммиллий вазифага айланишини унда кечаётган смирилиш жараёнлари талаб қилмоқда. Чунки миллий маънавиятни асрашдаги умуммиллий ҳаракатимиз билан мамлакатимиздаги сиёсий-ижтимоий барқарорликни, миллатлараро дўстликни, динлараро бағрикенглик ва иқтисодий тараққиётни таъминлашимиз мумкин.

Бугун миллий-маънавий ҳаётимизда содир бўлаётган яна бир салбий ҳолат миллий тўйларимизни ўтказиш билан боғлиқдир. Бугун тўй қилмоқчи бўлганлар (Тошкент шаҳрида) — келин туширувчилар ва ўғил уйлантирувчилар, тўй кунини икки томоннинг қулай вақтига қараб эмас, балки тўйхоналарнинг бўш вақтига қараб белгилашга тўғри келаётганлигини айтишмоқда. Чунки шаҳримизда тўйхоналар қанча кўп бўлишига қарамасдан, биронтасининг бўш куни йўқ. Уларда ҳар куни тўй, меҳмон чақириш, туғилган кун, ҳатто ифторлик ҳам ресторанларда ўтказила бошланди. Албатта, бир томондан, бундан қувонишимиз, хурсанд бўлишимиз лозим. Чунки улар иқтисодий ҳаётимиз аста-секин фаровонлашиб бораётганлигидан далолат берса, иккинчи томондан, миллий маънавиятимиз ҳам замонга мос равишда ривожланиб бораётганлигини кўрсатади. Аммо тўйхонадаги «ҳангомалар»нинг маънавиятимиз саёзлашувига таъсир ўтказаётганлигига бепарво бўлаётганлигимиз ачинарли ҳол бўлиб қолмоқда. Бу — тўйларимиздаги айрим санъаткорларнинг фаолиятлари билан боғлиқ. Жумладан, тўйларга таклиф қилинаётган ёш «эстрадачилар» бу «атокли» санъаткорларнинг тўйга келган меҳмонларни, юшоқ қилиб айтганда, «алдаши» умуммиллий санъатимиз ва маънавиятимиз тенденциясига айланиб бораётганлигида намоён бўлмоқда.

Энг аввало, уларнинг аксарият кўпчилиги микрофон ва овозни кучайтирувчи воситаларсиз кўшиқ куйлай олмаслиги аён бўлмоқда. Кўпчилиги олдиндан дискка ёзиб кўйилган кўшиқларни «куйлайдилар», бундай «сайровчи»ларнинг айримлари эса ўзларининг «кийим»ларию қилиқларини, «катта санъаткор» эканлигини намойиш этишга, қисқа муҳлатда меҳмонларни ўз кўшиқлари билан хушнуд этиш мақсадида эмас, балки тўй эгалари билан келишилган пулдан ташқари меҳмонлардан «ундириш»га астойдил ҳаракат қиладилар. Боз устига, улар ўзларининг хизмат кўрсатган ёки халқ артистлари, ёхуд халқ «севган санъаткор» эканликларидан мағрурланиб кетиб, гўё ўзларини тоғни толқон қилган Фарҳодлардай қилиб кўрсатишдан ҳам қайтмайдилар. Агар ҳақиқатан ҳам, чинакам санъаткор бўлсалар, улар бундай беўхшов қилиқлару манманликдан холи бўлишлари аниқ.

Тўй ҳангомасидаги иккинчи муаммо овоз кучайтиргичлар ҳисобланади. Тўйларда юрадиган кўпчилик «санъаткор»лар ўзларининг табиий овозлари бўлмагандан кейин овоз кучайтиргичлар ёрдамида меҳмонларнинг тезроқ кетишларига «мажбурламоқдалар», дейишимизга тўлиқ асос бор. Бир тўйда ёнимда ўтирган дўстим: «Тезроқ кетайлик, юрагим чатоқ, бўлмаса мана бу овоздан «инфаркт» бўлиб қолишим мумкин», — деган эди. Ўзим ҳам аввал бу суҳбатга безътибор бўлган эканман. Ўтган йили «Халқ сўзи» газетасида Тошкент Тиббиёт академиясининг асаб касалликлари кафедрасининг профессори Мақсуд Асадуллаевнинг «Умр эгови ёки шовқиннинг инсон соғлигига зарари хусусида», техника фанлари номзоди Абдушукур Абдуллаевнинг «Карнайдан отилаётган «найзалар» каби мақолаларини ўқиганимдан кейин ўртоғимнинг юқорида айтган фикри тўғри эканлигини тушуниб етдим. Жумладан, профессор Мақсуд Асадуллаевнинг ёзишича, «шовқин... артериал қон босими хасталигини келтириб чиқаради. Қолаверса, бош мияда қон айланишининг су-

сайишига, юрак-ишемик хасталиги ҳамда стенокардиянинг тезлик билан ривожланишига сабаб бўлувчи асосий омиллардан биридир»¹. Техника фанлари номзоди Абдушукур Абдуллаевнинг ёзишича, «...Баланд товушли мусиқа инсон учун зарарли эканлигини олимлар исботлаган. Чунончи, замонавий мусиқа ишқибози бўлган ёшлардан 20 фоизининг эшитиш қобилияти 85 ёшдаги қариянинг эшитиш қобилиятига тенглашиб қолган»². Мисоллардан кўриниб турибдики, овоз кучайтириш, миллий анъаналаримизга зид бўлган беўхшов хатти-ҳаракатлар нафақат ёшларда миллий характер шаклланишига, шунингдек, умуман инсон саломатлигига ҳам таҳдид солар экан.

Ҳақиқатан ҳам, тўйга ҳар хил инсонлар келади. Уларнинг ҳордиқ чиқариб, мезбоннинг ҳурматини жойига қўйиш учун шароит бўлишини ўйлашимиз керакка ўхшайди. Бу — масаланинг бир томони. Энг асосийси эса, тўйларимизда бўлаётган ана шу «қангомалар» миллий маънавиятимизнинг қашшоқлашиб боришига ўз таъсирини ўтказаётганини сезмаётганимиздадир.

Яна мисолларга мурожаат қиламиз. «Япония миллий ҳисоботи далилларига кўра, мамлакат аҳолисини энг кўп безовта қиладиган ҳолат шовқин экан. Англиялик шифокорларнинг ҳисоб-китобига кўра, эркакларнинг тўртдан бири ва аёлларнинг учдан бир қисми шовқин оқибатида руҳий касалликларга дучор бўлар эканлар. Француз руҳшуносларининг билдиришича, руҳий касалликлар шифохонасида даволанаётган беморларнинг ҳар бештасидан биттаси кучли шовқин таъсирида ақлидан ажралган»³.

Шовқиннинг инсон учун нақадар хавфли эканлигига қарамасдан, бугун тўйларимизда уни баланд дара-

¹ Асадуллаев М. Умр эгови ёки шовқиннинг инсон соғлигига зарари хусусида. // Халқ сўзи. 2008 йил 8 август.

² Ўша манба.

³ Бўтаев Ф. Бефарқликми? Лоқайдликми? Ёки ўзини кўз-кўз қилишми?... // Халқ сўзи. 2011 йил 28 май.

жага кўтарувчи асбоблардан фойдаланиш авж олгандан авж олмоқда. «Тўй базмларида мусиқани шундай баландлаб қўйишадик, ҳатто ўзаро дийдорлашув, мулоқот қилиш учун ҳам имкон бермайди, — дейди пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» маҳалласи оқсоқоли Талъат Шамсиев, — ҳатто, кучли шовқиндан ёнингизда ўтирган кишининг сўзини эшитиш амримаҳол...»¹.

Тўйларда бундай салбий ҳолатларнинг содир бўлаётганлигига икки жиҳатдан қараш мумкин. **Биринчидан**, юқоридаги мақола муаллифи таъкидлаганидек, «ўзини кўз-кўз қилиш», гўё базмни кучли шовқин-суронлар остида ўтказиб, «мана кўришсин, тўй ўтказишга қандай зўр имкониятим бор», деб ҳисобловчиларнинг манманлиги белгиси бўлса, **иккинчидан**, бундай дабдабазликка мойил тўй ўтказувчиларнинг маънавий, интеллектуал ва ахлоқий савиялари қашшоқлашгани билан изоҳлаш мумкин. Шовқин-сурон кўтариб тўй ўтказиш миллий ахлоқимизга ҳам зид эканлигини бундай инсонлар ҳаёлига ҳам келтирмайди. Бу кўнгилсиз ҳолатлар ҳақида ўйлаганимда, ёшлигимизда бўлиб ўтган тўйлардаги санъаткорларнинг санъатию, ўзларини тутиши, халқни ҳурмат қилиш маданияти кўз ўнгимга келади. Жумладан, ўзбек халқининг буюк санъаткори Комилжон Отаниёзов тўйларда бир жойда ўтирмасдан, бутун даврани айланиб қўшиқ қуйлар, микрофондан фойдаланишни ўзига ор деб билар эди. Шу тариқа у нафақат санъаткор, шунингдек, шу даврада қатнашаётган инсонлар қалбидан жой ола олган моҳир тарбиячи ҳам эди. Тарбиячи — дедик. Бу сўзни атайлаб таъкидлаётирмиз. Чунки санъаткорлар айни пайтда тарбиячи бўлиши лозим. Бундай санъаткорлар кўпчиликни ташкил қилган. Улар ҳозир орамизда бўлмаса ҳам, халқимизнинг қалби ва ардоғида сақланиб келмоқда. Бугунги тўйларда қатнашаётган айрим санъаткорларнинг бачкана қилиқлари-ю, тушуниш қийин бўлган қўшиқлари, тўйдаги ҳангомалар ва инсон са-

¹ Уша манба.

ломатлигига зарар келтираётган шовқинлар азалий миллий маънавиятимизнинг қашшоқлашувида ўзимизнинг «азаматларимиз» қатнашаётганлигини кўрсатувчи ёрқин мисол бўла олади. Бугун бу ташвишли ҳолат ҳақида ҳаммамиз биргаликда бош қотирмасак, эртага кеч бўлиши аниқ. Бу — миллий маънавиятимизнинг емирилиши, унинг ўрнини Фарбдан келаётган «оммавий маънавият» эгаллаши хавфи кучаймоқда, демакдир.

Тўйлар битта ёки иккита инсонга тааллуқли эмас, балки улар миллатнинг кўрки, ободлиги, маънавий бойлиги, маънавий салоҳияти ҳисобланади. Чунки тўйлар «воситасида» миллий урф-одат, анъана, қадрият, удум ва маросимлар оммавийлашиб боради ҳамда кейинги авлодларга мерос бўлиб ўтади. Бугун уларни ўтказишда содир бўлаётган юқоридаги «ҳангомалар» миллий маънавиятимизни бойитишга эмас, балки унинг яна ҳам емирилишига ўз таъсирини ўтказиши муқаррардир.

Миллий маънавиятимизга салбий таъсир ўтказётган ички таҳдидлардан яна бири ёшларимиз ўртасидаги кийиниш маданияти билан боғлиқ. Бугун мактаб ва лицейларнинг ўқувчиларидан тортиб, коллеж ва олий ўқув юртларида таълим олаётган қизлардан бир қисмининг кийиниши, юриш-туриши ва ўзаро муносабатларида пайдо бўлаётган «оммавий маънавият» куртаклари ҳақида ҳам бош қотириш зарурияти юзага келмоқда. Тарбия масканига ўз миллатимиз фарзандларининг ярим яланғоч ҳолатда кириб келаётганлигини ва ўзаро муносабатларидаги одобсизликни афсус билан айтишга тўғри келади. Уларнинг қандай кийиниши ва нимани кийишини қандайдир қарор билан тўхтатиш тўғри бўлмас. Лекин унга бефарқ қараш ҳам миллий қадриятимизга бефарқ бўлиш руҳиятининг шаклланишига, уларга «кўникиб» қолишимизга олиб келиши мумкин эканлигини эътибордан қолдириб бўлмайди. Улар бундай кийиниш андозаларини телевидение, Интернет ва бошқа воситалар орқали олмақдалар. Бундай ҳолнинг ривожланаётгани жуда кат-

та муаммога айланмоқда. Эҳтимол, улар оилада амал қилган ўзига яраша муносабатлар билан боғлиқдир. Нима бўлганда ҳам, миллий қадриятларимизга нисбатан хавф улар орқали ҳам юзага келаётганини эсимиздан чиқармаслигимиз лозим. Чунки гап бу ерда нафақат кийиниш маданияти ҳақида, шунингдек, маънавиятимизда юзага келаётган янги манзара ҳақида кетаяпти.

Энг ачинарлиси шуки, бундай кийинишларга айрим ота-оналарнинг ўзлари ҳам ҳисса қўшаётган бўлсалар, улардан айримларининг бу ҳолатнинг олдини олишга кучи етмаётганлиги ҳам бор ҳақиқат. Бугун, бундай ҳолатга эътибор бермайдиган бўлсак, уларнинг миллий қадриятларимизга меҳрини шакллантиришимиз муаммо даражасига кўтарилади. Кийиниш, муомала маданияти инсоннинг ички оламини қандайдир маънода ўзида акс эттиради, характерини, атроф-муҳитга муносабатларини шаклланишида ўз таъсирини ўтказади. Уларнинг онг, дунёқараш ва қалбидан юқоридаги салбий ҳолатларнинг мустаҳкам ўрин эгаллаши эса миллий маънавиятга нисбатан ички таҳдидларнинг кучайиб боришига олиб келади.

Хуллас, миллий маънавиятимизга қарши қаратилган ички таҳдидларнинг оммавий тус олаётганига бугун тараққиёт ўз салбий таъсирини ўтказаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Уларнинг хатарли жиҳати шундаки, миллатдошларимизда уларга нисбатан фақат бепарволик руҳияти шаклланиб бормоқда, қариндош-уруғчилик, турли тўй-маросим, тадбирларда содир бўлаётган «оммавий маънавият» элементларини ўзлаштириб боришга мойиллик ҳам ортиб бормоқда. Бу ҳолга бефарқ қарамаслик, олдини олиш билан боғлиқ бўлган имкониятларни излаб топиш ва улардан самарали фойдаланишимиз, миллий маънавиятимизга қарши юзага келаётган ички таҳдидларни бартараф қилиш долзарб вазифаларга айланиб бораётганлигини англаб етишимиз зарурияти кучаймоқда.

Энг асосийси, миллий маънавиятимизга қарши қаратилган ташқи таҳдидлардан кўра, ички таҳдидлар хав-

фининг олдини олиш **биринчи навбатдаги** вазифага айланиб бораётганлигини англашимиз керак. Чунки миллат маънавий бақувват бўлиши учун, энг аввало, ҳар қандай ички таҳдидлардан холи бўлиш лозим. Улардан холи бўлган миллатда ҳар қандай ташқи таҳдидлар хавфининг олдини олишга бўлган куч-қувват ҳам мустақкам бўлади ва англаб етиш салоҳияти юксалиб боради. Шу жиҳатдан қараганда, бугунги кунда жаҳон миқёсида кечаётган маънавий қашшоқлашувнинг олдини олишда ҳар бир миллатнинг ўз «ичида» юзага келган ва келаётган таҳдидларни англаб етиш умуминсоний вазифага айланмоқда. Ахлоқи, қалби, юраги ва руҳиятини ўз миллий замини асосида, замон талаби даражасида ривожлантира оладиган миллатгина ана шундай хавф-хатарлардан ўзини ҳимоя қилиши мумкин.

Бугунги кунда миллий маънавиятни асрашнинг муҳим омили сифатида аждодлардан қолган маънавий меросни чуқур ўзлаштириш, уларни оммалаштириш, айниқса, ёшлар онги ва дунёқарашларининг таркибий қисмига айлантиришга эришиш зарур, деган қарашлар мавжуд. Улар ҳақиқатан ҳам, миллат маънавиятининг битмас-туганмас манбаи ҳисобланади. Уларнинг ўрнини бошқа биронта омил боса олмайди. Чунки миллат чинор бўлса, унинг илдизи, таянчи, унинг қаддини ушлаб турадиган ва вояга етказадиган, ҳар қандай хавф-хатарлардан огоҳ қиладиган қудратли манба — унинг мероси ва тарихий хотираси ҳисобланади.

Халқ, миллат ўз тарихий хотирасини тиклагани, меросини ўзлаштиргани сари руҳан бақувват бўлади, ундан илҳом олади, маънан бойийди, истиқлолга интилиб яшайди ва унинг фаоллиги табиий равишда ошиб бораверади. Унга нисбатан интилишнинг сусайиши эса миллий маънавиятга ташқаридан ва ичкаридан хавф-хатарнинг кучайиб боришига шарт-шароит ҳамда имконият яратади. Буни англаб етишгина миллий маънавиятни хавф-хатардан асраб қолиш имконини беради.

Тўртинчи қисм

МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ

Миллатнинг «мен»лигини таъминловчи асосий омил унинг ўзига хослигини ифода эттирувчи маънавияти, урф-одат, анъана ва қадриятлари ҳисобланади. Шундай экан, миллатни инсоният гўзаллигининг гултожи сифатида сақлаб қолиш, унинг ўзлигини англашнинг асосий манбаи бўлган кенг маънодаги маънавиятини асраб қолиш, уни умуминсоний тараққиёт жараёнига мос ривожлантириб боришни тақозо қилади.

Аmmo бу жараён силлиқ кечмаслигини миллий тараққиёт тажрибалари тасдиқлаб келмоқда. Бу борадаги асосий муammo шундаки, инсониятнинг интеллектуал салоҳияти ошиб бориши жараёнида, **бир томондан**, унинг миллий ўзлигини англашга, ўз замини асосида ривожланишга, меросини ўзлаштириш ва «мен»лигини ҳимоя қилишга бўлган интилиш кучайиб бораётган бўлса, **иккинчи томондан**, ана шу интилишнинг кучайиб боришига қарши қаратилган хавф-хатар ҳам ошиб бормоқда. Бундан айрим «буюк» миллатлар (мамлакатлар) жаҳонда танҳо ҳукмронликка эга бўлиш йўлида маккорона ҳаракатлар олиб боришда фойдаланмоқдалар. Бу жараёндаги хатарли жиҳат шундаки, «миллат» омили воситасида зиддиятларни ҳам кучайтирмоқдалар. Бундай шароитда миллат омилидан жирканч мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш, миллатлараро тотувликни таъминлашга ижобий таъсир ўтказувчи омилларни излаб топиш, улардан самарали фойдаланиш ва инсониятнинг буюк қадриятларидан бирига айланган

миллатни асраб қолиш умумсайёравий муаммога айлана бормоқда. Бугун юзага келган ана шу муаммони ҳал этмасдан туриб, инсониятнинг ўзини ҳам сақлаб қолиш мумкин эмаслигини пайдо бўлаётган янги муаммолар тасдиқламоқда.

Китобнинг мазкур қисмида миллатни асраб қолишда, глобаллашувнинг авж олаётгани шароитида унга қарши кучайиб бораётган ташқи ва ички хавф-хатарларнинг олдини олиш имкониятлари, омиллари ва улардан самарали фойдаланиш ҳақидаги фикрларимиз ва мулоҳазаларимизни илгари суришга ҳаракат қиламиз.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ ОНГ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Миллатнинг ўзини ўзи турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилиши унинг онги қай даражада ривожланишига боғлиқ. Айниқса, глобаллашув шароитида миллий онгнинг юксак даражада ривожланиши унинг ўзини асраб қолиш омилларидан бирига айланади.

Глобаллашувнинг миллий онг билан боғлиқлиги масаласи таҳлилига киришишдан олдин миллий онг тушунчаси, унинг моҳияти, шаклланиш жараёни ва намоён бўлиш хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, бу тушунча собиқ шўро ҳукмронлиги даврида собиқ Иттифоқ республикаларидаги тадқиқотчилар учун «ёпик» масала эди. Уни фақат собиқ марказдаги тадқиқотчилар унинг манфаатлари йўлида тегишли ташкилотларга маълумотлар бериш нуқтаи назаридан «пинҳона» ўрганганлар. Бундай ўрганилишидан кўзланган асосий мақсад — миллий онг ривожланиб, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини талаб қилиб чиқадиган миллатларнинг танобини тортиб туриш бўлган эди. Шу боисдан мазкур масала ошкора равишда илмий жиҳатдан фундаментал тарзда ўрганилмай келинган. Ҳатто, бу тушунчага таъриф шўро ҳукмронлиги даврида эълон қилинган луғатларда ҳам учрамас эди. Улар объектив ўрга-

нилмаганлиги оқибатида бу соҳада ўта мураккаб муаммолар юзага келиб, собиқ шўро давлатининг ҳалокатга учрашига катта таъсир ўтказиши кўпчилик давлат раҳбарлари учун кутилмаган воқеа бўлган эди. Йиллар давомида собиқ иттифоқдош республикаларда яшаётган миллатларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этиб келинганлиги ва XX асрнинг 80-йиллари ўрталарида бошланган мамлакатни қайта қуриш ва демократлаштириш жараёни зимдан ривожланиб келган миллий онгнинг юзага чиқишига имконият яратди ҳамда миллат ва элатларнинг ўзлигига интилиши кучайиб кетди. Бу ҳолат эса ичидан чириб битган жамиятнинг барбод бўлишини тезлаштириб юборди. Собиқ шўро ҳукмронлигининг барбод бўлиши шуни кўрсатдики, миллий онгни зўравонлик билан фақат вақтинча жиловлаб туриш мумкин экан, лекин ҳеч қачон уни инсон дунёқараши, онги ва қалбидан суғуриб ташлаш мумкин эмас экан. Шу боисдан ҳам миллий онгни фундаментал тарзда ўрганиш фақат шўро ҳукмронлиги барбод бўлганидан кейингина бошланди. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам фақат мустақиллигимизни қўлга киритганимиздан кейин бу масалани ўрганиш имконияти юзага келди.

Бугун Ўзбекистонда «миллий онг» тушунчасига турли қарашлар шаклланди. Ҳар бир муаллиф унинг ўзига хос жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилиб келмоқда. Жумладан, марҳум устозимиз академик Эркин Юсупов миллий онгга қуйидаги таърифни беради: «... Миллий онг оддий ҳис-туйғу эмас, балки муайян ахлоқий, ҳуқуқий, илмий, мафкуравий қадриятларга асосланган эътиқоддир»¹. Яна бир марҳум устоз академик Жондор Тулановнинг фикрича, «миллий онг — бу миллий маданиятнинг таркибий қисми, миллий маданият чўққисидир. Миллий онг миллий маданиятнинг миллий манфаати билан, миллат ис-

¹ Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. — Т.: «Университет», 1998. 165-б.

тиқболи билан, тараққиёт билан боглиқ бўлган муаммоларнинг инсон онгидаги ифодасидир»¹. Психолог олима Зухра Абдурахмонованинг фикрича эса, «...миллий онг тарихимиз ва тақдиримиз бирлигини, бир ота-онанинг фарзанди эканимизни англашдир»².

Фалсафа фанлари доктори М. Хажиева онгнинг турли шакллари таҳлил қилиб, миллий онгга қуйидагича таъриф беради: «...Миллий онг у ёки бу миллатнинг ўз тарихи ва ўзлигини англаши, олдига қўйган мақсад, манфаатларини, ўзга миллатлар билан бўладиган мулоқотларда, уларнинг манфаатлари мавжудлигини англаш даражаларини, ўз тараққиёти йўлида муаммоларини тушуниб етиши, уларни бартараф этишда қарашлар ва фикрлар яқинлигини ифодалашини тушунадилар»³.

Хуллас, миллий онг тушунчасига турли қарашлар мавжуд. Улардаги энг муҳим жиҳат шундаки, барча муаммолар унга миллий тараққиётнинг муҳим омили сифатида қарайдилар. Зеро, эътиқод (Э. Юсупов) бўлмаса, миллат тараққий қила олмайди, айна пайтда у миллат маънавиятининг таркибий қисми сифатида (Ж. Туланов) юксак даражада ривожлансагина, у миллатни тараққиётга етаклайди, шу билан бирга у миллат вакиллариининг ягона тарих, тақдир бирлигини, бир ота-онанинг фарзанди (З. Абдурахмонова) эканлигини англаш ҳам миллат истиқболи учун амалий аҳамиятга эгадир. Ва ниҳоят мақсад, манфаатлар мавжудлигини англаш, муаммоларни тушуниб етиш ва уларни бартараф этишдаги қарашлар ва фикрлар ягоналигини (Хажиева М.) тушуниш ҳам миллат тараққиёти учун амалий аҳамиятга моликдир.

¹ Туланов Ж. Қадриятлар фалсафаси. — Т.: «Ўзбекистон», 1998. 62-б.

² Абдурахмонова З. Миллий birlik туйғусининг ижтимоий-психологик хусусиятлари. — Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010. 16-б.

³ Хажиева М. Онгда толерантлик ривожланишининг негизлари. — Т.: «Fan va texnologiya», 2010. 18-б.

Юқорида келтирилган фикрларда миллий онгнинг у ёки бу қирралари ўз ифодасини топган. Шу билан бирга бу мураккаб омилнинг моҳияти ва мазмунини фундаментал тарзда ўрганишга эҳтиёж ошиб бормоқда.

Ҳақиқатан ҳам, миллий онг мураккаб тушунча бўлиб, унга миллат омилининг барча қирраларини киритиш мумкин. Миллий онг — миллатнинг мавжуд бўлиши, унинг тарихий тараққиёти ва истиқболи билан боғлиқ. У миллат шаклланиши, тараққий этиши ва барқарорлигини таъминлайди. Миллий онг миллатнинг ўзи билан шаклланиб келади. Унинг бошқалардан фарқ қилувчи, фақат ўзигагина алоқадор манфаатлари ва мақсадларининг шаклланишигина унинг юзага келишига «мажбур» этади. Шунинг учун ҳам миллий онг, миллат билан муганосиб равишда узоқ тарихий даврда унинг турмуш тарзи, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва кенг маънавий-маърифий салоҳияти таъсири натижасида шаклланиб келади. Шу маънода ҳам миллий онг миллат тарихи, тақдири ва истиқболи билан боғлиқ бўлган, миллат манфаатлари ва муаммоларини ифодаловчи, миллат вакиллари фаолиятига йўналишлар берувчи ғоя ва фикрлар тизими, дейиш мумкин. Миллий онгга таъриф берганда миллатнинг онг салоҳиятига устуворлик бериш билан бирга, унинг фаоллик кўрсата билиш даражаларини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Яъни, миллатда унинг манфаат ва мақсадларини ифода этувчи онг бўлса-ю, аммо уни амалга оширишга ҳаракат қилинмаса, миллатнинг онглилиги ўз ифодасини топа олмайди. Шу маънода, миллий онг ҳар бир миллат манфаат ва мақсадларини амалга ошириш борасида фаоллик кўрсатиш даражаси ҳам ҳисобланади. Миллий онг миллий манфаатларни акс эттирувчи омил сифатида миллатнинг моддий ва маънавий бойликларини ишлаб чиқариш, ўзга миллатлар билан ўзаро муносабатлар жараёнида шаклланиб боради. Ана шу жараёнда ҳар бир миллатга хос бўлган хусусият, урф-одат, анъана ва қадриятлар шакллана-

ди. Улар миллатни бошқа миллатлардан фарқ қилдириб, миллий манфаатлар ва мақсадларни юзага келтирувчи етакчи омилга айланади. Шунинг учун ҳам миллатнинг барча тарихий даврлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий камолоти миллий онгда ўз ифодасини топади. Агар миллий онг бўлмаса, нафақат миллий урф-одат, анъана ва қадриятлар, балки миллатнинг ўзи ҳам реал субъект, ижтимоий, этник институт сифатида мавжуд бўла олмайди. Миллий онг ва унинг ривожланишигина оломоннинг миллат даражасига кўтарилишини таъминлайдиган асосий омил ҳисобланади. Чунки етук миллий онг заминдагина миллий бирлик вужудга келади. Шундагина миллат яхлит уюшган куч сифатида тарих майдонига чиқиши мумкин. Миллий онг миллий манфаат ва мақсадларни юзага келтиради. Ана шулар заминда миллат истиқболи учун хатарли бўлган миллий тарқоқлик, уруғ-аймогчилик, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик каби салбий иллатлар барҳам топади. Миллий онгнинг ривожланиши давлатнинг барқарор тараққий қилишини таъминлайдиган омиллардан бири ҳисобланади. Чунки онги ривожланган миллат шовинизм, миллатчилик, ўзи билан ёнма-ён яшайдиган миллат ва элат вакилларига нисбатан менсимаслик ёхуд ёвузлик, зўравонлик, жоҳиллик каби иллатлар ва мажруҳ руҳиятдан холи бўлади. У ўз манфаатлари ва мақсадларини ўзгалар манфаатларига ҳеч қачон қарама-қарши қўймайди, балки ўзга миллат вакилларини ўз атрофига бирлаштиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам миллий онгни ривожлантириш демократик давлатда етакчи ўринни эгаллайди.

Миллий онгнинг ривожланишида мавжуд ижтимоий тузум, миллатнинг ички маънавий-маърифий салоҳияти ва унинг фаоллиги муҳим аҳамиятга эга. Миллат ўзининг шаклланиш жараёнида ўз яхлитлиги ва ўзига хос бўлган барча омилларни ҳам ривожлантириб боради. Ўз ўрнида, ана шу омиллар ҳам миллий онг та-

раққиётига ўз таъсирини ўтказди. Яъни ҳар бир миллат миллий онг ривожланишида ўз салоҳиятини яратди. Яна ҳам аниқроғи, миллий онг ривожланишида «таъсир» ва «акс таъсир» жараёни амал қилади. Мана шу жараён миллат абадийлигини таъминлайди. Афсуски, миллий ривожланишнинг, бошқа муаммолари қатори унинг абадийлигини таъминлайдиган ана шу жараёнлар нафақат Ўзбекистонда, балки бугунги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ҳам чуқур ўрганилмаган. Собиқ тоталитар шўролар мустабид тузуми парчалангандан кейинги ўтган давр ва миллий тараққиётнинг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, миллий онг, менталитет, руҳият ҳар бир инсон онгли ҳаётининг маҳсули сифатида абадий саналади. У олам ва инсон гўзаллигининг ажралмас бўлагидир. Ана шу маънода миллий онг шаклланишида кенг маънодаги маънавий-маърифий салоҳиятнинг ўрни ва аҳамияти ошиб бораверади. Миллий онг ривожланишининг маънавий асосларини миллий тил, мерос, тарихий хотира, урф-одат, анъана, қадриятлар, миллий таълим-тарбия тизими кабилар ташкил қилади. Мана шу омиллардан миллат маънавий озуқа олади, улар орқали инсон ва миллат ўз-ўзини англайди.

Миллий онгнинг ривожланиш жараёнлари ҳақида тўла тасаввурга эга бўлишимиз учун: а) у нималар таъсирида шаклланади ва ривожланади; б) нималарга таъсир ўтказди, деган саволларга жавоб топишимиз лозим бўлади. Уларга қайсидир даражада жавоб топилсак, миллий онгнинг бугун глобаллашув жараёнидаги ривожланиши ёхуд инқирозга юз тутиш сабаблари ва уларнинг, ҳеч бўлмаганда, олдини олиш имкониятларини илғаб олишимиз мумкин бўлади. Шундай қилиб, биринчи саволга жавоб беришга ҳаракат қилсак. Бу саволга жавобни миллатга қуйида берилаётган таърифдан излашдан бошласак тўғри бўлади:

Миллат деганда, кишиларнинг ягона тил, миллий ўзликни англаш руҳияти, маънавият (кенг маънодаги), урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ягоналиги асоси-

да маълум ҳудудда яшовчи, ўз давлатига эга бўлган, иқтисодий алоқалар билан боғланган мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи ҳамда яратувчи кишиларнинг этник бирлиги тушунилади. Бу ерда шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, «миллат» тушунчасига турли муаллифлар ўз қарашларидан келиб чиққан ҳолда турлича таъриф бериб келмоқдалар. Улар ҳақида илгари эълон қилинган асарларимизда кенг фикр юритганимизни ҳисобга олиб, бу ерда миллий онг шаклланишига таъсир ўтказувчи омиллар ҳақида фикр юритсак. Бунда ўзимиз томондан миллатга берилган таърифдан келиб чиқамиз.

Шундай қилиб, таърифда биринчи бўлиб кишиларнинг ягона тилга эга бўлиши асос қилиб олинган. Агар тил масаласининг шаклланиш негизларига эътибор берадиган бўлсак, шу нарса аён бўладики, тилнинг пайдо бўлиши инсонларнинг ўзаро мулоқотга кириши асосида ҳаёт кечириш учун зарур бўлган эҳтиёжлари билан боғлиқ, шу маънода, аввал тил пайдо бўлган ва у миллат шаклланишининг омилига айланган. Дастлаб, маълум ҳудудда яшовчи инсонларнинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак, тураржой, ўзларини турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш каби эҳтиёжларга рўбарў келишган. Бунинг учун бир-бирларини тушунишда восита сифатида тил вужудга келган. Бора-бора бир ҳудудда яшаётган инсонлар ўртасидаги ўзаро мулоқотлар орқали тил ҳам ривожланган ва айни пайтда уларни ўзаро яқинлаштириб борган. Шу тариқа тил инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишида муҳим омилга айланган ва ўзи ҳам тобора такомиллашиб борган. Бу узоқ тарихий тараққиёт босқичида тил воситасида инсонлар ўртасида маънавий ва руҳий яқинлашув жараёни кечган. Ана шу жараён таъсирида миллатга хос бўлган бошқа белгилар шаклланган.

Хуллас, айтиш мумкинки, тил миллат шаклланишига энг кучли таъсир ўтказган омилдир. Чунки тил

воситасида бир ҳудудда яшовчи инсонлар ўзларининг турмуш тарзи, ҳаёт кечириш анъаналари, урф-одат ва қадриятларини шакллантириб борганлар. Тил инсоннинг ўзлигини англатишда энг асосий восита, миллат эса ўша бир тилда сўзлашувчи кишилар уюшмасидан иборат бўлган моддий борлиқ экан, унинг ривожланиши натижасида, энг аввало, уруғ, қабила, элатдан иборат дастлабки уюшма шаклланади ва унинг зами-нида эса миллат шаклланади.

Тил инсонни атроф-муҳит билан боғлайди. Уни олам сирларини билиш, ўз онгидан ўтказиш ва бундан ўз манфаати йўлида фойдаланиш имкониятини беради. У орқали инсоннинг онги ўсади, ўзгалар билан мулоқотга киришади, мулоқот эса ўзаро маънавий ва маърифий жиҳатдан бойишнинг муҳим омили ҳисобланади. Инсонга атроф-муҳитни кўриш, воқеа-ҳодисаларни эшитишда кўз, қулоқ қанчалик муҳим бўлса, тил уларни «моддийликка айлантириш»да шу даражада муҳим аҳамиятга эга бўлади. Профессор Қ.Х. Хоназаров таъкидлаганидек: «Биз оламни тилдан узиб фараз қила олмаймиз. Биз билган олам тилимиз орқали ифодаланган оламдан иборат. Тил орқали ўз ифодасини топган олам фазода ва вақтда чексиз. Унинг инсон томонидан ўрганилмаган номаълум қисмлари ҳам тилда қамраб олинган, унинг аниқ номи бор, бу — «ҳозирча ўрганилмаган ҳодиса ва жараёнлар мажмуи». Бундай таъриф бизни онгимизни билишга сафарбар қилади, тафаккуримизни меҳнатга чорлайди, хаёлимизга туртки ва урғу бериб, билиш жараёнига диққатимизни жалб этади»¹.

Хуллас, тилсиз инсониятни тасаввур этиб бўлмайди. Инсоният бугунги цивилизация тараққиётига ҳам тил орқали эришди, ўз истиқболи учун ўта мураккаб муаммоларни ҳал этишда ҳам унинг имкониятларидан фойдаланмоқда.

¹ Хоназаров Қ. Глобаллашув ва тил фалсафаси. — Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. 13-б.

Тил инсон ҳаётида, тараққиётида қандай ўрин эгаллаган бўлса, у миллат шаклланиши, ривожланиши ва такомиллашувида ҳам шу даражада аҳамиятга эга бўлади. Ўз миллий тилига эга бўлмаган миллат тўлақонли миллат даражасига кўтарила олмайди. Чунки тил миллий бирликни вужудга келтиради, бир тилда мулоқотда бўладиган инсонларни руҳан ва маънан яқинлаштиради. Улар ўртасида миллий манфаатлар умумийлигини оммалаштиради. Шу маънода ҳам миллат руҳияти ва қалбини чинакам билиш учун унинг тилини билиш катта аҳамиятга эга бўлади.

Тилнинг турли-туманлиги миллатларнинг ўзига хослигини ифода эттиради. Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлашимиз лозимки, миллатнинг барбод бўлиши, яъни унинг ўзга миллатларга ассимиляциялашиб (қўшилиб) кетишига олиб келадиган омиллардан бири тилнинг барбод бўлишидан бошланади. Чунки аждодлар мероси, уларнинг ҳаётий тажрибаси, руҳияти ва менталитети тил орқали аждодлардан авлодларга ўтиб боради ва уларнинг онгида ўз ифодасини топади.

Тил билан миллий ўзликни англаш омили ҳам ўзаро уйғун тарзда ривожланади. Шунинг учун ҳам миллатга берилган таърифимизда у билан уйғун тарзда берилган. Шуниси характерлики, собиқ шўро ҳукмронлиги шароитида илмий адабиётларда миллатга берилган барча таърифларда иккита омил, яъни миллий ўзликни англаш ва миллий давлатига эга бўлиш унинг тизимида киритилмаган. Ушбу сатрлар муаллифи собиқ Иттифоқ ФАнинг фалсафа институти докторантурасида тадқиқотлар олиб борганида (1988—1990 йиллар), миллий ўзликни англашни миллатнинг муҳим белгиси сифатида киритиш ёки киритмаслик масаласи олимлар орасида катта мунозараларга сабаб бўлганининг гувоҳи бўлган эди, ва бу мунозарада баҳоли қудрат қатнашиб, ўша даврда мавжуд бўлган қарашларни докторлик диссертациясида таҳлил қилиб, уни миллатнинг муҳим белгиси сифатида асослашга ҳамда унинг миллат ҳаётидаги ўрни ҳақида

Ўз фикрларини билдиришга ҳаракат қилган эди. Устозим, докторлик диссертациям бўйича илмий маслаҳатчим профессор Аскольд Иванович Доронченков чуқур мулоҳазали ва илмда ниҳоятда демократ инсон эди. Улар: «Фалсафа институтида бу масала жиддий мунозарали бўлиб турган пайтда, агар ўз фикрингни асослаб беришдан ҳайиқмасанг, мен қарши эмасман», — деган фикрни бердилар. Уларнинг қўллаб-қувватлаши натижасида диссертацияда миллатга берилган таърифга «миллий ўзликни англаш»ни унинг муҳим белгиси сифатида киритишга муваффақ бўлинди ва шу тариқа миллат билан боғлиқ масалаларни ўрганишда у собиқ Марказ тадқиқотчилари ўртасида оммалашиб кетган эди. Албатта, уни таърифимизга киритишимизга ва оммавий тарзда ўрганишда зўравон шўро ҳукмронлиги шароитида зимдан «пишиб» етилиб келган, ўша пайтда собиқ Иттифоқда бошланган «қайта қуриш» натижасида миллатлараро зиддиятларнинг «портлаб» юзага чиқиши ҳам сабаб бўлган эди. Ўша даврда миллатга берган таърифимизда унинг муҳим белгиси сифатида «миллий давлатга эга бўлиши»ни киритиш имконияти йўқ эди.

Хўш, нима учун миллий ўзликни англаш миллатнинг муҳим белгиси ва у собиқ шўро ҳукмронлиги шароитида илмий адабиётларда берилган таърифларга киритилмаган.

Биринчидан, олимлар ва мутахассислар собиқ тузумга хизмат қилишар, унда белгилаб қўйилган вазифалар ва кўрсатмалар доирасидан чиқишнинг имконияти йўқ эди. Улар амалдаги сиёсатчилар буюртмасини бажаришга мажбур бўлишган. **Иккинчидан**, баъзи тадқиқотчилар миллий ўзликни англаш миллатнинг муҳим белгиси эканлигини билсалар-да, уни олиб чиқиш ва эътироф этиш миллий ҳаракатларга таъсир ўтказиши мумкин, деган фикрлардан ҳам ҳайиққан эдилар. **Учинчидан**, «миллат» масаласини ўрганиш, унга бағишланган илмий асарлар яратиш ва эълон қилишни фақат собиқ Марказдаги олимларгина амалга оши-

риши мумкин эди. Уларнинг айримлари (ҳаммаси эмас) миллатлар тараққиётида истиқболда салбий жараёнлар юзага келишини билсалар-да, билмагандай истиқболда, албатта, собиқ Иттифоққа кирган барча миллатлар ўзаро яқинлашиб, охир-оқибатда ўзаро қўшилиб кетдилар, ягона совет миллатини вужудга келтирадилар, деган фикрда эдилар. Айримлари эса ягона совет (коммунистик) миллати юзага келишига қаттиқ ишонар эдилар ва уни «тезлаштиришнинг» йўллари, имкониятлари ва воситаларидан самарали фойдаланиш ҳақида тинмай янги «назариялар»ни илгари суришган. **Тўртинчидан**, собиқ иттифоқдош республикалардан Болтиқбўйи республикалари, Грузия ва Арманистон каби республикалардаги олимлар ҳар доим миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш борасида муаммолар мавжудлигини, уларни ҳал қилиш зарурияти ҳақида мақолалар эълон қилишар, собиқ Марказда ўтказилган илмий конференцияларда қилган маърузаларида ҳам бу масалага урғу бериб турар эдилар. Қолган бошқа иттифоқдош республикалардаги олимлар эса, шу жумладан Ўзбекистонлик олимлар ҳам XX аср ғояларидан келиб чиққан ҳолда миллий масалага бағишланган илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар (уларнинг фикрлари ҳақида Сарвар Отамуратов билан ҳамкорликда эълон қилган китобимизда келтирганмиз)¹. Жумладан, китобнинг тегишли қисмида таъкидланганидек, дастлаб илмий тадқиқотларда миллий маданиятларнинг байналмилаллашувига етакчи жараён сифатида қараган ҳолда истиқболда коммунистик маданият шаклланади, деган ғояга устуворлик билан қараган эдик. Албатта, бу масалага муносабат билдиришда собиқ Марказ курсатмасидан чиқиб кетиш мумкин эмас эди. Боз устига, уни объектив ўрганишнинг имконияти ҳам етарли эмас эди. Чунки бу даврда иж-

¹ Қаранг: *Садулла Отамуратов, Сарвар Отамуратов. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш*. — Т.: «Янги аср ашлуди», 2003. 186—187-б.

тимоий-фалсафий соҳадаги қарашлар сиёсат «қолипи»га солинган ва унга бўйсундирилган эди. Ундан чиқиш эса амалдаги сиёсатда тақиқланган эди.

Энди ўзбекистонлик олимлар ва тадқиқотчиларнинг миллат тараққиёти масаласидаги юқоридаги қарашларига қайтадиган бўлсак, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, **бир томондан**, улар миллатимиз вакилларидан етишиб чиққан миллатпарвар инсонларнинг 20-йиллардан то 40-йилларгача собиқ шўро зўравонлари томонидан «миллатчилик»да айбланиб, жисмонан йўқ қилиб юборилганини билишар эди. Ана шу «аччиқ» тажриба такрорланишидан хавотирга тушган бўлсалар, **иккинчи томондан**, юқорида таъкидлаганимиздек, миллатлараро муаммоли масалаларни ўрганиш собиқ марказдаги олимларга тегишли деб ҳисобланар эди. Улар барча номзодлик, докторлик диссертациялари мавзуларини тавсия этар ва тасдиқлаб, мавзудаги илмий тадқиқотлар ва илмий-назарий конференция йўналишларини ҳам белгилаб берар эдилар. Бундан кўзланган асосий мақсад собиқ иттифоқдош республикалардаги олимларнинг ўз миллати миллий онги ва ўзлигини англашининг ривожланиб кетишига йўл қўймаслик эди. Аммо юқоридаги қарашлар, муносабатлар ва собиқ Марказнинг миллатларни қўшиб юборишга қаратилган амалий сиёсати миллий онг ва миллий ўзликни англаш жараёнларининг ўсиб боришини бир дақиқа ҳам тўхтатиб туролмади, балки улар зимдан ривожланиб, мустаҳкамланиб, катта кучга айланишда давом этаверди. Бу ҳол собиқ тузумнинг барбод бўлиш жараёнини зимдан тезлаштириб борганлиги амалда ўтган асрнинг 90-йилларига келиб ўз исботини топди. Аччиқ ҳақиқат шуни кўрсатдики, **миллий тараққиётга зўравонлик амал қилинса ёки миллат жисмонан йўқ қилиб юборилишига бориб етилса ҳам, унинг ичидан янгилари етишиб чиқар экан.** Улар ҳар бир миллат вакилининг ўзлигини сақлаб қолишда зимдан бўлса-да, ўз имконияти доирасида ҳаракат қилиб келар экан. Шу тариқа

миллий онгни дунёқарашдан бутунлай ажратиш мумкин эмас. Онг қай даражада сақланар экан, миллий ўзликни англашни катта куч билан саёзлаштириш мумкин, аммо уни миллат онгидан бутунлай йўқ қилиб бўлмаслиги ҳам бугун тасдиқланмоқда. Бунинг сабаби — миллатни инсонлар шакллантирар экан, унинг онги ва қалбида аждодлар руҳияти сақланиб қолади, у онадан туғилиб дунёга келганидан бошлаб, уни дастлаб она сути, ота генлари ва руҳиятидан олади. Улар инсоннинг онги ва руҳиятида муҳрланиб қолади, тарбия жараёнида тобора такомиллашиб бораверади. Шунинг учун ҳам миллий онгда ташқи таъсирлар оқибатида бўладиган ўзгаришлар ва улар ҳисобига маънавий «бойиб» бориш, миллатни батамом барбод қила олмайди. У маълум бир «пик» (кульминацион) даражасига етганидан кейин, миллат фарзанди дунёга келганидан она сути, ота генлари ва руҳиятидан унга кўчиб ўтган миллий руҳият уни яна ўзига қайтишга «мажбур» этади. Инсонга Аллоҳ томонидан инъом этилган ана шу куч-қудрат ўзга миллий маънавият қанчалик гўзал ва бой, ҳатто ўта ёқимли, мафтункор бўлмасин, унинг ўзга миллатларнинг қабул қилиш чегаралари албатта мавжуд. Ана шу чегарага етиб келганидан кейин уни қабул қилаётганларда, ундан бешиш, зерикиш, ҳатто нафратланиш руҳияти ҳам юзага келади. Худди ана шу вазият вужудга келганида ўзгалар ҳисобига маънавий «бойиб» бораётган миллат вакиллари яна ўз заминларига эҳтиёж сезиб борадилар. Унда ўз заминларидан зерикиш, бешиш ёки ундан нафратланишдек туйғулари ҳеч қачон табиий равишда юзага келмайди, балки улар ташқи субъектив кучлар таъсиридагина маълум даражада саёзлаштирилиши мумкин. Аммо ташқаридан қабул қилиб олган маънавий бойликлари ҳеч қачон миллат учун ўзини сақлаб қолиш омилига айлана олмайди. Миллий заминлар ҳар доим миллий ўзликни англашда битмас-туганмас манба, ўзини ҳимоя қилишнинг муҳим омили сифатида амал қилиб келади.

Ана шу фикрлардан келиб чиққан ҳолда, миллий ўзликни англашни миллатнинг муҳим омилларидан бири сифатида унга берилган таърифга киритганмиз.

Миллатга берилган таърифимизда, «маънавият миллатнинг ботиний салоҳиятини ташкил қилади», деган фикрни илгари сурганмиз. **Ботиний салоҳият кенг камровли тушунча бўлиб, у миллатнинг онги ва дунёқараши, қалби, гўзалликни яратиши, ундан завқланиш маҳорати, менталитети, ҳаёти, ҳаракатлари, ўзлигини сақлаб қолиши, ҳимоя қилиши, ўзга миллат ва элатларга бўладиган муносабатларда ўз ифодасини топади.** Миллий маънавият ҳар бир миллатнинг ўзига хос урф-одат, анъана ва қадриятлари орқали ёрқин намоён бўлади. Миллатнинг ўзига хос ички руҳий олами, ташқи «қиёфаси» ўзгалардан фарқланиб турадиган жиҳатлари намоён бўлади. Ана шу жиҳатлари билан миллатлар гўзал ва мафтункорликни ифода эттирадилар.

Миллат тулақонли миллат даражасига кўтарилиши учун унинг ўзига хос маънавияти бўлиши кераклигидир. Чунки у ўзлигини ўз маънавияти орқали ифода эттиради. Миллат маънавиятни ўз фаолияти билан шакллантиради ва ривожлантиради. Шу жиҳатдан маънавият миллатнинг муҳим белгиларидан бири сифатида нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир.

Миллатга берган таърифимизда урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ягоналигини ҳам киритганмиз. Албатта, улар жуда кўп олимларимиз, устозларимиз томонидан миллатнинг муҳим белгиси эканлиги илмий асослаб берилган. Уларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, бугун бу масаладаги асосий муаммо глобаллашув жараёнида кечадиган жараёнларнинг истиқболлини аниқлашга қаратилган янги ғояларни ишлаб чиқиш эҳтиёжларига боғлиқдир. Улар қайси даражада истиқболда миллатнинг реал моддий борлиқ сифатида сақланиб қолишида муҳим белги сифатида қолиши ёки қолмаслиги илмий асосланишни талаб қилади. Чунки урф-одат, анъана ва қадриятлар ўзгармас омиллар эмас, улар ҳам ўзгариб боради. Глобаллашув жара-

ёнида улардаги ўзгаришлар сезиларли даражада тезлашади. Унга қандай қаршилик кўрсатиш тизими вужудга келтирилишидан қатъи назар, бугун аждодлар давридаги урф-одат, анъана ва қадриятларни айнан ўз даврида амал қилгани каби, қайта тиклашнинг ҳеч қандай имконияти йўқ. Уларни фақат бугунги тез ўзгараётган замонга мос равишда тиклашимиз мумкин бўлади. Аммо бу жараёндаги самара ҳам яна бориб миллатнинг нимага нисбатан мойиллигига боғлиқ бўлиб қолади. Агар унда ўзгараётган замонга мос равишда унинг оқимига мослашувга мойиллик кучли бўлса, урф-одат, анъана ва қадриятлардаги ўзгарувчанлик жараёнлари ҳам ана шу оқимга мослашиб боради. Агар миллатда бугун кечаётган жараёнларга ва ўзгаришларга нисбатан консервативлик руҳияти кучли бўлса, урф-одат, анъана ва қадриятлардаги ўзгаришлар ҳам унга мос равишда кечади ҳамда уларда заминларга таяниш асосида тараққий қилиш, миллийликка хос бўлган жиҳатлар устувор даражада бўлиб, ўзгарувчан замондаги оқим таъсиридан маълум маънода ва қисман ҳимояланиши ҳамда ўз миллий ўзанида ривожланиши мумкин. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам миллий урф-одат, анъана ва қадриятлар миллатнинг муҳим белгиси сифатида батамом йўқ бўлиб кетмайди, балки такомиллашиб боради. Уларнинг барбод бўлиши эса миллатнинг ҳам барбод бўлишини англади.

Миллатнинг муҳим белгиларидан яна бири — бу маълум ҳудудга эга бўлишдир. Ҳудуд шундай маконки, у миллат аждодлари яшаган, ўзига хос урф-одат, анъана ва қадриятларни шакллантирган, турли моддий ва маънавий бойликларни авлодларга мерос қилиб қолдирган заминдир. Ҳудудда миллат даражасигача бўлган барча уруғ, қабила, элат каби уюшмаларнинг ўзига хос босқичлари ва кўринишлари шаклланади ҳамда уларнинг такомиллашув жараёнлари кечади. Миллат ана шу уюшмалар заминида шаклланади. У ҳеч қачон турли ҳудудларда тарқоқ ҳолда яшаб, миллат

сифатида шакланмайди. Худуднинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда аждодлар нафақат ўзларидан моддий ва маънавий мерос қолдирган, шу билан бирга уларнинг ўзлари ҳам ана шу заминда ором топган бўлади. Худуд ана шу жиҳати орқали миллатни руҳан ва маънан ўзига тортиб туради. Шу билан бирга маълум худудда миллат ўзлигини намоён эта олади, у аждодлар қолдирган худуддан ташқарида ҳеч қачон ўз «мен»лигига эриша олмайди. Ўзга худудларда миллат эмас, унинг вакиллари сифатида, мамлакат фуқаролари ва ягона халқнинг таркибий қисми сифатида яшашлари мумкин. Уларда ҳар доим «захира худуд» мавжуд бўлиб, руҳан уларга интилиб яшаш сақланиб қолади. Бу миллатнинг ҳар бир вакили бўлган инсонга хос туйғудир. Айни пайтда, худди мана шу «захира худуд» полиэтник мамлакатларда миллатлараро муносабатларни изчиллик билан такомиллаштириб боришни тақозо қилади. Шу тариқа бу масала ҳар доим кун тартибиде сақланиб қоладиган долзарб вазифа бўлиб қолаверади. Чунки, она замин худуди ўта муқаддас қадрият ҳисобланади.

Худуд ҳақида, унинг бир қарич ери ҳақида турли халқларда турли ривоятлар сақланиб қолган. Ана шулардан бирида шундай ҳикоя қилинади. Ривоят қилишларича, қадим замонларда иккита давлат ўртасида катта уруш содир бўлибди. Бу урушда бир томоннинг қўли баланд келиб, иккинчиси устидан ғалаба қозонибди. Мағлуб бўлган давлат подшоҳи ўз халқи ва аждодлари ўтган заминни жуда қадрлаб, унинг учун жонини ҳам беришга тайёр экан ва барча бойликлар эвазига бўлса ҳам урушни тўхтатиш йўлларини излабди. Ғолиб келган мамлакат подшоҳи эса урушни охиригача давом эттириб, инсонларни қурбон қилиш ниятидан қайтмабди. Шунда мағлуб бўлган мамлакат подшоҳи ғолиб томонга элчи юбориб, улар қандай шарт қўядиган бўлса, унга рози эканлигини билдирибди. Ғолиб подшо уруш тўхташининг шарти сифатида мағлуб под-

шонинг кўкларда парвоз қиладиган оти бор экан, шуни беришни талаб қилибди. Мағлуб подшо рози бўлиб, уни бериб юборибди. Бироз вақт ўтгандан кейин ғолиб подшо яна уруш бошлаб юборибди. Урушни тўхтатиш учун эса, мағлуб подшонинг дунёда тенги йўқ ягона фарзанди — гўзал қизини ўзига хотин қилиб беришни шарт қилиб қўйибди. Подшо ўз халқини ва она заминини душмандан асраб қолиш илинжида ғолиб подшонинг бу шартини ҳам бажарибди. Аммо ғолиб томон барибир урушни бир муҳлат тўхтатиб, яна бошлаб юборибди. Шунда мағлуб подшо талаб қилинган ҳамма шартлар бажарилса ҳам, нега у ўз ваъдаси устидан чиқмаганлигининг сабабини сўраб, ғолиб подшонинг олдига элчи юборибди. У энди яна бир шарт борлигини билдириб, элчига: «Ўз подшоҳингизга бориб етказинг, агар у ўз давлати ҳудудидаги тупроғи унумдор бўлган чегарадош вилоятни менга тортиқ қилса, урушни бутунлай тўхтатаман», — дебди. Бундан ғазабланган мағлуб подшо, ғолиб подшога: «Дунёда ҳеч кимга бермаган отимни сўрадинг — бердим, ягона фарзандим — қизимни сўрадинг — бердим, менга тааллуқли ҳамма азиз бойликларимни сенга бердим. Мамлакатим ҳудудидаги Ер менга тегишли эмас, унинг бир қаричини ҳам беришга асло ҳаққим йўқ, у халқнинг мулки, уларнинг аждодларидан мерос бўлиб қолган ва улар ором олаётган макон ҳисобланади. Сен инсон учун, халқ учун энг муқаддас туйғуларни топтадинг. Энди сен билан мамлакатимнинг охири фарзанди қолгунча уруш олиб борамиз», — деб жавоб қайтарибди ва ўз халқига бу воқеани баён қилиб мурожаат қилибди. Икки ўртада қақшатқич уруш бошланиб кетибди. Ўзининг бир қарич ерини ҳам бермасликка аҳд қилган аввал мағлуб бўлган подшо ва унинг халқи душманни тор-мор келтириб, адолатли галабани қўлга киритибди. Бу келтирилган ривоятдан хулоса шуки, ер, замин, Ватан аждодлардан мерос бўлиб келган муқаддас қадрият, уни асраш, кейинги авлодга етка-

зиш ҳар бир инсоннинг бурчи ҳисобланади. Уни бировга тортиқ қилиш ёки ўз манфаати йўлида ундан воз кечиш аждодларга нисбатан кечириб бўлмайдиган хиёнатдир. Инсон бор экан, аждодлар мероси бўлган ер, замин, Ватан ўз муқаддаслигича қолаверади. Чунки куни келиб, ҳар бир инсон ҳам ана шу заминда ором олади. Шунинг учун Ватан, она юрт, она замин шоҳга ҳам, гадога ҳам бир хилда муқаддаслигича қолаверади. Ҳудуд, она замин — аждодлар ва авлодлар макони инсонни, миллатни улуғлайди, унинг мавжудлиги, инсонларга руҳият бахш этувчи, илҳом бағишловчи, уларнинг боқийлигини таъминловчи беқиёс моддий ва маънавий бойликдир. Ана шу жиҳатдан у миллатнинг муҳим белгиси сифатида барқарор бўлиб қолаверади.

Миллатга берилган таърифда, давлат унинг муҳим белгиларидан бири сифатида кўрсатилган. Лекин уни миллатнинг белгиси сифатида кўрсатилиши ҳақида бугунги кунгача мавжуд илмий адабиётларда мунозаралар учрамайди. Уни миллат белгиси сифатида киритиш керакми ёки йўқми, деган савол ҳам қўйилмаган, табиий равишда жавоб ҳам йўқ. Энг асосийси, эътироз ҳам учрамайди. Бунинг асосий сабаби — мамлакатлар бугун полиэтник бўлиб, унинг фуқаролари ягона халқни ташкил этади. Уларни миллатларга ажратиш эса маънавий қашшоқлик ва жаҳолатнинг кўринишидир. Лекин мамлакатда асосий аҳолининг аксариятини ташкил қилувчи титул миллатлар мавжуд бўлиб, давлатлар ҳам уларнинг номи билан аталади. Уларнинг зиммасида мамлакат ҳудудининг бутунлиги, унда яшаётган турли миллат вакиллари ўз атрофига уюштириш каби ўта муҳим вазифалар туради. Боз устига, мамлакат номи билан аталувчи титул миллат ўз давлати ҳудудидан ташқарида миллат сифатида ўз «мен»лигига эриша олмайди. Шу маънода ҳам миллат мавжуд экан, миллий давлатга эҳтиёж сақланиб қолади. Энг асосийси, у ҳеч қачон мамлакатда умумхалқ бирлигига сал-

бий таъсир ўтказмайди, балки уни мустақкамлаш омили бўлади. Аммо бу масала бугунги кунгача мунозарали бўлиб, унга жавоб бериш ҳам мураккаблигича қолиб келмоқда.

Биричидан, юқорида таъкидлаганимиздек, собиқ Иттифоқ шароитида мамлакатда 250 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшаган эди. Аммо уларнинг бирортаси ҳам миллий давлатига эга эмас эди. Мавжуд собиқ иттифоқдош республикалар, улар ичидаги автоном республика ва автоном вилоятларнинг бирортаси ҳам миллий давлат мақомига эга бўлмаган республикалар бўлиб, амалда собиқ Марказ томонидан бошқарилиб турилган ва бирортаси ҳам миллий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақидаги масалани кўтариб чиқишга ҳақли эмас эди. Тоталитар давлат томонидан амалга оширилган бу сиёсат илмий тадқиқотларда ҳам қўллаб-қувватланиб келинган. Шу боис собиқ Иттифоқ шароитида миллий масала назариясида давлатни миллатнинг белгиси сифатида киритиш имконияти ҳам йўқ эди. Лекин бу собиқ Иттифоқда яшаган миллат ва элатлар миллий онгида миллий давлатга эга бўлиш руҳиятини барбод қилди, дегани эмас, аксинча, худди ана шу сиёсатнинг амал қилиши миллатларнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиш ва миллий давлатни шакллантиришга бўлган интилишлари ривожланиб боришига ижобий таъсир ўтказиб келди.

Иккинчидан, дунёнинг юксак тараққий қилган мамлакатларида миллатдан кўра фуқаро тушунчасига устуворлик билан қараш қадрият даражасига кўтарилган. Масалан, Америка миллати ёки америкаликлар деб айтилиши. Америкалик бўлиш, миллати, ирқи, диний эътиқоди, жинсидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро учун буюк ифтихор деган тушунчалар унда яшаётган фуқаролар онгига сингдирилган. Европанинг Англия, Франция, Германия, Италия ва бошқа мамлакатларида ҳам миллатга устуворлик билан қараш шу пайтгача бўлмаган. Лекин уларда яшаётган титул бўлма-

ган миллатлар онгидан ўз миллатига мансублик туйғуларини олиб ташлаш мумкин бўлмади. Кўринишидан, бу мамлакатларда миллатдан кўра фуқаролик ёки инсон омилига устуворлик берилгандай бўлса-да, амалда ҳар бир инсон, фуқаро миллий онгидан ўз миллатига мансублик туйғуларини йўқ қилиб бўлмади. Зеро, бугун АҚШда яшаётган немис, инглиз, рус, араб, яҳудий, турк, итальян ёки Францияда яшаётган немис, араб, рус, турк, Германияда яшаётган инглиз, араб, рус, форс, турк, худди шунингдек, Англияда яшаётган немис, рус, араб ва бошқа миллат вакилларига: «Сизнинг миллатингиз йўқ, ўз она тилларингизга эҳтиёж бўлмаган ўз ҳаётингизда ва истиқболда бунга эҳтиёж туғилмайдиган ўзга мамлакатларнинг фуқароларисизлар», — деб кўринг-чи, улар бунга қандай муносабат билдирар эканлар? Албатта, инсон сифатида ўзлигини англаган ҳар бир миллат вакили бу фикрга қўшилмаслиги аниқ ва уни ўз миллатига нисбатан ҳурматсизлик деб қабул қилиши муқаррардир. Бу ерда гап юқорида номлари келтирилган мамлакатларда яшаётган ҳар бир миллат ёки элат вакилларининг давлат ичида ўз давлатига эга бўлиши ҳақида кетаётгани йўқ, балки уларнинг ҳужжатларига қайси миллатга мансублиги ёзилмаган ёки миллатдан кўра, фуқароликка устуворлик берилиши, улар онгидан ўз миллатига мансублик туйғуларини йўқ қилиб бўлмаслиги ҳақида бормоқда (улар ҳақида юқорида батафсил тўхтаган эдик).

Бундан ташқари, бугун дунёда яшаётган халқлар 6809 тилда¹ сўзлашадилар, улар дунёнинг 280 га яқин давлатларида яшайдилар ва ана шу 6809 тилда сўзлашадиган инсонлардан фақат 2500 тадан ортиғи миллат ёки элат мақомига эриша олганлар. Боз устига, бугун мулоқотда бўлган ана шу тилларнинг 80 фоизи бора-бора йўқолиб кетиши хавфи ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳам БМТ қошидаги ЮНЕСКО ташкилоти улар-

¹ Қаранг: *Отамуратов Садулла*. Глоблалашув ва миллат. (сиёсий-фалсафий таҳлил). — Т.: «Янги аср авлоди». 2008. 71-б.

ни ҳеч бўлмаганда сақлаб қолиш бўйича тегишли фаолият олиб бормоқда. Лекин, бу турли тилларда сўзлаётган этник бирликларнинг ҳаммаси ҳам ўз давлатларига эга бўлиши лозим, дегани эмас. Бунинг иложи ҳам, имконияти ҳам йўқ. Бу ерда гап уларнинг миллий онгида ўз миллатига мансублик туйғуларининг ҳар қандай шароитида ҳам сақланиб қолганлиги ва бундан кейин ҳам уни миллий онгдан бутунлай йўқ қилиб бўлмаслиги ҳақида кетмоқда.

Учинчидан, бугун дунё шиддат билан ўзгармоқда, инсонлар онгида ҳам катта ўзгаришлар содир бўляпти. Табиий равишда, улар миллий онга ҳам таъсир ўтказмоқда. Бугун дунё мамлакатларида яшаётган титул бўлмаган миллат ва элат вакилларига нисбатан, титул миллат ёки давлат сиёсатида тазйиқ ўтказишга мойиллик юзага келса ёки у амалиёт даражасига айланаётган бўлса, ўша мамлакатларда миллий белгилар асосида ўз давлатини вужудга келтиришга ҳаракатлар юзага келаётганлигини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Жумладан, собиқ Иттифоқнинг вужудга келиш ва барбод бўлишининг негизида буюк миллатчилик ва агрессив шовинизм ғоялари мавжуд бўлиб, у амалиёт даражасига кўтарилган эди. Шунинг учун ҳам у барбод бўлди. Унинг ўрнида ўз титул миллати номи аталадиган мустақил давлатлар вужудга келди. Шу билан бирга Грузиядан абхазлар ва жанубий осетинлар ажралиб чиқиб, ўзларининг мустақил давлатларини ташкил қилганлигини эълон қилдилар. Гарчанд, уларнинг мустақиллигини 2—3 давлатдан ташқари жаҳон жамоатчилиги эътироф этмаган бўлса ҳам, бу — факт. Айни пайтда, собиқ Иттифоқнинг барбод бўлиши натижасида жаҳон социализм тизимининг барбод бўлишига олиб келди. Ўз навбатида, собиқ социалистик мамлакатларда миллатлараро муносабатларда амал қилган зўравонлик сиёсати ўз мустақил тараққиёт йўлини белгилаб олган мамлакатларда ҳам катта ўзгаришларга олиб келди. Жумладан, собиқ Чехословакия иккига

булиниб, иккита мустақил — Чехия ва Словакия давлатлари, собиқ Югославия булиниб, унинг ўрнида Сербия ва Хорватия каби давлатлар вужудга келди.

Бугун ер куррасидаги бир қатор мамлакатларда миллий давлатчилигини юзага келтиришга ҳаракат қилаётган миллатлар сони ошиб бормоқда. Агар бундан 5—6 йил аввалроқ юқорида номлари келтирилган АҚШ ва Европа мамлакатларида титул миллат ёки титул бўлмаган миллатга ажратиш деган тушунча ҳам, амалиёт ҳам бўлмаган бўлса, бугун бу давлатларда нафақат титул миллатларнинг ўзлари, балки давлат раҳбарлари мигрант, келгинди миллат ва элат вакилларининг маҳаллий титул миллатнинг тили, урф-одат, анъана ва қадриятларини ҳурмат қилишлари, уларни ўзлаштиришлари, ўз маънавиятларининг ажралмас қисмига айлантиришлари зарурлигини уларнинг олдига очикдан-очик қўймоқдалар. Улар бундай масалага катта эътибор беришларига титул миллатларда тугилиш кам бўлганлиги боис, улар сонининг тобора қисқариб бораётганлигини асосий сабаб қилиб кўрсатмоқдалар.

Бу келтирилганлардан кўриниб турибдики, миллий онгда ўз миллатига мансублик туйғуси, ўз миллатини асраб қолишга интилиш нафақат кам тараққий қилган мамлакатларда яшаётган, шунингдек, юксак тараққиётга эришган миллатларда ҳам мавжуд. Буни инкор қилишга бугун ҳеч қандай асос йўқ. Энди тараққий қилган мамлакатларда миллат омилига шу давргача кўринишдан устуворлик билан қаралмаганлигининг асосий сабабига келсак, у мамлакатларда яшаётган титул миллат ва давлат раҳбарлари ўйлаганларидек, ўзга мамлакатлардан келган мигрантларнинг иш билан таъминланиши ва фаровон ҳаёт кечириш шароитларининг юзага келиши уларнинг миллати онгидан ўз миллатига мансублик туйғуларининг «сўниб» кетишига ва бу уларнинг титул миллатларга ассимиляция (қўшилиб) бўлиб кетишига олиб келади, деган қараш-

лари ўзини оқламади. Амалда унинг акси бўлиб чиқди. Ўзга мамлакатларга борган эмигрантлар ўз моддий фаровонлигига эришгани сари уларда ўз заминларига интилиш туйғулари ҳам ривожланиб борди. Бугунги кунда юксак тараққиётга эришган мамлакатларда мигрант сифатида ўзга мамлакатлардан келган миллат ва элат вакиллари ўз миллий тили, урф-одатлари, анъана ва қадриятлари асосида маълум жамоаларга бирлашиб, уларни ривожлантиришга ҳаракат қилаётганлиги титул миллат вакилларида тортиб давлат раҳбарларигача ўз миллатини асраб қолиш борасида маълум хавотирларни уйғотмоқда.

Кўриниб турибдики, миллатни асраш туйғуларини миллий онгдан йўқ қилиб бўлмайди. Қайси полиэтник мамлакатларда титул бўлмаган миллат ва элат вакилларига нисбатан тазйиқлар юзага келса, ўша жойларда титул миллатлардан ажралиб чиқиб, мустақил давлат тузишга бўлган ҳаракатлар ҳам вужудга келади ёки уларни ўз номи билан аталувчи она юртига кўчиб кетиш ҳолатлари юзага келади. Чунки миллатлар тараққиётининг тажрибалари шуни кўрсатдики, миллатлар номи билан аталадиган мамлакатлар сони камаяётгани йўқ, аксинча, уларнинг сони ортиб бормоқда, истиқболда ҳам уларнинг сони ортиб бориши эҳтимолдан холи эмас ва бундай ҳаракатларнинг ривожланишининг охири борми ёки йўқми, деган саволга аниқ жавоб беришни эса ҳеч ким ўз зиммасига ололмайди. Бунинг жавобини фақат вақт, жаҳонда кетадиган жараёнлар, миллий онгда содир бўлаётган ўзгаришлар, қайси йўналишда ривожланиш тенденцияларининг натижалари ҳал этиши мумкин.

Ана шу фикрлардан келиб чиққан ҳолда миллий онг ва миллий ўзликни англаш жараёнлари масалаларини ўрганиб, миллатга берган таърифимизга давлатни миллатнинг муҳим белгиси сифатида киритган эдик. Агар юқорида келтирилган назарий ва эмпирик материалларга асосланадиган ҳамда миллатларнинг ўз ҳуқуқ

ва эркинликлари учун курашишга бўлган интилишлари кучаяётганлигини назарда тутадиган бўлсак, давлатни миллатнинг муҳим белгиси сифатида таърифга киритиш хато бўлмайди, дейишимиз мумкин бўлади. Айти пайтда, бу — эртага курраи заминда яшаётган бугун ўз давлатига эга бўлмаган миллат ва элатларнинг ҳаммаси ҳам ўз давлатларини вужудга келтирадилар дегани эмас, чунки бунга эҳтиёж ҳам йўқ. Қаерда титул миллат билан титул бўлмаган миллат ва элат вакиллари манфаатларининг ўзаро мувозанати амал қилаётган бўлса, ўша жойда миллатлар онгида ягона Ватан туйғуси мустақамланиб боради ва ҳар бир миллат ҳамда элат вакиллари ўз урф-одат, анъана ва қадриятларини ҳеч қандай тўсиқларсиз ривожлантириб борадилар.

Бундай имкониятнинг мавжудлиги миллатларнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлайди. Бундай шароитнинг амал қилиши титул бўлмаган миллат ва элат вакиллари ўз миллий давлатини титул миллатлар билан яшаётган ягона ватан туйғуларида уйғунлаштирадилар. Худди мана шу жараён инсоният бугун эришган тамадунни ва миллатнинг ижодкори бўлган инсоннинг ўзини асраш имконини беради ҳамда унинг онгида миллатига мансублик туйғуларини ҳам тобора такомиллаштириб боради.

Миллатнинг яна бир белгиси иқтисодий алоқаларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Бугун жаҳон мамлакатлари ўртасидаги интеграциялашиш жараёнлари улар тараққий қилишининг муҳим шартига айланган шароитда иқтисодиёт омилини миллат доирасида чеклаб бўлмайдиган вазият вужудга келди. Аммо бу — миллий иқтисодиёт бўлмаслигини англамайди. Чунки ҳар бир миллатнинг ўзига хос менталитети, маҳаллий шароити, ер усти ва ости захиралари, меҳнат ресурслари ва ҳаёт кечириш анъаналари мавжудки, улар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда жаҳон иқтисодиёт тизимида ўз ифодасини топади. Уларда ана шу жиҳатлар

миллий иқтисодиётнинг амал қилишини англатади. Шу билан бирга ҳар бир давлатда ва унда яшаётган аҳоли иқтисодиётни ривожлантириш йўналишларини белгилаш ва жаҳондаги бошқа давлатлар билан ўзаро интеграциялашишда ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда унга амал қилади. Агар унда миллат манфаатлари ўз ифодасини топмас экан, у тараққий қилишнинг бошқа мақбул самарали йўлидан боришга ҳаракат қилади. Ана шу иқтисодиётдаги умумий манфаатлар миллат вакилларини ўзаро боғлаб туради. Шуни ҳисобга олганда, миллатга берилган таърифдаги иқтисодий алоқалар билан боғланиш ўз аҳамиятини, ҳатто жаҳонда юзага келаётган бугунги кундаги ягона иқтисодий майдон шароитида ҳам йўқотмайди. Аслида, бу белги бугунгача миллатга берилган барча таърифларда барқарор сақланиб келмоқда. Бу масаладаги асосий муминно — ягона иқтисодий майдон юзага келса, ундаги миллий ўзига хосликлар сақланиб қоладими ёки улар барҳам топадилми, деган саволга жавоб топишдир.

Фикримизча, миллат мавжуд бўлган ҳар қандай шароитда давлат ҳам сақланиб қолади, унинг ўзига хос миллий иқтисоди ҳам мавжуд бўлади. У миллат вакиллари ва бутун мамлакат аҳолисини ўзаро бир-бири билан боғлаб туради. Шу маънода ҳам у миллатнинг муминно белгиларидан бири сифатида амал қилади.

Шундай қилиб, миллий онгнинг шаклланиши, ривожланиши ва такомиллашуви ягона тил, миллий ўзлигини англаш, руҳияти, урф-одат, анъаналар, қадриятлар ягоналиги, ҳудуди, давлати ва иқтисодий алоқаларининг мавжудлиги билан боғлиқ бўлади. Айни пайтда, ҳар бир миллатнинг онги ривожлангани сари, уларнинг миллат барқарорлигини таъминлашга кўрсатадиган таъсири ҳам ортиб боради. Лекин миллий онгнинг ривожланиши миллатнинг чекланишига, унда ўзга миллатлар манфаатларини ҳисобга олмасликка ёки зўравон миллатчилик руҳиятининг шаклланишига олиб келмайди, аксинча, ҳар бир миллат онгининг юксак

даражада ривожланиб бориши ўз манфаатларини ўзга миллатлар манфаатлари билан уйғун ҳолатда қарашга, ўзга миллатлар билан бўладиган муносабатларда тенг ҳамкорликка мойиллик каби хусусиятлар ҳам ривожланади. Бу хусусиятлар, айниқса, полиэтник ҳолатда яшаётган мамлакатлардаги титул миллатлар миллий онгида мустақкам ривожланиб боради.

Миллий онгнинг ривожланиши бундай мамлакатлардаги титул миллатнинг, энг аввало, ўзга миллатларни ўз атрофида бирлаштириши, уларни ўзлари каби ягона Ватан фуқаролари эканлигини тушуниб етиши, уларнинг урф-одат, анъана ва қадриятларига ҳурмат билан қарашларида ўз ифодасини топади. Агар титул миллатлар онгида ана шу туйғулар шаклланиб, амал қилмас экан, мамлакатнинг боши миллатлараро зиддиятлар ботқоғидан чиқа олмайди ва охир-оқибатда, у тараққиётдан орқада қолишига олиб келади. Шунинг учун ҳам мамлакат тараққиётида титул миллат онгида ўзга миллатларга нисбатан бағрикенглик туйғуларининг мустақкам бўлиши мамлакат тараққиётининг муҳим шароитларидан бири сифатида эътироф этилади. Бунга ёрқин мисол сифатида собиқ шўролар томонидан олиб борилган миллий сиёсат амалиётини келтириш мумкин. Собиқ Иттифоқда энг йирик ва тараққий қилган миллат мақоми рус миллатига берилган эди, унга «катта оға» деб қаралар, мамлакатда яшаётган бошқа миллатлар унинг атрофида бирлашишлари лозим эди. Бу амалиётнинг энг яроқсиз жиҳати шунда эдики, гўё иттифоқдош республикаларда яшаётган, уларнинг номи билан аталувчи «титул» миллатлар онгида «миллатчилик» руҳияти мавжуд, шунинг учун уларни байналмилаллик руҳиятида тарбиялаш асосий вазифа сифатида белгиланган эди. Маҳаллий аҳоли билан яшаётган русийзабон миллатлар вакиллари эса интернационалистлар ҳисобланиб, уларга барча маҳаллий халқни интернационализм руҳида тарбиялаш ва улар устидан назорат қилиш ҳуқуқи норасмий ра-

вишда берилган эди. Маҳаллий миллат вакиллари ўз она заминида «титул» бўлмаган миллат бўлган «катта оға»нинг кўрсатмалари билан яшашга маҳкум этилган эди. Худди ана шу амалиётга нисбатан иттифоқдош республикалардаги маҳаллий миллат онгида зимдан, гоҳида очиқдан-очиқ нафрат ошиб борди ва охиروқибатда, собиқ Иттифоқнинг тарқалиб кетишини тезлаштиришга жуда катта таъсир ўтказди.

Бу аччиқ тажриба харобалари ҳамон оз бўлса-да, сақланиб қолаётгани бугун баъзи МДХ мамлакатларида ўзини кўрсатаётганлигининг ҳам гувоҳи бўлиб турибмиз. Айрим ҳолатларда ўзларининг геополитик мақсадлари йўлида мустақил давлатларга турли ёрдамлар ваъда бериб, тараққий қилган мамлакатлар сиёсатчилари азал-азалдан бир-бири билан ёнма-ён яшаб, қиз бериб қиз олган, аждодлари бир жойдаги қабристонда ором олаётган миллатларни, айниқса, мамлакатлар номи билан аталувчи миллатлар онгига буюк миллатчилик руҳиятини сингдириш, уларни бир-бирига қарма-қарши қўйишдек жирканч амалиётни олиб бораётганлиги — бугун бу мамлакатларда яшаётган миллатлар онгининг зиддиятли ривожланишига сабаб бўлаётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Улар миллий онг ниҳоятда нозик, ҳис-ҳаяжонларга лиммо-лим бўлган, миллат манфаатларига зид бўлган ёки уни ҳисобга олмаслик билан боғлиқ ташқи таъсирларга зудлик билан жавоб қайтаришга қодир бўлган кучларнинг мавжудлигини ва унинг зўравонликка қарши миллатни бирлаштирадиган жуда мураккаб маънавий-руҳий омил эканлигини яхши билишади. Дунёга эгалик қилишга даъвогар давлатлар унинг ана шу имкониятларидан фойдаланиб келганлар. Бугун ҳам айрим сиёсатчилар ва «демократ»лар фойдаланишга ҳаракат қилиб келмоқдалар, яъни бугун ҳам бу жараён давом этиб келмоқда.

Миллий онг миллатни тараққиётга етакловчи омиллардан бири ҳисобланар экан, унинг ривожланиши миллат вакилларида миллий гурур, ифтихор, ор-но-

мус, масъулият каби туйғуларни шакллантиради. Улар миллатнинг маънавий-руҳий салоҳияти бўлиб, миллат «мен»лигининг тобора мустақамланиб боришида асосий манбалар ҳисобланади. Уларнинг мазмун-моҳияти ва миллий онг тараққиётидаги ўрни ҳақида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Миллий гурур — бу ўзини мустақил субъект сифатида англаган барча миллатлар учун хос бўлган туйғудир. Миллий гурур миллат аجدод ва авлодлари эришган ютуқларидан, унинг ўзга миллатлар олдидаги нуфузи, обрў-эътиборидан фахрланиш, миллатнинг ҳар бир вакилининг онги ва қалбида ўз миллатининг салоҳияти ҳамда салобати улуғлигидан қувониш туйғуларининг намоён бўлишидир. Миллий гурур заминида аجدодлар қолдирган мерос, авлодлар эришаётган ютуқлар, миллатнинг ўз тараққиётида қўлга киритаётган ютуқлари ва истиқбол имкониятларининг барҳаётлиги кабилар туради. Аммо миллий гурур фақат аجدодлардан қолган меросдан фахрланиш, ўзга миллатларни менсимаслик, миллати манфаати учун ҳеч бўлмаганда заррача наф келтирмасдан қуруқ гердаиш эмас, балки бу меросни чуқур ўрганиш, унинг тароватини онги ва қалби билан ҳис этиш, ўз маънавиятининг ажралмас қисмига айлантириш, уни кейинги авлодга етказиш йўлида ўз имконияти даражасида фаоллик кўрсатиш, ўзга миллатларни ҳурмат қилиш каби вазифаларни ҳам ўз ичига олади. Миллий гурур миллий онг тараққиётининг ифодаси, шу билан бирга унинг ривожланишига илҳом, куч-қувват бағишлайдиган миллатнинг маънавияти ва руҳиятининг ифодасидир. Унинг моддий кўринишини миллат вакилларининг аجدодлар меросига муносабатида, ўз миллати манфаатлари йўлидаги хатти-ҳаракатларда кўриш мумкин. Ўз гурурига эга бўлган миллатгина нафақат бугунги, шунингдек, эртанги кунга кучли ишонч билан яшайди ва яратувчилик йўлида фидойилик кўрсатишга қодирдир.

Миллий ифтихор — бу миллат вакиллари онгида кечадиган маънавий-руҳий ҳис-ҳаяжонларни ифода-

ловчи тушунчадир. У миллий гурур тараққиётининг юксак даражага кўтарилиши натижасида шаклланади. Миллий ифтихор миллат вакиллариининг ўз аждодлари яратган ва улар қолдирган моддий ҳамда маънавий бойликларни чуқур ўзлаштириши натижасида улар онгида шаклланадиган руҳий кўтаринкиликнинг намоён бўлишидир. Агар миллий гурур миллат вакиллари онгидаги фахрланиш туйғулари бўлса, **миллий ифтихор миллат вакиллари онгида аждодлар меросидан баҳра олиш ва бугунги ютуқлардан илҳомланишнинг руҳий кўтарикичилигининг ҳис-ҳаяжонларда ўз ифодасини топишидир.** Шу маънода ҳам миллат онгида миллий гурур ўз миллати ютуқларидан фахрланиш туйғуларининг юзага келиши бўлса, миллий ифтихор уларнинг «моддий» кўринишдаги ифодаси, дейишимиз мумкин. Улар бир-бири билан уйғун равишда тараққий қилади. Гурури бўлган миллатда чин ифтихор туйғулари мавжуд бўлади ва миллат вакиллари ўзга миллатлар олдида ўзининг «мен»лигини намоён этиши мумкин. Миллий ифтихор миллат вакилларида нафақат мавжуд ва эришилган ютуқлардан гурурланиш, шунингдек, бугун ва истиқболда тараққиётимиз олдида турган вазифаларни амалга оширишда фидойилик билан ҳаракат қилишлари зарурлигини англаб етишлари керак.

Гурур ва ифтихор туйғулари миллий онг тараққиётининг буюк маънавий-руҳий неъматидир, унга эга бўлмаган инсонлар уюшмаси миллат бўла олмайди, у оломон даражасидаги уюшма бўлиб қолаверади.

Ор-номус — миллат онгидаги энг нозик туйғулардир. Улар ҳар доим уйғун тарзда миллатнинг обрў-эътиборини сақлаш, унинг шаънига доғ туширишга йўл қўймайдиган омил сифатида амал қилади. Ор-номус миллатнинг софлигини ҳар қандай манфаатдан устунлигини англашда намоён бўлади. У миллат вакиллариининг ўз миллатининг камситилиши, ҳақоратланиши, менсилмаслигини ўз иффатининг таҳқирланиши сифатида қабул қилади ва унга тегишли жавоб қайта-

ришда ўз шахсий манфаатларини кейинги ўринга қолдирган ҳолда ҳар қандай кучга қарши тура оладиган даражага кўтарилади. Ор-номусли миллат вакиллари ўз аждодларининг номини соф сақлайди, унинг шаънига доғ туширмасдан, уларга садоқатли авлод бўлиш йўлида ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишга барча имкониятларни ишга солади. Чунки ор-номус инсон онгидаги бокиралик, шарм-ҳаё, иффат ва ибo рамзини ўзида ифода эттиради. Миллат ўзига хос умумий белгилар асосида уюшган инсонлар уюшмаси бўлганлиги учун ҳам инсонда мавжуд бўладиган бокиралик, шарм-ҳаё, иффат ва ибo миллий онгда ҳам ўз ифодасини топади. Инсондаги ҳар қандай моддий бойликнинг ўз ор-номуси йўлида барбод бўлишига йўл қўймаслик туйғулари унинг миллат вакили сифатидаги миллий онгида ҳам ривожланиб боради. Бунда аждодлардан мерос бўлиб келаётган ва қадрият даражасига кўтарилган «Қорним учун эмас, қадрим учун йиғлайман» деган нақл рамзий маънода амал қилади. Чунки унда миллатнинг ички маънавий-руҳий кечинмаларидаги ўзини ҳар қандай хижолатдан асрашдек ўта нозик туйғулар мужассамлашган бўлади. Ўз ор-номусини сақлай олмаган миллат вакиллари худди ҳаёси, иффати ва бокиралигидан маҳрум бўлиб, боши берк кўчага кириб қолган инсонларга қиёслаш мумкин. Шу маънода уни асраш миллат вакиллари учун ҳаёт мазмунининг ажралмас қисми сифатида амал қилади.

Миллий масъулият — бу тушунчанинг маъно-мазмунини тушуниб етиш учун унинг ота-она, оила, миллат, ватан, халқ олдида ўзига юклатилган вазифаларга масъулиятли бўлиш каби кўринишларининг мавжудлигини келтириш лозим. Улар тизимида ҳар бир миллат вакилининг ўз миллати бугуни ва истиқболи учун қарздорликни ҳис этиш шакли ўзига хос ўринга эгадир. Чунки миллатсиз инсон бўлмаганидек, миллат ҳам инсонсиз бўлмайди. Миллий масъулият миллий онг, ғурур ва ифтихор, ор-номус туйғуларининг ривожланиши

таъсирида шаклланади. У миллат вакиллари онгида ўз миллати манфаатларини англаб етиши, асрлар давомида ажодлар томонидан мерос бўлиб келаётган моддий, маънавий бойликларини — урф-одат, анъана, ва қадриятларини асраш, кейинги авлодларга етказиш, ёшлар онги ва қалбига сингдириш, уларда миллатпарварлик туйғуларини ривожлантириш, миллатнинг жаҳон цивилизацияси (тамаддуни)дан муносиб ўрин эгаллашида ўзининг меҳнати, салоҳияти билан фидойилик кўрсатиш зарурлигини англаб етиш ва уларни амалиётга татбиқ қилишида ўзининг миллат вакили сифатидаги қарздорлик туйғуларига эга бўлиши **каби кенг қамровли вазифаларни ўз ичига олади.**

Миллат вакиллари онгида миллий масъулиятни англаш ҳар бир тарихий тараққиёт босқичида юзага келадиган муаммоларга қараб ўзгариб, такомиллашиб боришини ҳам таъкидлаш лозим бўлади. Ҳайратланарли жойи шундаки, миллатнинг тараққий қилиши, унинг ўзини ўзи англаши ривожланиб борган сари, уни асрашга бўлган эҳтиёж ҳам ошиб боради. Бунинг асосий сабаби — бир томондан жаҳонда юзага келадиган ўзгаришлардан, хусусан, ўзбек миллати мисолида қараганда собиқ шўро ҳукмронлиги шароитида миллатнинг катта «оға»га ассимиляция бўлиб кетишдан асраш, унинг озодлик ва мустақиллигини қўлга киритиши вазифасини амалга оширишда фаол иштирок қилиш миллатнинг ҳар бир вакили учун катта масъулият эди, бугун эса миллий мустақилликни мустаҳкамлаш глобаллашув жараёнининг миллий маънавиятга ўтказётган салбий таъсирлардан асраш, уни мустаҳкамлаш миллатнинг ҳар бир вакили олдидаги муқаддас вазифа ва масъулият ҳисобланади.

Миллий масъулиятни англаш миллий эгоизм, ўзга миллатларга ҳурматсизлик, беписандлик билан муносабатда бўлиш ёки уларнинг манфаатларини инкор этиш эмас, балки миллатнинг ҳар бир вакили онгида ўз миллатининг ўзга миллатлар билан ҳамкорликни

ривожлантириш, ўзи билан ёнма-ён яшаётган миллат ва элат вакиллари хурмат қилиш, уларнинг эҳтиёжларини ҳам худди ўз эҳтиёжларидек ҳис этиш ва уларнинг ўзаро ҳамкорликда камол топишига ёрдамлашиш кабиларни ўз ичига олади. Миллат вакиллари онгида ўз миллати олдида қарздорлигини англашнинг, унинг истиқболига бефарқ қараш кабиларнинг саёзлашиб бориши миллий тарқоқликнинг юзага келишига ва охир-оқибатда, унинг ўзга миллатларга ассимиляция (қўшилиб кетиш)га олиб келади. Шунинг учун ҳам миллатнинг ҳар бир вакили онгида миллий масъулиятни англаш руҳиятини изчиллик билан ривожлантириш миллатни асраш ва тараққий қилдиришнинг муқаддас вазифаси бўлиб қолаверади.

Агар миллий онг шаклланиши ва ривожланишининг асосий омилларини миллий тил, миллий ўзликни англаш руҳияти, маънавият, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар, маълум ҳудуд, давлат ва иқтисодий алоқаларнинг мавжудлиги ташкил қилса, миллий гурур, ифтихор, орномус ва масъулият миллий онг тараққиётининг ҳосиласи, миллатнинг маънавий либосидир. Уларсиз миллат тўлақонли мустақил субъект даражасига кўтарила олмайди, чунки улар миллатни шакллантирадиган ва ривожлантирадиган омилларни моддий кучга айлантирадиган ботиний қувватдир.

Яна миллий онг ривожланиши ҳақида фикр юртишга қайтиб, шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, унинг ўзликни англашидаги ўрни алоҳида аҳамиятга моликдир. Чунки миллий ўзликни англаш миллий онг тараққиётининг маҳсули бўлганлиги боис унинг ривожланганлик даражаларини миллат вакилларида урф-одат, анъана, қадриятларга бўлган муносабатлар, миллий манфаат, миллат олдидаги муаммоларни ҳал қилишда масъулиятни қай даражада англаши ва уни ҳал қилишга қаратилган ҳаракатларининг намоён бўлиши орқали билиш мумкин бўлади. У миллий ўзликни англашнинг асосий манбаи бўлганлиги учун ҳам, бир то-

мондан, миллатга моддий ва маънавий қиёфа бағишла-са, иккинчи томондан, миллат вакилларига ўзлигини ҳимоя қилишда руҳий куч-қувват ҳам бағишлайди. Шу маънода миллатнинг барқарор мавжудлиги яна унинг онгига бориб тақалади.

Миллий онг қанчалик мустақил бўлмасин, унинг мавжудлиги ва тараққиёт даражаларини миллий ўзликни англашнинг ривожланиши натижасида юзага келадиган миллат тараққиёти ва миллат вакилларининг миллий манфаатларини амалга оширишдаги хатти-ҳаракатлари орқалигина англаб етиш мумкин бўлади. Лекин миллий ўзликни англашнинг ривожланиш даражалари ҳар доим ҳам бир хилда кечмайди, балки унинг ёрқин ифодасини икки ҳолатда кўриш мумкин бўлади: а) миллат манфаатларига, унинг гуруҳ, ифтихори, ор-номусига ташқаридан бўладиган хавф-хатарнинг юзага келишида; б) миллат олдида юзага келадиган муаммолар ва янги вазифалар ҳамда уни амалга ошириш миллат истиқболини белгилаб берувчи ўзак масалага кўтарилганлигининг миллат вакиллари томонидан англаб етилиши муаммо ва янги юзага келган вазифаларнинг умуммиллий вазифаси даражасига кўтарилган шароитда. Бошқа ҳар қандай вазият ва шароитда миллий ўзликни англаш «тинч» ҳолатда барқарор ривожланиб бораверади. Ана шундай шароитда уни миллатнинг ўзлигини англашнинг турган юлдузга қиёслаш мумкин.

Миллат омили тизимида энг сезгир, энг ҳозиржавоб, энг уйғоқ ва миллат вакиллари ташқи душманга қарши жипс бирлаштирувчи куч ҳам миллий ўзликни англаш ҳисобланади. Унга ана шу куч-қувват ва илҳомни миллий онг бағишлаб туради. Шунинг учун миллий ўзликни англашни ривожлантиришнинг миллий онгни тараққий қилдириш билан уйғун ҳолатда кечилиши назарда тутиш тўғри бўлади. Миллий онгнинг ривожланиши миллатлараро низоларни келтириб чиқармайди, балки ҳамжиҳатликни ривожлантиришга ижобий таъсир ўтказади. Чунки турли миллат-

лар билан ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда яшаш маданияти ҳам миллий онг тараққиётининг таркибий қисмига киради. Биронта миллат ўз ҳолича, якка ҳолатда ўзга миллатлардан холи равишда «соф» ва «усти бекилган банка ичида» тараққий қила олмайди. Шу маънода кўп ҳолларда миллатлараро зиддиятларнинг келиб чиқишига миллий онгнинг макон ва замон тараққиётидан орқада қолиши сабаб бўлади. Шунингдек, бу жараён миллий онги юксак тараққий қилган, ўз ҳукмронлигини таъминлашга эришиш йўлида ҳеч бир миллатнинг манфаатларини ҳисобга олишни хоҳламайдиган зўравон мамлакатларнинг хатти-ҳаракатлари натижасида ҳам юзага келишини назарда тутиш лозим бўлади. Айти пайтда, ўз истиқболи йўлида доимо хавотирда яшайдиган миллатларнинг ўзга миллатлар билан ҳамкорлик қилишга мойиллигининг етишмаслиги ҳам миллий онгда муҳрланиб қолиши, руҳиятдаги «танҳоликка интилиш» ҳам миллатлараро зиддиятларнинг келиб чиқишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, у ёки бу миллат онгида буюк миллатчиликка даъвогарлик қилиш руҳиятининг шаклланиши ҳам миллатлараро зиддиятлар юзага келишининг энг хавфли омили ҳисобланади. У миллатлар уюшмасидан иборат бўлган халқни ҳам, давлатларни ҳам барбод этади, бу миллатнинг ўзини ҳам охир-оқибатда инқирозга олиб келади. Яъни, миллий онгнинг барқарор тараққий қилиши унда ижобий омиллар мустаҳкамланиши, миллатлараро муносабатлардаги барқарорликнинг ривожланиши кабилар билан боғланиб кетади. Бу жараённи аниқ тушуниб етишга, энг аввало, полиэтиник ҳолатдаги, қолаверса дунёдаги барча миллат ва элатларнинг барқарор ривожланиши учун амалий аҳамиятга эгадир. Шу маънода ҳам, миллий онг тараққиёти салбий жараён эмас, балки миллатларнинг эркин, мустақил ўзлигини намоён этишга ижобий таъсир ўтказувчи омилдир. Аммо бу жараёнда жирканч мақсадларни амалга оширишга бўлган ҳар қандай ҳара-

катлар, энг аввало, **полиэтник** ҳолатда яшаётган миллатлар бошига оғир фожиалар келтирса, унинг ривожланиши натижасида бутун дунё миқёсида беқарорликнинг юзага келишига олиб келади.

Хуллас, миллий онг мураккаб омил бўлиб, унинг ривожланишдан оқсаши миллатнинг умумий тараққиётдан орқада қолишига сабаб бўлади. Айни пайтда унинг юксак даражада ривожланишидан жирканч мақсадлар йўлида фойдаланишга ҳаракатлар кучайса, миллатлараро зиддиятлар юзага келиб, ўз навбатида, беқарорлик шаклланишига олиб келади. Шу маънода миллий онг тараққиётини миллатларнинг тараққиёти имкониятлари билан уйғун равишда таъминлаш миллатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашга ва умумбашарий муаммоларни ҳамжиҳатликда ҳал қилишга йўналтириш имкониятларини кенгайтириб боради. Лекин, бу ўта муҳим вазифани ҳал этиш имкониятлари ниҳоятда чекланган. Чунки бу, **бир томондан**, дунё миқёсида миллатларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларда турли даражада ривожланганлиги билан боғлиқ бўлса, **иккинчи томондан**, миллатлар тараққий қилиб, уларнинг интеллектуал салоҳияти ошиб боргани сари, уларнинг эҳтиёжлари ҳам ошиб бориши ва бу жараённинг чексиз-чегарасиз эканлиги ҳамда унга эришиш имкониятининг чекланганлиги ҳам миллатлараро муносабатларда ҳар доим маълум муаммолар сақланиб қолишига таъсир кўрсатади. Албатта, бу ҳолат миллий онг тараққиётида ҳам ўз ифодасини топади.

Энди глобаллашув жараёнида миллий онг ривожланиш тенденциялари масаласи таҳлилига киришиб, шуни алоҳида таъкидламоқчи эдикки, ҳар қандай жараён ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқ бўлиши каби миллий онг ҳам жамият тараққиёти, унинг имкониятлари билан боғлиқ бўлади. У жамият тараққиётига нисбатан олдинда ривожланиб боради. Миллий онг миллатни бирлаштирувчилик, уюштирувчилик ва аниқ мақсадга йўналтиришдаги функциялари орқали миллат тарақ-

қиётига ижобий таъсир ўтказиб боради. Бунинг миллатимиз шаклланиши ва ривожланиши жараёнида ўз ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин.

Миллатимизнинг этник бирлик сифатида шаклланишидан то бугунги мустақил, эркин ривожланиш имкониятини қўлга киритгунича ўтган даврда бошидан ўтказган қора кунларини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, унинг онги, ўзлигини англаши мураккаб босқичлардан ўтганлигининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, унинг мустамлакачилик ва қарамлик давридаги ҳолати жуда фожиали кечганлиги тарих саҳифаларида абадул-абад муҳрланиб қолди. Энг ҳайратли томони шундаки, ўзининг улкан илм-фан, маънавият ва маърифатига эга бўлган ҳамда дунё цивилизациясининг маълум бир босқичини яратган халқимиз, миллий давлатчилик тажрибаси дунёда эътироф этилган мамлакатимиз ана шундай имкониятлардан орқада қолган халқларга, аввал мустамлакага, кейин эса қарам ҳолатда ҳаёт кечиришга мажбур бўлди.

Аслида, маънавиятимиз бизни мустамлака ва қарамликка айлантирган мамлакатлар халқлариникидан устун эди. Ҳатто, ўлкамизни босиб олган ва уни мустамлакага айлантирган босқинчилар маънавият ва маданиятимизнинг ўзлариникига қараганда юксак даражада тараққий этганлигини эътироф этишга мажбур бўлганлар.

Ўша даврда Россия фани ва маданиятида эътироф этилган Туркистон халқи ва маданиятини яхши билган шарқшунос В.В. Бартольд икки масалани ўртага қўйган. Биринчидан, Туркистон халқларининг маънавияти юксак даражада эканлигини эътироф этса, иккинчидан, халқни ўз маънавиятидан маҳрум қилмасдан туриб, уни қарам қилиш мумкин эмаслигини таъкидлаган. Унинг бу ғоялари чор Россияси босқинчилари ва большевикларнинг ўлкани қўшиб олганларидан кейин амалиётга татбиқ этилди.

Албатта, Амир Темур давлатининг парчаланиб кетиши ва Ўрта Осиёда уч мустақил давлат — Қўқон ва

Хива хонлиги ҳамда Бухоро амирлигининг вужудга келиши натижасида бу ҳудудда яшовчи халқнинг заифлашиб қолганлиги ҳам халқимизнинг мустамлака ва қарамлик ҳолатига тушишига сабаб бўлганлигини тарихий маълумотлар тасдиқлайди. Аммо, бу жараён ҳам миллий онг ривожланишини бир дақиқа бўлса-да, тўхтата олмади. Чунки халқимизнинг мустақкам маънавий ва моддий заминларининг мустақкамлиги унга ҳар доим куч-қувват ва илҳом бағишлаб келди ҳамда охир-оқибатда ўз мустақиллигини қўлга киритиб, ўзи танлаган тараққиёт йўлидан бормоқда. Аммо бу — миллий тараққиётимизга хавф-хатарлар бутунлай тугганини билдирмайди. Айниқса, бугун жаҳон бўйича жадал ривожланаётган ва ҳатто қудратли куч билан ҳам тўхта-тиб бўлмайдиган глобаллашув жараёнининг миллий маънавиятимизга ўтказётган таъсири миллий тараққиётимизга хавф-хатарни кучайтирмоқда.

XXI асрда авж олаётган глобаллашувнинг энг хатарли жиҳати шундаки, агар тарихда миллатлар ҳаётида ўчмас из қолдирган собиқ империялар қурооларни ишга солиб, куч билан халқларни ўз мустамлакасига айлантириши вужудга келган бўлса, бугун юксак тараққиётга эришган мамлакатлар инсонни (миллатни) жисмонан йўқ қилувчи қурооларни ишга солиш йўли билан эмас, балки «маърифий» йўл билан энди тараққиёт йўлига кирган ва кам ривожланган миллатларнинг онги, қалбини эгаллаш йўли билан ўзларига қарам қилишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ана шу жараён миллатлар онгида қандай ўзгаришларга олиб келмоқда, биз бу жараён ривожланиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англаб етаётимизми? Менимча, бугун глобаллашувнинг кучли босими остида миллий онг ҳимояланган ҳолатда эмас ва миллат ўзлигини англашга қурби етмаётир.

Аммо ўзлигини сақлаб қолишга бўлган интилиш тўхтагани йўқ. Аксинча кучайиб бормоқда. Шу билан

бирга бугун глобаллашув дунёдаги катта-кичик, юксак тараққий қилган, энди мустақил тараққиёт йўлига кирган ва кам ривожланган мамлакатлар ҳамда уларда яшайётган миллат ва элатларни ўз уммонига олиб кирмоқда. Ундан ҳеч бир миллат ва элат қутулиб қолишининг иложи йўқ. Бундай шароитда унинг таъсирида миллатлар онгида ҳам бир қатор ўзгаришлар содир бўлмоқда. Назаримизда улар қуйидагиларда ўз ифодасини топмоқда.

Биринчидан, миллий онг ривожини глобаллашув жараёнининг авж олиш даражасидан орқада қолмоқда. Глобаллашув ўз уммонига барча миллат ва элатларни тортиб боргани сари, энди тараққиётга кириб бораётган ва кам тараққий қилган мамлакатларда яшайдиган миллат ва элатлар, унинг миллатни ичдан емиришдаги кучи ва моҳиятини англаб етишга улгурмаётирлар ҳамда осонгина унинг оқимида қўшилиб бормоқдалар. Яъни, бу миллат ва элат вакиллари миллий онгининг ривожланиши глобаллашувнинг соясида қолиб кетиши юзага келмоқда. Бу жараёнга икки нуқтаи назардан қараш мумкин. Улар: а) глобаллашув тараққиётнинг янги босқичи сифатида барча миллат ва элатлар, шу жумладан тараққиёт йўлига энди кириб бораётган ҳамда кам тараққий қилган миллат ва элатлар интеллектуал салоҳиятининг ривожланишига ўзининг қайсидир даражадаги таъсирини ўтказди ва бугун бу амалиётда содир бўлмоқда. Табиий равишда, у миллий онгда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Яъни, глобаллашув билан миллий онг ривожланиши ўзаро боғлиқ ҳолда кечмоқда. Айни пайтда интеллектуал салоҳият ҳам онгининг юксак тараққиёти маҳсули ҳисобланади. У фан, технология ва техника ютуқларини ўзлаштиришда кўринадими ёки бошқа жараёнларда ўз ифодасини топадими, барибир миллий ривожланишига ижобий таъсир ўтказди. Шу маънода глобаллашувни миллий онг ривожланишига ижобий таъсир ўтказадиган жараён сифатида қараш мумкин. Аммо бу ердаги

асосий муаммо шундаки, барча миллат ва элатларнинг миллий онги глобаллашув ритми (тезлиги) даражасида ривожланавермайди, айниқса, энди тараққиёт йўлига кириб бораётган миллат ва элатларнинг онги бу жараёндан орқада қолади. Бунинг асосий сабаби — уларда глобаллашувни ҳаракатга келтирувчи фан, техника ва технология соҳасида катта ютуқларга эришишнинг моддий имкониятлари талаб даражасига нисбатан чекланган. Шу боис глобаллашув уларни ўз уммонига осонгина тортиб боради ва миллий онгда бу жараёнга мойиллик ҳам ортиб боради. Шу тариқа уларнинг миллий онги глобаллашув уммонида барбод бўлиш хавфи ҳар доим сақланиб қолади; б) глобаллашув жараёнининг энди тараққиёт йўлига кириб бораётган ёки кам тараққий қилган миллатлар ва элатлар учун энг хатарли жиҳатларидан бири шундаки, ким бу жараёнда ўз имкониятлари билан қатнаша олса, шунча кўп манфаат келтиради ва имконияти чекланган миллат ва элатларни ўзи англамаган ҳолда боғлашиб қолади. Бунинг натижасида юксак тараққиётга эришган миллатлар онгида ҳукмронлик қилишга бўлган интилиш руҳияти ривожланиб боради, мустақил тараққиёт йўлига кириб бораётган ва кам ривожланган миллат ва элат вакиллари миллий онгида юксак тараққиётга эришган миллатларга суянишга мойиллик ортиб боради.

Хуллас, ана шу иккала ҳолатда ҳам миллий онг глобаллашув таъсиридан ташқарида ривожлана олмайди. У бир томоннинг миллий онгининг устувор даражада ривожланишига ижобий таъсир ўтказса, иккинчи томоннинг миллий онгида ўзгалар (кучлилар)га суяниш мойиллиги юзага келишига олиб келади. Бу энди тараққиёт йўлига кириб бораётган ва кам тараққий қилган миллат ва элатларнинг миллий онги глобаллашув жараёнидан орқада қолишига, тобора сусайиб боришига ҳамда уларнинг умумтараққиёт талаблари даражасидан орқада қолишига олиб келиши мумкин бўлади.

Иккинчидан, глобаллашув жараёни инсоният тараққиётидаги янги босқич ҳисобланади. Унинг кўпгина ўзига хос жиҳатлари ичида миллий онг, миллий ўзликни англаш ва уларнинг амалий ифодаси бўлган миллий тараққиёт билан бўладиган муносабатлардаги зиддиятли жиҳати алоҳида ўринни эгаллайди. Чунки у миллий заминларни емиради, ҳар бир миллатнинг бирлигига салбий таъсир ўтказиши, жаҳон миқёсида ҳам миллатлараро тенгсизликни келтириб чиқаради. Бу жараёнлар миллий онгда ўз ифодасини топгани боис ҳам глобаллашув билан миллий онг ўртасида зиддиятлар амал қилади.

Мазкур зиддиятлар нафақат моддий неъматлар манфаатлари заминида, шунингдек, миллий ривожланишнинг миллий-маънавий салоҳиятини глобаллашув таъсиридан асраш заруриятининг кучайиб бориши оқибатида келиб чиқади. Бу зиддиятларнинг ижодкори глобаллашув жараёнининг ўзи эмас, балки уни ҳаракатга келтираётган фан, техника ва технология ютуқлари, уни яратаётган ва асосий манфаат кўраётган юксак тараққий қилган мамлакатлар ҳисобланади. Чунки юқорида таъкидланганидек, глобаллашув ўз қамрови, куч-қудрати, иқтисодий воситаси билан миллатни ўз домига тортаётган уммон ҳисобланади. Унинг иқтисодиёт, сиёсат, ижтимоий ҳаёт, давлатлараро муносабатларда ўтказиётган таъсирлари қаторида миллатнинг онги ва ўзлигидан маҳрум бўлишига ўтказиётган таъсири даҳшатли тус олмоқда. Интеллектуал салоҳияти ва иқтисодий имкониятлари юксак ривожланган мамлакатлар ана шу уммоннинг яратувчилари, эгалари ва асосий манфаат кўрувчилари ҳисобланади. Улар ўз имкониятлари билан кам тараққий қилган мамлакатлар халқларини ана шу «уммон»га тортишга эришмоқдалар. Бу жараёндаги муаммо шундаки, зиддиятлар гарчанд бугун очиқ юзага чиқиб, амалиётга айланмаган бўлса ҳам, зимдан бўлса ҳам, эртага юзага қалқиб чиқиши мумкин. У, **бир томондан**, миллий онгда «ум-

мон» яратаётган ва ундан асосий манфаат кўраётган юксак тараққиётга эришган мамлакатларда яшаётган миллатлар билан кам тараққий қилган мамлакатларда яшаётган миллат ва элатлар ўртасида, **иккинчи томондан**, глобаллашув жараёнининг ўзи билан, ундан жафо чекишини англаб етаётган миллатлар ва элатлар ўртасида қайсидир даражада кечмоқда, дейишимиз мумкин. Масалан, бу тараққий қилган мамлакатларда мигрантларни чиқариб юбориш ҳаракатларининг мавжудлигида намоён бўлмоқда. Тўғри, улар ҳали оммавий тарзда бўлмаса ҳам, истиқболда у реал омилга айланмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Уларнинг қай даражада ривожланиши, қандай оқибатларга олиб келиши эса томонларнинг ўзаро муносабатлари ривожланиши ва глобаллашув жараёнида манфаатлар мувозанатининг қай даражада амал қилишига боғлиқ бўлади. Аммо уларни мувозанатда ривожланишига эришиш жуда мураккаб муаммо ҳисобланади. Чунки, бир томондан, глобаллашув жараён сифатида ўз ривожланиш қонуниятларига эга бўлиб, уни тўхтатиб ёки тўсиқ қўйиб бўлмайди, иккинчи томондан, глобаллашув жараёнига етакчилик қилиб, ундан катта манфаат кўраётган мамлакатлар ҳамда уларда яшаётган миллатлар ва халқларнинг ўз манфаатларидан воз кечиши ҳам мумкин эмас.

Демак, **мувозанатга келтиришнинг ягона йўли** қолади, у ҳам бўлса, **ривожланаётган ва кам тараққий қилган мамлакатларда яшаётган миллатлар ва халқларнинг миллий онгини глобаллашувнинг ривожланиш даражаларига мос равишда тараққий қилдириш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга эришишдир.** Яъни, уларнинг онгида глобаллашув истиқболда кам тараққий қилган мамлакатлар ва уларда яшаётган миллатлар ва халқларни юксак тараққий қилган миллатларга ассиляция (қўшилиб) бўлиб кетадиган хатарли жараён эканлигини шакллантириш зарур бўлади. Айни пайтда, юксак тараққиётга эришган миллатлар ва халқлар-

нинг онгида ҳам ушбу жараёндан келиб чиққан ҳолда бугун кам тараққий қилган миллатлар ва халқлар билан тенг ҳамкорликни амалга оширишдан воз кечиб, бу объектив ҳолатни ҳисобга олмасдан, фақат ўз манфаатларини улар манфаатлари билан уйғун ривожланишига тўсқинлик қиладиган бўлса, истиқболда ўзларининг ҳам бошқаларга қарам бўлиб қолиш хавфи юзага келишини англатиш ҳам миллатлараро онгда зимдан шаклланаётган зиддиятларни бир қадар юмшатиш имконини беради. Бу масала бугунги кунга келиб шу даражада долзарблashedики, бир қатор тараққий қилган мамлакатларнинг, жумладан, Англия, Франция, Германия ва Россия каби мамлакатларнинг айрим давлат раҳбарлари даражасида ўзларининг титул миллатлари онгида мигрантларга нисбатан нафрат туйғуларини шакллантириш ва турли йўллар билан кам тараққий қилган мамлакатларнинг ресурсларига эгалик қилиш каби ўта жирканч сиёсатни сўз ва амалда очиқчасига олиб боришдан ўзларини тияётганлари йўқ (булар ҳақида юқорида манбалар асосида уларнинг фикрларини келтирган эдик). Бу ўта хатарли йўл бўлиб, зимдан шаклланиб келаётган зиддиятнинг катта кучга айланиб кетишига олиб келиши мумкин. Зеро, халқимиздаги «Қайтар дунё», «Емоқнинг қусмоғи ҳам бор», деган нақллар бугун тараққий қилган мамлакатларнинг глобаллашув имкониятларидан фақат ўзгаларни турли йўллар билан қарам қилишга қаратилган ҳаракатлари истиқболда ўзларига қарши «ишлаши» мумкинлигини англатишга хизмат қилади.

Учинчидан, глобаллашув миллатлар онгида ўзлигидан бегоналашувга ҳам таъсир ўткази бошлади. Бегоналашув деганда, у ёки бу миллат ва элат вакиллари-нинг ўз мероси, урф-одат, анъана ва қадриятларига нисбатан бефарқлик билан қараш, ундан узилиб қолиш маъноларини англатадиган тушунчадир. Бундай ҳолат ўз-ўзидан шаклланмайди, балки маълум объектив ёки субъектив сабаблар натижасида, хусусан, миллат ва-

килларининг ўзга тараққий қилган миллатлар ичига тушиб қолиши ва узоқ йиллар давомида 2 ёки 3 авлодининг улар билан яшаб қолиши оқибатида ёхуд у ёки бу миллатларнинг юксак тараққий қилган миллатлар томонидан мустамлакага айлантирилиб, ўзлигини сақлаб қолишга имкон қолдирмасдан, бир неча асрлар давомида уларга ёт турмуш тарзи, маънавият, урф-одат, анъана ва қадриятларни улар онгига сингдиришга қаратилган сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида содир бўлиши мумкин. Лекин бу ҳали миллат вакилларининг ўзлигидан батамом маҳрум бўлганлигини аниқламайди. Чунки инсонга у ёки бу миллат вакили эканлигини ҳис этиб яшаш Аллоҳ томонидан берилган буюк неъматлардан бири ҳисобланади. У инсоннинг маънавий кўргони, ўзга мавжудотлардан ажратиб турадиган улуғ бойлиги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам миллат вакилларининг бир неча авлодлари ўзга миллатлар ичида асрлар давомида яшаган бўлсалар ҳам ўз аجدодларига интилиб яшаганлигини миллатимиз вакиллари ҳаёти мисолида кўриб турибмиз. Яъни, миллатимиз вакиллари 100 йил, ҳатто ундан ортиқ давр давомида ўзга халқлар билан бирга яшашга мажбур бўлган бўлсалар-да, фарзандларига ўз миллатини, она Ватан руҳиятини сақлаб қолишни мерос қилиб қолдирганлар. Бугунги кунга келиб мамлакатимиз эришган мустақиллик шарофати ила ватандан узоқда, миллий маънавиятимиздан узилиб қолган миллатдошларимизнинг фарзандлари, нева-эваралари Ўзбекистонга келиб, унинг тупроғини юзларига суртиб, боболари ва оталари қабрларига бориб, унинг бир сиқимини олиб кетганлигининг гувоҳи бўлганимизда, инсоннинг ўз миллати ва ватанидан узоқ яшаши қанчалик фожиа эканлигига амин бўлдик. Бундай ҳаётини мисолни келтиришимизнинг боиси шуки, миллатидан бегоналашув у ёки бу миллатдан бутунлай узилиб қолишга олиб келмаслигини таъкидлашдир. Айниқса, зўрлик, куч ишлатиш, мажбурлов йўли билан миллат вакилини ўз

миллатидан бегоналаштириш амалга ошириладиган бўлса, у ўзининг акс садосини вақти келиб бериши аниқлиги миллатлар тараққиёти тажрибаларида ўзининг исботини топиб келмоқда.

Энди глобаллашувнинг миллатларнинг ўзлигидан бегоналашувига ўтказаетган таъсири масаласида ҳам фикр юритишга ҳаракат қиламиз. Хўш, бугунги кунда миллатларнинг ўзлигидан бегоналашувига кечаетган жараён охир-оқибатда миллий онгнинг батамом барбод бўлишига олиб келиши мумкинми?

Инсонга у ёки бу миллатга мансублигини англаш руҳиятини биронта сиёсий институтлар ёки жамоат ташкилотлари томонидан эмас, у дунёга келмасданоқ ота қони ва она сути, алласи ва бағридан олади, деган гояга асосланадиган бўлсак, бугун глобаллашувнинг миллатларни ўзлигидан бегоналашувига ўтказаетган таъсири охир-оқибатда миллатларнинг бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келмайди.

Шу билан бир қаторда, иккинчи ҳақиқат ҳам борки, у ҳам бўлса глобаллашув миллат маънавиятини емирмоқда, унинг ўрнига моддий ҳаёт кечириш омилини устувор даражага кўтармоқда. Бугун инсонлар онгида миллий ўзига хосликни асрашга қараганда «қаерда ҳаёт яхши бўлса, ўша жой ватан», унинг «нафасига», удумларига кўникишга бўлган мойилликнинг ривожланаётгани **бугунги ҳаёт кечириш тамойилига айланиб бормоқда**, дейишимиз мумкин. Агар бу жараённинг содир бўлаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, истиқболда миллатни асраб қолишга ҳеч ким кафолат бера олмайди. Онгда кўникишга бўлган мойилликнинг ортиб бориши кутилмаган натижаларга олиб келиши мумкин. Бунга қуйидаги бир мисолни келтириш мумкин. Собиқ Иттифоқ барбод бўлган дастлабки пайтда Россия аҳолисининг катта қисмини уни қайта тиклашга умидвор бўлганлар ташкил қилган. Улар бугунги кунга келиб, СССРнинг барбод бўлганлигига афсус билдирсалар-да, уни қайта

тиклаш тарафдорлари атиги 9%ни ташкил этар экан¹. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, СССРни қайта тиклашнинг ҳеч имконияти йўқлиги Россия аҳолиси онгида барқарор ўрин олди. Қандайдир кучлар уни тиклашга қанча ҳаракат қилмасинлар, барибир эски замонга қайтишнинг иложи йўқ, бунга ишонч ҳосил бўлди. Энди бунга кўникишдан бошқа чора қолмади. Бу кўникиш объектив реаллик асосида содир бўлмоқда.

Бугун глобаллашувнинг миллатларнинг ўзлигидан бегоналашувига ўтказётган таъсирининг ривожланиш тенденцияси шуни кўрсатмоқдаки, миллий онгнинг тобора саёзлашуви тўхтовсиз жараёнга айланса, бу истиқболда миллатларнинг барбод бўлишига олиб келиши мумкин, деган хавотирни юзага келтиради. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, глобаллашув миллий онгда ўзликдан бегоналашув руҳиятининг шаклланишига ўз таъсирини ўтказа бошлади. Бугун унинг таъсир ўтказиш жараёнлари ва натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, унинг таъсирига қарши тўсиқ қўйиш ёки унинг тизимида тенг қатнашиш имкони бўлмаётир, аксинча, у миллатни ўз домига тортиб, унинг маънавиятини смиришда давом этмоқда. Бунинг асосий сабаби эса, миллий онгнинг ривожланиши, уни моддий кучга айлантирадиган омилларнинг ривожланиш даражалари глобаллашув жараёнларининг тезлигидан орқада қолаётганлиги билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шуни ҳисобга олганда, бугун миллий онг тараққиётида глобаллашувни ҳаракатга келтираётган фан, техника ва технология ютуқларини ўзлаштириш, уларнинг тараққий қилишида тенглар ичида тенг қатнашишга эришишни миллатни асрашга масъулият руҳияти билан уйғун ҳолда миллий онгни ривожлантириш стратегик вазифа бўлиб қолмоқда.

¹ Қаранг: Аргументы и факты. №10, март 2011г.

МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДАГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Миллий ўзликни англаш тушунчаси, унинг функциялари, муаммо ва ечимлари, миллий тараққиётда тутган ўрни масалалари бир қатор асарларимизда таҳлил этилган¹. Шунини ҳисобга олиб, мазкур мавзуда бу тушунча мазмуни устида қисқа тўхталиб, эътиборни бугунги кунда миллий маънавиятга қарши қаратилган хавф-хатарларнинг кучайиши шароитида миллий ўзликни англашнинг ривожланиш ва унинг хусусиятларини таҳлил қилишга эътибор қаратамиз.

Авалло, шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, миллий ўзликни англаш тушунчаси, унинг ривожланиш ва миллат тараққиётида тутган ўрни масаласи собиқ шўро ҳукмронлиги барбод бўлгандан кейин, уни ташкил этган собиқ иттифоқдош республикаларнинг ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг илмий жиҳатдан ўрганиладиган энг долзарб мавзулардан бирига айланди. Бунинг камида тўртта сабаби бўлиб, улар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, собиқ шўро ҳукмронлиги шароитида «майда» миллатларни ўзаро қориштириб, катта «оға»га қўшиб, ягона совет халқини шакллантиришга қаратилган зўравонликка асосланган миллий сиёсатни амалга ошириш оқибатида уларнинг ўзлигини англашига ва ўз заминлари асосида ривожланишларига имконият қолдирилмаган эди. Айниқса, уларнинг онги ва қалбига «ягона» шўро маданиятини сингдиришга қаратилган амалиёт натижасида миллий маънавиятлардаги ўзига хосликнинг

¹ Қаранг: *Атамуратов С.* Национальное самосознание и интернациональное воспитание. — Т.: «Ўзбекистан», 1991; *Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш.* — Т.: «Янги аср авлоди», 2003 (Сарвар Отамуратов билан ҳамкорликда).

Миллий ривожланиш фалсафаси (сиёсий-фалсафий қирралари). — Т.: «Akademiya», 2005; *Глобаллашув ва миллат (сиёсий-фалсафий таҳлил).* — Т.: «Янги аср авлоди», 2008. ва бошқалар.

тобора хиралашиб бориши миллий ўзликни англашнинг ривожланишига катта тўсиқ вазифасини бажарди. Шўролар ҳукмронлиги шароитида миллий маънавиятнинг ривожланиши «эскидан» (миллий меросдан) воз кечиш асосида бир томонлама, ягона шўро маданиятини ривожлантириш устувор йўналиш сифатида амалга оширилди. Натижада, собиқ совет ҳудудида нафақат миллий маънавият қашшоқлашди, шунингдек, ундан бутунлай узилиб қолиш хавфи ҳам вужудга келди. Бу ердаги юзага келган асосий муаммо миллий ўзликни англашнинг ривожланиши учун зарур имкониятларни умумсайёравий тамаддун билан мувозанатда тараққий қилдириш билан боғлиқликда ўз ифодасини топди.

Иккинчидан, ҳали собиқ шўро ҳукмронлигининг сўнги йилларида бошланган демократик жараёнлар «майда» миллатлар онги ва қалбида йиллар давомида тузум сиёсатига нисбатан тўпланиб келган газаб, алам ва «мен»ликнинг юзага қалқиб чиқишини тезлаштириб юборди. Бунинг натижасида собиқ шўролар тизимидаги барча собиқ иттифоқдош республикалардаги титул миллатларнинг ўзлигини англаши, урф-одат, анъана ва қадриятларини тиклашга бўлган интилиши кучайиб борди. Бу эса собиқ шўролар ҳудудида миллатлараро зиддиятларни вужудга келтириб, бир қатор собиқ иттифоқдош республикаларда бегуноҳ инсонларнинг қурбон бўлишига бўлган ҳолатни юзага келтирди. Табиийки, шўро ҳукмронлиги шароитида «бир тан» — «бир жон» бўлиб яшаб келаётган «ягона» совет халқи ичида ўзаро ишонч барҳам топди, титул бўлмаган миллатлар билан титул миллатлар ўртасида зиддиятлар ошганидан ошиб борди. Титул бўлмаган миллатларнинг ўзлари яшаётган ҳудудларда эртанги кун учун ҳадиксираш, иккиланиш ва ишончсизлик руҳияти вужудга келди. Бу жараён назарияда ва амалиётда миллатларни зўравонлик билан қўшиб юборишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар (сиёсат) охир-оқибатда катта фожиаларга олиб келиши мумкинлигини тасдиқлади. Бундан келиб чиққан асосий муам-

мо — бугун жаҳондаги барча мамлакатларнинг кўп миллатлилигини ҳисобга олиб, ҳар қандай шароитда ҳам уларнинг ўзаро баҳамжиҳат яшашларини таъминловчи механизмларни ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлиб қолди. Собиқ шўро ҳукмронлиги даврида миллий муносабатларда вужудга келган муаммолар шуни кўрсатдики, кўп миллатли мамлакатларда миллатларнинг тенг ҳуқуқлигини назарий жиҳатдан эмас, балки амалий жиҳатдан таъминлаш ва уларнинг ўзаро муносабатларида руҳий яқинлик, бағрикенглик, ягона замин ва Ватан туйғуларини шакллантириш ўта муҳим вазифа ҳисобланади. Бунинг учун эса, энг аввало, ҳар бир миллатнинг эркин ривожланиш ҳуқуқини таъминлаш амалий аҳамиятга эга бўлади.

Учинчидан, бугун жаҳонда глобаллашув жараёни кетмоқда. Унинг таъсирида янги қадриятлар ҳам шаклланмоқда. Айниқса, унинг таъсирида ер куррасининг фан, техника ва технология соҳасида яратилган барча янги ютуқлари шиддат билан бутун инсониятнинг мулкига айланмоқда. Бу, ўз навбатида, жаҳон халқларининг ўзаро интеграциялашиб боришига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Глобаллашув жараёнининг мамлакатлар ва халқлар тараққиётига ижобий ва салбий таъсирлари ҳақида китобимизнинг олдинги қисмида батафсил тўхталиб ўтганимизни ҳисобга олиб, бу ерда асосий эътиборни унинг катта имкониятларидан фойдаланиш борасида тараққий қилган мамлакатлар ўртасида юзага келган қарама-қаршилиқлар ва унинг оқибатида энди тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар ҳамда уларда яшаётган миллатлар маънавиятларида юзага келаётган ўзига хосликнинг саёзлашиб бораётганлиги масаласи устида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Ҳақиқатан ҳам, глобаллашув авж олиши шароитида икки манзарани: **бир томондан**, юқорида таъкидланганидек, унинг умуминсоний интеллектуал салоҳиятнинг маҳсули сифатида умумий тараққиёт учун ижобий омил

сифатида намоён бўлаётган бўлса, **иккинчи томондан**, тараққий қилган мамлакатларнинг энди тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар ва уларда яшаётган халқларни турли маккорона восита, услублар билан кўпроқ қарам қилиш, айниқса, уларнинг ер усти ва ости бойликларини эгаллаш борасида курашнинг авж олаётганлигини кўриш мумкин. Мана шундай шароитда энди тараққиёт йўлига кираётган миллатлар ва халқларнинг ўзлигини англашининг ривожини ҳеч бир давлатнинг таъсирига тушиб қолмаслик, мустақил тараққиёт йўлидан боришни таъминловчи омилга айланиши лозимлигини кўрсатмоқда. Бундай шароитда миллий ўзликни англашнинг ривожини ҳар қандай муносабатларда тенглик, ўзаро манфаатдорлик тамойилининг амал қилишига хизмат қилиши муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бу жараённинг сиёсий фалсафаси шундаки, глобаллашувдан бирорта миллат ва халқнинг четда туришининг имконияти бўлмаганлигини ҳисобга олиб, уларнинг энди тараққиёт йўлига кирганларида кимларнингдир «беғараз» ёрдами эвазига тараққий қилишни эмас, балки барча ички имкониятларини юзага чиқариш асосида ана шу жараёнда тенг қатнашишга интилиши миллий ўзликни англаш ривожининг бош йўналишига айланишини амалиётга татбиқ қила билишлари лозим. Бу жараёндаги муаммо, бир томондан, тараққий қилган мамлакатларнинг «ниманингдир эвазига нимадир бериш» га бўлган амалиёти билан тараққиёт йўлига кирган мамлакатларнинг «ким нимадир кўпроқ «берса», шу билан дўст бўлиш»га интилиш руҳияти ўртасида юзага келаятган муносабатлардан қанчалик огоҳ бўлиш миллий ўзликни англашда намоён бўлиши билан боғлиқ. Агар бу жараёнда ўзаро муносабатлардаги ўзаро тенглик тамойили амал қилмасдан, миллатнинг ўзлигини англаши ривожининг йўналишида ташқи таъсирга («ёрдамга») мойиллиги ошиб борадиган бўлса, глобаллашув жараён сифатида кўплаб «майда» миллатларнинг «йирик»ларига қўшилиб кетишига олиб келади. Миллатларнинг қарамлик ҳолатига тушиб қолиши ва ундан озод бўли-

ши қанчалик мураккаб бўлган бўлса, глобаллашув жараёни ҳам кўплаб миллатлар ва халқларни ўз домига тортиб, уларнинг ўзлигини тўла англашга улгурмасданоқ ўзгаларга «ем» бўлиб кетишига олиб келади. Худди ана шу жараён юзага келмаслигининг имкониятларини излаб топишга бўлган зарурият ҳам миллий ўзликни англашнинг ривожланишининг бугунги ва истиқболдаги ҳолатларини ўрганишни тақозо қилмоқда.

Тўртинчидан, маълумки, миллий маънавият дин билан уйғун ҳолда ривожланиб келган. Дин унинг таркибий қисмини ташкил этган. Уларнинг ўзаро уйғунлиги миллатнинг ботиний салоҳиятининг ривожланишига таъсир ўтказган. Шунинг учун ҳам миллий ўзликни англашнинг ривожланиши диний қадриятлар билан уйғун ҳолатда кечади. Улар ўртасидаги уйғунлик мувозанати бузилса, бирининг иккинчисидан устуворлиги юзага келиб, миллий ёки диний бирёқла-малikka олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда **айрим мамлакатларда миллий онгни ривожлантиришда** дин омилидан фойдаланишга ҳаракатлар, яъни динни асосий ғоя сифатида боғча, мактаб, таълимнинг бошқа барча тизимига, шунингдек, армияга олиб кириш амалиёти юзага келганлигини кўриш мумкин. Яна ҳам аниқроғи, миллий ғоядан диний ғояларнинг устунлигини таъминлашга қаратилган ҳаракатлар юзага келмоқда. Бундай ҳолатда, юмшоқроқ қилиб айтганда, миллий ғояларнинг динга нисбатан «заиф»лашиб бориш элементлари кўзга ташланмоқда. Бу эса истиқболда миллатларнинг ўзлигини англашга қараганда диний ўзлигини англашлари устувор даражада кўтарилишига олиб келиши мумкин. Кўп конфессияли шароитда улар ўртасида зиддиятлар миллатлараро муносабатларга қараганда ҳам кучлироқ зиддиятларга, даҳшатлироқ оқибатларга олиб келиши мумкин ва бу охир-оқибатда, бутун давлатнинг, ҳатто инсоният бугун эришган тамаддуннинг ҳам барбод бўлишига олиб келиши мумкин. Шу маънода бугунги кунда **миллий ўзликни англашнинг ривож жараёнини комплекс ўрга-**

нишда миллий ва диний қадриятларни уйғунлаштирувчи, уларнинг ўзаро мувозанатини таъминловчи омилларни излаб топиш ва уларни амалиётга татбиқ қилиш тақозо этилмоқда. Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, бу — миллий ўзликни англашнинг ривожланишидаги жуда мураккаб ва жиддий муаммо ҳисобланади.

Шу жиҳатдан қараганда, «миллий ўзликни англаш» тушунчасига ва унинг ривожланиш жараёнига янгича ва кенгроқ қараш лозим бўлмоқда.

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, миллий ўзликни англаш собиқ шўро ҳукмронлиги шароитида унинг ҳудудида мустақил илмий тадқиқот сифатида ўрганилмасдан келган эди. Бунинг асосий сабаби, собиқ марказ томондан Иттифоқда яшаган миллатларнинг ўзлигини англаш жараёнини кучли назоратда ушлаб туриш ва уларнинг ҳар қандай миллий уйғонишига қарши аёвсиз куч ишлатиш йўли билан уни бостиришга қаратилган сиёсатнинг олиб борилгани эди. Бу «ташқаридан» қараганда, миллий тараққиётда муаммонинг «йўқлиги»ни амалиётда тасдиқлаш эди. Айни пайтда ўша даврда миллат ва у билан боғлиқ муаммолар ҳақида собиқ иттифоқдош республикалардаги тадқиқотчиларнинг илмий изланишларни олиб бориши уларнинг ўзларига ҳам катта муаммоларни келтириб чиқариши мумкин эди. Уларга миллий ўзликни англашнинг ўсиши ва бу жараёнда мавжуд муаммолар ҳақида ёзадиган бўлса, «миллатчи» тамғаси босилиб, тегишли жазоларга маҳкум этилар эди. Собиқ Иттифоқдаги, шунингдек, Ўзбекистондаги тадқиқотчилар миллат ҳақида фақат ижобий жиҳатларга, яъни мавжуд тузумнинг собиқ «қолоқ» миллатларнинг гуллаб-яшнаши борасидаги олиб бораётган сиёсатини кўкларга кўтариш, миллий тараққиёт ва миллатлараро муносабатларда мавжуд барча муаммоларнинг «ҳал» этилганлиги ва уларнинг ўзаро яқинлашиб, «ягона» совет халқи сифатида шаклланганлиги ҳақида «тадқиқотлар» олиб бориши давлатнинг ядроси бўлган

КПССнинг барча қарорларида белгилаб қўйилган эди. Унга амал қилмаганлар эса юқорида таъкидлаганимиздек, «миллатчи» ёки тузумнинг душмани сифатида жазога мубтало қилинар эди.

Бунга мисол қилиб, Туркистонда XIX асрнинг охири XX аср бошларида шаклланган жадидчилик ҳаракати ва уларнинг миллатимизни «уйғотиш»га қаратилган фаолияти ҳамда фожиали тақдирини келтиришимиз мумкин.

Уларнинг миллатимиз маърифатини кўтариш йўли билан ўлка мустақиллигини қўлга киритишга қаратилган миллатпарварлик ва ватанпарварлик фаолиятини чуқур ўрганган марҳум жадидшунос, таниқли олим Бегали Қосимов шундай ёзган эди: «Жадидчиликнинг моҳиятини Миллат ва Ватанни англашдан, улар манфаати учун курашишгача бўлган қизғин ва ҳаяжонли жараён ташкил қилади. Айти пайтда бу ҳаракат миллатни ҳам тарбиялаб борди. Уни ўз бошига ёғилган ҳар бир офатни тақдир деб таъбир этишдан таҳлил қилиб, чорасини излай олиш даражасигача кўтарди»¹.

Жадидларнинг маърифатчилик ҳаракатининг миллий мустақиллик учун кураш даражасига ўсиб бориш жараёни тадқиқотчи Ғайратжон Холматов изланишларида ҳам ўз аксини топди. Унинг илмий ишида кўрсатилишича, жадидлар миллатимиз ичидан ўсиб чиққан фидойи инсонлар бўлиб, миллатимизга ўзлигини англатиш, ўз ҳуқуқ ва эркинликлари учун курашга, Ватанимизнинг мустақиллиги йўлида ягона куч бўлиб бирлашишига чорлаган миллатпарвар эдилар. Маърифатпарварлар аввал чоризм, кейинчалик эса шўро зўравонлари томонидан қаттиқ жазоланди. Бу жараён ҳаракати намояндаларини жисмонан йўқ қилиш то Иккинчи жаҳон уруши бошлангунга қадар давом этиб келганлиги ҳақида тари-

¹ Қосимов Б. Миллий уйғониш: Жасорат, маърифат, фидойилик. — Т.: «Маънавият», 2002. 4-б.

хий маълумотлар сақланиб келган. Машъум қатағонлар XX аср 30-йилларининг ўрталарида энг юқори поғонага кўтарилган. Шўролар жадидларни йўқ қилиш билан миллатимизнинг руҳини синдирмоқчи бўлган, уни ўз заминларидан маҳрум этиб, абадулабад ўзлигини анг-ла-масликка маҳкум этмоқчи бўлган эдилар. Улар бунга эриша олмадилар. Чунки жадидларнинг ҳаёти фожиа билан тугаган бўлса ҳам, улар ёққан миллий уйғониш чироғи ўчмади, аксинча, у зимдан бўлса ҳам миллатимизнинг онги ва қалбида ўз заминларига таяниб яшашга ҳамда ўзлигидан маҳрум бўлмасликка даъват этиб келди. Шўролар томонидан миллатимизнинг ўзлигини англашга қарши қаратилган ана шу зўравонлик сиёсати улар ҳукмронлик қилган даврда маълум даражада миллий ўзликни англашнинг ўсиши жараёнининг бир қадар секинлашувига олиб келди дейишимиз мумкин.

Бу ерда яна собиқ Иттифоқ мавжудлиги ва собиқ марказ томонидан миллатларга нисбатан олиб борган сиёсати нафақат бу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш, шу билан бирга миллатларнинг ўз заминларидан узилиб қолиш хавфини ҳам юзага келтирган эди. Собиқ Иттифоқнинг барбод бўлиши, уни ташкил этган иттифоқдош республикалардаги титул миллатларнинг ўзлигини англашга бўлган интилиши тажрибалари шунини кўрсатдики, агар миллатнинг замини чуқур ва бой бўладиган бўлса, уни ўзлигидан батамом маҳрум этиш ўта мураккаб ва айни пайтда мумкин ҳам эмас экан. Миллий ўзликни англашнинг ўсишига қарши қанчалик аёвсиз кураш олиб бориш экан, бу жараён вақтинча очик эмас, балки зимдан шу даражада пинҳона ривожланиши мумкинлигини миллатимизнинг тараққиёт жараёни тасдиқлади. Бу жараённи илмий жиҳатдан ўрганиш, объектив таҳлил қилиш имконияти фақат мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейингина юзага келди.

Бугунги кунга келиб бу соҳада бир қатор тадқиқотчилар самарали фаолият олиб бормоқдалар. Шу билан

бирга ҳали бу масалани ўрганиш борасида катта вази-
фалар турганлигини ҳам таъкидлаш лозим бўлади. Чун-
ки миллат мавжудлиги шароитида миллий ўзликни
англашнинг ўсиши жараёнини ўрганишга эҳтиёж сақла-
ниб қолади. Миллат эса инсонийликнинг кўрки сифа-
тида ривожланади ва даврлар қаърида такомиллашиб
бораверади. Шундай экан, миллий ўзликни англашни
ўрганишдаги яна бир муаммо, уни давр нуқтаи наза-
ридан, миллат тараққиёти олдида пайдо бўладиган
янги давр муаммолари кўлами жиҳатидан изчиллик
билан ўрганишга боғлиқдир. Ана шу эҳтиёжлардан ке-
либ чиққан ҳолда миллий ўзликни англаш тушунчаси
ҳақида олдинги эълон қилинган китобларда ўз фикр-
ларимизни илгари сурганлигимизни ҳисобга олган
ҳолда, бу ерда қисқароқ тўхталиб, асосий эътибори-
мизни юқорида таъкидланган масалаларга қаратишга
ҳаракат қиламиз.

Миллий ўзликни англаш миллатга тааллуқли бўлиб,
унинг шаклланиши такомиллашувининг меваси ҳисоб-
ланади. Бу кучга туртки берадиган асосий омил, энг
аввало, инсон онгининг ривожланиши ва ўзлигини
англаши ҳамда уларнинг заминида миллий онгининг
шаклланишидир. Чунки миллат инсонсиз мавжуд
бўлмаганидек, миллий ўзликни англаш ҳам инсон ва
унинг онгининг ўсишисиз шакллана олмайди. Инсон
онги унинг миллий ўзлигини англашни моддий кучга
айлантирадиган энг асосий замин ва манба. У инсон-
дан «ташқарида» ва унинг онгисиз шаклланмайди,
балки уни инсон шакллантиради ва унга ҳаёт бахш
этади. Айни пайтда, инсоннинг ўзи ҳам у орқали бар-
камолликнинг муҳим мезони сифатида такомиллашиб
бораверади. Шу маънода инсоннинг ўзини ўзи англа-
ши қанчалик мураккаб бўлса, миллий ўзликни ан-
лашнинг жараён сифатидаги моҳиятини англаш, уни
миллатлараро барқарорлик омилига айлантириш ҳам
шу даражада мураккаблигича давом этаверади.

Миллий ўзликни англашнинг қарор топиши ижти-
мой тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланиши би-

лан бирга, у жамиятнинг янгилашиб боришига ва миллат эҳтиёжларининг кучайиб боришини таъминлайди. Айти пайтда, у жамиятдаги «оғриқ» жойларнинг юзага чиқишига олиб келишида ҳам устувор омилга айланиши мумкин. Жамиятдаги «оғриқ» жойлар деганимизда, энг аввало, мамлакат аҳолисининг полиэтник ҳолатида у ёки бу миллатнинг камситилиши, маънавий эҳтиёжларининг эътибордан четда қолиши, ор-номус, гурурига нисбатан ҳурматсизликнинг юзага келиши туфайли жамиятда содир бўладиган беқарорлик, миллатлараро зиддиятлар назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, бу жараёни фақат ўтмиш ва бугун билан чеклаш ҳам унинг маъно-мазмунини ва мақомини ўзида тўлиқ ифода эттирмайди. Чунки миллат мавжудлигининг истиқбол олдида турган муаммо ва вазифаларни ҳал этишга ҳам боғлиқ бўлади. Чунки миллат ҳам инсоннинг маҳсули сифатида «тирик» бўлиб, унинг эҳтиёжи давр тараққиётига мос равишда ўсиб боради. Ана шуларга асосланиб, миллий ўзликни англашга қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Ҳар бир миллат (элат)нинг ўзини реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, кадриятлар ва давлатга мансублиги, манфаатлар, эҳтиёжлар ва истиқбол вазифаларининг умумийлигини тушуниб етиши миллий ўз-ўзини англаш дейилади.

Мазкур таърифнинг илгари эълон қилинган асарларимиздан фарқли томони шундаки, унда миллатнинг авж олаётган глобаллашувнинг ўтказётган салбий таъсиридан ҳимояланиш борасида юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечимларини топиш билан боғлиқ вазифалар мустақил омил сифатида кўрсатилган. Тўғри, уни манфаатлар ва эҳтиёжларни тушуниб етиш билан ҳам боғлиқ деб қараш мумкин. Аммо унда бугун миллатнинг глобаллашув жараёни билан боғлиқ кенг кўламда юзага келган ва келаётган вазифаларининг ўрни сояда қолиши мумкин. Зеро, глобаллашувнинг

авж олиши шароитида миллатнинг мақсадлар ва эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишининг ўзи етарли бўлмайди, балки ўзини унинг таъсиридан ҳимоя қилиш учун қандай амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиши, уларни қайси «механизмлар» воситасида реал ҳаётга татбиқ қилиш мумкинлиги борасида юзага келаётган янги вазифаларни тушуниб етишини ҳам талаб қилмоқда.

Миллий ўз-ўзини англаш миллат шаклланишининг маълум нисбий юқори босқичи ҳисобланади. Бу унинг ўзига хос бўлган урф-одат, анъаналар, қадриятларнинг шаклланиши асосида маълум ҳудуддаги давлат атрофига бирлашуви натижасида содир бўлади.

Аммо, ҳали бу том маънода миллатнинг ўз-ўзини англаганлигини билдирмайди, балки улар билан бир қаторда манфаатлар, эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етиш ҳамда уларни биргаликда ҳимоя қилиш зарурлигини ҳам англаб етиши лозим бўлади. Чунки миллат вакиллари ўртасида моддий ва маънавий тараққиёт даражаларининг турли-туманлиги, яъни бир қисмда бу юқори, иккинчи қисмда эса паст бўлиши уларнинг ягона субъект сифатида бирлашувига тўсиқ бўлиши мумкин. Бундай шароитда миллатнинг урф-одат, анъана ва қадриятларини асраш манфаати ҳамда унинг тараққиётда ўзга миллатлардан орқада қолмаслиги учун ҳаракат қилиш эҳтиёжи **миллат вакиллари**ни моддий ва маънавий тараққиёт даражаларидан қатъи назар, **ўзаро бирлашувига олиб келади**. Яъни, миллат вакиллари ким бўлишидан ва моддий шароитларининг даражаларидан қатъи назар, умуммиллий манфаат ҳамда эҳтиёжларини тор доирадаги хусусий манфаат ва эҳтиёжлардан устун қўя билиши миллий ўзликни англаш ривожининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Миллий ўзликни англаш миллий онг билан боғлиқ бўлади, лекин улар бир маънони англаувчи тушунчалар эмас. Улар ўртасида маълум фарқлар мавжуд. Миллий онг ҳар бир миллатнинг ягона тил, урф-одат,

анъаналари, қадриятлари ва маънавияти ривожининг инъикоси сифатида намоён бўлади. Яъни, улар миллий онг шаклланиши натижасида ривожланади ва такомиллашиб боради. Айни пайтда миллий онгнинг ўзи ҳам ана шу омиллардан баҳра олиб такомиллашади. Миллатнинг ўз-ўзини англаши эса, ана шу омилларни ташқи салбий таъсирлардан ҳимоя этиш ва миллий тараққиёт эҳтиёжининг юзага келиши натижасида миллий онгга таянган ҳолда шаклланади. Миллий онгнинг ривожланиб бориши ҳар бир миллатни ўз-ўзини англаш даражасига кўтаради. Миллий онг миллатнинг ўзига хослиги асосида ривожланиб боришидаги кўрсаткич бўлса, миллий ўз-ўзини англаши манфаатларни ҳимоя қилишни ҳаракатга келтирувчи маънавий-руҳий салоҳиятдир. Уларнинг ўзаро уйғунликда ривожланиб боришигина миллатни тараққиётга олиб келади. Айни пайтда, миллий онг ҳар доим жараён сифатида пастдан юқорига томон ривожланади ва шаклланиб боради. Бунинг кўриниши урф-одат, анъана, қадриятлар тараққиётида ва такомиллашувида ўз ифодасини топади. Миллий ўзликни англашнинг тараққиёти эса икки ҳолатда ўзининг бўй-бастини кўрсатади. Яъни, бир томондан, миллий ўз-ўзини англаш реал моддий куч сифатида миллат шаъни, қадр-қиммати, ор-номуси, обрў-эътибори ташқи кучлар томонидан поймол этилганда, иккинчи томондан эса, унинг моддий ва маънавий манфаатларига зид бўлган зўравонлик ҳаракатларининг юзага келиши оқибатида намоён бўлади. Шаъни, қадр-қиммати, ор-номуси, обрў-эътибори ва манфаатлари поймол этилган миллат вакиллари қайси лавозимда хизмат қилиши, бой ёки камбағал бўлишидан қатъи назар, ягона умумий куч бўлиб бирлашади ва ўзлигини ҳимоя қилади. Худди мана шу жараёнда, китобимизнинг олдинги қисмида таъкидлаганимиздек, инсоннинг миллат вакили сифатидаги мақоми ишлайди. Инсонга хос бўлган шаън, қадр-қиммат, ор-номус, обрў-эътибор ва манфаатлар миллатга «кўчади» ва унда

Ўз ифодасини топади. Шу тариқа шаъни, қадр-қиммати, ор-номуси, обрӯ-эътибори ва манфаатлари поймол этилган миллат вакиллари қайси лавозимда хизмат қилиши, бой ёки камбағал бўлишидан қатъи назар, ягона умумий куч бўлиб бирлашади ва миллатнинг «мен»лигини ўзида ифода эттирувчи ана шу улуг қадриятларини ҳимоя қилади. Ана шу жараёнда миллий ўзликни англаш моддий куч даражасида намоён бўлади.

Шунингдек, бу ҳолатда миллий ўзликни англаш моддий куч сифатида миллат «мен»лигини ҳимоя қилишда уни нафақат бирлаштирувчи, уюштирувчи, айти пайтда уни ҳаракатга келтирувчи кучга айланади. Яъни, миллий ўзлигини англаш фақат миллатнинг «мен»лигига ва манфаатларини ҳимоя қилувчи моддий куч бўлибгина қолмасдан, балки унинг тараққиёти билан боғлиқ бўлган муаммолар юзага келган шароитда уни ҳал қилиш учун уни бирлаштиради ва ҳаракатга келтиради. Бу жараён маълум ишлаб чиқиладиган дастурлар асосида бўлмаслиги мумкин. Миллий ўзликни англашнинг маънавий-маърифий қудрати шундаки, у миллат шахслари (вакиллари)нинг ички руҳий салоҳиятини уйғотади ва уларни табиий равишда ўзаро бирлашувга ва ҳаракатга чорлайди. Шунинг учун ҳам миллий ўзликни англашни қандайдир қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш йўли билан бир дақиқада сунъий ривожлантириб бўлмайди, балки у миллий тараққиётнинг объектив қонуниятлари асосида содир бўлади. Қонун ва меъёрий ҳужжатлар эса миллий ўзликни англаш ривожланишига шарт-шароит яратади ва улар миллий тараққиётнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади. Улар нафақат титул миллатлар, шунингдек, улар билан ёнма-ён яшаётган миллат ва элатлар вакиллари билан манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Яъни, бу ерда гап миллий ўзликни англашнинг миллат вакиллари онги, ички маънавий-руҳий салоҳияти билан боғлиқлиги ҳақида бормоқда.

Албатта, бу миллий ўзликни англашнинг ўсиши ва такомиллашиб боришида давлат олиб борадиган сиёсатнинг етакчилик ўрни йўқ дегани эмас. Аксинча, миллий тараққиётда давлатнинг олиб борадиган миллий сиёсати муҳим аҳамиятга эга бўлади. У миллий ўзликни англаш жараёнларини ҳам ўзаро мувофиқлаштириб турувчи институт ҳисобланади. Унинг бу жараёни ўз вақтида англаб ола билмаслиги эса миллатлараро зиддиятларнинг келиб чиқишига ва жамиятда беқарорликнинг юзага келишига олиб келади. Ана шу маънода ҳам миллий ўзликни англаш маълум даражада давлат фаолиятидан мустақил ҳолатда ҳам кечади. Зеро, инсоннинг ички дунёси ўзига хос қарашларининг даражаларини аниқлаш ўта мураккаб жараён бўлганидек, реал инсонлар уюшмасидан иборат бўлган миллатнинг ўзлигини англаш даражаларини аниқлаш ҳам мураккаб аммо ҳисобланади. Айниқса, миллий тараққиётта ташқи салбий таъсирнинг минимал ҳолатида бу жараёнга аниқ ташхис қўйиш жуда мураккаб ҳисобланади. Аммо миллат мустақил субъект сифатида мавжуд бўлишининг асосий кўрсаткичи унинг ўзлигини англаши, ўзининг «мен»лигини ҳимоя қила билиши ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у ҳар қандай миллат учун етакчи белги ҳисобланади. У миллатнинг маънавий-руҳий салоҳияти сифатидаги мақоми билан миллатни моддий кучга айлантирадиган белгиларнинг етакчиларидан бирини ташкил қилади. Усиз миллатни тўлақонли борлиқ сифатида тасаввур этиб ҳам бўлмайди.

Демак, миллий ўзликни англаш ўзининг ана шу ўта муҳим салоҳияти билан *миллатнинг юраги, қалби, томирларида оқадиган қони ва гавдасини тик ушлаб турувчи жонидир. У аввало инсонга, инсондан миллатга Аллоҳ томонидан инъом этилган илоҳий-руҳий қувватдир.* Шунинг учун ҳам ўзлигини англашдан тўхтаган ёки ундан маҳрум бўлган ҳар қандай миллат маънан ўлимга маҳкумдир. Маънан ўлган миллат эса жисмонан ҳам ўлиб, оломонга айланади.

Миллий ўзликни англаш миллат тараққиётига хизмат қилувчи бир қатор функцияларни бажаради. Жумладан, баҳолаш ва даъват этиш, меъерий мувофиқлаштириш (россиялик олим Б.А. Шувалов фикри), мослашув, ҳимоя қилиш, ўз-ўзини назорат қилиш ва масъуллик таъсири (россиялик олим К.Н. Хабибулин фикри) функциялари мавжудлиги ва уларнинг амал қилишини ҳам таъкидлаш лозим бўлади. Келтирилаётган ана шу функциялар миллий тараққиёт олдида турган вазифалар ва юзага келадиган муаммоларнинг йўналиши, даражалари, таъсир ўтказиш имкониятларига қараб ишлайди. Шу нуқтаи назардан келиб чиққанда, шаклланиш ва ишлаш даражалари ҳам миллий тараққиёт даражалари билан боғлиқ ҳолда кечади. Жумладан, миллат ҳам бошқа омиллар каби реал моддий кучга айлангунга қадар шаклланиш, ривожланиш, камолот ва такомиллашув босқичларини кечиради. Функцияларнинг амал қилиши ана шу жараёнларда мавжуд бўладиган муаммолар занжиридаги асосий муаммони ҳал қилиш эҳтиёжидан келиб чиқади. Масалан, миллатнинг қарамлиги шароитида ундан озод бўлишини баҳолаш, даъват этиш, масъуллик, бирлаштириш, мақсадга йўналтирувчи, ҳаракатга келтирувчи функциялари устувор даражада ишлайди. Миллат ўз мустақиллигини қўлга киритган шароитда ҳам улар амал қилган ҳолда, миллий тикланишни амалга оширишга хизмат қилувчи тарбиявий функцияси устувор даражага кўтарилади. Шунини ҳисобга олиб, асосий эътиборни глобаллашув шароитида миллий ўзликни англашнинг ҳолатини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Миллий тараққиёт даражалари таҳлили шуни кўрса-тадики, миллий тараққиётнинг «тинч» кечиши, унга ташқаридан ўз таъсирини ўтказишга қаратилган кучларнинг хавфи бўлмаганда ташқи салбий таъсирларга жавоб сифатида юзага чиқиб, миллатни ҳаракатга келтиришга хизмат қилувчи ривожланиш бўлиб қолмай, балки

ўзининг эҳтиёжларига мос табиий равишда тараққий топади.

Миллий ўзликни англашнинг ривожланишини уларнинг миллатни ҳаракатга келтириш даражаларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор босқичлар ва даража кўрсаткичларига бўлиш мумкин. Фикримизча, улар куйидагилардан иборат: миллатнинг шаклланиш жараёни; қарамликка тушиб қолган ҳолати; мустақилликни қўлга киритиши; мустақиллик шароитидаги тикланиш; миллий тараққиёт учун объектив зарурият бўлган бозор муносабатларига ўтиш ва ниҳоят, жаҳоннинг глобллашуви ҳамда унинг миллий тараққиётга ўтказадиган таъсири билан боғлиқ босқичларга ажратиш мумкин. Миллий ўзликни англаш ривожи мазкур олтига босқичда турли даражада намоён бўлади.

Биринчи босқич. Миллатнинг шаклланиши билан боғлиқ бўлиб, у энг кўп даврни ўз ичига олганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Чунки миллатнинг ўзи узоқ тарихий босқичда шаклланади. Айрим ҳолларда шаклланиш даражасига етмасдан, қарамлик ҳолатларига тушиб қолиши ҳам мумкин. Бу даврнинг характерли хусусияти шундаки, миллий ўзликни англашнинг ривожланиши нисбатан «тинч» кечади. Чунки бу даврда миллат ўз бошидан шаклланиш жараёнини кечиради. У ҳали ягона куч сифатида ўз «мен»лигини тўла намоён этиш даражасига кўтарила олмайди. Бундан ташқари, ана шу босқичда миллатнинг ташқи кучларга қарам бўлиши ёки унинг таъсирига тушиб қолиш ҳолати юзага келадиган бўлса, миллий ўзликни англашнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичи ҳам узоқ чўзилиши мумкин бўлади.

Биринчи босқичдаги миллий ўзликни англашнинг яна бир характерли жиҳати шундаки, у кейинги босқич учун замин тайёрлайди. Яъни, миллат худди мана шу даврда ўзининг истиқболи учун зарур бўладиган нафақат моддий бойликлар, шунингдек, маънавий бойликларни ҳам яратади. Уларнинг қай даражада яратилиши миллат тараққиётининг истиқболини белгилаб беради. Агар мил-

лат моддий бойликлар билан бир қаторда, мустаҳкам маънавий бойликларни ҳам яратишга эриша олса, унинг истиқболи порлоқ бўлади. У, ҳатто ўз бошидан босқинчилик ва қарамлик каби фожиали азобларни ўтказадиган бўлса ҳам, ана шу яратилган моддий ва маънавий замин ўзликни англашнинг манбаи сифатида миллатни уйғотади ва мустақиллик учун кураш йўлида ҳаракатга келтиради.

Агар миллат мустаҳкам моддий ва маънавий заминни яратишга улгурмаса, у ҳолда миллат даражасида шаклланмасданоқ, ўзга миллатларга қўшилиб (ассимиляциялашиб) кетади. Шунинг учун ҳам заминни мустаҳкам қилиш миллат истиқболининг муҳим шарти ҳисобланади.

Миллий ўзликни англаш ривожининг **иккинчи босқичи** миллатнинг қарамлик ҳолатига тушиб қолиш даври билан боғлиқ. Аслида дунёдаги аксарият кўпчилик миллатлар бу ҳолатни ўз бошидан кечирганлар. Бундай вазият бир қатор субъектив ва объектив сабаблар билан боғлиқ бўлишидан қатъи назар, биринчидан, миллатнинг мустақил субъект сифатида шаклланиш жараёнининг узоқ чўзилишига олиб келади, ҳатто айрим ҳолларда миллат ўзлигини тўла англаб етишга улгурмасдан кучли миллатларга сингиб (ассимиляция) кетиши ҳам мумкин; иккинчидан, агар миллат ўзининг моддий ва маънавий заминини мустаҳкам яратишга улгурган бўлса, миллий ўзликни англашнинг зимдан ривожланиш жараёни кечади. Худди ана шу жараён миллатнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши учун ягона куч бўлиб бирлашувига олиб келади. Миллий мустақиллик учун кураш даври миллий ўзликни англаш тараққиётининг энг фаол даражаси ҳисобланади. Чунки миллат ўз мустақиллигини қўлга киритмасдан тараққиётга эриша олмаслигини ва ўзга тараққий қилган ёки қарамликка айланган мустамлака миллатларга «қўшилиб» кетишини англаб етади ва янги куч бўлиб бирлашади. Бу бирлашув кимларнингдир кўрсатмаси билан эмас, балки табиий кеча-

ди. Яна ҳам аниқроғи, у миллий ўзликни англаш ривожининг қудрати сифатида намоён бўлади. Хуллас, миллий ўзликни англаш миллатнинг ўз мустақиллигини қўлга киритишининг асосий омили даражасига кўтарилади ва миллат шу тариқа қарамликдан қутулиб, ўз мустақиллигини қўлга киритади.

Учинчи босқич миллатнинг ўз мустақиллигини қўлга киритган ва мустақил тараққиётга кириши даври билан боғлиқ. Бу босқичнинг характерли томони шундаки, унда: а) миллий ўзликни англаш қарамлик шароитида поймол этилган миллий тил, урф-одат, анъана ва қадриятларни тиклашга; б) ғурур, ифтихор, ор-номус ва манфаатларини улуғлашга; в) тенглар ичида тенг бўлишга эришиш асосий мақсадга айланади. Бу даврда миллий ўзликни англашдаги кўтаринкилик кайфияти мустақиллик учун кураш шароитидан кам бўлмайди, балки у янги поғонага кўтарилади. Чунки бу даврда қарамлик ҳолатида юзага келган миллий-маънавий заминга **чанқоқликнинг ўрнини тўлғазиш жараёни кечади**. Миллий тикланиш тажрибалари кўрсатмоқдаки, миллий-маънавий чанқоқликни қондириш ҳам жуда мураккаб жараён сифатида намоён бўлар экан. Хусусан, унинг энг юқори ва сусайиш ҳолатлари содир бўлиши миллий ўзликни англашда ўз ифодасини топиши миллий тикланиш тажрибасида ўз ифодасини топмоқда.

Назаримизда, мустақилликни қўлга киритиш, унинг буюк неъматларидан баҳраманд бўлишнинг амалиётга айланиши миллий ўзликни англашда маълум бир **қониқшни ҳосил қилиб, унинг бир қадар сусайиш ҳолатини** ҳам юзага келтирар экан. Лекин бу унинг бутунлай сусайиб, ночор аҳволга келиб қолишини англамайди, балки унинг маълум маънодаги кўтаринкилик ҳолатининг юзага келтиришини билдиради. Аммо, бу даврда миллий ўзликни англаш миллатнинг мустақил белгиси сифатида унинг қудратли омил даражасидаги мақомининг амал қилишида етакчи куч даражасида ривожланиб бораверади. У миллатга ташқаридан бўлади-ган хавф-хатарларга сергаклик билан жавоб бериш да-

ражасида ривожланади. Бироқ, бу даврдаги миллий ўзликни англашнинг ривожланиши ҳис-ҳаяжонларга берилиш, бир зарб билан мақсадга эришиш каби фаол кескинлик ўрнини **вазминлик, барқарорлик, изчиллик каби биринчисига нисбатан «пассив» ҳолатда кечади.**

Шу маънода ҳам миллат мустақиллигини қўлга киритиш даврида миллий ўзликни англашнинг ривожланишида янги давр бошланади. Энг асосийси, унинг ҳар доим миллатга илҳом бағишлаб, уни турли салбий хавф-хатардан сергак ва огоҳ бўлиб туришдаги имкониятларининг амал қилишидир.

Тўртинчи босқичдаги миллий ўзликнинг ривожланиши мамлакатнинг бозор муносабатларига ўтиши шароитида кечадиган жараёнлар билан боғлиқдир. Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзининг тараққиётига эришишни мақсад қилган ҳар бир давлат бозор муносабатларида эркин рақобатни вужудга келтиради, бу, ўз навбатида, мамлакатнинг тараққиётини таъминлайди. Унинг яна бир жиҳати шундаки, бозор муносабатлари амал қилган шароитда жамиятдаги ҳар бир инсоннинг эркин фаолият кўрсатиши учун шароит вужудга келади ва у мазкур имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. Чунки бозор муносабатлари амал қилган шароитда ҳар бир инсон ўз фаровонлигини фақат ўзининг меҳнати билан таъминлаши мумкин бўлади, давлат эса инсонларнинг эркин фаолият олиб бориши учун зарур шарт-шароитларни яратиб беради.

Бозорнинг темир қонуни борки, у ҳам бўлса, миллат, диний эътиқод, жинс каби омилларга эмас, балки кимда уddaбуронлик, тадбиркорлик, меҳнатсеварлик, тиниб-тинчимаслик, фидойилик каби фазилатлар кучли бўлса, унинг фаровон яшашига, кўзлаган мақсадига эришишига хизмат қилади. У **ишёқмасликка, боқимандаликка, дангасаликка, «берсанг ейман, бермасанг ўламан» деган кайфиятга мубгало бўлганларга шафқат қилмайди.** Бундай инсонлар, охир-оқибатда ўз меҳнати билан катта бойликка эга инсонлар каби фаровон ҳаёт кечири олмайди. Улар яна давлатнинг ёки

қандайдир ҳомийларнинг ёрдамига кўз тикиш билан ҳаёт кечиришга одатланиб қоладилар.

Шу муносабат билан мамлакатнинг бозор муносабатларига ўтиши шароитида миллий ўзликни англашнинг ривожланишида ҳам бир қатор муаммолар вужудга келиши мумкин. Хусусан, бозор миллати, диний эътиқоди, жинси ва бошқа белгиларидан қатъи назар, барча учун тенг шароит ва тенг имкониятдан иборат бўлган умумий майдон ҳисобланади. Ана шу майдонда ҳар бир инсоннинг ўзи учун, ўз фаровонлиги учун юзага келган имкониятдан самарали фойдалана олса, у яхши яшайди, ундан фойдалана олмаганлар эса, бозорнинг шафқатсиз қонунларига бардош беришларига тўғри келади. Худди мана шу ҳолат, бир томондан, жамият миқёсида ижтимоий табақаланишни вужудга келтирса, иккинчи томондан, **миллий бирликка салбий таъсир ўтказади.**

Бозорнинг миллий бирликка салбий таъсир ўтказиши, яъни миллат вакиллари ичида бой ва камбағалларнинг юзага келишида ўз ифодасини топади. Чунки, миллатнинг барча вакилларида тадбиркорлик, уддабуронлик ва меҳнат қилишда фидойилик, қобилият бўлган шароитда ҳам, ундан самарали фойдаланишга интилиш бўлавермайди. Ана шу сабабли миллат вакиллари икки табақага — тадбиркорлар, уддабуронлар, тиниб-тинчимай фидойилик билан меҳнат қилиб, ўз фаровонлигини таъминлайдиганлар ва ялқовлар, ишёқмаслар, дангасалар ва боқимандалик кайфиятида ҳаёт кечиришга одатланиб қолганларга бўлиниши мумкин. Улар ўртасидаги ана шу фарқлар миллий бирликни заифлаштиради ва бу, ўз навбатида, миллий ўзликни англашнинг ривожланишига ҳам ўз салбий таъсирини ўтказади. Чунки бундай шароитда миллатдан кўра моддий омил устувор даражага кўтарилади. Бунинг маъноси шуки, жамиятда ким қайси миллат вакили бўлишидан қатъи назар, ўз миллатининг манфаатларидан эмас, балки, энг аввало, ўзининг шахсий моддий ман-

фаатдорлиги нуқтаи назаридан тараққий қилишга мойил бўлиб боради. Албатта, бу — миллий манфаатларга зид дегани эмас. Чунки ана шу шахсий манфаатлар миллий тараққиётга хизмат қилади. Бу ерда бозор муносабатлари шароитида миллий ўзликни англаш ривожининг ритми бозорга ўтиш таъсирида сусайиши ҳақида бормоқда. Яъни, у миллатнинг қарамликдан қутулиши ёки мустақилликни қўлга киритиб, миллий тикланишни амалга ошириш босқичи шароитидагига қараганда кўтаринкилиги, жозибаси, миллатни бирлаштириш ва уни уюштиришдаги функцияларининг сусайгани ҳамда кўзга ташланмаслиги билан фарқланади. Бунинг жамият тараққиёти учун хатарли томони шундаки, у охир-оқибатда **миллат ичида «миллат»нинг шаклланишига** ва мамлакатда беқарорлик ҳамда парокандаликка олиб келиши мумкин. Ана шундай вазиятнинг олдини олиш эса **давлатнинг зиммасига тушади**. Агар давлат бозор муносабатларига ўтиш шароитида миллат ичида «миллат» шаклланишининг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, уни амалга ошира олмаса, охир-оқибатда юқорида таъкидлаганимиздек, мамлакат парокандаликка учраб, боши берк кўчага кириб қолиши мумкин.

Бу борада Ўзбекистонда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойили ва унинг амалиётга татбиқ қилиниш тажрибаси ўз ҳаётийлигини тасдиқлаганлигини таъкидлаш лозим бўлади. Ундаги давлатнинг бош ислохотчилик, кучли ижтимоий ҳимоя ва бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш тамойиллари миллатимиз ичида «миллат» шаклланишининг олдини олишга ва мамлакатимизда парокандаликнинг юзага келишининг олдини олишга имкон яратди. Айниқса, **мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш жараёнини миллий-маънавий тикланиш вазифаси билан уйғун амалга оширилиши миллий ўзликни англашнинг барқарор ривожланишига, белгиланган ислохотларни самарали амалга оширишга ижобий таъсир ўтказди.**

Агар бозор муносабатларига ўтишда фақат иқтисодий ислохотларни амалга ошириб, миллий-маънавий тикланиш эътибордан четда қоладиган бўлса, бу албатта, миллий ўзликни англаш ривожига салбий таъсир ўтказиб, охир-оқибатда иқтисодий ислохотлар ҳам кутилган самарасини бермаган бўлур эди. Чунки **бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодий ҳаётда, аҳолининг турмуш шароитида юзага келган иқтисодий қийинчиликлар, миллий-маънавий тикланишга қаратилган амалий ишларнинг таъсирида катта бўҳронлар юзага келишининг олдини олишга имкон яратди.**

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида миллий-маънавий тикланишни амалга ошириш, энг аввало, собиқ шўро ҳукмронлиги шароитида миллий-маънавий меросга нисбатан юзага келган чанқоқликнинг ўрнини тўлгазиш — миллий ўзликни англашнинг ривожланишидаги ўзак вазифага айланди. Бу жараёнда бозор муносабатлари шаклланиши юзага келтирган муаммоларга қарамасдан, миллатдошларимизнинг барчаси моддий шароитлари, қандай бўлишидан қатъи назар, иштирок қилди.

Лекин бугунги кунга келиб мамлакатимизда бозор муносабатларининг кўпгина қонуниятлари амал қилаётган шароитда миллат ичида моддий жиҳатдан табақаланишнинг юзага келиши оқибатида, юқорида таъкидлаганимиздек, миллий ўзликни англашнинг ривожини, ундаги кўтаринкилик бир қадар сусайиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда.

Буни биз миллий маънавиятимизда юзага келаётган салбий ҳолатлардан кўришимиз мумкин. Бугун кўпгина миллатимиз вакиллари, миллий тилимиз, урф-одат, анъана ва қадриятларимизни ўрганиш, уни мамлакатимиз ҳамда жаҳонда оммалаштиришдан кўра, рус тили ва хориж маънавиятини оммалаштириш йўли билан моддий бойликка ортиқча устуворлик билан қараётганликлари бор ҳақиқатга айланди. Айниқса, «тадбиркорлар»нинг аксарият қисми «така бўлсин — сут берсин» мақолини нотўғри талқинда ўзларининг

ҳаёт кечириш тамойилига айлантиришга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, уларнинг бир қисми бозорнинг рақобат қонуни бўйича эмас, балки ўзаро келишган ҳолда хориждан келтирилган ёки бозорга киритаётган маҳсулотга бир хил нарх қўйиши, шу йўл билан аҳолининг шу молларни қиммат баҳога сотиб олишга мажбур қилиши яққол кўзга ташланмоқда. Бундай фаолият аҳолининг норозилигига олиб келмоқда. Албатта, бундай салбий жараён миллий ўзликни англашнинг тобора саёзланиб боришига таъсир ўтказмоқда. Бунинг учун бозорга ўтиш шароитларини айблаш нотўғри бўлади.

Юксак моддий бойликка эга бўлиш ҳеч кимнинг ўз миллати вакили эканлигини англаш руҳиятининг барбод бўлишига олиб келмаслиги лозим. Демак, бугун бозор муносабатларига ўтиш жараёнида миллий ўзликни англашнинг бир қадар сусайишида уни айблашга эмас, балки миллатимизнинг айрим вакиллари онги ва қалбида ўз миллатининг содиқ ҳамда фидойи фарзанди бўлиш туйғуларини шакллантириш устувор вазифага айланмоқда.

Миллий ўзликни англаш ривожининг **бешинчи босқичи** бугун жаҳонда авж олаётган глобаллашув жараёни билан боғлиқдир. Бу босқичнинг мураккаблиги шундаки, у миллий ўзликни англашнинг бозор муносабатлари ривожланиши шароитидаги сусайишини тезлаштирмоқда. Глобаллашув жараён сифатида ҳеч кимни, ҳеч бир миллат ёки халқни четда қолдирмайди, уларни ўз домига тортади.

Глобаллашувнинг миллий ўзликни англаш ривожига салбий таъсирининг хатарли жиҳати шундаки, у аввал иқтисоддан бошланиб, кейинчалик мамлакатлар ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олади. Айниқса, унинг мустақил тараққиёт йўлига кирган мамлакатлар учун хатари шундаки: а) бу мамлакатлар ўз мустақиллигини қўлга киритиб, бозор муносабатларига ўтиш шароитида мамлакат аҳолиси ҳаётида юзага келган иқтисодий муаммоларни ҳал этишга улгурмасдан глобаллашув жараёнига

қўшилиб кетишга мажбур бўлмоқда. Натижада, глобаллашувнинг авж олиши туфайли миллий ўзликни англашнинг сусайишига таъсир ўтказувчи омиллар кўпайиб, миллатни асраш масалалари катта муаммога айланмоқда; б) бу мамлакатлар энди тараққиёт йўлига кириб бораётганлиги боис улар тараққий қилган мамлакатлардан техника, технология, фан ютуқларини сотиб олишга, уларнинг инвестицияларига боғланиб қолишга ҳам мажбур бўлмоқдалар. Табиий равишда, ана шу кириб келаётган янги технологиялар ва инвестициялар билан бирга ўша мамлакатларнинг турмуш тарзи, маънавияти ва қадриятлари ҳам қўшилиб келмоқда. Уларни чеклашнинг эса ҳеч қандай имконияти йўқ. Боз устига, тараққий қилган мамлакатларнинг иқтисодий базаси кучли, у кучайгандан кучаймоқда, шунинг учун ҳам улар ўзларининг имкониятлари билан жаҳон мамлакатларининг ҳаётига таъсир ўтказмоқдалар.

Мустақил тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар уларнинг даражасига кўтарилиши учун маълум вақт талаб этилади. Бу жараёндаги асосий муаммо фан-техника, технология ва инвестициялар билан бирга тараққий қилган мамлакатлар халқларининг турмуш тарзи, маънавияти, ахлоқи ва қадриятларининг мустақил тараққиёт йўлига кириб бораётган мамлакатларга кириб келиш тезлиги ва даражалари билан уни қабул қилишга мажбур бўлаётган мамлакатлардаги миллий ўзликни асраб қолишга бўлган интилишлар ўртасидаги масофанинг тобора узоқлашиб бораётганлигидадир. Бу ҳолат, албатта, миллий ўзликни англашнинг янада сусайиб боришига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Айниқса, бугунги кунда глобаллашув жараёни жаҳонда кенг ёйилишига юксак даражада тараққий қилган ОАВ индустрияси ўтказаётган таъсирнинг кучайиб бораётганлиги ҳам миллий-маънавий емирилишга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Юқорида келтирганлардан кўришиб турибдики, миллий ўзликни англашнинг ривожланиш даражалари глобаллашувнинг авж олиш даражаларидан орқада қолмоқ-

да. Назаримизда, ўз миллий тарихи, меросини ўрганиш, уларни дунёқарашнинг муҳим қисмига айлантиришга бўлган интилишдан кўра ҳозирги замонда фан-техника ва технологияларда содир бўлаётган янгиликларга қизиқиш ортиб бормоқда. Аммо бу — бири устун, бошқаси иккинчи ўринда бўлиши керак, деган ғояни илгари суриш лозим дегани эмас. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам миллий ўзликни англаш ривожининг ажралмас қисми бўлсагина, глобаллашувнинг миллий тараққиётга ўтказадиган таъсиридан ҳимояланиш мумкин бўлади.

Миллий ўзликни англаш ривожининг босқичлари ҳақидаги фикрларимизни давом эттириб, бугунги кунда бозор муносабатлари шаклланиши ва глобаллашув жараёнининг авж олиши шароитида юзага келган ҳамда истиқболда келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилишда қайси омиллар ва имкониятлардан фойдаланишга эҳтиёж ошиб бораётгани ҳақида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Биринчидан, миллатимиз онги ва тафаккурида бозор муносабатлари ҳамда глобаллашув жараёнининг инсоният тараққиётидаги объектив қонуният эканлигига ишонч ҳосил қилишимиз зарур. Уларнинг юзага келиши кимнингдир хоҳиш-иродаси эмас, балки тараққиётнинг объектив эҳтиёжи натижасидир. Уларнинг ҳар иккаласи олдида тўсиқ қўйишнинг иложи йўқ. Шундай экан, уларни миллий ўзликни англашни ривожлантириш омилига айлантириш миллий тараққиёт учун амалий аҳамиятга эга бўлади. Бунинг учун эса, энг аввало, бозор муносабатларини тобора чуқурлаштириб бориш, унинг барча қонунлари табиий ишлаши учун шарт-шароитларни вужудга келтириш амалий аҳамиятга эгадир. Бу бозор муносабатларига ўтишдан бир қисм «уддабурон» ва «тадбиркор»лар эмас, балки жамиятнинг барча аъзолари озми-кўпми, манфаат топадиган бўлсин деганидир. Улар ўзларининг кундалик ҳаётида оз бўлса-да, бозорнинг афзалликларига ишонадиган бўлсин. Бунинг учун эса мамлакат ҳаётида қонунлар устуворлигининг амал қилишидан тортиб,

то аҳолининг бозор муносабатлари шаклланиш жараёнида ҳаёт кечиришга бўлган мойиллиги ошиб боришигача бўлган барча имкониятларни юзага келтириш зарур бўлади.

Буларнинг ҳар иккаласи бир-бири билан боғлиқдир. Чунончи, агар қабул қилинаётган қонунлар ишламаса, ҳаётга татбиқ қилинмасдан, қуруқ қоғозда қолиб кетадиган бўлса ёки улар бир қисм «уддабуронлик», «тадбиркорлик»га хизмат қиладиган бўлса, миллат вакилларида бозорнинг афзаллигига ишонч барҳам топади, миллий бирликка путур етади. **Чунки миллат вакилларида бозор муносабатлари шароитига мослашув ва уни ривожлантиришга мойиллик ошиб бориши кўп жиҳатдан бозор муносабатлари шароитида аҳолининг реал амалиётга кириб борадиган манфаатлари билан боғлиқ.** Фақат ана шу манфаатларнинг озми-кўпми ошиб бориши, миллат вакиллари онги ва тафаккурида бозор муносабатларига мослашув ва уни ривожлантиришда фаол иштирок этиш руҳиятини шакллантиради. Айни пайтда, у миллий ўзликни англаш ривожининг ажралмас қисми сифатида амал қилади.

Глобаллашув жараёнининг авж олиши ҳам миллий ўзликни англашнинг барқарор ривожланишига салбий таъсир ўтказди. У юқорида таъкидлаганимиздек, ўзга мамлакатларнинг фан ютуқлари, техника, технология ва инвестициялари билан уларнинг маънавияти, ахлоқи, турмуш тарзи ва қадриятларини миллатларнинг ҳаётларига олиб кирар экан, табиий равишда, уларнинг ўзлигини англаш ривожидида беқарорлик вужудга келади. Чунки миллатлар ҳаётига киритилаётган маънавиятга дахлдор барча маҳсулотлар, чеккадан қараганда кўзга кўринмаса-да, амалда улар ана шу фан ютуқлари билан бирга кириб келади ва миллат вакиллари онгида ўз ифодасини топади. Уларнинг салбий таъсиридан ҳимояланишнинг муҳим омили, энг аввало, миллат вакилларининг миллий онгини ривожлантириш, уларнинг янги технология ва инвестициялардан миллий маънавиятга салбий таъсир ўтка-

зувчи маҳсулотларнинг фарқини англаб етиш даражасига кўтариш амалий аҳамиятга эгадир. Бугун худди мана шу муаммонинг моҳиятини англашга эътибор берилмоқда¹.

Иккинчидан, бозор муносабатларига ўтиш ва глобаллашувнинг авж олиши шароитида миллий ўзликни англашнинг барқарор ривожланишида жамиятда шаклланидиган ижтимоий табақалар ўртасида бағрикенглик туйғуларининг шаклланиши муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки бозорнинг амал қилиши шароитида жамиятда яшаётган инсонларнинг ҳаммасида ҳам уддабуронлик ва тадбиркорлик қобилияти етарли даражада бўлавермайди. Уларнинг ана шу қисми, табиий равишда, тадбиркорлик билан шуғулланиб, ўз моддий фаровонлигини оширишга муяссар бўлаётганларга нисбатан, моддий жиҳатдан замон ва макон нуқтаи назаридан етарли даражада таъминлана олмайди. Бу ҳолат ҳам миллий бирликнинг мустаҳкам бўлишига салбий таъсир ўтказди ва у ўз ифодасини миллий ўзликни англашнинг барқарор ривожланишида ҳам топади. Аксарият миллат вакилларида моддий шароитлар жамият тараққиёти даражасидан орқада қолади. Шу боисдан уларнинг кўпчилигида моддий бойликка эга бўлганларга нисбатан нафрат билан қараш руҳияти шаклланади. Бу ўта мураккаб муаммо бўлиб, уни ҳал қилмасдан туриб миллий бирликка эришиб бўлмайди.

Бизнингча, бу муаммони ҳал қилишнинг энг муҳим имконияти, ҳар иккала томон онгида бағрикенглик туйғуларини шакллантиришдир. Яъни, катта моддий бойликка эга бўлган тадбиркорлар онгида уларга эга бўлганларга нисбатан хайрли, кези келганда ўз имконияти доирасида моддий ёрдам кўрсатиш руҳиятини шакллантириш, моддий жиҳатдан етарли даражада таъминлаш имконияти бўлмаганларнинг эса миллат ичидан етишиб чиққан тадбиркорларга ғараз билан эмас, балки ҳавас билан қараши,

¹ Масалага кенгроқ қаранг: *Отамуратов С.* Глобаллашув ва миллат (сиёсий-фалсафий таҳлил). — Т.: «Янги аср авлоди», 2008. 117-б.

Уларни ҳам уларнинг даражасига етиши учун фидойилик билан меҳнат қилишга бўлган шижоатини ошириб боришга интилишини кучайтиришни амалиётга айлантиришга эришиш, миллий ўзликни англашни ривожлантиришдаги стратегик вазифа даражасига кўтарилмоғи зарурдир. Албатта, уни ҳал этиш осон кечадиган жараён эмас. Бунинг учун миллат вакилларида миллий онгни бозор муносабатлари тафаккури билан уйғун равишда ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу вазифани амалга оширишда бозор муносабатлари шароитида ҳаёт кечираётган мамлакатлар аҳолисининг турмуш даражалари юксак даражага кўтарилишида бозор муносабатлари муҳим омил бўлаётганини кенгроқ тарғиб қилиш лозим бўлади. Айни пайтда, бу жараёнга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашув ҳам талаб этилади. Хусусан, бозор миллий онгда миллат вакиллариининг ўзаро манфаатдорлик юзасидан ҳар томонга қараб бўлиниб кетишга эмас, балки бозор иқтисодий ҳаётда юзага келтирадиган муаммоларини умуммиллий муаммо сифатида қараб, уни ҳал қилишда ягона куч бўлиб бирлашган ҳолда ҳаракат қилиш туйғусини шакллантириш зарур бўлади. Худди ана шу вазифани қайси даражада уддалаш миллий ўзликни англаш тараққиётининг бозор ва глобаллашувнинг авж олиши шароитидаги ўзига хос янги йўналиши, унинг инсоний кўрсаткичлари эса миллий бирликнинг тобора мустаҳкамланаётганида намоён бўлади.

Учинчидан, маълумки, миллий ўзликнинг англашнинг муҳим кўрсаткичлари қаторида миллат вакиллариининг ўз миллати тарихи, мероси, урф-одат, анъана ва қадриятларига муносабатлари, уларни қай даражада ўзлаштириб, ўз тараққиётларида фойдаланишга бўлган интилишларида ҳам ўз ифодасини топади. Айни пайтда, бозор муносабатларига ўтиш ва глобаллашувнинг авж олиши шароитида юзага келадиган мураккаб муаммолар олдида уларга нисбатан бефарқлик ва эътиборсизлик руҳияти шаклланишининг олдини олиш ҳам ўзининг ижобий натижаларини беради.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллий-маънавий тикланишни амалга ошириш борасида самарали ишлар бажарилди. Улар ичида энг муҳими, миллатимиз вакиллари, айниқса, ёшларимиз онги ва қалбида ажодларимиздан бизга катта моддий ва маънавий мерос қолдирилганлиги, улар тарихий тараққиётнинг маълум босқичларида жаҳон цивилизациясини юзага келтиришда муносиб ҳисса қўшганликлари ҳақидаги қарашлар шакллантирилди ва у бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда. Бу ўта муҳим вазифани амалга оширишни давом эттиришга бўлган эҳтиёж бугун ҳам, эртага ҳам ошиб бораверади. Чунки улар миллий ўзликни англашни ривожлантиришда таяниладиган асосий манбалар ҳисобланади. Лекин бугун улардан ғурурланиш ёки уларни шунчаки ташвиқот қилиш билан чекланишнинг ўзи етарли эмас. Уларга бўлган муносабат миллатимиз тарихий тараққиётининг янги босқичи ва янги шароитда яшаётганлиги ҳамда уларни миллий ўзликни англаш ривожини йўналишида ҳисобга олишда янгича ёндашув талаб этилмоқда. Хусусан, энг аввало, ажодларимиздан бизгача етиб келган барча моддий ва маънавий бойликларни шунчаки ўзлаштириш эмас, балки миллат тараққиётининг табиий эҳтиёжига айлантириши лозим. Яъни, миллатнинг ҳар бир вакили ўз маънавий ҳаётини бойитишда хорижий мамлакатлар халқлари моддий ва маънавий бойликларидан ўзлариникининг устун эканлигига ақли ва хоҳиши билан ишонч ҳосил қила билсин ҳамда улардан илҳом олиш даражасига кўтарилсин. Бу ердаги асосий муаммо шуки, бугунги кунда мамлакатимизда бозор муносабатларининг шаклланиши ва халқимизнинг глобаллашув жараёни авж олиши шароитида мустақиллик йилларида тикланган моддий ва маънавий меросларимизнинг ташвиқ ҳамда тарғиботи миллий-маънавий тараққиётимизни таъминлашдаги асосий манбаи бўлиш эҳтиёжидан орқада қолмоқда. Уларнинг ўрнини хорижий мамлакатларнинг моддий ва маънавий соҳадаги маҳсулотлари шиддат билан эгалламоқда.

Агар бунга сабаб нима, деган савол қўйиладиган бўлса, жавоб турли-туман бўлиши мумкин. Бировлар уни маблағ етарли эмаслиги билан боғласалар, иккинчи бировлар бозор муносабатларида ҳар кимнинг ўзини ўзи моддий жиҳатдан таъминлаш зарурияти билан, учинчи бировлар яна қандайдир бир нарсани сабаб қилиб кўрсатишлари мумкин. Бироқ, миллий тараққиёт учун муҳим бўлган моддий ва маънавий меросларимизга турли объектив ва субъектив сабабларни рўқач қилиш нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, пировардида ундан бегоналашиб кетиш мумкин. Агар бу жараён бошланадиган бўлса, унда глобаллашув оқимига қўшилиб, охир-оқибатда миллатнинг ўзлигидан маҳрум бўлишига олиб келади. Бу — аксиома! Унинг шундай оқибатларга олиб келишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ана шуни ҳисобга оладиган бўлсак, миллий моддий ва маънавий бойликларни асраш, тарғиб-ташвиқ қилиш, уларни миллий-маънавий тараққиётимизнинг асосий манбалари сифатида табиий эҳтиёжга айлантиришни глобаллашув жараёни ривожланишининг даражаларидан олдинроқ юришига эришишимиз лозим бўлади. Аммо бу жуда мураккаб муаммо. Чунки глобаллашув объектив жараён сифатида шиддат билан ривожланиб бормоқда, унинг олдига қандайдир тўсиқ қўйиб бўлмайди. Миллатни асраш, ўзлигини ривожлантириш эса унинг ўзига, яъни субъектга боғлиқ. У мавжуд омиллар ва имкониятлардан қандай фойдаланади ёки глобаллашув оқимига, унинг ижобий жиҳатларига маҳлиё бўлиб, салбий таъсирини англаб етмасдан, осонгина қўшилиб кетаверадими ёки йўқми, деган саволга миллатнинг қандай йўл танлашигина жавоб бериши мумкин бўлади.

Келтирилганлардан кўриниб турибдики: **биринчидан**, миллий ўзликни англаш миллатни асрашнинг асосий омили ва мустаҳкам кўрғони, усиз миллат моддий ва маънавий борлиқ сифатида мавжуд бўла олмайди; **иккинчидан**, миллий ўзликни англашнинг ривожлани-

ши миллий тараққиёт, макон ва замон хусусиятлари билан боглиқ ҳолда кечади. У миллат тараққиётининг инъикоси сифатида намоён бўлади. Айни пайтда миллатни ташқи салбий таъсирлардан ҳимоя қилади ва янги тараққиёт босқичига эришишда ягона куч сифатида ҳаракат қилишга ундайди; **учинчидан**, миллий ўзликни англашда жаҳон миқёсида юзага келадиган, содир бўладиган ижобий ва салбий жараёнлар, тараққиёт ва инқирозлар, табиий ва ижтимоий, давлатлараро ва халқаро муносабатлар ҳам ўз ифодасини топади. **Уларнинг йўналиши ва амал қилишига қараб, миллатларнинг ўзлигини англашлари тараққиёти замон ва макон нуқтаи назаридан ўзгариб боради.** Жаҳонда амал қиладиган ижобий жараёнларда миллий ўзликни англаш миллатни ривожлантириш омили сифатида табиий тараққий қилади ва нисбатан «пассив» кўринишда намоён бўлади. Миллий тараққиётга нисбатан салбий таъсирлар, хавф-хатарлар юзага келганда қудратли куч бўлиб юзага қалқиб чиқади ва миллат вакилларини ягона куч сифатида бирлаштириб, ана шу кучларга қарши курашнинг омилига айланади. Худди шу маънода ҳам миллий ўзликни англашнинг ривожланишида нисбатан пассив кўзга ташланадиган ва қудратли куч сифатида юзага чиқиб, ўзини намоён этадиган даражалари мавжудлигини таъкидлаш лозим бўлади. Бугунги кунда жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёни барча миллатларнинг ривожланиш даражаларига бир хил таъсир ўтказаетгани йўқ. У миллатлар тараққиётининг иккига бўлинишига, яъни юксак ривожланишга эришган миллатларнинг янада юксакликка кўтарилишига: бир томондан, моддий фаровонлигининг ошувига, интеллектуал салоҳиятнинг янги босқичга кўтарилишига ижобий таъсир ўтказаетган бўлса, иккинчи томондан, энди тараққиёт йўлига кириб бораётган ёки тараққиётдан орқада қолаётган миллатларнинг қайсидир даражада ривожланишига ҳам ижобий таъсир ўтказмоқда, лекин ундан қатъи назар, асосий таъсири

уларни юксак тараққий қилган мамлакатларга боғлаб қўйишга, охир-оқибатда уларга қарам бўлишига ўз таъсирини ўтказмоқда. Яна ҳам аниқроғи, глобаллашув шароитида миллий ўзликни англашнинг ривожланишида янги ўта мураккаб вазият юзага келмоқда. Унинг миллатларга ўтказаётган ана шу ижобий ва салбий таъсирида мувозанат вужудга келмас экан, истиқболда жаҳон миқёсида барқарор тараққиётга эришиш ҳам мураккаб муаммога айланиш хавфи кучайиб боради. Чунки миллий ўзликни англаш тараққиётининг глобаллашув оқимида қўшилиб кетиши нафақат бугун мустақил тараққиёт йўлига кириб бораётган ёки тараққиётдан орқада қолаётган мамлакатларда яшаётган миллатлар учун, шунингдек, юксак тараққиётга эришган миллатлар истиқболи учун ҳам ҳалокатли йўл бўлиши мумкин. Бу ҳар иккала томоннинг миллий ўзликни англашда, барқарорлик бўлмас экан, бу жараён тараққиётга эмас, балки инқирозга олиб келиши мумкин. Зеро, миллий ўзликни англашнинг барқарор ривожланиши умуминсоний цивилизацияни асраш омили бўлиб қолади. Демак, ҳар икки томоннинг буни англаб етиши ва манфаатларни ўзаро мувофиқлаштириш йўлидан бориши муҳим аҳамиятга эгадир.

Юксак тараққиётга эришган миллатларнинг истиқболи нафақат ўзига, шунингдек, уларнинг атрофида яшаётган, энди тараққиёт йўлига кириб бораётган бошқа миллатларнинг уларга бўладиган муносабатларига ҳам боғлиқдир. Зеро, миллат бор экан, ўзликни англаш маълум тарихий босқичда сусайиши мумкин, ammo у батамом йўқ бўлиб кетмайди, маълум тарихий босқичда яна «уйғониб», миллатнинг ўзлигига қайтишида катта кучга айланади. Миллат ўз заминидан ўз хоҳиши билан ўзи бегоналашмайди, балки ташқи салбий таъсирларга бардош бера олмай, кучи етмай қолиши оқибатидагина мажбур бўлади. У ҳеч қачон миллат сифатида ўзга миллатларнинг моддий ва маънавий бойликлари ҳисобига ривожлана олмайди. Ҳар бир

миллат қандай мураккаб шароит ва вазиятда яшамасин, ўзгаларнинг «беғараз» ёрдами билан «ривожланмасин», вақти келиб, ундан безади ва яна ўзлиғига интилишга ҳаракат қилаверади. Бу миллат мавжудлигининг умумий қонуниятидир. Чунки уни ажлодлар қолдирган мерос, ота қони, онанинг берган сути ва у куйлаган алла ўзига тортиб бораверади. Улар ўзликни англашга куч-қувват, илҳом бағишлайди. Кўриниб турибдики, миллий ўзликни англаш ҳар бир миллатнинг мавжудлигини таъминловчи муҳим омилдир. Уни глобаллашув шароитида миллий тараққиётда юзага келадиган муаммолар талаблари даражасида ривожлантириш билан миллатни асраб қолиш мумкин бўлади.

МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИ УМУММИЛЛИЙ ҲОЯГА АЙЛАНТИРУВЧИ ОМИЛЛАР

Бугунги кунга келиб, бир томондан, глобаллашув жараёни таъсирида энди тараққиёт йўлига кириб бораётган ва кам тараққий қилган мамлакатларда яшаётган титул миллатларнинг миллий маънавиятида мураккаб жараёнлар кечаётган бўлса, иккинчи томондан, бугун юксак тараққиётга эришган мамлакатларда туғилишнинг кескин камайиши натижасида аҳолининг табиий ўсиши ночор аҳволга тушиб қолаётганлиги каби вазият юзага келмоқда. Бу — бугуннинг ўзидаёқ собиқ икки тузум: капитализм ва социализм шароитида амал қилган ва уларнинг барбод бўлиши билан тугаган «совуқ уруш»нинг янги кўриниши — юксак тараққиётга эришган ва энди тараққиёт йўлига кириб бораётган мамлакатлар ўртасида янги уруш хавфи юзага келмоқда, деганидир. Энди инсоният бунинг олдини олмас экан, янги ҳалокатларга дучор бўлиши мумкин. Унинг олдини олиш имконияти эса ана шу икки томон манфаатларини мувозанатга келтиришда бир ёқадан бош чиқармоғи зарур бўлмоқда. Бироқ бугун жадал ривож-

ланаётган глобаллашув ана шу мувозанатнинг юзага келишига нечоғлиқ имконият бериши муаммолигича қолмоқда. Чунки бу жараёнда манфаатлар тенг бўлмаётир, асосий манфаатни тараққий қилган мамлакатлар кўрмоқдалар. Улар ўз қўлларида бўлган иқтисод, фан, техника ва технология омиллари орқали ривожлангандан ривожланмоқдалар, энди тараққиёт йўлига кириб бораётган ва кам тараққий қилган мамлакатларни осонгина ўзларига боғлаб қўйишга эришмоқдалар. Ана шу иқтисод, фан, техника ва технологиялар билан бирга оммавий равишда уларнинг маънавияти, турмуш тарзи, ахлоқи ва инсоний қадриятларга бўлган муносабатлари ҳам жадал суръатлар билан тараққиёт йўлига кираётган ва кам тараққий қилган мамлакатлардаги миллатлар онги ва қалбини эгалламоқда. Бунинг натижасида улар ўз миллий-маънавий қиёфаларидан маҳрум бўлишга яқинлашиб келмоқдалар.

Бундай шароитда ҳақли савол туғилади. Агар юксак тараққий қилган мамлакатларда аҳоли сонининг кескин камайиши, асосан титул миллатлар ҳисобига содир бўлаётган бўлса, унда қандай қилиб улар шакллантираётган «оммавий маънавият» истиқболда тараққиёт йўлига кираётган ва кам тараққий қилган миллатлар маънавиятининг емирилишига олиб келиши мумкин?

Бу саволга қуйидагича жавоб бериши мумкин:

Биринчидан, бугуннинг ўзидаёқ тараққий қилган мамлакатларда давлат сиёсати даражасида ўзларига кириб келаётган мигрантларнинг титул миллатлар тили, маънавияти, урф-одат ва анъаналари ҳамда қадриятларини ўзлаштириб олишлари талаб қилинмоқда (бу ҳақида юқорида ҳам таъкидлаган эдик). Бу қайсидир маънода ва даражада ўзининг натижасини бериши мумкин. Чунки мигрантларнинг бу мамлакатларга боришига асосий сабаб, моддий манфаатдорлик бўлгани учун уларнинг ичидаги тақлидчиликка мойил миллат вакиллари онги ва қалбини иқтисодий омил ёрдамида эгаллаш имкониятлари озми-кўпми мавжуд бўла-

ди. Уларнинг узоқ йиллар давомида бу мамлакатларда яшаб қолишлари ва миллий ўзликларини сақлаб қолишларига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Иккинчидан, энди тараққиёт йўлига кириб бораётган ва кам тараққий қилган мамлакатлардаги титул миллатлар бугунги ўтиш даврида иқтисодиётда кечган муаммолар таъсирида ўзларининг кундалик ҳаётлари билан боглиқ бўлган иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал қилишга асосий эътибор қаратиб, миллий маънавиятларида кечаётган ички ва ташқи емирилишларни «сезмасликлари», сезаётганлари ҳам ана шу жараёнга бефарқ бўлиб қолишлари хавфи мавжуд. Улар ўзларининг фаровон ҳаёти таъсирида яшашга ўрганиб қоладилар. Яна ҳам аниқроғи, бу мамлакатлардаги титул миллатлар ўзлари шакллантираётган «оммавий маънавият»ларини бугун ҳам, истиқболда ҳам ер куррасида яшаётган барча инсонларнинг онги ва қалбидан ўрин олишида барча имкониятларини ишга солмоқдалар. Агар масалага шундай ёндашадиган бўлсак, бу ўзимиз ҳар доим илгари суриб келаётган «миллат вакиллари онгидан ўз миллатининг ажодлар мероси, улар ўртасидаги ворислик ва ота-она генлари орқали авлодларга кўчиб ўтадиган миллий ўзига хослик инсоният мавжуд бўлган ҳар қандай шароитда сақланиб қолади, шунинг ҳисобига миллат ўлмайди, балки такомиллашиб боради», деган концепцияларга зид эмасми? Йўқ, албатта! Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек, икки томон, яъни тараққий қилган мамлакатлардаги титул миллатларнинг устуворлигини қандай қилиб бўлсаям сақлаб қолиш ва тараққиёт йўлига кириб бораётган ҳамда кам тараққий қилган мамлакатлардаги титул миллатларнинг вақтни бой бераётгани ўртасида бугун юзага келган жараёнда ким устунликка эриша оладиган бўлса, истиқболда ҳам унинг устуворлиги амал қилиб боради. Чунки томонлар ўртасида асосий кураш ана шу вақтни бой бермаслик, ундан самарали фойдаланиш учун кетади. Унда иқтисодий ва бошқа

бир қатор омиллар билан бирга миллий менталитет-даги ўзини ҳимоя қилиш йўлидаги фидойиликнинг даражаси ҳам етакчи роль ўйнайди.

Тўғри, бу жараённинг ҳам сўнгги нуқтаси бор. Аммо унинг неча авлод давомида шаклланишини олдиндан ҳеч ким айта олмайди. Инсониятни худди ана шу «пик» нуқтадан орқага қайтиб, яна бошидан бошлашга, яна бугун ўзининг «қиёфаси», ўзига хослигидан маҳрум бўлаётган инсоният онгида ва ўзлигини англаш ривожига яна ўз миллий заминларига қайтиш эҳтиёжи қайта юзага келаверади. Бу — инсонга хос, унинг миллат вакили, аждодларнинг вориси эканлиги билан боғлиқдир. Аммо бунинг битта хатарли жиҳати борки, у ҳам бўлса ана шу «пик» даражасига етиб бормасдан, икки томон, яъни юксак тараққий қилган мамлакатлардаги ўз миллатининг устуворлигини таъминлаш борасидаги давлат сиёсати билан ўзларининг иқтисодий-ижтимоий ҳаётини тиклаб, фаровон ҳаётга эришиш йўлига кириб бораётган ва кам тараққий қилган мамлакатлардаги миллатларнинг ўз тили, урф-одат, анъана ва қадриятларини сақлаб қолишга бўлган интилишларининг тобора кучайиши ўртасидаги зиддият, охир-оқибатда, бугунги тамаддунни батамом барбод қилиши мумкин. Агар бундай ҳолат юзага келадиган бўлса, ҳар икки томон ҳам ундан бугунги юксак тараққиёт кўрсаткичларини ва тараққиёт сари барқарор равишдаги эришган имкониятларини қўлдан бериб қўймаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Бундай салбий жараёнлар бугуннинг ўзидаёқ бўй кўрсатаётганининг гувоҳи бўлаётирмиз. Бунинг ёрқин мисоли сифатида ҳар икки томондан ўзлигини ҳимоя қилишга бўлган чақириқларнинг юзага келётганлигини келтиришимиз мумкин. Агар бугун турли баҳоналарни рўкач қилиб, юксак тараққиётга эришган мамлакатларнинг ягона куч бўлиб, давлатлар ички ишларига аралашаётганлигини, ўз кучларини кўрсатиб қўйишни амалиётга айлантираётганлигидан келиб чиқадиган бўлсак, бундай ёндашувлар анъанага айланиб, истиқболда улар-

нинг дунёга ҳукмронлик қилиш нияти реал бўлиб қолиши, бугун тараққиёт йўлидан бораётган ва кам тараққий қилган мамлакатлардаги титул миллатларнинг ўзлигини ҳимоя қилиш имкониятлари катта муаммога айланиб бориши мумкин бўлади.

Бу муаммонинг қайси даражада ҳал этилиши ёки аксинча, мураккаблашиб бориши бугун миллий тарбияни миллий маънавий жараёнларда кечаётган салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилувчи омил даражасида олиб боришга боғлиқ бўлади. Чунки, миллий менталитет ва миллий ўзига хослик қанчалик консерватив бўлмасин (ўзгариши қийинлиги), у объектив ва субъектив омиллар таъсирида ўзгариб боради. Шундай экан, авлодлар алмашуви жараёнида миллий менталитет ва миллий ўзига хосликни асрашга мойиллик кучли бўлиб, миллий тарбияни ҳар авлод замонда кечаётган ўзгаришлар талабларига мос равишда олиб боришни ўз фаолиятининг муҳим йўналиши сифатида қарата олсагина миллий маънавиятни асраб қолиш мумкин бўлади. Агар миллий тарбияга эътиборсизлик билан қараладиган бўлса, авлодлар алмашуви жараёнида миллий менталитет ва миллий ўзига хослик сусайиб боради. Бунинг оқибатида миллат оломонга айланиши ва бу ёруғ оламда ягона «Оломон маънавияти» шаклланиши мумкин. Шу маънода истиқболдаги миллий маънавиятнинг тақдири бугунги авлодларнинг миллий тарбияга берадиган эътиборларига ҳам боғлиқ бўлиб турибди.

Бугун инсониятнинг интеллектуал салоҳияти мисли кўрилмаган даражада юксак ривожланиб, ҳамма нарсани амалга ошириш даражасига етиб келди. Ана шундай шароитда унинг умрини узайтириш, у эришган тамаддунни томонлар ўртасидаги қарама-қаршиликни куч ишлатиш йўли билан эмас, балки ўзаро манфаатлар ва ўзлигини ҳимоя қилишнинг маърифий йўли билан мувозанатга келтириш асосида олдини олиш имкониятларидан фойдаланишга эришмоқ зарурияти кучайиб бор-

моқда. Албатта, бу халқаро муносабатлардаги катта сиёсат ҳисобланади. Ана шу сиёсатни умуминсоний тараққиётга хизмат қилдиришга йўналтириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Бугун куч ишлатишнинг оммавий тарзда ривожланиб боришига йўл қўймасликнинг имконияти мавжуд. У ҳам бўлса, ҳар икки томоннинг ўзлигини сақлаб қолишни, миллий маънавиятни глобаллашувнинг ўтказаетган салбий таъсирдан ҳимоя қилишни умуминсоний ғояга айлантиришдир. Гарчанд, бу тараққиётга эришган мамлакатларда яшаётган титул миллатлар олдида турган катта муаммодек кўринмаса-да, амалда уларда ҳам миллий маънавиятнинг қашшоқлашуви «пик» даражага етиб келди. Бу уларнинг маънавий қашшоқлашув жараёнларидан ҳимояланиш чораларини излаш ҳақида илгари сураётган фикрларида ўз ифодасини топмоқда. Лекин барибир ҳукмронлик қилиш руҳиятининг устуворлиги уларнинг «оммавий маънавият»ни шакллантириш ва уни ер куррасида кенг ёйиш йўлидан бормоқдалар. Энг ҳайратли томони шундаки, улар ҳам бугун ана шу шаклланиб келаётган «оммавий маънавият»ни ўз миллий маънавиятларининг қашшоқлашуви ҳисобига шаклланаётганлигини англаб етмоқдалар ва уларнинг илғор фикрли интеллектуаллари ундан миллий маънавиятни асраш зарурлиги ғояларини илгари сурмоқдалар. Афсуски, мазкур ғоялар ҳали миллий ғоя даражасига кўтарилишигача етиб бормади.

Бу мамлакатларда узоқ йиллар давомида шаклланиб келган, миллий онгдаги ҳукмронлик қилишга бўлган мойилликнинг устуворлиги бунга йўл қўймаётир. Хуллас, бугун «оммавий маънавият»нинг шаклланаётганлиги ва тараққиёт йўлидан бораётган миллатлар миллий маънавиятни ичидан ва ташқарисидан емираётгани бор ҳақиқат. Ана шундай шароитда миллий маънавиятимизни асраб қолиш, унинг хавфсизлигини таъминлаш миллий тараққиётимизда асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

Буни амалга оширишнинг имкониятлари мавжуд. Муаммо — юзага келган мураккаб вазиятни англаб етиш ва ана шу имкониятлардан самарали фойдаланишимиз билан боглиқ. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, миллий-маънавий хавфсизлигимизни таъминлашни умум-миллий ғояга айлантиришнинг асосий омиллари қўйи-дагилардан иборат:

1. Миллий интеллектуални бугунги глобаллашув-нинг миллий маънавиятимизга ўтказаётган таъсири, тезлик даражасидан устун ҳолатда ривожлантириш.

2. Миллий-маънавий тикланишимизни давом этти-риш, ҳали халқимиз қўлига етиб бормаган маънавий ва моддий меросларимизни чуқур ўрганиш, уларни халқимизга етказиш ва улар асосида миллий маънави-ятимизни бугунги тараққиётга мос равишда такомил-лаштириб бориш.

3. Миллий меросни бугунги ёшларимиз онги ва дунёқарашининг ажралмас қисмига айлантириш ҳамда улар онгида юзага келаётган миллий маънавиятдан бе-гоналашув туйғуларининг олдини олиш, улар онгини миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳисобига бойи-тиб боришга эришиш.

4. Миллий тилимизнинг давлат мақомини қонун-да белгилаб қўйилган даражада амал қилишга эри-шиш.

5. Зиёлиларнинг миллий маънавиятни глобаллашув-нинг ўтказаётган салбий таъсиридан ҳимоя қилишда-ги фаоллигини кучайтириш, уларнинг руҳиятидаги «пассив» кузатувчанлик ва бефарқлик туйғуларидан холи бўлишга эришиш.

6. Қишлоқ маданий-маънавий ҳаётини глобаллашув-нинг авж олиш даражасида ривожлантириш, қишлоқ аҳолиси онгини жаҳонда кечаётган умуминсоний ғоялар билан бойитиб бориш, уларни юзага келаётган бешаф-қат фожиаларнинг негизлари билан таништириш ва миллий маънавият тараққиётидаги консерватив муно-сабатларни асраб қолишга эътиборини кучайтириш.

7. Миллий ривожланиш ғоясини изчиллик билан такомиллаштириш, унинг мамлакатимиз аҳолисининг онгига етишида ва амалиётга айланишида тарғибот воситаларидан самарали фойдаланиш, ОАВ ва бутун мамлакатда мавжуд бўлган Интернет ва бошқа воситаларни миллий маънавиятимизни ташқи салбий таъсирлардан ҳимояланишдаги фаоллигини оширишга эришиш.

8. Қонун устуворлигига эришиш ва демократик қадриятларни изчиллик билан ривожлантириш кабилардир.

Албатта, юқорида келтирилган ҳар бир вазифани амалиётда қўллаш бир неча катта йўналишларни ўз ичига қамраб олади. Уларнинг маъно-мазмуни ва имкониятлари очиб берилмас экан, яна қуруқ гап даражасида қолиб кетаверади. Шундан келиб чиққан ҳолда уларга фикр билдиришга ҳаракат қиламиз.

Биринчи омил, миллий интеллектуалларимизни бугунги глобаллашувнинг миллий маънавиятимизга ўтказаетган таъсири тезлиги даражасидан устун ҳолатда ривожлантириш, деганда нима назарда тутилмоқда? Миллий маънавиятни глобаллашувнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилишда интеллектуаллик қандай роль ўйнаши мумкин?

Энг аввало, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, миллий интеллектуал миллат ичидан ўсиб, улгайган юксак ақл-заковатга эга бўлган элита ҳисобланади. Унда миллий тараққиётда кетаётган ижобий ва салбий жараёнларни тезлик билан англаб етиш салоҳияти тараққий қилган. Миллий интеллектуалнинг миллий маънавиятини ва умуман, миллатни глобаллашувнинг ўтказаетган салбий таъсиридан ҳимоя қилишдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида фикр юритамиз.

Илмий адабиётларда ва турли луғатларда «интеллектуал», «интеллектуал мулк», «интеллигенция» тусунчалари ҳақида турли фикрлар мавжуд. Улар турлича талқин қилиниб келинмоқда.

Чунки луғатларда ва адабиётларда ҳар бир муаллиф унинг қайси жиҳатига устуворлик билан қарашига қараб муносабатлар билдирган.

Фикримизча, «интеллект» тушунчасига мазмун-моҳиятини тушунишда унинг, энг камида, икки жиҳатига эътибор қаратиш лозим: **биринчидан**, кимга ва нимага нисбатан қўлланиши назарда тутилишига, **иккинчидан**, оддий ақл, идрок, зеҳн, билиш, тушуниш, идрок қилиш ёки инсоннинг тафаккур, фикр юриши салоҳияти билан чекланмайди. Агар уни худди ана шундай тор доирада деб қарайдиган бўлсак, унинг барча инсонга хос ва уларда мавжуд бўладиган умумий салоҳиятидан фарқи қолмайди. Шу нуқтаи назардан «интеллект»ни оддий «кўрсаткич» сифатида эмас, балки юксак тараққий қилган ва нимагадир таъсир ўтказиш имкониятлари кўрсаткичини ифода эттирувчи тушунча сифатида қараш мумкин. Чунки унинг луғатларда ва бошқа адабиётлардаги луғавий маъноси лотин тилига таржимасида ҳам турлича бўлиб қолган. Бу унинг маъносини тушунишда бир қадар қийинчилик туғдиради. Шундай қилиб фикримизча, интеллект деганда, **инсоннинг маълум ақли, «тафаккур», «билим», атроф-муҳит, воқеа ва ҳодисаларни англаш қобилият ва салоҳият кўрсаткичлари ҳамда уларда кечадиган ўзгаришларга кучли таъсир ўтказишга қодир бўлган юксак тараққиётга кўтарилган билим, ақл, тафаккур, илмий, техник, технологик заковат мажмуасини тушуниш мумкин.** Ана шу кўрсаткичларга асосланиб, интеллектнинг турли даражаларини билиш, тушуниб етиш мумкин бўлади.

Интеллектни «миллат»га нисбатан қўллаганда, унинг ақл-заковати, нималарга қодир эканлигини кўрсатувчи қобилияти, моддий ва маънавий бойликларни яратишдаги ўзига хос маҳорати, ўзининг маънавияти, тафаккури, ақлий ва жисмоний кўрсаткичлар мазмунида тушунилади. «Интеллект» билан «интеллектуал салоҳият» тушунчалари ўртасида маълум даражада фарқлар мавжуд. «Интеллект» «миллат»нинг ўзгалардан ана шу мавжуд «мажмуа» кўрсаткичлари билан фарқ қиладиган ўзига хос миллий салоҳияти бўлса, миллий интеллектуал салоҳият нафақат унда миллатни ўзгалардан

фарқ қилдирувчи, шу билан бирга ўзининг фан-техника, технология соҳасида эришган ютуқлари, улар билан умуминсоний тараққиётга қўшадиган ҳиссалари, ўзини ташқи салбий таъсирлардан ҳимоя қила билишдаги куч-қуввати ва мавжуд имкониятлари кўрсаткичини тушуниш мумкин.

Яна ҳам аниқроғи, берилаётган бу таърифда миллий «интеллект» билан «интеллектуал салоҳият» ўртасидаги фарқ, агар биринчиси миллат менталитети, мавжуд ўзига хос ақл-заковат, билим ва тафаккур кўрсаткичларини ва уларнинг ривожланганлиги, умумий тараққиётга ўтказадиган таъсири, ўзини ташқи зарарли таъсирлардан ҳимоя қила билишдаги куч-қуввати ва имкониятлари ҳисобга олинаётган бўлса, иккинчисида, умуман, интеллектуал салоҳият учун хос бўлган хусусиятлари назарда тутилади. Кўриниб турибдики, реал тараққиётда ҳам миллат ўзида мавжуд бўлган ақл-заковат, билим ва тафаккур билан умумий тараққиётга таъсир ўтказади, ўзини ташқи зарарли таъсирлардан ҳимоя қила олади. Айни пайтда, уларни умумий тараққиёт даражаларида ривожлантирса, моддий куч даражасига кўтара олса ва ўзининг «мен»лигини мустақкамлай олсагина, ўзининг интеллектуал салоҳиятига эга бўлган миллат даражасига кўтарила олади.

Ҳозирги кунда бундай салоҳиятга эга бўлиш ҳар бир миллатнинг истиқболи учун катта амалий аҳамиятга эга бўлади. Энди глобаллашувнинг авж олиши шароитида миллат ва миллий маънавиятни унинг ўтказётган салбий таъсиридан ҳимоя қилишда миллий интеллектуал салоҳиятининг ўрни масаласига қайтиб, шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, глобаллашувнинг ўзи жараён сифатида инсоният тараққиётининг янги босқичи бўлса ҳам, бу унинг моддий борлиқ сифатидаги мақомини кўриш мумкин, дегани эмас. У фақат инсониятнинг ақл-заковати, билими, иқтидори билан фан, техника, технология ва замонавий оммавий коммуникациялар соҳасида эришилган ҳамда эриши-

лаётган ютуқларнинг моддий куч сифатида ер куррасини ягоналикка, бир бутунликка келаётганлигида намоён бўлади. Демак, бу ерда глобаллашув таъсири ҳақида фикр юритганда, яна унинг негизида интеллектуал салоҳият турганлигини таъкидлаш мумкин бўлади.

Хўш, нега энди миллий интеллектуал салоҳият миллат ва унинг миллий-маънавий хавфсизлигини таъминлашда муҳим **омиллардан бири бўлиши мумкин?**

Бунинг қуйидаги сабаблари бор: **биринчидан**, юқорида таъкидлаганимиздек, миллий интеллектуал ўзининг юксак ақл-заковати, билими, иқтидори, миллий тараққиётга олиб борувчи янги илмий кашфиётларни яратиш ва уни амалиётга татбиқ қилишда миллат ичидан етишиб чиққан етакчи элитаси ҳисобланади; **иккинчидан**, миллий интеллектуал миллатнинг бошқа табақалардан фарқ қилиб, миллатнинг «оғриқ» нуқталарини тез англаб етади, уни ўз онги ва қалбидан ҳис этади ва уларни бартараф этиш йўлида миллий бирликни мустаҳкамлашда етакчилик қилади; **учинчидан**, у миллий ғояни шакллантириш, миллат вакиллари онгига сингдириш, улар онги ва қалбида миллатпарварлик, ватанпарварлик, миллий ғурур, ифтихор, миллат истиқболи учун масъулият, миллатлараро тотувлик ва умуминсонийлик каби қадриятларни шакллантиришда етакчилик қилади; **тўртинчидан**, у ўз салоҳияти билан миллий маънавиятда содир бўладиган салбий жараёнларни маълум даражада олдиндан сезади, унинг оқибатлари нималарга олиб келиши мумкинлигини миллат вакилларига етказишда етакчилик қилади. Ана шу жиҳатларини ҳисобга олганда, миллий интеллектуал миллат маънавиятининг таркибий қисмини ташкил этади ва уни ташқи салбий таъсирлардан ҳимоя қилишда муҳим омил ҳисобланади.

Бугунги кунда миллий интеллектуалнинг миллий маънавиятни глобаллашувнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилишдаги вазифаларининг қамрови ҳар қачон-

гига қараганда ҳам кенгайиб бормоқда. Назаримизда, улар куйидагиларда ўз ифодасини топмоқда:

1. Энг аввало, мактаб таълимини бугун глобаллашув қўяётган талаблар даражасида ривожлантириш, фаолиятини кучайтириш. Бугун ҳар бир мактабни тамомлаб чиқаётган ёшлар замон талаби даражасидаги билимни эгаллашида, фан-техника, технологиялари ютуқларидан хабардор бўлишида юксак даражадаги интеллектуал салоҳиятга эга бўлган инсонлар фаол иштирок қилиши лозим.

2. Бугунги интеллектуаллар мактабни миллат истиқболининг асосий қувватини шакллантирувчи маърифат ўчоғи эканлигини, энг аввало, ўзлари чуқур англаб етишлари ва ундан кейин буни жамиятдаги барча инсонлар онгига сингдиришда фаол иштирок қилишлари лозим бўлмоқда. Чунки мамлакатимизда мактаб таълимига катта эътибор берилаётганлиги, унинг ривожланиш ва моддий базасини мустаҳкамлашга катта маблағлар ажратилаётганлигига қарамасдан, унда таълим олаётган ўқувчиларнинг билим даражаларини замон талабларига мос изчиллик билан тақомиллантириш эҳтиёжи ошиб бормоқда. Мактаб таълимини бугунги талаб даражасида тақомиллаштирмас эканмиз, у ўрта-махсус ва олий таълимда ҳам кутилаётган самараларга эришишда мураккаб муаммоларни келтириб чиқаради. Чунки мактабни саёз билим билан тугатган ўқувчи бир амаллаб олий ўқув юртларига кириб олиб, бу даргоҳда ҳам қанчалик ҳаракат қилмасин, барибир саёз билимли «олий» маълумотли кадр бўлиб чиқиши мумкин. Буни кўп йиллик тажрибаларимиз тасдиқламоқда. Худди ана шу масалани ҳал этишда интеллектуаллар мактаб таълимини юқори даражага кўтариш умуммиллий вазифасида етакчилик қилишлари лозим.

3. Мактабда ўқувчиларга таълим бераётган ўқитувчилардан турли рейтингларни ўтказиш, уларнинг ҳисоб-китоблар билан шуғулланиши, ўқувчилар били-

мининг ошуви билан боғлиқ бўлмаган қандайдир керак бўлмаган маълумотларни тўлғазишни талаб қилиш амалиётидан холи қилиш, уларнинг ўз устида мунтазам ишлаши, ўқувчига билим бериши нафақат ўз моддий манфаатдорлиги, шунинг билан миллатининг истиқболи йўлидаги фидойилиги, бурчи, масъулияти эканлигини тўла англаб етишига эришиш амалий аҳамиятга эга бўлади. Давлат тилида дарс олиб бориладиган мактабларнинг нуфузини оширишда ўқитувчиларнинг масъулиятини ошириш энг долзарб вазифага айланганлигининг миллий интеллектуаллар тайёрланаётган даргоҳларда кадрлар онги ва қалбига етиб бориши лозим. Бугун республикамизда ўзбек тилида дарс олиб борилаётган мактаб ва синфларга ўз фарзандларини беришга кўпгина ота-оналарда ишончсизлик руҳияти шаклланаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Улар харажати (яъни, тил ўрганишга кетадиган харажатлар) кўпроқ бўлса-да, ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда инглиз ва рус тилида дарс олиб борилаётган мактаб ва синфларга ўз фарзандларини беришга ҳаракат қилаётгани янгилик эмас. Ўрни келганда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, миллатимиз вакиллари қанча кўп хорижий тилларни яхши билса, уларнинг дунёга чиқиш, мамлакатимизга дунёдаги ютуқларни олиб келиш имконияти ҳам шу даражада кучайиб боради. **Аммо, бу она тилимиз нуфузининг тушиб кетиши ҳисобига бўлмаслиги лозим.** Чунки шу ҳолат юзага келиши оқибатида яна иккита муаммо: **биринчидан**, она тилимизнинг нуфузи тушиб бориши, яна собиқ шўро замонида бўлганидек, рус тилининг нуфузи ошиб, ўзбек тили илмда эмас, балки кундалик ҳаётда қўлланиладиган «ёрдамчи тил» даражасига тушиб қолиш хавфининг юзага келиши; **иккинчидан**, мактабларда миллий тилнинг талаб даражасида ўқитилмаслиги ёшлар ўртасида унинг нуфузи тушиб боришига, бу эса, ўз навбатида, миллий руҳиятнинг саёзлашуви ва миллий маънавиятнинг қашшоқлашувига олиб келади.

4. Миллий интеллектуал салоҳиятни изчиллик билан такомиллаштириб бориш нафақат шаҳарларда, шунингдек, вилоят, туман ва қишлоқ раҳбарларининг доимий эътиборида бўлиши лозим. Мамлакатимиз раҳбариятининг ёшлар интеллектуал салоҳиятини ошириш борасида олиб бораётган эътиборидан келиб чиққан ҳолда, иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, иқтидорли болаларни мактабдаёқ моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, имконият даражасида хорижнинг етакчи олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришида ҳам ёрдамлашиш миллатимиз истиқболи учун ўзини фидойиман деб ҳисоблагувчи маҳаллий раҳбарлардан тортиб фермер, тадбиркор ва бошқа жамоат ташкилотлари олдидаги умуммиллий вазифа даражасига эришиш. Унинг бугун амалга ошиши, эртага ўзининг амалий натажасини беришини миллатнинг барча вакиллари англаб етишига эришиш зарур.

Бугун давлатимиз томонидан иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Зулфия номидаги давлат мукофоти, Президент стипендияларининг берилаётгани, турли грантларнинг эълон қилинаётгани, хорижий мамлакатларга ўқишга юборилаётгани каби миллий интеллектуаллар камол топиши йўлидаги хайрли ишлар уларнинг туғилиб ўсган қишлоқ ва шаҳарлари даражасида амалга ошса, эртага биз фан-техника ва технология ютуқларини хориждан сотиб олмаймиз, балки ўзимиз хорижга сотиш даражасига кўтарилаемиз.

Миллий интеллектуалларни шакллантириш ва ривожлантириш нафақат давлатнинг, балки миллатнинг ҳар бир вакилининг муқаддас орзуси ва амалиёти даражасига айланиши лозим. Агар миллий интеллектуал салоҳиятимизни юксак даражага кўтариш умуммиллий тараққиётимизнинг негизи эканлигини бугун англаб етмасак, эртага ўзгалар олдида интеллектуал қарамлик ҳолатига тушиб қолишимиз ва глобаллашув жараёнида тенглар ичида тенг қатнаша олмаслигимизнинг эканлигини халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгига бугунгига қараганда чуқурроқ сингдиришимиз ло-

зим. Бунга ҳаракат қилмасак, эртага ўзимиз орзу қилган даражага эришолмай қолишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам миллий интеллектуалларимиз тегишли соҳаларда карбонбошилиқ қилишларига эришиш керак.

Миллий интеллектуаллар куч-қувватини II жаҳон урушини бошдан ўтказиб, ундан катта талафот кўрган Япония, урушда ишлаб чиқариш саноати бутунлай барбод бўлган, турар жойлари харобаларга айланган Германия, бугун 1,5 миллиардга яқин аҳолиси бўлган, 20 йил ичида тараққий қилган мамлакатлар сафидан ўрин эгаллашга муваффақ бўлган Хитой, бир миллиард 300 миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган Ҳиндистон ва шу каби бошқа давлатлар ўзининг интеллектуал салоҳияти натижаларини дунё бозорида сотаётганлиги, жаҳон тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётганлиги ва айни шу имкониятлари билан миллий ўзлигини сақлаб қолишдаги тажрибаларидан ўрнак олиш туйғусини ёшларимиз онгида шакллантириш ҳам умуммиллий вазифамизга айланиш зарурияти кучайиб бормоқда. Зеро, замон шундай шиддат билан ўзгармоқда, инсонлар унинг тезлигини англаб етишга улгурмаётир, ана шу жараённинг моҳиятини англаш, унда ўзлигини сақлаб қолиш яна миллий интеллектуал салоҳиятнинг юксак тараққиётига бориб тақалмоқда. Унинг глобаллашув жараёнида миллатни асраб қолишдаги ўрни эса кундан-кун ошиб бораётганлигини бугуннинг ўзидаёқ сезиб турибмиз.

Глобаллашув жараёнининг шиддат билан ривожланиши шуни кўрсатмоқдаки, миллий интеллектуал билан боғлиқ бўлган яна бир жиддий масала — унда муносиб равишда қатнашиш, яъни ўзимизнинг интеллектуал салоҳиятимиз натижалари билан дунё бозорини эгаллаш учун тараққий қилган мамлакатлар билан рақобатга киришиш зарурлигини англаб етишимиздир. Бугун буни англаб етиш жадал ривожланаётган жараёнлардан бир қада орқада қолаётганга ўхшайди. Ваҳоланки, миллатимиз истиқболининг муҳим омили ўзгаларнинг ютуқларидан фойдаланиш билан бирга, уларга

Ўз ютуқларимиз самараси бўлган маҳсулотларимизни кўпроқ сотишга эришишимиздир.

Бугун глобаллашув жараёнида қатнашиш ва ўзликини сақлаб қолишда ер ости захираларининг бой бўлиши эмас, балки мамлакатда юксак даражада тараққий тошган интеллектуал салоҳият етакчи омил бўлаётганлигини жаҳондаги мамлакатлар тажрибалари тасдиқламоқда. Чунки захиралар куни келиб тамом бўлиши мумкин, лекин юксак интеллектуал салоҳиятини шакллантирган мамлакатлар, унинг кучи, ақл-заковати, иқтидори, билими, фидойилиги билан миллатнинг тараққий қилишини таъминлайдиган, янги ресурсларини ишлаб чиқиши, уни ўз мамлакатини, миллатини ва халқининг тараққиётига жалб қилиши мумкин бўлади. Ана шу жиҳатлари билан миллий интеллектуал салоҳиятни бугунги глобаллашувнинг шиддатли ривожланиш даражаларида тараққий қилдириш миллат ва миллий маънавиятни унинг салбий таъсирларидан ҳимоя қилиш, тараққий қилган мамлакатлар билан тенг қатнашиш имкониятига эришиш мумкин бўлади. Ана шунинг учун ҳам Президентимиз Ислоом Каримов 2011 йилнинг 20 майида мамлакатимиз интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлган олий таълимни ривожлантиришнинг галдаги вазифаларини белгилаб берувчи «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилди¹. Уни амалга ошириш мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳиятини замон талаблари даражасида ривожлантириш имконини беради.

¹ «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. // Халқ сузи. 2011 йил 21 май.

Миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашнинг иккинчи муҳим омили — мустақиллик йилларида амалга оширилган ва бугун амалга оширилаётган миллий-маънавий тикланишимизни изчиллик билан давом эттиришдир. Бугун бу борада жуда катта ишлар амалга оширилди, улар ҳақида жуда кўп ёзилди, бугун ҳам ёзилмоқда, ҳатто бу соҳада қўлга киритилган ютуқларни хорижлик сиёсатчилар, юртимизга келаётган оддий инсонлар ҳам эътироф этмоқда. Эришилган ютуқлар ўзимизники, уни ҳеч ким тортиб ололмайди, аммо улар билан чекланиб, қаноатланиб, бу борада олдимизда турган вазифалар ва муаммоларни тушуниб, уларнинг ечимларини топишга бугун ҳаракат қилмасак, эртага қўлга киритилган ютуқларимизнинг қадри саёзлашади, миллий меросимизнинг ўрнини тобора кенг қулоч ёзаётган «оммавий маънавият» эгаллайди.

Бугун бу борадаги асосий вазифаларимиз:

а) ажодлар томонидан бизгача етиб келган илмий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қўлёзмаларни ўзбек тилига таржима қилишни ривожлантириш, моддий ёдгорликларни таъмирлашни давом эттириш;

б) меросимизни, энг аввало, халқимиз ўртасида кенг оммалаштириш ва айни пайтда халқаро миқёсда тарғибот қилишни кучайтириш, уларга асосланиб мукамал илмий, бадиий асарлар ва миллий руҳиятни бойитишга ижобий таъсир ўтказадиган санъат асарларини яратиш;

в) бугун кундалик ҳаётимизда, уй-жой қуриш, урф-одатлар, анъаналар ва қадриятимизни замонавийлаштиришда уларга таяниш, улардан ХХI аср миллий маънавиятини шакллантиришнинг асосий манбаи сифатида фойдаланиш кабилардир.

Аслини олганда, юқорида келтирилган барча соҳаларда бугун ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда, уларни инкор қилиш мумкин эмас. Лекин бу борадаги муаммо шундаки, меросимизни тиклаш ва уни аҳоли ўртасида оммалаштириш миллий «қиёфа»миз ва руҳиятимизда қай даражада, айниқса глобаллашув миллий маънавиятимизни емиришнинг олдини олишга

қанчалик ёрдам бераётир, деган саволга ижобий баҳо беришимиз билан боглиқ бўлиб қолмоқда. Чунки ҳали бугунги кунгача миллий-маънавий меросимизни, унинг улугворлигини, ўзига хослигини, дунё халқлари меросларидан кам эмаслигини, гўзаллигини, ниҳоятда умуминсонийлигини тараннум этувчи, ўзининг мафтункорлиги билан жаҳон халқлари томонидан эътироф этилган жиҳатларини кўрсатиб берувчи бадиий ва санъат асарлари яратилишига эриша олмадик. Ўзимизнинг моддий ва маънавий меросларимиз жуда бой, инсонни улугворлик, маънан етуклик, комиллик, умуминсонийлик ва миллийликни улуглашга ижобий таъсир этишида ҳеч бир халқниқидан кам бўлмаса-да, уларни бугун халқимиз орзу қилаётган даражада кўрсатиб беришга бағишланган санъат асарларининг бўлмаганлиги сабабли Фарб ёзувчиларининг бадиий асарларини Корея, Япония, Хитой, Туркиянинг тарихий фильмлари мисолида жуда катта қизиқиш билан томоша қилаётимиз (бу ерда гап уларнинг зарурлигини инкор қилиш эмас, балки миллий руҳиятимизни меросимиз билан бойитиш ҳақида кетаётир). Бугун халқимизда меросимизни тараннум этувчи юқори савиядаги бадиий ва санъат асарларини томоша қилиш, улардан маънавий озиқ олишга иштиёқ ва эҳтиёж бор. Аммо, афсуски, уни қондириш ҳозирча талаб даражасида эмас. Ўзимизни оқлаш учун бир қатор объектив ва субъектив сабабларни кўрсатамиз. «Аждодлар мероси асосида санъат асарлари яратишга маблағ йўқ», «бозор муносабатлари шароитида ўзимизни ўзимиз маблағ билан таъминлашимиз лозим, шунинг учун енгил-елпи бўлса ҳам томошабин келадиган асарларни яратишга мажбурмиз», деган қарашлар баъзи бир кинофильмлар ишлаб чиқарувчи «мутахассис»ларда шаклланган. Аммо, қачонки, миллатнинг келажаги, унинг миллий маънавиятини глобаллашув ўтказаетган салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш, хавфсизлигини таъминлаш ҳақида гап борар экан, ўзининг ижоди билан бўладими, сўзи, имкони-

ят даражасидаги маблағи ёки фидойилиги билан бўладими, миллатнинг ҳар бир вакили маънавиятимизнинг қон томири бўлган аждодларимиз меросини юзага чиқариш, уни халқимизнинг маънавий озиқланиш манбаларидан бирига айланишида қатнашишни ўз муқаддас вазифаси эканлигини ҳис эта олиш даражасига кўтарилиши лозим.

Ваҳоланки, бугун «оммавий маънавият»ни шакллантириб, дунё халқлари онгига сингдираётганлар маблағ топаётирлар ва уни бекорга аямасдан сарф қилмоқдалар-ку. Бу маблағларнинг кўпчилик қисмини давлат газнасидан эмас, балки даромад топиш йўлини биладиган уддабуронлар ажратаётганлиги ҳам кўпчиликка маълум. Улар ўзларининг бу фаолиятида, бир томондан, миллий маънавият соҳасидаги рақобатда галабага эришаётган бўлса, иккинчи томондан, катта фойда олмақдалар. Миллий маънавиятимизни «оммавий маънавият» зўравонлигидан ҳимоя қилиш ва барқарор хавфсизлигини таъминлашда уларнинг ана шу тажрибаларидан фойдаланиш ҳам яхши самара бериши мумкин.

Миллий-маънавий меросимиз асосида глобаллашувнинг салбий таъсирига бардош бера оладиган мукамал бадий ва санъат асарларини яратишда назаримизда яна бир имконият бор. У ҳам бўлса Олий Мажлис томонидан уларни яратиш учун мамлакатимиз банкларидан жисмоний ва юридик шахсларга маълум имтиёзлар билан кредитлар берадиган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар бугунги талаб даражасида такомиллаштирилса ва унинг ижроси устидан назорат кучайтирилса, маблағ масаласини ҳал қилиш мумкин бўлар эди. Бугун банклар тадбиркор, фермер ва ишлаб чиқариш билан шугулланаётган инсонларга кредитлар ажратмоқда ва бунинг эвазига мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланмоқда, халқимизнинг фаровонлиги ошиб бормоқда. Бу амалиётни бемалол илмий, бадий, санъат асарларини яратиш соҳасига ҳам қўллаш мумкин. Тўғри, кредитга олинган маблағни қайтариш аввал бироз қийинчилик туғдириши мумкин. Аммо хорижий

мамлакатлардан юртимизга кириб келаётган бадий ва санъат асарлари билан рақобатга кириша оладиган асарлар яратишга эришилса, банкдан олинган кредитлар қайтарилибгина қолмасдан, ундан маълум даражада фойда олиш муқаррар бўларди.

Миллий маънавиятимизни ажодларимиздан қолган мерос ҳисобига бойитиб бориш миллий-маънавий хавфсизлигимизни таъминлашнинг муҳим омили эканлиги, миллий истиқболимиз масаласи кўндаланг бўлиб турган шароитда мавжуд хавотирларга берилиб ёки иккиланиб бу йўлни танламаслик ҳам охир-оқибатда халқимиз маънавий тараққиётида катта йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Миллий-маънавий тикланишимиз заминидан ажодларимиздан бизга қолган мерослар туришини назарда тутганимизда, яна бир муаммо юзага келганига эътибор қаратишимиз лозим. У ҳам бўлса, бугун эълон қилинаётган бадий ва санъат асарларига нисбатан жамоатчилик ва шу соҳанинг мутахассислари ўртасидаги бефарқлик руҳиятининг юзага келганлигидир. Назаримизда, бугун «мен сенга тегмайман, сен менга тегма» қабилида иш юритиш кино санъатида қатъий амалиётга айланиб, бозорбоп, арзон-гаров фильмларнинг оммавийлашиб кетишига сабаб бўлмоқда. Уларга ҳолисона баҳо бериш, камчилигини кўрсатиб, танқидий-конструктив муносабат билдириш деярли урфдан чиқиб кетди. Таниқли адабиётшунос олим Шухрат Ризо таъкидлаганидек, «танқиддан кўпчилик кўрқади; сиёсатчидан тортиб иқтисодчигача, амалдорлардан тортиб санъаткоргача. Нега? Негаки, танқид ҳаққоний бўлса, шахснинг, ҳодисанинг моҳияти юзага чиқади. Аслида ният нима бўлгани, қандай гараз, қайда манфаат аралашган, риё қайда-ю, самимият қайдалиги, ким нимага қодир ёки қодир эмаслигини фош этиб қўяди. Ана шуниси кўрқинчли, ана шуниси қалтис, одамга ёқмайди...

Танқидчиликнинг «бир асар ҳақида икки фикр», «очиқ хат», «муносабат», «баҳс» каби матбуот рукнлари остида қанчадан-қанча долзарб «чиқиш»лар бў-

ларди. Ҳозир ҳам ойболта билан эмас, хайрихоҳлик билан ёндашиб, таҳлил асносида ҳақ сўзни дадил айтadиган, ижодкорни ишонтириб, битикларига такомил, кейинги ижодига қаноат багишлайдиган, беғараз, холис, ҳалол танқидчилик жуда зарур. Истеъдодсиз, самимиятсиз, фақат тама билан ёзилиб, тижорат мақсадидагина нашр этилаётган ё кино экранлари, ё томоша саҳналарига чиқаётган «асар»ларни жамоатчилик ўртасида муносиб баҳосини бериш йўли билан тўхта-тиш ҳам тараққиёт учун «курашдир»¹.

Ҳақиқатан ҳам, бундай ёндашув нафақат адабиёт ва санъатда, шунингдек, ҳимоя қилинаётган диссертация ва эълон қилинаётган монографик асарларга ҳам тааллуқли бўлиб бормоқда. Бу ерда гап нафақат миллий-маънавий тикланишимизни изчиллик билан давом эттириш заруриятининг ошиб бораётганлиги ҳақида кетяпти, балки бадиий ва санъат асарлари билан бирга, фан, маърифат соҳасида ажодларимиздан бизга қолдирилган барча меросларни ўзига қамраб олиши ҳақида кетмоқда. Зеро, миллат маънавияти кўп қиррали бўлиб, уни ташқи салбий таъсирлардан ҳимоя қилишда илм-фан, адабиёт, санъат, фалсафа ва миллат вакиллари фидойилиги уйғун ҳолатда ривожланиши амалий аҳамиятга эгадир.

Ажодлардан қолган меросимизни қайта тиклаш эҳтиёжининг ошиб бораётганлиги ҳақида фикр юритганимизда, халқнинг қалб кўри билан яратилган ва қадриятларимиз тизимидан муносиб ўрин олган анъанавий халқ маданиятини қайта тиклашнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки уни халқнинг ўзи яратган, унинг мулки, шунинг учун ҳам халқ қалбига яқин, унинг онги ва руҳиятига қувват ва илҳом бағишлашдаги бебаҳо хазина ҳисобланади. «Анъанавий халқ маданияти, —

¹ *Шўҳрат Ризо*. Хайрихоҳлик бош мезон бўлса... // «Тафаккур». 2010, №3. — 4—15-б.

деб ёзади таниқли маданиятшунос олим профессор У. Қорабоев, — этносларнинг тарихий-маънавий эҳтиёжлари асосида вужудга келган, уларнинг ақлий-ижодий фаолияти натижасида тараққий этган, минг йилликлар мобайнида аждодлар фикрлари, тажрибалари, орзу-истаклари, анъаналари ва қадриятларини ўзида бирлаштирган, авлоддан-авлодга ўтиб, асрлар оша сайқалланиб, такомиллашиб борган бебаҳо мерос ҳамда жамиятимизни ахлоқий соғломлаштирувчи ва инсонпарварликни барқарор этувчи халқнинг маънавий камол топишига хизмат қиладиган муҳим омил»¹.

Анъанавий халқ маданиятини тиклаш борасида мустақиллик йилларида мамлакатимизда салмоқли ишлар амалга оширилди. Айниқса, Наврўз байрамининг қайта тикланиши ва унда аждодларимиздан мерос бўлиб қолган мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудига хос халқ ўйинлари, айтишув, лапар, кийиниш анъаналарида бугун ёшларимизнинг ўзлари қатнашаётганлиги улар онгида заминларимизга нисбатан меҳр ошишига, уларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишнинг ривожланишида ижобий таъсир ўтказмоқда. Агар уларни яна ҳам кўпроқ оммалаштиришга эриша олсак, миллий маънавиятимизни ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишда имкониятларимиз ҳам кенгайиб боради, унинг хавфсизлиги таъминланади.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, миллий-маънавий тикланиш заминлари мустаҳкам, мерослари бой, дунё тамаддунидан ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган ўзбек миллати учун узлуксиз жараён. Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириш тўғри бўлади деб ҳисоблаймиз: «Халқимизда «илиги тўқ, бақувват» де-

¹ Қорабоев У. Маданият масалалари. — Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2009. 40-б.

ган тушунча, мен ҳатто қонуният деган бўлардим, бежиз пайдо бўлмаган. **Ўзбек халқининг илиги тўқ, бақувват демоқчиман**¹. Шундай бўлгани учун ҳам ана шу бойлигимизни юзага чиқариш ва халқимизнинг миллий-маънавий бойишига хизмат қилдириш, унинг бугунги юз мақомда шиддат билан ўзгараётган замон шароитида ўсиб келаётган эҳтиёжини қондиришда самарали фойдаланишимиз миллий-маънавий тикланишимиздаги устувор вазифа бўлиб қолаверади.


Миллий маънавиятимиз хавфсизлигини таъминлашимизнинг иккинчиси билан боғлиқ бўлган учинчи омили, **миллий-маънавий меросимизни ёшларимиз онги ва дунёқарашининг ажралмас қисмига айлантиришимиздир**. Бу вазифани мустақил йўналиш сифатида кўрсатаётганимизнинг сабаби, **бир томондан**, мамлакатимиз аҳолисининг кўпчилиқ қисмини ёшлар ташкил қилганлиги ва уларга бу соҳада алоҳида эътибор берилиши зарурлиги билан; **иккинчи томондан**, бугун ёшларимизнинг: а) миллий-маънавий тикланишимиз ва аждодлар меросини ўзлаштиришига муносабатлари; б) уларга хос (бугунги ёшлар менталитетига хос) тобора «замонавийлашиб» бораётган «оммавий маънавият»га тақлидчилиги билан боғлиқ. Ҳақиқатан ҳам, улар миллат фарзандлари сифатида ўз замини ва аждодлар меросини ўзлаштириш зарурлигини яхши биладилар ва уларда бунга интилишлар ҳам бор. Улар глобаллашувни ҳаракатга келтираётган фан-техника технологиялари ва замонавий коммуникация воситаларини ҳам ўзлаштираётқдалар. Аммо уларнинг кўпчилиги «оммавий маънавият» таъсирига тушиб қолмоқдалар. Бугун уларнинг ана шу таъсирлардан миллий ўзлигини сақлаб қолишга ёрдам берадиган йўлдан бориши жуда мураккаб кечмоқда. Чунки бизнинг мил-

¹ *Каримов И.А.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: «Шарқ», 1998. 20-б.

лий-маънавий тикланишимиз ёшларимизнинг ўсиб бораётган, керак бўлса шиддат билан ўзгариб бораётган эҳтиёжларидан орқада қолмоқда. Биз уларнинг хорижий мамлакатлар маънавияти ва ахлоқий заминидан шакллантирилаётган «оммавий маънавият»дан баҳраманд бўлаётгани ёки ундан маълум даражада ўзларини ҳимоя қилишга мойиллигининг пастлиги учун танқид қилишдан олдин уларнинг ўрнини боса оладиган «маҳсулот»ни таклиф қилишимиз лозим. Акс ҳолда, айрим ёшларни маънавият ва миллий маънавиятга бўлаётган бефарқликда ҳамда хорижликларга тақлидчиликда «айблаш»имизга ҳаққимиз борми ўзи, деган адолатли саволни кўя билишимиз лозим бўлади.

2010 йил октябрь ва ноябрь ойларида Тошкент кимё-технология институти «Фалсафа ва маънавият асослари» кафедраси тадқиқотчиси Элбек Холиқов билан ҳамкорликда ўтказилган социологик сўровда¹ «Ўзбекистон телевидениесига чет эл кинофильмлари кўрсатилишига муносабатингиз қандай?» деб савол берилганда, «кўрсатилгани маъқул» деган жавобни берган респондентлар маҳалла аҳлида 62 фоизни, талабаларда 60 фоизни, ишчи-хизматчиларда 46 фоизни, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган фильмлар кўрсатилишини хоҳлайман» деган жавобни берган респондентлар маҳалла аҳлида 24 фоизни, талабаларда 29 фоизни, ишчи-хизматчиларда 34 фоизни, «билмайман» деган жавобни берган респондентлар маҳалла аҳлида 14 фоизни, талабаларда 11 фоизни, ишчи-хизматчиларда эса 19 фоизни ташкил қилди (1-диаграмма).

¹ Қаранг: Сўров «Ўзбекистон инфор­мацион хавф­сизлигига хорижий телевидение кўрсатувларининг салбий таъсири ва уни бар­тараф этиш муам­молари» мавзуси­да кафе­дра тадқиқот­чиси Э. Холиқов то­мони­дан сиёсий фан­лар номзоди ил­мий даражаси­ни олиш учун тайёр­ланган дис­сер­та­ция дои­раси­да 2010 йил сентябрь ва ноябрь ой­ла­ри­да ўт­казил­ди.



Ўзбек тилида чет эл кинофильмлари, гарчи Ўзбекистонда дубляж қилиниб эфирга берилса-да, уларнинг мазмуни ва ғоявий таркиби ўзгармаслигини ҳисобга олиб, уларни «хорижий телевидение кўрсатувлари»да берилаётган фильмлар деб ҳисоблаш мумкин.

«Ўзбекистон телевидениесида чет эл кинофильмлари кўрсатилгани маъқул» жавобини берганлар 56 фоизни, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган фильмлар кўрсатилишини хоҳлайман» ва «билмайман» деган жавоблар 44 фоизни ташкил этапти. Бу чет эл кино асарларига Ўзбекистонда барқарор талаб бор, демакдир. Бунинг сабаблари қуйидагилар билан боғлиқ дейиш мумкин.

Биринчидан, ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистон аҳолисининг хорижий мамлакатлар халқларининг ҳаёти, турмуш тарзи, санъатига бўлган табиий қизиқишлари билан боғлиқ, деб ҳисоблаш мумкин. Шу маънода ҳам буни албатта Ўзбекистонда кино санъатида олиб борилаётган ёки эътибордан четда қолаёт-

ган фаолият билан боғлиқ эмас, деган фикрни илгари суришга асос бўлади.

Адолат юзасидан тан олиш керак, «Кино санъатининг инсон онги ва тафаккури, жамият ҳаётига таъсири беқиёс эканини ҳисобга олган ҳолда, истиқлол йилларида миллий кинематографияни ҳам ҳар томонлама ривожлантириш, бу борада зарур моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли янги-янги фильмлар суратга олинмоқда, улар орқали тарихимиз ва бугунги ҳаётимиз билан боғлиқ турли мавзулар ёритилмоқда. Ўзбек кинолари нуфузли халқаро фестивалларда совринли ўринларга сазовор бўлаётгани, албатта, қувонарлидир. Лекин шуни ҳам холисона айтиш керакки, ёшларнинг тарбиясига чуқур таъсир кўрсатадиган замонавий қаҳрамон образи кино экранларимизда ҳали яратилганича йўқ. Суратга олинаётган аксарият фильмларда киночиларимизнинг бугунги куннинг ҳақиқий манзараси, унинг ўткир муаммоларини чуқур ҳис эта олмаслиги, оддий одамлар ҳаётидан узоқлашиб қолгани сезилиб туради»¹.

Иккинчидан, томошабинлар бозор иқтисодиёти ва демократик жараёнларни чуқурлаштириш жараёнида ибрат бўларли, руҳлантирувчи қаҳрамон образларини қидиради ва буни миллий асарлардан топмаса, чет элникидан излайди. Чунончи, ўтказилган ижтимоий сўров натижасида «Ўзбекистон телевидениеси қанақа кўрсатувларни эфирга беришни истардингиз?» деган саволга аксар талабалар Ўзбекистон телевидениеси орқали эфирга берилган қийинчиликларни енгиб ўтган қиз тўғрисидаги корейс сериалини беришини ёзиб, айнан «Ким Нарани кўришни истайман» деб ёзган.

Учинчидан, Ўзбекистон киноиндустрияси томошабинлар талабини ҳажм ва савия даражаси жиҳатидан

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 145—146-б.

талабларга жавоб бермаётганидир. Томошабинга лиқ тула зални премьерадан бошқа пайтда кўриш амри-маҳол бўлиб қолди. Тошкентдаги Алишер Навоий киносаройида 2003 йилда бир кунда энг кўп томошабин «энг яхши кинокартина»га 5000—6000 томошабинни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 700—800 нафарга тушиб қолди! Бугун яратилаётган 90 фоиз фильмлар маънавий қашшоқликка чорлаяпти, атиги 10 фоизи етуклик учун курашапти. Маънавий қашшоқ фильмлар эса томошабинни чалғитмоқда. Кинодан томошабин ҳақиқатан ҳам безиллади. Энг катта фожиа ҳам мана шунда¹.

Миллий кино, театр санъати материалларига қизиқишни уйғотиш, бу қизиқишни ривожлантириб бориш, маънавийтимизни ташқи салбий таъсирлардан ҳимоя қилишнинг муҳим омили ҳисобланади. Телевидение ва кино соҳаси ходимлари томошабин қалбига йўл топа биладиган, унда ҳаёт мазмуни ва эзгу ғоялар тўғрисида теран тасаввур уйғотадиган, турмуш ташвишларини енгиб ўтишда ибрат бўла оладиган қаҳрамонлар тўғрисида фильмлар олиш фурсати аллақачон етган ва бу борада асло кечикишга йўл йўқ. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Маънавият ҳақида ҳар қанча даъватлар, муҳим назарий фикрлар билдирилмасин, агар уларни жамият онгига сингдириш учун доимий иш олиб бормасак, бу борадаги фаолиятимизни ҳар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда ташкил этмасак, табиийки, биз кўзланган мақсадга эришолмаймиз, яъни инсон қалбига йўл тополмаймиз. Шунинг учун ҳам биз бугунги кунда таълим-тарбия соҳасидан бошлаб, матбуот, телевидение, Интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари, театр, кино, адабиёт, мусиқа, рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатигача, бир сўз билан айтган-

¹ Хувиллаётган кинотеатрлар. Қаердасиз, томошабинлар? // «Дунё» газетаси. 2010, 22 (435)-сон. 4-б.

да, инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолиятимизни халқнинг маънавий эҳтиёжлари, замон талаблари асосида янада кучайтиришимиз, янги босқичга кўтаришимиз зарур»¹.

Президентимизнинг таълим-тарбия ва ОАВ ходимлари, умуман, тарбия ишларига дахлдор инсонлар олдидан бундай вазифаларни қўядиганлари бежиз эмас, албатта. Чунки нафақат мамлакатимизнинг бир қисм ёшлари, балки ҳаёт тажрибасига эга бўлган айрим инсонларнинг миллий маънавиятимиздан бегоналашув жараёнлари ошганидан ошиб бормоқда. Буни журналист Бахтиёр Ҳайдаровнинг қўйидаги ўзи гувоҳи бўлган ҳаётий мисолида ҳам кўришимиз мумкин. У шундай ёзади: «Ўзингиздан қолар гап йўқ, сўнгги йилларда ойнаи жаҳон орқали «Ёз ифори», «Куз дўли», «Сарой жавоҳири», «Денгиз ҳукмдори», «Сўнгги қиролича», «Жумонг», «Шаҳзоданинг қўшиги» каби сериаллари намойиш қилинди. Уларни кўриб корейс халқининг тарихига, ўзига хос юксак маънавиятига қизиқишимиз ортди. Айни чоғда, «ҳар яхшининг бир ёмони» деганларидек, галати-галати воқеаларга дуч кела бошладик. Масалан, ҳозирга келиб «Жумонг» қаҳрамонларининг расми ёпиштирилган футболка-кепкалар, ўйинчоқ қурол-яроғлар бозори қизиб кетди. Кўчада «қилич» ушлаган, «камон» кўтарган Жумонг лақабли болакайлар учрайдиган бўлиб қолди. Бунданам қизиғи, яқинда бозорда бир аёлнинг кимнидир «Со Сеона!» деб чақиргани қулоғимга чалинди. Со Сеона бирор корейс ҳамюртимиз-да, десам ўзбек бўлиб чиқди. Унинг юзидан лақабидан фахр туйғуси ошкора акс этиб турарди.

Ёдингизда бўлса, бир замонлар ҳинд кинолари таъсири туфайли қизларимиз орасида Самира, Сунел, Рамеш, Радха, Индира, Рита исмлилари кўпайганди.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 129-б.

Бу кетишда ҳадемай ўзи ўзбегу исми корейсча ўғил-қизларимиз пайдо бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Давомини суриштира сангиз, гап исмда эмас, бошқа ёқда. Масалан, ҳозир қилич, камон ўйнаб юрган болакайга, «Яшавор, Жалололиддин Мангуберди!» десангиз ҳайрон бўлиши мумкин. Чунки у Жумонгга тақлид қилмоқда. Жалололиддин Мангуберди ҳақида эса эҳтимол, эшитгандир. Аммо унинг қаҳрамонлиги, жасорати тўғрисида сериал тугул мультфильм ҳам кўрмагани аниқ. Бунинг учун уни тушунсак, кечирсак бўлади. Катталарни-чи? Яқинда бир танишим гап орасида: «Мой друг получил орден Игамберди», деб қолди. Тўғриси, аввалига унинг гапини тушунмадим. Кейин билсам, Жалололиддин Мангуберди ордени билан тақдирланган дўсти ҳақида гапирётган экан. Кап-катта одамнинг Мангубердини «Игамберди»га чалқаштиришига куласизми, куясизми? Ёки айтайлик, ўзини замонавий қилиб кўрсатиш учун Гулнаса исмли қиз ҳамма жойда ўзини «Гуля», Мақсуд эса «Макс» деб таништириши кишига галати туюлмайдими?

Демоқчиманки, бошқаларнинг турли жабҳадаги ютуқларига ҳавас қилиш, улардан ўрнак олиш яхши. Бироқ бу ҳавас, бу ўрнак зинҳор-базинҳор қуруқ тақлиддан иборат бўлиб қолмаслиги, ҳеч бир миллат ўзлигини йўқотмаслиги керак»¹.

Журналистнинг куюнчаклик билан келтирган ҳаётий мисолида ҳеч қандай бўрттириш йўқ. Ҳақиқатан бугун айрим инсонлар миллий онгида, дунёқарашида ана шундай салбий ҳолатлар юзага келаётганини ҳар биримиз реал ҳаётда учратишимиз мумкин.

Биринчидан, ОАВларимиз фойда изидан қувиб, бозорбоп маҳсулотларни ишлаб чиқишни ҳали ҳам давом эттирмоқдалар. Уларга айтилаётган танқидий фикрлардан тегишли хулосалар чиқариш ўрнига, бозорбоп маҳ-

¹ *Ҳайдаров Б.* Тақлид фазилатми ёки қусур. // Муштум (Ўзбекистон кулгу ва ҳажв журнали). 2009, №6. 6-б.

сулотлар ишлаб чиқаришни давом эттираётирлар. Энг ачинарлиси, ана шу маҳсулотларнинг аксарияти давлат маблага ҳисобига ишлаб чиқарилмоқда ва оммалаштирилмоқда.

Иккинчидан, аждодларимиздан бизга қолдирилган маънавий меросларга асосланиб, бугун ёшлар онги ва қалбига кириб борадиган янги телевидение кўрсатувларини ташкил қилиш, санъат асарларини яратиш нафақат талаб даражасида, балки борларини кенг ташвиқот қилиш ҳам бугун глобаллашувнинг миллий маънавият емирилишига ўтказётган салбий таъсири даражаларидан орқада қолмоқда.

Учинчидан, назаримизда собиқ шўро замонида онгимиз ва менталитетимиздан чуқур ўрин эгаллаган, санъат, бадиий «ижод» ва ОАВда ҳар қандай телекўрсатув, кинофильм, театр ва бошқа соҳаларда бериладиган «маҳсулот»ларни мулоҳаза юритмасдан, қандай берилётган бўлса, шундай қабул қилиш «касали» ҳамон мустаҳкам сақланмоқда. Уларга салбий мазмунда бўлса ҳам тақлид қилиш, ишониш ва охириги реаллик сифатида қараш каби тараққиётимизга зид бўлган ёндашувлар меросидан қутулишимиз ниҳоятда суст бораётир. Ўзимизнинг моддий бойлик топиш, яхши ва фаровон ҳаёт кечиришга бўлган ҳаракатимиз тезлашиб бораётир, аммо онгимиз ва қалбимиздаги маънавий ўзгаришлар ундан орқада қолмоқда.

Миллий-маънавий меросимизни ёшлар онги ва дунёқарашининг ажралмас қисмига айлантиришда адабиёт, санъат ва ОАВнинг фаолиятини янги босқичга кўтаришни жадал ўзгараётган даврнинг ўзи талаб қилмоқда. **Айниқса,** бадиий ва санъат асарларини яратишда миллий заминларимизга таяниш зарурлиги ҳақида қайғуришни қуруқ шиор, қуруқ гап ёхуд кимнингдир ўзини миллатпарвар эканини кўрсатишга уриниш деб қараш бугун миллий маънавиятимизда кечаётган ички ва ташқи емирилиш жараёнларининг шиддат билан кечаётганлигини англаб етмасликдир.

Агар ана шу емирилиш жараёнларининг олдини олмасак, ҳеч бўлмаса бугунги ҳолатини ҳозирча сақлаб қололмасак, эртага кеч бўлиши мумкин. Бу борадаги асосий вазифа, ёшларимизнинг дунёқарашини ташқаридан кириб келаётган «оммавий маънавият» ҳисобига эмас, балки аждодларимиз қалб қўри ва ҳаётӣй тажрибаси билан яратилган миллий-маънавий меросимиз ҳисобига бойитишга эришишдир. Уни амалга ошириш эса ўта мураккаб муаммо ҳисобланади. Чунки у қуруқ чақириқ ёки қандайдир сохта шиорларни илгари суриш ёки фарзандга кийим ёки бошқа моддий нарсалар билан хурсанд қилиб, унинг кўнглини олишдек оддий воқеа эмас, яъни бу ерда гап нафақат ташқи «қиёфа»ни ўзгартириш, балки ички ботиний салоҳиятда миллийликни асраш ҳамда уларни ўз заминларимиз асосида ривожлантириш ҳақида кетаётир. Уларни бугунги глобаллашувнинг салбий таъсиридан асрашда жуда эҳтиёткорлик билан ёндашув талаб этилади. Бу бадий ва санъат асарларида миллий руҳият ўзининг ифодасини қандай топаётганига, у хориждан оқиб келаётган «оммавий маънавият»нинг ўрнини қай даражада боса олади, замонавий ёшларнинг шиддат билан ошиб бораётган интеллектуал чанқоқлигини қай даражада тўлғаза олишига боғлиқ бўлади.

Шу билан бирга, миллий руҳиятни ўзида ифода эттирган бадий ва санъат асарларини ёшлар онгига етказиш борасида ҳам муаммо мавжудлигини назарда тутишимиз лозим бўлади. Жумладан, миллий-маънавий мерос, бадий ва санъат асарларининг ташвиқоти ҳам бугуннинг талаби даражасидан орқада қолаётганини ҳам эътироф этиш мумкин. Адолат юзасидан таъкидлаш лозимки, бугун мамлакатимиз раҳбариятининг ташаббуси билан ёшларни, хусусан, мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабала-

рини ватанпарварлик, миллатпарварлик, халқпарварлик, умуминсонийлик руҳида тарбиялаш, улар онги ва дунёқарашини миллий-маънавий меросимиз билан бойитиб бориш мақсадида музейлар, театр ва бошқа масканларга оммавий тарзда олиб бориш йўлга қўйилган, ойда бир кун маънавий-маърифий кун сифатида белгиланган. Бу тадбир, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, ўзининг маълум самарасини бераётир. Ёшларимиз онги ва дунёқарашида миллий ўзликка интилиш руҳияти шаклланаётир. Аммо уларнинг бир қисми тарбияни телевидение, Интернет ва бошқа электрон воситалардан олмоқдалар. Айни пайтда, кейинги пайтларда таълим тизимида ана шу воситалардан фойдаланиб, ўз маънавиятини «бойитаётган» ёшлар сони ошиб бормоқда. Нима эмиш, Интернетда ҳамма нарса бор, ундан исталган маълумотни олиш мумкин. Ҳа, буни ҳеч ким инкор қилаётгани йўқ, аммо у инсон қалбига, руҳиятига маънавий қувват эмас, у фақат маълумот (информация) беради, холос. У ҳеч қандай бадий асарни ўқиб, санъат қошоналарида театр ёки кино санъати асарларини томоша қилганда руҳиятда пайдо бўладиган завқу шавқ, кўтаринкилик кабиларнинг ўрнини ҳеч қачон боса олмайди.

Бугун телевидение, Интернет ва бошқа электрон воситалар инсонни манқуртга айлантираётганини ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. Айниқса, кўпчилик ёшлар онгида фикр юритиш, воқеа, ҳодиса ва жараёнлар ҳақида мулоҳаза қилиш каби салоҳиятнинг сусайиб боришида мазкур воситалар ўз таъсирини ўтказмоқда. Демокчимизки, бугун ёшларимиз онги ва қалбида китобга меҳр, бадий ва санъат асарларини биринчи манбадан олиш маданиятини шакллантиришимиз ҳам уларнинг миллий-маънавий меросга меҳрини оширади, ҳам улардан ўзларининг маънавий озиқланишига иштиёқни кучайтиради. Бунинг учун ҳам

мамлакатимизда мавжуд таргибот, ташвиқот воситалари ва омилларининг фаолиятини ўзгараётган замон талаби даражасига кўтариш лозим бўлиб қолмоқда.

Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, олий таълим тизимида тафаккурни чархлайдиган, талабанинг дунёқарашида эркин фикрлаш, воқеа ва ҳодисалар ҳақида, айниқса, аждодларимиз тафаккури, меросларидан баҳра олишга ёрдам берадиган «Фалсафа» фанининг ўқитилиши ҳам бугунги талаб даражасидан орқада қолмоқда. Жумладан, Ўрта Осиё мутафаккирларининг табиий-илмий қарашлари ҳақида атиги 2 соат маъруза ўтилиши ёки умуман бу фандан ҳаммаси бўлиб 16 соат маърузага ажратилганлиги шароитида қандай қилиб бугун олий маълумотли бўлиб чиқаётган кадрларимиз ўз соҳалари учун методологик аҳамиятга эга бўлган фалсафий тафаккурни шакллантириши мумкин. Албатта, бу муаммони тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорликда чуқур ўйлаб кўришлари вақти етиб келди. Биз хоҳлаймизми, йўқми, агар ёшларимизнинг онги ва қалбини ўзгалар гоёси ва мафкураси эгаллашининг олдини олишга йўл қўймасликни истаётган эканмиз, бу масалани эътибордан четда қолдиришга ҳаққимиз йўқ. Президентимиз таъкидлаганларидек: «Ҳаммамиз яхши биламизки, ҳар қайси давлатнинг чегараларини дахлсиз сақлашда ҳарбий куч-қудрат, қуроли кучлар сув билан ҳаводек зарур. Аммо халқимиз, авваламбор, ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун биз нималарга таяниб-суяниб иш олиб боришимиз керак, деган савол бугун барчамизни ўйлантириши табиий»¹.

Хуллас, миллий-маънавий меросимизни ёшлар онги ва дунёқарашининг ажралмас қисмига айлантириш бо-

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 115-б.

расида мустақиллик йилларида амалга оширилган ишларимиз ва ютуқларимиз билан бирга шиддат билан ўзгараётган замон ва глобаллашувнинг «оммавий маънавият»ни миллий маънавиятимизни емириш омилига айлантираётган шароитда бугун олдимизда катта вазифалар турганлигини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Зеро, миллий-маънавий меросимиз шу қадар бой ва ўзида умуминсонийлик туйғулари билан суғорилганки, уни ёшларимиз онги ва дунёқарашининг ажралмас қисмига айлантириш билангина миллий-маънавий хавфсизлигимизни таъминлаш ҳамда жаҳоннинг глобаллашув жараёнида тенг қатнашишимиз мумкин бўлади.

Миллий маънавиятимизнинг глобаллашув шароитида хавфсизлигини таъминлашнинг тўртинчи омили — тилимизнинг қонунда белгилаб қўйилган даражада амал қилишига эришишдир.

Тилимизга давлат тили мақоми берилганига бу йил 23 йил тўлади. Ўзбек тили масаласи Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида давлат суверенитетининг муҳим белгиси сифатида кўрсатилган. Конституциямизнинг 4-моддасида: «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади»¹, деб белгилаб қўйилган. Асосий Қонуниimizда белгилаб қўйилган ана шу ҳуқуқни амалга ошириш борасида мустақиллик йилларида жуда катта ишлар бажарилди. Собиқ шўро ҳукмронлиги шароитида нуфузи кетиб бўлган, ҳатто оддийгина ишга кириш учун аризани ҳам рус тилида ёзиш, катта-кичик мажлисларни олиб бориш, табиий,

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: «Ўзбекистон», 2012. 4-б.

техник, технологик, тиббий ва фундаментал фанлар нари турсин, ҳатто кечагина қишлоқда рус тилини чала ўқиган, талабаликка қабул қилинган биринчи курс талабасига ҳам олий ўқув юртларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш ҳам рус тилида амалга оширила бошланган эди. Энг ачинарлиси шу эдики, рус тилини билмаган одам ўз соҳасини қанчалик юқори даражада билмасин, «саводсиз» ҳисобланар ва камситилар эди. Ҳатто ўзбек тили масалаларига бағишланган диссертациялар ҳам рус тилида тайёрланарди. Бирон нарса, ҳодиса ва жараёнлар ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш ҳам онгимизда «русча» пайдо бўладиган даражага етиб келган эди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, шўро замонида ўзбек тили, илмий ва кундалик истеъмолдан чиқиб бўлган эди. Бир ҳаётий мисол: собиқ шўро замонида жамиятнинг «ядриси ва ҳаракатлантирувчи кучи бўлган» КПССнинг съезд, пленум ва бошқа материалларини ташвиқот қилишдан ташқари, унинг кундалик фаолиятини аҳолига етказиш мақсадида ойда бир марта ягона сиёсий ўқув куни эълон қилинганди. Уни, асосан, олий ўқув юртларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фанлардан дарс берадиган профессор-ўқитувчилар олиб борар эди.

1982 йилнинг апрель ойлари эди, барча олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари каби мен хизмат қилаётган Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Политехника институтининг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий кафедраларидан ўқитувчилар институт парткомининг рўйхати бўйича факультет партбюросига тўпланиб, эртаси куни соат 8.30 да Тошкент вилояти партия қўмитасининг залида тўпланишимизни буюрдилар. Эртасига ҳаммамиз айтилган вақтда белгиланган жойга етиб бордик. Бизни вилоятнинг барча шаҳарлари ва йирик қорхоналарига тақсимлашди. Кафедрамызда ишлаётган доцентимиз (улар

оламдан ўтиб кетдилар, илоҳим жойлари жаннатда бўлсин) Чирчиқ шаҳридаги кимёвий моддалар ишлаб чиқариладиган заводга тақсимланган экан. У юборилган жойга борган ва маърузани ўзбек тилида ўқий бошлаган, мажлисда қатнашаётган корхона раҳбарининг ўринбосари домлага: «агар маърузани рус тилида ўқимайдиган бўлсангиз, маърузани тўхтатинг, сизга руҳсат», деб уни залдан чиқиб кетишини айтган ва бу ҳақда обкомнинг мафкура бўйича котибига қўнгироқ қилиб маълумот берган. Эртасига кафедрага келсак, институтимизда катта тўполон: обкомнинг раҳбарларидан бири домлани маъруза ўтишга тавсия этган партбюро секретари ва институт парткомининг секретари ва раҳматли ректоримиз, ажойиб инсон, академик Карим Содиқович Аҳмедовни вилоят обкомига чақириб, маъруза ўқиган домлани тезлик билан эгаллаб турган лавозимидан бўшатиб, бутунлай институтдан ҳайдаш тўғрисида кўрсатма берган. Институт парткоми ҳаммамизни йиғиб, бўлган воқеани айтди ва факультет партбюро котибига ҳайфсан эълон қилди, домламиз ректоримизнинг югур-югури билан охири ҳайфсан билан зўрға ишда қолди. Ўзбекистонда яшаб, ўзбек фарзанди бўлиб, она тилида маъруза ўқиган домламизнинг бошига ана шундай ташвишлар тушган эди. Бундай мисолларни жуда кўплаб келтиришимиз мумкин. Бугун тилимизнинг қайта тикланиши ҳақида гап кетганда, ана шундай зўравонликларга барҳам берилганлигини ва ўз юртимизнинг исталган жойида она тилимизда мулоқот юритиш шароити мавжудлигини, бундай бахтга муяссар бўлганимизни шукроналик билан таъкидлашимиз лозим бўлади.

Шу билан бирга бугун унинг ривожланиши глобаллашувнинг миллий маънавиятимиз емирилишини, ҳеч бўлмаса, олдини олишга таъсир ўтказиш даражаси

талабларига жавоб бера оладими? Афсуски, бу саволга жавоб бериш қийин. Бугун давлат тилининг кундалик мулоқотлардан тортиб, айрим вазирлик, идора, корхона, жамоат ташкилотларигача, рекламалардан тортиб эълонларгача бўлган қўлланиш «Давлат тили тўғрисида»ги қонунда белгилаб қўйилган меъёр талабларига жавоб бермайди. Бугун юқорида номлари келтирилган кўпчилик ташкилотлар бир-бирларига давлат тилида эмас, балки рус тилида хатлар жўнатаётир ва табиий равишда, ўша тилда жавоб олмақда. Энг ачинарлиси, кўпгина ташкилотларда ходим ҳақидаги маълумотни рус ва ўзбек тилида ёзишга ўтиб борилмоқда. Тошкент шаҳридаги рекламалар асосан рус ва бошқа хорижий тилларда, фақат онда-сонда «адашиб» ўзбек тилида бериб қолиниши мумкин. Яқингача Тошкент метросига тушсангиз вагон ичида ўзингизни худди Россия шаҳарларидаги метроларда юргандек тасаввур этишингиз мумкин эди, чунки унда барча реклама ва эълонлар вагон ичига рус тилида ёпиштириб қўйилган эди. Хайриятки, бугун бундай ҳолат кўзга ташланмайди.

Шу билан бир қаторда, бугун ўзбек тилини рус ва бошқа хорижий тиллар ҳисобига «бойитиш»га ҳаракат қилишлар ҳам ортиб бормоқда. Масалан, «евроремонт», «евромойка» деган сўзлар тилимизда оммалашиб кетган эди, бугун меҳмонхоналарнинг «Дедеман», «Версаль», «Гранд Мир» деб номланиши оммалашаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Яна бир муаммо, бугун қишлоқдаги мактабларимизда рус тилида дарс олиб борувчи малакали кадрлар етишмаслиги, олий ўқув юртларида ўқитилаётган фанлардан (айниқса, техника олий ўқув юртларида) мутахассислик фанларидан дарслик ва ўқув қўлланимларнинг кўпчилиги рус тилида бўлганлиги учун талабалар фақат устозларининг маърузалари билан чекланиб қолмоқда. Рус ва бошқа хорижий тиллардаги қўшимча адабиётларни ўзбек тилига таржима

қилиш ҳам талабга жавоб бермайди. Бу, ўз навбатида, бўлғуси кадрларимизнинг етук мутахассис бўлиб етишишларига салбий таъсир ўтказмай қолмайди. Ҳатто, айрим олимларимиз замонавий фан тараққиёти шароитида инглиз тилида эълон қилинган бир қатор фанлардаги ютуқларни бошқа бирор тилда ифода қилиб бўлмаслиги ҳақидаги гоёларни ҳам илгари сурмоқдалар. Жумладан, физика-математика фанлари доктори, профессор Ш. Эгамбердиев шундай таъкидлайди: «Ҳозирги кунда илмий-техник адабиётларнинг 96 фоизи инглиз тилида ёзилади, шунинг учун инглиз тилини билмасдан, табиий фанлар соҳасида илмий тадқиқот билан шуғулланиб бўлмайди. Буни эсдан чиқармаслик лозим. Молекуляр биология ва ген муҳандислиги, нано-технологиялар, астрофизика ва янги кўпгина замонавий фан йўналишларида **ўзбекча лугат тузиш билан шуғуллангандан кўра, инглиз тилини ўрганиш анча арзон ва фойдали бўлади**. Боз устига, замонавий фан ривожининг бугунги кун суръатларини назарда тутадиган бўлсак, рўй бераётган кашфиётлар, жорий этилаётган янги технологиялар таърифини **инглиз тилидан бошқа бирорта тилда аниқ ифода қилиб бўлмаслигини тушунамиз**» (таъкид бизники — С.О.)¹. Домланинг инглиз тилини ўрганиш кераклиги ҳақидаги фикрлари таҳсинга сазовор. Умуман, инсон қанча кўп тил билса, унинг дунёни билиши, дунёга чиқиши ва маънавий бойиши шунчалик ортиб боради. Шунинг учун агар мамлакатимиз ёшлари рус, инглиз, хитой, япон ва бошқа хорижий тилларни қанчалик мукамал билса, улар интеллектуал салоҳиятининг ўсиб бориши ҳам бугун тез ўзгариб бораётган замоннинг талаблари даражасида содир бўлиши бор ҳақиқат, исбот талаб қилмайдиган

¹ «Тафаккур». 2011, 1-сон. 13-б.

аксиомадир. Буни бугун ёшларимиз англаб етмоқдалар ва уларнинг иқтидорлилари икки эмас, 3—4 та тилни ўрганишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу ижобий жараён. Аммо гап бу ерда хорижий тилларни ўрганмаслик ёки билмасликни тарғиб қилиш ҳақида бораётгани йўқ, балки жонажон она тилимизни, ўзбекнинг «мен»лигини кўрсатиб, қадини баланд тутиб турган тилимизни хорижий тилларни ўрганиш йўлида қурбон қилмаслигимиз ҳақида бормоқда.

Илмий тадқиқотлар масаласида шуни унутмаслик лозимки, IX—XII асрларда Марказий Осиёда улуг аждодларимиз, жаҳон эътироф этган мутафаккирлар ўз кашфиётларини араб, форс тилларида амалга оширганлар. Уларнинг ана шу кашфиётлари Фарбнинг «Уйғониш»ига тўртки берган. Аммо Фарб олимлари бу кашфиётларни ўрганишда араб ва форс тилини ўз тили ўрнига оммавий тарзда амал қилишига йўл қўймаганлар, балки уларни ўз она тилларига таржима қилганлар. Ана шу кашфиётларни ўрганиб, ўзлари ҳам фанда катта кашфиётларни амалга ошириб, ўз тилларини нафақат сақлаб қолганлар, шу билан бирга уларни ўрганишга дунё халқларини «мажбур» этмоқдалар. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, дунёда фан-техника технологиялари соҳасида эришган ютуқларни ўша мамлакатларда амал қилаётган тилни ўрганиб ва уни ҳар бир халқ ўз она тилига таржима қилиб муваффақиятларга эришиши мумкин. Бу жараёнда икки нарсадан ютишимиз мумкин: биринчидан, фан ривожланади ва иккинчидан, тилимиз бойийди. Агар бу ҳақда олимлар ва бутун зиёлиларимиз қайғурмаса, яна ким қайғуриши мумкин. Президентимиз Ислон Каримов тилимизни ривожлантириш вазифасини олдимизга қўяр экан, қуйидагича таъкидлайди: «Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни

бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр этиш, зарур атамалар ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз»¹.

Афсуски, бу қўйилаётган вазифани амалга оширишда барча миллатдошларимиз етарли даражада фаоллик кўрсатмаётирлар. Бу ҳақда юқорида бир қатор мисоллар келтирдик. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида тилимизни қайта тиклаш борасидаги кўтаринкилик бугун бир қадар сусайиб бораётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Собиқ шўро замонида тилимиз, урф-одат, анъана ва қадриятларимиз поймол этилди, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида уларни қайта тиклаш борасида катта ишлар амалга оширилди, бугун унинг суверен давлат сифатида халқаро муносабатларнинг мустақил субъектига айланиб, бақувватлашиб бораётган шароитида тилимизни ривожлантириш ва унинг давлат мақомида амал қилишига эътибор сусайиб боришида ким айбдор, деган савол пайдо бўлади. Албатта, бунга ўзбек интеллектуаллари ва бугунги зиёлилар, деган жавобни бериш мумкин. Биз фан-техника технологиялари ва бошқа соҳаларда шундай кашфиётлар қилишга эришайликки, улар бугун бутун инсоният тараққиётига хизмат қилсин ва уларни бошқа халқлар

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: «Маънавият», 2008. 87-б.

Ўз тилларига таржима қилсинлар ҳамда худди бошқа тилларни ўрганганлари каби ўзбек тилини ҳам ўргансинлар. Мана шу омил миллий-маънавий хавфсизлигимиз учун ўта зарур.

Агар бугун миллий маънавиятимиз хавфсизлигини таъминлашни давлат тилининг қонунда белгиланган даражада амал қилиши билан олиб бормас эканмиз, қолган бошқа соҳаларда амалга ошириладиган ишларимиз қутилган самара бермаслигини барча миллатдошларимиз англаб етишлари амалий аҳамиятга эга бўлади. Назаримизда, «Давлат тили тўғрисида»ги қонунга қўшимчалар киритиш масаласини ҳам ўйлаб кўришимиз керакка ўхшайди. Жумладан: а) қонуннинг ижроси назоратини кучайтириш; б) реклама, вазирлик, идора, корхона ва жамоат ташкилотлари ўртала-ридаги ёзишмаларни олиб боришда қонунда белгиланган талабни бузганлиги учун катта жарималар солишни йўлга қўйиш; в) шаҳар, туман ва вилоятлар, вазирликлар, идора, корхона ва жамоат ташкилотларининг биринчи раҳбарига давлат тилининг қонунда белгиланган тартибда бажарилишини назорат қилишда шахсан жавобгарлигини белгилаш; г) мамлакатимизда яшаётган ўзга миллат ва элат вакилларига давлат тилини ўрганишда барча зиёлиларимиз ёрдам беришларидаги фаолликни ҳам ошириш; шу билан бирга хорижий тилларда фан-техника ва технологиялар соҳасида эришилган ютуқларни давлат тилига таржима қилишни бугунги кун талаб даражасига кўтариш. Энг асосийси, хорижий тилларни мукамал билиш билан бир қаторда, она тилимизни уларни ўрганишнинг қурбонига айлантирмаслигимиз, аксинча, унинг нафақат ўз мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида оммавийлашиб боришига асосий эътиборимизни қаратишдир. Шундагина унинг миллий маънавиятимиз

хавфсизлигини таъминлаш имкониятларидан самарали фойдаланишимиз мумкин бўлади.

Миллий-маънавий хавфсизлигимизни таъминлашнинг навбатдаги омили қишлоқ маданий-маънавий ҳаётини глобаллашувнинг авж олиш даражалари талабларига мувофиқ равишда ривожлантиришдир. Бунда: а) қишлоқ аҳолисини жаҳонда кетаётган ўзгаришлар, айниқса, глобаллашув жараёнида миллий маънавиятимизни емиришга таъсир ўтказётган омиллар ва воситалар билан таништириш; б) улар онгида бозор муносабатлари тафаккурини шакллантириш, айниқса, кимнингдир кўрсатадиган ёрдами ёки давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ҳимоя билан тўла чекланмаслигини, ҳар бир инсоннинг меҳнатсеварлиги, яратувчилик ва фидойилиги фаровонликнинг асосий омили эканлигини мустаҳкамлаш; в) улар онгидаги миллий тил, менталитет, урф-одат, анъана ва қадриятларга бўлган ижобий муносабатларни асраш, айти замонда уларни умуминсоний қадриятлар билан бойитиб бориш ва такомиллаштириш; г) қишлоқ инфраструктурасини жадал ривожлантириш кабиларга эътиборни қаратиш назарда тутилмоқда.

Албатта, бугун қишлоқ аҳолиси жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнларидан беҳабар деб айтиш мумкин эмас. Чунки улар худди шаҳар аҳолиси каби кучли ахборот босими остида ҳаёт кечиришмоқда. Улар ҳам бугун замонавий телекоммуникация, компьютер, Интернет, мобил телефонларга эга ва дунёнинг энг узоқ жойларида содир бўлаётган кичик ўзгаришлардан ҳам бир дақиқада хабардор бўлиш имкониятига эгадирлар. Аммо ана шу воситаларнинг нечоғлиқ миллий маънавиятимизни емиришга ўтказётган салбий таъсирларнинг англаб етиш бугун унга бўлган эҳтиёж даражасидан орқада қолмоқда. Бунинг асосий сабаби, уларнинг

онгида шаклланаётган тақлидчилик, шаҳарларда кечаётган «оммавий маънавият»ни ўзлаштириш жараёнларидан «ўрнак» олиш кабилар билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Собиқ шўро замонида қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш орқали қишлоқни шаҳарга яқинлаштиришда маънавий руҳий жиҳатдан боғлаб қўйиш, аҳолини фаол яратувчи эмас, шўро ғояси, мафкурасига садоқатли, итоаткор меҳнаткашга айлантириш мақсади турган эди. Шу билан бирга қишлоқни пахта етиштириб берадиган ҳудуд сифатида қаралиб, унинг аҳолиси онгини ҳам чегаралаб, фақат бир томонлама, пахтани тараққиётнинг манбаи сифатида қараш руҳияти шакллантирилиб келинган эди.

Тўғри, мустақиллик йилларида мамлакатимиз қишлоқларида амалга оширилган ислохотларда бу амалиётга барҳам берилган бўлса ҳам, шўро замонидаги қишлоқ аҳолиси онгидаги ана шундай қарашлар қолдиқлари ҳамон сақланиб келмоқда. Уларда фаровонликка эришишда кенг қамровли фаолият талаб этилаётганини англаш қийин кечмоқда. Айниқса, фермерликни тадбиркорлик билан уйғунлаштириш жараёнлари суст ривожланмоқда, аҳолида ташаббускорлик етишмаётир, давлат яратиб берган имкониятлардан самарали фойдаланишда дадиллик бугунги кун талаб даражасида эмас, яна давлатдан моддий ёрдам кутиш кайфияти сақланиб қолмоқда. Охир-оқибатда, уларнинг ҳаммаси аҳоли онгида бозор муносабатлари тафаккурининг бугунги глобаллашув жараёнлари талабидан орқада қолишига, инфраструктуравий ўзгаришларнинг суст боришига таъсир ўтказмоқда.

Буларнинг миллий маънавиятимиз хавфсизлигини таъминлаш билан нима алоқаси бор, деган савол пайдо бўлиши мукин. Бизнингча, жудаям катта алоқаси бор. Чунки келтирилганларнинг ҳаммаси қишлоқ аҳолиси фаровонлигини ошириш билан боғлиқ маса-

лар. Агар юқорида келтирилган салбий хатолардан қуғула олсак, бу уларнинг фаровонлигини оширишга, ўзининг эртанги кунига ишонишига, ўз миллати ва халқининг маънан ҳамда руҳан бақувват бўлишига, миллий ўзлигини англашнинг ривожланишига олиб келади. Шу маънода ҳам қишлоқ аҳолиси фаровонлигини ошириш ва у ерда замонавий ишлаб чиқариш структурасини ривожлантириш миллий-маънавий хавфсизлигимизни таъминлаш етакчи омил ҳисобланади. Қишлоқда пайдо бўладиган инфраструктура билан аҳолининг онги ўсади, яратувчилик ва ўз фаровонлиги учун интилиш кучайиб боради.

Маълумки, Ўзбекистон аграр давлат, аҳолимизнинг учдан икки қисми қишлоқда яшайди. Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томондан, улар менталитетидаги ўзгаришлар миллий-маънавий заминларни асрашда ижобий аҳамиятга эга.

Бугун шўро замонида миллий тилимиз, урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг барқарор сақланиб қолишини таҳлил қилганимизда, қишлоқ аҳолиси менталитетидаги консервативлик руҳияти ўзининг ижобий таъсир ўтказганлиги келиб чиқмоқда. Шаҳар аҳолиси менталитетида, қишлоқ аҳолисидагига қараганда, ўзгаришларга нисбатан консервативлик руҳияти кучли эмас. Чунки улар ҳудудий жиҳатдан тарқоқ ҳолатда эмас, уюшқоқ ҳолатда, нисбатан катта ахборот босими остида яшайди ва маънавий ҳолатда янги пайдо бўладиган янгиликларга майли ҳам кучли. Уларнинг маълумотларни ўзаро алмашинуви тезроқ кечади. Буларнинг барчаси шаҳар аҳолисининг миллий маънавий-тимизга ташқи таъсирларнинг кириб келишида маълум даражада ўрни бўлади. Албатта, бу миллий маънавий-тининг емирилишида улар асосий сабабчи бўлади, дегани эмас, балки бу ерда уларнинг менталитетида-

ги ўзгаришларга мойилликни миллий маънавият хавфсизлигини таъминлашга йўналтириш, қишлоқ аҳолиси менталитетидаги маънавиятни асрашдаги консервативликни мустаҳкамлаш ва уни ҳозирги ўзгаришларга мос равишда такомиллаштириш ҳақидаги фикрни илгари сурмоқчимиз. Мана шу икки жараёни ўзаро уйғун ҳолда ташкил қилишга давлат, жамият ташкилотлари, маънавиятни ривожлантиришга масъуллар, олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари, хуллас, бутун зиёлилар фаол иштирок этишлари зарурияти кучаймоқда. Хусусан, бугун мамлакатимизда ўтказилаётган тадбирлар, турли байрамлар, айниқса, Наврўз байрамида аждодларимиздан мерос бўлиб қолган нодир, ўхшаши йўқ, ҳеч бир халқда такрори бўлмаган анъанавий халқ маданияти, кўшиқлар, турли ўйинлару кийимларни айнан қишлоқ аҳолиси, унинг ичидан етишиб чиқаётган ҳаваскор санъаткорлар оммалаштираётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Уларни тайёрлаш, халқимизга етказишда миллатимизнинг фидойи инсонлари катта меҳнат сарфламоқдалар. Уларнинг ҳам юзага чиқмаганларини юзага чиқариш, оммалаштириш, халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгига сингдириш йўли билан глобаллашув жараёнида миллий маънавиятимизга қарши қаратилган хавф-хатарларнинг олдини олишимиз мумкин бўлади. Чунки ана шу меросда аждодлар руҳи, қалб нури, ҳаёт кечириш анъаналари, тажрибалари ва фалсафаси ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам улар ўзининг халқчиллигини йўқотмайди, замонлар ўтган сари сайқал топиб, ҳар бир янги авлодни тарбиялашда муҳим манба бўлиб қолаверади. Янги замонда пайдо бўлган халқ меросидан узилиб қолган янги енгил-елпи ўйинлару, санъатга дахлдор бўлмаган «янгиликлар» ўз замони билан ўтиб кетаверади. Улар фақат давр тарихида қолиши мумкин, аммо халқнинг ўзи яратган, аждодлар меросига таянган ҳолда пайдо

бўлган ва қайта тикланган халқ ўйинлари, лапару бошқа қадриятлар ўлмайди, балки умри боқийликка умуминсонийликка дахлдор бўлиб қолаверади. Худди ана шу меросни асрашда қишлоқ билан шаҳар аҳолиси менталитетини ўзаро яқинлаштиришда етакчи омил бўлиб қолиши мумкин. Шу маънода ҳам қишлоқда глобаллашувнинг авж олиши даражасида маънавият ва маърифатни ривожлантириш, уларни марказий шаҳарлар даражасига кўтариш миллий-маънавий хавфсизлик учун амалий аҳамиятга эга бўлади.

Миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашда яна бир омил миллий зиёлиларнинг фаоллигини ошириш ҳисобланади. Зиёлилар мамлакат интеллектуал салоҳиятининг ажралмас қисмини ташкил этади. Аслини олганда, уларнинг ҳар иккаласи ҳам зиёли, чунки интеллектуаллар ҳам шу даражага етганда ана шундай мақомга эга бўлиши мумкин. Айни пайтда интеллектуаллик ҳам зиёиликни шакллантиради ва жамиятга хизмат қилишда иштирок этади. Бундан кўриниб турибдики, бу икки хил тушунча бир хил маънони англатмайди. Улар ўртасида маълум фарқлар бор. Жумладан, интеллектуаллар деганимизда ўзларининг ақл-заковати, иқтидори билан фан-техника, технологиялари соҳаларида илмий янгиликлар яратадиган, кашфиётлар қиладиган олимлар, адабиёт ва санъат аҳли, конструкторлар, технологлар, ҳозирги замонда фермер ва тадбиркорлар назарда тутилади. Айни пайтда уларнинг янгилик ва кашфиётлари жамият интеллектуалининг таркибий қисмини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар иккаласи уйғунликда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини ташкил қилади, дейиш мумкин.

Ўзбек халқи ўзининг барча тарихий тараққиёт босқичларида катта салоҳиятга эга бўлган зиёлиларини

шаклантириб келган. Улар халқимиз онгида мустақиллик учун кураш ғояларининг шаклланишида катта роль ўйнаганлар. Улар эндиликда мамлакатимиз тараққиёти ва ёш авлодни ватанпарварлик, миллатпарварлик руҳида тарбиялашда фаол иштирок қилмоқдалар. Мамлакат ва миллат ҳаётида зиёлининг ўрни ниҳоятда каттадир. Чунки улар халқ ичидан ўз меҳнати, ақл-заковати билан етишиб чиқадиган шахслардир. Шунинг учун халқ уларнинг фикрини ҳурмат қилади, ишонади ва унга эргашади. Шу маънода ҳам фидойи зиёлилари кўп мамлакат ривожланади, барқарорлик бўлади, миллий маънавиятни ҳар қандай зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш имконияти катта бўлади. Профессор Н. Комилов таъкидлаганидек, «зиёли дегани — нурли, нур тарқатувчи дегани»¹. Нур бор жойда эса ҳаёт бўлади, инсонлар ундан баҳраманд бўлиб, тараққиёт ҳам боқий бўлади.

Зиёли — миллатнинг юзи, унинг интеллектуал салоҳияти ва кучидир. У ўз халқи ичидан етишиб чиқадиган, унинг бағрида камол топадиган инсондир. У жамиятнинг бошқа табақалари ичида фаровонлиги жиҳатидан ошиб-тошиб кетмайдиган, ўртамиёна ҳаёт кечирувчи қисмини ташкил қилади. Лекин жамиятнинг умумий салоҳиятига баҳо берганда зиёли белгилловчи омиллардан бири бўлиб қолаверади. Чунки, унинг зиммасидаги юк фермер, тадбиркор ва ўзининг ҳалол меҳнати билан моддий бойликлар яратувчи деҳқонникидан кам эмас. У бўлмаган жамият нафақат маънавий-маърифий жиҳатдан қашшоқ, шунингдек, моддий жиҳатдан инқирозга юз тутади. Чунки у: 1) тараққиётга хизмат қилувчи янги ғояларни ишлаб чиқади ва уни амалиётга татбиқ этишда етакчилик қилади;

¹ Н. Комилов. Дунёни меҳру муҳаббат қутқарар. // «Тафаккур». 2008, 3-сон. 16-б.

2) жамиятнинг барқарор бўлишига эришишдаги омиллардан бири сифатида фаолият олиб боради; 3) жамиятнинг барча аъзоларини миллати, тили, урф-одати, қадриятлари, ижтимоий мавқеи, жинси ва яшаш жойидан қатъи назар, уларнинг бошини қовуштириб, ягона мақсад сари фаолият олиб беришларида етакчилик қилади; 4) ўзидан кейин мамлакатни тараққий қилдиришга хизмат қиладиган янги интеллектларнинг шаклланиши йўлида фаолият олиб боради; 5) жамият ҳаётида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик ғояларининг ривожланишида етакчилик қилади.

Қалбида миллат ва мамлакат тақдирига дахлдорлик туйғулари мустақкам бўлган зиёлилар борки, улар миллатимиз ва халқимиз ўртасида катта ҳурматга сазовор бўлиб келмоқдалар. Улар орасида мактабда ёшларга алифбони ўргатган устозлар, лицей, коллеж ва олий ўқув юрти даргоҳларда талабаларга сабоқ бераётган ўқитувчилар, халқимизга ажойиб асарлар яратиб, уларни хушнуд қилишга ҳаракат қиляётган ёзувчи, шоиру санъат аҳллари борлиги ҳеч ким учун янгилик эмас. Улар мамлакатимизнинг муҳим таянчлари, унинг интеллектуал салоҳиятини шакллантираётган фидойи шахсларидир. Уларсиз мамлакат ва миллатни тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг мустақил тараққиёти йилларида зиёлиларга катта эътибор берилиб, уларнинг замон талаби даражасидаги зиёли бўлиб етишиши учун барча зарур шароитлар яратилмоқда. Айтиш мумкинки, бугун зиёлиларнинг янги авлоди шаклланиб келмоқда.

Аммо бу — зиёлиларимизнинг ҳаммаси ҳам жамиятимиз ҳаётида фаол иштирок қиляётир, янги зиёлиларни шакллантириш борасида ҳамма муаммолар ҳал этиб бўлинди ёки зиёлиларнинг имкониятларидан тўла фойдаланилмоқда, дегани эмас. Ҳали бу борада бир

қатор ечимини кутаётган вазифалар бор. Улар қуйидагилардан иборат:

а) зиёлиларни таълим ва тарбияни бугунги талаб даражасига кўтаришга кенг жалб қилиш. Гап бу ерда фақат мактаб ўқитувчилари ҳақида кетаётгани йўқ (у ўз-ўзидан маълум), балки бутун зиёли аҳлини бу жараёнга жалб қилиш ҳақида кетмоқда. Мактаб таълимини янги босқичга кўтариш умуммиллий вазифага айланиши лозим. Уларда олим, журналист, шоир, ёзувчи, санъаткор ва бошқа соҳа вакиллари ўз асарларида мактаб таълимидаги муаммоларни дадил кўтариб чиқиш, ўқувчига илм-фанни ўзлаштиришда илҳом бағишлашдаги иштироклари билан ўз ҳиссаларини кўшишни кучайтириш;

б) бугун зиёли аҳлининг бир қисми кундалик ҳаёт ташвишлари билан шуғулланиб, жамиятда кетаётган жараёнларга, миллий маънавиятимизнинг «оммавий маънавият» таъсирига тушиб қолаётганлигига эътиборсизлик, аҳоли, айниқса, ёшларнинг сиёсий онги ва маданиятини шакллантиришдаги сусткашликни йўқотиш;

в) миллий тилимиз, маънавиятимиз ривожланиши ва уларни асраш ва кейинги авлодга етказишда зиёли аҳлининг зиммасидаги асосий вазифалардан бири эканлигидан келиб чиқиладиган бўлса, бу борада ҳам улар руҳиятидаги эътиборсизлик, фаолиятидаги сусткашликни бартараф этиш мақсадга мувофиқ. Бу борада уларнинг бугунги фаолияти билан мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаги фаолиятини солиштирадиган бўлсак, йиллар ўтиши билан сусткашликнинг кучаяётганлигини кўришимиз мумкин. Айрим зиёлилар онгида, «тилимизга давлат мақоми берилган, у энди ўз-ўзидан ривожланаверади», деган қарашлар ҳам шаклланаётганлигини афсус билан таъкидлаш тўғри бўлади. Аслида, ҳар қандай қонун

ҳаётга кенг жалб қилинмаса, уни амалиётга татбиқ қилишда, айниқса, зиёли аҳли фаол иштирок қилмас экан, у қоғозда қолиб кетиши мумкин.

Бугун тилимизнинг мулоқот, илм-фан, техника, технология ва бошқа соҳаларда оммавийлашиши талаб даражасидан орқада қолаётганлиги зиёли аҳлининг бунга эътиборсизлиги билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Умуман, агар миллий маънавият қашшоқлашадиган, у ташқи таъсирлар ҳисобига «бойийдиган» бўлса, бу миллий зиёлининг ночорлиги, масъулиятсизлигининг кучайиши билан боғлиқ, дейиш мумкин.

Миллий маънавият хавфсизлигини таъминлашда зиёли аҳли етакчи кучга айлансагина, бугунги шиддат билан авж олаётган глобаллашув жараёнида юксак тараққий қилган миллатлар билан тенг қатнашиш ва унинг салбий таъсиридан миллий маънавиятни асраш мумкин бўлади. Зиёлиси маънан мажруҳ ва қашшоқ миллатни глобаллашув ўз домига тортиши осон кечади ва у ўзга миллатларга «сингиб» (ассимиляциялашиб) кетаверади. Ана шу маънода ҳам бугун глобаллашув шароитида тез ўзгараётган замонда миллий зиёли аҳил ва огоҳ бўлиши, миллат олдидаги ўз масъулиятини чуқур англаши миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омилига айланиб бормоқда.

Миллий ривожланиш ғоясини такомиллаштириш, уни мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшларимиз онгига сингдириш ва унда тарғибот воситаларидан самарали фойдаланиш миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омилларидан яна бири ҳисобланади.

Миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашни умум-миллий ғояга айлантдириш деганда, глобаллашув жараёнида миллий-маънавиятга қарши кучаяётган таҳдидлардан уни асраш, тараққий қилган миллатлар билан ана шу жараёнларда тенг қатнашиш имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминловчи омилларни ўзида мужассамлаштир-

ган миллий ривожланиш ғоясини мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшларимиз онги ва дунёқараши, қалбининг ажралмас қисмига айлантириш назарда тутилмоқда.

Миллий-маънавий хавфсизлик билан миллий ривожланиш ғояси ўзаро боғлиқдир. Чунки миллатнинг мақсади ва ўз олдига қўйган вазифалари аниқ бўлса ва уни амалга ошириш имкониятидан самарали фойдалана олса, миллат ривожланади, ўз миллий хавфсизлигини таъминлашга эриша олади. Шу маънода ҳам миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш маълум ғояда ўз ифодасини топади ва бу ғоя, ўз навбатида, маълум омилларни ўзида мужассамлаштирадиган бўлсагина моддий кучга айланади.

Миллий-маънавий хавфсизликни куч ишлатиш, зўравонлик қилиш йўли билан таъминлаб бўлмайди. Бу ерда моддийлик, инсоннинг жисми учун эмас, унинг онги, дунёқараши ва қадри, яъни моддийликка айланмаган мавҳум омил ҳақида гап кетмоқда. Агар ана шу мавҳумликни моддийликка айлантиришга эришилса, инсонни унинг бутун борлиғи билан қўлга киритиш ва уни хоҳлаган кўйга солиш осон кечади. Биз инсонни миллатнинг ижодкори, яратувчиси сифатида қарар эканмиз, унинг тимсолида миллатни ўзига қарам қилиб олишда ҳам онги, дунёқараши ва қалбини эгаллаш асосий омил бўлиб қолаверади. Шундай экан, миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашда миллатнинг онги, дунёқараши ва қалбини ёвуз ғоялардан асраш устувор вазифа бўлиб қолаверади.

Биз илгари сураётган миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашни ўзида мужассамлаштирган миллий ривожланиш ғояси нафақат назария, шунингдек, аниқ ғоя ва амалиёт бирлигини ўзида уйғунлаштирган миллий маънавиятни глобаллашув жараёнининг салбий таъсирларидан асрашнинг яхлит стратегиясидир.

Унинг характерли жиҳати шундаки, унда асосий мақсадни амалга оширишнинг аниқ механизмлари ўз ифодасини топган. Бу механизмлар ишласа, самарага эришиш мумкин дегани. Муаммо эса уларни глобаллашувнинг дунёни ўзгартирувчанлик кучидан ҳам юқори даражада ишлатиш билан боғлиқдир. Аммо уни устувор даражада тасарруф этиш мураккаб кечади. Чунки миллат ичидаги моддий манфаатдорлик ва турмуш тарзининг турли-туманлиги, айниқса, бозор муносабатлари шароитида амал қилаётган моддий эҳтиёжларга нисбатан ошиб борадиган зарурият миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашга маълум даражада ўзининг салбий таъсирини ўтказиши. Шунинг учун ҳам миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш учун қуруқ гаплар, чақириғу шиорлар ҳеч қандай самара бермайди. Бунинг учун аҳолимиз, айниқса, ёшларимиз онгига глобаллашувнинг миллий маънавиятимизга солаётган таҳдидларининг мазмун-моҳиятини етказиш лозим бўлади. Бугун ундан яқдил бўлиб ҳимояланмасак, келажак авлод бизни асло кечирмаслигини улар онгига сингдириш умуммиллий гоямизга айланишига эришишимиз амалий аҳамиятга эга бўлади. Унинг умуммиллий гоёга айланиши эса миллатнинг барча вакиллари, моддий аҳволи, жинси, касб-кори, эгаллаб турган мансаби, яшаш жойи ва ёшидан қатъи назар, ягона куч бўлиб, миллий маънавиятимизни ўз имконияти даражасида ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатишини ўзида ифода эттиради.

Албатта, миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашнинг умуммиллий гоёга айланиши деганда, ўзга миллатлардан ажралиб қолиш ёки уларнинг маънавияти, урф-одат, анъана ва қадриятларига беписандлик билан қараш эмас, балки бу жараёнда уларнинг ҳам фаол иштирок этиш, ўзига хослигини асрашда ягона

куч, ягона Ватан халқининг бир қисми сифатида қатнашиши назарда тутилади. Чунки глобаллашув нафақат ўзбек, шунингдек, мамлакатимизда яшаётган бошқа миллат ва элатлар маънавиятига ҳам салбий таъсир ўтказмоқда. Шунинг учун ҳам миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш умуммиллий гоё ва амалиётга айланишида мамлакатимизнинг барча инсонлари фаол иштирок қилиши ўз самарасини беради. Зеро, ҳар қандай миллатнинг ўзлигини англаши, уни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиши умуминсоний гоёларнинг ажралмас қисмини ташкил қилади.

Миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашнинг яна бир омили — мамлакатимизда қонун устуворлигига эришиш ва демократик қадриятларни изчиллик билан ривожлантиришдир. Уларнинг аҳамияти шундаки, қаерда қонун устувор бўлса, у ерда миллати, тили, урф-одати, анъанаси ва қадриятларидан қатъи назар, умумхалқ тенглиги амал қилади. Бу жамият тараққиёти учун ўта муҳим бўлган шарт-шароитнинг мавжудлиги деганидир. Айни пайтда, қонунлар амал қилган мамлакатда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик амал қилади, жамиятда юзага келадиган барча муаммоларни аҳолининг ўзаро ҳамкорлигида ҳал этиб борилади.

Ҳар бир инсоннинг ўз хатти-ҳаракати учун жавобгарлигини англаб етиши ҳам қонуннинг устувор даражага кўтарилиши билан боғлиқдир. Уларнинг миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашдаги ўрни шундаки, қонун устувор бўлган мамлакатда миллат вакиллари ҳар бир инсон, умуман, бутун аҳоли четдан келадиган ҳар қандай ғаразли гоёлар ва зўравон мафкуралар таъсиридан огоҳ бўлади, уларга қарши курашишда ягона куч сифатида бирлашади. Шу тариқа, миллат ва умумхалқ бирлиги мустаҳкамланади

ҳамда миллий-маънавий хавфсизлик таъминланади. Қонунлар устувор бўлмаган мамлакатда эса миллий-маънавий емирилиш юзага келади. Чунки қонун бузилган жойда беқарорлик вужудга келади ва бу миллий маънавият учун янги таҳдидларнинг юзага келишига олиб келади.

Демократик қадриятлар тараққиёти ҳам миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Уларнинг ўрни шундаки:

а) қаерда демократик қадриятлар ривожланиб борса, омманинг давлатни бошқаришдаги фаоллиги ошади, уларнинг сиёсий онги ва маданияти юксалади. Бу, ўз навбатида, жамият ва давлат тараққиётига ижобий таъсир ўтказади;

б) демократик қадриятлар ривожланиб боргани сари жамият ҳаётида мавжуд бўлган барча муаммолар юзага чиқади ва аҳолининг ўзаро ҳамкорлигида уларни ҳал этиш имконияти вужудга келади;

в) демократик қадриятлар ривожининг ўзи ҳам миллий-маънавий тараққиётнинг юксак кўрсаткичи бўлиб, у туфайли миллат вакиллари ўзлигини англашининг ўсиши содир бўлади. Ҳар бир миллатнинг ўзлигини англашнинг ривожланиши эса ўз миллий маънавиятини ташқи хавф-хатарлардан ҳимоя қилишдаги яқдиллигини таъминлашга ёрдам беради;

г) глобаллашувнинг авж олиши жараёнида демократик қадриятларнинг ривожланиши бундай шароитда ҳар қандай муаммони англаб етишда оммавийлик руҳиятини шакллантириш билан ҳам амалий аҳамият касб этади. Бунинг миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашдаги ўрни шундаки, унда юзага келадиган ҳар қандай муаммо зимдан тўпланиб қолмайди, балки юзага чиқиб, уни ҳал қилишда оммавийлик амалиёти юзага келади.

Хуллас, глобаллашувнинг авж олиш шароитида миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш долзарб

вазифалардан бирига айланган. Бугунги кунда юқори-
да келтирилган омиллардан самарали фойдаланиш
амалий аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Зеро, бугун
миллий-маънавий хавфсизликни таъминламасдан ту-
риб, инсониятнинг ўзини асраш мумкин эмаслиги
тобора ёрқинроқ аён бўлиб бормоқда.

СЎНГСЎЗ

Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизликнинг ўзаро муносабатларини бир қатор назарий ва эмпирик материаллар асосидаги таҳлилида кўриб ўтилдики, ҳар қандай тушунча ўз-ўзидан содир бўлмайди, балки улар жамият ҳаётида юзага келадиган турли муаммолар ва уларни ҳал қилиш заруриятининг инъикоси сифатида пайдо бўлади. «Миллий-маънавий хавфсизлик» ҳам тасодифий юзага келган тушунча бўлмай, балки бугун глобаллашув жараёни келтириб чиқараётган миллий маънавиятни емиришга хизмат қилувчи турли таҳдидларнинг таъсиридан миллий маънавиятни асраш зарурияти юзага келиши билан боғлиқдир.

Бугун глобаллашувнинг авж олиш жараёнининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, унинг таъсирида, фан-техника, технологиялари соҳасида қўлга киритилган ютуқлар тез оммалашиб, мамлакатлар ва уларда яшаётган халқлар тараққиётига хизмат қилмоқда. Аммо худди мана шу ютуқлардан фойдаланиш тенгсизликни вужудга келтираётганида ҳам глобаллашув етакчи омилга айланмоқда. У юксак ривожланган мамлакатлар ва уларда яшаётган миллатлар ҳамда халқларнинг яна ҳам тез ривожланишига, тараққиёт йўлига кириб бораётган ва уларда ҳаёт кечираётган миллатлар ҳамда халқларнинг эса уларга етиб олишига имкон яратмаётир.

Чунки бугун фан, техника, технология ва замонавий коммуникация соҳасидаги ютуқлар катта интеллектуал кучга ва моддий қудратга эга бўлган, юксак тараққиётга эришган мамлакатларда қўлга киритилмоқда. Тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатларда эса бугунги шиддат билан ўзгараётган замон талаблари даражасида ана шу имкониятларнинг етарли даражада бўлмаслиги, ўзлари яратишдан кўра, тайёрини сотиб олишга мойиллигининг кучайиб бораётганлиги оқибатида ўзгаларга қарам бўлиб қолиш хавфи ҳам юзага келмоқда. Глобаллашувни жиловлашнинг имконияти йўқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу жараённинг олдини олиш омилларини излаб топиб, улардан самарали фойдаланган ҳолда миллий маънавиятни асрашда миллатнинг ўзини фаоллаштириш зарурияти келиб чиқмоқда.

Тадқиқотимиз натижаларидан маълум бўлдики, агар миллат ўзгалар томонидан қўлга киритилган ютуқларга таяниб, ўзини асраб бўлмаслигини англаб етмас экан, у албатта ўзгаларга «ем» бўлиб кетиши муқаррардир. Чунки ўзгаларнинг ютуқлари тараққиёт йўлидан кетаётган мамлакатларга ҳеч қачон «соф» ҳолда эмас, балки у билан бирга маънавияти, турмуш тарзи, ахлоқи ва руҳияти ҳам кириб келади. Уларнинг тараққиёт йўлидан бораётган миллатлар ҳаётига кириб келиши, табиий равишда, мавжуд маънавиятнинг заифлашувига олиб келади. Шу тариқа миллий маънавиятнинг заифлашиш анъанаси кучайиб боради.

Келтирилган жараёнлар таҳлили шуни кўрсатадики, барча воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг ўзига хос «пик» даври бўлгани каби, глобаллашувнинг таъсирида тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлар миллий маънавиятларининг юксак тараққий қилган миллатлар ва

халқлар маънавиятлари ҳисобига «бойишининг ҳам кульминацион нуқтаси мавжуд. Бу ҳолат икки вазиятда амалга ошади, яъни: а) тараққиёт йўлидан бораётган миллатлар ва халқларнинг ривожланиши жараёнида ўз маънавиятига, ўзлигини англашга ташқаридан бўлаётган таҳдидларга нисбатан огоҳликнинг шаклланиши; б) ўзгаларнинг маънавияти ҳисобига бойишдан тўйиб, унинг маънавий эҳтиёжини қондиришга қурби етмаслиги оқибатида ўз қадриятларига чанқоқликнинг юзага келишида содир бўлади. Аммо бу жараён осон кечмайди, балки ниҳоятда мураккаб бўлиб, у жуда катта зиддият ва қарама-қаршиликларга олиб келиши мумкин. Аввало, бу ҳол нисбатан катта вақтни талаб қилади, унинг узоқ чўзилиши ҳам жараённи мураккаблаштиради. Шу маънода, унинг қандай кечиши яна миллатнинг имкониятлари ҳамда улардан самарали фойдалана билишдаги фидойилиги ва салоҳиятига боғлиқ бўлиб қолаверади.

Мазкур жараёндаги яна бир мураккаб муаммо — юксак тараққий қилган мамлакатлар ўзаро ҳамкорликда шакллантираётган «оммавий маънавият»ларини глобаллашув шароитида тараққиёт йўлига кириб бораётган миллатлар ва халқлар эҳтиёжларини ҳисобга олиб, уни усталик ва изчиллик билан такомиллаштириб, уни оммалаштиришда ҳеч қандай харажатни аямаётганлиги билан боғлиқдир. Бу, албатта, тараққиёт йўлидан бораётган миллатларнинг ўз қадриятларига чанқоқлиги ошиб боришини анча мураккаблаштиради. Демак, тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлар ўз иқтисодий ривожланиш даражаларига мос равишда миллий маънавиятни асраш ва уни келгуси авлодга етказиш билан боғлиқ масалага маблағ ажра-

тишни ҳам устувор вазифа сифатида қараш зарурияти келиб чиқади.

Тадқиқотимиз давомида яна бир мураккаб муаммонинг юзага келаётганини кўрдик. У ҳам бўлса, мамлакатимизда бозор муносабатлари шаклланаётган бугунги кунда жамиятда кетаётган моддий жиҳатдан табақаланиш билан боғлиқ. Маълумки, бозорнинг ўзига хос хусусияти мавжуд бўлиб, ким унга мослаша олса, уддабурон, тадбиркор бўлса, маблағ топиш йўллари дан самарали фойдаланса, бойиб боради, булар қўлидан келмайдиганлар эса кундалик ҳаётига етадиган маблағни зўрға топадиган бўлиб қолади ва шу тариқа табақаланиш содир бўлади. Бу, **бир томондан**, миллат бирлигига салбий таъсир ўтказиб, унинг заифлашишига олиб келса, **иккинчи томондан**, миллий маънавиятнинг ташқи таъсирлар ҳисобига бойиб боришида ана шу катта маблағларга эга бўлган миллат вакиллари фаоллигининг ошувига, миллат вакилларининг ана шу маблағга эга бўлмаган иккинчи қисмининг миллий маънавиятга нисбатан консервативлик муносабати сақланиб қолишига олиб келади. Яна ҳам аниқроғи, бу катта маблағга эга бўлган миллатнинг айрим вакилларига босар-тусарини билмасдан, ўзаро рақобатга киришиб, ўз зўрлигини кўрсатишга берилиб кетиб, миллий қадриятларга зид бўлган «оммавий маънавият»нинг элементларини ўз тўйлари, маъракалари, базмларига янгилик сифатида олиб кириб, унинг намойишини анъанага айлантиришга ҳаракат қилиш кабиларда содир бўлар экан. Бундай ҳаракатларнинг тобора оммалашиб боришининг хатарли томони шундаки, миллат ичидан чиққан катта маблағ эгаларининг ана шу қисми миллий маънавиятимиизнинг ич-

дан емирилиш жараёнини ўзлари англаб етмаган ҳолда фаоллаштирувчи бўлиб қоладилар. Бундай ҳолатни халқимиздаги «Ўзимдан чиққан балога, қайга бораи давога» деган мақолига қиёслаш мумкин бўлади. Чунки миллий маънавиятнинг ичдан емирилишининг олдини олиш ташқи таъсирлар оқибатидагига қараганда анча мураккабдир. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олишда миллатнинг барча интеллектуаллари, зиёллари ва жамоат ташкилотларининг биргаликда фидойилик кўрсатишига эҳтиёж ошиб боради.

Глобаллашув шароитида миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш имкониятлари таҳлилидан келиб чиқадиган хулоса шу бўлдики, бундай имкониятлар мавжуд бўлиб, улар миллий интеллектуал салоҳиятни глобаллашувнинг авж олиш даражасида ривожлантириш, миллий-маънавий тикланишни давом эттириш, миллий-маънавий меросни ёшлар онги ва дунёқарашининг ажралмас қисмига айлантириш, миллий тилимизнинг қонунда белгиланган даражадаги давлат мақомида амал қилинишига эришиш ва бошқа бир қатор омилларни миллатдошларимиз амалий фаолиятига айлантириш орқали миллий-маънавий хавфсизлигимизни таъминлашимиз мумкин. Энг муҳими, уларни миллатимиз вакиллари ким бўлишидан қатъи назар, ана шу омилларни ривожлантиришда фаол иштирок этиб, уларнинг миллий-маънавий хавфсизлигини таъминлаш умуммиллий ғоя эканлигини англаб етишдир. Агар миллатимизнинг ҳар бир вакили, ҳеч бўлмаганда, учдан икки қисми онги ва дунёқарашида ана шу ғоянинг шаклланишига эриша олсак, миллий маънавиятимизга нисбатан глобаллашувнинг авж олиши шароитида юзага келаётган таҳдидлардан ҳимоя қи-

лишда, юксак тараққийетга эришган миллатлар билан тенг даражада жаҳон цивилизациясидан муносиб ўрин олишимиз, мустақил, маънавияти бой миллат сифатида инсоният эришган тамаддунни асрашда фаол иштирок этишимиз мумкин бўлади.

МУНДАРИЖА

<i>Муқаддима</i>	3
Биринчи қисм. ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	11
Глобаллашувнинг инқилобий моҳияти.....	12
Глобаллашув ва цивилизация диалектикаси.....	39
Глобаллашув, цивилизация ва миллат.....	73
Иккинчи қисм. ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ	111
Инсоннинг миллати ва унинг глобаллашув шароитида намоён бўлиш хусусияти.....	112
Миллат маънавияти.....	138
Миллий-маънавий хавфсизлик тушунчаси ва унинг юзга келиш сабаблари.....	175
Учинчи қисм. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТГА ҚАРШИ ТАҲДИДЛАР	212
Миллий маънавиятга қарши таҳдидларнинг негизлари.....	212
Миллий маънавиятга таъсир ўтказётган ташқи таҳдидлар.....	255
Миллий маънавиятга қарши ички таҳдидлар ва уларнинг амал қилиш жараёни.....	284

Туртинчи қисм. МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ
ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ.....314

Глобаллашув жараёнида миллий онг ривожланишининг
тенденциялари.....315

Миллий ўзликни англашнинг глобаллашув
шароитидаги хусусиятлари.....360

Миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашни
умуммиллий ғояга айлантирувчи омиллар.....392

Сўнгсўз.....447

Ижтимоий-сиёсий нашр

Садулла Отамуратов

**ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ
ХАВФСИЗЛИК**

Иккинчи нашр

Муҳаррир *А. Зиядов*

Бадий муҳаррир *Д. Муллажонов*

Техник муҳаррир *Т. Харитоновна*

Мусаҳҳиҳлар: *Н. Абдурахмонова, Г. Азизова*

Компьютерда тайёрловчи *Ф. Чанишева*

Нашриёт лицензияси АІ №158, 14.08.09.

Босишга 2015 йил 15майда рухсат этилди.

Бичими 84×108¹/₃₂. Офсет қоғози. Таймс гарнитурасида офсет
усулида босилди. Шартли босма табоғи 23,94. Нашр табоғи 22,92.

2000 нусхада чоп этилди. Баҳоси шартнома асосида.

Буюртма №15-376.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

Отамуратов Садулла

О-86 — Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик / С. Отамуратов. — Тошкент: «O'zbekiston», 2-нашр, 2015. — 456 б. — (Тафаккур тухфалари).

ISBN 978-9943-01-909-6

Мазкур китоб республикамизда кам ўрганилган глобаллашув жараёнининг миллат ва унинг маънавиятига ўтказаетган салбий таъсирларини таҳлил қилишга, глобаллашувнинг ҳозирги замон тамаддуни билан ўзаро муносабатлари, миллий-маънавий хавфсизлик тушунчаси, унинг юзага келиш сабаблари, мазмун-моҳияти, миллий ўзликни англашда намоён бўлиш хусусиятлари, глобаллашув шароитида миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашни умуммиллий ғояга айлантириш зарурияти каби назарий ва амалий жиҳатдан долзарб масалаларни очиб беришга бағишланган.

Китоб глобаллашув ва миллий маънавият ҳамда миллий ғоя масалаларига қизиқувчи ижтимоий-гуманитар фанлар соҳаси мутахассислари тадқиқотчилар ва таълим тизими талабалари ҳамда ушбу мавзуга қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

УЎК: 321.(575.1)

КБК 66.3(5Ў)

Dejã



24500 сура



Садулла Отамуратов – фалсафа фанлари доктори, профессор.
Олимнинг 250 дан ортиқ монография, илмий мақола ва услубий қўлланмалари эълон қилинган. Жумладан, олимнинг «Миллий ривожланиш фалсафаси» («Академия», 2005), «Глобаллашув ва миллат» («Янги аср авлоди», 2008), «Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик» («O'zbekiston», 2013) каби китоблари республикамизда глобаллашув шароитида миллат, миллий маънавият ва миллатни асраб қолиш омилини ўрганишда методологик аҳамиятга эга бўлиб келмоқда.

«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-01-909-6



9 789943 019096